

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 8 (111)

2006 йил, Август

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

- ЛЕСЛИ УОЛЛЕР. *Банкир. Роман*.....3  
ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ. *Амир Темур сиймоси. Илмий бадиа*.....97

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- ФРАНСУА ВИЙОН. *Ташна ўлмоқдаман дарё бўйида*.....92

### ПУБЛИЦИСТИКА

- АЛЕКСАНДР ЗИНОВЬЕВ. *Ҳақиқат, фақат ҳақиқат*.....139

### ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

- ПЪЕР ЖИЛЬЯР. *Николай II ва шоҳ оиласининг фожиали тақдири*.....143

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

- БАХТИЁР НАЗАРОВ. *Истиқлол даври ўзбек адабиётининг манзаралари*.....166

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

- АГАТА КРИСТИ. *Байрам арафасидаги қотиллик*.....172

---

ТОШКЕНТ  
АВГУСТ

Бош муҳаррир  
ўринбосари:  
**Мирпўлат МИРЗО**

Таҳрир ҳайъати:  
**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Равшан АБДУЛЛАЕВ**  
**Алишер АЗИЗХҲҲАЕВ**  
**Бобур АЛИМОВ**  
**Қуддус АЪЗАМОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖҲРАЕВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Файрат ШОУМАРОВ**  
**Тўлепберген ҚАЙПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ**

**Жаҳон адабиёти, 8. 2006.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА  
Рассом А.БОБРОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусахҳиҳ Д.АЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчилар Ш.АБДУЖАББОРОВА, Н.ИБРОҲИМОВА

Босишга рухсат этилди 15.08.2006 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1000 нусха. 06—643 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” НМИУда чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2006 й.**

Лесли УОЛЛЕР

**Банкир**

Роман

*Биринчи боб*

**К**ун охирида қуёш чўғдай қизарди. У худди аланга олиб, ўз оловида ёниб кетадиганга ўхшарди. Тезда уфққа ёнбошлаб, қахрабо нурлари билан Лонг-Айленд-Саунд бўйлаб бир-бирини қувлаётган тўлқинлар ўрқачидаги кўпикларга санчилди.

— Шамол авжига чиқаяпти, — деди Палмер кекса яхтачига қараб.

— Ташвишланадиган жойи йўқ, — дея жавоб берди қария. Бошқарувни Палмерга топшираркан чаққонлик билан арқонни грот-мачтага тортиб маҳкам боғлади.

Палмер қариянинг қаддини ростлаб, бошини сал қийшайтирганча шамол шиширган кема олд елканини кузатаётганига қараб турарди. Чолнинг бақувват танаси тўлқинлар тебратаётган яхта билан бирга у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

— Уннга бурунг, — деди у Палмерга. — тўғри соҳил минорасига қараб ҳайданг.

Бэркхардт унга умуман қарамаётганини унутган Палмер бош ирғаб қўйди.

«Қария кун бўйи мени кузатаётганини билдирмади-я», — деб қўйди ўзича Палмер. Ҳолбуки, Бэркхардт бундай сайрга ягона мақсад — Палмерни шахсан синаб кўриш учун таклиф этганди.

— Каналнинг этаги — Минорадан чапда, — деди Бэркхардт.

У қайрилиб қаради ва мовий кўзлари Палмернинг юзига тушди.

— Тўхташ жойига юравер, — деди қария ва юзини ўтирди. Энди Бэркхардт кема тумшуги елкани соясида эди, трубкасини олиб унга тамаки жойлай бошлади. Шу дамда уни дунёдаги ҳеч нарса қизиқтирмаётгандек эди.

Қирғоқдан эсаётган шамол эса борган сари кучайиб борарди. Палмер яхтанинг силкиниб, олдинга энгашиганини ҳис қилди. У шошганича рулни айлантирадиган дастакни бўшатди, мачта аста-секин тик ҳолига қайтди.

Соҳилга етай деганда яхтани чўктириб юбориш ажойиб сайру саёҳатнинг муваффақиятли якуни бўлиши мумкин эмас, — деган қарорга келди Палмер. Агар Бэркхардт сузишни истамаса, майлига, ихтиёрида эртанги кун бор ҳали. Ҳарҳолда, қария ўзининг шанбалик ҳордигини бузмоқчи эмас.

— Энди анқайма, кўзингга қара, — бақирди Бэркхардт. — Рулни ўннга бур ва ҳайдайвер.

---

Америка ёзувчиси Лесли Уоллернинг «Банкир» романи АҚШ сармоядорларининг сирли ва шафқатсиз, аёвсиз ва жозибадор дунёси ҳақида ҳикоя қилади. Асарда тасвирланган ҳаётнинг шиддатли оқими ва кескин ишқий саргузаштлар ўқувчини беихтиёр фитналарнинг жазавали гирдобига тортиб кетиши шубҳасиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Палмер «хўп» дегандай бош ирғади. У сайрнинг энг нозик палласи бошланганини ҳис этганди. Палмер ўз ишининг аҳволи Чикагода Бэркхардт идораси томонидан жиддий текшириб чиқилганига шубҳа қилмасди. Унинг оилавий аҳволи ҳам қарияга яхши маълум эди, миссис Бэркхардт эрталабки нонушта пайти яна қандайдир далилларни аниқлашга уриниб кўрди. Бироқ, айнан ҳозир, худди шу дақиқада, унинг шахсий фазилятлари ўрганилмоқда.

— Тўғрилаб қўя қол! — бақирди Бэркхардт.

Палмер: «хўп бўлади, сэр» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, ўйлаб кўриб, индамай қўя қолди. У румпелни<sup>1</sup> маҳкам ушлаб, яхтани тўғри портга ҳайдади. Грот-мачтадаги елкан шамолда шишиб, яхта шиддат билан олға интилди.

Соҳил аниқ кўрина бошлади. Палмер кузатув минорасидаги қизил калта иштон кийган денгизчининг қиёфасини аниқ кўра бошлади. Яхта шитоб билан соҳилга қараб борарди. Палмер иккита йўл-йўл соябонни ва дамлама солни кўрди, лекин канал этагига кириш йўлини сира илғай олмасди.

— Канал этаги минорадан ўнгдами? — бақирди Палмер.

— Ўнг борт томонда! — жавоб берди Бэркхардт.

Палмер тишларини гижирлатди. Қария, шубҳасиз, имтиҳон варағимга баҳолар кўя бошлади, ўйлади у. Бу баҳолар, афтидан, унча муҳиммас.

Соҳил даҳшатли тезлик билан Палмерга қараб бостириб кела бошлади. Юраги ташвишли оҳангда, гурсиллаб урарди. Минора, болалар, соябонлар, чўмилаш хоналари, балиқчи қайиқлари — ҳаммаси кафтдагидек кўриниб турарди. Фақат каналнинг этаги кўринмасди. Мичиган кўлида, якка мачтали елканли кемаси ёки ота-онасининг қирқ метрли яхтасида у ўзини мутлақо эркин тутарди. У ерда мўлжал ва масофа таниш бўлганидан, ҳатто мана шундай шитоб кетиб бораётган яхтани тўхтагиш унинг учун одатдагидай таниш, ёқимли иш эди. Бу ерда, нотаниш сувларда эса, яхтани тўхташ жойига етказиш азоб-укубат.

— Худди шундай бошқаравер! — қичқирди Бэркхардт.

Палмер румпелни кўйиб юборди, қайиқ оҳиста бурила бошлади, шамолдан шишиб турган елканлар шалвираб қолди. Тўсатдан чўккан сукунатда Палмернинг рўпарасида қоялар тўсиб турган кириш каналининг этаги пайдо бўлди.

— Яхтани каналга олиб кир, — деди Бэркхардт.

Лекин қайиқ йўналишдан чалғиган эди. Палмер яна елканларни енгилгина тортиб, йўналишни оҳиста тўғрилаган ҳолда қайиқни каналнинг тошлоқ этаги орқали соҳилнинг сокин сувларига олиб кирди. Ўнг томонда, бир неча юз ярд<sup>2</sup> масофада Бэркхардтнинг қайиқлар саройи — шамоллар шиддатида ҳилпираб турган қизил вимпелли мўжазгина иншоот кўзга таъланарди. Мазкур сарой нимаси биландир Кейп Коднинг миттигина аксини эслатиб турарди. Эҳтимол, Бэркхардт ҳозир шу уйча ҳақида гапириб қолар, деб ўйлади Палмер. Лекин ўша заҳотиёқ қария яхтага оид барча ташвишларни унинг ўзига ташлаб кўйиб, трубкасини кўллари билан шамолдан тўсиб ўт олдиришга уринаётганини ҳис этди.

Палмер кутилмаган дадиллик билан елканларни яна шамолга тўғрилади. Қайиқ тўхташ жойига қараб сузди. Агар у мени шу тариқа синаб кўраётган бўлса, ўйлади алам билан Палмер, сайримиз сўнгига бориб юраги тўхтаб қолса, ўзидан кўрсин.

Яхта тўғри тўхташ жойига қараб борар, бандаргоҳ кўринишлари йириклашиб ва яқинлашиб келарди. Фақат энг сўнгги дақиқалардагина Палмер румпелни кескин айлантирди, қайиқ ўнг бортга қараб бурилди. Елканлари туширилган яхта тезлигини пасайтирди, йўналишини сал ўзгартирди. У ҳаракатдан қарийб тўхтаган кўйи арқон боғланадиган қозикларга тақалиб борди.

— Яхши-эпладинг, — деди қария.

У ўрnidан турди, арқонни кўлида ушлаганича чаққонлик билан причал<sup>3</sup> томон ўтди-да, арқонни устунга илди. — Мен ҳам худди шундай қилган эдим. — кўшиб кўйди тахта тўшамали причалга сакраб ўтаркан. — Вуди, қани, менга арқоннинг учини ташлаб юбор-чи. Кейин шағал тош тўкилган, бош бинога

<sup>1</sup> Румпель — кеманинг руль пишанги.

<sup>2</sup> Ярд — 0,91 метр.

<sup>3</sup> Причал — қайиқлар тўхтагач, қозик-устунларга боғлаб кўйиладиган махсус жой.



олиб борувчи узун йўлак бўйлаб аста юриб кетди. У йўл-йўлакай свитерини ечиб елкасига ташлаб олди.

— Кечга бориб салқин тушади, — мингирлади у.

— Августнинг охири, ахир, — нима ҳам қилардик. — Палмер кўз қири билан улкан эманга нигоҳ ташлади. Ундаги биттагина япроқ ҳам бандидан узилиб, ҳавода айлана-айлана йўлакка, уларнинг оёқлари тагига тушди.

— Одатда, байрам кунлари шаҳарга кўчиб ўтамиз. Эдис болалар билан ҳали келганича йўқ. Бу сафар улар мен қайтиб боргунимча кутиб туришади.

— Шундай қарорга ўзинг келдингми ёки хотинингми?

— Ўзим.

Улар анчагача индамай қияликдан кўтарилишди.

— Борди-ю, сен Нью-Йоркда бирор ҳафта ушланиб қолсанг-чи? Нима деб ўйлайсан, сенинг ёрдамингсиз бу ёққа кўчиб ўтишни эплармикин?

— Эплайди, албатта. — Палмер нафасини ростлаб олди: қиялик борган сари тикка кўтарилиб борарди. — Вуди, катта ўғлим ёрдам беради. У ўн беш ёшга тўлди.

— Ўғилларинг иккита эди, шекилли?

— Ўғиллар иккита, яна қизим Жерри ҳам бор. — Буларнинг ҳаммаси Бэркхардтга яхши маълум эканига Палмер шубҳаланмасди. Лекин нега энди ўзини билмаслиқка олаётганини тушуниб бўлмасди. — Ҳадемай у ҳам ўнбир ёшга тўлади, — давом этди Палмер, — у Вудидан кейин, иккинчи бўлиб дунёга келди.

Бэркхардт энди индамай борарди, Палмер бирдан тушунди, қария нафас олишга қийналаётганини яширишга уринарди. Аста-секин йўл текисланди, улар дўнгликнинг энг тепасига кўтарилишди. Бэркхардтнинг ҳашамдор уйи улар олдида намоён бўлди. Ботаётган куёш нурида уйнинг зангори қоламаси яшилроқ кўриниб кетди.

Қурилиш услубининг ҳашамдорлигига қарамай, уй яхши таассурот қолдираркан деб ўйлади Палмер. Марказий иншоот икки қават ҳамда бўй-басти бўйича устунли пешайвонга эга эди. Ўнг қанотда, афтидан, истиқоматгоҳлар, чапда эса хонадондан уй ортидаги боққа тўғри олиб чикувчи йўлак билан чегараланган эди. Иморатнинг умумий кўриниши, айниқса, ҳайратга соларди...

— Мен сендан бу ҳақда сўраган эдим, — нафасини ростлаб олган Бэркхардт унинг фикрини бўлди. — Борди-ю, Нью-Йоркда яна бир неча кун қоладиган бўлсанг, бу сенинг оилангни қийин аҳволга солиб қўймайдими?

— Улар бунга аллақачон кўникиб қолишди.

Бэркхардтнинг кичик-кичик, аммо ўткир кўзлари ўша заҳоти у томонга қадалди. Лекин Палмер нигоҳини аллақачон четга бурганди.

— Отанг пайтида у ёқ-бу ёққа бориб туришга тўғри келмасди, шекилли?

— Уруш бошлангач, вақт-вақти билан боришга тўғри келарди.

— Гаровга нарса қўйиш муносабати биланми? — қизиқди қария.

— Аввалига бу мол-мулкни баҳолаш билан боғлиқ бир иш эди, — деди Палмер. — уруш тугагандан кейин эса, маъна, икки йилдирки, мен бутунлай бошқа иш билан бандман. Биз қарз берамиз... — унинг овози ўчди, бирданига бу майда-чуйда гаплар қария учун зерикарли эканини англаб қолди.

— Менинг билишимча, сен бир вақтлар Кредит бошқармасида ишлардинг.

— Ҳа, уруш олдида. Жуда оз ишлаганман. 1950-1951 йиллар оралигида, — қўшимча қилди Палмер, — мен тижорат қарзи билан боғлиқ ишларда қўл қабартирганман.

— Сенинг отанг банкир ҳамма нарсани билиши керак, деб ҳисобларкан, шу ростми?

Бэркхардт бирдан тўхтади, тарошланмаган тошдан тикланган деворни суяб турувчи устунлардан бирига қараб қолди.

— Қандайдир ярамас, — деди у оҳиста, — чириган олма отган экан. Гўё каптарлар йил бўйи шу ерга ўтириб, мана шу устунни ахлати билан бежаб ташлагандай.

— Олма юқини сув билан ювиб кеткисса бўлар деб ўйлайман.

— Йўқ, мумкинмас, қуриб кетсин! Олма кислотаси куйдиради, уни кетказиб бўлмайди. У тошни оқартиради, — тўнғиллади қария. — Қум билан ишқалаш

керак, шекилли! — Қария бошини чайқаганича бурилди-да, уйига қараб юрди. — Сен, шунингдек, матбуот ва реклама масалалари билан шуғулланардинг-а? Палмер бу саволми ёки тасдиқлаш эканини унча тушунмади.

— Ҳа, шундай бўлганди, — дея жавоб берди у қариянинг сўзи оҳангида.

— Бундан ўн беш йил бурун, — деди қария, — отанг рекламанинг аҳамиятини, матбуот билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарурлигини яхши тушуниб етганига ишониш қийин. Аммо, шуни тан олиш керакки, отанг сени бу соҳага яхши тайёрлади. Ҳозирги пайтда банк билан матбуот алоқасини амалга ошираётган арбоблардан айримларигина банкнинг амалий жараёнларига тушунди. Буларнинг аксарияти журналистлар, реклама бўйича вакиллардир. Улар орасида банкирни учратмайсан.

— Бироқ, уларсиз ишнинг юритилиши ҳам қийин, — деди Палмер бепарвогина. — Агар қўл остида шу соҳа мутахассислари бўлмаганида нима ҳам қила олардим, ҳеч тассавур этолмайман.

— Албатта, уларнинг хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Эндиликда бу йигитларнинг ошиғи олчи. — Бэркхардт гараж томонидан уйга олиб кирувчи ён эшикни очиб юборди. — Ана шундай тажрибага эга сенингдек кимсани қидириб топиш амри маҳол. Қани, кир ичкари.

Қоронғи даҳлизга киргач, пихини ёрган бу қари қирчанғи ўйиннинг охиригача қарталарини очармикан, деб сўради Палмер ўзидан. Ҳали савдо битмасдан туриб келишувдан хурсанд эканини ким ҳам тан оларди?

Уй олдида, қора-тиллараң йўллар билан бўялган бостирма остида, оғир мрамар тахтали стол атрофида тартибсиз ҳолда тўқилган оромкурсилар турар, стол устида эса сигаретлар ва кулдонлар тайёрлаб қўйилган эди.

Палмер ҳаммомга кириб чиқди, кийинди ва энди оромкурсида ўтирганча чорбоққа қараб хузур қиларди. Осмонда кунботар шафақлари сўна бошлаганди. Бэркхардт унинг ёнига ўтирди, трубкасини тамаки билан тўлдирди-да, чека бошлади.

Бош хизматкор патнис келтириб столга қўйди ва девордаги тугмани босди. Ёнган чироқ ёруғида Палмер икки шиша виски, учта стакан, сифон ва муз солинган кумуш ҳалқали ёғоч челақчага кўзи тушди.

— Биласанми, — деди Бэркхардт, улар ўз оромкурсиларида қулайроқ жойлашиб, бир қултумдан виски ичганларидан сўнг, — одамлар энди ҳар қандай баҳоналар билан тўс-тўполон кўтармоқдалар. Эҳтимол, кўплар оддий нарсаларни мураккаблаштириш учун нималар қилаётганини ўзинг ҳам кўриб тургандирсан.

— Ҳа, бу янгилик эмас, — деди Палмер қария нимага шама қилаётганини тушунишга уриниб. — Мен шуни айтмоқчиманки, бизлар аввал ҳам шунга мойил эдик, шундай эмасми?

— Бизлар эмас, — эътироз билдирди Бэркхардт, — улар. Бундай чалкашликларни четлаб ўтиш банкирга қийин бўлгани йўқ деб ўйлайман.

— Сиз агар мавҳум гоёларни назарда тутаётган бўлсангиз, — давом этди Палмер, — у ҳолда бундай гоёлар оддий фуқаро учун жуда мураккаб кўринади. Улар авом учун қанчалар мураккаб кўринишини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

— Мен аниқ тушунчалар ҳақида ҳам гапираяпман. Ҳамма нарса тўғрисида, — ўйлаб гапирди Бэркхардт. — Уйланиш. Ўлим. Фойда кўриш. Ҳокимият. Иш. Қимматчилик. Масала, шимни маҳкам ушлаб туриш учун камарми ёки елкалар оша тасма тақиб юриш маъкулми? — мана шунда. Умуман, минг бир майда-чуйда. Одамлар ҳамма соҳада пихини ёришди. Бундай бошбошдоқлик орасидан ўтиш амри маҳол бўлиб қолди.

Палмер диққат билан Бэркхардтга назар солди. Қария нимани назарда тутаяпти деб фаҳмлашга уринарди. Кекса банкирнинг калта олинган оппоқ сочлари бошини хира ёритаётган чироқ нурида кумушдан қуйилганга ўхшаб кўринди. Унинг ўткир қирғий бурни кичик оғзи ва тўмтоқ ияги узра кескин чиқиб турарди.

Палмер вискини смирди. Кўп йиллик бўлса керак, деб ўйлади у ўзича: нишада ёрлик йўқ эди.

— Тушунарли, — минғирлади Палмер, гарчи ҳеч нарса тушунмаган бўлса ҳам ва бирдан ўзини ёмон аҳволга солганини ҳис қилди. Бу аҳволдан чиқиб

кетиш қийин эди. Ушбу ҳолат унга отаси олдида ҳам қийин аҳволга тушиб қолган пайтларини эслатди. Бундан ўзи ҳам неча йиллар изза бўлиб юрганди.

У яна бир қултум виски сипқорди-да, ўзи учун қутилмаган бир тахлитда:

— Йўқ, тўхтанг, — деб қолди. — Улай агар, айтган гапларингиздан бирор нарса тушунган бўлсам! — У кафтлари намиққанини ҳис қилди. Энди у ўзини тутиб туролмайди, дилидаги гапини рўйирост айтади. Ахир бир соат олдин ўз жонини хатарга қўйиб бўлса ҳам Бэркхардтнинг яхтасини причалга олиб киришдан тап тортмаган эди-ку. Ўзи бу қарияда нимадир бор эди ва худди ана шу нарса Палмерни унинг орқасига боплаб тепки туширишга ундарди. Худди отаси билан бўлгани сингари ўзини ҳамиша исканжада тутиб туриш—йўқ, Палмер бунга асло кўнмайди.

Бэркхардт кулиб юборди. Шунча вақт ичида бу унинг биринчи бор кулиши эди.

— Вуди, — деди у, — оилада кенжатоё бўлганингни ҳисобга олиб, отанг сен билан жиддий шуғулланган деб ҳисоблайман. Гарчи сен, эҳтимол, буни қадрламасанг ҳам. — У қўлини силкиган эди, стаканидаги муз парчалари шиқирлаб кетди.

— Сен ўзинг бизнинг биринчи бор учрашганимизни эслайсанми?

— Чикагодами?

— Уиннеткада, сенинг отангникида, — деди Бэркхардт. — Бу турғунликдан икки йил олдин бўлганди. Буванг ҳали тирик эди. Ушанда неча ёшда эдинг? Ўн бирдами?

— Ҳа, шундай.

— Ушанда ҳаммаларинг бирга яшардингиз. Онанг, аканг Хэнли ва сен. Аканг Хэнли тирик эди. Жуда қизиқувчан бола эди-да. Сен бўлсанг, негадир одамлардан ўзингни олиб қочардинг. Булар ҳаммаси яхши эсимда. Биз отанг билан молиявий тангликдан кейингина, йигирманчи йиллар охири, ўттизинчи йил бошларида қайта учрашдик. Бу пайтга келиб у онанг билан ажрашган эди.

— Ҳа, тўғри.

— Хэнли ушанда неча ёшда эди? Ўн бешда, — фикрини овоз чиқариб айтгандай деди Бэркхардт. — У жуда эътиборли ва садоқатли фарзанд эди. Ёзги таътил пайтлари у банкда ишлай бошлаганди. Сен бўлсанг, менингча, унинг қизиқшларига мойил эмасмидинг, тўғрими?

Палмер дарҳол жавоб бермади. Бэркхардт жуда синчков эди, бироқ кекса Палмер ва унинг ўғиллари ҳақидаги ҳақиқатни билишга ҳеч ким муваффақ бўлолмаганди.

— Ҳа, мен бу билан анча кейинроқ қизиқа бошлагандим, — минғирлади Палмер.

У қариянинг нима дейишини билишни истарди. Чол у ҳақда нималарни биларкан? Ҳозир Бэркхардт унинг сиймосида содиқ ва меҳрибон фарзандни, отасининг жонкуяр ворисини кўришни истарди.

— Сени ҳамиша бошқа нарсалар қизиқтирарди, — таъкидлади Бэркхардт. — Эсимда, ушанда сен бу ерда, шарқий соҳилда қандайдир воқеага аралашиб қолганинг. Бу Рэдклиф ёхуд Смит коллежидан бир қиз билан боғлиқ эди афтидан?

Палмер чўзиб тиржайди.

— Бу сиз қайси воқеани назарда тутяётганингиз билан боғлиқ.

Бэркхардт кулди. Бу унинг иккинчи бор кулиши эди.

— Кейин эса, — давом этди у, — уруш вақтида сен бир неча бор ўлимдан қолдинг. Махсус хизмат топширигимиди?

— О, унчалик эмас! Оддий ҳарбий топшириқ эди.

Бэркхардт бир неча дақиқа трубкасини сўрганича жим ўтирди.

— Балки урушдан кейин, уйингда жойлашиб, ўз ишнинг билан шуғуллана бошлагач, анча енгил тортгандирсан?

Палмер шошмасдан вискини ичишда давом этди. Хавфли дамлар ўтиб кетди.

— Ҳа, албатта, — у ёлгон гапирди.

— Мен бўлсам, сени ҳамон ўн бир ёшли, юввош, ўз ҳаётини қарашларига эга болакай сифатида эслайман.

— Мен ҳали ҳаётга ўз қарашлари бўлмаган бирорта ҳам ўн бир ёшли болакайни учратганим йўқ.

— Сен ўшанда Хэнли ёрдамида Линдберг самолётининг моделини ясагандинг, худди ҳозиргидек эсимда: каттакон модел, жин урсин, узунлиги қарийб бир метр келарди. Сен ўз қурилмангда олис-олисларга учиб кетаман деб туриб олгандинг, ўша жойни эса Ки-бер-Пасс деб атагандинг.

— Бўлмасам-чи, — деди Палмер, — ўша пайтда фантастик саргузаштлар китобини кўп ўқирдим. Китобни Хэнлидан олгандим. Ўша йилни мен ҳам яхши эслаيمان.

— Эсингдами, онанг сени кўндиришга қанча уринганди: «Кераги йўқ, учиб кетма, Вуди, бу жуда узоқ-ку. Биз бошқа кўриша олмаймиз!» дерди онанг. Сен бўлсанг: «Ҳечқиси йўқ. Эртадан кейин уйга қайтиб учиб келаман» дердинг... Ажойиб, ёшликда келажакни тасаввур қилиш жуда осон! Бироқ, она учун бу унчалар осон кечмасди. Ўша пайтда мен ҳам бунга иҷноолмасдим. Мана, ҳаммаси ўзгарди, гўё бир кунда юз бергандек.

— Ҳа, қарийб ҳаммаси шундай, орадан атиги бир неча ўн йил ўтди, холос, — деди Палмер.

— Хўш, нима демоқчилигим сенга тушунарлими? — бирдан кескин сўради Бэркхардт. — Одамлар энг оддий нарсаларни мураккаблаштиришга мойил. Бунинг ҳаммаси оддий нарсалар эканини кўриш учун алоҳида ақл тузилиши керак.

— Алоҳида ақл тузилиши... бунга ё банкир, ёки гўдак эга бўлиши мумкин.

Қария тагин кулди ва стаканидаги вискини ичиб тугатди.

— Шу десанг, ҳозирги пайтда одамлар нималар билан шуғулланмайди, — деди у ниҳоят. — Ғарб тамаддуни ҳақида, эркин дунё тўғрисидаги улуғвор гоёларни айтмайсанми. Ҳозир фақат шулар ҳақида эшитасан, холос.

— Бу табиий, чунки одамлар ташвишда... — Палмер жимиб қолди, у кекса банкир фикри риштасини йўқотиб кўйди, деб ўйлади.

— Уларнинг ташвиш тортишига ҳожат йўқ. Ҳамма нарсани чалкаштириб юборишмаса бўлгани.

Бэркхардт бироз олдинга энгашди, шундан гавдаси бирданига катта кўриниб кетди.

— Айтайлик, ўша «эркин дунё»ни олайлик, — у стаканига тикилганича сўзида давом этди. — Бошқача айтганда, бизнинг ярим шаримиз ва бутун Европани, «темир парда» ортидаги мамлакатлар бундан мустасно, албатта. Ахир, биз буни шундай тушунамиз.

— Шундай.

— Шундай экан, — Бэркхардт қалдини ростлади ва унинг овозида бирданига тантанавор оҳанглар эшитилди. — «Эркин дунё» ҳақида гапирганингда, сен капитализмни назарда тутасан, капитализм тўғрисида гапирганингда эса Америка Қўшма Штатларини ўйлайсан, чунки уни биз бошқарамиз. Қўшма Штатлар ҳақида гапираркансан, сен банкларни назарда тутасан, чунки пулни айнан банклар беради. Шу тариқа: сен банклар деганингда, улар орасидаги энг нуфузлилари, яъни «Юнайтед бэнк»ни кўзда тутасан. Чунки энг йирик банк шу. — Қариянинг кичик-кичик мовий кўзлари Палмерга жуда жиддий тикилди. — Сен «Юнайтед бэнк» деганингда эса, — унинг овози кутилмаганда жуда паст эшитилди, — демак сен мен ҳақимда гапирасан.

Орага бир неча сониялик жимлик чўкди. Палмер қария ўтирган оромкурсиғи жирлаганини эшитди.

— Мен худди мана шу ҳақда гапираяпман, — хулоса қилди қария. — Ҳамма нарсага оддийроқ қараш лозим. Менга банкнинг биринчи вице-президенти керак. Ўз вазифангни бажаришга қачон киришасан?

## Иккинчи боб

Душанба куни Палмер Гранд Сентрал станциясида ерости йўлидан чиқди-да, эрталабки қуёшнинг ёрқин нуридан кўзи қамашиб, бир зум тўхтаб қолди. У ишга шошаётган кишиларга нигоҳ ташлади, Парк-авеню бўйлаб «Меррей Хилл» маҳалласи йўналишида кетаётган аёллар пошналарининг тақиллашига қулоқ солди.

Пастлаб ёйилган эрталабки туман ўткинчиларнинг тунд юзларидаги ташвиш соясини анча юмшатди. Улар кўзларини дадил тикканларича олға интилардилар. Аёлларнинг лаблари қон томаётган ярадек қизил, пешаналарига ажин тўр ташлаганди. Шаҳар аҳолисининг юзи душанбада куёш нурида ранг-баранг кўринади.

Палмер бир қўлидаги саквояжини гўё унинг оғирлигини чамалаётгандек, иккинчи қўлига олди-да, такси топиш илинжида Парк-авенюнинг чап томониغا ўтди. Бундан йигирма дақиқа олдин Бэркхардтнинг ҳайдовчиси иккаласини «флитвуд»да Ван-Кортленд паркидаги метро бекатига элтиб қўйганди. Парк эрталабки шудрингдан нам эди. Улар ерости экспресси вагонига ўтириб, газета ўқишга тутиндилар ва йўл бўйи лом-мим демай ўқишда давом этдилар. Гранд Сентрал бекатида Палмер метродан чиқди.

Пуританлик беъманиликдан бошқа нарса эмас, ўйларди Палмер. Қолаверса, бу хислат шарқий соҳилдаги бошқа банкирларга ҳам хосдир. Бэркхардт шаҳар чеккасида ўзининг уйи жойлашган Коннектикутдан Нью-Йорккача шахсий «флитвуд»ида бориши мумкин эди. Бироқ, Бронксдаги метро станциясидан нари ўтмасди. У ердан эса ўн беш центга ерости йўли билан Броуд-стритга етиб оларди. Эҳтимол, унинг пуританлик виждони бунга йўл қўймагандир.

Йўқ, деган қарорга келди Палмер, бу ишга виждоннинг умуман алоқаси йўқ; Бэркхардт метро уни Нью-Йорк марказигача автомобилга нисбатан анча тез элтиб қўйишини аллақачон ҳисоблаб чиққан. Бронксдаги сўнгги станция эса бутун йўл бўйи вагонда ўтириб бориш учун анча қулай.

Палмер Парк-авеню бўйлаб жанубга қараб жадал юриб кетди. У қўлидаги саквояжини силтаб борарди. Чекиб олиш учун тўхтаган эди, орқадан келиб унга тенглашган аёлнинг сонига туртиб юборишига сал қолди.

Нега энди мен мунча қўл силтаб қолдим? — дея ўйга толди Палмер, бу балки ҳаяжондир: шунча вақт у Бэркхардт билан юриб, юксак лавозимга тайинланганини, ўзини қамраган қувончни ошкор қилмасликка уринган эди-да.

Йўлни очиб берган светофорнинг ишорасига қараб, Палмер ёш жувон ортидан чаққон юриб кетди. У аёлнинг сонлари ҳаракатидан кўз узмай борарди. Аёл ўтгиз тўққизинчи кўчага бурилди. Палмер бурчакда тўхтаб, уни нигоҳи билан кузатиб қолди. Нимадир юрагини қисди. Кўзларини юмиб, томоғида қотиб қолган ҳавони зўрға ютди. Унинг боши айланди, юзи қизиб кетди. У шу заҳоти кўзини очди. Ўзини йиқилиб кетаётгандек ҳис этди. Қулаб тушмаслик учун бир қадам орқага тисарилди. Жувон эса оломон орасида кўринмай кетди.

Палмер чуқур нафас олди, кўчани кесиб ўтиб, оҳиста олдинга юрди, бурчакдан бурилди-да, «Юнион лиг» клуби биносининг айланма эшигини итарди. Машиналар сигнали, автобуслар тормозларининг гижирлаши, аёллар пошналарининг тақ-туқи ортда қолди. Уни хотиржам сукунат қамраб олди. Палмер йўлакнинг чап томонидаги зина ёнида кўп йиллардан бери турган баланд бўйли негрға имо қилди.

— Хайрли тонг, мистер Палмер, сэр.

— Хайрли тонг, — худди ушбу салом-аликни ўз вақтида эқанми дея текширгандай ўз соатига қаради ва саквояжини унга тутқазиб, соат тўққизгача ҳали беш дақиқа борлигини қайд этди.

— Хонангизга олиб борайми, сэр?

— Ҳа, албатта, — деди Палмер. У тўғри лифтга бормоқчи эди, лекин бурилди-да, Доу-Жонс индексли<sup>1</sup> телетайпдан ҳамда биржа янгиликларидан хабар олиш учун шошилди.

Биржа очилишига ҳали вақт борлиги учун Палмер акциялар нархининг сўнгги ҳафта маълумотини шошилиб кўздан кечирди. Кейин у лифт хонасига кирди ва унинг юмшоқ кўтарилаётганини ҳис этди.

Лифт тўхтади. Палмер саквояжини хонасига элтаётган негр орқасидан юрди. Хизматчи қўлидаги юкни икки кишилик улкан каравот ёнидаги махсус стулга қўйиб, деразани очди.

<sup>1</sup> Биржа акциялари нархи кўрсаткичи.

— Қандай кўрсатма бўлади, мистер Палмер?

Палмер бош чайқамоқчи эди-ю, бирдан фикридан қайтди:

— Биласанми нима, — деди у, — менга «Чикаго трибюн» ва «Уолл-стрит жорнэл»дан топиб кел...

— Хўп бўлади, сэр. Агар сизга тамадинома керак бўлса, у ёзув столи тортмасида, сэр.

— Раҳмат, нонушта қилганман.

— Ихтиёрингиз, сэр.

Хизматчи ортидан эшик шовқинсиз ёпилди.

Палмер каравотга ўтирди. У қатта чамадондан буюмлар олиниб, унинг уч кун йўқлиги пайтида жавон тоқчаларига тахлаб қўйилганлигини сизди. Иккита костюми дазмолланиб, девордаги жавонга илиб қўйилибди. Палмер у ҳали Нью-Йоркда эканлигида яна нималар қилиши кераклигини эслашга уриниб кўрди, бироқ сафарнинг асосий мақсадига эришилгани туфайли, энди нима қилиши кераклигини билолмасди.

«Юнайтед бэнк»нинг вице-президенти! Палмер ёстиққа бош қўйиб, каравотга рўй-рост чўзилди. Кекса молия қорчалони ўз банкининг қудрати ҳақида гапирганда муболага қилмаганди. Шубҳасиз, мамлакатнинг энг қудратли молия пишанги унинг қўлида эди. Чунки «Фёрст нэшнл сити бэнк» ва «Бэнк оф Америка» сингари йирик банклар унга нисбатан иккинчи даражали ўринни эгаллар эдилар.

Қизик, «Юнайтед бэнк»нинг аввалги вице-президентлари шу лавозимни эгаллаганларида неча ёшда бўлган эканлар, дея ўйларди ётганича Палмер. Эллик беш ёшдами? Ёки олтмиш ёшда? Палмер кўзларини юмиб ўзича тасавур қилмоқчи бўлди: бир ойдан сўнг молиявий хабарлар бўлимида:

«Юнайтед бэнк» 44 ёшли Палмерни вице-президент лавозимига тайинлайди» деган хабар босилса, газеталар қандай сарлавҳалар билан чиқаркан?

Чикаго газеталари бу эълонни хушхабардай ёритиши турган гап:

«Вудс Палмер-кичик «Юнайтед бэнк»нинг вице-президенти қилиб тайинланди. Ушбу лавозимда Палмер ўтмишдошлари ичида энг ёшидир».

Эшик оҳиста тақиллади.

— Кириг, — деди Палмер ўрнидан туриб ўтираркан.

Югурдак негр кирди.

— «Чикаго трибюн», сэр, — деди у. — Яна «Уолл-стрит жорнэл». — у бир пас жим турди-да, кўшиб қўйди: — «Трибюн»ни эндигина тушира бошлашди, «Коммодор Вандербилт» отели учун, сэр. Гранд Сентралда ошнам бор, ҳар куни эрталаб у менга биттадан газета олиб келади.

— Жуда соз, — деди Палмер. У чойчақа учун шими чўнтагига қўл солган эди, негр бола чойчақа кутиб ўтирмади, фақат Палмерга бош ирғаб, бурилди-да, хонадан чиқди.

Бир ўзи ёлғиз қолгач, Палмер газетани кўлига олди-да, саҳифаларни биринкетин шошмасдан варақлай бошлади. Унинг эътиборини автомобилнинг янги модели рекламаси тортди. Автомобил ёнида чўмилиш кийимидаги қиз тасвирланганди. У расмга қараб, бир зум қотиб турди, сўнг газетани кўлидан ташлаб юборди. Газета каравотдан сирғаниб, ерга тушди.

У телефон гўшагини кўтарди.

— Мени Уотервлит билан уланг, Висконсин, рақами беш-беш-ўн, икки кўнгироқ. — Палмер бир-оз кутгач, қайтарди: — Уотервлит. — Кейин гўшакни жойига қўйди. Юраги бежо ура бошлади, у тинчланиш учун чуқур нафас олди. Қизик, юраги нега типирчилаб қолдийкин? Аҳгимола, Эдис билан бўладиган суҳбатидан ҳаяжонланаётгандир, дея жавоб берди ўзига ўзи, айна пайтда бунинг ёлгон эканлигини ҳам ҳис этди.

Йўқ, ўйлади Палмер, Эдис билан бир неча кунга айрилиқ, балки у яна ҳафтача чўзилар, бунга дахлсиз. Уруш давридан буён уйдан неча бор айрилишга тўғри келган, амалий сафарлар билан мамлакат бўйлаб бир неча ҳафталаб айланиб юрган. Буларнинг ҳаммасининг на Эдисга, на унинг бу ерда ёлғиз яшаётганига, на телефонда бўлажак суҳбатга алоқаси бор.

Бироқ унга нима бўлди? Балки бунга янги лавозимга тайинлангани сабабдир?

У шифтга тикилди. Нега энди у тахминларга шунчалик қул бўлди? Ахир, қалбидан нималар кечаётганини ўзи яхши биларди-ку. У бирданига томоғи қуруқшаб қолганида, Нью-Йорк кўчаларида ҳар бир аёл зотини ютоқиб кузатганида буни яхши ҳис қиларди.

Эҳтимол, бу баҳордаёқ бошлангандир. Ёки бир оз кейинроқ, ёзда, Висконсиндаги дала ҳовлида яшаётган хотини ва болалари олдига ҳар шанба бориб турганида бошлангандир. Ўша пайт у ерда анави чўмилиш кийимидаги қизчалар ҳам бўларди. Ўша дамлари чидаб бўлмас даражада кечарди. Шаҳарда эса бутун ҳафта давомида тер тўкиб ишларди.

Фақат Нью-Йоркка мана шу сафаридан бир ҳафта олдин, августнинг охирида, ўзига нималар бўлаётганини пайқаб қолди. Бу компаниялар қўшилиши муносабати билан реклама ва ахборот бўлимининг мажлисида бўлган эди. Эркаклар эътиборини ўзига жалб қилишга ҳамиша муваффақ бўлиб келган Хэрман хоним чап оёғини ўнг оёғи устига, сўнгра ўнг оёғини чап оёғи устига шундай усталик билан олдики, Палмер унинг оёғи ва сонларини яхшироқ кўриб туриш учун стулнинг чеккасига сурилиб ўтирди. Ва, албатта, бу залдагиларнинг диққатини тортмасдан қолмади.

— Ҳа, эркаклик климакси<sup>1</sup>, — ўйлади Палмер. Худди шу пайт телефон жиринглаб қолди.

Палмер қаровотга ўтирди. Энди унинг юраги хотиржам тепарди.

— Уотервлитни улаяпман, — деди телефончи қиз. Телефон икки бор таниш кўнғироғини тингларкан, у соатига қараб қўйди. Демак, Висконсинда саккизу йигирма. Яна икки бор кўнғироқ чалди. Эдис ўрнидан туриб, миссис Кэйж билан нонушта қилган бўлса керак. Болалар ҳали ухлашаётгандир. Яна кўнғироқ. Балки улар барчаси нонушта олдиан чўмилиш учун барвақтроқ туришгандир. Гарчи ҳозир қўлда сув анча салқин бўлса ҳам. Яна кўнғироқ. Ёки ҳали ҳеч ким турмаганмикин? Ҳа, шундай бўлса керак. Сўнгги кўнғироқ кескин жиринглади.

— Хэлло?

— Эдис? Хайрли тонг.

— Вой, ассалому алайкўм, адажон, бу менман.

— Жерри? Уйғотиб юбордимми?

Телефон гўшагига қизнинг узоқ эснагани эшитилди.

— Йўқ, — деди Жерри. — Бизнинг чордоғимизда ари ин қўйибди. Улар мени эрталабдан уйғотади. Қаердан гапираяписиз?

— Нью-Йоркдан. Қандай яшаяписизлар?

— Жуда зўр.

— Вуди қандай? Том-чи?

— Жуда зўр.

— Ойингни телефонга чақир.

— Ойим ҳозир бу ерда йўқлар.

— Бўлмаса уни излаб топ, Жерри. Мен кутиб тураман.

— Мен қаердан қидиришни билмайман.

Палмер нафасини ростлади, хотиржам бўлишга уринди.

— Жерри, гўшакни қўй-да, уни чақир. Шундай бақирки, у эшитсин. Хўпми?

— Борди-ю, у уйғонмаган бўлса-чи? Агар бақирсам уйғотиб юбораман-ку.

— Менга кулоқ сол, — деди секингина Палмер. — Фол очишнинг ҳожати йўқ. Мен айтганимдай қил, Жерри. Ахир, мен жуда олисдан телефон қилаяпман-ку.

— Э-э... — қатъиятсизлик билан чўзди қизча ва бирдан шундай қичқира бошладики, отасининг кулоғини тешиб юборай деди: — Ойи! Ойи! Ҳой, Ойи!

— Гўшаккамас, Жерри!

— Ой-йи!

Ташлаб юборилган гўшак телефон столининг тахтасига тарақлаб урилди. Палмер қизи Жеррининг овози узоқлашиб бораётганини эшитиб турди. У яна ёстикқа бош қўйди ва қизининг эски уйлари бўйлаб қандай чопаётганини тасаввур қилди. Балки у ҳозир пижамададир, эҳтимол шортидадир. Жерри Палмерга ўхшарди, бу қиз учун жуда қулай, деб ўйларди у. У ёшига нисбатан

<sup>1</sup> К л и м а к с — жинсий безлар фаолиятидаги ўзгариш.

анча буйчан эди. Үн бир ёшда онаси Эдис билан тенглашиб қолганди. Оёқлари Палмер оёқлари сингари узун, юзи ҳам отасининг юзига жуда ўхшаб кетарди. Жерридан зўр манекенчи чиқиши мумкин-да, ўйлади Палмер ва соатига қаради. Орадан беш дақиқа ўтибди. Агар гўшакка бақирса, Жерри эшитармикин? Қаёққа кетди экан-а?

Кўл буйидаги уй Палмернинг буvasи томонидан, Мак-Кинли ўлдирилишидан кўп ўтмай қурилганди. Уйдан кўлгача уч юз метрли тахта йўлак элтарди. Палмернинг хотирасида болалик чоғлари, ана ўша уйлари билан боғлиқ эсдаликлари сақланиб қолганди.

Палмер яна соатига қаради: саккиз дақиқа ўтибди. У каравот четига ўтириб, ерда сочилиб ётган «Трибюн» саҳифаларига қаради. Реклама саҳифасида чўмилиш кийимидаги қиз мафтункорона унга қараб турарди.

Бэрхардт бугунги кунни ЮБТКнинг<sup>1</sup> раҳбар ҳодимлари билан кенгашга бағишламоқчи эди. Палмер Бэрхардтнинг ҳам кўнғироғини кутаётганди, у учрашув вақтини аниқлаштириш ниятида эди.

— Дада! — Жеррининг овози эшитилди.

— Эй, худо! — телефонни бунчалик банд тутиб туриш мумкин эмаслигини наҳотки тушунмасанг?..

— Мен ойимни тополмаяпман, — унинг гапини бўлди қизи.

— Майли, — деди Палмер жаҳли чиққанини билдирмасликка уриниб. — Унга айт... йўқ, яхшиси, қалам олиб ёз...

— Хўп бўлади.

— Ёзиб ол, — деди Палмер анча хотиржам овозда. — Биринчи вице-президент...

— Ёзаяпман. — Жимлик. — Вице-президент сўзида нечта «е» бор?

— Вой худойим-эй, Жерри!

Палмер ўзини сал босиб олиш учун чуқур нафас олди.

— Ёз: «Юнайтед бэнк энд траст ком...»

— Вой-вой. Юнайтед, қолгани нима?

Палмер кўзини юмди ва хотиржам овозда такрорлади:

— ... бэнк энд траст компани... Энди марҳамат, ёзганингни ўқиб бер-чи. — У диққат билан тинглади-да, тасдиқлаб, бош ирғаб қўйди. — Ойингга айт, мен шу лавозимга тайинландим...

— Энди биз Нью-Йоркка кўчиб ўтамизми? — сўради Жерри.

— Албатта.

— Дада! — инграб юборди Жерри.

— Кулоқ сол, мисс Палмер, сен ҳеч жиддий калтак еганмисан?

— Майли, майли, — хўрсинди қизча, — мен ҳаммасини айтиб қўяман.

Лекин бу хабар бирортасини хурсанд қилармикин?

— Хайр, Жерри. — Палмер гўшакни қўйиб қўйди.

Қизик, президент сўзида нечта «е» бор эмиш! Гўё бу сўзни бошқача ёзиш мумкиндай!

Палмер ўзини ёстиққа ташлади ва юзини қўллари билан беркитди. Кулоқ сол, азизам, кулоқ сол, энди мен, қирқ тўрт ёшимда, мамлакатнинг энг катта банкининг лавозим бўйича иккинчи раҳбари бўлдим. Кулоқ сол, азизам, энди Чикагода ўлиб-тирилиб ишлашимнинг кераги йўқ. Хелло, азизам, хайрли кеч!

У ўрнидан туриб пардоз столидаги кўзгу ёнига борди. Кўзлари остида пайдо бўлган шиш-қопчиқлар салқиган ва сал қорайган эди. Бэрхардтнинг уйида ёмон ухлаганди. Яхтани нозик бошқарувдан сўнг лол қолдирган ғалаба уни бутунлай уйкудан маҳрум этганди.

Палмер Бешинчи авенюга очиладиган дераза ёнига келди ва паришон бир ҳолда ўтган-кетганларни кузата бошлади. У нимадир етишмаётганини ҳис этиб, оғир хўрсинди. Орадан бироз вақт ўтгач, оломонга қараб туриб, ўткинчилар орасидан аёл кишини қидираётганини тушунди. Бироқ соат тўққиздан кейин уларнинг ҳаммаси иш жойларида эдилар. Палмер улардан қайсидир бири ишга кечикиб, унинг олдидан нозу карашма билан ўтиб қолар деган умидда анча туриб қолди.

<sup>1</sup> ЮБТК — «Юнайтед бэнк энд траст компани».



Томоғига алланарса тиқилиб қолгандай бўлди, Палмер жон ҳолатда уни ютди-да, деразадан ўғирилди. У оёғидаги пайпоғига нигоҳ ташлаб, ерда ётган газетанинг реклама саҳифасидаги чўмимлиш кийимида ўзини кўз-кўз қилаётган кизни кўрди.

Телефон жиринглаб қолди. Палмер гўшакни кўтарди.

— Вуди? Биз соат ўн бирга яқин учрашишимиз мумкин. Хўпми? — деди Бэркхардт.

— Жуда соз.

— Демак, кўришгунча. — Бэркхардт гўшакни илди.

Палмер жавон тортмасидан кўйлагини олиб киймоқчи бўлди-ю, миссис Кэйж унинг ёқасида дазмолдан из қолдирганини кўриб, хафсаласи пир бўлди. У бошқа кўйлакни олиб кияркан, хаёлан Бэркхардт билан телефондаги суҳбатга қайтди. Бу учрашув қандай бўларкан, деб ўйлади. Эҳтимол, учрашув норасмий тусда ўтар. Балки уни тор доирадаги хизматдошларига таништиришар. Уларнинг суҳбатида қанақа масалалар кўтарилиши мумкин.

Палмернинг устунлик томони унинг воқеани бошқалардан олдинроқ пайқаш қобилияти эди. Ҳозир у буни билади. Авваллари бу қобилиятини ўзи пайқамасди ҳам. Буни биринчи бўлиб пайқаган одам отасининг вице-президенти Гарольд эди. Гарольд истеъфога чиқиб кетмоқчи эди, буни анчадан бери ўйлаб юрарди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг банк муайян кўламга эришди. Бироқ раҳбарликнинг мавжуд таркиби билан бундан кейинги равнақини кутиш амри маҳол эди. Палмернинг отасига қараганда Гарольд буни анча аниқ тасаввур қиларди. Ўша пайтда у бедаво дардга чалинганди. Бу пайтда Гарольд ҳам, Палмернинг отаси ҳам саксонни қоралаб қолишганди. Гарольд ўшанда вице-президент котиби вазифасини бажариб турган ёш Вудс банкнинг вице-президенти лавозимига тайинланишини қатъий ёқлаб чиққанди.

— Сизларга эслатиб қўймоқчиманки, бу йигит эндигина ўттиз бешдан ошди! — дея эътироз билдирди Вудснинг отаси.

— Шундай, лекин унда сизнинг бошингиз бор, — жавоб берди Гарольд. — Бунинг устига, иккалангиз бир хил фикрлайсизлар. Иккови Палмернинг номзодини ошқора муҳокама қилардилар, гўё бу хонада, улар билан ёнма-ён Палмер йўқдай. Аслида эса Палмер ва яна банкнинг учта вице-президенти ҳам бор эди. Палмер отасининг ўрнини эгаллашга интилаётганига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Бу кундек равшан эди. Ҳар бир ота ўғли учун иш яратади, бу куёш ҳар куни шарқдан чиқишидек тушунарли. Бироқ, агар ўғил отасининг ҳадясини қабул қилишни хоҳламаса, агар у ўз авлодининг омадсиз насли бўлса ва у ушбу кенгашда отаси ўлим тўшагида экани туфайлигина қатнашаётган бўлса-чи? Унда бу нарса ўғилгагина тааллуқли, нафсиламарини айтганда, бу унинг виждонига боғлиқ масаладир.

— У олдиндан кўра билиш қобилиятига эга, — деди Гарольд ўшанда. — Бундай қобилият фақат банкирлардагина бўлади. Бу — табиат инъом этган чинакам бебаҳо тухфадир.

Орага жимлик чўкди. Палмер йўталиб олди-да, кулимсираб ҳазиллашди.

— Шу нарса яхши маълумки, электрон ҳисоблаш машиналари фирмаси янги ускуналар тайёрлаш устида иш олиб борапти. Ана шу ускуналар бу масалани анча осон ҳал қилади...

Бошқа, тоза кўйлакни кияркан, Палмер ҳаммомдаги катта ойнада диққат билан ўзини кўздан кечирди. Ёш меросхўр шаҳзодани ўттиз беш ёшида кичик тахтга ўтқазиб унинг отасини ҳам, Палмернинг ўзини ҳам илҳомлантирмади. Бу ҳақда ўзи ҳатто эшитишни ҳам хоҳламади. Ҳозир эса у, анчагина катта киролик — «Юнайтед Бэнк энд траст компани» салтанатининг кичик тахтига худди бўйнига бўйинтуруқ солгандай, ўтқазиб қўйилганди. Шу боисдан ҳам у дарҳол мамлакатдаги энг йирик банкнинг иккинчи раҳбари лавозимини эгаллаганди.

Палмер портфелига қараб қўйди. Бугун бўладиган амалий учрашувга ярайдиган бирор фойдали нарсани Мейген қоғозлари орасига қўйганмикан? Шундай қилиб, олдиндан кўра билишдек бебаҳо туйғу бугун яна асқотди. У портфелини очди, «Нью-Йорк банкларидаги аҳвол» маълумотномасини оҳиста арақлади, машинкада босилган қисқа шарҳларни қайта-қайта кўздан кечирди.

Нью-Йорк молия дунёсидаги ишлар барқарор эди. Зеро, мамлакатдаги барқарор вазият шуни тақозо этарди. Чунки Уолл-стрит бир вақтнинг ўзида Нью-Йорк билан алоқада бўлган штатлардаги минглаб банклар ўтказётган сиёсатни ифода этарди. Палмер вазиятни чамалаб кўриб, аҳвол танглигини ҳис қилди. Чунки кредит туркуми бўғма илонга ўхшаб ўз-ўзини шу қадар қаттиқ чирмаб олган эдики, яна бироз ҳаракат қилса, ўз думини ютиб юбориши ҳеч гап эмасди.

Худди аввалги сингари янги пул оқимиға, жамғармаға ва нақд маблағға, яъни яшил банкнот ларға талаб жуда катта эди. Зеро, бундай банкнотлар олинган пайтда банк кредитлари тарзида янги маблағларни вужудга келтирарди ва пул муомаласида улардан кенг фойдаланиш мумкин.

Хусусан, кредитлар билан бўладиган барча муаммо мана шундан иборат эди. Бугун мамлакат банкларға кредит топишда ёрдам беришға даъват этарди. Бултурги автомобилни янги русумдаги бу йилги машинаға алмаштириш шарт деб ҳисобловчи ҳайдовчидан тортиб, омборларида тикилиб ётган маҳсулоти ўрниға пўла сотиб олиш учун пул олишға интилаётган Детройт заводчиларигача шунға ҳаракат қиларди.

Бироқ, ўйлади Палмер вужудға келган вазиятни ҳисобға оларкан, бу янги пуллар қаердан пайдо бўлди? Одамлар қандай қилиб пул жамғаришға муваффақ бўдилар? Оддий малакали механик ойиға 600 долларға етар-етмас, яъни йилиға 7200 доллар иш ҳақи оларди. Даромад солиғи чегириб ташланса, унда 6000 доллардан сал ортиқроқ пул қоларди. У яшаб турган уй камида ўн йилдан кейин қулаб тушишға мўлжаллаб қурилган эди. Бу эса унға қурилишнинг сотув нархидан икки баравар қимматға тушарди. Шу тариқа, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан насияға олинган уй йилиға навбатдаги тўлов ва солиқлар тарзида камида 2000 долларни ютиб кетарди. Натижада ҳаёт кечирини учун 4000 долларға яқин пул қоларди. Шундан 2000 доллари автомобил ва уй буюмлари сотиб олиш билан боғлиқ тўловларға кетарди. Шундай қилиб, оддий америкалик хотини билан бахтли ва фаровон ҳаёт кечирини ва уч фарзандини едириб-ичириб, кийинтириши-ю ўқиши учун йилиға 2000 доллар, яъни ҳафтасиға тақрибан 38 доллар қолади деб тахмин қилинади.

Палмер «Нью-Йорк банкларидаги аҳвол» маълумотномасини бир четға қўйиб, қарз олиб, қарз бериш ҳаётининг бу ҳаво пуфағи, ниҳоят, қачон ёриларкан деб бош қотира бошлади. Умуман, шу пуфак ёрилиши мумкинми? Бу ҳалокатнинг олдини олишнинг бирор чораси йўқмикин?

ЮБТК ёзувли маълумотномани олиб, варақлади-да, Палмер қарийб йигирманчи марта «Катта Одам» сарлавҳали қийқимға диққат билан тикилди. Мақоланинг иккинчи устуни Бэркхардтнинг таржимаи ҳоли ва мартабаси ҳақида эди. Фотосуратда йигирма метрли яхта штурвалида келишган аммо, жаҳлдор Бэркхардт савлат тўкиб турарди. Сурат остиға эса: «Лэйн Бэркхардт «Юнайтед бэнк энд траст компани» жиловдори» деган тагсўз ёзилганди. Ушбу бўлим Бэркхардтға моҳир яхтачи сифатида таъриф бериш билан бошланиб, истиораларға тўлиб тошганди:

«Ўша унутилмас йилда, сентябр ойида, Бэркхардт денгиз шамоллари оқартириб юборган яхтачи қалпоғини ташлаб, эскириб ғижирлай бошлаган (1798 йилда қурилган) молиявий кема рулиға ўтирди. Бу кема Нью-Йоркнинг Уолл-стритида «Юнайтед бэнк энд траст компани» номи билан машҳур эди. Пирл-Харбордаги 1941 йилги воқеалар пайтида кеманинг тақдири ишончли қўлларда, Бэркхардт назорати остида эди.

ЮБТК рулини бошқарувчи янги капитан назоратни шунчалик маҳорат билан қўлга олдики, ташвишли эллигинчи йиллар осон кечди, сўнгра мамлакатдаги энг йирик молиявий бунёдкорлик даври бошланди. Бу, албатта, қўшилиш йўли билан амалға оширилди. Шундай қилиб, Уолл-стритда «Чейз Манхэттен бэнк» ва «Фёрст нэшил сити бэнк» сингари улкан кемалар қаторида қудратли ЮБТК ҳам сузишға чиқди. Шу тариқа, икки паҳлавон ёниға учинчиси қўшилди. Калифорния аҳли ҳамон фахр билан «Бэнк оф Америка»ни улкан деб ҳисоблардилар. Чунки ўшанда Нью-Йоркдаги банклар у билан беллаша олмасдилар.

<sup>1</sup> Банкнот — банк томонидан чиқариладиган ва пул ўрнида юрадиган фоизсиз кредит чиптаси.

Шу ҳафтада Лэйн Бэркхардт ва «Хадсон траст» вакили Пол Жерати тушлик пайти «Юнион лиг» клубида учрашишди. Тушлик сўнгида Бэркхардт «Хадсон траст»ни элликта филиали билан биргаликда ютиб юборди. Шу тариқа «ЮБТК» бир сакрашдаёқ шунчалик олдинга ўтиб кетдики, эндиликда Нью-Йоркнинг улкан училиги Бир қўшув Иккига айланди. «Юнайтэд бэнк» активидаги 12441207353 доллар «Бэнк оф Америка»нинг 11 миллиардидан ўзиб кетди.

Ўз тахминларини ошкор қилишни истамаган шум ниятли молиячилар Бэркхардтнинг ютган ёғли луқмасини ҳазм қилишига шубҳаналардилар. «Хадсон траст» портфели электроника ва ракетасозлик сингари нобарқарор тармоқлардаги ўта қалтис саноат заёмлари билан тўлиб кетган. Бу заёмлар молиявий танглик учун жиддий шароитни вужудга келтириши мумкин эди».

Газетадан олинган бу қийқимни четга олиб қўяр экан, Палмер Бэркхардт телефон қилганидан бери уни ташвишга солаётган масала ҳақида ўйлаб қолди.

У каравотдан турди, ўзига оро бергандай бўлди, яна кўзгу олдида борди, ўзига бир нигоҳ ташлади, бир зумга кўзларига тикилди. Шунда унинг эсига бир ҳафта бурун Чикагода телефондаги суҳбати тушди. Иссиқ ва рутубатли кун эди, тунд осмон бағрини чақмоқлар чақини тилиб ташларди. У эндигина матбуот конференциясидан чиққан. Конференцияда у отасининг банкни сотишга қарор қилгани ҳақида баёнот берганди. Палмер буни қўшилиш ниқоби остида амалга ошириш ниятида эди.

Унинг илҳоми келиб кетди, гўё ҳозиргина дадил ҳарбий юришни мувффақиятли амалга оширгандек эди. Лекин барибир, шу ишга киришар экан, у анча эҳтиёткор эди ва белгиланган анъаналарга амал қилиб, отаси вафотидан бир йил ўтишини кутди. Унинг банкдан ва у билан боғлиқ барча нарсадан тезроқ халос бўлишга қанчалар интилганини ҳеч ким фаҳмламади ҳам.

Аслида бу банкнинг меросхўри акаси Хэнли бўлиши керак эди. Хэнли укаси Вудсга қараганда анча вазмин ва қўнғилчан бўлиб, отасига унча ташвиш келтирмасди. Бироқ, 1941 йилнинг бошларида Хэнли отасининг измидан чиқиб кетди. У ҳарбий катерда Пенсаколадан денгизга чиқиб кетди-ю, шу бўйи қайтиб келмади...

Палмер кўзгудан ўгирилди-да, хаёлан Чикагога, ўша унутилмас кунга учди. Журналистлар матбуот конференцияси ўтган зални ҳозиргина тарк этишди. У бир ўзи қолди, эркнинг мастанавор кайфиятидан анчагина сархуш ўтирди. Унинг елкаларидан отаси банкнинг оғир юки олиб ташланди. Шу юк билан бирга отаси унда уйғотган эзгучи ҳис-туйғу ҳам йўқолди. Умрининг ярми ўтди, балки ундан кўпроғи ўтиб бўлди, лекин энди у яна ўзига ўзи хўжайин.

Худди шу пайт телефон жиринглаб қолди. Бу хизмат телефони эмас, шахсий телефони бўлиб, дафтарда қайд этилмаганди. Нью-Йоркдан кўнғироқ қилишаётганди. Гўшақда гапирётган Бэркхардт эди. Палмернинг матбуот конференциясидаги баёноти унга маълум бўлганди. Ҳали матбуотда босилмасдан олдин унга етказишганди.

— Вуди, — деди баланд овозда Бэркхардт, — олий тоифадаги командага ўтиш вақти келмадимикин?

— Нима, Чикаго олий нуфуздаги команда эмасми? — эътироз билдирди Палмер.

— Сўнги йилларда матбуотдаги тасодифий мақолалар бирор аниқ асосга эга бўлдими? — саволга савол билан жавоб берди Бэркхардт. — Бошқача қилиб айтганда, ўз кучини ишга солиш учун фаолиятнинг кенгроқ майдонини изламаяпсанми?

— Фолиятнинг кенг майдони деганда нимани назарда тутаётганингизни тушунтириб беролмайсизми?

— Нима бало, буни сенга телефонда баён қиламан деб ўйлаяпсанми? — деди Бэркхардт.

Палмер бир дақиқа жим қолди, телефондаги суҳбат саволлар тарзида ўтди деб ўйлади Палмер, лекин уларнинг ҳеч қайси бири бу саволларга жавоб ололмади. Суҳбат жуда чўзилиб кетди шекилли, деган ўйда Палмер кулиб юборди:

— Мендек кишлоқи оддий одамга, сиз нью-йорклик банкчилар ўта устамонсизлар.

— Бўлмаса, тезда самолётга чиқ, — деди ўшанда Бэркхардт. — 17.40 да учасан, мен тайинлаб қўяман, сени Айдуайлд аэропортида кутиб олишади...

Ҳечам-да, шошилишнинг кераги йўқ, ўзини тергади Палмер ва жавоб берди:

— Ҳозир-а? Йўқ, Лэйн, бу ерда менинг бироз ишларим бор, ҳатто, шу паст тоифадаги командада ҳам.

— Қанақа ишлар тагин? — сўради Бэркхардт. — Шундай бирлашишдан сўнг яна қандай ишларинг бўлиши мумкин? «Кирим» ва «Чиқим» жилдларими? Мен чиндан ҳам жиддий, ростакамига диққатга сазовор ишни назарда тутялман, жин урсин!

Палмер бир оз жим турди-да, эҳтиёткорона жавоб берди:

— Ростини айтсам, билмайман. Эҳтимол, ушбу арзимас саёҳатимиз Эдисга қувонч бахш этар.

— Мен уни бағримга босишга ҳамиша тайёрман, лекин бу сафар эмас. Хўш, эртага вақтинг қанақа?

— Боролмасам кераг-ов...

— Майли, — унинг сўзини бўлди Бэркхардт. — Энг кечи билан жумага. Менинг шаҳар ташқарисидаги уйимда ҳордиқ чиқарасан. Хўпми?

— Хўп, — рози бўлди Палмер, — Мени қизиқтириб қўйдингиз.

— Уйлайманки, сенда қизиқишдан кўра катта нарса ҳам уйғота оламан, — жавоб берди Бэркхардт. — Демак, жума куни Айдуайлд аэропорти, соат 17.40...

У ўзини кўзгуда кўрди ва эслади, Бэркхардт билан суҳбатдан сўнг нақадар қувончли ҳаяжон қамраб олганди. Палмер қария унга анча юқори, масъул лавозим таклиф этишини ўшандаёқ биларди. У ўзида қониқиш ҳосил қилди.

Унинг ўз олдига қўйган мақсади яқин эди. У Чикагодаги идорасида ўтирар ва ўзини зўриққандай ҳис қиларди. Оғир, рутубатли ҳаво кислородсизга ўхшаб кўринарди. У зўрға нафас олар, ҳаво етишмаётганга ўхшарди.

Ҳа, бу зафар, чинакам, тўла галаба эди. У банкдан, кекса отасининг ҳукмронлигидан озод бўлди ва энди шиддатли тезлик билан Чикагодан халос бўлаётганди. Сафарини жумагача қолдириш унга нечун керак бўлиб қолди? Ҳафтанинг охиригача кутиш нақадар оғир? Ахир, шу бир неча кундан сўнг уни узоқ кутилган тўла озодлик қарши олади.

«Юнион лиг»даги ўз хонасида кўзгуга қарай туриб, Палмер бурун катаklarининг ана шу озодликнинг янги ҳавосини мумкин қадар кўпроқ хидлашга интилиб, кенгая бошлаганини сезди.

Хэнли учун белгиланган рўл — отасининг ўнг қўли рўлини ўйнашга неча йилларини сарфлади, елга совурди. Ич-ичидан емирган касалликдан аста-секин ўлаётган отасининг ўнг қўли вазифасини бажариб юрди.

— Агар бу сени ташвишга солаётган бўлса, — деди Эдис урушдан кейинги дастлабки йилларда, — Хэнлининг ўрнини босолмаслигининг отанга айт. Айтиб, бу ишдан бўша-да, ташвишдан қутул.

— Бундай қилолмайман. Отам касал, бунинг устига ёлғизланиб қолган. Бунақа қилиш қўлимдан келмайди.

Палмер кўзгудан нари кетди ва эшикка йўналди. У ҳозир ўзини хув ўша, урушдаги оғир дамлардагидек ҳис қиларди. Ҳаракат қилиш керак. Шуниси ҳайратланарлики, у ҳали ҳам ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотгани йўқ. Урушдан кейинги беҳуда сарфланган йилларига қарамай, у ҳали дадил кўринарди. Ахир ўша пайтлар ҳар бир қарорнинг қабул қилиниши кекса, мижгов ва ўжар, ишнинг орқага сурилишидан завқ оладиган отасига боғлиқ эди.

Палмер эшикни очиб, йўлакка чиқди ва лифтга қараб юрди. Кутиш йиллари, афтдан ўтиб кетгандай бўлди. У ўзини тақдирининг соҳибидай ҳис қилди. Уруш пайтида ҳам худди шундай бўлган эди. Унда ўзи учун янги бўлган гайритабиий ҳаётбахш туйғу пайдо бўлди. Бу туйғу уни ёшлигига қайтаргандай бўлди. У ҳаётини янгидан бошлагандай ҳис этди.

Палмер лифтни кутаркан, бундай туйғуни сўнгги бор қачон ҳис этганини эслашга уринди. Бу ўн беш йил бурун бўлган эди. Ушанда Палмер бошчилик қилаётган бўлинма Ростокдан, бомбалардан ўйдим-чуқур бўлиб кетган кўчалар

бўйлаб машиналарда Грейфсвальддаги «V-2» базасига боришарди. Улар таслим бўлиш ҳали нямалигини билмаган аҳоли ҳудудидан ракетасозлик соҳасида иш олиб бораётган фашист олимларини излаб юришарди. Палмернинг бўлинмаси руслар бу ерларга келмасдан бурун ракетачи олимларни ўғирлаб кетишлари керак эди. Уларнинг тепасида пастлаб учаётган «фоккевульфлар» чарх урарди.

— Пастгами, сэр?

Лифтчи Палмернинг нигоҳидан кўзини олиб қочиб, ўзини гилам нақшларини томоша қилаётгандек кўрсатарди. Палмер лифт ичига кирди, унинг эшиги ёпилишини кузатиб турди, юраги ҳовриққани унинг пастга тушаётганини ҳис этди. Қандайдир дақиқаларда у ўзини вазнсиздек, енгил ва озод сездди. Сўнгги ўн беш йил ичида у ўзини бундай ҳис этмаганди.

У чуқур нафас олди ва бўлгуси воқеаларга ич-ичидан тайёрланди.

### Учинчи боб

Броуд-стритда Палмер таксидан тушди. Ҳар сафар Нью-Йоркка келаркан хайрон бўларди: Чикагога нисбатан бу ерда такси нақадар арзон. ЮБТК идорасининг биносини кўздан кечираётган Палмер бир неча сәния йўлакда туриб қолди.

Энг йирик банкларнинг кўп сонли филиалларидан ҳар бири бош идорадан кўра ҳашаматли кўринарди. Улкан гилдиракларда гардиш ҳамиша ўқдаги тиқинга нисбатан тез айланади. Бу ерда эса, Палмернинг рўпарасида худди ўшандай тиқин мана мен деб турурди.

Бундан ўттиз йилча олдин мана шу ҳашамдор, хунукдан-хунук бино худди ердан ўсиб чиқиб, қад ростлагандек бўлди. Лекин ўша пайтларда ҳам мана шу ўн саккиз қаватли иморат замонавий эмасдек, эски услубда қурилгандек кўринарди.

Палмер унинг ижодкорлари — банк директорларининг ниятларини аниқ тасаввур этди. Мазкур бинони қуриш ғояси, афтидан, 1921 йилги машҳур биржа вазвасасидан кейин, йигирманчи йиллар шов-шуви авжига чиққан пайтда, турғунлик арафасида вужудга келган. Банк идорасига ўшанда юзлаб шундай лойиҳалар қалаштириб ташланган бўлса керак. Бинонинг қандай бўлиши тўғрисида баҳслашувлар бўлгани турган гап. Ушанда ҳам ҳамиша бўлганидек, Эҳтиёткорлик Беғамликка қарши кўйилгандир. Ҳа, умуман бир миллиард доллар ўша даврларда ҳам қудратли парвоздан далолат беролмасди. Бунинг устига «Юнайтед бэнк» катта дабдабаларга унчалик интилмади ҳам. Кўпчилик авлодларга ЮБТКнинг турғунлик давридаги турли компанияларнинг қўшилишидан анча олдин атрофдагилардан мустақил равишда ривожланиш ҳуқуқига эга бўлган қудратли компания сифатида тасаввур қилинарди...

Биринчи қаватда жойлашган, омма учун мўлжалланган залга фақат битта айланма эшикдан кириларди. Палмер эшик тепасидаги яшил ранг мрамарга ўрнатилган, тилла суви юритилган деворий соатга кўз ташлади. Бэркхардт томонидан белгиланган учрашувга беш дақиқадан ошиқ вақт қолганди.

У эшикнинг сайқаланган ёғоч ромини аста итарган эди, салмоқли ойнаванд шиша секин айланди. Палмер ўзини каттакон зал ичида кўрди.

Эшикдан чап томонда улкан стол атрофида икки банк хизматчиси ўтирарди. Улардан бири тилла ҳошияли тақвимга қандайдир белгилар кўярди. Унг томонда оқ йўл-йўлли яшил мрамар девор чўзилиб кетган бўлиб, унга ўн иккита тилла гардишли ғазна дарчалари ишланганди. Дарчалар ортида газначилар дафтарлари устига энгашиб, ўзларини ишга жиддий банддек кўрсатишарди.

Палмернинг оёқлари остида оқ мрамар тўшалган пол ялтираб турарди. Уч қаватли уй баландлигидаги шифтдан ёғилиб турган зарҳал шафақ зални ёритиб юборганди. Палмер қорамтир-яшил ранга бўялган шифтга кўз югуртирди. Биллур тақинчоқлар осилиб, тилла суви югуртирилган қадимий қандиллар гўё ярим тун осмонида юлдузлардек порлаб турарди. Марказий дарвозанинг ҳар икки томонида яшил чарм диванлар кўйилган, улар орасидаги нафис тагликларда тиллоий кулдонлар ялтирарди. Залнинг тўрида иккита лифт ёнида кичкинагина, сочлари оппоқ, озгин одамча турарди. Унинг касбий кийими ва ёнига осган

полициячи тўппончасининг ғилофи бўлмаганида уни рутбали хизматчи ёки дарбон дейиш мумкин эди.

Шифтнинг баландлиги уч қават уй бўйи келадиган ҳашаматли залда сукунат ҳукм сураб, электрон жиҳознинг майин чиқиллагани эшитиларди. Афтидан, хизмат хоналарида ҳужжатларни саралаётган ускунанинг овозига ўхшайди. Палмер бир зум дарчалардан келаётган товушга қулоқ тутди: заёмлар бўйича қарздорликни ҳисоблаётган бўлса керак.

Унинг келганига ҳеч ким эътибор бермагандек кўринди: банкка кираверишда ўтирган хизматчилар, дарбон ва ҳатто лифт ёнидаги қоровул ҳам у томонга бир бор қайрилиб қарашмади. Тилласи ялтираб турган мрамар тўшама бўйлаб одимлаб бораркан, у пошналаридан таралаётган бўғиқ товушни ҳис қиларди, холос.

Палмер яқинлашиб келиши билан қоровул унга бош эгиб сассиз саломлашди ва тугмани босди, лифтнинг қопқалари икки ёнга сурилди.

— Сиз ўн саккизинчи қаватга чиқасиз, мистер Палмер, — деди қоровул.

Палмер бу ерда кўрсатилаётган «томоша» учун ўзича истехзоли жилмайди-да, кескин орқага бурилди. Уни диққат билан кузатиб турган банк хизматчилари — маъмурлардан тортиб газначиларгача — қотиб қолишди. Уларнинг ноқулай аҳволга тушиб қолишганини кўрмаслик учун Палмер шу заҳоти яна орқага бурилди-да, лифтга кирди ва тугмани босди. Эшиклар ёпилди. У соатига қараб кўйди. Бир дақиқаси кам ўн бир. Жуда соз.

Лифт юқорига майин кўтарилиб бораркан, Палмер яна банк биносининг биринчи қаватидаги тарҳини ким ишлаб чиққанини ўйлади. Бинонинг биринчи қаватидаги залнинг ғояси умрини яшаб бўлган консерватизм қонунлари асосида пайдо бўлганлиги шундоққина кўриниб турарди. Ахир, бу чекланган, қари, мижғов, шаробхўр сармоядорлар ўз ниятларида театр безаклари наққошлари ҳам амалга оширолмаган нарсаларни кўра билган ва бунёд этгандилар.

Ана шу кекса япалоққушлар эришган ютуқлар ўзининг кутилмаганлиги ва такомиллиги билан ҳайратга соларди. Биргина залнинг ички кўринишидаги тиллоий ва яшил ранглар уйғунлиги ҳам шуни тасдиқлаб турибдики, улар ривожланган дунёнинг кўпчилик малакатларида ана шу икки ранг пулни билдиришини ҳам ҳисобга олганлар.

Клеркларнинг<sup>1</sup> анъанавий эҳтироссизлиги-чи? Палмер ҳеч бир томошада актёрларнинг ўз рўлларини бунақа зўр ўйнаганини ҳали кўрмаган эди. Ҳолбуки, уларга ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзларини мана шундай тутишлари кераклигини айтгани йўқ. Уларнинг ўзларини шу тарзда тутишлари аста-секин анъанага айланди ва авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Палмер шу ерда ишлаши кераклигини сезганидан бирданига қувонч ҳис этди. Аммо бу туйғу шу лавозимга тайинланганида ҳис этган тантана завқига сира ўхшамасди. Палмер жилмайиб кўйди. Лифт эшиги очилиб, у бинонинг охириги қаватидан ташқари чиққанида ҳам унинг чеҳрасидан табассум аримаганди.

Йўлакдаги каттакон стол ёнида ўтирган қиз пайпоғини тўғрилаш учун энгашиди. Палмер нигоҳи билан унинг оёқлари бўйлаб бир сузиб ўтди-да, кўзини четга олди. Бироқ атрофида диққатга сазовор бирор нарса учратмагач, орқасидаги лифт эшиги ёпилиши билан яна қизга қаради.

Савол аломати билан унга қараган қиз сўради:

— Мистер Палмерми?

У тасдиқлаб бош ирғади. Қиз шошилиб ўрнидан турди-да, йўлак бўйлаб юраркан, орқасидан юришини таклиф этди: «Бу ёққа, марҳамат». У қизга эргашди, кенг ва яшил йўлак бўйлаб бораркан, унинг қадди-қоматига қарамасликка ҳаракат қилди.

Йўлак уни сайқал берилган ёғочдан ишланган икки табақали катта эшикка олиб келди. Палмер юқори лабининг енгил терлаганини ҳис қилди ва бармоғи билан артиб кўйди. У зўр бериб бостириб келаётган ноўрин фикрлардан ўзини чалғитишга уринарди. Бэркхардт ўз банкида ички коммуникация учун механик ускуна — интеркомдан фойдаланишни лозим кўрмаганди, шу боис келувчиларни

<sup>1</sup> К л е р к — ёзув-чизув ишларини олиб борувчи хизматчи.

унинг ҳузурига бошлаб киришарди. Бу қария тизимининг таркибий қисми бўлиб, Палмер бу ерда у билан танишиб бўлган эди. Қиз эшикни тақиллатгач, Палмер бу ерда ҳам чинакам консерватизмнинг салмоқли юки борлигини ҳис этди.

Эшик олдида турган қиз сезилар-сезилмас ҳаракат билан бутун танаси оғирлигини бир оёғига ўтказди. Палмернинг нигоҳи сонлари бўйлаб сирғаниб пастга тушди, у чуқур, сассиз тин олди-да, бошлиқнинг таклифини кутиб, кўзларини юмди.

Оғир эшик қопқалари ортидан Бэркхардтнинг овози эшитилди: «Кириг!» Қиз эшикни очиб, Палмерни ўтказиб юбориш учун ўзини четга олди.

— Мистер Палмер, сэр, — деди қиз ва ташрифчининг ортидан эшикни ёпди.

Қаердадир, Палмернинг бошидан тепароқда соат занг урди. Бэркхардт зағча кўзларини қисаркан, ўрнидан турди.

— Аниқлик — бу энг муҳими, — деди тантанавор Бэркхардт. У қўл бериб кўришди-да Палмерни ёзув столининг ҳар икки томониغا қўйилган яшил чарм оромкурсилардан бирига таклиф қилди.

Палмер эйтиборини тортган нарса шу бўлдики, бошлиқнинг столида тиллоий қирқмали мўъжазгина ён дафтар, яшил циферблатли яшил мрамрдан ишланган тилла соатлар ва ёзув ашёларидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Шу буюмларни кўздан кечирай экан, Палмер бирдан қария унинг гапиришини кутиб турганини ҳис қилди.

— Хўш, нима ҳам дердим, — деди Палмер, — тан олиш кеарк, таассуротларим мутлақо беқиёс.

Қария кулиб юборди.

— Ҳа, кўришга арзигулик нарсалар талайгина, тўғрими? — У оромкурсининг суянчиғига ястанди-да, нафасини ростлади. — Бу ерда мен ҳафтасига уч марта, эрталаблари бўламан. Бешинчи авенюдаги идорамизда ҳам бир хона иш жойим бор. Бу идора эса, ўзинг тушунасан, кекса ва доимий мижозларимизга мўлжалланган.

— Тушунарли. Аммо баъзида унинг эшиклари сизнинг янги мижозларингиз учун ҳам кенг очилади.

Бэркхардт тасдиқлаб бош ирғади:

— Ҳа, лекин камдан-кам, шунда ҳам уларга ким билан иш олиб боришаётганини эслатиб қўйиш учун.

— Мен Бешинчи авенюдаги идорани кўрганман, — қўшимча қилди Палмер. — Яъни замонавий меъморчилик альбомида унинг суратини кўрганман. Ўйлашимча, шундай шароитларда мижозларни саралаш учун ўйин олиб бориш сизга қийин эмас. Сиз аввалига уларни тасодифий тadbиркорларга мўлжалланган Бешинчи авенюдаги идора орқали ўтказасиз. Уша жойда улар ўзларидан сизнинг бир қадам ҳам узоқлашмаслигингизга тўла қафолат оладилар. Кейин, орадан бир неча йил ўтгач, агар улар ҳақиқатан ҳам тadbиркор бўлсалар, ўз ниятларига етишиб, салмоқли улуш олиш илинжида бўладилар, шунда сиз уларнинг бош идорага — ишонч ва хотиржамлик кўрғонига киришларига имкон берасиз.

Палмер шу мавзунини давом эттирмоқчи эди, янги келган одамга шу ҳам етарли, деб ўйлади. У сездирмасдан, айна чоғда суҳбат йўналишини сездирмасдан, шу билан бирга дадил ўзгартирди.

— Афтидан, сизнинг урушдан кейин қурилган филиалларингизнинг аксарияти Бешинчи авенюдаги идора намунасида расмийлаштирилди.

Бэркхардт елкаларини қисди:

— Бир жиҳатдан шундай, ҳар ҳолда тайинланган жой билан боғлиқ бу. — У ўтирган столидан турди-да, бутун деворни эгаллаган китоб жавонига яқинлашди. Биз «Хадсон траст»ни қўлга киритганимизда элликтага яқин баққоллик растасини эслатувчи титиғи чиққан қурилмаларга ҳам эга бўлгандик. Бироқ, йигитлар уларни анча эпакайга келтириб олдилар. Синтетика, алюминий, ёрқин безаклар ва ҳоказо.

Қария китоб жавончасидан яшил муқовали катта китобни олди-да, ёзув столига қўйди.

— Мана ўша филиаллар, икки юзгача бор, — деди у. Китобни Палмерга томон суриб, у қўшиб қўйди. — Уни ўзинг билан олиб кет. Бўш вақтларингда кўздан кечирарсан. Бу ерда қаватлар бўйича режалар, рангли суратлар, умуман, ҳамма нарса бор.

Палмер китобни қўлига олди, ҳатто уни очиб ҳам кўрди. Нимадир кўнгилдагидек эмасди. Бэркхардтнинг ҳиссиз овозига қулоқ соларкан, қандайдир мавҳум туйғуни ҳис этди: уларнинг муносабатларида илғаш қийин алланарса бор эди. Бэркхардтнинг сўзларидан гап нимадалигини пайқаш қийин эди. Шубҳасиз, нимадир бор эди... Лекин нима? Манфаатдорсизликми? Ички алоқа ўрнатишга қобилиятсизликми?

Нима бўлганда ҳам, иш кўнгилдагидек бўлмапти, деб ўйлади Палмер. Албатта, қария билан ўзининг алоқалари яхши бўлиб кетади деб кутмаганди. Бироқ, Бэркхардтнинг ўз манфаатлари учун келгусида ўзаро муносабатлари қай тарзда бўлишини аниқлаш мақсадида ушбу учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан фойдаланиб қолиши керак эди. У бунингсиз ҳам узоқ тушунтиришни, банк ички тизимини намойиш қилинишини ва бу борада ўз рўлининг белгилаб берилишини кутмаган эди. Лекин бу ерда, Бэркхардт ўзининг биринчи ўринбосари Палмер билан кейинчалик биргаликда ишлаши учун жўшқин режани белгилаб олиши даркор эди.

Палмер биринчи қадамини ўзи қўйишга қарор қилди. У бироз олдинга интилиб, йўталиб олди-да, на таъкидлаш, на савол аломатида сўради:

— Сизни нимадир ташвишга солаётими?

Бэркхардт ҳайрон бўлиб унга қаради. Кейин бурнини буриштириб, Палмерга тагин кўз қири билан қараб қўйди.

— Мен ҳозир ўйлаб қолдим, — дея сўз бошлади-ю, бирдан нафас олиб, жимиб қолди. Бирор сония ўтар-ўтмас, қисқа бармоқлари билан оғпоқ сочини силаб, давом этди: — Сенинг келишинг олдида мен телефонда гаплашган эдим... Мен Жо Лумис ҳақида ўйлаётман. У менда қарийб йигирма йил бошқарув аъзоси бўлган эди, жин урсин.

Палмер тушунаман, дегандай бош ирғади:

— «Жет-Тех индастриз».

— Ҳа. Ҳамда «Вакутерм электроникс».

— Хўш, неча... У неча ёшда? — сўради Палмер. — Етмишга яқинми?

— Етмиш бир. Лекин гап бунда эмас. Худога яқин, токи унинг ёшига етганингда сенда ҳам ўшандай куч-қувват бўлсин. — Бэркхардт бошини сарак-сарак қилди. — Йўқ, бу ерда гап бутунлай бошқа нарсада. У турли сармоядорларга васий: Улар эса жами ўн беш миллион доллар соҳибидир. Бундан ташқари у учта бошқа банк бошқарувининг ҳам аъзосидир.

— Унинг фақат унвонларининг ўзини санашданоқ менинг бошим айланиб кетди.

— Ана шу банклардан бири, — секин давом этди Бэркхардт, — Меррей Хиллнинг омонат банкидир.

Палмер Бэркхардтг ундан қандай жавоб кутаётганини билмай, бошини чайқади. У қариянинг жойидан туриб, ўз оромкурсиси ортидаги катта дераза ёнига борганини диққат билан кузатди. Кенглиги йигирма фут<sup>1</sup> келадиган улкан дераза ҳар бири икки футдан катакларга бўлиниб силлиқланган ёғоч муқова билан қопланган эди. Бэркхардт ойна ёнида паришон ҳолда улардан офтобни тўсиб турган қўшни осмонўпар икки бино орталиғидаги торгина тош тирқишни кузатарди. Унинг нигоҳи йўналган томонга қараб, Палмер куз қуёши нурида ялттираётган дарёга кўзи тушди. Айни шу пайтда дарёда танкер оҳиста сузиб кетаётганди.

— Сизда омонат банклари туфайли бирор кўнгилсизлик юз бердимми? Шунақами? — сўради Палмер. Жавоб бўлмагач, бир зумга жим қолди. Айтадиган гапини фикран тўплади-да, давом этди: — Барибир, душман қароргоҳида дўстингиз борлигини билиш қувончли...

Бэркхардт аста суҳбатдошига ўтирилди.

— «Меррей Хиллнинг омонат банки» буни худди шундай баҳолапти, — деди у алам билан.

<sup>1</sup> Фут — 30,48 см.



Бэркхардт сўзини давом эттирмагани учун Палмер ҳам ўрнидан туриб дераза олдида борди.

— Шундай қилиб, — деди у, — Жо Лумис ким томонида эканини аниқлаш керак.

— Афтидан, мен ўз фикримни аниқ ифодаламадим, шекилли. У менинг эски дўстларимдан бири.

Палмер юзини буриштирди:

— Ҳа, бу огир.

— Жуда ҳам.

Уйлар ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлган танкер изидан қараркан, Палмер сўради:

— Нима қилмоқчисиз?

— Ҳеч нима, — деди Бэркхардт ниҳоят. — Буларнинг ҳаммасини янги вице-президентим елкасига ортмоқчиман.

— Ташаккур.

— Бундан ташқари, — давом этди қария кутилмаганда ишончли оҳангда, — мана шу омонат банклари ғалвасини сизга юкламоқчиман.

— Сизнинг йўриқларингиз?

— Мен уларнинг ҳаммасини ер юзидан супуриб ташланишини истайман.

Палмер деразадан ўгирилиб, қарияга қаради.

Бор-йўғи бир нечтагина сўз шу тонгга бурилиш бағишлади, иккалови ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам шунчалик кутилмаган аниқлик киритди.

— Қачон бошлаш керак?

Бэркхардт панел қопланган деворга яқинлашди, девордаги жавон эшикчалари сурилди, қария у ердан шляпасини олиб, чаққонгина бошига кўндирди.

— Нимани кутамиз? — деди у. — Қани, юр-чи, уларни тугатишда сизга ёрдам бера оладиган эпчил маккор билан учрашиб кўрайлик.

### Тўртинчи боб

Палмер йўлак бўйлаб қария орқасидан юриб, котибалар ёнидан ўтиб борарди. У ҳайрон бўларди: қизиқ, банкнинг масъул ходимларидан нега бирортаси ҳам унга таништирилмади. Албатта, у ҳали расман ишга тушгани йўқ. У меҳнат кунидан кейинроқ иш бошлаши керак эди. Бироқ бу унинг ЮБТКка биринчи ташрифи бўлиб, одоб юзасидан қайсидир шарт-шароитларга риоя қилиш зарур эди.

Улар котибалар ёнидан ўтишганда лифт кутиб турарди. Котиба Бэркхардтга портфелни тутқазди-да, телефонни олдида тортди. Лифтга кираркан, Палмер котибанинг Бэркхардтга шаҳар машинасини чақираётганини эшитди. Қиз бир зумда бошини кўтарди ва уларнинг нигоҳлари учрашди, лекин шу заҳоти лифт эшиклари ёпилди.

— Йигитларимиздан айримлари билан таништирмаганим учун узр, — деди Бэркхардт лифт пастга тушаётганда.

— Бу омонат банклари масаласи, афтидан, жуда шошилинчга ўхшайди?

— Аҳмоқона, ўринсиз нараса, жин урсин! — деди қария. — Сира тушуниб бўлмайдиган мужмал масала. Буни бообру банкчидан кутиш ҳам қийин. Лекин барибир сен ҳақсан: бу иш жуда шошилинч.

— Мен ҳали етарли танишганимча йўқ, — деди Палмер пастки қаватда лифддан чиқар экан.

Аслида эса, бу ишлардан у яхшигина хабардор қилинганди. Гарчи у Иллинойда омонат банклари билан тўқнаш келмаган бўлса-да, улар тижорат банкларига қанчалик талафот етказиши унга маълум эди. Бироқ, пул маблағларининг асосий қисми жамланган Нью-Йоркда бу низо алоҳида кескин тус оларди.

— Бу борада сенга нима маълум ўзи? — сўради Бэркхардт тиллоий мрамар тўшалган даҳлиздан ташқарига чиқиш эшигига йўналишаркан. Уларни сочлари

оқ қоровул кутарди. У эшик дастасини ушлаганича, ҳар дақиқада уни айлантиришга шай турарди.

— Фақат улар, ҳалиги...

— Бу ҳақда машинада гаплашамиз, — унинг сўзини бўлди Бэркхардт ва банк хизматчиларидан бирига бош ирғади. У илиқ табассум билан жавоб қайтарди. Аслида жаҳаннамга эмас, жаннатга тушишини билган бандагина шундай табассум қилиши мумкин, ўйлади Палмер. Йўлка четида уларни кулранг «Роллс-Ройс» кутиб турарди. У бу ерга ҳозиргина келганини ким ҳам ўйларди дейсиз: кўчага айнан шу машина юриши учун сув сепилгандек эди. Бэркхардтдан сўнг Палмер ҳам кириб, қорамтир-кулранг чарм қопланган орқа ўриндикда ёнма-ён ўтирди.

Машина ўрnidан равон кўзғалиб, текис йўлга тушиб олди-да, Броуд-стрит бўйлаб ялпи оқимда сассиз юриб кетди. Бэркхардт уларни ҳайдовчидан ажратиб турган ойнани туширди-да:

— Бешинчи авенюдаги офисга, Гарри, — деди.

Палмер ойнанинг яна кўтарилганини сезди, шиша тўсиқ ёнидаги махсус токчадаги телефонга кўзи тушди. — Энди ҳаммаси жойида, қани, гапир-чи, — амр этди Бэркхардт.

Палмер чимирилди, гўё нимадир устида бош қотирарди. Ҳолбуки, баъзи нарсалардан умумий хулоса чиқариш унга чўт эмасди.

— Бу ерда ҳамма масала янги пулларда, — деди бамайлихотир. — Омонат банклари катта дивиденд тўлайдилар, шу боисдан янги-янги пул кўйишни жалб қиладилар. Вазифа — ана шу пулларни бизга йўналтиришга эришишдан иборат.

— Гапнинг индаллосини айтдинг. Кўшимча қилишимнинг ҳожати қолмади.

— Мен мамнунман, — деди Палмер. — Лекин бу борада сизнинг нима қилганингиз менга қоронғи. Мен шуни билишим лозим.

“Баъзан алдашга тўғри келади, — ўйлади Палмер, — лекин бу ёлғон яхши ниятда тўқилади. Қария, ахир, ўлимигача ҳаммасини тўкиб солгиси келаяпти, шунинг учун илк имкониётга ҳам ёпишиб олди”.

— Нима қилдингиз, деяпсанми? — тўнғиллади Бэркхардт. — Биз бу ерда лақиллаб, юлдуз санаб юрдик, мана нима қилдик. Бутун ўн беш йил давомида бепарво ўтириб, омонат банклари шундоққина бурнимиз тагидан доллар кетидан долларни ташиб кетаётганини томоша қилиб ўтирдик. Чунки биз ўз вақтида бундай майда-чуйда иш билан шуғулланишни эп кўрмадик. Энди бўлса, ана ўша долларлар бизга керак бўлиб қолганида, ҳатто нима қилишним билмаяпмиз.

— Худди мана шуни мен тушунмаяпман-да, — яна ёлғон гапирди Палмер. — Мен шуни айтмоқчиманки, ўша омонат банклари фаолиятида мен ҳеч қанақа сир кўрмайпман. Улар ўзи қанча? Бутун штат бўйича юз ўттизта ҳам чиқмайди, ахир?

— Ҳа, тахминан шунча, филиаллари билан биргаликда икки юз элликтага бориб қолади.

— Шундайку-я, лекин биргина ЮБТКнинг ўзи уларнинг барча тизимларида мавжуд бўлганчалик филиалга эга-ку?

Бэркхардт бунга жавоб бермади. Палмер эса қария дилида борини тўкиб солсин дея сўраб-суриштиришда давом этди.

— Менга ҳаммадан кўра айнан шуни тушуниш қийин бўлаяпти, — деди тагин Палмер. — Мана, доимий маош оладиган одамни олиб кўрайлик. Одатда, унинг маошининг учдан икки қисми қарзларни тўлашга кетади. Лекин, барибир, у ҳафтасига 10 доллардан, айттайлик, ҳатто 5 доллардан олиб кўяди. Унинг қанчалиги аҳамиятсиз. Савол туғилади, у мана шу жамғармасини қаерга кўйиши керак? Ҳамма жойда, қарийб ҳар бир бурчакда ЮБТК, «Мэню-фэнчерерз» ёки «Чейз Манхэттен», «Фёрст нэшнл», ниҳоят, Кимё банкларининг бўлимлари жойлашган. Бошқача айтганда, омонат кўювчи ўзи учун тижорат банки сингари қулай бўлган жамғарма банки бўлимини излаб топишга вақт сарфлаши керак бўлади. Шундай эмасми?

Бэркхардт елкасини қисди.

— Бу нима юз берганини изоҳлаб беролмайди, — дея жавоб берди у Палмердан кўра ўзига. — Шунинг ўзи омонат кўювчилар пулининг учдан икки қисми

нима учун айнан жамгарма банкларига тушиб қолганини айтиб бермоқда. Холбуки, ўша пуллар бизга ҳаводай зарур.

— Бу қандайдир бемаънилик-ку, ахир.

— Йўқ, бу одатдаги америкача аҳмоқлик, — эътироз билдирди Бэркхардт. — Гап шундаки, жамгарма банклари ўз дивидендлари бизниқига нисбатан ярим фоизга ошиқ деб эълон қилдилар. Қандайдир аянчли ярим фоиз! Наҳотки шуни пул қўймоқчи бўлган ҳар бир омонатчига ҳарфма-ҳарф тушунтириш керак бўлса? Охир-оқибатда ҳаммаси шунга бориб тақаладики, пул қўйган одам ўзининг банкдаги ҳисобида бор-йўғи беш доллар ошиқ сармоёга эга бўлади. Агар омонат қўювчига шу тарзда тушунтирилса, у тентаклик қилаётганини тушунмасдан қолмайди. Лекин ҳамма бало шундаки, буни унга ҳеч ким тушунтирмаяпти. — Бэркхардт жимиб қолди, аммо кейин Палмерга юз буриб, сўради: — Нима деб ўйлайсан, бу ерда гап нимада?

Палмер яна қошини чимирди, жавобини ўйлаяпти деган қиёфага кирди.

— Менимча, сабаби шундаки, — дея бошлади у, юзига унинг жавоби жиддий фикрлашнинг меваси деган тус бериб, — банкда сақланаётган омонат банкнинг туридан қатъи назар, жуда кам фойда бераётганини тан олишдан ҳамма кўрқади.

— Худди шундай. Агар одамларга шу тарзда тушунтириладиган бўлса, улар бу банклардан ўз пулларини олиб, суғурта компаниялари фондларига топширадилар ёхуд ўзлари биржада ўйнайдилар. Бу соҳада овсарликнинг яна бошқа турлари ҳам бор. Бу — кўчмас мулк синдикатларига ўхшаш турли бирлашмалардир.

«Роллс-Ройс» ниҳоят Ист Сайлда катта йўлга чиқиб олди ва соатига қирқ беш мил<sup>1</sup> тезликда юмшоқ сирпаниб, шаҳарнинг ишбилармонлар қисмига йўналди.

Палмер маълум муддат ўнг томондаги дарёда сузиб кетаётган танкерлар ва юк катерларига кўз югуртирди. Енгил туман қоплаган дарё ялтираб ва қарийб ҳаракатсиз турганга ўхшарди. Август куёши нури жилваланиб, дарё сатҳида жимир-жимир қиларди. Машина Утгиз тўртинчи кўчага бурилди, шундагина Палмер улар анчадан бери гаплашмай келаётганини сезди.

Палмер Бэркхардтга ўгирилиб қаради-ю, ҳайрон бўлди. Қариянинг юзи оғриқдан буришиб кетганди. Унинг хира-мовий кўзлари чимирилган қошлари остига беркилган, оғзи бурчакларидан аччиқ ажинлар тортилган, ичида қандайдир оғриқ азоб бераётгандай эди. Палмер бирор жойингиз оғрияптими, деб сўрамоқчи бўлди, лекин қайта ўйлаб, индамай қўя қолди. Гапиришга эҳтиёж — фақат бўшлиқни сўз билан тўлдириш Палмернинг ўсмирлик одати эди, бу қилиғини ҳеч ташлай олмасди.

Гапириб бошига бало ортиргандан кўра жим туриш — ҳаёт ҳикмати. Бу ҳикматни унга отаси сингдирганди. Отаси унга ўн икки ёшидан айтган бўлса ҳам, жуда кеч, ўтгиздан ошгандан сўнг тушунди.

Энди бўлса, у қирқ ёшдан ошгандан сўнг бу ҳақиқатга шубҳалана бошлади. Ҳозир, шимолга учиб бораётган «Роллс-Ройс»нинг ўриндиғи суянчиғига ястанганича жим турмоқ чиндан ҳам кўнгилсизликдан асрар экан. Буни баҳслашиш ортиқча. Бироқ йиллар ўтиши билан Палмер тез-тез кўнгилсизлик нима деган савол ҳақида ўйлаб қоларди. Ростдан ҳам уларнинг моҳиятидан қатъи назар, кўнгилсизликдан қочиш керакмикин?

Машинада Бэркхардт билан ёнма-ён ўтириб, айна дамда «кўнгилсизлик» ўзи билан ҳали узоқ йиллар унга бошлиқ бўладиган одам ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаши мумкинлигини тушунарди. Ёшлиғида отаси берган ўғитни бузиб, энди гап бошлайман деганда:

— Жин урсин, қари тентак! — деб хитоб қилди Бэркхардт.

Палмернинг пешонаси тиришди, Бэркхардтни жунбушга келтирган нима бўлдикин, деб ўйлади.

— Сиз Лумис ҳақида айтяпсизми? — сўради у.

— Лангати чол! Эсини еган тентак! Шайтон ақлдан оздирди, шекилли, эрталаб менга телефон қилди!

<sup>1</sup> М и л — 7420 метр.

— Нима керак экан?

— Бутун сайёрамиз... фақат шу керак экан.

— Афтидан, бунга жамғарма банклар аралашган. Шундайми?

— Мана шуниси менга алам қилапти-да! — тўнғиллади Бэркхардт. — У, хабаринг бор, тул бўлиб қолди. Йилига бир бор шахримизга дам олгани келади. Камдан-кам бирга овқатланамиз. Баъзан клубда учрашамиз, бир қадахдан отиб оламиз. У ЮБТК бошқаруви мажлисига умуман келмаслиги мумкин. Биз у билан асосан жамоат кўз ўнгида учрашамиз. Мен ундан шахсий манфаатларига мос тушадиган ҳеч нарса сўраганим йўқ. У ҳам менга нисбатан худди шундай йўл тутарди. Лекин бугун, жин урсин, у бирдан тўғридан-тўғри «Меррей Хилл» васийлари мажлисидан телефон қилиб қолди. Улар бу йил штатнинг қонун чиқарувчи йиғилишига тақдим этишга тайёрланаётган қонун лойиҳасига ЮБТК қарши эътироз билан чиқмаслигини сўради.

— Унча нозик илтимос эмас.

— Лекин менинг жаҳлимни чиқарган бу эмас, — тўнғиллади Бэркхардт. — Албатта, у ўша ерда тўпланган барча васийлар олдида бунақа илтимос билан мурожаат қилиши мени қувонтирмайди. Асло йўқ. Мени ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ғазаблантирган нарса менинг... менинг... — у керакли сўзни қидириб, тутилиб қолди ва ёрдам кутгандек жаҳл билан Палмерга қаради.

Нима демоқчи? Этиками? Виждонми? Ахлоқми? Турмуш тарзими? Нима экан? — дея Палмер хотирасини тита бошлади. Лекин бирорта сўзни овоз чиқариб айтмади. Кутиб туришни лозим топди ва қариянинг ғазабли нигоҳига бардош берди.

— Ҳаммасидан ҳам мени боши берк кўчага киритиб қўйишга уринаятган одамнинг бемаъни сурбетлиги ғазаблантираяпти. У ё ЮБТК манфаатларини ёхуд эски дўстлигимиз манфаатларидан бирини танлашни кўндаланг қилиб қўймоқда. Буни кечириб бўлмайди! — деди қария.

— Унга нима деб жавоб бердингиз? — сўради Палмер.

— Жавоб бердим? Унга нима дея олардим? Жавоб беришдан бош тортдим.

— Охир-оқибат жавоб беришга тўғри келади-ку, ахир.

Бэркхардт кескин бош ирғади. Унинг юзини қатъий, қарийб шафқатсиз ифода эгаллади. Кўзлари катта-катта очилган, нигоҳи ҳайдовчининг елкасига қадалганди. Гўё у ердан бўлажак воқеалар натижасини уқиб олмоқчидай эди.

— Фақат менгина ёлғиз унинг дўстиман, деб ўйлама, — қўшиб қўйди қария. — Жо буни мендангина сўрамайди. Жамғарма банкларининг васийларида ҳам, тижорат банклари бошқаруви аъзолари орасида ҳам дўстлари топилиши мумкин. Ҳозир улар бу ҳақда бутун шаҳар бўйлаб сўрай бошлайдилар. Лекин бу биз учун мутлақо номақбулди. Бу борада менга тазийқ ўтказишларига йўл қўёлмайман.

— Қайси қонун лойиҳаси ҳақида гап бўлганди?

— Мундоқ тузук эсимда ҳам йўқ, — деди қария. Бўлиб ўтган воқеани таҳлил қиларкан, у сал ўзига кела бошлаганди. Эски дўсти берган зарбадан у ларзага тушганди.

— Балки бу филиаллар ҳақидаги сон-саноқсиз қонун лойиҳаларидан биттасидир?

Бэркхардт ғазабланди, кейин оҳиста Палмерга ўгирилди.

— Қизиқ, сенинг бундан қанчалик хабаринг бор, Вуди? — сўради у туюқиб.

— Бундан хабаринг меникидан кам эмасга ўхшайди.

— Ие, нима деяпсиз! Бундан сал-пал хабарим бор, холос.

— Чолни мазах қилмоқчи бўлдингми-а? — совуқ тўнғиллади Бэркхардт. — Вуди, кел, келишиб олайлик. Сен бирор нарсани билмаган бўлишинг мумкин, шунда, албатта, қандайдир хабарга муҳтож бўласан. Фақат билиб қўй, ўзингни гўлликка солиб, мени аҳмоқ қилма. Тушундингми?

— Лекин мен...

— Билиб қўй, агар олдимга похол солаётганингни сезсам... — унинг гапини бўлди Бэркхардт. — Агар билиминг ва қобилиятинг ҳақида менда аниқ тасаввур бўлмаса, ишимизда жиддий тўсиқлар бўлаверади. Сен кечаю кундуз ишинг қай тарзда кетаётганидан бохабар бўлиб туришинг лозим. Тушундингми?

— Тушундим. Узр, — деди Палмер.

Бэркхардт лабларининг бурчаклари сал кўтарилди.

— Бор гап шу, — деди у, бироз юмшаб. — Мен буну унутиб ҳам юбордим.

— Мен эса эслаб қолдим.

— Жуда яхши.

Олтмиш биринчи кўчада «Роллс-Ройс» сездирмай чап қаторга ўтди-да, катта йўлдан бурилиб, шаҳарнинг ғарбий қисмига қараб юрди ва машиналарнинг умумий оқимига кўшилди. Шу юришда Бешинчи авенюга яқинлашган сари автоуловлар гавжумлашиб борарди.

Анча давом этган сукутдан сўнг қария яна гап бошлади:

— Қонун лойиҳаси чиндан ҳам жамғарма банкларнинг бўлимига дахлдордир. Лекин моҳияти нимадалиги эсимда йўқ.

— Уларнинг миқдорини кўнайтиришмоқчи, албатта.

Бэркхардт елкаларини қисди.

— Ҳа, шаҳар чеккаларида. Ҳозир шаҳар четига қасабаларга қўллари етмаганидан пайтавасига қурт тушган уларнинг.

— Уларнинг омонатчилари, афтидан, қасабаларга кўчиб ўтишмоқда.

— Умуман шундай, — тасдиқлади Бэркхардт. — Аммо жамғарма банклари ўзларидан бўлак ҳеч қимни айблай олмайдилар. Уруш бошланиши билан улар кўплаб сармоясини гаровга қўйдилар. Бу уларда қарз беришнинг ягона туридир ва, албатта, жуда ҳам янглишдилар. Улар омонатчиларнинг шаҳардан чиқиб кетишларига ёрдамлашдилар, ўзлари эса улар изидан боролмаяптилар.

— Унда бунчалик ташвишнинг нима кераги бор? — сўради Палмер. — Агар ўз қопқонларига ўзлари тушган бўлсалар, азобини ўзлари тортаверсинлар.

— Улар ўз қопқонларида азобланиш ниятида эмаслар. Улар катта эркинлик берилишини талаб қиляптилар ва бунга эришиш учун ҳамма нарсага тайёрлар.

Палмер тушунаман, дегандай бош ирглади:

— Оғир вазият. — У йўл тирбандлигидан тўхтаб қолган машиналарга қаради.

Анча олдинда Учинчи авенюда бир бинони бузишяпти, унинг олдида юк машиналари навбат кутиб, туриб қолибди. Кўча бўйлаб торгина йўлак қолган бўлиб, Бэркхардтнинг машинаси ўтиб кетиши учун ўз навбатини кутарди. Бурчакдаги тахта тўсиқларда ёрқин лавҳалар кўзга ташланарди. Уларда юзларида табассум балқиб турган кишилар ғазна дарчасига шошилишяпти. Лавҳаларга «Энди кўп қўтмаймиз» деган шиор ёзилган. Тез орада бу ерда «Меррей Хилл» банкининг яна бир бўлими қулайлик туғдиради. У Нью-Йоркнинг тежамкор аҳолисига тўрт ярим фоиздан тўлашга тайёр.

Палмер истеҳзоли қулиб, қарияга ўгирилди:

— Мана шу бурчак ёнидан ўтаётганимизда қон босимингизни назорат қилиб туринг, — деди. — Бу ерда «Меррей Хилл»нинг яна бир бўлими очилаяпти.

— Биладан, — минғирлади Бэркхардт, — ҳар қуни эрталаб шу ердан ўтаман.

— Мен уларнинг банкида филиалларга нисбатан муайян чекловлар бор, деб ўйлардим.

— Шу йилнинг баҳорида улар бошқа бир жамғарма банки билан бирлашдилар. Унинг эса учта филиали бор. Бу шулардан биттаси.

Палмер енгил ҳуштак чалиб юборди:

— Бу жараёни нима билан тўхтатиш мумкин?

— Ҳеч нарса билан, — тўнғиллади Бэркхардт. — Улар истаганча бирлаша-веришлари мумкин. Банклар фаолиятини бошқариб турувчи маъмурларимиз розилик берар экан, бу иш давом этаверади.

Энди уларнинг ҳар иккови ҳам машинанинг ён ойналаридан кўчани кузатишарди. Учинчи авеню бурчагида махсус тахтада «Меррей Хилл» банки бўлимининг қурилаётган биносининг улкан лойиҳаси акс эттирилганди. «Роллс-Ройс» тезлигини пасайтириб бурчакка яқинлашганда Палмер расмдаги бўлажак ўттиз қаватли бинонинг тарҳини диққат билан кўздан кечирди.

— Хизмат биноси учун жуда ғалаги жойлашган-ку бу, — минғирлади у. Лекин шу пайт нигоҳини кўчани кесиб ўтмоқчи бўлаётган аёл тортди. У баланд бўйли, тўладан келган, хушбичим оёқлари гўё...

— Сен ҳали ҳам кўҳна Учинчи авеню ҳақида ўйлаяпсан-а? — деди Бэркхардт.

Палмер унга қараб ўгирилди-ю, қария ҳам бояги аёлни кўрганини пайқади.

— Элдаги эски уйлар бузиб ташланиши билан, — давом этди Бэркхардт, — бу ерда «Блумингдэйл» универмага қад ростлади, у ерда эса маъмурий бинолар тиклана борди.

— Ҳолбуки пул ҳозир анча танқис.

— Жамғарма банкларида эса пул бор, жин урсин уларни, бу — ярага туз сепгандай гап! Уларга пул оқиб келмоқда. Уларнинг активи<sup>1</sup> — нақд пул ёки уларга тенг бўлган давлат заёмларидир, бунинг устига яна гаров васиқалари ҳам бор. Бу ахир, бу худди... Бэркхардт алам билан туфлади.

— Худди банкдаги нақдгина пул, — шипшитди Палмер истеҳзо билан.

Бэркхардт унга совуқ қараш қилди.

— Кулоқ сол, Вуди, мен юмор ҳиссини қадрлайман. Бизнинг ҳаётимизда баъзан у жудаям асқотади, акс ҳолда чидаб бўлмайди. Лекин шундай вазиятлар бўладики, унда кулги ўринсиз.

Орага узоқ сукут чўкди. Машина Учинчи авенюни кесиб ўтди ва секин юриб бориб, Парк-авенюдаги светофор олдида тўхтади.

Шу вақт ичида Палмер уч марта нимадир демоқчи бўлди-ю, уч бор ҳам фикридан қайтди. «Роллс-Ройс»нинг юмшоққина чарм ўриндигида қулайроқ жойлашиб олди-да, бутун ҳаёти тўғрилигини исботлаган тамойилни шубҳа остига олиш ақлдан эмас-ку, ахир, — деди ўзига-ўзи. Бу ерда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас: албатта, жим туриш ўрнига гапириб қўйсанг, кўнгилсизлик бўлиши турган гап.

Мана, ҳозир ҳам, қария нимани хоҳлаётганини, ҳатто нимани кутаётганини, гапириб юбориб, иккаласи ўртасида вужудга келган бегоналашишга бир неча яраштирувчи сўз билан барҳам беришини билиб, Палмер сукут сақлаш ҳар қандай сўздан кўра камроқ кўнгилсизлик келтиришини ўйлаб, жим туришга қарор қилди.

— Жин урсин уни, — дея тўнғиллади Бэркхардт машина Парк-авенюдан жануб йўналишига бурилганда. — Булар асабимга қанчалар текканини кўриб турибсан-ку, Вуди. Шу телефон кўнғироғи билан у бошимга мушт туширгандек бўлди...

Палмер оҳиста, гўё истамагандек унга қаради.

— Сизни бунчалик ташвишга солаётган нима ўзи? — сўради у. — Жамғарма банкларидаги ишқалми ёхуд сизга тазйиқ ўтказмоқчи бўлган Жо Лумисми?

— Икковиям бир гўр. Мана, неча йилдирки, ана шу чалкашликлар ичида яшайпман. Аҳвол борган сари танглашайпти. Менда икки йўл бор. Биттаси банкимиздаги муомала жараёнини анча қисқартиришни тақозо этса, иккинчиси эски дўстимни йўқотишга олиб боради. Содда, аммо қўпол қилиб айтганда, шундай бўлади.

Палмер Бэркхардтнинг олдида турган муаммо моҳиятини тўкиб солади деб кутди. Бу ўринда у қабул қилиши керак бўлган битта қарор борлигини кўриб турарди, шунинг учун ҳам сўради:

— Шу боисдан сиз бу ишни менга топширган экансиз-да, шундайми?

— Фақат қисман, — тўнғиллади қария.

— Яна бошқа сабаблари ҳам борми?

Бэркхардт елка қисди:

— Бўлмасам-чи. Агар, борди-ю, Жо Лумисни бир ёқли қилишга тўғри келса, мен бунга бошқа биров қилишини истардим. Аммо бу — муаммонинг бир қисми, холос. — У чуқур нафас олди. — Унинг иккинчи қисми — Бернс билан сен тез орада танишишинг мумкин.

Шу аснода уларнинг машинаси енгилгина ғарбга бурилди-да, Элик бешинчи кўча бўйлаб юрди, Мэдисон-авенюни кесиб ўтди ва Бешинчи авенюга етди.

— У анча удабурон йигит, — деди Палмер. — Чикагода бир маърузасини эшитганман. Яхши нотик.

— Яхшилардан бири. Ишни кино саноати матбуот вакилидан бошлаб, шу мартабага эришди.

— Ҳозир у реклама ва ахборот бўйича маслаҳатчи ёки шунга ўхшаш вазифада, шекилли? Менимча, Чикагода миждозлари бор.

<sup>1</sup> А к т и в — балансинг кирим, даромад ва моддий бойликлар қисми.

Бэркхардт хүрсинди:

— Демак, Мак Бернснинг шуҳрати Чикагога етиб борибди-да?

— Нима, унга бирор эътирозингиз борми?

— Асло. Афсуски, бизга керак бўлган кимса айнан ўша.

— Бироқ бу ишни худди ўшани деб менга юкладингиз, шундайми?

— Худди шундай, — жавоб берди Бэркхардт.

Уларнинг «Роллс-Ройс»и оҳиста тўхтади, шофёр машина эшигини очди.

— Мен греклар ёки сурияликларларга ёхуд ўша Бернсларга қарши эмасман, — деди Бэркхардт, машинадан чиқаркан. — Лекин мен айнан ўшалар билан чиқиша олмайман. Шу боисдан сенга шу Мак Бернс билан ҳамкорлик қилиш имконини бераман...

Йўлакка чиқиб олган қария Палмернинг машинадан чиқишини кутарди.

— Ҳа, яна бир нарса, — деди секингина Бэркхардт улкан шиша эшик олдида тўхтатиб. Бу ўша замонавий банк биносининг эшиги эди.

— Хўш? — деди Палмер қарияга бурилиб.

— Бернс унга қандай муносабатда эканимни яхши билади. Мен буни яширолмайман. Шунинг учун сен у билан дўстлашиб олишинг лозим. Бу мувозанат учун керак. Буни уддалай оласанми?

— Нега уддалаб бўлмас экан?

— Сенга бу одам билан елкама-елка ва узоқ вақт ишлашга тўғри келади. Эплай оласанми?

— Эплайман.

— Бернссиз биз тамом бўламиз.

Улар сукут сақлаганча бир-бирига қарашди. Палмер жамғарма банклари билан боғлиқ воқеалар туфайли чолнинг мияси айниб қолган, шекилли, деб ўйлади. У қариядан бурилди-да, банк биносини кўздан кечира бошлади. Тўппа-тўғри унинг боши узра нозик кумуш ҳалқалар ўралган шиша минора юксалиб турарди. Палмернинг миясидан, бу бино исталган пайтда нутур кетиб, ерга қулаши мумкин, деган фикр кечди.

### Бешинчи боб

Лифтда одам хизмат қилмасди, лекин у шу даражада механизациялашган эдики, унда кўтарилиш жараёнини «ўз-ўзига хизмат» дейиш адолатдан бўлмасди. Бэркхардтнинг қўли «юқорига» деган ёзув остдаги тугмачага тегиб, кўрсаткич тахтадаги яшил доира ёнғач, лифт эшиги очилди. Палмер шериги орқасидан лифтга кирди. Эшиклар ёпилди, лифт хонасининг деворлари металлдан тўқилганга ўхшарди. Палмер беихтиёр ёқимсиз туйғуни ҳис этди: агар лифт хонаси тепага кўтарилиш ўрнига пастга, шўр сувли денгиз оқимиға тушиб кетса борми, ўйлади у, унда сув дарҳол металл хонанинг қарама-қарши зарядли қисмлари билан кимёвий реакцияга киришиб, кучли электр зарбаси уларни хона билан бирга чилпарчин қилган бўларди.

У кўриб турибди: Бэркхардт узун ва йўғон кўрсаткич бармоғи билан бошқа тугмани босди. Пластмассали бу тугмада «Юқ» — «Юқори қаватга» деган ёзув бор эди. Тугма яшил бўлиб ёнди. Кўрсаткич тахта тагидан пластмасса панжарадан механик овоз эшитилиб, одам овозига ўхшаган товушда: «Лифт юқориги қаватда...(жимлик)... тўхтади» деб хабар қилди.

Бэркхардт Палмерга қаради, ёвузона тиржайиб:

— Буни биз «қишлоқилар учун тузоқ» деб атаймиз, — деди.

Палмер ҳеч нима демади, қўлини чўзиб лифтдаги «12» рақамини босди. Динамик радио тўрида нимадир икки бор «чирқ-чирқ» этди-да, яна механик овоз эшитилди: «Лифт ўн иккинчи қаватда...(жимлик)... тўхтади.» Палмер «бекор қилиш» тугмасини босди. Ҳалиги овоз: «Лифт юқориги қаватда...(жимлик)... тўхтади» — деди.

Палмер нафасини ростлади ва четроққа туриб, Бэркхардтга мурожаат қилиб, деди:

— Шунча ўйнадинг, етар, бас қил.

Эшиклар яна очилгач, қандайдир сонияда ҳар томондан бостириб кирган ёруғлик кўзларни қамаштириб юборди. Лифт хонасидан чиқаркан, Палмер кўзларини бир юмиб олди-да, сўнг юқори қаватнинг баланд шифтига мароқ билан нигоҳ солди. Шифт алюминий қопламали тўртбурчак жилосиз ва шаффоф ойналар билан қопланган эди.

Кейин улар ҳар томондан нур тушиб турган, гилам тўшалган йўлак бўйлаб юришди. Йўлакнинг оппоқ деворларини замонавий рассомлар асарлари безаб турарди. Йўлак охирида кичик сиймо кўзга ташланарди. Сиймога яқинлашган сари у катталашиб борди ва улар кўз ўнгида йигирма саккиз ёшлардаги малысоч башанг аёл қад ростлади. Бўйи бошлиқнинг бўйидан қолишмасди. Хоним ҳар иккаласи билан саломлашаркан, мафтункорона табассум қилиб: «Хайрли тонг» деди-да, навбатдаги эшикка қараб юрди. Анодланган алюминий қопланган бу эшик дастаси оппоқлиги билан ажралиб турарди. Эшикни очган аёл уларни олдинга ўтказиб юборди. Палмернинг димоғига қимматбаҳо атирнинг ҳиди урилди, Рождество байрамида у Эдисга худди шундай атир совға қилганди.

Қизиқ, Бэркхардт бу аёлни ишга унинг баланд бўйи юқориги қават шифтининг баландлигига уйғун бўлгани учун олганмикин? — ўйлади Палмер. Уни яна шу нарса биров ҳайрон қолдирдики, Нью-Йорк котибаси ўзига қимматбаҳо атирни эп кўриши мумкин, лекин унинг кўз ўнгида Бэркхардтнинг ишчи хонаси бутун ҳашамати ила пайдо бўлиши билан Палмернинг ўй-фикрлари тарқалиб кетди.

Гап хонанинг чиндан ҳам баҳайбатлигида эмас, деб ўйлади уни кўздан кечираркан, Палмер. Муҳими шунда эдики, ҳамма нарса ошқора амалга оширилган эди, ишнинг кўзини билиб, кенг миқёси билан ҳайратга солишни кўзлаб лойиҳалаштирилганди.

Хонанинг икки девори оқ эди. Қисқароқ бўлганининг узунлиги 30 футга яқин келарди, баландлиги 12 футга, яъни бутун юқориги қават баландлигига тенг эди. Иккинчи деворнинг узунлиги 50 футдан кам эмасди. Унинг устидаги шифт эса худди кўкка талпинган чағалайнинг қанотига ўхшаб ёшасига шишадан ясалган бўлиб, баландлиги 20 футча келарди. Палмер ўзини улкан эшитиш мугузи ичидагидек ҳис қилди. Миясида бемаъни бир фикр ярқ этди: агар у турган еридан туриб бақирса борми, кўнғироқ шаклидаги хона унинг овозини шу қадар кучайтирардики, бу кучдан каттакон ойна чил-чил синиши ҳеч гап эмасди.

У ўз овози кучини синаб кўриш ниятидан воз кечди ва бунинг ўрнига Бэркхардт томонга ўтирилди. У эса диққат билан Палмерга қараб турарди.

— Ана ойна-ю, мана ойна, — деди Палмер кўпол оҳангда. — Шундай катта шиша тобоқлар яшаш мумкинлигини билмас эканман.

— Одатда, бунақаларини яшашмайди ҳам, — уни ишонтиришга шошилди қария. — Аммо Корнинг йигитлари меъмор даъватига лаббай деб жавоб беришди. Бу ойнани лойиҳалаган Корнинг ўзиниям лол қолдирди. Бу шундай шишаларнинг тўртинчиси. Аввалги учтаси силикляётганда синиб кетди.

— Буниси синмайдими? — Палмер яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин шу савол билан чекланиб қўя қолди.

— Корнинг одамлари кафолат беришди. Маунт Паломар расадхонасидаги телескоп кўзгуси ҳам шундай ойнадан ясалган. Тайёрлаш жараёни ўша-ўша — аста-секин совутиш. Бунинг қалинлиги бир дюйм<sup>1</sup>дан кам эмас.

Бэркхардт эшик ёнидаги тугмани босган эди, хона тагин ҳам ёришиб кетди. Палмер шифтга кўз югуртириб, жилосиз ва шаффоф ойнадан ясалган тўртбурчаклар устида шахмат тартибида жойлаштирилган тахталарни кўрди. Улар залга қуёш нури билан бирга кириб бордилар. Палмернинг нигоҳи ёзув столига тушди. Столда кимдир ўтирарди. У ўрнидан туриб, буларга пешвоз чиқди.

— Сизни шунча куттириб қўйганимдан афсусламан, Мак, — деди унга қараб юраркан Бэркхардт. Лекин у шундай масофада тўхтадики, уларни кутиб олган кишининг кўли етмасди. Бэркхардт Палмерга ўгирилиб, деди:

— Қани, Вуди, бир сакраб ерга туш-да, Мак Бернс билан таниш. — Ана шундай мураккаб ҳаракатдан сўнг Бэркхардт столнинг нариги томонида шу

<sup>1</sup> Д ю й м — 25,5 мм



гарзда жойлашдики, унга чўзилган кўлни қисиб қўйишдан атайлаб бош тортди деган тасаввурга ўрин қолдирмади. Палмер олдинга юриб, Бернснинг кўлини қисди.

— Мистер Бернс, мен Вудс Палмерман.

Бернс жилмайди. Унинг қорамбағиз оғзида бир текис майда оппоқ тишлари ялтиради.

— Мистер Бернс — менинг отам, Вуди, мени эса оддийгина қилиб Мак дейишади, — деди у.

— Мак, — дея такрорлади Палмер ва аста ўриндикқа чўкди.

Бэркхардт ҳам худди шундай ўриндикқа ўтирди-да, бўшлиққа қараб нимагадир иржайиб қўйди.

— Вуди — бизнинг иерархиямизда<sup>1</sup> иккинчи рақамли одам ҳисобланади, — деди Бэркхардт. — Вуди Палмер — менинг биринчи вице-президентим... Уни сизга таништираман.

— Лэйн... — деди Бернс ва мана шу бир бўғинли сўз ҳавода осилиб қолди. Бернс ушбу вазиятга ҳал этилмаган ҳолда қолиш имконини берди, ўз оромкурсисига ўтирди, қорамтир-кўк шимининг қатламини тиззалари устидан бироз тортиб қўйди. У костюмини кўздан кечириб, енгида мавжуд бўлмаган чангни қоқиб қўйгандек бўлди. Палмер Бернснинг костюми ажойиб бичимда эканига эътибор берди. Унинг тикилиши машҳур ака-ука Брукслар буюмларига ўхшамасди. Бошқа ҳар қандай русумдаги машҳур костюм ҳам бунга тенглаша олмасди. Фақат оқ кўйлагигина унча қовушмай турарди.

— Лэйн, — такрорлади Бернс, — мижозим мени хабардор қилиб турадиган бўлса, менинг реклама ва ахборот соҳасидаги мутахассислигим қаерда қолди? Лэйн, ахир, сиз жудаям банд одамсиз. Рухсат этинг, Вуди ҳақида сизга ахборот берай.

Орага қисқа жимлик чўкди. Палмер бу икки одам бир-бирини ёқтирмаслигини ҳис этди. Бу одам билан муомалада бўлишга мажбур эканлиги Бэркхардтнинг гагини келтирарди. Бернс эса кутдириб қўйишганидан аламзада эди. Ҳозирги пайтда Палмер бу икки одамнинг бир-бирини ҳуш кўрмаслиги қай даражага етганини ҳали аниқлай олмаганди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир-бирига нафратини ошқора ифодалайдиганлар тоифасидан эмасди.

— Майли, Мак, — деди Бэркхардт столга қараганича хотиржам, — навбат сизники, қани, гапиринг.

— Вудс Палмер-кенжатой, — деди Бернс ва жилмайиб Палмерга қаради. Бу қарашидан у ушбу вазиятдан кескин норозимаън дегандай бўларди. У Палмерга диққат билан қараб сўзида давом этди: — Декабрда у қирқ беш ёшга тўлади. Иллинойс штатидаги Гленко шаҳрилик Эдис Эдисонга уйланган. Унинг Вудс Палмер-учинчи деган ўгли, Жералдина исмли қизи ва тўққиз ёшли Том деган ўгли бор. Иккинчи жаҳон уруши пайтида унга ҳарбий ҳаво кучлари подполковниги унвони берилган ва у кўпинча разведка қилиш характеридаги топшириқларни бажарган. У...

— ... банкир бўлиш учун ҳалдан ташқари моҳир, жин урсин, — Бернснинг сўзини илиб кетди қария, — аммо, Мак, сизга мос тушиши учун етарли даражада айёр ҳам.

— Сиз менинг ахборотимни охиригача эшитишни истамайсизми? — сўради истеҳзо билан Бернс. — Менинг идорам бунга анча вақт сарфлади.

— Бундай иш ҳамманинг ҳам қўлидан келади, — деди Бэркхардт паст овоз билан. — Бироқ ҳаммасидан кўра, мени у ҳақда маълумот тўплаш учун нега ўз идорангизга топшириқ берганингиз қизиқтиради, ахир, унинг янги лавозимга тайинланиши ҳеч кимга маълум эмасди-ку.

Бернс оғзини беўхшов қийшайтирди, лаблари қимтилгандай бўлди. У елкаларини қисиб, гапира кетди.

— Лэйн, сиз мени ёллаганингизда, энг яхши кадр сифатида танлаб олгандингиз. Сизни мен қандай қилиб яхши бўлганлигим қизиқтирмасди. Сизга мен керак эдим, шунинг ўзи кифоя эди.

<sup>1</sup> И е р а р х и я — қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунлиши.

— Тагин касб-корлик сирларими? — тўнғиллади Бэркхардт.

— Нима, кўзбойлоқчи ўз найранглари қандай амалга оширишини изоҳлаб ўтирадими? — сўради Бернс.

— Демак, мен найранг учун пул тўлар эканман-да? — деди Бэркхардт сал олдинга интилиб.

— Йўқ, албатта, — эътироз билдирди Бернс. У оромкурси суянчигига ястаниб, ўз бошлигига назокат билан жилмайди. — Йўқ, асло, — сиз найранг учун тўлаётганингиз йўқ, — давом этди Бернс, — аммо Лэйн... — ва бу сўз ҳам ҳавода муаллақ туриб қолди... — Сиз чиндан ҳам сеҳрларни ёлладингиз. Фақат сеҳрларгина сиз учун шундай найранглар кўрсата олади.

Яна жимлик чўқди. Палмер бу икки эркак ўзаро муносабатларининг янги босқичига кирганликларини тушунди. Улар ўртасидаги нафрат ҳашаматдан заруратга айланди.

### Олтинчи боб

Ресторан унча катта эмас, лекин сахийлик билан безатилганди. Унинг ягона тор ва узун залига рококо услубидаги мураккаб безакли оқ-пушти ранг ромлардаги кўзгулар илиб ташланганди. Залнинг хира ёруғида Палмер ойналар нақшини унча илғай олмади. Кўзини қисган ҳолда қўлидаги қадаҳга нигоҳ ташлаб, уни аста лабига олиб борди ва шошмасдан охиригача ичди.

Унинг қаршисидаги стол ёнида Мак Бернс ўтирар ва паст овозда телефон гўшагига алланималарни гапирарди. Ресторанга улар иккаласи келишди. Бурчақдаги стол агрофига ўтиришлари билан Мак Бернсга телефон тутқазилди.

— Йўқ, азизам... — деди Бернс совуқ бир овозда. — Билганини қилсин, жўнатвор уни... — Лекин унинг кейинги сўзларини англаб бўлмади.

Палмер вискидан сипқарганча Бернсни кузатарди. Афтидан қиладиган иши шундан иборат эди. Бу томошанинг ҳаммаси: банк биносидаги учрашув саҳнаси, унга ва оиласига оид маълумотларни намоёйиш қилиш, ниҳоят, безаклари билан тижозларни лол қолдиришга мўлжалланган ушбу ресторан — чиндан ҳам яхши таассурот қолдирарди. Бернс нуфузли одам сифатида жамиятда муайян ўрин тутарди. Палмер бунга билар, лекин ўз нуфузини тасдиқлатиб олиш учун нега бунчалик беъмани йўлдан бораётганига ҳайрон бўларди. Аслида Бернс унга ёпиштиришаётган кучга эгами? Палмер бирдан шубҳалар қуршовида қолди, Бернснинг шухратига, умуман, ишониш мумкинми? У зийрак одамга ўхшарди, лекин лўттибозликлари қанчалик ўринсиз таассурот қолдираётганини наҳотки сезмаса?

Бернс телефон гўшагини жойига қўйди-да, Палмерга қаради.

— Вуди, мени яна бир дақиқага кечирингизга тўғри келади, — деди у ва тагин гўшакни кўтарди. — Дўндиқча, мени Венесуэладаги Каракас билан уланг, — унинг телефончи қизга мурожаат қилиб гапиргани аниқ эшитилди. — Рақами Сан-Мартин 00-40, шу давр ичида мени идорам билан улашг ҳам улгурасиз. Раҳмат, қизалоқ.

Палмер ўзини ноқулай сезиб, Бернсга қарамасликка уриниб, улидаги шотланд вискиси тўла қадҳнинг қаҳрабо рангини томоша қиларди. Қулоғига Бернснинг гапи чалинди:

— Вуди, кечирасиз, яна бир дақиқа. — Палмер бошини кўтариб, Бернснинг тагин энгашиб олиб телефонга шивирлаётганини кўрди. — Бу мен, жонгинам, телефонга... чақириб беринг... — нима деяётганини эшитиб бўлмади.

Палмер ўриндиқ суянчигига ястаниб кўзини юмди. Бундай ноқулай вазият ниҳоят тугар деган умидда эди. Бернс сира уялмайпти-ку, нега энди мен бунча безовта бўлишим керак? Палмер кўзини очиб, Бернсга қараб, уни кузатишда давом этди.

У тахминан Палмер билан тенгқур — қарийб қирқ беш ёшларда эди. Буғдой ранг. Калта сочи орқага қараб силлиқ таралганди. Палмер диққат билан бу одамнинг юзи қанчалик тез ўзгариб туришини кузатарди. У бундай башара ёшликда огир кун кечирган одамдагина бўлиши мумкин деган қарорга келди. Палмер уни кузата туриб, Бернс умуман, ўзига яраша мароқли, ҳатто ораста,

лекин галати қилиқли одам экан, деган хулосага келди. Бернснинг атайин қилаётган имолари унга ниқоб бўлибгина хизмат қилмасдан, ўз характерининг туб моҳиятини ўзининг англаб етишига халақит берарди. Ҳатто унинг оқиш сочлари ҳам, афтидан, унга ниқоб бўлиб хизмат қиларди. Лекин, барибир, унинг аслида ким эканини тасаввур қилиш қийин эди. Ўзининг даъвогарлиги ва шуҳратпарастлигига қарамай, аслида ўзи ким эканлигини ҳисобга олмай, Бернс ҳозирги мавқеига эриша олиши амри маҳол эди.

Палмер столдан қадаҳини кўлига олиб, унинг бўшлигини пайқади. Шу заҳоти хузурида официант пайдо бўлди. У қоши билан бўшаган қадаҳга имо қилиб, Бернснинг телефондаги суҳбатига халақит беришдан ҳайиқаётганини билдириб, қисқача: «Янами, сэр?» деди.

Палмер ҳам «куй» дегандай имо қилди. Сўнг:

— Шотланд вискиси сода билан, — деди баланд овозда. Буни кутмаган официант бир қалқиб тушди.

— ... якшанбалик чиқиш ҳақида ўйламанг ҳам... — деди телефон гўшагига Бернс.

Буюртма бериб бўлгач, Палмер диққат билан Бернснинг игнатугмасини кузата бошлади. Уларнинг ҳар бири атом тузилиши шаклидаги зарҳал гардишли бўлиб, унинг унсурлари кўк ёқут ва тўрт дона майда олмосдан ясалганди.

Ниҳоят, Бернс гўшакни қуйди.

— Каракасга уланиб бўлмапти, — деди у бепарвогина. — Э-ҳа, сизни қизиқтирган буми? Бу Лениннинг тимсолим. — У игнатугмасини ечиб олиб, кўзига яқинроқ олиб борди. — Углерод бўлмаса, — деди у, — ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмасди. Албатта, ҳаётнинг ўзини ҳисобга олмаганда, углерод тангрининг бебаҳо инъомидир.

— Демак, кўк ёқут — атом ядроси, олмослар эса электронлардир, — деди Палмер.

Бернснинг оғзи гапириш учун очилди-ю, яна ёпилди ва юзини табассум қоплади: — Лэйн ҳақ экан. Сиз банкирлик учун анча ақлли кўринадисиз. Аммо бу нарсанинг бошқа маъноси ҳам бор. — Шу сўзларни айтаркан, Бернс кўлини шундай қайирдики, олмосларга урилиб қайтган нур тўғри Палмернинг кўзига тушди. — Кўк ёқут — бу одам, ўзига хосликдир. Олмослар унга мангуга қадалган. Бу бахтнинг тўрт унсури — соғлиқ, бойлик, дўстлар ва сармоя демакдир.

— Соғлиқ, бойлик, дўстлар ва сармоя? — қайта сўради Палмер. У тўғри эшитганига ишонч йўқ эди.

Бернс унга бироз тикилиб турди, унинг сарғишроқ кўзлари қорайгандек бўлди.

— Худди шундай, — деди Бернс. Унинг лаблари бир зумга қисилди. Сўнг у сўзида давом этди: — Уйлашимча, молиячига бойлик билан пул ўртасидаги фарқни тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Шу пайт официант Палмерга виски олиб келди. Палмер ўриндиққа суянди.

Бернс қадаҳига лаб ҳам теккизмади.

— Пул — сен эга бўлган сармоядир, агар у етарли миқдорда бўлса-ю, узоқ вақт мобайнида кўлингда ушлаб туролсанг, у бойликка айланади, — деди Палмер.

Бернс бошини чайқади.

— Менга сизнинг молиявий маслаҳатчингиз бўлишимга рухсат этинг, — деди у. — Пул бу менда бор нарса. Бойлик — бу мен ўлганимда болаларимга қолдирадиган нарсадир.

— Ёки, — дея давом этди бирдан хушчақчақ бўлиб қолган Палмер, — пул биз сарфлаётган нарсадир, бойлик эса асраганимиз.

— Йўқ. Пул — ўғит, холос. Бойлик бўлса — йиғиштирилган ҳосил.

Бернс стол узра энгашди, унинг игнатугмасидаги олмослар ялтираб кетди.

— Айт-чи, Вуди, нега мен Лэйн Бэркхардт билан мана шу тарзда гаплаша олмайман? — сўради у.

Палмер кўзларини қисди, сўнг суҳбатдошининг нигоҳига тикилди:

— Сизда бу нарса чиндан ҳам қовушмаяптими?

— Бўлмасам-чи. Биз ҳеч қачон келиша олмаганмиз. Бунинг боиси нимада?

— Буни сиз яхши билишингиз керак, ахир, у билан мендан кўра кўпроқ ишлагансизлар.

— Сиз эса уни болалигингиздан биласиз, — деди Бернс. — Хўш, жавоб қанақа бўлади энди?

— Агар билган тақдиримда ҳам мени айтади, деб ўйлаяпсизми? — саволга савол билан жавоб берди Палмер. — Ахир, ўзингиз ҳам тегишли маълумотни тўплашингиз керак бўлган одам айнан шу кимса эканини менга ҳеч қачон айтмаган бўлардингиз. Бу касб-корлик сирига оид соҳа.

Бернс бир оз жим қолди.

— Борди-ю, агар мен сизга бор гапни айтиб берсам, унда бу ҳақда ҳеч ким эшитмайди, деб ваъда беришингиз керак.

— Ваъда беролмайман, — деди Палмер. — Ўзингиз тушунасиз-ку.

— Ҳа, тушунаман, — деди базўр Бернс. — Шунингдек, биз Лэйн билан нега чиқиша олмаётганимизни ҳам биламан. — У гапидан тўхтаб, елкасини қисди. Кейин кугилмаган куч билан кўшиб қўйди: — Лекин, майли, орамызда бошқа ҳеч қанақа сир бўлмасин, Вуди. Мен жиддий гапираяпман.

Ёш бола гўллиги ўрнини бундай шафқатсизлик эгаллаши Палмерни ҳайратга солди. Чунки ҳозир улар муҳокама қилаётган нарсанинг бунга сира дахли йўқ эди. Албатта, Бернснинг гапирганларини у бошқа талқин қилмаганда...

— Мен банкирман, — жавоб берди Палмер. — Мен қадриятнинг икки тоифасига эгаман, холос. Мен таклиф қила оладиган тоифа: бу пул ва омонатчи сирини сақлай билиш. Сирларни кўргани кўзим йўқ, лекин умрим бўйи икки кишига бемалол етиб ортадиганидан ҳам кўпроқ сирни сақлашимга тўғри келди.

— Аммо уларни мендан яширманг, Вуди, — туриб олди Бернс. — Биз ўзимизга бунчалик дабдабани эп кўролмаймиз, айниқса, ҳозир. — У нафасини ростлаб олди. — Бировнинг ихтиёри билан қандай аҳволга тушиб қолганингиз ҳақида ҳеч бўлмаса сал-пал тасаввурга эгамисиз? Ёки ҳеч бўлмаса вазият нақадар танглашишини сезмаяпсизми?

— Афтидан, вазият аллақачон танглашиб бўлди. Бэркхардтни ташвишга солиш учун шунинг ўзи етарли.

— Бўлмасам-чи! — чўрт қесди Бернс. — Бэркхардт ташвишлана бошладими, демак икки марта кўпроқ ташвишланишим керак. Ҳар иккаламиз ҳам ташвишлана бошлаганимизда эса, бир неча миллион кишиларда қайғуриш учун етарли асос пайдо бўлади.

Палмер виски тўлдирилган иккинчи қадаҳни олди-да, аста-секин, култумлаб ича бошлади. У Бернснинг биринчи қадаҳини ичиб тугатишини кутишга қарор қилганга ўхшарди.

— «Юнайтед бэнк» учун нима яхши бўлса, Америка учун ҳам-шу яхши, — деди у. — Унинг учун нима ёмон бўлса...

— Мутлақо тўғри. Сизни, афтидан, яхшилаб хабардор қилишганга ўхшайди, — деди у.

— Ушбу маълумотларни олиш учун менинг идорам бутун тонг бўйи ишлади, — деди Палмер ҳазиломуз, боягина Бернс айтган жумлани такрорлаб.

Бернс ўзини орқароқ ташлаб, диққат билан Палмерга қаради. Унинг ўзига хос юзи ҳозир ҳеч нарсани ифодаламас, ҳатто оғзи ҳам қимирламасди. Кейин у мулоийм жилмайди.

— Вуди, — деб бошлади-ю, тўхтаб қолди. Бу сўзнинг ҳавода қандай жаранглашини тинглагандай кутиб турди. Сўнг давом этди: — Вуди, ЮБТКдан кетсангиз нима қилади? Сиздай вице-президентга яхшироқ жой топиш мумкин.

— Кетиш? И-е, уерда ишлашни энди бошладим, ахир, — ҳайрон бўлди Палмер.

— Агар сизни ўз томонимга оғдириб олсам, биласизми, Лэйн мени нима қиларди? Яхшиси ўз бўйнимни узиб ташлаганим маъқул.

Палмер ўзини жуда ноқулай сизди, лекин ўз олдида ҳар қил даҳшатларни тўқиб чиқариб, кейин улардан кўрқаётган ёш болани кўргандек жилмайиб турди.

— Э-э, жудаям ошириб юборманг, — деди у. — Сизда яна битта игнатугма қоларди. У билан яна анча йиллар кун кўришингиз мумкин бўларди.

У шу заҳоти айтган сўзларидан афсусланди. Бу жуда андишасизлик бўлди. Бернс ундан хафа бўлишга ҳақли эди. Палмер ўзини ноқулай сезиб, Бернсга разм солди.

Бернснинг кўзлари олайди. Лекин оғиз очмади. Шу боис энди нима юз бериши мумкинлигини билолмай қолди.

— Айтинг-чи, булар ростдан ҳам сизга шунчалик ёқаяптими? — кутилмаганда сўради Бернс ва кўйлаги енгидан игнатугмаларини ола бошлади.

— Мана, азизим, олинг уларни.

— Кулоқ солсангиз-чи, мен...

— Олинг, олаверинг, мен мутлақо жиддий айтаяпман.

— Лекин менга керакмас...

— Бўлмаган гап, — тиқилинч қилди Бернс уларни Палмерга тиқиштираркан.

— Улар сизники, бор гап шу. Бўлди, эсан чикарайлик буни. Мен, барибир, Рождество байрамида уларни сизга ҳада қилардим. Агар менга август ойида бир одам ёқиб қолса, наҳотки буни тан олиш учун декабрғача кутсам?

Биринчидан, ўринсиз аҳмоқона гап айтганидан, кейин эса нолойиқ тарзда шундай мукофотга сазовор бўлишидан ўз айбини янада каттароқ ҳис қилиб, Палмер «ташаккур»га ўхшаш тўшунарсиз нимадир деб тўнғиллади-да, игнатугмаларни олди.

Бернс бармоқларини шақиллатди, шу заҳоти унинг олдида бош официант пайдо бўлди.

— Алекс, — дея мурожаат қилди унга Бернс. — Алекс, азизим, мистер Палмернинг қимматли тугмаси учун дурустроқ филоф топсангиз, менга эса шу клубнинг рамзий игнатугмасидан бир жуфтани қараб кўринг-а, хўпми?

Алекс бош ирғади ва шу он ғойиб бўлди. Палмер ва Бернс бир неча сония бир-бирига қараб қилишди. Палмер бу қилигидан ўзини пасткашдек ҳис этарди, чунки шу бугун янги кўйлак кийган бўлиб, унинг енглари тугма билан қадалар эди. Унда дурустгина француз игнатугмалари бор эди, агар ўшалар ёнида бўлганда эди, у Бернснинг илтифотига илтифот билан жавоб қайтарган бўлар эди.

— Шундай қилиб, — деди Бернс. — Лэйн менга ҳамкорлик қилишим учун қачон одам бераркан деб роса кутди-и. Лекин унинг Чикагодан чақирилишини ҳеч кутмаганим.

— Хўш, ҳамкорликни қачон боғ лаймиз? — сўради Палмер.

— Азизим, мана, ўн беш дақиқ бўлаяптики, биз ҳамкорлик қилаяпмиз.

Палмер кулимсиради.

— Агар шу иш деб аталса, демак мени кўп йиллардан бери аҳмоқ қилиб келишадиган экан-да. Ҳозир биз нима қилаяпмиз ўзи?

— Узимизни шарҳлашга имкон бераяпмиз, — тушунтирди Бернс. — Биргаликда. Айнан керак жойда. Айнан кимларга керак бўлсак, ўшаларга. Бу менга Голливуддаги дастлабки қадамларимни эслатапти. Энди эса атрофга алангласликка ҳаракат қилинг. Залнинг бурчагидаги стол ёнида бир одам ўтирибди. У нонуштасини тамадди қилиб бўлди. Бир дақиқадан сўнг у ўрнидан туриб эшикка қараб юради ва ўтиб кетаётиб, сиз билан саломлашиш учун қаршингизда тўхтади. Унинг исмининг аҳамияти йўқ. Лекин у бир неча нуфузли журналистлар хизматидаги айғоқчи. Бироқ, уни столимизга бир қадаҳ коньяк ичишга таклиф қилишга арзимайди. Унинг бирдан-бир вазифаси шундан иборатки, сиз билан бир стол теварагида ўтириб суҳбатлашганимизни қайд этиб, тегишли жойга етказишдир.

— Бизнинг бу ерда ўтиришимизнинг нима аҳамияти бор?

— Мак Бернс билан бу ерда тамадди қилгани келган ҳар қандай одам газета мақоласи учун мавзу бўлиши мумкин. Бу одам реклама доирасининг оддий вакили, арзон шов-шувлар билан шуғулланади. Бундан йигирма йил муқаддам мен ҳам шундай бошлаган эдим. У шаҳар бўйлаб изғиб юради, қандайдир воқеадан хабар топиб, журналистларга етказилади.

— Биргаликда журналистларга кўринсак, қайтага яхши бўлмасмиди?

— Ундай қилиш ярамайди, — деди Бернс астагина бошини силкиб. — Вуди, мен, албатта банк соҳасида ҳали кўп нарсани ўрганишим керак, лекин сиз матбуот ва реклама масаласида яхшироқ шуғулланишингиз лозим. Мавзу ва мазмунни журналистга тиқиштириш мумкинмас. У ўз-ўзидан бунда бир гап бор деб шубҳаланиб қолади. Бу мавзу уларнинг қулоғига чалиниши керак. Шундагина улар олдингизга югуриб келишади. Гап нимадалигини ўзлари

қидириб, аниқлашлари даркор. Зеро, шундагина у ўзини ниманидир сезгандек ҳис қилади. Шундагина унда бу айнан шундай экан деган ишонч туғилади. Ва шундагина у ўзи мақоласини дадил чоп эттиради. — Бернснинг қўли стол устидан чўзилиб, Палмернинг қўлига тегинди.

— Дикқат. Ана, у ўрнидан турапти. У яқинлашганида, ўзингизни уни кўрмаётганликка солинг.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас улар томонга бир семиз киши кела бошлади. Уларнинг столига рўбарў бўлгач, тўхтаб, сассиз саломлашди. Бернс унга сохта ҳайрат билан қаради ва шу заҳоти тиржайиб, илтифот кўрсатди:

— И-е, сенмисан? Салом, оғайни Лен.

Ҳалиги киши уларга яқинлашди; гупиллаб шароб ҳиди урилди.

— Мэкки, қадрдоним, *Wie geth's*<sup>1</sup>?

— Ҳамон ўша — эски ҳаммом, эски тос.

— Кўп тушираяпсанми?

Бернс заҳарханда жилмайди:

— Сенга кўп бўлиб кўринса керак.

Лен тушунгандай кулиб, Палмерга ўгирилди.

— Лен Бэннон, — ўзини таништиради қўлини чўзмокчи бўлиб.

Палмер унинг нигоҳидан кўзини олиб қочиб, бош ирғади.

— Бу Вуди Палмер. Танишинглар, — деди Бернс. — Лекин уни бу ерда кўрганингни унут, Ленни, оғайни.

Леннинг кўзлари олайди.

— Нима, жиддий гапми?

Бернс бошини чайқаб, жилмайди:

— Лен, азизим, сен хафа бўлмагин-у, ҳамма нарсани тушунавериш сенинг миядор калланга ҳам оғирлик қилади.

— О кэй, Мэкки, майли сен айтгандай бўлсин. *Seid gesund*<sup>2</sup>.

Лен Бернсга қўлини чўзди, унинг қўлини қисиб қўйди-да, эшикка шошилди.

— Мендан Катта Вика салом деб кўй, — деди у чиқиб кета туриб.

— Мана, бугунги иш ҳам битди. — тўнгилади унинг орқасидан қараб қоларкан Бернс. Кейин Палмерга бурилди-да:

— Жуда соз, — деб қўйди.

— Ҳа, майли, у менинг чикаголик банкир эканимни билди, деб тахмин қилайлик, сиз шуни ҳоҳлагандингиз. Лекин менинг ЮБТКда ишлашим унга ҳали маълум эмас-ку.

Бернс қошларини чимирди:

— Нима бало, матбуотга мўлжалланган ахборотимизни Лэйн сизга кўрсатмадимми? — У пиджагининг ички чўнтагини қовлаштириб бир варақ букланган қоғозни олди.

— Ушбу ахборот бугун курьеримиз билан газеталар таҳририятларига ва телеграф агентликларига юборилди, — деди у.

Палмер қоғозни ёйди. У «Юнайтед банк» бланки бўлиб, матн олтин ҳарфлар билан ёзилган эди. Ротопринтда кўпайтирилган хабарнинг сарлавҳасида «Палмер омонат банкларига қарши курашиш учун компанияга ишга ўтди» дейиларди.

Палмер ҳайрон бўлиб Бернсга қаради:

— Бу ҳақда мен билан ҳеч ким келишиб олгани йўқ. Мен расмий равишда фақат бир ойдан кейин ишга тушаман.

— Вуди, биз битта қайикда сузаяпмиз, ахир. Мен ушбу нусхани юқори қаватдаги эшик олдида ўтирган баланд бўйли малласоч қиз столидан олганман.

— Лекин сиз реклама масалалари бўйича ЮБТК маслаҳатчисисиз, ахир? — қизиқиб сўради Палмер. — Ахир, бундай материаллар сизнинг ймзоингизсиз тарқатилмайди.

— Бу менинг вазифамга киришини ҳеч ким билмайди. Худди шу боисдан ҳам Лен Бэксон иккаламизни биргаликда кўриши шунчалар муҳим эди.

— Унда бу хабарни ким тарқатди, ахир, жин ўрсин? Реклама бўлимими? — сўради Палмер газабланиб.

— Ҳа-да, бошқа ким юборарди!

<sup>1</sup> *Wie geth's* — Аҳволлар қалай? (немисча).

<sup>2</sup> *Seid gesund* — Саломат бўлинглар (немисча).

— Ҳатто олдиндан мен билан келишмай туриб-а? Бу қандай сурбетлик, жин урсин.

Бернс қўлларини ёйди, кафтларини юқори қаратиб кўтаргани учун куйлагининг тугмаси солинмаган енглари қанотларга ўхшаб шалпайиб пастга тушди.

— Нима бу хабарда сизга бирор нарса ёқмаяптими? — сўради у.

— Билмайман, — тўнғиллади Палмер ва хабар мазмунини ҳали ўқиб чиқмаганини эслаб, унга кўз югуртирди:

«Энг йирик Америка банки — ЮБТК президенти ва бошқарув раиси Лэйн Бэркхардт бугун шуни эълон қилдики, чикаголик таниқли банкир, Вудс Палмер-кенжа, собиқ президент...».

Бернс тирсаги ёнидаги телефон яна секин, аммо қатъият билан жиринглади. Палмер ўқишдан тўхтади.

— Эҳтимол, Каракасдир, — деди айбдор овоз билан Бернс. — Алло? — унинг овози бирдан юмшади. — Сизни чақиритишпти, — деб гўшакни Палмерга тутқазди.

— Алло?

— Жаноб Палмерни, марҳамат, — деди телефончи қиз.

— Палмер эшитаяпти.

— Сизни шахарлараро станция сўраяпти, кутиб туринг, илтимос.

Палмер кутиб турди. У ёқдан жавоб бўлмагач:

— Гапирсангиз-чи, — деди Палмер.

— Вудс? — Эдиснинг ҳаяжонланган овози эшитилди. — Алло, Вудс...

— Эдис, қаердан гапираяпсан?

— Мен дала ҳовлидан сим қоқаяпман. Тинимсиз телефон қилишпти, газеталар билишни истайди, Вудс...

— Ҳа, ҳа, мен эшитаяпман.

— Вудс, шу ростми?

Уэллсли коллежда унга сингдирилган сўзлаш оҳанги ҳар қандай ички ҳаяжонини ишонч билан яширишга қодир эканлигига қарамай, Палмер рафиқасини етарли даражада яхши биларди, шунинг учун ҳам Эдис ўзи ва оиласи теварагида вужудга келтирган сунъий дунёчада нимадир ўзгарганини ҳис қилди. Гўё кимдир деразага тош отган-у, синган шиша парчалари гилам узра сочилиб кетгандай.

— Нима, ростми, Эдис? — сўради Палмер, уни бир оз қийнаш имконияти нега қувонтираётганини ўзини ўзи ҳам тушунмай.

— Сенинг янги ишинг-да, нима бўларди. Айтишларича... «Чикаго трибюн» вакили мендан сўради, Нью-Йоркдаги «Сан-Таймс» бюросидан ҳам одамлар келишди, Вудс?

— Жерри сенга айтмадимми?

— Жерри? — Эдиснинг овози хафалик оҳангини йўқотди ва ўз товуши бўлиб эшитилди. Болалар — энди унинг ташвиши. Гаплашганда болаларни ҳам эслатиб ўтди. — Буларнинг ҳаммасига Жеррининг нима алоқаси бор?

— Эдис, бугун эрталаб мен кўнғироқ қилдим, ахир.

— Кўнғироқ қилдинг? Бу ёққа, бизларгами?

— Ҳа-да. Сен йўқ экансан, Жерридан илтимос қилдим...

— Бугун эрталаб мен йўқмидим? Қайси пайт эди? — сўради Эдис.

— Эрталаб саккизда ёки бизнинг вақт билан саккиз яримда.

— Бўлмаган гап, — эътироз билдирди Эдис, яна ўзини дадил тутиб. — Соат ўнгача мен уйда эдим.

— Мен Жерридан сени қидириб топишни сўрадим. У ўз одати бўйича қаёққадир йўқ бўлиб кетди-да, кейин келиб сени тополмаганини айтди.

— Э, азизим, унинг ёшидаги қизчадан буни кутса бўлади. — Эдиснинг овозида одатдаги ишонч оҳанги жаранглади.

— Ҳозир унда турли ўзгаришлар юз бермоқда. Бу табиий.

— Хўп, майли, — деди Палмер. — Яхшиси айт, сизларда аҳвол қанақа?

— Яхши, яшаса бўлади.

Палмер хотини отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмаётганини тушунди.

— Матбуот вакилларига нима деб айтгай, азизим?

— Айт, Нью-Йоркка телефон қилишсин. Ўша хабар менинг розилигимсиз матбуотга вақтидан илгари бериб юборилган экан. Бундан роса жаҳлим чиқди.

— Нима, бу нотўғрими?

— Йўқ, умуман ҳаммаси тўғри.

— Яхши, мен... — Бирдан унинг овози ўчди, чунки юзини телефондан буриб, ёнида турган кимдир билан гаплашди. — Майли, азизим, омон бўл, — деди у яна гўшакка.

— Сен мени бу ердан қандай топдинг?

— О, албатта, — деди хоним кимгадир телефон симининг у томонида, — сўзсиз... Азизим, Нью-Йоркда иссиқми?

— Эдис, мени бу ердан қандай қилиб топдинг, деб сўраяпман? — такрорлади Палмер жаҳли чиқиб.

— Мен «Юнион лиг» клубига сим қоқдим. У ерда менга банкнинг телефон рақамини беришди. Банкдаги қиз эса мени шу телефонга улади. Бизда анча совуқ тушиб қолди.

— Мен эса бу ерда нафас ололмаяпман, — деди истехзо билан Палмер. — Мен сенга кечқурун ёки эрталаб телефон қиламан. Яхши қол...

— ... тахминан ярим фунт, миссис Кейж... — сўнг яна баланд овозда: — Нима дединг, азизим?

— Яхши қол, дедим.

— Яхши қол, азизим.

Сухбат тугади. Палмер гўшакни қўйди ва қадаҳни бир кўтаришда бўшатди. Бернсга қараганда эса унинг лабларида енгил ишшайишни фаҳмлади. Унинг бу табассуми жуда сирли бўлиб кўринди.

— Хўш, бу ёғи нима? — ғазаб билан сўради Палмер.

— Матбуот учун хабарни охиригача ўқинг.

— Кўйинг ўша хабарни.

Бернс ҳеч нима демеди. Сўнгра, табассумсиз, ўз қадаҳини кўтарди-да, Палмер билан чўқиштириш учун стол оша чўзилди.

— Энди қадаҳ сўзи айтайлик, — деди у, оғзининг бурчакларида нимадир титрагандай бўлди. — Мен соғлиқ, бойлик, дўстлар ёки пул учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилолмайман. Буларнинг барчаси сизда бор.

— Қадаҳ сўзи айтмасдан ҳам ичиш мумкин, — деди Палмер, ҳалигача Бэркхардт ва Эдисга жаҳлидан тушмасдан.

— Дўстинг билан биринчи марта ичаётган бўлсанг, қадаҳ сўзи айтмасдан бўлмайди, — туриб олди Бернс. — Шундай қилиб, нима учун ичамиз? Биз ушбу ишимизни бошлаб юборгач, бунақа бемалол овқатланиш имконияти бўлиши даргумон.

— Унда, келинг, сизнинг игнатугмангизга яна битта олмос қўшайлик, — деди Палмер, ачитиб узиб олмоқдан ўзини тиёлмай. — Донолик учун ича қолмаймизми?

— Пул ва дўстлар бўлган тақдирда доноликнинг нима кераги бор? — сўради Бернс ва ўзи жавоб қилди. — Йўқ.

Бернснинг қисқа жавоби ҳавода бир неча сония турди, кейин Бернснинг сарғиш кўзлари сузилди.

— Кел, яхшиси, ҳалиги... муҳаббат учун ичайлик.

Улар бир-бирларини эҳтиёткорлик билан кузатиб, ўз қадаҳларини аста-секин, қултум-бақултум бўшатдилар.

### Еттинчи боб

Бернсдан ажралиб кетиш унчалик осон эмасди. Тўғри, Палмер тамадини икки яримга тугалашга муваффақ бўлди. Лекин Бернс Палмердан у билан реклама агентлигига боришни сўради. У шу агентликда жамоатчилик билан алоқалар бўлимини бошқарарди. Палмер бу таклифга чап беришга эришди, лекин бунинг ўрнига Бернс ундан кечқурун бирга овқатланиш ваъдасини олди.

Бернс уни таксида олиб боришни таклиф этди, лекин Палмер пиёда юргиси келаётганини айтди ва ниҳоят у билан хайрлашди. Палмернинг энг аввал қилган



иши шу бўлдики, автоматдан Бэркхардтга телефон қилди. Унга Бэркхардт Бешинчи авенюдаги идорадан кетганини айтишди. У банкнинг Бруклин ва Куинсдаги филиалларида иш қандай бораётгани билан танишмоқчи экан. Палмерга Бэркхардт билан боғланишнинг имкони йўқлигини айтишди. Соат беш яримларда қайтиб келиши кутилмоқда экан.

— Сизни бу ерда қачон кутса бўлади? — сўради телефонда гапираётган қиз.

— Гап шундаки, интерьер бўйича бизнинг безакчимиз сизни кўрмоқчи эмиш.

— Қанақа безакчи? — ҳайрон бўлди Палмер, лекин унинг автоматдаги вақти тугади ва у чўнтагини титиб чақа қидира бошлади. — Нима дедингиз? — деб сўради у ниҳоят.

— Жаноб Бэркхардт сиз бирор тузатиш киритасизми, деб ўйловдилар. Бу сизнинг ишлайдиган хонангиз хусусида: Шунинг учун биз безакчи рассомни чақиртирдик. У сизнинг кўрсатмаларингизни кутмоқда. Рассом куннинг иккинчи ярмида истаган пайтингизда сиз билан учрашишга тайёр.

Палмер соатига қаради:

— Ҳозир соат уч. Унга айтинг, соат тўртга кирсин. Чорак кам тўртда эса бизнинг реклама ва матбуот билан алоқа бўйича вакилимизни кўрмоқчиман.

— Мисс Клэри, — деди телефондаги қиз.

— Кечирасиз, нима дедингиз?

— Мисс Клэри бизда реклама ва ахборот масалалари билан шуғулланади.

Мисс Виржиния Клэри.

Палмер хўрсинди:

— Яхши. Уша Виржиния Клэри чорак кам тўртда ҳузуримга кирсин.

— Ташаккур, мистер Палмер. Бор гап шуми?

— Ҳа, бор гап шу.

— Унда яхши қолинг, мистер Палмер.

— Яхши қолинг. Вой, тўхтанг! Алло?... Бироқ уларни узиб қўйишганди.

Палмер ўзининг хонаси қаерда жойлашганини билолмай қолди. Эҳтимол, Бешинчи авенюдаги банк бўлимларининг биттасида жойлашгандир, деб ўйлади Палмер. У телефон ҳужрасидан чиқди-да Лексингтон-авеню томонга бурилди. Бурчакка етгач, юришни секинлатди, август офтобидан кўзлари қамшиб, ёнидан гувиллаб ўтиб кетаётган шовқинга кулоқ соларкан, унинг ўй-хаёллари Мак Бернс билан банд эди.

Бу одам ўша ўзгарувчан хусусиятга эга бўлишига қарамай, унинг асосий белгиларини ҳозир, танишувнинг дастлабки босқичидаёқ аниқлаш мумкин эди. Палмерда етарли далиллар етишмасди, лекин у шунга амин эдики, Бернс «романтиклар» тоифасидаги энг паст турлар вакилидир. Унинг фитнесларга мойиллиги, Каракас билан телефонда сирли суҳбатлари, оддий воқеаларга ҳам изкуварларча ёндашуви, сирни сақлашга оид қасамёдлари, ниҳоят ўзини ҳаддан ташқари саховатли қилиб кўрсатиши, бу сифатларнинг ҳаммаси романтик авантюрачи портретини тасвирлаш имконини берарди. Шу боис ЮБТКгагина эмас, бошқа ҳар қандай банкка ҳам бу одамга бирор нарсани ишониш мумкин эмасди.

Палмер шуларни ўйлаганча Лексингтон-авеню бўйлаб, жанубий йўналишда, бирорта ҳам уй қолдирмай бузиб ташланган маҳалла ёқалаб кетиб борарди.

Қурилиш майдонининг зангори рангга бўялган баланд тахта тўсиғи орқасидан экскаваторларнинг шовқин-сурони, оғир юк машиналарининг гувиллаши эшитиларди. Палмер дарвоза олдида тўхтаб, «Мак-Кормик» фирмасининг баҳайбат юк ағдарма машинаси тунроқда чуқур из қолдириб, бузилган уй пойдеворининг парчаланган бетонларини ортганча Лексингтон-авеню бўйлаб қаёққадир олиб кетаётганини кузатиб қолди. Нью-Йоркнинг мана шундай ўзига хос белгиси — бетиним бузиш ва бунёд этиш жараёнига кўникишимга тўғри келади, деб ўйлади. Зеро оғриқли бу жараён бошқа шаҳарларга ҳам тез ёйилмоқда.

Бу ғоя аслида соғлом ғоя эди, лекин мамлакат иқтисодиёти барқарор ва ривожланаётган тақдирда кераксиз хизмат биноларини бузиб ташлаб, шу йўл билан солиқлар пасайишига эришиш, кейин қиммат турувчи янги иморатлар қуриш мумкин бўларди. Бу биноларнинг нархи устамонлик билан тўқилган қонунлар доирасида солиққа тортилган, қийматлардан олиб ташланар ва шу

тариқа юқори мансабдорлар орасида ҳозир кенг қўлланилаётган кўчмас мулк борасидаги катта кўзбўямачиликларда роса қўл келарди.

Палмер ҳали ҳам дарвоза олдида турарди. Қурилиш майдонидан чиқиб келаётган навбатдаги ағдарма машина уни чанга белаб ўтиб кетди. Умуман, бундай қурилиш учун зарур бўлган иқтисодиётнинг бу тарзда қулай ривожланиши фақат тахмин қилинарди ва у худонинг инъоми билан осмондан тушгандай ўз-ўзидан барпо бўлади деб кутиб ўтирмасдан, уни бунёд қилиш керак, ўйларди Палмер. Ҳатто Винни Эстор ҳам шу атрофдаги биноларни бузишга киришганда бунга ишонч ҳосил қилди. Ишга сарфланаётган пуллар тугаб борар, эркин маблағ топиш қийинлашарди. Шунда Эстор бу гоёни уддалай оладиган омонатчиларидан бири «Фёрст нэшнл сити бэнк» зиммасига юклади. Аммо у ҳам бу қурилишни маблағ билан таъминлашга қодир эмасди. Бир вақтлар дабдабали «Эстор Плаза» номи билан юритилган сармоя маскани энди «Фёрст нэшнл сити бэнк» деб аталади.

Палмер яна Лексингтон-авеню бўйлаб юра бошлади. Эллик учинчи кўча муюлишига етга, қурилиш майдончалари орасида омон қолган битта бинони кўриб қолди. Бу эски иморатни бузишга ҳали улгуришмаганди. Ялпи вайроналар сахнида ёлғиз ва ўринсиз турган бу бино меҳмонлар ўзларига мўлжалланган торт кесимларини тинчитишгач, тақсимчада қолган сўнги бўлакчини эслатарди. Қизик, деб ўйлади Палмер, шу иморатнинг эгаси қан қан нарх сўраган экан? Балки бу нархга Эсторнинг кучи етмагандир, лекин «Фёрст нэшнл сити бэнк» маъқул ҳақ тўлашни таклиф қилишга қодир. Ҳарҳолда бу вақт кўрсатади.

Палмер жилмайганича жанубий йўналишда Лексингтон-авеню ёқалаб юриб бораверди. Бузиб кунпаякун қилиб ташланган, харобага айланган майдон ўртасида якка-ёлғиз сўспайиб турган ана шу сўнги кўрғонни томоша қилиш уни анча тинчлантиргандай бўлди. Гап, албатта, уй соҳиби ҳаддан ташқари катта нарх сўраганида эмас. У яхши буюм эгаси бўлгани учун ундан дурустроқ фойдаланди, холос. Лекин ўз йўлида дуч келган ҳамма нарсани бузиб, янчиб бораётган Буюк тараққиёт кўчкисига қарши турган мана шу ёлғиз кўрғон Палмерга анчайин завқ бағишлади.

Албатта, агар ЮБТК олдида шундай муаммо пайдо бўлса, ўйларди у, шунда мана шу ёлғиз кўрғонни ўз ихтиёрида бор бўлган барча воситалар ёрдамида яксон қилиш Палмернинг мажбуриятига кирарди. Лекин ҳозир бу ҳақда «Фёрст нэшнл» қайғуриши керак бўлгани учун мазкур манзарани томоша қилиш унга жуда ёқарди.

Эллик иккинчи кўчанинг муюлишида Палмер йўлдан ўтиш учун светофорни кутаркан, Бэркхардт билан учрашганда унга нима дейиши кераклигини ўйларди.

Янги вазифага тайинлаши ҳақидаги хабарни унинг ўз розилигини олмасдан туриб матбуотга бериб юбориш, шубҳасиз, ўрнатилган тартибни жиддий бузишдан бошқа нарсаси эмас. Бэркхардт билан бунга гапланиш учун унинг олдида киришдан олдин мисс Клэридан тўлиқ маълумотларни олиш лозим. Лекин у ниҳоятда қатъиятли бўлиши керак. Бу воқеага бефарқ қарайдиган бўлса, аввал-бошданок ўз мавқеини бўшаштиради. Бу эса унинг Бэркхардт ва банк бўлажак муносабатларига соя солиши мукин эди. Палмер бунга йўл қўёлмасди. Шу бугуноқ қарши ҳужумга ўтиши ва ўз сўзида қатъий туриб олиши керак бўларди.

Бу масалани Бэркхардт олдида қўяркан, Бернс шахсига доир тўхталишга ҳам тўғри келишини Палмер яхши тушунарди. Умуман, бу одамнинг ЮБТКга нима дахли бор? Банкнинг аҳволи қачон бунчалик дарз кетдики, Бернсга ўхшаш кимсалардан ёрдам сўрашга мажбур бўлинди?

Бернс ўзича зарар етказа олмасди, лекин у фақат салобатли банк билан боғлиқ бўлмаган пайтгача давом этади, деган қарорга келди Палмер. Унга ўхшаган одамлар бизнеснинг бошқа кўпгина тармоқларида ўз ишининг устаси бўлиб, бундай соҳаларда ташқи кўриниш ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир.

Лекин банк, гарчи у дунёдаги барча банклар сингари ўзининг ташқи қиёфасига эга бўлса-да, моҳиятига кўра анча мураккаб ҳодисадир. Унинг асосини энг аниқ қиймат — пул ташкил қилади. Бу сармоя ва хизматдан ташкил топган мураккаб қурилманинг пойдеворидир. Банк жамият билан ўзаро муносабатларида ушбу тамойилни эътибордан қолдирса борми, — шундай ҳоллар юз берганди

— дарҳол инқироз жараёни ҳаракатга келади, мижозлар кўз ўнгида обрӯ ва ишончга путур етади. Бу ҳалокатга элтувчи жараёндир.

Мак Бернс ким? — сўради ўз-ўзидан Палмер. Бэркхардт у билан қандай боғланиб қолди? Балки Бернс раҳбарлик қилган реклама агентлиги туфайлидир. Нима учун Бэркхардт зўр бериб Бернс билан шахсий муомала қилмасликка уринади-ю, айни пайтда Палмерни у билан муносабатларни тиклашга ундайди? Нима сабабдан Бэркхардт билан Бернс ўртасидаги муносабатлар сир тутиб келинди? Мак Бернсдан ЮБТКга нима керак эди? Бэркхардт унинг хизматидан фойдаланар экан, у обрӯсига доғ туширишга қанчалар тайёр?

Палмер турган йўлқадан Эллик биринчи кўчага тушиш учун энди қадам босган ҳам эдики, бирдан унинг шундоққина олдида, сал бўлмаса уриб юборай деб етти ўринли катта қора «кадиллак» бурчакка бурилди. Палмер ортга тисарилди. У ҳалиги нарсалар ҳақида ўйларга шу қадар берилиб, қаёққа кетаётганига эътибор бермаганига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Жин урсин, ўша Бернсни, у билан бирга кўшиб Лэйн Бэркхардтни ҳам.

Шу пайт Палмер бирдан ҳалиги семиз киши ресторанда Бернс билан хайрлаша туриб қандайдир исмни айтганини эслади. Бурчакда турганича, Палмер ўша исмни хотирлашга уринди. Бепарволик билан айтилган бу ном унинг қулоғи ёнидан ўтиб кетган бўлса-да, Палмер онгининг чуқур пучмоқларида из қолдиришга улгурган эди. Уни, албатта, эслаши керак, дерди Палмер.

Палмер хотирасини тиклашга чираниб кўзларини юмди. Кимдир уни туртиб юборди, у катта йўлга чиқиб қолганини сезиб кўзларини очди.

Катта Вик!

Палмер енгил тортиб, шошганича кўчани кесиб ўтди-да Лексингтон-авеню ёқалаб юрди. Катта Вик Калхэйн. Палмер кутубхона биноси ёнидан ўтиб кетишига сал қолди. Лекин дарҳол орқасига қайтиб, сокин, гира-шира даҳлизга кирди. «Нимадан бошласам экан?». “Who’s who”<sup>1</sup> дан эмас, албатта. Бунинг ўрнига у кутубхоначидан учувчилар учун даврий нашрлар маълумотномасини сўраб олди-да, «К» ҳарфи изоҳларини кўздан кечири бошлади. «Нью-Йорк таймс мэгэзин» январ сонида Виктор С. Калхэйн ҳақида мақола босилган эди. «Атлантик Маңели»нинг май сонида «Катта Викка — катта пирог» деган очерк берилибди. Июн ойида «Ньюс-уик» ва «Нью-Йоркер» журналлари ҳам у ҳақда мақолалар ёритибди. Палмер соатига қаради: ўз идорасида хизматдошлари билан учрашувга атиги ярим соат қолибди.

Йигирма дақиқа ичида ўзига керакли ҳамма нарсани кўздан кечириб чиқди. Калхэйнга оид материаллар унча қониқтирмади. Отаси ирланд, онаси италиялик экан. Ота-онасининг истагига кўра Вик кашаши, яъни руҳоний бўлиши керак эди. Бунинг ўрнига у маҳаллий сиёсий арбобларнинг курашига аралашиб қолган эди. Уларнинг базаси эса шаҳарнинг шарқий қисмидаги Юз олтинчи кўчада жойлашганди. Кейин, турғунлик йилларида Калхэйн Маркантонио ташкилотига қарши кураш олиб боради, сиёсий ҳаракатларнинг ёлланма ташкилотчисига айланади ва Эд Флинн инқирози даврида шуҳрат чўққисига кўтарилади. Энди эса Палмернинг тенгқури Калхэйн, ҳамманинг тан олишича, Нью-Йорк сиёсий машинасининг каттагина қисмини ўз қўлига киритди. Палмер учун бу янгилик эмасди. Унинг диққатини жалб қилган нарса фақат шу бўлдики, Калхэйн Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги мартабасига оид барча мақолаларда ҳаммиша Мак Бернснинг номи учрайди. «Таймс» уни «ижтимоий алоқалар ва реклама масалалари бўйича Калхэйннинг маслаҳатчиси деб атади. «Атлантик» унинг номини икки бор эслатади: бир марта Калхэйн ва Кармин де Сапио ўртасида қизиқ кетган шафқатсиз кураш муносабати. Ҳилан, иккинчи марта Бернс «даҳо» деб атаб, Катта Викнинг шуҳрат чўққисига кўтарилишида жонбозлик кўрсатганини таъкидлайди. «Ньюс-уик» Бернсни «Калхэйн тирноқларини ўткир қилган одам» сифатида тавсифлайди. «Нью-Йоркер» бўлса унга анчагина ўрин бағишлайди. Унда шундай дейилади:

«Калхэйн энг яқин сафдошларидан бири билан учрашувда шундай деди: «Мак Бернс! Бу менинг энг яқин дўстим, мен уни беҳад хурмат қиламан. Ҳар томонлама жуда ажойиб йигит-да, жин урсин!» Реклама ишлари бўйича доно

<sup>1</sup> “Who’s who” — сўзма-сўз “ким аслида ким” бўлиб, таниқли арбобларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлардан иборат китоб.

маслаҳатчи Бернс унинг учун шахсий сиёсий «ақл трести» бўлиб хизмат қилаётган ва унинг маърузалари учун матн ёзиб бераётган қабилдаги уйдирмаларни Калхэйн қатъиян рад этди. Узининг бу раддиясини Викка хос бўлган хусусият — кескин қўл силташ билан ифодалаб: «Бернс сезгир қобилият соҳиби» деб таъкидлади. Кейин лирик чекинишга берилиб, қўшиб қўйди: «Бернс билан ишлаётган фирмалар биринчи даражали миљардан фойдаланиш имконига эга бўлмоқдалар». Бу ўринда Калхэйн вақт-вақти билан Бернс хизматидан баҳраманд бўлаётган бир қатор анча салмоқли молиявий муассасаларни назарда тутган эди. Бернс кўраётган тadbирларни маълум сабабларга кўра, унинг рақибларидан бири шундай тасвирланганди: «Агар сизга Калхэйн керак бўлса, аввало сизни Мэкки Нож қўллаб-қувватлашининг ғамини енг. Бу ҳали кафолат эмас, лекин Калхэйн сари қўйилган дастлабки қадамдир. Охир-оқибатда, агар сармойянгиз етадиган бўлса, ўз мақсадингизга эришувингиз мумкин. Бернс ўта банд одам, у билан фақат телефон орқалигина боғланса бўлади. Унга телефоң қилиб зўр-базўр боғланган мижозлардан бирига Бернс кескин овозда унинг ватани — Байрут муаззинининг йиелоқи товушида деди: «Бундай миқёсдаги жамоат арбоблари — деразангиз олдидаги дарахтда пишиб етилаётган олмалар эмас. Калхэйн социал масъулиятни ҳамда сиёсий реализмнинг қаттиқ панжасини ўзида аниқ ва тиниқ мужассамлаштирган шахсдир». Бернс лўнда қилиб жавоб берди: «Худо бизларга ҳаётда фақат озгина қимматли ришталарни ато этди, шулардан биттаси дўстликдир. Менинг фахр туйғулари билан тўлиб-тошганимнинг боиси шундаки, энг яқин дўстларимдан бири Виктор С. Калхэйндир».

Кутубхонадан чиқар экан, Палмер Катта Вик Калхэйн билан омонат банкларига қарши кураш ўртасида қандай алоқа бор экан, деб бош қотира бошлади. Кутубхонани тарк этгач, у ғарбга бурилди ва Бешинчи авенюни қесиб ўтувчи кўча бўйлаб юрди. У Калхэйннинг қудрати қандай экан, Нью-Йорк штати қонун органларига қанча овозни таъминлай олади, ниҳоят Мак Бернс Калхэйнни қўллаб-қувватлашга кафолат бера олармикан деб бош қотириб борарди. Ойна ва алюминийдан тикланган банк бошқармасининг улкан биносига рўбарў бўлгач, Палмер Нью-Йоркнинг, штат ва шаҳарнинг сиёсий ҳаётини жуда ёмон биларқанман, деб тан олди ва ўзи қўйган саволларга жавоб беролмаслигини тушунди.

Куннинг айни шу пайтида банк омма учун ёпилган эди, шу боисдан у ён томондаги эшикни тақиллатиб, ичкаридаги қоровуллардан бирига қўл силтади. У пешонасини тириштириб қовоғини уйганча эшикка яқин келди, ҳайрон бўлиб Палмерга тикилди — шу заҳоти унинг юзини табассум қоплади.

— Мистер Палмер, шунақами, сэр?

Палмер тасдиқлаб бош ирғади, бирдан «гуп» этиб миясига урилди: унинг суратини худди қидирилаётган жиноятчига ўхшаб ЮБТК тизимидаги барча хизматчиларга тарқатишган бўлишса-чи?! —

— Жаноб, сизга, албатта, калит беришлари керак, — уқтирди қоровул. Палмерни таниш лифтга кузатиб кўяр экан. — Калит ҳақида эслатиб қўйинг, сэр, — деди у хайрлашаётиб.

Мана шу «мистер» ва «сэр» деган эҳтиромларга тўла сўзларни қачон тўхтатиб бўларкин, деб ўйлаб бораётган Палмер шундай хулосага келди: у маҳаллий ахлоқ қоидаларини бузишга эришгунча ҳали кўп йиллар ўтса керак; ўша пайтга қадар бу нарсаларга шунчалик ўрганиб кетар, эҳтимол, бундан ўзи ҳам завқ оладиган бўлиб қолар. Лифтда ўта сезгир «ЮК» тугмасига ўгирилиб, Палмер чироқча ёнишини кутди. Кейин механик овоз лифт қаерда тўхташини хабар қилди. Палмерни бирдан ташвиш қамради. Унинг янги лавозими ва хушомадгўйлик, сиёсат, Бернсга ўхшаган одамлар, матбуот учун тайёрланган ҳалиги хабар воқеаси — буларнинг ҳаммаси маълум муддатда уни саросимага солди ва унинг бу ҳиссиётга ҳар қанча қаршилик кўрсатишига қарамай, у танлаган йўлнинг тўғрилигига шубҳа уйғотди.

Лифт эшиги очилди ва бир лаҳзага Палмернинг кўзи ойнаванд шифтдан тушган ёрқин куёш нурларидан қамашди.

У Мисрнинг тожу тахт залларига элтувчи улуғвор йўлакларни эслатувчи узун ва кенг йўлак бўйлаб юрди. Фақат Миср худолари Ра ва Озирис тасвири

ўрнига бу ерда молия худолари: жамғарма тимсоли — чумоли, қадр-қиммат тимсолида — пингвин, кейин барқарорлик рамзида фил-маъбуд, яна қандайдир йилига олти фоизли заёмни ифодаловчи сиймо илиб қўйилган бўлиши керак эди.

Баланд бўйли малласоч котибага яқинлашганда Палмер фикр-ўйларини йиғиштириб олди. Қиз унга салом бериш учун ўрнидан турди:

— Хайрли кун, мистер Палмер, — котиба беш ёки олтига калитдан иборат боғламни унга узатди. — Кечирасиз, эрталаб уларни сизга беришга улгурмадим, — қўшиб қўйди у.

Палмернинг миясидан икки фикр бир пайтнинг ўзиде ялт этиб ўтди. — Қоровул калитлар ҳақида мунча тез телефон қилиб улгурди экан; кейин унга қоровулнинг «сэр» ва қизнинг «мистер» деб мурожаат қилиши уларнинг ижтимоий аҳволидаги фарқни тавсифлайди. Ҳар ҳолда, сарғиш қиз, шубҳасиз, анча ёқимтой экан.

Палмер бирдан шуни ҳис этдики, у қиз қўлида узатаётган калитларга эмас, балки рўмоли елкасидан сирғалиб тушиб, сал-пал беркитаётган бўлиқ кўкрагига қараб турарди. Унинг нигоҳидан ҳеч нарса яшира олмасди бу дўмбоқ... ни. Палмер қизнинг юзига қараб, қизариб кетаётганини кўрди.

— Менинг хонам қаердалигини кўрсатиб беролмайсизми, мен... — Лекин у фикрини тугата олмади. Котиба қиз Бэркхардт хонасининг тиллоий эшигига қараб юрди. — Жаноб Бэркхардт қайтиб келдими? — сўради Палмер:

— Ҳали келганича йўқ, мистер Палмер, — деди қиз эшикни очаркан, сўнг қўшиб қўйди. — Мистер Бэркхардт ушбу хонани сизга беришимизни тайинладилар.

Бу хабардан ҳайрон бўлган Палмер қизнинг кетидан ўзига таниш улкан залга кириб борди. Бир неча сониядан сўнг у стол ортида ўтирар, қиз эса унинг ёнида туриб кўрсаткич бармоғининг чаққон ҳаракатлари билан текис силлиқланган стол устидаги калитларни сараларди. Палмер яна таниш атир исини ҳис этди: у Эдисга байрамда худди шунақасини ҳадя этганди.

— Мана бу калит асосий эшикники, мана буниси эса ён эшикни очади, — тушунтирди қиз. У қолган бешта калитга диққат билан қараркан, бир зумга ўйлаб қолди. Кейин уларни яхшироқ кўриш учун сал олдинга энгашди. Шунда унинг кўкраги Палмернинг елкасига тегиб кетди.

— Мана бу эҳтиёт қисм, — деди қиз. — унинг ёнидагиси... ҳалиги лифтники. Соат олтидан сўнг лифтни ёпишади. Мана бу калит сизнинг хонангизники. Мана энг каттаси — бош идораники бўлса керак. — У катта калитни кўлига олиб унга диққат билан қаради-да, ишонч билан деди: — Ҳа, шунақа.

Столдаги белги кўядиган қаламни олаётиб, қиз бу сафар кўкраги билан унинг елкасига анча сезиларли тарзда тегиб кетди. Кейин у калитлар узра жиддий энгашди-да, уларнинг ҳар бирини ҳафсала билан белгилаб чиқди.

— Сиз ўрганиб олганингиздан кейин бу белгиларни ўчириб ташлашингиз мумкин, — деди қиз. — «Беш» рақам билан белгиланган калитда Бешинчи авеню, биринчи қаватдаги эшик очилади. «Л» ҳарfli калит лифтники. «К» ҳарfliги сизнинг хонангизники. «Б» эса банкнинг бош идорасиники.

Палмер билинмас ҳаракат билан қиздан ўзини тортди. У қарийб нафас олмасликка ҳаракат қиларди, атир ҳидидан ўзини тортарди. Бу қиз билан Эдис ўртасида атирдан бўлак ҳеч қанақа муштарақлик йўқ эди. Эдис хушбичим, озғин аёл эди. У теннис ўйнар, умуман, ўзига қараб юрарди. Бу қиз эса анчагина тўладан келган, афтидан, у қадди-қомати тўғрисида сира ўйламайдиганга ўхшарди.

Палмер унинг столни айланиб ўтиб, ўз қаршисида турганини кузатди.

— Мисс Клэри сизнинг хоҳишингизга қараб киришга тайёр турибди, — дед қиз.

— Зироз кейинроқ, — жавоб қилди Палмер.

У кетаркан, орқасидан қараб қолган Палмер қиз танасининг энгил ҳаракати ўзини ҳаяжонга солаётганини англади. Бу Эдис атирининг иси туфайли эмасмикин, ўйлади Палмер. У хонага бир кўз югуртириб чиқиб, девордаги расмлар олиб ташланганини сизди. Ёзув столининг ортига иккита китоб жавони қўйилибди. Энди стол устида каттагина тилла кулдон, қаламлар учун қутича, интеркомнинг кичик микрофони, олтин билан сайқал берилган 12 тугмачали текис қопқоқ турарди.

Тугмачаларни кўздан кечираётди кўрдик, улардан биттаси яшил чироқ бўлиб ёнди. Яхши биллур товушини эслатувчи овоз уни олти ҳарфли «котиба» сўзига жалб қилди. Палмер тугмачага қўл теккизди, чироқ ўчиб, микрофон тилга кирди:

— Мисс Клэри сизни кутаяпти, жаноб Палмер.

— Яхши, кейинроқ.

Микрофон яна жим қолди. Палмер шошмасдан хонасини кўздан кечира бошлади. Унда хусусий мулкчилик туйғуси уйғонаётган эди. Деворларни безаш учун бир нечта расм танлаш керак бўлади. Токчаларга фойдали китоблардан жойлаш лозим. Бу ерга бир-икки оромкурси ортиқчалик қилмайди. Бу хонани оғир мебел билан жиҳозлаш ўринсиз. Муҳими, хона кенг, майдон бўшроқ, ҳаво кўпроқ бўлгани маъқул.

Шифтнинг баландлиги 20 фут осмонга кўтарилган залнинг олис қисмидаги яхлит шишадан ишланган ойнанинг катта ўлчамларига қараб туриб, Палмер яқинда Бэркхардт айтган иборани эслади. Бу шишанинг сифати Маунт Паломар расадхонаси ойнасидан эканлигини таъкидлаганди қария.

— Эҳ, кекса фирибгар, — ўйлади Палмер. Ўз хонасини бўшатиб бериш билан у, албатта, олдимга похол солмоқчи бўлган. Менинг тайинланишим ҳақидаги хабар масаласида ҳам ўзим билан келишмаган ҳолда кўзимни шамғалат қилмоқчи эди-да.

Ўзининг қаршисидаги бўш деворга қараб туриб, йўлакда илиғлиқ Брак расмларидан биттасини бу ёққа ўрнатсак айни муддао бўларди, дея хаёлидан ўтказди Палмер.

### Саккизинчи боб

Безакчи-рассом ҳозиргина чиқиб кетди... Палмер соатига қаради: соат олти бўлаяпти. Бугунга унда яна нима белгиланган экан?

У ўрнига ўтириб, столдан то катта деразагача бўлган масофани чамалаб чиқди. Шунда бирдан шу деразадан туриб бутун манзарани томоша қилмаганини эслади. Палмер ўрнидан оралиқ масофани одимлаб ўлчай бошлади: беш... олти... етти... саккиз... тўққиз. Вой-бўй, қанча экан? Тахминан қирқ футдан ошиқроқ? Ақл бовар қилмайди!

Палмер Бешинчи авеню бўйлаб шимолга нигоҳ ташлаганча, дераза олдида анча турди. Бу ердан бир неча маҳалла наридаги «Плаза» меҳмонхонаси ва унинг фавворалари тўғри кетган бир хил биноларнинг чизигини бузгандай эди. Йўлакда куёш тигидан бошларини эгиб извошга кўшилган отлар турарди. Ундан нарироқда Сентрал-паркнинг ям-яшил дарахтзорга бурканган отхона, пони отчалари ва машинада юриш учун йўл кўзга ташланарди. Олтмишинчи кўчадан паррка шу йўл орқали кириларди. Ундан ҳам нарида қалин дарахтлар орасида қўл сатҳи милтираб турарди.

Палмер паркни ҳошиядек ўраб турган нотекис томлар қаторига кўз югуртирди. Қизиқ, шимолга қараб қанча чўзилган экан бу қатор? Томлар ортидаги ер бир оз баланд бўлиб, ботаётган куёшнинг заррин нурларида кичкинагина, Гудзон устидан Нью-Жерсига ўтказилган худди ўйинчоқдек кўприк кўзга чалинарди. Нима деб аталарди бу кўприк?

Орқада яна интеркомнинг сигнали янгради. Палмер бурилиб шошганча стол ёнига келди-да, «котиба» деб ёзилган тугмачани босди.

— Ҳа? — деб сўради у микрофонга қараб.

— Мисс Клэри ҳалиям сизни кутиб ўтирибди, — жавоб берди котиба.

— Вой, худойим-эй! Тез киритиб юборинг.

— Мистер Палмер?

— Ҳа?

— Бугунга яна бирор топшириқ бўладими?

Палмер соатига қаради. Чорак кам олти.

— Йўқ, бугунга етарли. Сиз бўшсиз. Ташаккур. — Палмер микрофонни ўчириб, оромкурсига яхшироқ жойлашди-да, фикрини жамлашга уринди. У тушлик пайтида кўзиган ғазабини босиш унчалик осон эмаслигини тушунди.

Айрим кишилар жаҳли чиққанини кун бўйигина эмас, балки йиллаб, ҳатто умр бўйи яшира оладилар. Бироқ уларни теннис кортидек келадиган хона, деразадан кўринадиган ажойиб манзара билан сотиб олишгани йўқ. Бу уни контейнерга жойлаб, муҳр босиб, сотиб юборишга арзийди.

— Мистер Палмер?

Остонада эшикнинг катталигидан кичкина бўлиб кўринган, хушқомат аёл кўринди.

— Кираверинг, мисс Клэри, — деди кўполлик билан юзига ҳам қарамасдан.

Аёл ичкари кирди, эшикни беркитмади ҳам. Бирор сўз айтмай унинг ёнига борди. Стол ёнида тўхтаб, Палмер кўрсатган оромкурсига ўтирди. Барибир, жуда кичкина экан, ўйлади Палмер. У индамасдан кузатди. Аёл ўтиргач, бир оёғини иккинчисининг устига олди. Тиззаларини бекитиш учун юбкасини тортишга муваффақиятсиз уриниб кўрди. Бироқ аёл нигоҳини оёқларидан олиб унга қаратганда, Палмер кўзини олиб қочиб, столдаги нарсаларга қарашга улгурди.

— Демак, сиз бизда реклама ва ахборот масалалари билан шуғулланувчи шахс экансиз-да, — деди у ниҳоят. — Узингиз тушунгандирсиз, мен «шахс» деб атаганим тасодиф эмас, — қўшиб қўйди у жилмайиб.

Хоним унга диққат билан қаради, шунда унинг қалин лабларини табассум эгаллади.

— Тасодиф эмас, — дея такрорлади хоним.

Палмер бир оз ҳайрон қолди. Унинг эркин вазиятни вужудга келтиришга биринчи уриниши амалга ошмади. Лекин хонимнинг оромкурсида жуда ғалати, қаддини нотабий ростлаб, қўлларини тиззалари устида қисганича ўтирганини кўриб, уни кўнгилсизлик кутаётганини тушунди, бунинг устига шўрликни мактаб ўқувчиси сингари иш куни тугаганидан сўнг шунчалар узоқ кутишга мажбур қилишди.

Палмер унга тик қараган эди, кўзлар тўқнашди. Узоқдан унинг қора кўзлари янада катта кўриниб кетди. Мисс Клэри унинг нигоҳига бардош беролмай кўзини олиб қочди.

— Мен сизга шунини айтмоқчи эдимки, — деб бошлади-ю, Палмер тўхтаб қолди. Мисс Клэри унга қаради-ю, яна кўзини четга олди. Унинг тикилиб турганидан кўрқди, шекилли.

— Ҳалиги, сизни нима учун чақирганимни ҳозир тушунтириб бераман, — деди Палмер мулоғимлик билан. У ўз сўзларига назокат тусини бермоқчи бўлиб. — Бу матбуот учун берилган хабарга тааллуқли, — деди у. — Шу боисдан бир дақиқага кириб ўтишингизни сўраган эдим.

— Матбуот учун қанақа хабар? — сўради мисс Клэри.

— Мени тайинлаш юзасидан...

— Ҳа, сиз бу ҳақдами? — у бош ирғади ва қора кокили сирғалиб пешонасига тушди.

— Мен, хусусан... — Палмер яна жим бўлиб қолди. Бу нима деган гап. Албата, мисс кўнгилсизликни кутган эди, лекин бу ерда довдираган тентакни учратаман деб ҳаёлига келтирмагандир...

— Мистер Бэркхардт якшанба куни уйимга сим қоқди, — дея бошлади мисс Клэри. — У менга матбуот учун хабар тайёрлашимни буюрди. — У Палмер нима дер экан деб бироз тўхтатмоқчи бўлди-ю, лекин тез ва паст овозда давом этди. — Мен ўша хабарни тайёрлаб, бугун эрталаб телефонда ўқиб бердим. У хабарни маъқуллади ва материал ўша заҳоти курьер билан газеталар таҳририятларига жўнатилди. Чунки дарҳол босиб чиқарилиши мўлжалланган эди.

— Бошқача айтганда, сиз бу хабар матбуотга жўнатилгунга қадар у ҳақда фақат сиз ва Бэркхардт биларди, демоқчисиз, шундайми?

— Ҳа, яна уни ротопринтда кўпайтирган Фредди биларди.

— Яна уни ротопринтда кўпайтирган Фредди? — тўсатдан сўради Палмер.

Иккови ҳам бирдангина жим бўлиб қолди. Палмер тагин унинг ташқи кўринишини ўргана бошлади. Мисс Клэри афтидан, ўттиз беш ёшларда бўлса керак. Бошқа, анча осойишта шароитларда у шубҳасиз, янада истарали кўринган бўларди. Ҳозир бўлса у жуда танг аҳволда эди.

— Махфий ҳужжатларни унинг кўришга ҳуқуқи борми? — сўради Палмер.

— Ким, Фреддими? — мисс Клэри катта кўзлари билан унга тикилди.

— Менимча, матбуот учун тайёрланган бу хабар махфий эди, уни оддий хизматчи кўриши керак эмасди. Бундан сизнинг ҳамда Бэркхардтнинг хабари борлигидан хурсандман. Шунингдек, Фреддининг ҳам.

Яна оғир жимлик чўкди. Палмер шуни тушундики, унинг аччиқ кинояси, гарчи у енгил ва ҳазил шаклида бўлса ҳам, бу аёлнинг ранги оқариб, муздек қотиб қолган ҳолатидан эритиб ололмайди. У бу хоним ҳақида ҳеч нарса билмасди. Фақат шуни билардики, «Юнайтед бэнк» сингари бирорта улкан банк реклама ва ахборот бўлими раҳбарлиги лавозимига аёл кишини ҳеч қачон олмаганди. Афтидан, мисс Клэри нуфузли доиралар билан яқин алоқага эга, бунинг устига ўзи ажойиб ходим. Бироқ айни пайтда Палмер бундай далилларга эга эмасди.

— Бирор нарса десангиз-чи, ахир? — мурожаат қилди мисс Клэрига табассум билан.

Мисс бошини кўтариб унга қаради ва бирдан хира чехраси ёришиб кетди: лабларида мулоим жилмайиш пайдо бўлди.

— Бирор нарса? — такрорлади мисс Клэри.

— Ҳарлик қилманг, бирор нарса денг, ахир, — таъкидлади Палмер. — Бу унчалик қийин эмас-ку. Яна бирор нарса денг.

— Яна бирор нарса, — такрорлади мисс.

— Мана бу — бошқа гап. Энди мен билан такрорланг: Мен бошқа ҳеч қачон, олдиндан ўзининг розилигини олмасдан матбуот учун Вудс Палмер ҳақида хабар юбормайман.

— Мен бошқа ҳеч қачон, — такрорлади аёл, — олдиндан ўзининг розилигини олмасдан матбуот учун Вудс Палмер ҳақида хабар юбормайман, яхшими?

— Яхши. Саволлар борми?

— Битта савол бор, — деди мисс Клэри.

— Хўш, қани, сўранг-чи?

— Мени қайси кундан бўшатасиз?

Палмер кўллариini столга қўйди.

— Нима, сиз банкчиларни билмайсизми? — саволга савол билан жавоб берди. — Агар сценарийда назарда тутилмаган бўлса, биз ҳеч қачон зарба бермаймиз. Сиз ўйин қоидасига амал қилсангиз, фақат нафақага чиққанингиздан сўнг ишдан бўшатамиз. — Ўз сўзларини тасдиқлаш учун Палмер бош ирғаб қўйди. — Бу бизга нафақага тўлаш учун мўлжалланган пулни тўлаш имконини беради. Тушунарлими?

Бир оз муддат хоним унга синовчан назар билан қараб турди-да:

— Сумкамни қолдириб келибман, — деди, — мабодо, сизда сигарета йўқми?

— Қаердадир бор эди. — У чўнтақларини титди, сўнг стол устида турган қутичани очди ва икки дона сигарета олди. — Менинг маркам, — деди у кутилмаганда тушқун овозда. Нимадандир кўнгли ғашга ўхшарди. — Нью-Йоркда мен ҳақимда ҳамма билади. Ҳатто мен чекаётган сигарета маркасини ҳам. Менинг ҳаётим ҳамма учун очиқ китобдай. — Палмер чакмоқни ёқиб, унинг сигаретасини ўт олдирди-да, сўзида давом этди:

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, ЮБТКнинг разведка тизими яхши ишлайдими?

— Жуда яхши, — жавоб берди хоним.

— Мен амалий хабарларни назарда тутаяпман, — аниқлик киритди Палмер. Хоним унинг сигарета чекишига қараб турди.

— Сизнинг нимани назарда тутаётганингизни тушунаман, — деди у кўзини Палмернинг ёзув столига қаратиб. — Сизнинг разведка соҳасида янги одам эмаслигингиз менга яхши маълум.

— Ҳа, ўн беш йил бурун бу ишга алоқам бўлган, — деб жавоб берди Палмер ва бирдан тўхтаб қолди. — Ҳужжатларимда саналар аниқ кўрсатилган.

Хоним тасдиқлагандай бош ирғади ва сўради:

— Кўришни хоҳлайсизми?

Палмер орқасига суянди, бир оз енгил тортгандай бўлди.

— Бошқа вақт кўрарман, — деди у. — Қандайдир ёмғирли оқшомларда, қиладиган бошқа иш қолмагач.



- Энг дастлабки ёзув 1945 йилга тааллуқли, — хабар қилди мисс Клэри.
- Афтидан, сиз бу ҳужжатга яқинда кўз ташлаганга ўхшайсиз, — деди Палмер.
- Бугунги тонгни мен шундан бошладим.
- Айтинг-чи, ким олдин телефон қилди? Сизми ёки Мак Бернсми?
- Хоним енгил жилмайди. Палмер у жилмайганда оғзи чиройли бўлиб кетишини сездди.
- Менинг ЮБТҚда ишлаётганимга бир йилдан сал ошди, ахир. Мени шу даражада ишдан чиқаришларига бу етарли бўлмаса керак. У менга сим қоқди.
- Сиз унинг саволларига жавоб бердингизми?
- Албатта, — деди хоним ва сигарета кулини тиллоий кулдонга қоқди. — Ахир у бизларга ишляапти.
- Бироқ бу ҳаммага ҳам маълум эмас.
- Кимга-кимга-ю, лекин буни мен билишим керак, шундай эмасми? Мен билмасам, қандай маъниси бор...
- Айтинг-чи, — унинг гапини бўлди Палмер, янада кўпроқ билиш мақсадида.
- Сиз ЮБТҚга ишга киргунга қадар бирор газетада ишлаганмидингиз?
- Ҳа, «Стар»да ишлаганман.
- Молиявий масалалар билан шуғуланганмисиз?
- Аниқроғи банк ишлари билан.
- Унгача нима иш қилардингиз?
- «Таймс»да ишлардим, ахборот бўлимида.
- Палмер чимирилли.
- Одатда, кишилар хизмат поғонаси бўйлаб тескари тартибда, қандай айтсам экан, юқорилаш тартибида кўтариладилар. Сиз бўлсангиз. «Таймс»дан «Стар»га ўтибсиз.
- Ҳаммада ҳам шундай бўлавермайди, — қайд қилди хоним эҳтиёткорона.
- «Стар»да мен кўпроқ пул олардим. — У бир оз жим қолди, сўнг чуқурроқ нафас олишга ўринаётгандай сўради: — Менинг ишим ҳақида тавсиялар ва фикр-мулоҳазаларни кўриб қўйишни истамайсизми?
- Яна жимлик чўқди. Гуё Палмернинг улкан хонасида бепоён бўшлиқ мана шу нотабий сукунат билан тўлиб кетгандай эди. Ниҳоят Палмер жилмайди ва жимликни бузди.
- Мен яна керак бўлмаган гапни айтдим, тўғрими?
- Бу сафар хоним унинг табассумига жавоб қайтармади.
- Йўқ, сизда ҳаммаси яхши бўляпти, — деди мисс Клэри, — Ҳолбуки, сиз ҳеч қачон журналист бўлмагансиз. Лекин саволни қандай беришни жуда яхши биласиз. Баъзилар бунга эришиш учун йиллар сарфлайдилар.
- Бу менда уруш давридан қолган одат, — тушунтирди у қуруқ қилиб ва қўшиб қўйди. — Баёнот беришга рухсат этасизми?
- Мисс Клэри «марҳамат» дегандай қўлларини кенг ёйди. Палмер унинг бармоғида узук йўқлигини, бармоқлари ингичка ва узунлигини пайқашга улгурди.
- Бу ерда сиз ҳўжайинсиз, — жавоб қилди хоним.
- Маълум маънода мен афсусданман, — деди Палмер, — чунки мен билишим керак бўлган нарсани сўраб ўтирибман. Лекин сизга мурожаат қиларканман, мен мантиққа амал қилдим, холос. Буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай шахсий хусусият маъносида эмас. — У хонимга савол аломати билан қаради.
- Ҳа, — деди мисс Клэри.
- Мен олдин ҳам банкда ишлаётган аёлни учратгандим, — дея секин гап бошлади у, агар керак бўлса, аёлга айтадиган гапига тузатиш киритишни ҳам ўйлаб. Энди мен шунга амин бўлдимки, банкка ишга қабул қилинишлари учун аёллар, худди шундай лавозимни эгаллаб турган эркак ҳамкасбларига нисбатан анча юқори малакага эга бўлишлари даркор. Лекин, барибир, ўзингиз билганингиздай, аёллар шу лавозимга тегишли миқдорда маош олмайдилар.
- Ҳа, буни биламан, — тасдиқлади мисс Клэри.
- Лекин мен ҳали ҳеч қачон банкда реклама ва ахборот масалалари билан шуғуланаётган аёлларни учратмагандим. Бу масалаларни биз ўйлагандан кўра яхшироқ ҳал қилоласиз, деб ўйлайман. — У нафасини ростлаб олди-да, — Сизга айтмоқчи бўлган гапларим мана шу, — деди.

Мисс Клэри ўрнидан турди, сонларида букланиб қолган тор қора юбкасини тўғрилади. Палмер биринчи марта эътибор берди: бўйи паст бўлишига қарамай, жуда хушқомат экан. Бу унда қувончли иштиёқ уйғотди. Замонавий аёлларга ўхшамаган кичкинагина аёлни кўриш қандай ёқимли.

— Сиз билан баробар иш вақти белгиласам бўладими? — сўради хоним.

— Бемалол.

— Жуда афсусдаман, — деди хоним Палмернинг кўзига тик қараб. — Буни қандай қилиб яхшироқ тушунтирсам экан. Ҳалиги, ўша матбуот учун хабарни олдиндан сиз билан келишиб олиш имконига эга эмасдим. Умид қиламанки, сизнинг келишингиз билан иш услубимиз анча ўзгаради. Лекин мен яхши тушунаман, бунинг учун вақт керак ва бу эртагаёқ рўй бермайди. Афтидан, мен етарли тарзда ошқора айтдим, шундайми?

— Ҳа, тушуниб турибман.

— Мак Бернсга келганда эса, шуни айтишим мумкинки, мен уни кўпдан бери биламан. Биз у билан ҳамиша тил топишиб кетамиз, чунки журналистлар билан тил топишиш унинг вазифасидир. Бошқа қўшадиған ҳеч гап йўқ.

— Розиман.

— Бор гап шу, — деди мисс Клэри сўзининг охирида.

— Жуда яхши айтдингиз, — деди Палмер. — Бир ёки икки кундан кейин мен кетаман. Аммо байрамдан сўнг мен қайтиб келгач, кўпгина ишлар ҳақида мени яхшилаб хабардор қилишингизга тўғри келади.

— Жуда соз.

— Раҳмат сизга, — деди Палмер.

Мисс Клэри эшикка қараб бурилди. Қандайдир сонияларда унинг лаблари сал очилди ва яна ёпилди. Гўё у нимадир демоқчи бўлди-ю, воз кечди. Палмерга қараб жилмайди-да:

— Арзимайди, — деб эшикка қараб юрди.

### Тўққизинчи боб

Бу йил Меҳнат куни иккинчи сентябрга тўғри келади ва Жерри доноларча қайд қилганидек, уйдаги югур-югурни яна авж олдиради.

Миссис Кейж шаҳардаги уйда мавжуд буюмларни йиғиштириб тахлашга бош-қош бўлиш учун Эванстонда қолди. Висконсиндаги шаҳар ташқарисидаги уйни Эдиснинг ўзи тартибга келгирди ва қулфлаб қўйди. Ҳозирча бу уйни ҳеч бўлмаганда бир йил мобайнида сотиш ниятида бўлмаганликлари учун бу ерда ҳеч қандай муаммо туғилмади. Тўғри, бир йилдан сўнг шу масала яна кўтарилди, лекин ҳозир Палмер бу ишни бир оз орқага сурганидан хурсанд эди. Эдис иккаласи шаҳар атрофидан ўзларига мақбул уй қидириб, икки дам олиш кунини сарфлаган бўлишларига қарамай, Бешинчи авенюдан унча узоқ бўлмаган Етмишинчи кўчадаги қўнғир қумтошдан тикланган данғиллама уйни олишга қарор қилишди. Бундай уйнинг нархи юз минг доллардан ошиқ турарди, лекин Палмернинг уни ярим баҳосига сотиб олиш имкони бор эди.

Данғиллама уйни кўздан кечириш пайтида унинг бу қадар арзон тушиши ўз маъносини йўқотди, чунки уни таъмирлаш ва қайта қуриш учун сотиб олиш нархичалик пул кетиши Палмерга маълум бўлиб қолди. Бироқ у, барибир, шу уйни сотиб олишга қарор қилди ва оиласи билан ўша данғиллама уй яқинидаги мўъжазгина бир меҳмонхонага кўчиб ўтди. Эдис шу ердан қайта қуришнинг боришини кузата оларди. Палмер болаларни Бенгли мактабига жойлади. Бундан у ўзини чинакам бахтли ҳисобларди. Зеро, шундай жиддий масала қийинчиликларсиз ҳал бўлган эди.

— Ҳар ҳолда, бу борада анча омадимиз келди, — деди у Эдисга, бир куни эрталаб болалар мактабга кетишгач. — Қолган ҳамма нарса фақат ташвиш ва қўнғилсизликлар келтирмоқда.

Эдиснинг рангсиз тус олган кичик-кичик кўзлари, зўрға сезилаётган киприклари билан у алланарсалар ёзаётган ёндафтардан аста кўтарилди. Унинг нигоҳи бир муддат ёндафтар билан у қўлида ушлаб турган қаҳвали финжон

ўргасида дайдиб юрди-да, кейин Палмернинг юзида тўхтади. Палмер стол ортида, унинг қаршисида ўтирганди.

— Мен улардан қаҳвани бунчалик аччиқ дамламасликларини сўрагандим, — деди Эдис кутилмаганда. — Тўғри, биз иккаламиз ҳам қаймоқсиз қора қаҳвани яхши кўрамиз, лекин мана бу қуюқ сиёҳга ўхшайди! — Кейин ҳеч қандай мантиқсиз бир тарзда сўради:

— Қанақа кўнгилсизликлар тўғрисида гапирдинг, азизим?

— Катта кўнгилсизликлар ҳақида, албатта. Ҳаддан ташқари аччиқ қаҳва ва шу кабилар ҳақида.

Хоним унча қаттиқ бўлмаса ҳам, лекин эшитса бўладиган тарзда финжонни ликопчага урди.

— Ҳўш, мен яна қанақа гуноҳ қилдим? — сўради Эдис.

— Қанақа гуноҳ қилдим? — деди Палмер атайлаб бефарқ оҳангда. — Ҳеч қанақа.

— Эрталабдан жаҳлинг чиқишига бирор сабаб бўлгандир-ку, ахир.

Нима учун эрталабдан кўз-қошини бўяш учун вақт ажратишмайди. У уйдан чиқиб кетиши билан киприкларини, қовоғини бўяшга тушади. Шундан кейингина кўзлари анча жозибадор бўлиб кўринади. Агар Эдис буни уларнинг уйини таъмирлаётган усталар ва ишчилар деб, меҳмонхона дарбони ва хизматчилари, кундузлари учратаётган кишилари учун қилаётган бўлса, камдан-кам кўраётган эри учун нега қилмайди буни?

— Пешанамга бирор нарса тегмабдими, нега унга бунча қараб қолдинг, азизим? — сўради Эдис.

— Йўқ. Кечирасан, хаёл олиб қочибди, — жавоб берди эри ва шошиб қаҳвасини охиригача ичди. — Уйдаги дурадгорлик ишларининг кетиши яхшими?

— Тахта етказиб бериш икки ҳафтага кечикяпти, дейишмоқда. Олд девор панжараси учун ҳали рухсат олингани йўқ. Бу борада қурилиш қонунларида қандайдир ноаниқликлар бор, — жавоб берди Эдис.

— Меъмор нима деяпти?

— Унинг таъкидлашича, Детройт ва Кливлендда буни қилишга изн бор эмиш.

— Ҳа, буниси анча енгил, — деди Палмер стол ортидан тураркан. — Мен яна Фистга, «Эмпайр плейвуд»га телефон қиламан. Улар банк амалиётларида биз орқали амалга оширадилар. Мак Бернс ўзининг кенг тармоқли алоқалари билан бу ишда, эҳтимол, фойда бериб қолар.

Эдис ўзининг финжонига қора қаҳвадан яна бироз қуйиб олди-да, майда култумлар билан ича бошлади.

— Қизиқ, дунёда Мак Бернс уйдалай олмайдиган бирор иш бормикин?

Палмер кетаётганди, лекин тўхтади ва Эдисга ўтирилди. Эдиснинг орқасидаги деразадан тушиб турган эрталабки қуёш нури боши атрофида ингичка тилларанг сочларидан чамбар ҳосил қилганди.

— Мен учун, азизам, у ҳамма нарсани қилади. Лекин ҳамма масала шундаки, жин урсин, шу пайтгача у ЮБТК учун нима қилиб берди?

— Ҳар ҳолда болаларимизни Бентли мактабига олишларига эришди. Ахир, бу мактабга қабул қилиш тўхтатилган эди, — эътироз билдирди Эдис.

— Бу Бернс учун жуда оддий иш. Афсуски, ЮБТК уни илтифот юзасидангина ушлаб тургани йўқ.

— Бироқ ушбу илтифотларнинг қадрига етмаслик ҳам инсофдан эмас, — деди Эдис. — Биринчи вице-президентнинг болалари яхши маълумот олишларидан банк ҳам манфаатдор, ахир.

— Ҳа, лекин бунақа илтифотлар банкка анча қимматга тушиб кетмаяптими? Билишимча, у йилига қарийб эллик минг доллар олади, — тўнғиллади Палмер.

— Унга тўлаётган бор-йўқ маошларинг шуми?

— Ҳа. Тағин унга вакиллик ҳаракатлари ҳам тўланади.

— Аммо, азизим, бу жуда кам-ку. Ахир у топиб берган пудрагчи бир ойда бутун ишни бажариб қўйди...

Палмер соатига қаради: саккиз ярим. У дераза олдига бориб, кўчага қаради. Банкнинг олтишта машинасидан биттаси — махсус буюртма билан тайёрлангани — меҳмонхона олдидаги йўлакда, автомобилларнинг сафида иккинчи бўлиб ўз йўловчисини кутиб турарди.

— Эдис, — деди Палмер чиқиб кетаётиб, — баъзан сенда ҳам юмор ҳисси пайдо бўлиб туришини истардим.

— Менинг юмор ҳиссиётим жуда яхши! — бақириб қолди Эдис унинг орқасидан.

— Бундай нарсаларни гапираётганда сал-пал жилмайсанг бўлмайдимиз?

— Мен баъзан жилмайиб қўяман, — деди Эдис, қўлида қаҳваси ичиб тугатилмаган финжон билан унинг орқасидан эргашиб.

Бўш қўли билан Эдис эрининг бўйинбоғини тўғрилаб қўйди. Машинага ўтиргач, ўзи қайтадан тўғрилаб қўяман, ўйлади Палмер. Чикагода бунга бепарво қараларди, лекин бу ерда, Нью-Йоркда бундай пала-партишликка йўл қўйиб бўлмайди.

Палмер хотинининг ёноғидан қаттиқ ўпаркан, сўради: — Бугун кечкурунги режаларимиз қандай?

— Кечкурун Осборн пьесасини кўргани борамиз.

— Кечки овқатга меҳмонга борамизми?

— Ҳа, ҳозир шунақаси маъқул, — пинагини бузмай жавоб берди Эдис.

— Мен ушланиб қоламан, болаларга «хайрли тун»ни ҳам телефонда айтсам керак.

— Қўрқаманки, айнан шундай бўлади, азизим, — деди Эдис. — Яхши боринг.

— Ҳозирча...

Лифтда пастга тушаркан, Палмер кўз олдига келтирди: Эдис ойна олдида ўтириб киприklarини, айниқса қовоғи устини астойдил бўямоқда. У балки Эдисга нисбатан адолатсизлик қилаётгандир. Лекин, барибир, у ҳақ. Ниҳоят, шундай хулосага келган Палмер, машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. Дарбон машина эшигини чаққонлик билан ёпди.

— Хайрли тонг, сэр, — деди шофёр.

— Хайрли тонг, Жимми.

Булуғлардан тозаланган осмонда октябр куёши тоза нур сочарди. Тонг чиндан ҳам ажойиб, хайрли кўриниб кетди Палмернинг кўзига. Бу тонг унга илҳом бахш этгандай бўлди.

Бизнинг кайфиятимиз, дея ишонтирмоқчи бўлди у ўзини, оддий ёвузликдан бошқа ҳеч нарса эмас. Бундай кайфият ундан қутулишимиз учунгина керак. Акс ҳолда жиддий ишлар билан шуғулланиш мутлақо мумкин бўлмай қолади. Кайфиятга бўйсуниб унинг учун ҳамиша ўзгармас ҳақиқат бўлиб келган. Бу ҳодиса моддийлик тоифасидан эмас, шунинг учун ҳам у иррационалдир. Ҳаёт эса ўз моҳиятига кўра ҳамиша умидсиз моддийдир ва агар унинг рационал мағизи доимо аниқ вужудга келмаса-да, ҳеч бўлмаганда у мантиқ қонунларига бўйсунди.

\*Унинг отасининг энг қатъий эътиқодларидан бири ҳам айнан шунга асосланарди. Энди бу нарса унинг ҳам эътиқодига айланди ва чуқур илдиз отган тамойиллар, масалан, республикачилар фирқаси номзодларига овоз бериш, асосий сармояга тегинмаслик, оқ кўйлак кийиб юриш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади. Ушбу тамойилларнинг ҳаммаси, деб ўйларди у машина Бешинчи авенюга бурилаётган пайтда, қатъий рационал мағизга эгадир. У шофёр ойнасидан ўзига яхшилаб қараб олиш учун ўриндиқдан сал силжиб ўтирди. Кўйлак ёқасининг оппоқлигига гап йўқ. Эдиснинг қўли билан сал четта сурилган бўйинбоғини тўғрилаб қўйди. Сўнг ўриндиқ суянчиғига ястанганича машина ойнасига назар солди. Кейин ўриндиқдан «Таймс» газетасининг бугунги сонини олиб сарлавҳаларига кўз югуртириб чиқди-да, уни яна ўз жойига қўйди. Буларнинг ҳаммаси жонга тегди, ўйлади у. Мак Бернс билан биргаликда бажариладиган ишдан тортиб, болалари ёнида бўлолмаслигигача унга алам қиларди. Ниҳоят, Эдиснинг ўзи, аниқроғи, ўрталарида вужудга келган муносабатлар, қўйинг-чи, оари бош оғриғи.

Ҳаммаси ўз маъ... ини йўқотди, дерди у ўзига-ўзи, ички алоқалардан маҳрум бўлди, ҳаммасидан ёмони, жуда тезлик билан чидаб бўлмас мутаассибликка айланиб бораётибди. Лекин бу жараён чиндан ҳам эндигина бошландими? Эҳтимол у ҳозир ҳис этган нарса йиллар давомида Чикагода яшаган пайтдаёқ ва энди Нью-Йоркка кўчиб ўтиши мобайнида тўплангандир. Янги турмуш тарзи ва

ўрганган даврасидан ажралиши унинг ҳаётида аслида нималар юз бераётганини кўриш учун кўзларини каттароқ очгандир?

Нью-Йорккача бўлган даврда ҳаммаси жуда оддий эди. Уйдаги вазият, эрталаблари Эванстоундан Чикагога қатнаш, оилалик ҳаётининг ўн саккиз йили мобайнида ишга бориб келиш... Уйланишидан олдин ҳам Палмер шу йўлдан қатнарди. Уруш пайти армияда хизмат қилган йиллари бундан мустасно, албатта...

Палмер энтикиб нафас олди-да, яна газетага қаради. Сўнг уни қўлига олиб, сарлавҳаларига кўз югуртирди. Уларни биринчи бор кўраётгандек диққат билан ўқиди. Афтидан, Яқин Шарқдаги танглик хавфли босқичидан ўтиб ўз ечимига яқинлашганга ўхшайди.

Шу муносабат билан биржада югур-югур, акцияларни сотиш бошланса керак, деб ўйлади Палмер. Куннинг иккинчи ярмида эса уларни нархи туша бошлайди. Кейин яна акцияларни сотиб олиш талвасаси дарҳол этади. Бугун ЮБТҚда қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи Клифф Мергендалнинг кунни оғир кечади.

Машина «Плаза» меҳмонхонаси олдида тўхтади. Кўча ҳаракатида тикин ҳосил бўлиб, машиналар юролмай қолганди. Палмер газетани ўриндиққа улоқтирди. Шофёр унинг безовталигини кўриб турарди.

— Сэр, сизга бирор нарса керакми? — деб сўрарди.

Палмер ташвишланиб:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Сиз нимадир дедингизми, сэр?

— Ростданми? — ҳайрон бўлди Палмер. Наҳотки ҳаётимни овоз чиқариб лаънатлаган бўлсам? — ўйлади у. Нима, мен ҳаётимни лаънатлаган бўлишим мумкинми? Балки ўз-ўзимнидир? Лекин фақат ўзимнимикин?

Тикин бўшаши, чунки бурчақда турган полициячи кўндаланг кўчалардан келувчи машиналарни ўтказиб юборди-да, Бешинчи авеню бўйлаб ҳаракатга йўл очиб берди. Палмер кетаётган «Кадиллак» куён сакрашига ўхшаб ўрнидан отилиб юриб кетди. Бу ҳаракат Палмерни ўриндиқ орқасига қапиштириб ташлади.

— Кечирасиз, сэр.

— Ташвиш қилма, Жимми. Ҳайда тезроқ.

Шофёр мулойим кулди. Палмер уялиб кетди. У кайфиятига берилиб кетганидан ўзини ноқулай сезиб, буклаб ташланган газетани қайта қўлига олди.

Машина шитоб билан банкка яқинлашиб бораётган пайтда Палмер ўзича тасаввур қилди: Кун тушликка яқинлашган сайин куёш нури тик тушиб, банкнинг юқори қаватидаги ойнаванд хонани қиздириб юборгандир. Ҳатто шифтга осилган улкан пардалар ҳам куёшнинг ўткир нурларини тўсиб қололмаса керак.

Эҳ, агар ушбу ташвишлар фақат оддий бош оғриғидан иборат бўлганда эди, ўйлади Палмер, унда бу тонгдан нафратланиш учун менда қонуний ва тушунарли сабабларим бўлиши мумкин эди. Ва икки дона аспириин хапдориси ҳамма нарсани жой-жойига туширган бўлур эди.

Лекин ҳозир унга чинакам азоб бераётган касалликка қарши дорини қаердан олиш мумкин? У ана шу мавҳум жумбоқ билан банкнинг марказий дарвозасига етиб келди. Машинадан чиқаркан, шофёрга миннатдорлик билдириб, ўз калити билан банкка олиб кирувчи ён эшикни очди.

### Учинчи боб

Палмер йўл-йўлакай бош ирғаб котиба билан саломлашиб, ўз хонасига кириб, ёзув столи томон юрганида соат беш дақиқаси кам тўққиз эди. Стол ёнида бир оз тургач, сигнал тугмачаларига кўз югуртирди. Саф тортиб турган тугмачалардаги белгилар фақат ундош ҳарфлардан иборат эди. «Бркхрдт» деган ёзувли тугмача деярли ҳеч қачон қария билан боғланиш имконини бермасди. Лекин Палмер шуни яхши билардики, барча интерком чироқли сигналларнинг деярли ярми

Бэркхардт тугмачалари билан боғлиқ эди. «Мрчндл» ёзуви ЮБТК вице-президентлари ва масъул котиби Клифф Мерчендал исмини билдирарди. У биринчи галда қимматли қоғозлар масаласи билан шуғулланар, бундан ташқари энг пулдор миждозлар ишини олиб борарди. Шу билан бирга у яна қимматли қоғозлар ҳамда ишончномалар бўйича бошқариладиган мол-мулк бўлими фаолиятига раҳбарлик қиларди. «Скртр» тугмаси эса ўз соҳибига эга эмасди, чунки Палмер котиба вазифасини бажарадиган бирор қизни танлашга сира вақт ажрата олмасди. Унг томондаги тугмачаларда бўлса бошқа икки биринчи вице-президентлар: Гарри Эдлер ва Фипс Карс (айни пайтда газначи ҳам) исмлари ёзилганди.

Палмер ёзув столи тагидаги яширин тугмачани босди. Уша заҳоти унинг орқасидаги девор илондек вишиллаб очилди. Ичкарида жавон кўринди. Палмер унга пальто ва шляпасини илди ва деворни яна бекитди.

Девор жавонида сирли бўлинма мўжазгина бар шаклида ясалганди. Унда иккита шиша, бештача қадаҳ ва муз солинган челақча бор эди. Махфий равишда телефонга улаш учун мўлжалланган кичкинагина магнитофон ҳам ўша ерда сақланарди. Бундан икки йил аввал, жамғарма банклари билан олишув пайтида уни чиндан ҳам улашмоқчи эди. Гарри Эдлернинг таъкиллашича, юқори қаватда ва барча филиалларда махфийлик тартиби ўрнатилганди. Иш куни якунида Бэркхардт ўз котибаларини саватчалардаги барча қоғозларни йиғиштириб ёқиб юборишга мажбур этарди. Уша олишувда Бэркхардт ёлиб чиқди ва кейин телефонлар махфий микрофонларга уланмай қолди. Афтидан, ўйлаган ишидан воз кечди, шекилли.

Дарвоқе, бу ишни бу йил қилса ҳам бўлади, ўйлади Палмер. У ўз ўрнига ўтирди ва эрталабки почтани кўришдан олдин, хонасига кўз югуртирди. Стол қаршисидаги деворда йўлакдан олиб келинган Барк ишлаган расм илиб кўйилганди.

Хонанинг олис деворидаги улкан деразаси ёнида энди қора ҳайкал турарди. У бундан етти йил олдин қуйилган бўлиб, уларнинг Чикагодаги ҳаёти даврига тааллуқли эди, ўшанда Эдис учала боласини ҳайкалда акс эттириш ғояси билан чиққанди. Ҳайкал ишланган пайтда катта ўғиллари етти, кенжаси икки, Жерри эса ҳали тўрт ёшга ҳам тўлмаганди.

Уша пайтда Эдис болаларининг ёшлигини эътиборга олиб, уларни яланғоч тасвирлашга эътироз билдирмаганди. Палмер ҳайкалгарошни ҳозир эслади, ўша хонимни Ханна Керд деб аташарди. Унинг ҳайкалларида Ханна нимани тасвирламоқчи эканини тушуниш мумкин эди. У кекса аёлми, бойўғлими ё кўзичоқми, хуллас, нима бўлмасин, силлиқланмаган тошдан ясарди.

Мана энди, орадан етти йил ўтганидан сўнг, бу ҳайкал Палмерга ёқа бошлади. Ханна Керд ўз ишини тугаллаганда, Эдис шодлигининг чеки йўқ эди. Бироқ орадан бир йил ўтгач, ҳайкални чордоққа чиқариб ташлашди. Уни қандайдир кўргазмага вақтинчалик бериб туриш учун баъзи-баъзида чордоқдан олиб туришарди. Ўғилларнинг тўнғичи Вуди, катта бўлгани сари ҳайкалдан камчиликлар топарди, лекин кенжатоё Томмига у жуда ёқиб қолганди. Гарчи бу асар «Уч фарзан» деган номга эга бўлса-да, Жерри уни «Денгиз типратиконлари базми» деб атаганди.

Ҳозир ҳайкалга қараб туриб, Палмер унда тасвирланган болаларнинг қиёфаларида рақс аломати борлигини сизди. Бундан тўрт йил муқаддам Чикагодаги тасвирий санъат институти Керднинг ҳайкалини олийгоҳга ҳая қилиш кераклигига ишонтириш учун кўп уринди. Бултур Нью-Йоркдаги галереялардан бири шу ҳайкал учун Палмерга ўн минг доллар таклиф қилди. Бу ҳайкални ясашиш учун кетган пулдан икки баробар ошиқ эди. Бироқ Ханна Керднинг огоҳлантиришича, Палмер тушундики, ҳозир бу буюмнинг нархи анча баланд туради. Ҳайкал Европадаги тасвирий санъат кўргазмасида ҳам намойиш этилди. Италия ва француз танқидчилари бу асар устидан гоҳ кулишар, гоҳ кўкларга кўтариб мақташарди. Ушбу ҳайкал теварагида мағбуотда кўтарилган шов-шув унинг нархини ўн беш минг долларгача кўтариб юборди.

Палмер болаларининг ҳайкал портретини ўзининг хизмат хонасига қўймоқчи эканини Эдисга айтган пайтида улар ўртасида жанжал чиқди. Уларнинг биргаликдаги ҳаётларида, айниқса сўнгги йилларда бундай жанжаллар тез-тез бўлиб турарди. Улар гарчи атайлаб чиқарилмаса ҳам, барибир, мангиқий асосиз

келиб чиқаверарди. Эдис, «бахшашувлар» деб атаган бундай можаролар бир неча ҳафта давом этди. Ниҳоят Палмер Эдисдан яширин суратда ҳайкални Сан-Францискодан ( у ёққа кўргазма учун вақтинча олиб кетилганди ) олиб келиб Нью-Йоркдаги ўз хонасига ўрнатди.

Буни ҳамма — Бэркхардт, Ханна Кердт, Замоनावий саънат музейи, айниқса Мак Бернс маъқуллади. Бу борада Мак Бернс очерк ёзиб «Таймс»да эълон қилди. Ҳайкалнинг расмини «Лук» журналида бостирди. Бундан Эдисдан бўлак ҳамма мамнун эди. Палмер ўзи билан Эдис орасига совуқлик тушишига шу нарса сабаб бўлди деб айта олмайди. Охир-оқибат сўнгги пайтларда улар яшаётган вазиятни янада чигаллаштириш мумкин эмасди.

Шу ҳақда ўйлар экан, Палмер эрталабки почта жилдини олиб, ундаги хатларни кўздан кечира бошлади. Лекин машинада эрталабки сайри пайтидаги кўнгилсизликларни эслаб, кайфияти бузилди.

Ҳайкалга қараб, у ҳақда ўйлаш унга ҳамиша қандайдир қувонч бахш этарди. Энг аввало у Палмерга болаларни эслатарди. Бундан ташқари, ҳайкалга қараб рухий мадад оларди. Палмер болаларининг ҳайкал тасвирига қараган чоғида ундаги барча кўнгилсизликлар тарқаб кетарди. Ҳозир у айнан шуни ҳис қилаётганди.

У столидаги хатлар уюми устидан биттасини олиб, ўқиб кўрди. Хатда Лонг-Айленддаги ишбилармонлардан бир гуруҳи ундан ўзлари ҳузурига бориб, жамғарма ва тижорат банклари ўртасида авж олиб кетган кураш ҳақида гапириб беришни сўрашган экан. Кейинги хатда Палмер Колумбия университети бинолари бирининг пойдеворини кўйиш маросимида қатнашишга таклиф қилишганди. Учинчи хатга газеталар репортёрлари учун ҳар йили уюштириладиган зиёфатга иккита чипта тиркаб қўйилган экан. Чипталарда «жой президиумда» деган ёзув бор эди, демак унга сўз берилиши мумкин.

Столдаги хатлар уюмига қараб, бу Палмер шахси теварагида Нью-Йорк оммаси учун тегишли реклама шов-шуви вужудга келтириш ниятида Мак Бернс саъй-ҳаракатининг меваси эканини тушуниш қийин эмасди.

Интеркомнинг кўнғироғи жириглади. Палмер тутмачаларга қараб, Бэркхардт чақираётганини тушунди-да, гўшакни кўтарди.

— Хайрли тонг, Лэйн.

— Бирор яхши гап борми, Вуди? — қариянинг овози анча тетик эшитилди. Бундан кечани анча тинч ўтказганини билса бўларди.

— Кайфиятингиз яхшига ўхшайди, — деди Палмер. — Мен эса бу ерда ўтириб хатлар уюмини титиб, турли-туман йиғилишларга таклифларни кўздан кечираяпман. Қаранг, Мак Бернс менинг ҳақимда қандай қайғурапти.

— Бирор фойда чиқармикан?

— Лонг-Айлендда маъруза айтишга таклиф этишяпти. Лекин у ердаги омма бизга бефойда.

— У томонларда омманинг ҳар қанақаси яхши, — эътироз билдирди қария. — Бу жудаям зарур, Вуди. Жамғарма банклари зўр бериб ўша ерга интилмоқдалар.

— Унда мен бошқа одамлар олдида гапирганим мақбул эмасми?, — деди Палмер. — Мак Бернс у ерда ишбилармонларни тўплаяпти. Улар шундоқ ҳам бизлар томонда-ку.

Бэркхардт мағрурона тўнғиллади:

— Ҳа, жин урсин, биздан юз ўгириб кўришсин-чи...

— Мен бўлсам бизларга заём, қарз ва бошқа ҳар хил мажбуриятлар орқали боғлиқ бўлмаганлар билан гаплашиб кўришни афзал билардим, — деди Палмер. — Бошқача, айтганда биздан мустақил бўлган одамлар билан...

— Буни Бернсга айт. — Қария бир оз жим қолди, кейин сўради: — У билан яхши чиқишяпсанми?

— У мен учун ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уришга тайёр. Ўзи шундай деб ишонтирди.

— Тез-тез кўришиб турасанми?

— Шу ҳафта менга телефон қилолмасин деб олдини олиб қўйганман. Ҳаддан ташқари ташаббускор. Хизматдошларнинг дўстлиги ўз йўлига, у бўлса, биродарликнинг қариндошлик ришталарими-ей...

— Фақат эҳтиёт бўл, унинг гашига тегма, Вуди, — саросимага тушди қария.  
— Худо кўрсатмасин, агар унга қандай муносабатда эканингни билиб қолса борми... Бу греклар қанақалигини ўзинг яхши биласан.

— У грек эмас, ливанлик, — эътироз билдир Палмер. — Агар уни сал босиб кўймасам, чўнтагимга тушишдан ҳам тоймайди, уя қуриб олиб, хўжайинлик қила бошлайди. Унинг қилмишлари бўғзимга келди. Кетма-кет нонушталар, тушлик, зиёфатлар, тунги клублар. Агар у билан учрашувлардан бош тортмаганимда, бирор кеча тўйиб ухлай олмасдим.

— Сенга аёллар ҳам таклиф қилдими?

— Бўлмасам-чи, бир неча бор.

— Хўш?

— Нима, хўш? — кескин гапирди Палмер. — Бу одамнинг қанақалигини ўзингиз биласиз-ку, ахир, Лэйн? Унинг мияси қандай тузилганини биласизми? Ҳозирги замон сиёсатидан сабоқлар, устига устак, Филлипс Оппенгейм услубида порнография. Бунақа шоввоз яширинча суратларга тушириб, қора кунга деб асраб кўйишдан ҳам тоймайди.

— Шу боисдан аёлларни рад этаяпсан, шундайми? — деди Бэркхардт.

Палмер ғазабланди:

— Кулоқ солинг, ҳали эрта тонг, сиз билан шу қадар нозик томонларга ўтиш шартми, Лэйн.

— Гапимни қайтариб оламан, — деди Бэркхардт ва жимиб қолди. — Вуди, гашинга тегмоқчи эмасман, лекин тушун, ўзингни ундан олиб қочаётганингни сезмаслиги керак.

— Йўқ, албатта. У бунга сезмайди.

— Ишончинг комилми?

— Йўқ, албатта, йўқ! — ғазабланди Палмер. — Кулоқ солинг, мендан жуда кўп нарса талаб қилаётганингни сезмаяпсизми?

— Тушунаман, — шошиб рози бўлди Бэркхардт. — Сиз Калхэйн билан учрашдингизми?

— Йўқ ҳали. Сиз бу саволни кеча кечқурун ҳам бергандингиз.

— Бироқ бугун жуда серзарда бўлиб қолдикми, Вуди!

— Ҳа, адашмадингиз. — Палмер бир оз жим қолди. — Сиз билан мутлақо очиқчасига гаплашмоқчиман, Лэйн. — Давом этди у жимликдан сўнг. — Мен, албатта, яхши тушунаман, ЮБТК сингарийирик банкнинг фаолият доирасига жуда мураккаб жараёнлар киради. Бу борада муайян йўналишдаги ишлар тегишли мутахассислар томонидан олиб борилади. Бу шундай бўлиши керак. Лекин биринчи вице-президентнинг иши фақат Берн етакласа эргашиб, сон-саноксиз зиёфат ва йиғилишларда нутқ сўзлашдан иборат эмас, деб ўйлашга асосим бор.

Ҳар иккаласи ҳам бир муддат жим қолишди. Эрталабдан Бэркхардтнинг аҳмоқона саволлари билан бузилган кайфият Палмерга эҳтиёткорликни унутишга олиб келди. Бунга ўзи ҳам тушунарди, лекин бошлигининг нима дейишини кутиб, барибир яхши натижага эришиб бўлмаслигига кўзи етди-да, жим туришнинг хожати йўқ, деган қарорга келди. Қандай бўлмасин, қари қарчигайга зарба бериш керак. Унинг ҳозир шу қадар кескин тарзда айтганлари эса энди аҳамиятсиз.

— Эрталаб нонуштани ким билан қилаяпсан? — сўради Бэркхардт.

— Бернс билан, албатта, яна ким билан бўларди, — деди алам билан Палмер. — Ўтган ҳафта мен унга уч марта рад эдим. Менинг яна шундай қилишимни хоҳлайсизми?

— Йўқ-йўқ, — жавоб қилди Бэркхардт.

— Албатта, йўқ.

— Унда мен сенга тўғриси айтман, Вуди. Бунга мен керак деб ҳисоблайман. Гап икки нарса ҳақида. Биринчиси ўзингга маълум. Гарчи ўтган вақт ичида бунинг нақадар муҳимлигини унутган бўлсанг-да. Мен жамғарма банклари билан боғлиқ жанжалли воқеаларни назарда тутаяпман. Бунинг биз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини асло унутмаслик керак. Очиғини айтганда, бунинг ҳаммаси сенга боғлиқ.

— Мен унга розимасман.

— Кўриниб турибди.



Палмер бошлигининг овозида кескин оҳангни ҳис этди.

— Унда сенга содда шаклда тушунтиришга рухсат бер. Бизлар, яъни тижорат банклари бу олишувда ютиб чиқишимиз керак, акс ҳолда улар билан рақобат қилишимизга ўтғри келади. Бу эса бизни хонавайрон қилади. Жамғарма банклари бизлар учун ўтғмишда ҳам хавф туғдирарди. Лекин ҳозиргидек таҳдидли эмасди. Бу йил улар ғолиб келиш учун бутун имкониятларини ишга соляптилар. Одамлар, пул, режалаштириш ҳаммаси шунга қаратилган. Барча тижорат банклари бу курашга бизнинг банкимиз бошчилик қилишини кутаётир. Ва биз сендан дадил саъй-ҳаракатларни кутмоқдамиз. Сен нима қилган тақдирингда ҳам, қанчадан-қанча ҳужжатларга қўл қўйганинда ҳам биз учун сенга топширилган асосий иш мана шу, аллақандай ўтғкинчи ишлар эмас!

— Ҳар ҳолда бу нарса банк ишларига бевосита дахлдор эмас.

— Йўқ, албатта, — рози бўлди Бэркхардт. — Сен уни қандай атасанг: реклама, сиёсатдонлик, ҳатто изқуварлик дебми-ей, ихтиёр ўзингда. Фақат шуни унутмаки, сен банк вакилисан, яна қандай банк ва буни кўнгилдагидек амалга ошириш учун чинакам банкир бўлиш керак.

— Буни ҳаммаша эсда тутиш унчалик осон эмас. Бернс билан тунги клубларда вақт ўтказиш билан овора бўлиш ва у тикиштирган малласочлардан қочиб кутулишининг ўзи бўлмайди.

— Худди ана шу мени суҳбатимизнинг иккинчи моддасига ўтишга мажбур қилади, — эҳтиёткорона давом этди Бэркхардт. — Бизнинг банкимизда ўз ахлоқ кодексимиз мавжуд. У ҳар бир илғор корхонада бўлади. Бу кодекс, масалан, ҳарбий денгиз флотидаги сингари қаттиққўл ёки яқшанбалик мактабидагидек зарарсиз эмас. Лекин барибир у мавжуд. Биз ўз ходимларимиздан муайян хатти-ҳаракат белгиларини талаб қиламиз ва бундай масалаларда уларга ишонамиз.

Бэркхардт жим бўлди, Палмер қошларини чимириб ўз оромкурсисида олдинга силжиди. Қария нега жимиб қолди? Балки фикридан чалғиб кетгандир? Палмер жим ўтириб, кутди.

— Энг муҳим талабларимиздан бири шундаки, хизматчиларимизнинг шахсий муаммолари уларнинг уйида қолсин ва ишга халақит бермасин, — яна гапга кирди Бэркхардт.

— Шундайми? — сўради Палмер гап нимадалигини ҳали тушунмай туриб.

— Биз, албатта, бунга ҳаммаша ҳам муваффақ бўлолмаслигини биламиз, лекин шунга ишонамизки, ҳамма шу тартибга амал қилади. Ишонч билан айта оламанки, бу борада камдан-кам янглишамиз.

— Шунақами? — такрорлади Палмер.

— Менга хушомадни бас қил, жин урсин! Нима ҳақида гапираётганимни тушуниб турибсан-ку, ахир.

— Йўқ, тушунмаяпман, — деди қатъий Палмер ва кескин сўради: — Сен иш вақтида шахсий ишинг билан шугулланаяпсан, демоқчисиз, шундайми?

Унга жавоб бериш ўрнига Бэркхардт бирдан гапни бошқа ёққа бурди.

— Биласанми, бир вақтлар ушбу муассаса анча кичик, маошлар ҳам жуда кам бўлган пайтларда бизлар ҳам бутунлай бошқача оҳангда гаплашган бўлардик. Масалан, мен айтган бўлардим: «Кулоқ сол, Билл, бу нарсанинг менга мутлақо дахли йўқ, мен унга аралашмишга уринмайман ҳам, лекин...» ёки шунга ўхшаш бирор нарса. Афсуски, Вуди биз жуда катта ишни бошлаб қўйганмиз, маошлар ҳам шунга яраша бўлади.

— Нималар деяпсиз? — деди ҳайрон бўлиб Палмер.

— Кўраяпсан-ку, буларнинг ҳаммаси менда ҳам акс этади, шунинг учун аралашмишга мажбурман. Аралашмасдан иложим йўқ. Ўтғмишда эса... Лекин биз ўтғмишда яшаётганимиз йўқ ва сенинг ишинг биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

— Лэйн, худо ҳақи, айтсанг-чи, ўзи нима гап?

— Эдис, — деди қария ва узоқ жим қолди.

— Эдис? — сўрагандай қайтарди Палмер.

— Аниқроғи, сен Эдис билан, — жавоб берди Бэркхардт. Яна жимлик чўқди. Палмер унинг оғир нафас олаётганини эшитди. — Бунақаси кетмайди, Вуди, бу телефонда айтадиган гап эмас. Яқшиси клубда гаплаша қолайлик. Айтайлик, соат бешу ўтғизда...

— Э-э, йўқ, бунақаси кетмайди, — деди Палмер. — Мен сизни ҳозироқ кўришим керак. Осонгина кутулиб кетаман деб ўйламанг.

— Демак, бешу ўтгиз.

— Лэйн, мен... — телефонни узишди.

Палмер ғазаб билан «Брххрдт» ёзуви тугмачани босди. Бармоғи оғригунча шу тарзда босиб турди. Ниҳоят, Бэркхардт котибасининг овози эшитилди.

— Эшитаман, мистер Палмер.

— Мени мистер Бэркхардт билан боғланг.

— Уриниб кўраман, эҳтимол унга лифтда етиб оларман.

— Уриниб кўринг! — қизга бақириб юбормаслик учун у тишларини қисди, сўнг хотиржам оҳангда: — Умуман, кераги йўқ, — деди.

Палмер телефон гўшагини жойига қўйди, ўрнидан туриб дераза ёнига келди. Сўнг болалари тасвирланган ҳайкалга қаради. Ҳар тарафдан ёғилиб турган нурда фарзандларининг юзлари жуда ғалати кўринарди.

### Ун биринчи боб

Палмер бақни Бернс билан учрашувга йигирма дақиқа кечикишни мўлжаллаб тарк этди. У Бешинчи авеню бўйлаб дадил одимлар билан юриб борарди. Куз қуёшининг енгил нурлари сийраклашган каштан барглари орасидан ўтиб ерга ёйиларди. Кун кутилмаганда илиқ келди. Палмер пальтоси билан шляпасини иш столи ортидаги махфий жавонда қолдирди. У эркаловчи енгил ҳаводан чуқур нафас олиб борарди.

Йўл бўйлаб унга дуч келаётган барча қизлар унга хушрўй бўлиб кўринар, уларнинг енгил одим ташлашлари кўзни қувнатиб, дилни яйратарди. Дўконларнинг кўргазма ойналарида ҳафсала билан жойлаштирилган башанг буюмлар ўзларини кўз-кўз қиларди. Палмер одатдагидан тезроқ юриб Эллик биринчи кўчага бурилди-да, кўзи билан Нью-Йоркнинг машҳур ресторани «Йигирма бир»нинг лавҳасини қидира бошлади. У Олтинчи авенюга яқинлашганда бирдан ресторан Эллик иккинчи кўчада жойлашганини эслади. У тўхтаб ўйлади, бу хато — ўзига хос огоҳлантириш бўлса керак, Палмер кўпол хатога йўл қўяётганга ўхшайди.

Олтинчи авеню муолишида туриб, ўтган-кетганларга қараркан, Палмер бу кўчадаги аёллар бир маҳалла нарида кўрган хонимлардан қанчалик фарқ қилиши ҳақида ўйлади. Лекин кайфияти нега бирданга ўзгариб қолганига тушунмасди.

Унинг кайфияти тез-тез ўзгариб туриши аввалдан маълум эди. Унинг асосий камчиликларидан бири шу эди. Бундан кутулиш керак деб отаси ҳам таъкидлаганди.

Палмер энди Олтинчи авеню бўйлаб секин, шошмасдан юриб борарди. Бу ердаги дўконларнинг униққан кўргазма ойналарида туриб қолган буюмлар кўзга ташланарди. Деворларда: «Шошилинч, арзон сотилади» деган ёзувлар кўзга ташланади.

Отасининг чекланганлиги Палмернинг ҳамиша ғашига тегса-да, охир-оқибат у шундай хулосага келдики, отасига уни ўраб турган дунё билан табиий муомала усули бўлиб хизмат қилаётган муҳрлар тўплами ёрдамида ҳақиқатни тиклаш чиндан ҳам анча осон бўларкан.

Эллик иккинчи кўча муолишида Палмер қадамни секинлатди ва атрофга аланглади. Бу ердаги мўъжазгина дўконча вақтинча сайлов мавсуми идорасига айлантирилган эди. Унда шаҳар маҳкамаларига навбатдаги сайловга тайёргарлик бошлаб юборилганди. Дўконнинг деворларига биттагина ташвиқот варағининг нусхалари ёпиштириб ташланганди. Бу суратлардан қирқта бир нусхадаги одам Палмерга тикилиб турарди. Номзод ўрта ёшлардаги бир киши эди. «Сиёсат бу сизнинг ишингиз!» — дея уқтирарди Палмерга шиорлар.

Палмер Эллик иккинчи кўча бўйлаб ҳорғин ҳолда йўлини шарқ йўналишида давом эттирарди. У йўл бошидаёқ ўзини қамраб олган қувноқ кайфиятнинг сабабини аниқлашга уринарди. Табиийки, бу кайфиятнинг Мак Бернс билан навбатдаги учрашувга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ҳа, Бэркхардтнинг эрталабки валақлашининг ҳам бунга дахли йўқ. У Палмернинг «Юнайед бэнк» ишларидаги ҳал қилувчи роли ҳақида гапирдим-ей. Ва бирдан Палмер тушунди,

бу кайфият Бэркхардтнинг Эдис билан муносабатлари масаласига тўхталиб ўтгани туфайли эди.

У кўчанинг нариги томонига, чўян панжараларига қараб тўхтаб қолди. Панжара «Йигирма бир» ресторанининг олд томонини безаб турарди. Уларга аргумоқларни учуриб бораётган пойгачи чавандозлар тасвири ўрнатилган эди. Гап бу ёқда экан-да: Палмер кўчани кесиб ўтиш учун йўлга чиқмоқчи эди-ю, физиллаб келаётган машиналар оқимини ўтказиб юбориш мақсадида йўлга қайтди. Албатта, Бэркхардт гапининг оҳанги ниманидир англаптиб турар, у ҳам ёзгириш, ҳам танбеҳ сифатида янгради. Қария на фақат Палмернинг Эдис билан оилавий муносабатларида, айни чоғда унинг банкдаги ишга муносабатида ҳам тартиб ўрнатишга уринарди. «Бир пайтнинг ўзида икки аёл билан қандай яшаш мумкинлиги масаласи хусусида,» — кулимсиради ўзича Палмер.

— Мистер Бернснинг столи қайси? — сўради у ресторанга киргач.

— Марҳамат, мистер э...? — бош официант паролни кутиб қолди.

— Палмер.

— Бу ёққа марҳамат, бу ёққа, мистер Палмер. — Бош официант таъзим қилди-да, Палмерни эргаштириб бораркан, мистер Бернс бир дақиқага чиқиб кетди, ҳозир қайтиб келади, деди.

— Қайтиб келади, деяпсизми? — сўради Палмер оромкурсига чўқаркан. — Менга лимон пўстлоғи ва тоза мартини олиб келишсин, — деди.

Худди ерни ёриб чиққандай Бернс пайдо бўлди, Палмернинг ёнига ўтирди-да, қўлини унинг елкасига қўйди.

— Хэлло, Вуди, — деди у дўстона. — Сизни кутдириб қўйганим учун кечирасиз. — Тепада бир мижоз билан учрашувим бор эди.

— Мен ҳозиргина келиб турибман, — деди Палмер, унинг ёлғонига панд бериш учун.

— Жуда соз. Нима ичасиз?

— Мен буюртма бериб қўйдим.

Бернс бош официантнинг номини айтиб чақирди.

— Менга ўшандан беринг.

— Хўп бўлади, мистер Бернс.

— Таомномани ҳам беринг.

— Хўп бўлади, сэр.

— Бир кути «Голд флейкс» ҳам.

— Яхши, сэр.

— Телефонниям.

— Ҳозир, сэр.

— Тезроқ.

— Ҳозир олиб келаман, мистер Бернс.

— Яхши.

Палмер уларни қизиқиш билан кузатиб турди.

— Сэр, сизга бирор нарса керакмасми? — сўради бош официант.

Ёмон зарба, қайд қилди ўзича Палмер, чунки у шу заҳоти қайтарилади.

— Йўқ, ташаккур, бошқа ҳеч нарса керакмас, — деди «коптокни кўтариб бериб» Бернс.

— Ихтиёрингиз, сэр. — Бош официант «коптокни тўр ёнида уриб туширди». Бу ҳалоқатли зарба эди. Копток тўғри учиб бориб рақиб оёқлари остига урилди. Бернс қақшатқич зарбага учради: у коптокни қайтаришга эмас, ҳатто ракеткани кўтаришга ҳам улгурмади. Бош официант тантанавор жўнаворди. Бернснинг сарғиш кўзларида эса ёвузлик барқ урди. У Палмерга ўгирилди, ёвуз қақин эса нигоҳида узоқ вақт ёниб турди.

— Уйлашимча, Лонг-Айленд ишбилармонлари ҳузурида сўзлашга таклиф этилганим, — деди кескин оҳангда Палмер, — у ерда кўплаб одам тўпланишини таъминламайди.

Бернс унга ташвиш билан қараб, сўради:

— Нега ундай деяпсиз?

Официант уларга мартини олиб келди, қадаҳларни столга қўйиб, орқасига қайтди.

— Ўша одамлар шундоқ ҳам бизлар томонда, — жавоб берди Палмер. — Бизга эса ҳали ишонтиришимиз лозим бўлган кишилар керак.

— Ишбилармон доиралар вакиллари сиз томонда эканини қаёқдан била қолдингиз?

Яна бир официант пайдо бўлди ва таомномани бериб кетди.

— Чунки тижорат банклари ўша ишбилармонларни бизнинг чўнтагимизга ўзлари солиб қўйдилар, — тушунтирди унга Палмер. — Улар ўзларининг банк амалиётларини биз орқали амалга оширмақдалар. Улар яна қаерда банк ҳисоби очишлари мумкин? Бизлардан эса улар ўзларига зарур бўлган заёмларни оладилар. Демак, улар бизларсиз яшай олмайдилар.

— Бироқ уларнинг кун кўраётган гаров қўйилган пуллари жамғарма банкларида сақланади, — эътироз билдирди Бернс.

Шу пайт учинчи официант пайдо бўлди, у «Голд флейкс» сигаретаси олиб келганди. Бернс на официантга, на сигаретасига эътибор қилди.

— Лекин бу масалани ҳал қилмайди, — деди Палмер. — Гаровга пул қўйиш узоқ муддатли битим, уни ўзбошимчалик билан ўзгартириш мумкин эмас. Жамғарма банклари истаган одамнинг бошига тушириш учун улардан фойдалана олмайди.

— Лекин борди-ю, уларда гаров пуллардан ур тўқмоқ сифатида фойдаланиш имкони пайдо бўлса, уни шу йилдаёқ ишга соладилар, деди Бернс.

Тўртинчи официант келди, унинг қўлида телефон бор эди. У телефонни Палмернинг тепасидаги уяга улади. Бернс хўмрайиб телефонга қаради.

— Наҳотки биз ҳозир айнан иш ҳақида гаплашсак? — сўради у.

— Ҳа, биз кўп нарсани муҳокама қилишимиз керак, — жавоб берди Палмер.

— Вуди, бир неча дақиқага бўлса ҳам қўйиб тур ўша ишингни. Кел, аввалига ичайлик. Бугун жудаям бўғилиб кетдим.

— Нима, эрталаб қийин бўлдимми?

— Эрталаб эмас, бутун тунни уйқусиз ўтқаздим. Эрталаб соат олтида ётдим, икки соатгина мизғиб олдим. Кейин Вик Калхэйн билан нонушта қилгани югурдим.

— Ҳа-я, Катта Вик билан учрашувда сиз хўрозқанддай бўлишингиз керак. Бернс қошларини чимирди.

— Илтимос, уни бундай атама. Мана беш йилдирки омманинг бу лақабни унутишига уринаяпман.

— Нима, эшитилиши ёмонми?

— Йўқ, лақаб у ҳақда ёмон тасаввур беради. У кўпроқ катта шаҳарнинг сиёсий корчалонларига мос келади.

— Нега энди, у чиндан ҳам катта, исми ҳам Вик, шубҳасиз, у ҳақиқий сиёсий хўжайин.

— Ҳамма бало шундаки, у бунақа эмас, — деди Бернс.

— Бўлмаган гапни қўйинг!

— Сиёсий хўжайинлар энди умуман йўқ. Бундай зотлар Иккинчи жаҳон урушида қирилиб кетди, — таъкидлади Бернс.

— Жиддий гапираяпсизми?

— Албатта. Айтинг-чи, ҳозир ким Твид, Пендергаст ва Кроунер сингари кишилар билан тенглаша олади? Унақаларни ҳозир учратиб бўлсиз!

— Барибир, унақалар бор ҳозир ҳам.

— Ким ахир? Чикаголик Жек Арвейми? И-е, унинг обрўсини бир пайтлар машҳур бўлган Эд Келли ёки Билл Томпсон обрўси билан солиштириб бўладими? Ёхуд Нью-Йорк корчалони Кармин де Сапиоми? Унинг гуруҳи Таммани уруғи билан америкаликларнинг демократик ҳаракат учун ташкилоти ўртасида адоий тамом бўлаяпти. Бу де Сапио учун ҳалокат билан тугайди.

— Шунга қарамай, — сўзида туриб олди Палмер. — Агар бирон нарсага эришмоқчи бўлсангиз, айнан Вик сингари одамга мурожаат қилинг. Фақат ўшагина сизга керак бўлган нарсани муҳайё қилиш имконига эгадир.

Бернс елкаларини қисди-да мартини тўлатилган қадаҳни кўтарди.

— Сизнинг соғлигингиз учун, — деди у.

— Саломат бўлинг, — деди Палмер.

Бир мунча муддат индамай ичишди.

— Ҳайлашимча, — дея сўз бошлаган Бернс тўхтаб, шаробдан бир қултум ичди-да, давом этди, — ҳайлашимча, ҳозир сизнинг сиёсий маълумот олишингизнинг айна пайти, Вуди.

— Наҳотки мен сиёсатни шунчалик ёмон билсам?

— Йўқ, албатта. Сиз сиёсат — бу ҳукумат ўз ҳаракатида амал қиладиган нарсадир, дейдиган ҳолатда эмассиз.

— Ахир, бу шундай эмасми?

— Йўқ. Асло бунақа эмас. — Бернс англиз сигаретасини очди, қути ичидан бир донасини олди, унга ҳайлашиб қараб турди-да, деди:

— Сиёсат пул ундириш усулидир, нуфузли шахс бўлиш йўлидир.

— Лекин айна пайтда ҳукумат ўз сабъ-ҳаракатларида сиёсатдан фойдаланади.

— Бундай сабъ-ҳаракатлар — сиёсатнинг фақат қўшимча маҳсулотидир, — деди Бернс. — Унинг ҳақиқий иши эса пул топишдир.

— Ҳа сурбетлик.

— Нима қилибди, — ишшайди Бернс. — Агар сурбетлик менга ҳар бир нарсани уларни ҳақиқий рангида кўриш имконини берса, мен эътироз қилмайман.

У сигаретани тутатиб олиш учун энгашди ва ўт олдиргичдан чақнаган олов унинг игнатуғмасидаги қимматбаҳо тош қирраларида ярқираб кетди.

— Ҳар қандай бизнесда бўлгани сингари, — Бернс оғзидан чиқарган тутунни қўли билан ҳайлади, — сиёсат келишувнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Фақат сиёсатда уни контракт дейишади. Аслида бу сўз бошқа амалий соҳаларда унга берилган аҳамиятга унча мос келмайди. Келишув... Битим... У жим қолди ва хира ёритилган залга кўз югуртирди: — Вик билан нонуштага тайёрланаётиб, мен учта ана шундай битим тайёрладим. Менинг собиқ округим Бронксда ёш йигит ишга муҳтож. Бу битта битим. Келгуси ойда штатда йўрға отлар синови ўтказилади. Викдан ана шу синовда фахрий меҳмон сифатида қатнашишни сўрашапти. Бу иккинчи битим. Менинг бир ошнамнинг дўсти дўкон очмоқчи бўлаяпти, у иложи борича тезроқ лицензия олмақчи. Бу учинчи битим.

— Буларнинг ҳаммаси унча мураккаб эмасга ўхшайди, — деди Палмер.

— Албатта, йўқ. Энди бу ёғини эшитинг. Ўз навбатида Вик ҳам менга иккита аҳднома тайёрлади. У янги католик коллежаларининг биноларидан бири унинг отасининг номи билан аталишини хоҳлаяпти. Бу унинг биринчи битими. Нимани айтганимни тушунапсизми?

— Бўлмасам-чи.

— Шундай қилиб, фикримга эътибор беринг. Иш мураккаблашиб борапти. Ҳозиргина бешта битим ҳақида гапириб ўтдик. Келинг, шулардан биттасини таҳлил қилиб кўрайлик. Масалан, биржа акциялари билан боғлиқ битимни олайлик. Викдан топшириқ олгач, мен ўз даллолимга сим қоқаман. Акциялар нархи ҳақида нима билишини сўрайман. Шу тариқа, у энди мен билан битим тузади. Тасаввур қилингки, у битим туфайли юзага келган мажбуриятларини бажара олмайди. Лекин мен ўз мажбуриятларимни бажаришим керак ва мен янгича йўл тутаман — бизни акцияси қизиқтираётган компаниянинг вице-президентига телефон қилиб, зиёфатда учрашайлик деб келишиб оламан. Бу мазкур битимнинг иккинчи босқичи дейлик. Ундан аниқ жавоб олиш учун мен ўз навбатимда унинг бир хизматини ўрнига қўйишим лозим. Бироқ нима билан? Ҳозирча ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман. Зиёфатни фақат бир нарсани аниқлаш учун уюштираман, унинг кўнглини нима билан овлаш мумкин? Балки унга машинаси учун қандайдир махсус ойна керакдир? Ёки у қайсидир фахрий лавозимни эгаллаш ниятидадир? Эҳтимол, пойгага рухсатнома олиш илинжидадир ёки бирор маълум малак билан танишишни истар? Бироқ шундай бўлиши ҳам мумкинки, у менинг асосий саволимга жавоб бериш учун имкони бўлмас. Бу саволни унга ҳали берганимча йўқ. Шунинг учун бир йўла газеталардан бирининг биржа янгиликлари бўлими муҳарририга телефон қиламан. Ахир у кўп нарсани эшитади ва билади. Лекин ундан керакли ахборотни олиш учун, унинг ўрнига ўша муҳаррирга қандайдир бошқа масала бўйича хабар излаб топиш лозим. Бу нимани билдиришини тушунапсизми? Вик билан битта ана шундай келишувнинг ўзи яна учта қўшимча битимга йўл очади.

— Ҳа, бу ерда ҳаммаси айёрона уйғунлашиб кетяпти, — деди Палмер.  
 — Э-э, бу ҳали оддий нарсалар. Энди ўз дўкони учун лицензия олишга ҳаракат қилаётган одамнинг тақдирига дахлдор битимни олиб кўрайлик.

— Бу Калхэйн учун унча мураккаб эмас.

— Сиз буни мураккаб эмас, деб ҳисоблайсизми? Келинг, таҳлил қиламиз. Энг аввало Калхэйн шу мақсадга эришиш учун бирор куч-ғайрат сарфлаши керакми, деб ўйлаб кўриш керак. Мен унга фақат келишув дўстимнинг ойнаси учун зарур эканини айтдим, бироқ ундан бу битим мен учун қанчалик зарурлигини атайлаб яширдим. Бунинг сабаби жуда оддий. Бу менинг дўстимга — йирик ва нуфузли мижозимга керак! Лицензияга муҳтож бўлган одам эса, дўстимнинг хотинига амакивачча бўлади. Агар амакивачча лицензияни олса, бу менинг мижозим учун жиддий енгиллик туғдиради ва бу учун мендан чексиз хурсанд бўлади. Ҳаммадан муҳими шундаки, у менинг фирмам билан даргуси ой учун контрактни янгидан тузади. Бу, билсангиз, эллик минг доллар мад келтирувчи мижоздир. Лекин агар Вик менинг қанчалик манфаатдор эканимни билса, у менинг илтимосимни йирик битимлар сирасига киритади. Унда мен у билан каттароқ ҳисоб-китоб қилишимга тўғри келади.

— Мен шубҳа ҳам қилмагандимки, сиз...

— Вуди, мен ҳали асосийсини айтганимча йўқ. Буларнинг ҳаммаси шу қадар аралаш-қуралаш бўлиб кетганки... лицензия масаласида бунчалик жон куйдириш шартмикин, буни Викнинг ўзи ҳал қилиши керак. Менинг илтимосим унга қанчага тушишини ҳали аниқлаш лозим. Мен унинг эски, қадрдон дўстиман. Кўп жиҳатдан бир-биримизга боғлиқмиз. Шу боисдан у, балки бирор нарса қилишга уриниб кўрар.

— Шундай бўлиши ҳам мумкинки, сиз бу лицензияни ололмайсиз, шундайми? — сўради Палмер.

— Эҳтимол. Мен айнан шундай бўлади деяётганим йўқ. Лекин шундай бўлиши ҳам мумкин, деб ўйлаяпман. Бу ўринда мен таваккал қиламан. Айни шу пайтда мен Викка мажбур бўлмасликни афзал кўраман.

— Нега энди айни шу пайтда? — сўради Палмер.

— Бу ҳақда кейин айтаман, — ваъда берди Бернс. — Энди Вик менинг илтимосимни бажаришга ҳалол уриниб кўради деб фараз қилайлик. Эҳтимол, Вик...

— Тўхтанг-чи, — унинг гапини бўлди Палмер, — бошим гангиб қолди.

— Майли. Бу лицензияни ўтказиш учун Викнинг турли-туман усуллари бор. Ҳўп, сиёсат масалалари бўйича биринчи сабоққа шунинг ўзи етарли.

— Демак, бугун эрталаб сизлар бешта келишувни муҳокама қилдингиз, а?  
 — Ҳа, бешта. Лекин улар бажарилгунча яна ўн бешта кўшимча битим пайдо бўлади...

— И-е, бу геометрик прогрессия-ку! Унинг охири борми?

— Улар сира тугамайди, — жавоб берди Бернс. — Сиёсий битимлар туғилади ва кўпаяверади, уларнинг ҳар бири ўз навбатида иккита ёки учта янгисини вужудга келтиради. Шу тариқа, ҳар куни ўн та битим тузишимга тўғри келади. Бир ҳафта давомида у олтишга етади. Улар ўз навбатида юз элликга яқин янги аҳдлашувларни вужудга келтиради... лекин унутмангки, бунинг ҳаммасини бир ўзим қиламан. Бир сўз билан айтганда, мен катта томошада марказий сиймоман...

— Нақадар таъсирли, — минғирлади Палмер шаробни симираркан. — Бу шаҳар пучмоқларида шундай нарсалар юз бермоқдаки, буларни инсон онги қамраб олишга қодир эмас!

— Ҳа, анчагина жўшқин жой, — рози бўлди Бернс. — Мен ўз умримнинг ўн йилини Голливуд деб аталувчи янада қувноқроқ шаҳарга сарфладим, лекин ҳозир дадил айтишим мумкинки, улар ҳозир қилинаётганларга нисбатан болалар ўйинчоқлари эди. — Бернс ўгирилиб қаради, бармоғини шақиллатиб, бошини ирғаб, ёнидан ўтаётган официантга деди:

— Бирор яхши нарса борми, Генри?

— Қайнатилган ажойиб мол гўшти бор, мистер Бернс!

— Жуда соз. Фақат ерқалампир қайласи билан. Сиз-чи, нима хоҳлайсиз, Вуди?

— Ясмиқ шўрва, — деди Палмер. — яна ҳалиги, нима эди...

— Ростбифли сэндвич, — деди Бернс.

— Ҳа, шу яхши бўларди.

— Жавдар нонли сэндвич, Генри, — буюртма берди Бернс официантга. — мартинидан яна олиб келинг.

Бернс истаган нарсаси — ҳокимият, пул, хотинлар билан мақтаниши мумкин эди. Ҳаётда булардан бошқа яна бирор нарса бормиди ўзи? Э, ҳа, айтмоқчи, худо ҳам бор эди.

Кутилмаганда Палмер Бернсдан сўраб қолди:

— Айтинг-чи, ҳаётдаги барча қувончлар учун ҳали ҳисоб-китоб қилинишига ишонасизми?

Бернс ўгирилиб, Палмерга тик қаради. Унинг кўзлари эҳтиёткорлик билан Палмерга назар солди.

— Ҳисоб-китоб қилиш? — қайта сўради у. — Нима демоқчисиз, мен унча тушунмаяпман.

— Э, шунчаки, бир гап келиб қолди-да.

— Уйлаганингизни айтинг, энди!

Ўйламасдан айтган гаплари учун Палмернинг ўзидан жаҳли чиқиб, қўлини силтаб кўя қолди.

— Оддий гап. Агар ҳаётда бирор яхши нарсага эришсанг, бунинг учун одатда, кейин товоң тўлашингга тўғри келади, деб ўйладим.

— Мени кечирасиз-у, Вуди, — деди Бернс қўлини Палмерга теккизиб, — лекин ҳозир сиз менинг отамга ўхшаб гапираёпсиз...

— Қизиқ. Менинг отам ҳам нуқул шуни уқтирардилар.

— Моҳияти жиҳатидан бу мусулмонлар тамойили: Оллоҳ — Қаҳрли илоҳдир.

— Кальвинчилар худоси ҳам шундай.

Бернс ғалати ишшайди, гўё улар иккаласи ҳам ҳозир бир-бири ҳақида кўнгилсиз бирор нарсани билиб олгандай бўлдилар.

— Афтидан, худо иккаламизда ҳам биттага ўхшайди, — деди у кулимсираб.

— Бироқ сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз? — эслатди Палмер.

— Мен унга қандай жавоб беришни билмайман. Сиёсатда иш қандайлигини яхши биламан. У ерда олаётган ҳар бир нарсанг учун тўлашинг керак, Вуди. Бу катта бозорга ўхшайди. Унда ҳамма савдо қилади ва айирбошлайди. Бирор нарса олмоқчимисан? Бошқаси истаётган нарсани унга топиб бер.

Палмер Бернснинг инглиз сигаретасини олиб, дарҳол гугурт чақди, Бернсга ўз чақмоқ тошини ёқишга имкон бермади.

— Агар бу шундай бўлса, мен тушунмай турибман, нима учун сиз ҳозир Вик Калхэйнга тазйиқ ўтказмаяпсиз, токи у буни йирик келишув деб баҳоласин.

— Палмер сигаретани зўр бериб сўрди ва мунча бўш бўлмаса бу, деб ўйлади, худди ичингга қизитилган ҳавони тортаётганга ўхшайсан.

— Мен бу келишувни асраяпман, дўстим.

— Нима учун?

— Сиз учун, азизим, — жавоб берди Бернс ва унинг лаблари алам билан қисилди. — Фақат сиз учун.

### *Ун иккинчи боб*

Палмер «Йигирма бир» ресторанидан Ист Ривергача пиёда юрди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносидан шимолроқдаги мўъжазгина сайрибоғда бир оз ўтириб дам олди. Шундагина у оёқлари оғриётганини ҳис қилди.

Унинг Мак Бернс билан тушлик қилиши ҳали бошланмасдан туриб, тўсатдан узилиб қолди. Официант буюрилган овқатларни келтириб, энди ликопчаларга қўяётганда телефон жиринглаб қолди. Бернсни қаергадир шошилинч чақириб қолишди. У Палмерга таассуф билдирди-да, кечирим сўраб жўнаб қолди.

— Ярим соатдан ошмай қайтаман, — дея ишонтирди у Палмерни.

Йигирма дақиқа давомида Палмер дастурхонга тортилган овқатларни тановул қилди, кейин ресторандан чиқиб, дарёгача сайр қилиб, олти маҳаллани кесиб

ўтди. Куз бўлишига қарамай, ҳаво илиққина эди, шаҳарни қоплаб турган булут куюш нуруни анча юмшатганди. Эсаётган енгил шамол дарё юзасини жимирлатарди. Шатакчи кема кўпикли из қолдириб сузиб ўтди. Палмер уни нигоҳи билан кузатиб қолди.

Тоza шамол унинг чеккасидаги сочларини силаб ўтди. У бирдан ўзини енгил, эркин ҳис қилди. У ўнғайроқ ўтириб олиб, БМТ Котибияти биноси саҳнида бир-бирини суратга олаётган сайёҳларни томоша қила бошлади.

Оиласи Нью-Йоркка кўчиб келганидан бери у биринчи марта ўзи хоҳлаган нарсани қилди. Одатда, унинг иш куни кимдир томонидан белгиланган битмас-туганмас конференциялар, тушликлар, зиёфатлар, турли кўмиталарнинг мажлислари, амалий стратегия масалалари бўйича учрашувлар, маърузалар, репортёрлар билан мулоқотлар, қўл қисиб кўришишлар ва суҳбатлардан иборат бўларди. Бундай суҳбатлар унинг ҳиқилдоғига келганди.

Унинг ишдан ташқариги ҳаёти эрталаблари оиласи даврасида нонушта қилаётиб, театрларга бориш, дам олиш кўнларини Эдиснинг қариндоши Жейнинг Роклендконтдаги уйида қандай ўтказиши ҳақида борарди. Қолган вақти турли-туман маросим тадбирларида ўтарди. Ана шундай тадбирларни, турли кўнгилочар ўйинларда болаяри, хотини билан ўтган ширин онларини эслаб кетди...

Палмер Озодлик ҳайкалини мириқиб томоша қилиш, Фултон балиқ бозорида айланиш, Эмпайр стейт билдинг томига чиқиб атрофни кузатиш ҳам халақит бермасди, деган қарорга келди. Лекин гап бунда эмасди. Унинг ўзи учун янги бўлган бу шаҳарда айлангиси келарди...

— ... бир марҳамат қилолмайсизми? — жаранглади унинг тепасида аёл овози.

Палмер сесканиб, бошини кўтарди-да, кўзларини тепасида нималардир деяётган аёлга тикди.

— Кечирасиз, нима дедингиз? — сўради Палмер.

— Э-э, бу жуда осон. Сиз мана бу ерга қарайсиз, кейин мана бу тугмачани босасиз, — деди аёл.

У ўзидан нима истаётганини ниҳоят тушуниб, аста ўрнидан турди. Олдида турган аёл ундан эри ва қизчаси билан бирга суратга туширишни сўраётганди. Палмер «майли» дегандай бош ирғаб, унинг қўлидан фотоаппаратни олди.

— Биз суратда БМТ биноси ҳам кўриниб туришини хоҳлаймиз, — деди аёл ва сочларини тўғрилаганича эри билан қизи ёнига шошилди.

Палмер фотоаппаратни тўғрилаб, энди тугмачани босаман деганда:

— Тўхтанг, — деб бақирди аёл ва қизчасининг елкасига туртди. — Жилмайиб тур, қаддингни ростла ва жилмайиб тур.

Палмер кутиб турди. У бу нарса қизчанинг жонига текканини пайқади. Отаси уялинқираб турарди. Ўзини тутишидан, «мени тажовузкор хотинимга ўхшатма» дегани сезилиб турарди. Қизча ниҳоят ўзини босиб олди, табассум қилди ва Палмер «ширк» этиб тугмачани босди.

— Ташаккур! — қичқирди аёл. Қизчасини кўлига кўтариб олган эри юзини хотинининг орқасига яшириб, миннатдорчилик билдирди. Аёл фотоаппаратни оларкан, Палмерга шундай илиқ табассум ҳадя этдики, у ўзини жуда ноқулай сезди.

— Арзимаиди, марҳамат, — деди минғирлаб ва ўзини енгил ҳис этиб ўриндиққа чўкди.

Палмер уларнинг Биринчи авеню томон юришаётганини кўриб турарди, лекин аёл зўр бериб чапга, БМТ биноси томон интиларди. Эркак кўли билан ўнг томонни кўрсатиб, ўжарлик билан ўша ёққа юрарди.

«Мана оилавий қалблар муштарақлиги», — ўйларди Палмер улар кетидан қараб. Улар ўзаро баҳслашиб ва имо-ишора қилганча кўздан гойиб бўлдилар. Фақат қизчанинг қичқирикларигина анча вақт эшитилиб турди. Улар сайёҳлар тўдасига аралашиб, бутунлай кўринмай кетдилар...

Палмер ўгирилди-да, нигоҳини дарёга қаратди. Шатакчи кеманинг кўпикли изи ҳануз тарқалмаган ва дарё юзида қалқиб турарди.

Манфаатлар муштарақлиги, бирдамлик, ўйлади яна Палмер. Оддий ҳайвоний ҳирс, арзимас унсурдан бирор арзигулик нарса яратишга интилиш. Бизни ўраб



турган ҳамма нарса иккинчи даражали унсурга айланади, кундан-кунга ёмонлашиб боради. Бу қанчалик тез юз бераётганини ҳеч ким сезмайди ҳам, ўйларди Палмер. Маҳсулотлар сифати тушиб кетяпти, арзонроқ бўлса бўлгани, тезроқ сотилса бас. Ажабланарлиси шундаки, бундан ҳеч ким шикоят қилмайди. Буни ҳеч ким сезмаётганга ўхшайди.

Одамлар телевизорларини қандай солашларини кузатишнинг ўзи кифоя, фикр юритарди Палмер. Телевизордаги кўплаб қулоқлар нимага хизмат қилишини ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Шунинг учун ҳам телевизор экрандаги тасвирлар қинғир-қийшиқ, гоҳ ёруғ, гоҳ қоронғи кўринади. Ана шу қулоқлар ёрдамида бирор нарса қилиш мумкин, лекин созлай бошласанг, ҳалиги ёмон ва хира тасвирлар ҳам ўчиб кўя қолади. Яхшиси, унга тегмаган, қулогини бурамаган маъқул. Барибир, бир йилдан сўнг телевизорнинг янги русумдагилари чиқади, янги, «ақли» антенналар пайдо бўлади. Ташвишланиш шартми?

Палмер чўнтагидан сигарета олиб, маза қилиб чекди, уни ўраб турган тоза ҳавога тамаки тутунини пурқади. Бироқ енгил шабада шу заҳотиёқ уни тарқатиб юборди.

Кайфиятни созлаб олиш керак, ўйлади Палмер. Кайфиятга берилиб кетса бўлмайди. У ўрндан турди, сигаретани ерга ташлади, пошнаси билан босиб ўчирди-да, Биринчи авеню бўйлаб шаҳарнинг ишбилармонлар маҳалласига қараб юрди. Бэркхардт билан учрашувгача ҳали икки соатча бор эди. Бемалол шаҳарни сайр қилиб, истаган нарсасини кўришга вақт етарли.

Шундай қилиш ўрнига, Палмер БМТ биносига бориб, автомат телефондан банкка сим қоқди.

— Мистер Палмер, биз анчадан бери сизни изляяпмиз, — жавоб берди малласоч котиба. Унинг овозида эҳтиром билан бирга ғазабланиш оҳанги ҳам бор эди.

Уни эшита туриб, Палмер ўзига шахсий котиба ёллаш керак, деган қарорга келди. Қандайдир эллик ёшлардаги оилали аёл бўлгани маъқул. У менинг манфаатларимни ҳимоя қилиши мумкин.

— Мен бўлимларимиз ишини текширгани боргандим, — жавоб берди Палмер ва шу заҳотиёқ алдашимга ҳожат бормиди ўзи, деб ҳайрон бўлди.

— Шунақами, кечирасиз, — деди котиба қиз. Унинг жавоби оҳангидан Палмер шуни тушундики, унинг йўқлигига зарур сабаб борлигидан котиба хурсанд бўлди. — Жаноб Бернс беш марта телефон қилди, — давом этди котиба, «беш» сўзига ургу бериб.

— Унинг ўзи телефон қилдими?

— Ҳа, шахсан ўзи беш марта телефон қилди, — деди котиба қиз.

— Агар у яна телефон қилса, унга тушунтиринглар, мен ҳозир бандман. Йўл-йўлакай у билан боғланаман. Соат бешларда ёки яхшиси бешу ўн бешларда мени «Юнион лиг» клубидан топишлари мумкин.

— Мистер Бэркхардт билан биргами, — қўшимча қилди котиба, — Сизга машинангиз керак бўлмайдими?

— Йўқ, яна қанақа гаплар?

— Кундузги иккинчи ва учинчи почталар олинди.

— Жиддий гап борми?

— Мен почтани очганим йўқ, мистер Палмер.

— Майли. Яна нима?

— Қандайдир мистер Лумис кўнғироқ қилди.

— Жозеф Лумисми?

— Унинг котиби. У кейинроқ яна телефон қиламан, деди.

— Унга ҳам клубдалигимизни айтинг. Бори шуми?

— Тагин мистер Мерчендалдан меморандум олинди.

Палмер кўзини юмиб, «уф»лади, жаҳли чиққанини билдирмасликка уринди. Котиба қиздан ғазабланиши учун ҳеч қандай асос йўқ эди. У ўз мажбуриятини сидқидилдан бажараётганди.

— Раҳмат сизга, — деди у. — Мен бошқа телефон қилмайман. Агар бирор шошилинч нарса бўлса мени «Юнион лиг» клубидан топасиз.

Палмер гўшақни илди, автоматга яна тагга ташлади-да, уй телефони рақамини терди. Гўшақдан аёл овози эшитилди.

— Эдис? — сўради Палмер.

— Салом, дада.

— Жерри, ойинг қанилар?

— Янги уйимизда, ишчиларга нима қилиш кераклигини тушунтираяптилар.

— А-а, шунақами? Жерри, Бентлида сени нималарга ўргатишаяпти ўзи?

— Нимагаям ўргатишарди, ўлгудай зерикарли!

— Унда оддий мактабда ўқиганинг маъқул эмасми? Қайтага анча арзонга тушарди. Сени ўша ёққа ўтказиб қўяйми?

— Ростданми? Жиддий айтаяпсизми, дада? — хитоб қилди Жерри. — Жуда зўр-ку! Эсини еган морфийчилар ва чўнтагида пичоқ олиб юрувчи безорилар билан бир мактабга бориш! Қандай яхши! Унда мен ўша ерда ўқишни бошлайман.

— Ойингга бериб қўйиш учун ёзиб ол: Мен бугун бир оз кеч қоламан. Беркхардт билан клубда учрашувим бор ...

— Дада? — гўшакдан катта ўглининг овози эштилди. — Марҳамат қилиб айтинг-чи, «Юнайтед бэнк» ҳисобидаги пулнинг миқдори «Бэнк оф Америка»ниқидан қанча ошиқ.

Кутилмаган бундай саволдан Палмернинг ғазаби қайнаб кетди.

— Сенга нима бўлди? Банклардан бирини ёки иккаласини ҳам қўлга киритмоқчимисан?

— Бу менга мактаб учун керак. Мен иқтисодий мавзуда иншо ёзмоқчиман.

— Иншо «Мен билган банклар» деган мавзуда бўлади, дада, — гапга аралашди Жерри.

— Мен ҳозир сенга банкдаги вазиятни аниқ айтолмайман, — жавоб берди Палмер ўғлига. — Лекин манзара тахминан шундай: «Бэнк оф Америка»нинг ҳозир тўққиз миллиард беш юз миллион миқдорида пули бор, бизда эса, тахминан, ўн бир миллиардга яқин. Мен фақат қўйилган пулларни назарда тутаяпман. Активлар билан сармоямиз миқдори ўн икки миллиарддан ошади.

— «Чейз Манхэттен»да-чи?

— Етти миллиардга яқин.

— «Фёрст нэшнл сити бэнк»да-чи?

— Бундан сал камроқ.

— Сен кеча мендан олган ўн центни қайтариб берганинг йўқ, — эслатди акасига Жерри.

— «Мэнюфэччерс бэнк», ва «Кемикл бэнк»ларда аҳвол қанақа?

— Уларнинг ҳар бири уч миллиарддан анча камроқ маблағга эга. Нега энди сен синглингдан қарзга пул олаяпсан.

— Яна қарзни қайтариб бермаяпсан, — деди Жерри.

— Чунки мен инқирозга учрадим, — тушунтирди Вуди.

— Вуди чиндан ҳам лапашанга айланиб бораёпти, — акасининг гапини бўлди Жерри. — Уйга қачон келасиз, дада?

— Бугун сал кечроқ бораман, — деди Палмер.

— Менинг соат тўққизда ётишимни биласиз. Ухлаб қолмасимдан етиб келинг.

— Албатта, вақтлуроқ бораман.

— Қандай яхши, — қичқирди Жерри, — ҳозирча, дада! — Шу заҳоти Вудининг овози янгради: — Дада, мен ҳазиллашаётганим йўқ...

— Қайтиб борганимда гаплашамиз. Хайр, — ўглининг гапини бўлди Палмер. Телефон ҳужрасидан чиқаркан, ёнидан ўтиб кетаётган одамлар оқимини кузатиб туриб қолди. Уларнинг ҳаракати тинмасди. Қаердадир шу бино ёнида ва унга туташ уйда катта маош оладиган амалдорлар ҳам курраи заминда тинчликни асраб қолиш учун қандайдир ҳаракат қилаётдилар. Улар ўзларининг кичик томошаларини мўъжазгина идораларда ва каттагина томошагоҳларда кўрсатиб, аста-секин уруш бошланган томонга силжиб бораёптилар, лекин қандайдир йўл билан тинчликни сақлаб турибдилар.

Бу чиндан ҳам ҳайратланарли эди. Яна шу нарса баттар ҳайрон қолдирардики, сайёҳлардан ташкил топган бу улкан очофат юҳони БМТ биносига ҳеч нарса қизиқтирмасди. Улар учун бу ерда дуч келган бирор машҳур шахсга кўз сузиш, майда-чуйда совға-саломлар олиш, ҳашаматли бино саҳнида суратга тушиш бўлса бас.

БМТ биносидан кейин Палмер генерал Грант қабрига дуч келди. Ниҳоят у клубга етиб келганида соат ҳали беш бўлмаганди. Чарчаганидан оёқлари чинакам оғриб қолди. Палмер дарҳол юмшоққина чарм диванга чўкди-да, виски буюрди ва Бэркхардтни кута бошлади.

Палмер бу клуб аъзолигига урушдан олдин қабул қилинган эди, ундаги хизмат сифатининг юқорилигига бир неча бор иқрор бўлганди. Шуларни уйлаб ўтирганида ёнига бир хизматчи келди-да, қўлига бешта хабарнома тутқазди.

— Сэр, ушбу номалар сиз учун қолдирилган.

Палмер унга миннатдорлик билдириб, номага кўз югуртирди. Уларнинг бештасидан тўрттасида Мак Бернс телефон қилгани ёзилганди. У соат 4.40 дан 4.55 гача телефон қилибди. Демак, Палмернинг клубга келишидан бир дақиқа олдин ҳам сим қоққан экан-да. Кейинги хатда Бэркхардт белгиланган вақтидан олдинроқ келиши ёзилганди. Чунки унинг кейинги учрашув соат олтига белгиланган эмиш.

Ҳамиша мана шунақа бўлади, деди ўзига Палмер, гижимланаган хатларни чўнтагига соларкан. Улар энди эгар устида маҳкам ўтиришибди.

У аста ўрнидан туриб, телефон хужрасига қараб юрди. Уни Бернс идораси билан боғлашди.

— Вуди, азизим, нима бўлди?

— Мен сиздан сўрамоқчиман: нима бўлди? — деб.

— Яъни нима учун айнан «нима бўлди?» — хайрон бўлиб сўради Бернс.

— Ахир, сиз мени излабсиз-ку, шундай эмасми?

— Ҳа-а, гап бу ёқда денг, — мингирлади Бернс, кейин эҳтиётсизлик билан қўшиб қўйди: — Э-э, ҳеч гап йўқ. Мен фақат хафа бўлдингиз деб ўйладим.

— Нима учун?

— Учрашувимиз барбод бўлгани учун-да. Мен қайтиб борсам, сиз кетиб қолибсиз.

— Сиз айтдингиз-ку, ярим соатдан сўнг қайтиб келаман деб, — эслатди унга Палмер.

— Ҳа-я, рост. Рождество байрамига менга янги соат совға қилишингиз мумкин. — Орага узоқ жимлик чўкди. Палмер бирдан тушундики, Бернс барбод бўлган учрашув учун айбни унга тўнкаши ҳеч гап эмас. Палмерни қолдириб кетгани учун ўзини айбдор ҳисоблаган Бернс энг аввало унинг қанчалик ранжиганини текшириб кўрмоқчи эди, кейин эса юз берган кўнгилсизликнинг ҳаммаси учун масъулиятни унга юкламоқчи бўлди.

— Сизга кетишга тўғри келганидан жуда афсусламан, — деди Палмер бир оз сукутдан сўнг. — Сизни жуда яхши тушуниб турибман ва асло ранжиганим йўқ. — Яна жимлик чўкди. Палмер Бернс ҳозир ҳаммасини босди-босди қилади ва низо барҳам топади деб қутган эди.

— Жуда бемаъни иш бўлди-да, — бўш келмасди Бернс. — Гап шундаки, мен сиз билан иккита ўта муҳим масалани муҳокама қилмоқчи эдим. Энди бўлса, қачон учрашишимни ҳам билмайман, жин урсин.

— Ҳа, жуда бемаъни иш, — тасдиқлади Палмер, адашганини тушуниб. — Бу ҳақда ташвиш тортманг, Мак, мен ҳечам хафа эмасман.

— Нима қилишни ўзим ҳам билмайман, азизим, — деди Бернс, бир оз жимликдан сўнг. — Биз сиз билан анча жиддий аҳволга тушиб қолдик.

— Мак, — деди Палмер. Барибир бугун ҳеч нарса қила олмасдик.

— Майли, — деди Бернс. — Бугун кечкурун учрашувим бор. Соат 11. 30 да бизникига боринглар.

— Бугунми?

— Ҳа, бугун, — тасдиқлади Бернс. — Бугун кечкурун. Акс ҳолда учрашувимиз бир ҳафта орқага сурилади.

— Билмадим, бора олармиканман. Мен кейинроқ хабар қиламан. Қаерга сим қоқай?

— Соат нечада?

— Саккиз билан тўққиз орасида.

— «Шамбор» отелига.

— Мен телефон қиламан, кўришгунча. — Палмер жавобини кутиб ўтирмай гўшакни илди. У Бернсдан, ўзидан ва шу аҳмоқона арзимас ўйинда қатнашишга мажбур эканидан жуда газабда эди.

У яна диванга ўтирди ва қолган вискини қултумлаб ича бошлади. Палмер узил-кесил шунга ишонч ҳосил қилдики, барча қийинчиликлар аввал-бошданок ваколат муаммоси туфайли экан. Бэркхардт банкда унга иккинчи шахс даражасини берган, лекин бу ҳоқимиятдан қай тахлитда фойдаланиш ваколатини белгиламаган эди. Бернс бунга тушуниб, икковидан қайси бири раҳбарлик қилиши кераклигини аниқлаштиришга уринмоқда. Унинг доирасидаги эркаклар умр бўйи шу ўйин билан банд эдилар. Улар тенг вазиятда бўла туриб ҳам хотиржам бўлмадилар ва ким паст, ким баланд эканини аниқлашга уринардилар.

Палмер авваллари бу ўйинда қатнашмасди — отаси ишининг вориси эканлиги унга устунлик берарди. Бу фақат кўринишдангина шунақа эди. У бирдан эрталаб Жо Лумис телефон қилганини эслаб қолди. Бу кўнғироқ ҳақида қарияга айтиш керакмикин?

Кизиқ, ўйлади Палмер, биз, ахир, Лумис билан таниш ҳам эмасмиз. Эҳтимол, қачонлардир отамни кўргандир. Жамғарма банкларига қарши қураш билан боғлиқ бирор муаммо Жо Лумисни менга телефон қилишга мажбур қилгандир. Нима бу — ярашиш йўлини қидиришми? Эҳтиёткорликми? Ё сотиб олишга уринишми?

— Вуди! — баланд овозда чақирди уни Бэркхардт.

Палмер чўчиб тушди ва қарияга ўгирилди. Бэркхардт унинг ёнига, диванга келиб ўтириб улгурганиди.

— Хатимни сенга бериб улгуришганидан жуда хурсандман. Мен тезда қайтиб кетаман. Нима ичаяпсан, жин урсин? Наҳотки сув?

— Қарийб шунақа, — жавоб берди Палмер.

— Эски шотланд вискисидан олиб келинг, — деди у етиб келган официантга. — Сўнг Палмерга ўгирилиб, унинг тиззасига шапатилади-да: — Хўш, Бернс билан тушлик қандай ўтди? — деб сўради.

Палмер қулди:

— Бу тушликнинг энг қисқа тури бўлди: овқатни олиб келишганда, Бернсни қаяққадир «ярим соатга» чақириб қолишди. Мен бир ўзим овқатландим ва жўнавордим.

— Шундай, турдинг-у, жўнавордингми? — деди Бэркхардт ғазаб билан.

— У сўраганидай, «ярим соат» кутиб турдим.

— Нима, у келмадими?

— Келиб, кечирим сўрамадими демоқчимисиз? — унинг гапини бўлди Палмер. Ҳар ҳолда у ўзини айбдор ҳис этди.

— Мен умуман бунга назарда тутганим йўқ. У ўзи хафа бўлмадими, шуни билмоқчийдим. Ўзинг биласан-ку, бу грекларни..

Палмер чуқур хўрсинди, ғазабини зўрға жиловлади.

— Биринчидан, у ливанлик. Кейин эса, қулоқ солинг, — у секин, босиқ овозда бошлади. — Бу одамнинг тана териси «шерман» танкининг зирҳига ўхшайди. Унча-мунчага тешиб бўлмайди. Ҳозир масала кўндаланг турибди: ё сиз менга унга ўзим хоҳлаганимдек муомала қилиш имконини берасиз, ёхуд банк томонидан сарфланаётган каттагина пулдан берасиз, токи мен ўз жойимда ёки, аниқроғи, сизнинг ажойиб хонангизда ўтирай, ахир у бўм-бўш турибди.

— Мен сенга тўла ишона...

— Агар шундай бўлса, қани бунга исботлашга бир уриниб кўринг-чи, — деди унинг сўзини кўполлик билан бўлиб Палмер. Кейин жим қолди ва елкаларини қисди. — Жуда афсусдман, лекин менда таъқиб қилиш белгилари пайдо бўлаётир. Бу Бернс менга шундай таъсир қилаётганидан далолат, — кўшиб кўйди у.

Бэркхардт жавоб бермади. Жимлик янада чўзилди, чунки официант виски олиб келганди. Қадаҳдаги муз парчаларини аралаштираркан, Бэркхардт ҳамон жим ўтирарди. Палмер қария мени кечирим сўрашга мажбур этмоқчи шекилли, деб сукут сақлар ва бу ёғи нима бўлишини кутарди.

Виски қуйилган қадаҳни лабига теккизиб, Бэркхардт Палмерга ўгирилиб сўради:

— Бугун тушдан кейин қарларда қолиб кетдинг?

Палмернинг жавоб беришга шошилмаётганини кўриб, Бэркхардт кўшимча қилишга шошилди:

— Мен қамчи билан савалаш учун сўраётганим йўқ. Менинг ростдан ҳам буни билгим келаяпти.

— Сайр қилдим. Вақтни ўтказиш учун сайрибоғдаги курсида ўтирдим.

Бэркхардт ўзича нимадир деб тўнғиллади-да, вискидан бир қултум ичиб, бошини қуйи солди.

— Демак, — деди у, — мен бу масалани ўз вақтида кўтарган эканман-да?

— Қанақа масалани?

— Сенинг Эдис билан муносабатинг масаласини, — тишини гичирлатди Бэркхардт. — Айни ўз вақтида, керагидан бир дақиқа ҳам олдинроқ эмас, — такрорлади у тантанавор оҳангда.

— Демак, эрталаб телефонда сиз шу ҳақда гапирган экансиз-да? — сўради Палмер. — Авваллари бунинг сизга алоқаси йўқ эди. Энди эса, вазият ўзгаргач, бу сизнинг ишингиз бўлиб қолибди-да?

— Мутлақо тўғри, — рози бўлди Бэркхардт.

— Эдис билан менинг орамда нималар бўлаётганини эҳтимол сиз тушунтириб берарсиз?

— Йўқ, албатта, — деди Бэркхардт.

— Кимдир айта оладими?

— Фақат сенинг ўзинг. Ёки Эдис. — Бэркхардт дарҳол қўшиб қўйди: — Мен, табиийки, Эдисга бирор нарса демоқчи эмасман.

Палмер газаби сўна бошлаганини ҳис этди. Унинг Бэркхардтга раҳми келиб кетди. Қария ҳазилакам ташвиш тортиб, қайғуга ботмаганди, ахир?!

— Бу четдан қараганда қандай кўринади? — сўради Палмер дўстона оҳангда. — Жуда ёмонми?

— Йўқ, асло йўқ, — деди қария, қўлидаги қадахдан кўз узмай. — Бу сен учун, Вуди, жуда қалтис мавзу эканини тушуниб турибман. Мен отангни жуда яхши билардим. Отангчалик бўлмаса-да, онангни ҳам билардим... У сўзини давом эттиргиси келмади.

### Ўн учинчи боб

Клубнинг ичимликлар таклиф қилинадиган пастки зали қарийб бўшаб қолди. Бэркхардтнинг кетганига ҳам икки соатча бўлди. Палмер ғамгин, хаёллари паришон, миясида турли фикрлар ғужғон ўйнарди. Бошлиғи томонидан ўйланган дилкаш суҳбат бутунлай барбод бўлди. Бечора Бэркхардт. Бечора Эдис. Бечора «Юнайтед бэнк».

Палмер вискисини охиригача ичаркан, эслашга уринди, бу иккинчи, учинчи ёки тўртинчи қадахмиди... сўнг ўрнидан турди, залга кўз югуртирди ва яна ўтирди. У ҳали яна нималар бўлишини ўйлаб даҳшатга тушди. Албатта, у танлаб олиши мумкин эди. Ҳозир юз бераётган нарса, ҳатто кўп йиллар мобайнида бўлиб ўтган воқеалар унга қандайдир ёвуз куч томонидан тикиштирилгани йўқ эди. Ҳар ҳолда унда ҳали танлаш ҳуқуқи бор эди. Мана, бугунги кечани олиб кўрайлик. Палмер уйга, хотинининг олдига бориши ва у билан бирор жойга; чақирилган зиёфатга, театр томошасига ёки қандайдир йиғилишга ташриф буюриши мумкин эди. Бироқ унда бошқа имкон ҳам бор эди — Бернс билан учрашиши мумкин эди.

— Ҳа, бундай танловнинг ҳавас қиладиган жойи йўқ, — деди ўзига-ўзи Палмер, ҳар икки ёвузликдан қайси бири камроқ эканини аниқлаш ҳам қийин.

У официантга яна бир қадах виски келтиришини буюрди ва хаёлан Бэркхардт билан бўлиб ўтган суҳбатга қайтди. Унинг биринчи вице-президенти хотини билан ажрашмоқчи ёки уни ташлаб кетмоқчи эканидан ҳам хавфсираётган қарияни хотиржам қилишга эришдими ёки йўқми, шуни аниқлашга уриниб кўрди. Бэркхардт Палмернинг оилавий келишмовчиликлари банкдаги ишига таъсир қилишидан кўрқарди. Бошлиғининг таъналари аҳамият беришга арзийдими ўзи, дея ўзидан сўрарди Палмер. Қарияга берган жавоблари етарли даражада ишончли чиқдимикин? Қари қирчангини ишонтира олдимми? Эҳтимол.

Официант унга виски тутди. Палмер майдалаб ичишга киришти. Хаёлан яна танлов муаммосига қайтди. Ҳолбуки, таълайдиган нарсанинг ўзи тайинсиз эди ва у нимани танлашни ҳам билмасди.

Ҳал қилинмаган муаммолар, умуман олганда майда-чуйда нарсалар эди. Бироқ ҳозир нимадир қилиш керак. У ўрнидан турди ва қўлида қадаҳ билан телефонга қараб юрди.

У телефончи қизга уй телефони рақамини айтиб, уни улаб беришга буюрди. Ичганидан сўнг фикри тиниқлашиб, у ҳозир нима қилмоқчи бўлаётганин яхши англаб турибди. Палмер ичган пайтида онгида нимадир ойдинлашгандай бўларди. Бу, одатда, учинчи қадаҳ билан тўртинчи қадаҳ ўртасида юз берарди. Шунда у холисониλλα мулоҳаза юритарди. Айни шундай дамларда у ўз қобигидан ажралиб чиқиб, бир чеккага бориб, юз бераётган воқеаларни диққат билан кузатиб турганини ҳис қиларди. Телефончи қиз уйини улаб беришини кутаркан, ҳозир фақат бир чеккадагина эмас, ҳатто ўзимдан ҳам баландроқда турибман деган қарорга келди.

Шундай ажойиб дақиқаларда барча зиддиятли ҳаракатларида ва энг мураккаб вазиятларда ҳам масалани тўғри ҳал қилишга қодир эди. Масалан, унинг ҳозирги вазиятда ўзини тутишини олайлик. У телефон орқали уйи билан боғланиб, қатъий қарорга келиши лозим бўлган одам ролини ўйнаяпти. У дадил одам. Қарорнинг ечими етилаяпти.

Йўқ. Буларнинг ҳаммаси муғамбирлик, холос.

У кўнғироқни эшитди: унинг уйда телефон жиринглади. Палмер — четдан кузатувчи — ушбу кўнғироқнинг ҳақиқий мақсадини мутлақо аниқ кўриб турибди. Гўшакни қўлида ушлаб турган Палмерга баҳона керак, у бутун масъулиятни хотинига ағдариш учун шундай қиляпти. Хотини эса бундан ҳатто шубҳа ҳам қилмаётир. Бироқ танловни айнан у, фақат хотинининг ўзи ҳал қилиши лозим.

— Алло?

— Жэрри, ойингни телефонга чақир.

— Уша ойининг ўзи менман. Нима гап, азизим?

— Ий-е, бу сенмисан, Эдис? — Палмер бир зумга жимиб қолди ва тили билан лабларини ялади. — Мен клубдан телефон қиляпман.

— Биладан, у ерда Лэйн билан биргасизлар.

— Қаердан сим қоқаяпсан? Вой, ҳа. Хўп, майли.

— Ишлар чўзилиб кетдимми?

— Баттар бўлди, — жавоб берди Палмер, ёлғон гапирмаслик учун жавобдан қочиб. — Мен кейинроқ Бернс билан яна учрашувим керак.

— Кейинроқ дегани қачон?

— Қачонлигини ҳали аниқ билмайман, — деди яна ёлғон гапиришдан қочиб, лекин ҳақиқатни гапиришни ҳам эп кўрмай. — Бугун бизда бирор иш белгиланганмиди?

— Бирор режамиз йўқ эди.

— Наҳотки ҳеч нарса?

— Мен фақат болаларни эртароқ овқатлантirmoқчи эдим, кейин иккаламиз бемалол овқатланардик.

— Ҳеч қанақа кечаларга, томошаларга таклифлар-чи? Ҳеч қанақа қабуллар йўқми? — сўради у.

— Йўқ.

Эдиснинг бир бўғинли жавоби жуда кескин эшитилди. Гапнинг оҳангидан Палмер унинг дилини оғритганини тушунди.

— Эй, худо, жуда афсусдаман, — ингради Палмер. — Шунча вақт мобайнида иккаламиз бирга ўтказадиган ягона оқшом. Шунга ҳам мен бузсам-а!

— Мен ҳам жуда афсусдаман, азизим, — энди анча юмшоқ жавоб берди Эдис. — Майли, ҳечқиси йўқ. Бошқа сафар ўзимиз учун ана шундай бирор кеча топармиз яна, — қўшиб қўйди хоним. Унинг одатдаги оҳангда гапира бошлагани Палмерда шубҳа уйғотди: унинг уйда ўрнатган қатъий кун тартиби эрининг келиши билан ўзгариши даргумон.

— Мен иссиққина ҳаммомга тушаман-да, эртароқ ётиб ухлайман, — деди Эдис.

— Ҳа, сен ҳақсан, — рози бўлди Палмер. — Мен уйга соат нечада қайтишимни аниқ айта олмайман.

— Вақтни яхши ўтказишга ҳаракат қил, азизим.

— Раҳмат. Демак, мени кутмасдан ётиб ухлайвер.

— Яхши. Хайрли кеч, — деди Эдис.

Сухбат тугади. Палмер гўшакни илди. У қўлида қадаҳ билан диванга қайтаркан, болаларига хайрли кеч тилашни жудаям истаганини эслаб қолди.

Палмер ўтиргач, қўлидаги қадаҳни унинг олидида турган пастқам журнал столчасининг энг ўртасига қўйди. Бир чеккада туриб ушбу саҳнани кузатаётган бошқа Палмер эса сўради: столча ёнида ўтирган Палмер болаларига хайрли кеч тилашни шунчалар хоҳлагандими? Ҳозир телефонга қайтиб бориб яна сим қоқиш учун унинг истаги етарли даражада кучлимикан? Лекин шу зумда унинг ўзини англаш қобилияти сўнди. Палмер нимадир деб тўнғиллади, балки уни зийраклик билан кузатиб турган ўзининг иккинчи шахсини чўчитиб юборгандир. Палмернинг икки шахси ягона бутунликка бирлашиб, шахсий қалбини тутиб туришдан ҳеч қандай маъни йўқ деб ўзини ишонтира бошлади.

Нима бўлганда ҳам у бир нарсага эришди: бугунги оқшом хусусида Палмер учун қарорни Эдис қабул қилди. У оиласи хотиржамлиги учун Бернснинг аҳамиятини ҳисобга олиб, ҳеч қандай ташвишга ўрин қолдирмади ва шу билан қисматини танлаганини ўзи ҳам билмай қолди. Шу тариқа Эдис соғлом фикрли ва тушунадиган рафиқа эканини намоён қилди.

Кутилмаганда пайдо бўлган тақдир ҳазилидан гангиган Палмер ҳали лаб теккизилмаган қадаҳга эътибор ҳам бермай ўрнидан турди. Аста-секин лифт томонга юраркан, Бернс билан учрашувгача қолган бир неча соатлик вақтни қандай ўтказсам экан деб ўйлаб борарди. Бунинг устига уйга бормасликка қарор берганидан ўзи ҳам ҳайрон эди.

У шу ерда, клубда қолиши, овқатланиши, кейин журналларни кўздан кечириши ёки белгиланган вақтгача мизгиб олиши ҳам мумкин эди. Лифтнинг эшиги очилиб, Палмер ичкари кирди.

— Мистер Палмер, сиз пастгами?

— Ҳа, — деди у.

Кўча ҳали ёруғ, лекин анча совуқ тушганди. Палмер Парк-авеню бўйлаб бир неча маҳалла юрди. Гранд Сентрал-Терминал вокзалига қирқинчи кўча билан юриб, машиналарнинг тинимсиз ҳаракатини кузатди. Қирқ иккинчи кўчага етгач, у фарбга бурилди ва Бешинчи авенюга чиқди. Кутубхона олдида тўхтаб, курсида бирпас ўтирсам деб ўйлади. Ҳаво совуқ бўлгани учун бу фикридан қайтди. Ниҳоят, банк биносига етиб келди.

У тепага кўтарилиб, ўз хонасига боришга ва болалари акс этган ҳайкални кўргиси келди. Бу — унинг уйига бормагани ва болаларига хайрли кеч тилагани учун тазарру бўлади, деб ўйлади.

Шу пайт ҳужрада қоровулнинг қораси кўринди.

— Мистер Палмер, сэр, яна ишламоқчисиз, шекилли? — ҳазиллашди у.

— Ярим кун бу ерда, ярим кун у ерда, — минғирлади жавобан Палмер ҳазил оҳангида.

У лифт тугмасини босди, эшиклар очилди. Ичкари киргач, «ЮК» тугмасини босди.

— Тагин, ҳалиги... — эшитилди орқадан қоровулнинг овози.

— Нима дедингиз? — қайта сўради Палмер. Лекин лифтнинг эшиги ёпилиб, қоровулнинг овози ўрнига, «сиз юқори қаватга чиқаясиз» деган сўзлар янгради.

Палмер лифтдан чиқиб бирпас кечки осмон уфқига завқ билан қараб турди. Кейин йўлак бўйлаб ўз хонасига қараб юрди. Электр тугмасини босган эди, хона кундузгидек ёруғ нур билан тўлди. Палмер ҳайкал ёнига келди. Сўнг иш столига қараб юрди. Столга ўрнатилган тугмани босган эди орқадан девор жавон очилди. Жавон тоқчасининг олис бурчагида «Олд Фитцжералд» вискисининг шишаси турарди. Шишага қараб турган Палмерга бирдан аёл кулгиси эшитилди. У кескин орқага ўтирилди, хонада ҳеч ким йўқ эди. Қизик, қаяқдан келди бу аёл кулгиси?

Палмер эшик олдида келди ва остонада тўхтади. Йўлакнинг нариги томонидан қандайдир овозлар келарди. Палмер юмшоқ гилам устида оҳиста юриб эшиккача

келди. Бу реклама ва ахборот бўлимининг эшиги эди. У хона ичкарасига мўраллади. Ёруғ нурдан унинг кўзлари қамшиб кетди. Бу бўлим хонаси ҳам Палмернинг хонаси сингари оддийгина экан. Унда саккиз киши иштарди. Хонанинг ярми тўсиб қўйилган эди. Бу ерда банкнинг реклама ва ахборот масалалари билан шуғулланувчи вице-президент ўтириши керак эди. Бироқ банкда бу лавозимда ҳеч ким йўқ эди: Бэркхардт уни ортиқча деб ҳисобларди. Бунда у Палмернинг тажрибасини эътиборга олиб шундай ўйларди. Мазкур бўлим мудири вазифасини мисс Клэри бажарарди. Бўлимда бундан ташқари яна иккита ходим, иккита техник котиба ва югурдак ҳамда эксепедитор вазифасини бажарувчи ротаторчи<sup>1</sup> ишларди.

Виржиния Клэри столнинг бир чеккасида ўтириб, қизлардан биттаси гапириб берган нарса хусусида кулаётган эди. Палмер бу қизнинг фамилиясини доимо чалкаштириб юрарди. Палмернинг лифтда тепага кўтарилганини бу ердагиларнинг ҳеч қайси бири эшитмаганди.

— Худди ўша нарса менда ҳам юз берди, — деди мисс Клэри. — Фақат шотланд вискиси ўрнига аллақандай аралашма экан.

У ўрндан туриб, кўллари билан сонларини силаб қўйди, қора юбқасини тўғрилади. Кейин, ёзув машинкасида ишлаётган қизга энгашди:

— Шошилсанг-чи, кеч қолиб юрма тағин...

Палмер ярим очиқ эшик олдида туриб, уларни кузатарди. Бу ердан унга орқа ўгириб турган қизнинг фақат елкаси кўринарди, лекин у Виржиния Клэрини, унинг қадди қомагини яққол кўриб турарди.

Виржиния Клэри Нью-Йоркдаги банк ишлари ва барча ишбилармон доиралар билан боғлиқ ҳамма газета ва журналларнинг репортер ва муҳаррирларини биларди. Шунинг учун ҳам банк бошқармаси унга йилига ўн бир минг доллар маош тўлашни лозим топди. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам Клэри котиб ёрдамчисидан юқори лавозимга кўтарилмади. Аммо ҳозир унда бу лавозим ҳам йўқ эди. Бунга эришгунча ҳали кўп сувлар оқиб ўтиши лозим. Агар унинг ўрнида эркак киши ишлаганида бошқа гап эди:

— Бўпти, — деди Клэри, — энди буларнинг ҳаммасини овоз чиқариб ўқи. Мен бошлиқ учун унинг нухасини солиштириб чиқаман. Кейин уйга кетишинг мумкин.

— «Юнайтед бэнк энд траст компани» хабари, — дея ўқий бошлади қиз. — Нью-Йорк Сити. Ушбу маълумотлар билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан 4108 телефонни орқали Виржиния Клэрига мурожаат қилинсин. 7 октябр, чоршанба кун и эрталабки газетеларда босиб чиқарилиши мўлжалланмоқда...»

— Йўқ, — унинг сўзини бўлди Виржиния Клэри. — Келинглр, «эрталабки газеталарда» сўзини ўчирамиз. Оддий ахборот матнини бунчалик бўрттириш керакмас. Менга сарлавҳасини қайтариб ўқи-чи...

— «Жамғарма банклари социализмнинг махфий равишда кириб келишига кўмаклашмоқда, — деди Палмер Лонг-Айленд ишбилармон доираларининг вакилларига».

— Давомини ўқи.

— «Кеча кечкурун «Юнайтед бэнк»нинг биринчи вице-президенти Вудс Палмер-кенжатои Нассау-Саффолк тумани ишбилармонлар доираси раҳбарларининг йиғилишида жамғарма банкларини социализмнинг кириб келишига ёрдам бераётганликда айблади, — деб ўқиди қиз, — бу нарса хусусий ташаббус ҳисобига амалга оширилмоқда.

У Лонг-Айленд ишбилармон доираларининг вакилларига Қўшма Штатларнинг ривожланиши ва гуллаб яшнаши айнан хусусий ташаббусга асосланган эканини эслатиб ўтади. Хусусий ташаббус ҳамиша уларнинг амалий мувафқиятига хизмат қилиб келган. Аммо жамғарма банклари, деб ўқтирди у, ўз соҳибига эга эмаслар. Уларда акцияларнинг эгалари ҳам, соф сармоя ҳам йўқ. Бунинг ўрнига банкларда ўзбошимча тўдалар ҳукмронлик қилмоқдалар, уларга ҳеч нарса қаршилиқ қилмаяпти. Улар қишлоқ жойларига кириб бориб, моғор боғламоқдалар, теварак атрофдаги мавжуд барча эркин пулларни ютиб юбормоқдалар ва уларни чекланган соҳаларга сарфламоқдалар. Бундан эса

<sup>1</sup> Ротатор — кўлзма ва ҳужжатларни кўпайтирадиган махсус аппарат.



ҳаётнинг барча соҳалари зарар кўрмоқда... қуйида Палмернинг учрашувда сўзлаган нутқининг матни тўла берилаётгир».

Виржиния Клэри бир оз жим турди-да, кейин деди:  
— Бирлашмага нисбатан қайси сўз кескин жаранглайди? «Оломон»ми? Йўқ... «Беқиёфа газанда». Мана! Бизга айнан мана шу керак. Жуда зўр.

— «Газанда» билан «Хавфли мараз» битта жумлада-я? — шубҳаланиб сўради қиз.

— Нима қилибди?

— Билмадим, — жавоб берди қиз, матнга тузатиш кирита туриб. — Менимча, жуда қўполга ўхшайди.

— Сен ҳақсан, — рози бўлди Виржиния Клэри. — Жамғарма банклари миллионлаб пул қўювчи миждозларга эга, уларнинг жаҳллари чиқиши мумкин, агар... — У гапини тўхтатиб, ўйланиб қолди. — Аммо бунинг нимаси ёмон? — сўради у — Қолаверса, уларнинг жаҳллари чикди ҳам дейлик. Хўш, нима қилибди? Улар кимдан ғазабланидилар? Палмерданми? Улар учун Палмер ким ўзи? Улар ким билан боғлиқ бўлсалар, ўшалардан — жамғарма банкларидан жаҳллари чиқади. Кейинги сафар, улар жорий ҳисобдан пул олишаётганида ёки қўяётганида, албатта, ёқимсиз саволлар бера бошлайдилар. Буларнинг ҳаммаси мантиқан тўғри.

— Сен ўзинг билан гаплашяпсан, — деди қиз ва ўрнидан туриб керишди.

— Мен учун буларнинг ҳаммаси қуруқ гап.

— Ҳа-а, — деди чўзиб Виржиния Клэри, қўли билан сочини силаб қўяркан. — банклар ўртасида авж олиб кетган кураш билан кимнидир қизиқтириш унчалик осон иш эмас. Кўпчилик учун бу жуда зерикарли эрмак. Улар ҳатто бир тоифадаги банкни бошқасидан ажрата олмайдилар. Тўғри, уларга социализм тўғрисидаги баъзи нарсалар маълум. Улар бунинг нима эканлигини билмайдилар. Лекин уларнинг тасаввурларида социализм қандайдир махлуққа ўхшайди.

Қиз кулиб юборди ва сумкасини олди.

— Э, сенинг рақибинг бўлишни истамасдим, тутган жойингни узиб оласан, — деганича эшикка қараб юрди. Палмер яширинишга улгурмаслигини тушунди. У дадил эшикни очиб ичкари кирди.

— Бир ярим маошга ишлаяпсизларми? — деди у жилмайиб.

Қизлардан бири (Фроули, Роулинс ёки исми бошқачамиди) кутилмаган бу ҳолдан чинқириб юборди, қўллари билан кўксини чангаллади, аммо Палмерни таниб, енгил нафас олди.

— Шунақаям кўрқитасизми, мистёр Палмер, — деди шикоятмуз ва жилмайишга уринди. — Хайр, — деб қўшиб қўйди лифтга қараб юраркан.

Палмер Виржиния Клэрини кузатиб турди. У бошлиғи кириб келганидан бери қимир этмай ўтирарди. Ташқарида лифтнинг очилиб, ёпилгани эшитилди.

Виржиния тили билан лабларини ялаб қўйди. Лаблари анча қалин экан, ўйлади Палмер.

— Кечки амалиётларимизда сизни жуда кам кўраимиз, — деди ниҳоят Виржиния.

— Мен йўлақлар бўйлаб, оёқ учида юриб ходимларни кузатишни яхши кўраман.

— Менга жамғарма банклари юборган жосусга ўхшаб кўриндингиз. Ҳатто цианли калий ичмоқчи ҳам бўлдим.

— Ий-е, қизиқ томоша бўларкан-да.

— Кейин мундоқ қарасам, сизда узун ва патак соқол йўқ экан. Шунинг учун ҳам ўзимизникилардан бўлса керак деб ўйладим.

— Кейинги пайтларда мен бунинг текшириб кўрганим йўқ, лекин шу ерда ишлаётган бўлсам керак деб ўйлайман. — У мисс Клэри ушлаб турган мумқоғозни ўз қўлига олди, сўнг стол устига, жойига қўйди-да, Виржинияга тикилиб қаради. Унга яқин тургани учун уски қоғоғига юпқа қилиб зангори сурма сурилганини, кўзларининг чекка бурчагига қора чизик тортилганини кўрди. Палмер унга ҳеч қачон бунчалик яқин турмаган эди. Хонасининг катталиги бунга имкон бермасди.

— Нутқларни сиз ёзасизми? — сўради Палмер. — Мен бу ишлар Мак Бернсга топширилади деб ўйлардим.

— Маърузалар лойиҳасини ҳамиша мен тайёрлайман, — деб жавоб берди Виржиния.

— Қизиқ, бу ҳақда у ҳеч нарса демаганди, — жилмайди Палмер. — Менимча, сизнинг ва унинг банк ҳақидаги билимларингиз зигирча ҳам келмайди.

— Шундай ҳам дейлик. Лекин, Микеланжеломи ёки бошқа биров айтганидай мушукнинг суратини чизиш учун мушук бўлиш шарт эмас.

— Негадир Микеланжелого ўхшамайди, — деди Палмер ва столнинг чеккасига ўтириб, газета қирқимлари ёпиштирилган тахтага назар солди. — Борди-ю, бизлар бошқа соҳада ишлаганимизда-чи? Сиз бўлсангиз, Мак Бернс билан Микеланжело тамойили бўйича ҳаракат қилиб, амалий хатога, айтайлик, нарх ва таҳлил характеридаги хатога йўл кўярдинглар. Бу ҳолда эса, эҳтимол, кимдир зарар кўрарди.

Виржиния дарҳол жавоб қайтармади. Уни кузатаркан, Палмер Виржиниянинг сочлари жуда чиройли қилиб турмакланганини англади.

— Демак, биз ҳаммамиз доришуносликдан йироқ юриш бахтига муяссар бўлган эканмиз-да, — деди у ниҳоят.

— Биласизми, менда сиз банк ишининг аҳамиятига етарли баҳо бермаяпсиз деган таассурот туғдираяпсиз, — таъкидлади Палмер.

— Сиз мени бухгалтерия хисоб-китоблари ва бошқа нарсаларда завқ-шавқни кўрмайди демоқчимисиз? — сўради мисс Клэри. — Лекин ўз-ўзимизни алдашнинг нима кераги бор: банк иши пулни қарзга беришдан бошқа нарса эмас. Бу қарзлар — ипотека<sup>1</sup>, тижорат кредити<sup>2</sup>, қимматли қоғозлар, мол-мулкни бошқариш сингари ҳар қандай шаклга эга бўлмасин, бу охир-оқибатда пулни қарзга бериш демакдир. Бунинг бор сири шундаки, аввало пулга эга бўлиш керак, кейин эса уни кўпроқ фоиз талаб қилиб, пулнинг қайтиб келишини таъминлаш лозим.

— Мутлақо тўғри. — Палмер ўрнидан туриб газета қирқимлари ёпиштирилган тахта томон юрди. Газета ёзувларини кўздан кечирган бўлди. — Мутлақо тўғри, пулни қарзга бериш, — такрорлади у. — Бироқ бу «оддийгина» пулни қарзга бериш эмас.

— Албатта, бунчалик қадимги касб-кор илоҳият билан суғорилган бўлиши кеарк.

— Сиз жуда заҳарханда экансиз-ку!

— Сал-пал, — деди Виржиния ва соатига қараб қўйди.

— Кечирасиз, сизни ушлаб қолмаяпманми? — сўради Палмер.

— Ҳечам-да.

— Бироқ соатингизга қараб қўйдингиз-ку?

— Бу асабдан, — деди Виржиния, — Менга сиз таъсир қиляпсиз. Шунинг учун заҳархандалик қиляпман. Бундан ташқари, мана бу хабарларни матбуотга тарқатиб улгуришим керак.

— Нима, бу Фредининг вазифасига кирмайдими?

— Буларнинг ҳаммаси бугун почтага топширилиши керак. Сиз Фреддига нисбатан менга уч баробар кўп ҳақ тўлаяпсиз, шунинг учун ҳам мендан кўпроқ иш талаб қиласиз деб ўйлайман.

Палмер қўлларини ёйди.

— Сизнинг ўз мажбуриятларингиз ҳақидаги тасаввурингизни, — деди Палмер кулимсираб, уни хафа қилмасликка уриниб, — фақат банк ишидаги билимингизнинг кенг қамрови билан таққослаш мумкин.

— Агар сиз мени тўппонча билан яккама-якка қолдирсангиз, ор-номус бурчи буюргандек йўл тутаман, — деди мисс Клэри.

Палмер афтини буришгирди.

— Бу ҳеч қанақа даромад келтирмасди. Биз, судхўрлар, ўзимизнинг камтарона фойдамизни ҳаммадан сиқиб сузиб олишни яхши кўраемиз.

— Унда ярашишни таклиф қиламан.

— Кечқурунга Бернс билан учрашувим белгиланган. Ҳозир эса ростини айтсам, кечқурунгача қолган вақтимни ўтказиш билан овораман. У билан маърузамга доир масалаларни муҳокама қилсак демоқчийдим.

<sup>1</sup> Ипотека — кўчмас мулкни гаровга олиб бериладиган қарз.

<sup>2</sup> Тижорат кредити — савдо-сотик учун насия, қарзга пул бериш.

— Сиз мени у билан уриштиришга уринаяпсиз, шекилли? — сўради Виржиния.  
— Бундан ҳеч нарса чиқмайди. Мен ҳеч ким эмасман, у эса катта сиймо.  
Бундан ташқари социализм ҳақидаги гоё уники эди.

— Хўш, нима қилибди, бунақа гоё банк ишини менсимайдиган ёки бу ҳақда ҳеч нарса билмайдиган ҳар қандай одамнинг миясига келиши мумкин.

Виржиния бошини бир томонга эгди-да, унга диққат билан қаради.  
— Сизнинг жудаям жаҳлингиз чиқибди, — деди Виржиния, — роса газабланган бўлсангиз ҳам ўзингизни назокатли ва босиқ тутишга уринаяпсиз.

Палмер бош чайқади.

— Ундаймас. Ахир, ҳали ҳеч нарса юз бергани йўқ-ку. Сиз ҳали хабарни жўнатиб улгурганингиз йўқ, эртага эрталаб уни ўқиб кўргач, йўқ қилиб ташлашим керак эди.

— Ий-е, ҳали шунақами? — деди Виржиния чўзиб. — Менга энди етиб борди, бошқа хабар керак денг. — У бўш столга ўтирди ва машинкага қоғоз қўйди. — Марҳамат, айтинг.

— Сизлар учун хабарни мен тайёрламайман. Сиз бирданига уч кишининг мажбуриятини чалкаштириб юбордингиз.

— Уч кишининг?

— Ҳа. Мен Палмерман. Ва мен матбуот учун хабар ёзмайман. Бу сизнинг ишингиз. Сизнинг исмингиз Виржиния. Лекин сиз ротаторда ишламайсиз. Бу Фреддининг иши. Сиз буни билиб олсангиз, улар менга шунча пул тўлашмаяпти, сизга бундан камроқ, Фреддига бўлса ҳафтасига бор-йўғи етмиш доллар беришяпти.

Виржиния унга бирпас қараб турди-да, сўнг кулиб юборди.

— Чекишни истамайсизми? — сўради Виржиния, сўнг столнинг олдига бориб, қоғозлар орасидан сигарета қутисини топди.

— Ташаккур, — деди Палмер зажигалкасини мисс Клэри сигаретасига тутиб, кейин ўзи ҳам чўнтакдаги қутисидан сигарета олиб чекди.

— Энди мен мажбуриятларни тақсимлаш борасида ҳаммасини билиб олдим. Банк иши юзасидан ҳам гапириб беринг.

— Банк иши — бу қарзга пул беришдир. Менинчга, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

— Фақат қарзга пул бериш, бор-йўғи шуми?

— Йўқ, бор-йўғи шундан иборат эмас. Мана шу ерда сиз адашяпсиз, — давом этди Палмер. — Биз фақат нафас оламиз ёки фақат еб-ичамиз, деб бўлмайди. Пул — ҳаётимизнинг зарур таркибий қисмидир. Ҳозирги замон кишиси ҳавосиз, овқатсиз ва сувсиз яшай олмагандек, пулсиз ҳам яшай олмайди.

— Шунақами! Мен лол қолдим.

— Лекин амин бўлмадингиз.

— Йўқ, сизнинг шунчалик амин эканингизга лол қолдим.

— Бошланиши ёмон эмас.

У кўзи билан кулдонни қидирди, уни мисс Клэрининг столи устида қоғозлар орасида, телефон ёнида топди. У ерда учта сурат ҳам бор эди. Сарғайган фотосуратдан бирида олтмиш ёшли аёл акс этганди. Унинг кўзлари Виржиниянинг кўзларидан ҳам катта эди. Унинг ёнида йигирма беш ёшлардаги йигитнинг тасвири. У Иккинчи жаҳон уруши даврининг ҳарбий ҳаво кучлари кийимида. Учинчи суратда эса ўғилми, қизми, ёш бола тасвирланганди.

— Ойижонингизми?

— Ҳа.

— Буниси... акангизми?

— Эрим. — У бир оз жим қолди, сўнг қўшиб қўйди. — Ва қизим. — Яна жимлик. — Фақат онам тирик.

Палмер қаддини ростлади, қўлидаги шиша кулдонни Виржинияга тутди, у сигарета кулини қоқди.

— Бу уруш пайтида юз берди. Биз машинада Лаббок (Техас штати) дан Тонакага келаётгандик. Тинч океани соҳилидаги жуда хушманзара жой. Машинамизга бир юк машинаси катта тезликда келиб урилди. Мен тушунаман, — шошилиб гапирди Виржиния, — мен доимо ўзимга сўз бераман, бу суратни уйдаги бирор қутига яшириб қўяман деб. — Мен ҳаммасини биламан. — У

Палмернинг кўлидан кулдонни олди ва бир чеккага борди. — Энди бўлса, банк иши ҳақида менга батафсил гапириб беринг...

Палмер сигаретасининг кули тагида қизараётган чўғига қаради-да:

— Агар мен эплай олсайдим, — деди.

Мисс Клэри соатига қаради.

— Етти ярим, — деди. — Сизнинг Мак Бернсга учрашувингиз қачонга белгиланганини билмайман, балки мен билан овқатланишга улгурарсиз.

Палмерга отаси: — Барча кўнгилсизликлар кўп гапиришдан келиб чиқади, ҳаётда сукут сақлаш маъқулроқ, — деб таъкидларди.

— Умуман, бирга овқатланишни бошқа пайтга қолдирсак ҳам бўларди, — деди мисс Клэри, Палмерга имкон бериш учун. — Мен анчадан бери нодонликда яшаб келаяпман, яна бир оз чидашим мумкин.

Палмер «йўқ» дегандай бош чайқади:

— Афсуски, бу ишни бошқа пайтга қолдириб бўлмайди.

### Ун тўртинчи боб

Палмер умрида биринчи марта «Шраффт» ресторанида овқатланди. У тамадди қилиб бўлгач, оромкурсига ястаниб ўйга толди. Миллионлаб кишилар ҳар куни шундай тамадди билан кун кечирадилар, деб қўйди. У мисс Клэри таклифига рози бўлиб, шу ресторанда овқатланишга кўнди. Бу ерда танишлардан бирортаси учраб қолиши ҳам амри маҳол эди. Бу ажойиб келишувли қарор эди. Бу ерда иккови бирга овқатланаётганига аҳамият бермай, қорнини тўйдирса бўларди.

— Юзингиздаги ифодани бир кўрсангиз эди, — деди мисс Клэри, официант столни йиғиштириб кетгач. — Ахир, мен сизни огоҳлантиргандим: яхшиси курка гўшти буюринг деб.

— Ананас ва ёнғоқдан тайёрланган қайла биланми? — сўради ҳазил билан Палмер. — Отам менга Шукроналик кунигача ва Рождестводан кейин курка гўшти ейилмайди, деб уқтирарди. Афсуски, у кишида парранда гўшти юзасидан ҳеч қанақа тавсифнома бўлмаганди.

Мисс Клэри жилмайди ва шошилмасдан стакандаги сувдан ҳўплади. Рестораннинг пуштиранг хира ёруғи унинг кўзлари остидаги чуқур сояларни сездирмасди.

Уни гўзал деб бўлмайди, ўйлади ўзича Палмер. Лекин у хушрўй, жуда хушрўй. Қадди-қомати роса келишган, юзи силлик, кўзлари катта-катта.

— Сиз учинчи марта отангизга таъна қилаяпсиз, — деди Виржиния.

— Ўз вақтида отам турли-туман ибораларни ўйлаб чиқаришни яхши кўрарди. Эҳтимол, бу сизга зерикарли туюлар, мен кечирим сўрашим керакдир?

— Йўқ, бу бир оз эскича, лекин мароқли, — жавоб қилди Виржиния. — Нью-Йоркда ўз ота-онасидан нафратланишни ҳали ўрганмаган киши кам учрайди.

— Сизнинг столингизда эса онангизнинг сурати турибди.

— У мен билан яшайди. Ёки аниқроғи, аксинча. Айтиш қийин. Лекин бу бир-биримизни жондан яхши кўрамыз дегани эмас. Асрдан ортда қолиб бўлмайди.

— Ҳа, албатта.

— Бизнинг муносабатларимиз қуролли ярашувга ўхшайди. Онам менинг банкка кириб ишлаётганим учун сира кечира олмайдилар.

— Бунчалиқ қатъиятнинг сабаби нима?

— Минг тўққиз юз ўттиз биринчи йили Холлисдаги уйимизни банк ўз ҳисобига ўтказган эди.

— Шунини ҳалиям кечира олмаяптими?

— Агар уйингиз ота-онамга азиз бўлгандек сизга қадрли бўлганида эди, ўзингиз ҳам кечира олмасдингиз. Ҳаётимизнинг кўп қисмини — биз Йорквиллда ўтказганмиз. Холлисда ҳашаматли уйимиз учун отам биринчи бадални тўлаганда хонадонимизда бахтиёрлик кўшиғи янграганди, орадан уч йил ўтиб эса... —

Шу ерга келганда мисс Клэрининг овози бўғилди. — Лекин, — дея давом этди ўзини қўлга олиб, — Минг тўққиз юз ўттиз биринчи йили кўпчилик шу аҳволга тушиб қолган эди. Кўшнилариимизга тегишли бўлган барча уйлар ҳам муҳрлаб кетилди.

— Ҳа, бу оғир йил бўлган эди, — деди Палмер.

— Уша йили сизларда нима бўлган эди? — сўради мисс Клэри.

Палмер елкаларини қисди.

— Э, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ушанда менинг коллежда ўқиётганимнинг биринчи йили эди. Умуман, мен ташқи дунёдан яхши ҳимояланганим.

— Коллежни 1934 йили битирдингизми?

— Ҳа, жуда ажойиб йил эди.

— Мен ҳам Бернард коллежини 1934 йилда тугатганман, — деди мисс Клэри.

Ҳайрон бўлган Палмернинг қошлари чимирилди, кейин оҳиста ўзига келди. У ҳайрон бўлганимни сездимикин, деб ўйлади. Кейин, албатта, сезгандир. Умуман буни яширишнинг нима кераги бор? — деган тўхтамага келди.

— Ҳечам бунақа ўйламасдим, — деди у, — сиз анча ёш кўринасиз.

— Ҳарҳолда, мен сиздан анча ёшман. Педди Калхэйн туфайли мен Бернард коллежини битиришга муваффақ бўлдим.

Палмер сал олдинга энгашди:

— Бу ном менга ҳам танишга ўхшайди.

— У бир вақтлар бизнинг Гарлемда полиция капитани бўлганди.

— Вик Калхэинга қариндош эмасми, мабодо?

Мисс Клэри ҳайрон бўлиб унга қаради:

— Ҳа. Унинг отаси эди, — деди.

— Сиз ўзингиз Вик Калхэйн билан танишмисиз?

— Бўлмасам-чи. У ҳам Хоули Найм мактабида, болалар бўлимида ўқиганди.

— Ушандан бери уни ҳеч кўрдингизми?

— Ҳа, бир неча бор. Менинг газетада ишлаганимни биласиз-ку. Сизга бу ёқмайдами?

Палмер бошини чайқади.

— Йўқ, нима деяпсиз? Аксинча.

Мисс Клэри унга узоқ вақт қараб турди, кейин оромкурсига ястаниб, кўлларни тиззаларига қўйди.

— Нима бўлганда ҳам, Виржиния Клэрининг бор тарихи шу билан тугайди. Яна шуни кўшимча қилишим мумкинки, бутун бўш вақтимни онамнинг банка нисбатан кўр-кўрона нафратдан даволашга бағишляяпаман.

— Сиз банкда ишлаётганингизни онангиздан яширишингиз мумкин эди.

— Бу ҳақда ўйлаб кўргандим, — деди Виржиния, — У ҳолда онам мени ҳар куни эрталаб ибодатга боришга мажбур қиларди. Ҳозир анча яхши.

Шу пайт официант келиб столга таомномани қўйди.

— Нима ичасизлар?

— Фақат қаҳва, — деди Виржиния.

— Менга ҳам, — қўшиб қўйди Палмер.

— Ахир, ширин ичимлик, шарбатлар овқат нархига қўшилади-ку, — эслатди официант.

— Биламан, — деди Палмер. — Фақат қаҳва беринг.

— Хўп бўлади, сэр.

Официант қиз шу ерда ўраллашиб турганда улар жим ўтиришди. Хизматчи кетиши билан Палмер сўради.

— Бу ерда тез-тез бўлиб турасизми?

— Деярли ҳар куни, — деди Виржиния. — Бу ер яқин. Тез хизмат кўрсатишади.

Ҳар ҳолда ишхонада, қуруқ бутерброддан кўра яхши-да.

— Эсимда, бу борада отамнинг бир ҳикмати бор эди.

— Ҳа, отангизнинг ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасига доир ҳикматли сўзлари бор эди. Мен сизнинг иккинчи авлод банкири эканингизни ўзимга ҳамшиша эслатиб тураман.

— Иккинчи эмас, учинчи авлод, банкни бувам ташкил этган.

— Нега сизни танлашганини бу ерда ҳеч ким тушунмайди. Нью-Йоркдаги банк ходимларидан бирортасини танлашса ҳам бўларди-ку. Улар бу ердаги

вазиятни яхши тушунишарди. Нега сизни тайинлашганини мен энди тушуниб етдим.

— Одатда, — деди Палмер, — бу лавозимга ҳуқуқшунослик фирмасидаги банк манфаатини ифода қилувчи катта шерикни тайинлайдилар. Сайёрамизнинг келажаги ҳуқуқшуносларникидир.

— Танлов анъаналарга зид равишда амалга оширилган деб ҳисоблайсизми? — Виржиния бир зум жим қолди, сўнг давом эттирди: — Шубҳам бор. Менинча, уларга банк ишига туғма майли бор одам керак бўлган.

— Эҳтимол бу гапларингизни хушомад деб қабул қилишим керакдир, — хўрсинди Палмер. — Биласизми, менинг «Юнайтед бэнк»ка тайинланишим муносабати билан жуда кўп саволлар туғилган эди, улар хусусида ҳали ўзим ҳам қониқарли жавоб ололганим йўқ.

— Айнан қандай саволларга?

Палмер астагина елкаларини қисиб қўйди. — Бу саволлар асосан техник характердадир, — истамайгина жавоб берди у, муҳокамага киришмоқни истамаган ҳолда. У Виржиния Клэрига қараб қўйди. Бу борада у унча сир бой бермаётгир. Афтидан, бунинг учун у анча ақлли кўринади.

— Агар сиз... — дея бошламоқчи бўлди мисс Клэри.

— Дарвоқе, шуни эсдан чиқармаслик керакки, — унинг гапини бўлди Палмер, бу мавзуга қайтмасликка қатъий қарор қилиб, — биз банк иши борасида тушунчамиздаги бўшлиқни тўлдириш учун ҳали бирор қадам қўйганимизча йўқ.

Мисс Клэри таассуфлангандай кўзларини кагтароқ очди.

— Мен ўзимни фирма учун ошиқча юк ҳис қила бошладим.

— Бу соҳада унча-мунча нарсани билишингиз сизга далда бўлиши керак. Банкимизда ишлаётганларнинг кўпчилиги ўз ишини сизчалик тушунмайди, ахир.

— Мен фоизлар, хусусий қарзлар, амортизациялаш ҳамда Федерал захира тизими билан боғлиқ масалаларнинг фарқига бораман, — бидирлаб кетди Виржиния. — Унда нимани билмайман ўзи?

— Сизда умумий тизим ҳақида аниқ тасаввур етишмайди.

Официант қиз қаҳва олиб келди. Палмер Виржиниянинг ўз финжонига сут кўшиб, шакар солиб аралаштирганини кузатиб турди.

— Мен ҳали эслатиб ўтдим, — давом этди Палмер, — ҳозирги замон кишиси ҳаётида пул шунақа аҳамият касб этадики, у ҳаво ва овқат мисоли зарур бўлиб қолади. Бу сиз яхши ўзлаштириб олишингиз лозим бўлган соҳадир.

— Пулнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини менга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ишонаверинг.

Палмер мисс Клэрига ўқрайиб қаради:

— Сиз, афтидан, яна гапни ҳазилга олиб, мавзуга чап бериб кетмоқчига ўхшайсиз.

— Кечирасиз, бу одат менга онамдан юққан. Йўқ, мен чиндан ҳам нима ҳақида гапираётганингизни тушунишни истаيمان.

— Жуда соз. — деди Палмер, қаҳвадан ичиб. — Шундай қилиб, жамият ташкилотнинг такомиллашувига қараб, пул борган сари ҳал қилувчи омилга айлана боради... Хулласи калом, инсон пулсиз муносиб равишда на яшай олади, на ўла олади.

— Сизнингча, шунақа бўлиши керакми?

— Эҳтимол, йўқ, — жавоб берди Палмер. — Лекин биз файласуфлар эмас, банкчилармиз. Биз энг қимматли мулк — пулни таъминлаш, асраш, назорат қилишни ташкил этамиз.

— Сиз энг қимматли нарсани пул деб ҳисоблайсизми?

— Сизнингча, энг қимматли нима?

— Соғлиқ-чи?

— Соғлиқни пул ёрдамида сақлайдилар ва тиклайдилар.

— Тушунарли. Айтайлик, ҳм-м, севги, нафрат ҳам пулга олинадими?

— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Ҳозир биз иккалаамиз фалсафий тадқиқотлар билан шуғулланаётганимиз йўқ. Севги-муҳаббатсиз ва нафратсиз ҳам яшаш мумкин. Лекин инсон пулсиз яшай олмайди.

— Аммо бу ҳаётнинг бир соҳаси, холос.

— Ҳа. Лекин бу ҳаёт ё мамотни ҳал қиладиган соҳа.

— Майли, шундай бўла қолсин. Аммо шунга таъкидлайманки, ушбу суҳбат баённомасида пул фақат моддий соҳада энг муҳим омил экани қайд қилинсин.

— Розиман, — деди Палмер.

Мисс Клэри диққат билан унга қаради:

— Сиз фақат мен айтганларимгагина илтифот қиляпсиз. Ўзингиз ҳаётда моддий эҳтиёждан бошқа соҳалар ҳам бўлиши мумкин, деб ўйлайсизми?

— Ҳар ҳолда улар суҳбатимиз мақсади бўлиб хизмат қилмайди.

Мисс Клэри алам билан бошини чайқади.

— Сизни сўзда энгиб бўлмайди. Мен газета учун мулоқотингизни ёзиб олмаган бўлардим. — Бироқ у Палмерга яна бир қараб қўйди-да, таслим бўлди: — Хўп, майли, — деди у, — биз банкчилармиз. Бизни фақат моддий жиҳати қизиқтиради. Давом этинг, марҳамат.

У ўз қаҳвасидан бир ҳўплади-да оромкурсига суяниброқ ўтирди.

— Банкдаги пуллар қай аҳволда? Биз уларни махсус сейфларда сақлаймиз, у ердан ўйирлаш мумкин эмас. Кейин уларни сармоёга — қимматли қоғозлар, акциялар, корхоналар ва айрим шахслар учун заёмларга айлантирамиз... Хулласи калом, пул ёрдамида қилинадиган ишларни айна биз белгилаймиз. Охир-оқибатда, шунга айтиш мумкинки, пулнинг ижодкорлари бизмиз.

— Пул ижодкорлари? Бунинг учун биз нима қиламиз? Пулни босиб чиқарамизми?

— Деярли шундай, — жавоб қилди у.

— Нима, бу қонунийми?

— Мутлақо қонуний, — ишонтирди уни Палмер. — Федерал захира банки сифатида, биз олаётган ҳар тўрт доллар ҳисобига тоза ҳаводан битта янги доллар ҳосил қиламиз.

— Шу яхшими?

Бунга жавобан Палмер қўлини қарсиллатиб оромкурси қиррасига урди.

— Фалсафий саволлар беришни бас қилинг. Эҳтимол, АҚШда юз бериши мумкин бўлган ишларнинг энг ёмони мана шудир ва бизнинг эвараларимиз бунинг учун жуда қиммат ҳақ тўлашар. Лекин ҳозирги босқичда бизни айнан пул кутқаради.

— Бошқача айтганда, биз зарур таъминот бўлмагани ҳолда пул босиб чиқариш масъулиятини олганмиз, — деди мисс Клэри.

— Бошқа сўзлар билан ифодаладиган бўлсак, биз инфляцияга, пулнинг қадрсизланишига йўл очиб бераяпмиз, — жавоб берди Палмер. — Бироқ америкаликларнинг ўзлари инфляцияга интиляяптилар.

— Айтаётган гапларингизга ўзингиз ҳам ишонмайсиз, — эътироз билдирди Виржиния.

— Бу ерда ишончининг нима дахли бор? Ахир, турмуш тақозоси шунга аниқ далил-ку. Одамларнинг ўзи турли-туман ажабговур нарсалар — 21 дюйм экранли телевизор, икки қопқали совутгич, катта қувватли автомашина соҳиби бўлишни истайдилар. Улар зарур миқдордаги пул жамғаришга кутишни истамаяптилар. Бир сўз билан айтганда, улар ёш болаларга ўхшайдилар, улар ҳамма нарсани дарҳол олишни истайдилар. Ҳар бир автомобил ёки телевизор ортида одам турибди, у ўз молини дарҳол сотиш ниятида. Лекин у сотган молининг пулини ўттиз олти ой кутолмайди. У молини сотар экан, пулини дарҳол тўлашларини истайди. Мундоқ қарасангиз, қандайдир молиявий компания, корпорация ёхуд вақил унинг хизматига ҳозир у нозир бўлиб турибди. Улар харидорга пул тўлайдилар, ўзларининг хизмат ҳақи эса молни олаётган истеъмолчи ҳисобидан тўланади. Бироқ бу компаниялар ҳам шошилиш равишда қаердан пул топишлари зарур. Бироқ улар пулни қаердан оладилар? Улар банкка мурожаат қиладилар. Банк уларни пул билан таъминлашга тайёр туради. Пул ниҳоят тугайди. Хўш, пул қаердан олинади, тугаган захира қаердан тўлдирилади? Қаердан олинишини ўзингиз яхши биласиз. Бу пуллар босиш дастгоҳлари турган цехдан олинади.

Палмер гапдан тўхтади, тўсатдан овози кўтарилиб кетганини, унинг сўзлари улардан икки стол нарида ўтирган киши эътиборини тортганини ҳис қилди.

Орага чўккан жимлик пайти у сигаретасини кулдонга босди, нега бунча хаяжонланаяпсан, деб ўз-ўзига савол берди.

— Сиз файласуфлардай гапга тушиб кетдингиз, — деди Виржиния Клэри.

— Ҳа, пул хусусида менинг ўз фалсафам бор, — рози бўлди Палмер. — Бу фалсафа жуда архаик бўлиб, агар уни ҳаётга татбиқ қиламан десангиз, эҳтимол, бир неча ҳафта ичида бутун мамлакатни хонавайрон қиларди. Банк ишининг кўп асрлик тарихига асосланган банкчининг пулга нисбатан нуқтаи назари ана шунақа.

Мисс Клэри сал бош эгди-да, унга синовчан назар солди:

— Хонавайрон қилиш фалсафангизни менга изоҳлаб беринг-чи...

Палмер кулиб юборди, кулгиси ғалати чиқди.

— Бор нарсангни сарфлашга шошилма, — деди у. — Бу жуда аниқ, лекин жуда қийин, бажариш оғир масала. Бирор чиройли нарсани кўрсанг, ўзингда пайдо бўлган уни сотиб олиш истагини енгиллашга ҳаракат қил. Унинг учун аввал пул йиғ, кейин харид қил. Эҳтимол бу орада уни сотиб олиш истагинг сўниб қолар.

Мисс Клэри кенг қошларини чимирди.

— Оҳ, бунақа чекланган турмуш тарзи нақадар даҳшат, — тўнғиллади Виржиния.

Палмер елка қисди

— Ҳа, агар чекланган деган сўзни интизом маъносида айтаётган бўлсангиз.

— Интизом? — Наҳотки бу сўз, сал-пал яхшироқ жарангласа? Мисс Клэри бош чайқади. — Йўқ, бунақа ҳаёт маҳзун, рангсиз, совуқ. Ходисаларсиз, хаяжонларсиз.

— Зеро, ҳал қилиб бўлмас муаммоларсиз, тангликларсиз.

— Мана, кўрдингизми? Бу, умуман, ҳаёт эмас, фақат муқаддимаси-ку.

— Сафсата.

— Ҳаётнинг ўзи нима? Муаммолар, қийинчиликлар ва бирдан ўз йўлингга ажойиб нарса учрайди-ю, уни ўзингники қилиб олишни истайсан. Сен ўз истагингни бажарасан, пулини эса кейин тўлайсан.

— Ҳозир кимнинг ҳаёти ҳақида гапираяпсиз ўзи? — қизикди Палмер.

Виржиния яна қошларини чимирди.

— Ҳа-а. сиз ҳақсиз. Ҳамма ҳам шундай яшашни хоҳлайди, деб бўлмайди.

Мен буни эсдан чиқариб қўйибман.

Иккаласи ҳам жим қолди. Сўнг яна Палмер гап бошлади.

— Ҳарҳолда, бу ердан биз кимнинг ҳаётини муҳокама қилишимиздан қатъи назар, фалсафа, барибир, меники.

— Мени кечирасиз-у, бу сиз айтганингиз пулдан камчилиги бўлмаган одамнинг фалсафаси, — деди Виржиния.

Палмер бир неча лаҳза қимирламай ўтирди, сўнг қўлларини столдан олиб тиззалари устига қўйди.

— Балки, сиз ҳақдирсиз, — жавоб берди лоқайдлик билан Палмер. — Ўз истагини тия билиш ҳақида фикр, бундай қилиш зарурати бўлмаганлар миясига тез келади.

Мисс Клэри столда Палмернинг қўллари турган жойга қаради.

— Лекин бу билан мен, — дея аста гап бошлади Виржиния, — кимда пул бор бўлса, ҳар қандай истагини ўз-ўзидан қондираверади, демоқчи эмасман. Пулга сотилмайдиган буюм йўқ. Балки ҳамма нарса сотилар. Аммо сотиб олган ҳамма нарсадан ҳам қониқиш ҳосил қилинавермайди.

— Мени кечирасиз-у, — деди киноя билан Палмер, — бу энди илоҳий олам пучмоқларида адашиб юрган одамнинг фалсафаси.

— Ҳа, — рози бўлди мисс Клэри. — Мен ахир, кельтлар тоифасиданман, аврашни биламан, қарта билан фол очаман. Ҳатто жодугар ҳам бўла оламан.

— Қизик. Унда сизга икки маош белгилашимизга тўғри келади, биз томонда қолганингиз учун, албатта.

— «Биз томонда» деб нимани айтаяпсиз?

— Сигарета чекасизми? — таклиф қилди Палмер. Хоним «ҳа» дея бош ирғади. — бу бор-йўғи образли ифода, холос.



— Йўқ, бу оддий образли ифодадан катгароқ, — деди Виржиния хоним, у тутган чақмоқтошдан сигаретасини ёндириб. — Мистер Бэркхардт «Биз томонда» деган ифодага гўё биз ким биландир уруш ҳолатида турганимиздай маъно беради.

— Агар сиз жамғарма банкларини назарда тутаётган бўлсангиз, бу аслида шундай.

— Бироқ, хўп деяверинг-у, бу бемаъни гап. Ахир, улар ҳам, барибир, банк-ку! Жамғарма банкларидан айримларининг раҳбарлари бизнинг дирекция таркибида, ва аксинча, жамғарма банклари бизнинг банкимиз хизматидан фойдаланади. Биз уларга гаров ашёларини сотамиз. Улар ҳам, биз ҳам, умуман, банк амалиёти билан шуғулланамиз. Бу, қаранг-ки, уларнинг ҳам, бизнинг ҳам ўз «томон»ларимиз бор экан. Нега шундай бўлди?

— Тижорат банки билан жамғарма банки ўртасида қандай фарқ бор, биласизми ўзи?

Мисс Клэри бош ирғади, оғзидан ҳалқа-ҳалқа қилиб тутун чиқарди.

— Улар тижорат компанияларига кредит беролмайдилар.

— Бу бошқа жиддий фарқнинг билвосита натижасидир.

— Айнан қанақа фарқнинг?

— Бунинг учун узоқ ўтмишга саёҳат қилишга тўғри келади. Бу ўн иккинчи асрнинг биринчи ўн йиллигида бошланган эди. Ўша пайтларда камбағалларда фақат иккитагина имконият бор эди: улар ўз жамғармаларини ёстиклари тагига яширишлари ёхуд сарфлашлари керак эди. Биринчиси унчалик ишончли бўлмагани учун, улар ўзларининг сариқ чақаларини қашшоқликларини унутиш учун виски олиб ичишга сарфлар эдилар.

— Эҳ, бу туйғуни мен яхши биламан!

— Камбағалларга васийлик қилувчи авлиё оталар бундан даҳшатга тушдилар: чунки ёшпасига ичкиликбозлик бошланган эди, — давом этди Палмер. Шунда шотланд мактаблари ўқитувчиларида пайдо бўлган гоёдан фойдаланишга қарор қилдилар. Ўқитувчилар, авлиёлар, тарғиботчилар ва ислоҳатчилар шу гоёга биноан жамғарма банклари ташкил этишга киришдилар. Мазкур банклар камбағалларнинг ҳар қандай омонат пулларини сақлаш учун қабул қила бошладилар.

— Қандай маккорлик!

— Чинакам даҳшат. Ўша давр банклари йирик корхоналар омонатлари ёки бадавлат кишиларнинг кўчмас мулклари билан муомала қилардилар. Жамғарма банклари эса, ҳафтасига арзимас чақа олишдан ҳам ҳазар қилмасдан камбағал ўз маошидан кўйиши мумкин бўлган ҳар қандай миқдордаги маблағни қабул қилардилар. Лекин энг маккорлик томони шунда эдики, қашшоқлардан омонатга олинган сариқ чақалар муомалага киритилар, омонатчиларга эса, рағбат тариқасида арзимас фоизлар тўланарди.

— Жиноят!

— Ҳали шошманг, энг даҳшатлиси олдинда.

— Ий-е, бундан ёмони ҳам бўлиши мумкинми?

— Мана, қаранг: жамғарма банклари ўзаро қарз бериш жамиятига айланди. Акция соҳибларига йўл бекилди. Банклар омонатчиларнинг мулки бўлиб қолди. Муомаладан тушадиган барча фойда бевосита банкка ўз чақасини кўядиган омонатчиларга тегадиган бўлди.

— Ана холос, бу деярли социализм-ку!

— Худди шундай, — тасдиқлади Палмер. — Лекин ҳамма гап шундаки, шотланд авлиёсининг миясига ана шу фикр келганда, Карл Маркс эндигина саккиз ёшга тўлганди.

— О-о!

— Ҳарҳолда, жамғарма банк тизимидаги банк арбоблари ўта изчиллик билан ҳаракат қилардилар. Одатда, улар ўз миждозларининг омонатларини давлат акцияларига жойлардилар. Ўта ватанпарварлик ва ўта ишонч билан жойлардилар. Бу банкларнинг деярли барчаси хонавайрон бўлишдан қутулиб қолдилар. Бошқалари эса инқирозга юз тутдилар.

— Юз йил мобайнида шундай давом этди, денг?

— Юз йилдан ҳам кўпроқ. Кейин ёлланиб ишловчилар бўйича ҳар хил янгиликлар: касабалар уюшмаси, касаллик ва қариллик ҳодисасини сугурта

қилиш, ҳаётни суғурталаш, ишсизлик бўйича ёрдам пули, нафақа ва шу кабилар пайдо бўлди. Бу борада тижорат банклари чиранишни йиғиштирдилар. Улар ишчиларнинг ҳар қандай жамғармаларини қабул қилишга қарор бердилар. Ишчи энди ишлайдими, йўқми, соғми ёки касалми эканидан қатъи назар банкнинг қадрли меҳмони бўлиб қолди. Агар ўлиб қолса, унинг оиласи ҳам банк хизматидан баҳраманд бўларди.

— Аммо бунинг жамғарма банкларига нима дахли бор?

— Ҳеч қанақа дахли йўқ. Жамғарма банклари умрини яшаб бўлди. Энди улар ҳеч кимга керакмас.

— Вой, мунча аянчли, — деди киноя билан мисс Клэри. — Наҳотки шунақа бўлса?

— Ҳа, жуда жиддий. Чунки улар миждозларга ҳеч нарса беролмайдилар.

— Ахир, бу жуда қайгули-ку! Авлиё оталар ва марҳаматли зотлар энди нима қиладилар?

— Агар бунақага йўяверишингизни билганимда, буни сизга гапириб ўтирмасдим.

— Йўқ, мен бошқа унақа қилмайман, — деди Виржиния. — Айтингчи, бу ҳақда жамғарма банклари вакиллари билан ҳеч ким гаплашиб кўрдими? Ахир, улар ҳалиям фойдали иш қилаяпмиз деб ўйлашапти-ку.

Палмер илжайди.

— Ҳамма бало шунда-да.

— Демак, улар билан ҳеч ким жиддий гаплашмаган, шундайми?

— Энди нима бўлганига қулоқ солинг, — деди Палмер. — Ўша авлиё оталар ерга уруғ қададилар. Уруғдан катта дарахт ўсиб чиқди. Ҳозир у ҳеч кимга керак бўлмаса-да, ўсишда давом этмоқда. Жамғарма банклари ўн минглаб хизматчиларини иш билан таъминламоқда. Қудратли бюрократик аппарат жамғарма банклари мавжуд бўлиши ва гуркираб ривожланишидан манфаатдор.

— Уларни тинч қўйса бўлмайдими? Ахир кўпчилик кишилар ўз пулларини жамғарма банкларида сақлашни маъқул кўришапти-ку, — таъкидлади мисс Клэри.

— Нимага шундайлигини мен сизга тушунтираман, — деди Палмер. — Ўша дарахт ўсаяпти ва бақувват бўлиб борапти, чуқур илдиз отаяпти. Бу илдиз ҳар томон ёйилмоқда ва тупроқнинг тўйимли шарбатини симирмоқда. Биз эса ана шу тупроқ устида кўкармоғимиз лозим. Энди тушунарлими?

— Ҳа. Ҳаммаси ойдин бўлди-қўйди, — жавоб берди мисс Клэри. У ўз сигаретасини ўчирди-да оромкурси орқасига суянди. Кейин узун киприклари орасидан суҳбатдошига ҳорғин қараб, сўради: — Хўш, сиз энди ўша дарахтни нима қилиш ниятидасиз?

Палмер столга қараганча жавоб берди:

— Илдизи билан кўпориб ташламоқчиман...

Виржиния Клэри чап қўлининг энгини бироз қайирди-да, соатига қаради. Кейин жуда хотиржам, назокатли оҳангда гапирди:

— Ҳозир Мак Бернсга телефон қилмайсизми?

Палмер ҳайрон бўлиб пешанасини тириштирди:

— Менми... Шунақа кеч бўлди? — соатига қаради, ўн бўлаяпти: — Ҳа, сиз ҳақсиз.

Улар бир-бирига қараб яна бироз ўтирдилар. Қайси гапимдан бунчалик совудийкин, ўйлади Палмер. Вақт ўтаяпти, у ҳали Бернсни кўриши керак. Иннанкейин, охир-оқибат Виржиния Клэри изоҳларини қандай қабул қилиши билан унинг нима иши бор?

### *Ўн бешинчи боб*

Эдис Палмер чап қўлининг узун ва кенг энгини қайириб соатига қаради. Унинг ҳаракатида нимадир Вудс Палмернинг диққатини тортди. Қаҳвали финжонни қўйиб, у эрталабки офтоб нури жилвасини томоша қиларди. Нур

жилваси Эдиснинг қўлидаги майда толаларни тилларанг қилиб кўрсатарди. Лекин бирдан хотинининг бу ҳаракати нега унинг диққатини тортганини тушуниб, Палмер йўталиб, сўради:

— Саккиз ярим бўлдимми?

— Ҳа, деярли. Менга қара, Вудс, илтимос, мен учун беш-ўн дақиқа ажрат.

— Машина кутаяптими?

— Кутаяпти, албатта. Беш ёки ўн дақиқа кечиксанг ҳеч нарса қилмайди. — У эрига ижирганиш билан қаради. — Ёки, ҳеч бўлмаса шофёрга айтарсан «тезроқ хайда» деб.

Палмер қаҳвасини ичиб, лабларини қоғоз сочиқ билан артиб қўйди.

— Тезликни оширганимиз учун бизга жарима солишса-чи? — деди у, — Мак Бернс мен учун ҳаммасини босди-босди қилади.

Эдис қошини чимирди.

— Бор-йўғи беш ёки ўн дақиқа, — такрорлади Эдис.

— Майли.

Эдис ўрнидан туриб, эрини кутубхонасигами ёки иш хонасигами-ей етаклаб кирди. Меҳмонхона маъмурияти бу хонани улар учун махсус ажратиб берганди. Ҳозир мазкур хонага ўралган расмлар, ёғоч қутилар тахлаб ташланганди. Уларда отаси тўплаган нодир китоблар бор эди. Ҳамишагидек Палмер улар вақтинчалик турган бошпанани эслатувчи тартибсизликдан чимирилди.

— Хўш, нима дейсан?

— Мана, кўриб қўй. — Эдис ёзув столининг ёнига борди. Стол дераза олдида турарди. Эдис чизмалар ўрамини еча бошлади. — Сен билан учинчи қаватнинг лойиҳасини муҳокама қилишим лозим.

— Нимасини муҳокама қиласан? Мен уни маъқуллаймаман.

Эдис бир зумга кўзларини юмди.

— Вудс, илтимос, эргалабдан ҳазилга бало борми?!

Унинг узун кўрсаткич бармоғининг силлиқланган пушти тирноғи чизманинг «хона» деб ёзилган жойига қадалди. Эдис эрига қаради.

— Бу хона сен учун, — деди Эдис. — Мен ёзув столини қаерга қўйишингни билишим лозим.

— Мен бу ерда нима қиламан?

Эдис елкасини қисди.

— Бу борада ҳеч қанақа тасаввурга эга эмасман, азизим. Фақат шуни яхши биламанки, Чикагода уйда ўтириб ишлайдиган хонанг бор эди, демак Нью-Йоркда ҳам бўлади.

— Бу ерда мен қандай ролни бажаришим керак, Эдис? Оиласи даврасидаги кўнгилчан кекса банкирними? Ёки сергайрат ёш молия корчалониними?

— Ҳамма бало шунда-да, — сўзини бўлди Эдис. — Бунақаси қўйсак, кўёш тўғри кўзингга тушади.

— Эдис, — кескин эътироз билдирди Палмер. — Бунинг нима аҳамияти бор? Бу ерда ўтириб ишлайдиган хонанинг нима кераги бор ўзи? Агар борди-ю, ўтирсам ҳам фақат кечқурунлари ўтираман-ку.

— Ҳа, тўғри, — деди Эдис ва унга ўтирилди, — Ҳа, бўлмасам-чи?

— Сен яна мендан сўраяпсанми? Ахир, саволни мен бердим-ку!

У бир неча сония эрини индамай кузатиб турди. Эдис ўзига хос қараш билан боқаркан, гўё шу дамда Палмер нима ҳақида ўйлаётганини, умуман, оламда нималар бўлаётганидан хабардор экандай тутарди ўзини.

— Албатта, — дея сўзини давом эттирди Эдис ниҳоят, — болалар ҳам вақт-вақти билан бу хонадан фойдаланиб турардилар. Чунки барча маълумотномалар шу ерда бўлади.

— Мана, энди биз бир қадам олға босдик. Бу менинг хонам, лекин болалар ҳам вақти-вақти билан ундан фойдаланиб турадилар.

— Балки ҳар куни фойдаланиб туришар. Шуни унутмаки, бу ерда қомуслар, дугатлар, иқтисод ва банк ишига доир барча китоблар бўлади. — Эдис жим қолиб эрига қаради. — Сен бу ерга яна нимани қўйган бўлардинг? Поулк маълумотномасиними? Ҳар хил мавзудаги маърузалардан кўчирмалар? Ёхуд Барлеттними?

Палмер чизмадан чангни қоқиб ташлаб, столнинг бир чеккасига ўтирди.

— Вой худойим-ей, Бартлетт менга бирдан нима учун керак бўлиб қолди?  
— сўради у.

— Сенинг маърузаларинг учун. Ахир маърузалар учун тайёрланасан-ку.

— Уларни мен ўзим тайёрламайман.

Эдис кўзларини паркет тўшамасига қадаганча жимиб қолди. Кейин бошини аста кўтариб, Палмерга қаради. Бу сафар унинг нигоҳи ҳар нарсани биладиган эмас, ҳайратланган эди.

— Нима, уларни ўзинг ёзмайсанми?

— Маърузаларни бутун бир гуруҳ тайёрлайди.

— Кимлар? — ҳайрон бўлди Эдис.

— Кимлар? — худди акс-садодай қайтарди Палмер. — Банк хизматчилари, Бернснинг ходимлари, уларнинг кўпини ўзим ҳам билмайман.

Ўзининг бундай тан олиши яхшилиқка олиб бормаслигини ҳис этган Палмер ўрнидан туриб, эшикка қараб юраркан:

— Сенинг беш ёки ўн дақиқанг тугади, Эдис. — деди.

— Ҳа, биламан. — У эридан кўз узмасди. — Вудс!

— Ҳа!

— Менга айт-чи, нутқингни ўзинг ёзмасанг, банкда кун бўйи нима қиласан? Хотинининг ҳужумга ўтишини сезиб, Палмер биринчи бўлиб зарба беришга шайланди.

— Ий-е, намуноча аҳмоқона савол? — тўнғиллади у.

— Ҳа, албатта. Ахир ўзинг ҳеч нарсга гапирмай мени ноқулай аҳволга солаясан.

— Сени шунга мажбур қилдимми?

— Мана бу ишлайдиган хонанг сингари, — деди Эдис. — Жуда аҳмоқона иш бўлди, шундаймасми? Агар менинг ўрнимда меъмор ёки безакчи бўлганида, уларга ҳаммасини тушунтиришни ўз бурчинг деб билардинг. Эҳтимол, уйни қайта қуриш билан боғлиқ ишларга мен аралашмасам-у, буни мутахассислар қилсалар сенга яхшироқ бўлар? Балки улар учун вақт топарсан, ахир менга вақт ажратолмаяпсан, мутахассисларга кўрсатмалар берарсан. Кейин мен улардан сўраб оларман. Ҳеч бўлмаса мен шу тариқа билардимки, сен... — Эдис бирдан тўхтаб қолди, яна қандайдир сўзларни айтиб юбормаслик учун пастки лабини тишлади...

Сўнг яна чизмалар устига энгашди.

— Пастда сени машина кутаяпти, — деди Эдис, мулоийим оҳангда. — Соат йигирмата кам тўққиз бўлди.

— Ҳа-я, — деди ўрнидан жилиб Палмер, — Менга қара, афсуски, сени хафа қилиб қўйдим. Лекин саволинг ҳам жуда бемаъни эди-да, жин урсин.

— Қайси саволим?

— Менинг кун бўйи ишда бандлигим ҳақидаги-да...

— Сенинг жуда кўп ишлаётганингга шубҳа қилмайман, — деди Эдис яна ўша мулоийим товуш билан. — Мен бундай қилмаслигим керак эди, бу адолатданмас.

— Йўғе, нима деяпсан, жуда адолатдан-да, — деди у аламли товушда ва эшикка бурилди. — Мен тушлиқдан сўнг сенга сим қоқиб, мен учун бугунга нималар белгиланганидан хабардор қиламан.

— Эсингдан чиқмасин, бугун биз Грэмларникида овқатланамиз, — эслатди Эдис, эри хонадан чиқаётганда.

— Яхши.

— Вудс! — чақирди Эдис уни орқасидан.

— Нима? — у остонада тўхтади.

— Яхшилаб ўйлаб олгач, банкда нима иш қилаётганингни менга тушунтириб берарсан.

Палмер эшикни қарсиллатиб ёпди. У бунчалик қаттиқ ёпишни истамаганди. Меҳмонхона хизматчилари эътиборини тортмаслик учун, албатта. Лекин шу даражада қаттиқки, Эдис тушуниб олсин, бу сафар қош қўяман деб, кўз чиқаришига сал қолди.

## Ун олтинчи боб

Палмер ўз хонасининг улкан ойнаси олдида туриб, Сентрал-паркдаги дарахтларнинг кўнғир ва қизил барглари томоша қиларди. Ўзгариш энг сўнги кўнларда юз берди. Яқиндагина қуёш нурлари остида яшнаб турган яшил япроқлар бир кечанинг ўзида сўлди.

Интеркомнинг бўғиқ овози жиринглади ва Палмер каттакон хонанинг қарши бурчагида турган столга ўтирилди. У ойна олдида истамайгина стол ёнига борди, «котиба» деб ёзилган яшил чироқли тугмани босди.

— Ҳа?

— Мисс Клэри сизни кўрмоқчи экан, мистер Палмер.

— Яхши. Майли кирсин.

Палмер стол четига ўтирди. Мисс Клэри унинг хонаси бўсағасидан ўтди ва одатдагидек эшигини қия очиқ қолдирди. Бугун у тўққизил юмшоқ жерсидан тикилган кўйлақда эди. Бу кўйлақда унинг ингичка бели ва дўмбоқ сонлари яққол сезилиб турарди.

— Сиз сўраган материални олиб келдим, — деди мисс Клэри. Унинг юзи Палмернинг синовчан нигоҳи остида қотиб қолгандай эди. У аёлга ҳамон диққат билан қараб турарди.

— Хайрли тонг, — деди у, гап нима ҳақидалигини дарҳол эслолмай. — Қанақа материал? Ҳа-я.

Палмер ўрнидан туриб, эшик олдида борди-да, уни ёпиб қўйди.

— Сиз буни ҳеч кимга билдирмай тайёрладингизми? — сўради у стол ёнига қайтиб бориб, оромкурсига ўтираркан.

— Албатта. Бу материални топишда менга «Стар» таҳририятидаги эски бир танишим ёрдам берди.

Мисс Клэри қўлидаги жилдни Палмерга узатди, кейин ўриндиққа чўкиб, бир оёғини иккинчиси устига олмоқчи эди, лекин фикридан қайтиб, икки оёғини жуфтлаб ўтирди. Палмер жилддаги қоғозларни варақлаб чиқди. Бу Жо Лумис ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қораламалар эди.

— Сиз ўзингиз буларни кўриб чиқдингизми? — сўради Палмер

— Мен уларнинг тадрижий изчиллигини текшириб чиқдим, — жавоб берди аёл.

Палмер қошини чимирди. Мисс Клэри бугун ўзини ўта расмий тутарди. Гўё уларнинг кечаги норасмий тушлиги учун ўз айбини ювмоқчи бўлаётганга ўхшайди.

— Бундан бирор нарсани ўқидингизми? — яна сўради Палмер.

— Фақат унинг амалий алоқаларига доир материалларини ўқидим. Сўнг уларни умумлаштириб, жилдга қистириб қўйдим.

— Жуда соз.

— Юлдузчалар билан белгилаб қўйилган компаниялар — Лумис бошқа қизиқмай қўйган корхоналар ва инқирозга учраган фирмалардир.

— Жуда яхши, — деди Палмер.

— Агар сиз ушбу варақни кўздан кечирсангиз, ҳозирги пайтда Лумиснинг жуда суғлигига ишонч ҳосил қиласиз. Унда ҳозир бор-йўғи ўн тача мажбурият бор, холос.

— Мажбуриятларнинг бажарилишида у фаол иштирок этмаяптими? — сўради Палмер.

Мисс Клэри «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Менинг танишимга яхши маълум ва мен ўзим буни бошқа манбалардан текшириб кўрдим, мистер Лумис ўз диққат эътиборини «Жэт-Тех интернэшнл» фаолиятига қараган.

Палмер тушунарли дегандай бош ирғаб қўйди:

— Ўзини «Жэт-Тех»га бахш этиш — бу саккизоёқ билан қўл тўпи ўйнаш дегандай гап.

Виржиния Клэри Палмер олдида турган қоғозларга ишора қилгандай иягини сал кўтарди.

— Агар сиз иккинчи варақни кўздан кечирсангиз, унда барча филиалларнинг тўла рўйхатини топасиз.

Палмер жилдни стол устига — ўз олдига қўйди-да, Виржиния Клэрига тикилиб қаради.

— Тан олишим керакки, лаёқатли сўзининг асл маъносини чинакамига энди тушуниб етдим.

— Ташккур, — деди қисқа қилиб мисс Клэри.

— Бу охир-оқибат бизнинг бевосита мажбуриятимизга кирмайди, — давом этди Палмер, — мен сиз тайёрлаган материални назарда тутаяпман. Мен уни бизнинг кредитлар бўлимимиз орқали талаб қилишим керак эди.

— Агар сиз унга бир ярим ой сарфлашни лозим топсангиз, албатта, — таъкидлади мисс Клэри.

Эрталабдан бери энди бир-бирига жилмайиб қўйишди.

— Лекин мен Лумисга бир ярим ойдан кейин эмас, бугун телефон қилмоқчиман, — деди Палмер ва фирмалар рўйхатини кўздан кечира бошлади.

— Улардан айримлари менга бутунлай номаълум.

— Мен ҳам барчасини билмайман, лекин...

Палмер ичди фирмаларнинг номини ўқий бошлади.

— Уиллингтон корпорацияси «Жэт-Тех индастриз» — бу уларнинг марказими?

— Менинг билишимча, ҳа.

— Бинобарин, «Жэт-Тех интернэшнл» шоҳобча бўлиб, бутунлай унинг тасарруфидадир, — фикр қилди Палмер. — Демак, у ракета двигателларини тайёрловчи «Хай траст мэнюфэччеринг» корпорациясини ҳам назорат қилади. «Консолидэйтед энержи» компанияси-чи? Улар нима тайёрлашади?

— Юксак фаолиятли қоришма, — тушунтирди мисс Клэри. — Қаттиқ ёқилги, суяқ кислород, батареялар. Кенг истеъмолчиларга мўлжалланган маҳсулотлар ҳам тайёрлайди, жумладан, қўл фонарлари учун батареякалар ва автомобил аккумуляторлари.

— Уйғунликни қаранг, — деди Палмер, — «Консолидэйтед» компанияси «Хай траст» ракеталарига ёқилги беради. Шу ерда микрореле тайёрловчи яна бир шоҳобча пайдо бўлади. Тагин нима ишлаб чиқаришади?

— Транзисторлар, диодлар, конденсаторлар ва ҳоказо...

Палмер рўйхатни кўздан кечиришда давом этди.

— Мана бу филиал эса, — деди у, — ёзув ва ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқаради. Улар Германия ва Италиянинг электрон-ҳисоблаш аппаратлари ишлаб чиқарувчи фирмалари билан ҳам ҳамкорлик қилишади.

— Атом реакторлари учун автомат ускуналар ишлаб чиқарувчи компания акцияларининг қирқ беш фоизи уларга тегишли.

— Мана, ниҳоят, фақат атом ишлари билан шуғулланувчи фирмага ҳам етиб келдик, — гапни илиб кетди Палмер. — Мазкур фирманинг фаолиятига бевосита Уиллингтондан раҳбарлик қилишади. Айтинг-чи, ҳозир улар Оук Рижда бирор нарса қилишяптими?

— Йўқ, у ерда «Юнион карбайд» фирмаси ишляпти.

— Демак, улар ҳозир Вашингтонда ёки Нью-Мексикода нимадир қилишяпти. Яна қанақа фирмалар бор? Ракеталар ва ер усти таянч нуқталари учун ускуналар. Мана, алюминий ишлаб чиқарувчи корхона. Бу корхона Чили ва Перуда рух ва мис тармоқлари акцияларига эгалик қилувчи компанияга қарайди. Қариб денгизи минтақасида боксит, уран, нефть қидирув ишлари ҳам унинг тасарруфида. Луизианада олтингугурт ишлаб чиқариш. Алкуппада асбобсозлик заводи. Кантонда каучук. Бёрнбанкда транзистор жиҳозлари заводи, Такомда ёғоч тайёрлаш... Ий-е, буниси нима? Наҳотки велосипедлар?

— Нега ҳайрон бўлаяпсиз?

— Велосипедлар, — деди у ўйга толиб. — Бироқ, «Координэйтед уэстерн энд юнайтед компани» номи остида нима яшириниб ётибди, жин урсин?

Мисс Клэри ўйланиб қолди.

— Уйлашимча, — деди у, — улар ғарбий штатлар учун мўлжалланган турли моллар ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришга уринаяптилар.

Палмер мамнун ҳолда жилмайиб ҳужжатлар жилдини ёпди.

— Жуда яхши, мисс Клэри, — деди у, — тан беришга тайёрсиз деган умиддаман.

— Таърифга сўз йўқ...

— Буни тайёрлаш учун қанча вақт кетди?

Мисс Клэри елка қисди:

— Булар ҳаммаси урушдан сўнгги йиллар маҳсули. Аниқроғи 1952 йил маҳсули. Ушанда Лумис гуруҳи яширин олиб борилган курашдан кейин ҳокимиятни қўлга олдилар...

— Сиз яна 1952 йилги воқеалардан айримларини эсдан чиқараяпсиз, — деди Палмер. — Кореядаги уруш ва Эйзенхауэрнинг президент бўлиб сайланиши сингари арзимас воқеалар... — Палмер тагин жилдни очиб, машинкада кўчирилган хабарни кўздан кечира бошлади. — Мен билишни истайман, — деди у, — ушбу салтанатнинг қандай қисми фақат қоғоздагина мавжуд. Ушбу бирлашмалардан айримлари фақат солиқ тўлашдан қутулиб қолиш мақсадида тузилмаганмикин? Балки уларни ишга тушириб юборишгандир. Умуман «Жэт-Тех индастриз» мавжудмикин?

— Ҳа, қанийди мавжуд бўлса, — деди Виржиния Клэри. — Бизда шу компаниянинг акциялари шу қадар кўпки, улардан Марсгача йўл солса бўлади.

— Ростдан ҳам шунақами? — ўйлаб қолди Палмер. — Биз «Хадсон траст» билан бирлашганимизда бу акцияларни мерос қилиб олмадикми, ишқилиб?

— Мен буни аниқ билмайман, — жавоб берди мисс Клэри. Фақат шуни айтишим мумкинки, биргина «Жэт-Тех» фирмасининг қоғозлари билан бош бошқармада вице-президент ёрдамчиси ва икки ходим шуғулланмоқда.

— Эҳтимол, сиз банк ишига унча яхши тушунмасиз, — деди Палмер, Виржиниянинг бамайлихотир ўтирганини кўриб, — лекин муҳим қисмлар тафсилотига жиддий эътибор бераркансиз.

— Мен олдин айтганимдай, уни яхши тасвирлаш учун мушук бўлиш шарт эмас, — такрорлади мисс Клэри.

Палмерга бу аёлнинг унинг нигоҳидан кўзини олиб қочишини томоша қилиш ёқарди. Унинг йирик кўзлари Виржиниянинг юбкаси этагини диққат билан кузатар, кейин секин сирғалиб пастга, тиззаларига тушарди. Палмер унинг ингичка тўпиқларига текис туташиб кетувчи думалоқ болдирли хушбичим оёқларига эҳтирос билан билан қаради. Тиззаларини маҳкам жипслаштириб турибди. Палмер унинг пошнаси гиламга ботиб турганигача эътибордан қочирмади.

Виржиния Клэри ўрнидан турди. Унинг бўйи сал ўсинқирагандай кўринди. Палмер ҳам қалқди, нега шундай қилганини ўзи ҳам тушунмай, назокат юзасиданми ёки унинг бўйини ўзининг бўйи билан солиштириш учунми.

— Ҳарҳолда, сидқидилдан қилган ишингиз учун сиздан миннатдорман, — деди Палмер.

— Бу муаммоларингизни ечишга ёрдам беради деб умид қиламан. — Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. — Энди Жо Лумисга телефон қилсангиз бўлаверади.

— Ҳа, албатта.

— Балки яна бирор нарса керакдир?..

— Йўқ, Раҳмат сизга.

— Майли, — деди Виржиния, — ундай бўлса мен ўз хонамга кетдим.

— Яна бир бор катта раҳмат сизга, — деди Палмер ва чаккаларига қон қуйилаётганини ҳис этди.

Улабларини маҳкам қисиб, олдинроқ юриб борди-да, мисс Клэрига эшикни очиб берди. Сўнг унга қарамасликка ҳаракат қилиб, сал энгашди. Бугун қараб олгани етар.

Виржиния ёнидан ўтиб, ташқарига чиқди, ундан енгилгина ифор ҳиди қолди. Палмер унинг қандай атир эканлигини ҳам илғай олмади. Мисс Клэри даҳлиздан ўтиб, бурчакка бурилди-да гойиб бўлди. Палмер эса эшикни ёпиб столи ёнига қайтди ва ўрнига ўтирди. Сўнг интеркомга қаради ва «Элдер» ёзувли тугмачани босди. Яшил чироқ ёниб, микрофондан овоз эшитилди:

— Лаббай?

— Гарри, Палмерман! Бўш вақтингиз борми?

— Ҳа. Айтаверинг, — деди Гаррисон Элдер дўрилдоқ овозда.

— «Жэт-Тех» ҳақида нима дея оласиз?

— Йигирма бешта сўздами ёки ундан ҳам қисқароқ бўлсинми? — деди Элдер кулиб.

— Уларнинг биз билан алоқасини қандай баҳолайсиз?! — қатъий сўради Палмер.

— Буни ҳозир айтиш қийин. Одатда Пол Жерати улар билан ишни ўзи олиб боради. Ушанда ҳисоб-китоб «Хадсон траст» орқали қилинарди. Гуноҳларини тангри ўзи кечирсин.

— Уша гуноҳлари қанча эди? — сўради Палмер.

— Уларга ўз ишларини турли корпорациялар номи билан амалга оширишга имкон беришарди. Бу корпорациялар уларнинг рўйхатида бор.

— Шунақами? Бунинг эвазига қалтакни ким ейди, бизми?

— Уша қалтаклар бизга фойда келтиради, — эътироз билдирди Элдер. — Мен бу ишга ҳеч қачон аралашган эмасман. Зарурати бўлмаган. Агар хоҳласангиз, йигитларимдан биттасини бу ишга жалб қиламан. Бир ҳафтада уддалайди.

— Сизнинг шахсий билимли фикрингиз қандай?

Элдер яна кулди:

— Ҳозир ким ҳам ўзини билимли деб ҳисоблай олади, жин урсин? Майли, келинг, таҳлил қиламан. Асосий компания банк жараёнларини Делавэрда амалга оширади. «Жет-Тех интернэшнл» ўз корхоналарини такомиллаштириш учун биздан кредитлар олди. Бундан ташқари, биз шўба компаниялар билан ҳисоб-китобларда воситачи сифатида қатнашамиз. Ва, албатта, барча акция муомалаларида биз вакил сифатида қатнашамиз...

— Гарри, мен баъзи нарсаларни аниқлаштирмоқчиман. Бизнинг улар билан муомаламиздаги жараёнларнинг умумий миқдори...

— Биз «Континентал экуипмент» бўйича уларнинг қарзини уздик, — деди Элдер. — Умуман, биз уларга саккиз юз миллион ўтказдик...

Орага узоқ жимлик чўкди. Элдернинг сўнгги сўзлари улкан хонани тўлдириб юборгандай бўлди.

— Вудс! — бақирди Элдер. — Алло, Вудс!

— Раҳмат, Гарри.

— Бу фақат тақрибий рақам.

— Тушунаман.

— Балки мен уни йигирма беш фоизга ошириб юборгандирман.

— Бироқ умумий манзара менга тушунарли, — деди Палмер. — Ҳатто сиз йигирма беш фоизга ошириб юборган бўлсангиз ҳам. Ҳар ҳолда «Жет-Тех» бизнинг барча амалий муомалаларимизнинг камида беш фоизини ташкил этади. Агар сиз кам томонга адашган бўлсангиз ҳам уларнинг улуши бу жараёнларнинг ўн фоизини қоплайди, шундайми?

— Ҳа. Улар билан амалиётимизнинг ҳажми тахминан шундай, — рози бўлди Элдер.

— Бошқача айтганда, улар бизнинг энг йирик мижозларимиз.

— Ҳа, албатта.

— Яна бир бор ташаккур, Гарри.

— Фойдам текканидан хурсандман.

Палмер бир муддат интерком тугмачаларига қараб, қимир этмай ўтирди. Кейин стол устидан чўзилиб, кечаги кун беягилари қўйилган варақларни олди, улардан бирида қайд қилинган Лумис телефони рақамини топди. Сўнг телефон гўшагини кўтарди-да, кўрсатилган рақамларини терди.

— Мистер Лумис? — деди Палмер. — Вудс Палмер гапираяпти.

Гўшақда кекса кишининг овози эшитилди:

— Афсуски, мистер Лумис шаҳарда йўқлар. У душанба куни қайтиб келади. Мен унинг котибиман, жаноб Палмер. Мистер Лумис учун бирор хабар қолдирасизми?

— Мистер Лумисга мен телефон қилганимни айтинг.

— Хўп бўлади.

Палмер гўшакни қўйди. У қафтлари намиққанини ҳис қилди. Ўзини босишга уринди. Айни пайтда шундай бўлганидан ўзида қандайдир енгиллик сездди. Аслида, ҳозир кекса Лумисга нима дейишини ўзи ҳам билмасди.



Палмер ўрнидан туриб, ойна олдига борди. У бугун эшитган маълумотлар устида бош қотиришга уринди. Бу ерда нимадир қовушмаяпти, ўйлади у. Лумис ўз пули сақланаётган ўша банкка нисбатан содиқ бўлиши керак эди. Моддий жиҳатдан манфаатдор бўлмаган жамғарма банкка эса холис бўлиши даргумон.

Палмер дераза олдида туриб «Плаза» меҳмонхонаси ёнидаги айлана арғимчоққа қаради. Доира айланиб, бир оз олдинга силжиди. Ёш йигит ва қиз келиб арғимчоқларнинг биринчисига ўтиргач, у юриб кетди.

Қизнинг кийими қизил, сочлари қора эди. Бу Виржиния Клэри бўлса-чи, ўйлади Палмер. Лекин шу заҳоти бу фикридан қайтди.

### Ун еттинчи боб

Кекса официант тушликдан сўнг столдан идиш-товоқни йиғиштириб олди. Оромкурсига ястаниб, Палмер қариянинг ювиладиган идишларни аравачада олиб кетаётганини кузатди. Нега бунақа кўч кўтариб юриш хотинидан кўра ўзининг гашига кўпроқ тегаётгани ҳақида ўйлаши биринчи бор эмас. У сигарета чекди, унинг олови ва тутуни панасида қаҳва қуяётган Эдисга назар солди.

У ҳамшигаддек ишчан кўринишда. Турмакланган сочининг ҳар бир толаси силлиқ таралган. Бугун кўзларини одатдагидан кўпроқ бўяган, улар катта ва ифодали кўринаяпти. Юзининг териси жилосиз ва майин. Ҳозир Эдисни кузата туриб эсига тушди, эрталаб унга қўпол муомалада бўлди.

Гап нимада? — ўйлади Палмер. Нега у хотинидан ҳамшиша норози? Эдис нима қилмасин кўнгилдагидек бўлмайди, нега? Ё у хотинини яхши билиб олди, энди уни қизиқтирмай қўйдими?

Эдис эри уни кузатаётганини сизди, бошини кўтарди, кўзлари тўқнашди.

— Сенга қаҳвами? — сўради Эдис ва яхшилаб тўлдирилган финжонни узатди.

— Ҳозир нима ҳақда ўйладинг?

— Ҳеч, ўзим шундай.

— Мен эсам, ўша «ҳеч» деганинг бунчалик теран бўлади, деб тасаввур ҳам қилмагандим, — деди Эдис.

— Мен, билсанг, — деди Палмер ҳеч бўлмаса сал-пал ростгўй бўлишга интилиб, — бугун кўринишинг жуда чиройли, деб ўйладим.

Эдиснинг қўй кўзлари катта-катта очилди. Хонанинг сунъий ёруғида улар кулранг кўриниб кетди.

— Фақат тўқима, азизим, — деди Эдис. — Сен менинг «расмий» кўринишимга баҳо бердинг, шундаймасми?

— Йўқ, — жавоб берди Палмер.

— Унда сен, балки уйдаги шунча ташвишлардан вақт топиб, ўзига қарашга қандай улгурган экан, деб хайрон бўлаётгандирсан?

— Бу ҳам хаёлимга келгани йўқ.

— Майли, агар билишни истасанг, билиб қўй: бугун биз биргаликда уйда ўтказётган биринчи кеча. Бутун ҳафта мобайнида биринчи марта, шекилли? Шунинг учун ҳаракат қилдим.

— Жуда хурсандман, — деди Палмер, бу ёлғонни ҳам қабул қилармикин, дея ўзича фол очиб.

— Майли қўявер, қаҳвангни ич, — Эдис бир оз жим қолди, кейин секингина айтди: — Бугун эрталаб кўз ўнгимда жуда даҳшатли воқеа юз берди. Ишчиларимиздан бири ҳавозадаң йиқилиб тушди.

— Қаттиқ лат едимми?

— Синган жойи йўқ, лекин уста уни уйига жўнатиб юборди. Мен табиб кўрсин, деб туриб олдим, уста ўзим ғамхўрлик қиламан деб ваъда берди. Лекин мен буни қандай қилиб текшираман?

— Ахир, у суғурта қилинган

— Мен буни айтаётганим йўқ, Вудс, — эътироз билдирди Эдис. — Авваллари мен бундай ҳодисалар фақат катта курилишларда, осмонўпар биноларни тиклашда

юз бериши мумкин деб ўйлардим. Лекин бу нарса шундоққина ўз уйингда юз берса, одам ўзини йўқотиб қўяркан.

— Бахтсиз ҳодисалар истаган ерда юз бериши мумкин.

Эдис хўрсинди ва кўлини Палмернинг сигаретасига чўзди.

— Гап бундамас, азизим, — деди у. — Лекин мен ҳалиям ўзимга келолмаяпман.

Палмер гугуртни ёқиб, Эдиснинг сигаретасига тутди.

— Юрагингга яқин олаверма. Эртами, кечми, ҳаммамиз шунга кўникиб кетамиз. Ахир, сенга ўша ҳавозадан йиқилиб тушган ишчичалик ёки машина босиб кетган болачалик ёхуд Сентрал-паркда йигитлар зўрлаган қизчалик оғриқли эмас-ку.

Эдис пешанасини тириштирди ва сигаретасининг сўниб бораётган чўғига қаради.

— Биласанми, менинг шундай яшагим келади, токи атрофимда шундай кўпол зўравонликни кўрмасам дейман. Бу ерда, Нью-Йоркда ҳар қадамда шундайларга дуч келасан.

— Сен ўзга шаҳарларда бутунлай бошқача деб ўйлайсанми?

Эдис унинг фикрини рад этгандай, кўлини силтади.

— Фақат ўз ҳақимда гапирётганим йўқ, бунинг болаларга қандай таъсир қилиши мени ташвишга соляпти.

— Улар ҳар қандай ўзгаришларга мослашиб кетишади, — деди Палмер енгил киноя билан. — Сен бўлсанг, ҳечам ўрганолмаяпсан.

Эдис эрининг гапини тасдиқлаб бош ирғаб, уни ҳайрон қолдирди.

— Ҳа, ҳали кўникканимча йўқ. Вақти билан ҳаммаси ўтиб кетади, лекин тан оламан, бу мени сира қувонтирмайди. Мен Жеррига ўхшаб ўн бир ёшда эмасман, қирқни уриб қўйдим. Бу ёшда кутилмаган ўзгаришларга кўникиш жуда қийин.

— Бахтимизга сенга ўттиз учдан ошиқ бериш қийин, шундаймасми?

— Бугун эрталаб менга қарашингдан асло унақага ўхшамайди.

— Бировнинг ўйини ўзгача талқин қилиш истаги туғилса, бу бошқа гап, мен...

— Нима бўлганда ҳам, — унинг сўзини бўлди Эдис. — Энг ёмони шундаки, биз Нью-Йоркда ҳеч кимни билмаймиз. Янги танишлар ортириш истиқболи эса мени қизиқтирмайди.

— Бироқ биз жуда кўплаб ҳар хил одамлар билан учрашамиз, ҳатто ҳаддан ташқари кўп, дейиш мумкин.

— Бу расмий ташрифлар, холос, — жавоб берди Эдис. — Бизни турли сабабларга кўра таклиф қиладилар. Кўпроқ қандайдир умумий танишлар орқали, албатта. Уйимиз тайёр бўлмагани учун ҳозир биз таклиф қилолмаяпмиз. Ҳали биз ҳам даъват қиламиз, албатта.

— Бу ернинг одамлари бизнинг чикаголик дўстларимиздан фарқ қилмайди.

Эдис нафасини ростлаб олди:

— Дўстлар — барибир, дўстлар-да. Биринчи учрашаётган одамларимиз эса ҳали дўст бўлолмайдилар. Ҳарҳолда мен шундай деб ўйлайман.

Палмер ўзининг ҳали ичилмаган қаҳвасига қараб, столдан турди:

— Мен қаҳвани ўзим билан олиб кетаман. Лекин ҳайронман, Нью-Йоркка нисбатан қанақа хусуматинг бор?

Эдис индамасдан чоғроқ хонага йўл олди. Бу хонани меҳмонхона маъмурияти кутубхона деб атарди. Иккита оромкурсининг чангини қоқиб ташлаб, уларни столга яқин сурди, стол устидаги китобларни олиб ташлаб, чизмаларни ёйди.

— Наҳотки, биз яна уйнинг таянч деворлари ҳақидаги масалани муҳокама қиламиз? Ҳўш, мен ўзимнинг янги хонамда нима қиламан? — сўради Палмер. — Агар шундай бўлса унда мен...

— Бу масалани мен бугун ҳал қилдим. Соат иккида ҳаммаси ҳал қилинган эди, — кескин бўлди унинг сўзини Эдис. — Эртага сенинг хонангни сувоқ қилишади.

— Яхши. Ҳўш, бугун кечкурунги кун тартиби қанақа?

Эдис столлардан бирига оҳиста ўтириб, чизмаларни диққат билан кўздан кечирди. Фамгин бир нарсани кўргандай лаблари буришди.

— Вудс, — деди Эдис, — бу ёққа ўтир-чи.

У ўтирди ва финжонни ликопчаси билан чизманинг устига қўйди.

— Мен кулгили сиймо эмасман, — деди у, — ва менга бундай муомала қилишларини истамайман.

— Нега энди сен?..

— Мен кулги бўлиш қанақалигини яхши биламан, — давом этди у Палмернинг сўзини бўлиб. — Ҳали ўсмирлигимдаёқ буни бошимдан ўтказганман. Мен ўз тенгқурларим орасида узуноёқ найнов эдим. Лекин жамоатчилик орасида пайдо бўлганимнинг биринчи йилиёқ менинг устимдан кулмай қўйишди. Ва мен ўзимга бундай муомала қилишларига қатъиян қаршиман.

— Мен умуман сени кулгили деб ҳисобламайман, — ишонтирди уни Палмер.

— Сенинг кун тартиби тўғрисидаги заҳарханда танбеҳинг-чи? Мени тушунмади деб ўйлама. Ташкилий ишларим сенга ёқмаётганини мен яхши тушуниб турибман. Лекин буни мен қилмасам, ўзинг шуғулланишингга тўғри келади ва бу сенга ёқмаслиги турган гап. Мен сен учун бирор нарса қилаяпманми, бари сенга маъкул эмас, тўғрими?

— Ҳа, қувноқ эмас, фақат бир шарт билан: агар мен чиндан ҳам сени шундай аҳволга қўйган бўлсам. Лекин гап шундаки, бунақа нарсанинг ўзи йўқ.

— Шундай ҳовриқмайдиған вазминлиг-у, бирдан мана бундай гайриоддий ички зиддиятлар мажмуи, жуда қизиқ-а; тўғри эмасми?

— Мен суҳбатимизни жон-жон деб давом эттираман, фақат нимани назарда тутаётганингни тушунтириб берсанг бас, — совуқ жавоб қилди Палмер.

Эдис қаҳвали финжонни нарироқ сурди-да, бир муддат уйнинг томи чизмаси билан андармон бўлди.

— Сен Хаина Керд ишлаган ҳайкални ўз хонангда қолдириш ниятидамисан? — сўради Эдис. — Агар қолдирмасанг, мен уни анави бурчакка жойлаштираман.

— Эдис Палмерга ўтирилди ва кулиб қўйди: — Мен яна баҳс бошлаш учун сўраётганим йўқ, фақат мен шифтни ўйдиришим учун айтаяпман. Ахир, кейинги ҳафта электр симини ўткази бошланади.

— Мен бу ҳайкални ўз хонамда қолдирсам дегандим.

Эдис яна чизмалар устига энгашди.

— Мана бу девор бўйлаб замондош рассомларнинг тасвирларини илишимиз мумкин, натюрмортлардан ташқари, розимисан?

Палмер кўзларини қисиб, чизмаларга диққат билан тикилди.

— Мана бу нима, даҳлизми? — сўради у.

— Даҳлизнинг бир қисми, — жавоб берди Эдис. — Мана бу, даҳлизни бўлиб турадиған девор. Қарши эмасмисан?

— Йўқ.

— Констебл чизган расм, онамнинг совғаси, мана бу ерда осиглиқ туради, — давом этди Эдис. — Энгр эса нариги деворда. Шу расмлар теварагида кенггина бўш жой ҳосил бўлади. Бинобарин, уларга ҳеч нарса халақит бермайди. Мен Эрнстнинг полотносини бошқа барча модернчи рассомлар асарлари ёнига илишни истардим. Уни мана бу ерга илиб қўйсак-чи?

— Жуда соз.

— Натюрмортлар ошхонага илинади. Майлими?

— Майли.

— Гравюралар бошқа хоналарга мўлжалланапти. Фраскони билан Пирсни меҳмонлар хонасига илсак бўлар, а?

— «Балиқ ови» гравюрасидан бошқасини. Уни мен ўз хонамга қўймоқчийдим, — қайд этди Палмер.

Эдис яна унга ўтирилди:

— Яна нима гуноҳ қилиб қўйдим? Нима билан иззат-нафсинга тегиб кетдим?

Шу пайтгача менда: буларнинг ҳаммаси сенинг жонингга тегиб кетди, зерикарли бўлиб қолди, деган тасаввурда эдим.

Палмер ўрнидан турди:

— Эдис, буларнинг ҳаммаси нимани англатишини мен билмайман, лекин шуни айта оламанки, ҳаммаси жонимга тегди. Етар энди.

Эдис хонанинг қоронғи бурчагига тикилганча жим қолди. У ўйчан бош чайқади:

— Ҳа, сен ҳақсан, Вудс. — У Палмернинг бошидан оёғигача қараб чиқдида, кўшиб кўйди: — Вудс, буларнинг замирида нима ётганини мен ҳам билмайман. Кел, мен билан бир оз ўтир; менга бир оз ёрдам бер, майлими? Мен бошқа бундай қилмайман.

Палмер тагин ўтириб, қаҳва ича бошлади. Уларнинг тепасида осилиб турган электр чироғи столга ва тўшамага доира шаклида доғ тушириб турарди. Қаҳвали финжонда кичкинагина сариқ учқун ўйнардди, Эдиснинг малла соч уюми эса, унинг юзига соя солиб турарди.

— Менинг ички зиддиятларим мажмуи ҳақида гапирганда нимани назарда тутдинг? — сўради Палмер, босиқ гапиришга уриниб.

Эдис сезилар-сезилмас елка қисди.

— Менда шундай таассурот вужудга келдики, — жавоб берди Эдис ҳам ўша оҳангда, — сен аслида жуда мураккабсан. Мен эса ўша оддийман. Сен одам кўзини шамғалат қилишга устаси фарангсан, мен эса бундай қилолмайман.

— Нималар деяпсан ўзи? — қатъий сўради Палмер.

— Биз никоҳдан ўтганимизда сен бутунлай бошқача кўрингандинг, — деди Эдис секин овозда. Шунда Палмернинг миясига у гапимни эшитмасин деган фикр келди. У ўтирган жойида сал олдинга энгашди. — Сен мен билган ўсмирлардан анча фарқ қилардинг. Ўзингни эркин тутардинг, мақтанчоқлик қилмасдинг. Сен бошқалар калака қилмаганлар устидан кулардинг. Учта коллежни алмаштирганинг билан шуҳрат қозонгандинг. Шарқий соҳилда яшаган пайтингда бир қиз билан ораларингда бўлган воқеалар ҳақида гапиришарди.

Эдис жим қолди. У худди кўзбойлоқчи сингари қўлини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарарди, енгининг игнатугмасидаги тош ялтираб кетарди.

— Лекин, шуларга қарамай, сен барибир менга мураккаб шахс бўлиб кўринмагандинг, — яна гап бошлади Эдис. — Сен ўшанда мураккаб эмасдинг... Кейин Хэнли ҳалок бўлди.

Палмер бош ирғади:

— Сен бу ҳодисанинг аҳамиятини тўғри ҳис қилдинг.

— Лекин ўшанда ўзгариш бирданига юз бергани йўқ. Ҳатто армияда, таътил ва сафарга келганингда ҳам кўп жиҳатдан ҳамон олдингидай эдинг. Европада қанча вақт бўлдинг? Икки йилми?

— Бир ярим йил.

— Ўша Европадан қайтиб келганингда, сенда ўзгариш юз берганини сездим. — Эдис эрига қаради. — Банкда Хэнлининг ўрнини эгаллашга сени ҳеч нарса мажбур қилгани йўқ. Отанг ҳам бу ҳақда сўрамаган эди.

— Унда бунинг учун зарурат йўқ эди.

— Демак, биринчи зиддият, — деди Эдис. — Биринчи, шундан кейин кўплаб бошқалари содир бўла бошлади. Вудс, сенда бутунлай алоҳида бир нарса бор. Мен фақат эндигина тушуна бошладим. Қанчалик фарқ қилишингни...

Палмер жумланинг тугашини кутмай, уни ўзи тамомлашга шошилди:

— Бошқа оддий одамларданми?

Эдис галати илжайди:

— Мен фақат саволингга жавоб беришга ҳаракат қилаяпман. Бу унчалик осон эмас, айниқса, унга ҳожат бўлмай турганда.

— Унда жавоб бериш шарт эмасди, — таклиф қилди Палмер.

Эдис бош чайқади:

— Мана шу зиддиятлар бу йил кескин кучайди. Отанг ўлганидан сўнг банкни сотдинг. Шундан кейин бунақа бўлиши турган гап эди. Мен буни билишим керак эди. Лекин мен ўшанда сенинг янги лавозимга кўтарилишингни олдиндан билолмасдим. Сен худди ўз отангни тирилтираётганга ўхшайсан, ҳаммасини янгидан бошлаяпсан, бу сафар Нью-Йоркда қилаяпсан бу ишни.

Палмер оромкурсига суянди, жавоб бермасликка уринди. Шахсий ишлари ҳақида хотиржам, оқилона гаплашишса ҳам бўларди. Лекин Эдис шахсий хайрли оқилона суҳбат ниқоба остида унга шафқатсиз хужум бошлар экан, энди бу бутунлай бошқа нарса.

— Эдис, сени тушунолмаймаман.

— Биласанми, сен ўзаро муносабатларнинг яна ўша доирасига тушиб қолаяпсан, — деди Эдис, — Бэркхардт ҳам худди отанг сингари ҳукмрон ва мустабид ахлоққа эга. Бу ерда, Нью-Йоркда, сен худди Чикагодагидек яна бахтсизсан.

Палмер яна ўзини тутди.

— Нега мени бу ерда бахтсиз деб ўйлаяпсан? — сўради у бепарво оҳангда.

— Буни мен ўзингни тутишинга қараб айтаяпман. — Эдис унга қараб, бармоғининг совуқ учини Палмернинг чаккасига теккизди. — Жаҳлинг чиқмасин, азизим, мен ахир... Эдис унинг юзидан кўзидан олиб қочди. — Лекин сен ўйлаётгандирсан... — Унинг овози асабий ва бўғиқ жаранглади. — Сен ўйлайсанки, буни мен сенинг ғашинга тегиш учун, баттоллимдан қилдим, — У жим қолди, унинг жавобини кутарди. — Шундай-ку, ахир?

Палмер тили билан қуриб қолган лабларини ялади; ўзини қисувга олган тангликдан бўшашга уринди.

— Сен ҳеч ўйлаб кўрмадингми, одам ишга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳам бахтсиз бўлиши мумкин-ку? — сўради у хотинидан хотиржам оҳангда.

— Ўйлаб кўрдим, — жавоб берди Эдис, қаҳвали финжонини қўлига олди-да, бир-икки хўплади. — Эҳтимол, биз яшаётган мана бу бемаъний отель бунга сабабдир. Балки ушбу шаҳар боисдир. Ёки ноқулайликлар. Кўриб турибсан-ку, сабаблар сон-саноксиз.

— Бироқ, шу сабаблардан ҳам энг олисларини ва фрейдчаларини санадинг, — деди Палмер.

— Сен афтидан бу сўзларни синонимлар деб ҳисоблаётганга ўхшайсан? — жавоб қайтарди Эдис.

— Йўқ, сен қандайдир айлана йўллар билан фикрлайсан ва ҳаммасини Фрейдчасига талқин қиласан. Эҳтимол, бу менинг мураккаблигим туфайлидир, — дея қўшимча қилди Палмер.

— Сен соддадиллик ниқоби остига беркинмаяпсанми, ишқилиб? — сўради Эдис.

— Мен уриниб кўраяпман, — дея бошламоқчи эди Палмер, бирдан баҳслашувларининг аҳмоқона эканини тушуниб қолди. — Илтимос, мени тўғри тушун, мен хотиним кўз ўнгида ўз обрў-эътиборимни қандай бўлмасин сақлаб қолишга интилаяпман. Чунки хотиним шундоққина кўз ўнгимда психоаналитикка айланиб борапти.

Эдис қаҳвани майда култумлаб ичишда давом этди.

— Майли, сен айтганча бўла қолсин, — деди Эдис ниҳоят. — Лекин битта саволимга жавоб бер. Бу мен шуни билиш ҳуқуқига эгалгим туфайли эмас, йўқ. Аммо муқаддас руҳлар ҳаққи айт: бу иш сенга нима учун керак бўлиб қолди?

Палмер жавоб беришга шошилмади. Эдисга етарли даражада тушунарли бўлиши учун яхшилаб ўйлаб, талқин қилишга тайёрланди. Лекин бу далиллар ростдан ҳам шундайми? У аста нафас олди.

— Ростини айтсам, беш йил мобайнида сездирмасдан Бэркхардт мен билан қизиқиб қолишига йўл қидирдим. Отам ўлишини билардим. Эркин бўлишим билан мустақил ҳаракат қилиш учун тайёр бўлишим керак эди. Натижаси ўзинга маълум.

— О, албатта.

— Энди тескари йўналишда ҳаракат қилиб, урушдан кейинги йилларга қайтайлик. Ўшанда ҳали отам тирик экан, мен банкда ишлашга қарор қилдим. Яна бир оз орқага қайтсак, бу ҳарбий хизмат вақти бўлади. Бу пайтга келиб, менга шу нарса аниқ бўлдики, мен отам ҳукми остидан озод бўлгач, ўзимга янада кўпроқ ёқа бошладим. Сен бундаги уйғунликни кўраяпсанми?

Эдис тасдиқлаб, бош ирғади. Лекин қўлидаги финжон қилт этмади.

— Агар сенга шу нарса тушунарли бўлса, демак, Бэркхардтнинг таклифини нега қабул қилганим ҳам тушунарли бўлиши керак.

— Йўқ, буни мен тушунмайман, — деди Эдис.

Палмер у ҳали ҳам қўлида ушлаб турган финжонга қаради. Финжондаги қаҳва қилт этмасди.

— Сен буни фақат қандай қилганингни тушунтирдинг, лекин у сенга нега керак бўлганини айтмадинг.

Палмернинг қўли худди сассиз чақириқдаги мисол унга талпинди. Наҳотки, одам ўз қилмишларини бошқа бир одамга тушунтиролмайди? Наҳотки, одамлар ўртасидаги муомала шунақа қийин кечади?

— Хўп майли,— деди у. — Кел, бошқачасига тушунтирай: мен отамнинг нухаси бўлишни истамайман ва ҳеч қачон шундай бўлишга интилмаганман. Отам дунёқараши тор, чекланган одам эди. Агар унинг ҳаётда қандайдир шиори бўлган бўлса, бу, шубҳасиз, «йўқ» дейиши эди. У бутун кун давомида биргина шу сўз билан кун кўриш мумкин деб ҳисобларди. Бу сўзни у хотинига, болаларига, дўстликка, ва ҳатто ҳаётнинг ўзига ҳам айтарди. Отадан нафратланиш мумкин эмасди, чунки нафрат ҳиссиёт эди. Ундан фақат кўпроқ яшаш мумкин эди. Тагин бошқа чораси ҳам бор эди, бунинг учун ўша одамда шундай чорага шундай мойиллик бўлиши керак эди. Хэнли шундай йўлни танлаган эди, самолёти билан қайтиб келмаганди. Менда бундай чорага мойиллик йўқ эди. Тушунаёпсанми, нима деяётганимни?

Эдис зўрга йўталиб қўйди.

— Ҳа.

— Отамдан кўпроқ яшаш учун қандайдир кучли рағбатга эга бўлиш лозим эди. Бу рағбат одамга ҳамиша мадад бериб турмоғи, салбий хусусиятга эмас, ижобий хусусиятга эга бўлиши даркор эди. Урушга қадар менда бундай мақсад бўлмаган. Мен унинг ўғли эдим. Уруш пайтида шунга амин бўлдимки, мен мустақил шахс бўла оламан ва бунинг учун зарур бўлган қобилиятга эгаман.

Палмер жим қолди, айтган сўзларининг таъсирини текшириб кўрмоқчи бўлди. Шу пайтгача қаҳвали финжонга қадалиб турган Эдиснинг нигоҳи бирдан Палмерга қаратилди.

— Қанақа мақсад эди у? — сўради Эдис.

— Фойдали бўлиш, одамларга фойда келтириш, — деди Палмер.

Эдиснинг ингичка, рангпар қошлари чимирилди.

— Энди мен сени тушунаёпман, — тан олди Эдис.

— Отам ўлгач, давом этди Палмер, — унинг ҳамкасблари бўлган юзлаб банкчилар, сиёсатчилар ва ишбилармонлар уни анъанавий эҳтиром билан дафн этдилар. У ўз ҳаётини бурчига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. У ўз ишига ўта садоқатли ва намунали фуқаро тимсоли эди. Сен буларни эшитгансан. Лекин ҳеч ўйлаб кўрдингми, қанчадан-қанча майда муттаҳам қаллоблар отамни нега бунча кўкларга кўтариб мақтайдилар? Бемаъни одамларнинг мақтови ҳар қандай ҳақоратдан ҳам ёмон.

— Лекин у фойда келтирарди-ку, ахир? — эътироз билдирди Эдис.

— Сен у пул берарди демоқчисан-да? — эътироз қилди Палмер.

— Муҳтожларга пул бериш — фойдали бўлиш демакдир...

— Пул бериш — оғизни мойлаб қутулишнинг арзон усулидир, — унинг гапини бўлди Палмер. Бунда одам эмас — унинг чек қоғози иштирок этади.

— Энди мен ҳеч нарса тушунмаяпман, азизим.

— Отам фақат пул берарди, — Палмер секинроқ гапиришга ҳаракат қилди.

— Одамларга фойда келтириш учун, чек қоғозини эмас, ўз шахсининг бир қисмини бериш лозим.

— Демак, сен ўз шахсининг бир қисмини беришни истайсан?

— Мен нима тўғри деб ўйласам, шуни қиламан, — деди у. — Мен алоҳида шахсман, фақат пул сарфлайдиган банкирнинг ўғли эмасман. Мен фойда келтириш ҳақида гапирганимда шуни назарда тутган эдим. Мана, гап нимада.

Орага жимлик чўкди. Уларнинг ҳеч бири сукунатни бузмади. Эдиснинг юзи ҳис-туйғуларини акс эттирмасди.

— Сен мени тушунаёпсанми? — деди Палмер, — Масалан, сен уйга, қурилишга сарфлаётган меҳнатинг. Сен буни удралаяпсан, фойда келтираяпсан, унга ўз шахсининг бир қисмини қўшаяпсан.

Эдис унинг юзига қаради.

— Вудс, — деди у секин. — Мен... — У ўйланиб қолди. — Нимагадир сен ҳақсан, албатта. Дарҳақиқат, бу ерда фойда борлиги кўриниб турибди. Ана шу менга завқ беради. Лекин гап бунда эмас. Завқ — бу натижа. Сабаби эса шундаки, бу ғаним ва иккиюзламачи шаҳарда мен қиладиган иш йўқ.

— Эдис!

— Мен бу ерда ҳеч кимни билмайман, — давом этди Эдис бўғиқ овозда. — Ҳеч кимни билишни ҳам истамайман. Мен улар учун ҳеч нарсаман. Чикагода ўз обрўйим, салобатим бор эди. Бу ерда эса...

Палмер жимиб қолди. Эдис қаҳвали финжонни унга қараб сурди.

— Ҳарҳолда, — деди у, — бу вақтинчалик қийинчиликлар, уларни енгишга ҳаракат қиламан. Биз уйимизда дўстларни кутиб ола бошласак, ҳаммаси изига тушиб кетади. — Эдис жим қолиб, унинг жавобини кута бошлади.

Лекин Палмер индамай турарди, шунда Эдис яна гапирди:

— Лекин, афсуски, азизим, сен билан юз бераётган нарса, вақтинчаликка ўхшамаяпти.

Палмер афтини буриштирди:

— Бу билан нима демоқчисан?

Иккаласи индамасдан бир-бирига тикилди. Қандилнинг юқоридан тушаётган нури фақат унинг киприклари учларинигина ёритиб турарди, шунинг учун Палмер хотинининг кўзларига қарай олмади. Бундай қийин аҳволда ўзини жуда ноқулай сизди. Палмернинг дилидан нималар кечаётгани эса Эдисга яхшироқ сезилиб турарди.

*Давоми бор.*

*Русчадан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси.*



Франсуа ВИЙОН

## Ташна ўлмоқдаман дарё бўйида

### ХИСЛАТНОМА

**М**ен биламан олифта зотин,  
Ким хафа-ю, ким шодлигин ҳам,  
Нелар хира, нималар ёрқин,  
Ким эзма, ким шаддодлигин ҳам.  
Ким совчи-ю, ким доя: кўрсам,  
Чалкаштириб юрмадим ҳеч вақт, —  
Мен билдим-у нелигин олам,  
Бир ўзимни билмадим фақат.

Мен биламан: соллонади бут  
Кекса роҳиб киндиги узра,  
Бойлар эса орттириб кўр-қўт,  
Бош оғритмас биз учун сира;  
Бунёд этар бурдани зарра,  
Портлаб кетар турткидан тоқат, —  
Тарих деган саҳифаларда  
Бир ўзимни билмадим фақат.

Мен биламан, нелар бёзатар  
Шаҳзодамнинг дастурхонини,  
Кимлар ишлаб, кимлар бесамар  
Пуллаб ўтар ширин жонини,  
Қўлдан берар кимдир нонини,  
Ким кўз сузар сезмасдан уят;  
Билдим ҳаёт тонгу шомини,  
Бир ўзимни билмадим фақат.

Русчадан  
Хусниддин  
ШАРИПОВ  
таржималари

Франсуа Вийон 1431 йили Монкорбье деган ўртаҳол киши оиласида дунёга келади. Тўрт ёшида етим қолгач, она фарзандини парижлик Гийом Вийон деган руҳонийга беради, бола шу кишининг фамилияси билан атала бошлайди. Франсуа ўсиб, 1452 йили Сорбонна университетини санъатшунос магистр сифатида битирди. Худди ўша кунларда, кўча жанжалларининг бирида, унинг лунжини уриб ёришади. Франсуа эса ганими бўлмиш роҳибни чавоқлаб ташлайди. Эртасига, руҳоний ўлгач, у Париждан қочиб кетади.

Францияни дарбадар кезаркан, Вийон 1456 йили нурли ҳазил-мutoйибага йўғрилган «Кичик васиятнома»сини яратади. Уша давр олий табақага мансуб бой-бадавлат



Мен биламан, чўмилиб болда,  
Паишшларнинг қилишин роҳат,  
Рост-ёлғонни англаган ҳолда,  
Бир ўзимни билмадим фақат.

## БЛУАДАГИ МУШОИРА ҲАҚИДА ҲИКОЯТ

Ташна ўлмоқдаман дарё бўйида.  
Куламан ёш тўкиб, ўйнаб ишлайман.  
Уйим бор дунёнинг ҳар бир қўйида,  
Ўз юртимда эса инсиз кушдайман.  
Ростга ишонмаган ёлғон тушдайман.  
Менга маъқул ҳатто, қотирмай энса,  
Оққушни қарға деб атаган кимса,  
Ҳа, шундай, жонидан айрилган жонман.  
Чувалчанг сингари юпун ва инжа,  
Ҳар ердан қувилган азиз инсонман.

Бир боқсам сахийман, бир боқсам хасис.  
Ҳеч кимга зормасман, илҳақман бироқ.  
Бойлардан улуғман сариқ чақасиз.  
Муздан туғилади наздимда япроқ,  
Жаннатдан гўзалдир кўз ёш тўла боғ.  
Гулхан ловулласа музлайди қўлим,  
Фақат қор қўйнида эрийди дилим,  
Ҳазил тушунмаган қувноқ гапдонман.  
На чора, бировлар бўлганда олим,  
Ҳар ердан қувилган азиз инсонман.

Деразам ортида, билмайман, ким бор  
Ва лекин ҳар юлдуз кўринар яққол.  
Кундуз — уйқудаман, тунлари — бедор,  
Ерда чайқаламан чақалоқ мисол,  
Йўл қолиб, туманда излайман камол.  
Сўзимни, соғ эмас, тушунади қар,  
Гўёки мурч бол-у, бол эса заҳар.  
Ҳаётни чамалаб, энди ҳайронман:  
Ҳақиқат қайда ва қанча, ким билар?  
Мен эса саргардон азиз инсонман.

Соатми — йил узун, қани, айтингиз,  
Қай бири чуқурроқ: анҳорми — денгиз,  
Жаннатми — дўзахга қўнар меҳмонман?  
Изтироб бўғмасин ишончни харгиз,  
Мен ожиз бўлсам-да, азиз инсонман.

кишилар ўртасида кўнгил ёзиш учун мушоира ўтказиб туриш урф бўлган эди. 1457 йили Франсуа Вийон шеърятга ишқибоз, назмнавис герцог Карл Орлеанский ўзининг Блуа қасрида ташкил этган мушоирада қатнашиб, олқишлар олади. У герцог барча қаламқашларга ҳазиллашиб таклиф этган «Ташна ўлмоқдаман дарё бўйида» деган матлаъни, ўзининг ва ўзига ўхшаган инсонларнинг нафаси билан бойитиб, шундай ривожлантирадиги, ушбу шеър сўз ўйини ёки ҳаётнинг инъикосигина бўлиб қолмай, терең фалсафий руҳ ҳам касб этади.

Урганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Франсуа Вийон мум тишлаб яшашга қайта ўргана олмади. Шарль деган назмнавис уни икки марта қамоқдан қутқариб қолди. 1461 йили, Людовик XI нинг тож кийиши муносабати билан афв-умумий эълон қилинмаганида, Франсуа дорга тортиб юборилиши ҳам ҳеч гап эмасди. Шеърхонлар учун энг муҳими шуки, навбатдаги ҳибсда ўтирган пайтда, илҳом жиловини қаттиқ тутган шоир ўзининг энг дилбар асарларидан яна бири — «Катта васиятнома»ни ёзиб битирди.

**ВИЙОН — ЎЗ МАҲБУБАСИГА**

Шунчалар азоббахш бўлурми меҳр,  
 Шунчалар алдоқчи бўлурми чирой?!  
 Иболи кўзлари — риё ва сеҳр,  
 Шундай ўтаётир, қийнаб, кун ва ой.  
 Эзилиб ўламан энди, ҳойнаҳой,  
 Сен эса, эй гўзал, этма кўп ҳаво:  
 Макрга нақадар бўлсанг ҳамки бой,  
 Дардимни оширма, дардни эт даво!

Ёки кетмаймикин силтаб қўлимни,  
 Менга бу мавода ахир йўқ ором.  
 Тўсиб келаётир минг дард йўлимни,  
 Бўлиб бормоқдаман кун-бақун тамом,  
 Шундай этаверса нозларинг давом,  
 Муҳаббат умри ҳам бўлади адо.  
 Тўлиб-тўкилмасин тақдир деган жом,  
 Дардимни оширма, дардни эт даво.

Вақт келар, ўзинг ҳам, эй нозик ниҳол,  
 Кузга юз тугарсан, сарғаяр баргинг.  
 Кўклам шарбатига роса тўйиб ол,  
 Касод бўлмай туриб чехраи зардинг.  
 Ошиққа азиздир ҳаттоки гардинг,  
 Тиниқ ва тотлисан бамисли сабо.  
 Мени қийнаш билан нима топардинг,  
 Дардимни оширма, дардни эт даво.

\* \* \*

Шаҳзодам — беғараз ҳожатбарорим,  
 У — севги нелигин ёд билгин даҳо.  
 Етгандир унга ҳам эҳтимол зорим:  
 Дардимни оширма, дардни эт даво.

**ҚУРОЛСОЗ БАРНО ҲАСРАТИ**

Кариликни тан олмай асло,  
 Қолмоқ истаб умр бўйи ёш,  
 Қуролсоз деб аталган барно  
 Бундай ёниб, тўкади кўз ёш:  
 «Томоғимдан ўтмас энди ош,  
 Наҳот мен ҳам бўламан хазон?!  
 О, мунча тез? Қайга урай бош?  
 Кошки бўлса жон бермоқ осон!

Эрк насиб этган кунларнинг бирида эса, Вийон Папа маҳкамасининг бир котибини пичоқлаб, ўлдириб қўяди. Шоирга ўлим жазоси белгиланади. У шафқат талаб, парламентга мурожаат этади. Парламент 1463 йили Франсуани омон қолдириб, Париж ва унинг атрофларидан ўн йил муддатга бадарга этиш ҳақида қарор қабул қилади. Шу-шу янғроқ овозли эрксевар шоир бедарак кетади.

Франсуа Вийон кўп марта ҳибсга тушиб чиқишига қарамасдан, ўша замон об-ҳавосида ўзини ғоят эркин ва табиий тутган. Айниқса — ижодда. У бир қарасангиз, Франция қироличаси Бланка Кастильсаяни ёки Граф Эли Майенскийнинг қизи Арамбурни, ҳатто эрамиздан аввалги V асрда ўтган, ўз чиройи сабабли аёл киши деб ҳам юритилган Алквад (Алкида)ни ёхуд Буюк Карлнинг онаси Бертани ҳам аяб ўтирмайди. Яна бир қарасангиз, ўзи меҳрга муҳтож бўлган ҳолда, Қуролсоз Барно деб аталган бечора бир аёлнинг ҳолига йиғлаб ўтирганини кўрасиз. Буларнинг барчаси — Франциянинг ўлмас ўғлони Франсуа Вийон ўз ватани ва даври лавҳаларини нақадар ўткир, ҳалол ва доно нигоҳ билан, жонли ва беғубор тил ҳамда нозик дил билан таҳлил этганининг далилидир.

Мен барча олифта — бир пул.  
Зшворардим ипдай бир пасда;  
Бой ва мирзо оҳ чекиб нукул,  
Боқар эди роҳиб ҳавасда.  
Сўнг меҳробни тарк этиб аста,  
Излашарди изларимни лол.  
Кечроқ билдим, эс қурғур паст-да,  
Иш тутибма бойвуччамисол.

Ҳа, зўр келди ғурур ақлдан,  
Шундан менинг жамики дардим.  
Бир йигитни севиб чин дилдан,  
Бошқаларни қувиб солардим.  
Ўз бахтига етишсин ҳар ким,  
Мен бу йўлда адашдим бир оз:  
Танлаб-танлаб топган номардим  
Хамёнимга экан ишқивоз!

Давлатига қўшарди давлат  
Чиройимни бозорга солиб.  
Уриб, сўкиб, қилиб ё тухмат,  
У доимо чиқарди голиб.  
Лекин асло юрмадим нолиб,  
Чунки уни жондан севардим.  
Эркаласа бир бўса олиб,  
Бошгинамни кўкда сезардим.

Дунё экан, эвоҳ, ҳаётдан  
Кўз юмди у ўтгиз йил бурун.  
Аммо чиқмас ҳали ҳам ёддан,  
Соғинтириб, бағрим этар хун.  
Мерос бўлиб қолди мен учун  
Уят, гуноҳ, ишқий хотира.  
Тўзиб борар таним кун-бакун,  
Афсуски, вақт чекинмас сира.

Қаранг, қани у порлак манглай,  
Сочлар зарри, қошлар камони?  
Бир гуноҳим ер билан бирдай  
Этмасмиди ошиқ-полвонни?!  
Нозик бурним, юпқа қулоғим  
Турар энди нимага ўхшаб?  
Қани менинг гулдай яноғим,  
Қани, айтинг у қирмизи лаб?

Оққушдайин кифт ва билагим  
Гўзаллигин эсларми биров?  
Сезган борми сон ва илигим  
Кечалари бўлганин олов?  
Думбамга кўз ташласа бирров,  
Кирмасмиди чолларга ҳам жон?!  
Оташинми ҳануз ўша чов,  
Бутлар аро яшнаган ризвон?

Йўқ, пешонам ажин тўрида,  
Сочим оппоқ, қошларим тақир.  
Ўпқон қолди оғиз ўрнида,  
Сўнди ўтли нигоҳ ҳам охир.

Яноқларим халтадек оғир,  
Қулоғимдан боқар оқ туклар.  
Буруннинг ҳам ҳоли чатоқдир,  
Худди қийшиқ қиличга ўхшар.

Кута-кута чиройдан вафо,  
Елкам чўқди, сийнам теп-текис.  
Бўлиб думбам сеҳри ҳам адо,  
Билакларим бужмайди, эсиз.  
Тавба, илоҳим бердими бигиз,  
Қуриб борар тўпиқ ила сон.  
Мангуликка дердилар эгиз,  
Йўқ-йўқ, бўлди ризвон ҳам вайрон.

Қари-қартанг жононлар, хуллас,  
Оқшомлари давра тўлдириб,  
Ўтган кунлар завқи билан маст,  
Гап бийлаймиз энди ўлтириб.  
Ёшлик!.. Узни ўт-чўққа уриб,  
Қуйган сари қилар эдик кайф...  
Гулхан сўнди силласи қуриб,  
Йиллардадир аммо ҳамма айб!»

### «КАТТА ВАСИЯТНОМА» ДАН

Эзиламан ёшлигим кўмсаб...  
Бир маҳаллар қилиб бебошлик,  
Ўтказибман умримни ўйнаб,  
Тарк этгунча қулбамни ёшлик.  
На яёв у, на эди отлиқ,  
Лип этди-ю... Қолдим мен яйнаб.  
Ўша-ўша, юракда ғашлик,  
Эзиламан ёшликни ўйлаб.

\* \* \*

Биби Марям руҳин улуғлаб,  
Онам учун қилдим ибодат, —  
Ахир ўғлин ҳажрида йиғлаб  
Ўтди у Зот кўрмай ҳаловат.  
Ҳаёт менга қилса маломат,  
Дардларимга топгувчи чора,  
Қальам бўлиб кўтаргувчи қад  
Бир инсон бор — Онам бечора!

\* \* \*

Умид ипин узиб бир йўла,  
Мен бечора жонимни бу он  
Барча дарду алами ила  
Илоҳимга этгум аргумон.  
Даъватимни тинглаб, мен томон  
Фаришталар бурур карвонни  
Ва, булутлар оша, бегумон  
Эгасига элтишар жонни.

\* \* \*

Иннайкейин, бизга берган  
Онадан ҳам азиз билганим —  
Бағри иссиқ, жонажон Ерга  
Топширилгай жафокаш таним.

Лойхўрақлар озгин эканим  
 Кўриб, балки қолишар доғда...  
 Нетай, тақдир бўлгач муаллим,  
 Ердан унгача тинчир тупроқда.

### ДОРГА ТОРТИЛГАНЛАР АРЗИ

Одамлар, кечиринг гуноҳимизни,  
 Токи у дунёмиз бўлсин тинч, ёруғ!  
 Қулоққа олсангиз гар оҳимизни,  
 Тангри ўз раҳматин тутмагай дариф.  
 Осилиб ётибмиз, мана, сап-сариф,  
 Атрофда чарх уриб беҳисоб қузгун,  
 Ожиз танимизни нимтақлар тун-кун,  
 Соқолу кўздан ҳам бўлдик мосуво.  
 Дўстлар, устимиздан кулманг-у мамнун,  
 Бизнинг ҳаққимизга айлангиз дуо!

Сиз ва биз қондошмиз, чап бериб тақдир,  
 Гарчи жаллодларга ўлжа бўлсак ҳам.  
 Яхши биласизки, этилса таҳқир,  
 Ўзини босишга ожиздир одам.  
 Майли, Тангри ўзи бизларга ҳакам:  
 Бир маҳал умид-ла чиққандик кулга,  
 Сўнг супуриб кетгай қайгадир сабо.  
 Син тақиб, марҳумга солмасдан қўлка,  
 Келинг, ҳаққимизга айланг бир дуо...

Ёзда ҳам, баҳору кузда, қишда ҳам  
 Бунда ором билмас суяклар бир он.  
 Гоҳ офтоб қовурар қолдирмайин нам,  
 Гоҳ ёмғир савалар, гоҳида бўрон, —  
 Шовуллаб, гувиллаб, увиллаб беармон,  
 Устибощимизни бурдалар шарт-шарт,  
 Устихонимизни ўйнар бешафқат,  
 Эвоҳ, шу тариқа бўламиз адо.  
 Бу оддий ўлиммас, дўстлар бу даҳшат! —  
 Келинг, ҳаққимизга айланг бир дуо...

\* \* \*

О Тангрим, меҳрингга муҳтожмиз, муҳтож,  
 Раҳм қил, жаннатинг эшигини оч,  
 Етар заминдаги биз олган жазо!  
 Энди, отавермай изимиздан тош,  
 Дўстлар, ҳаққимизга айлангиз дуо!

Пиримкул ҚОДИРОВ

**Амир Темур сиймоси**

Илмий бадиа

**ЭККАНИНИ ЎРГАНЛАР**

**Ч**иғатой улуси деб аталган катта бир мамлакат мустамлака зулмидан озод бўлгани ва ўзининг Турон деган қадимий номини қайта тиклаб, мустақил давлатга айлангани Сигноқни пойтахт қилиб турган Оқ Ўрдани ва Волга бўйларида ҳукмронлик қилаётган Олтин Ўрда хонларини жуда безовта қилиб қўйди. Агар бу икки ўрда бир ёқадан бош чиқариб ҳуруж қилса, Амир Темурнинг ғолибона юришларига қарши бирон чора топган бўлишарди. Лекин бу даврга келиб Чингизхон авлодлари орасидаги тахт талашини ва ака-ука, ота-ўғилларнинг бир-бирларига адовати авжига чиқди.

Асли ўзи адоват уругини Ўзбекхон экиб, тахтга чиққан эди. У хонларнинг киз авлодларидан туғилгани учун 1312 йилда вафот этган Тўхтахонга жиян бўлар ва тахт талашинга ҳаққи йўқ эди. Тўхтахон катта ўғли Элбосмишни валиаҳд қилиб тайинлаганди. Бироқ Ўзбек ундан қобилиятлироқ ва шафқатсизроқ чиқди. У Элбосмишни ўлдириб, тахтни зўравонлик билан эгаллайди.

Элбосмишнинг икки укаси ҳам тахтга даъвогар бўлганлиги учун Ўзбекхон тарафдорлари уларни ҳам қатл этадилар. Ўзбекхонга тахтни эгаллашда ҳоразмлик Темур Қутлуғ ёрдам беради. Нуъмониддин Хоразмий деган ҳақимга Ўзбекхон Сарой Беркада хонақоҳ қуриб берган ва унинг суҳбатида бўлиб, ислом дини аҳкомлари билан танишган эди.

Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, Ўзбекхон тахтга ўтирганининг саккизинчи йилида ҳазрати Занги Ота авлодларидан бўлган Сайид Отага мурид бўлиб, ислом динини қабул қилади. «Ўзбекхон билан бирга Сайид Ота ҳамроҳлигида Туркистонга зиёратга келган элнинг нишонаси шул эдики, — деб ёзади Улуғбек, — улар Сайид Отанинг муридлари эдилар»<sup>1</sup>.

Тарихдан маълумки, Занги ота Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган. Яссавийнинг ҳикматларига сингдирилган исломий таълимотни Ўзбекхон Сайид Ота орқали қабул қилгани учун хон Яссавий мақбарасини зиёрат қилишга келганлиги Улуғбек томонидан махсус қайд этилган.

Ўзбекхоннинг катта бобоси Жўжи шомон динида эди. Ўзбекхон ва унинг тарафдорлари исломни қабул қилганларидан сўнг Жўжи ғайридин бўлиб қолади. Шундан сўнг улар Жўжихоннинг номидан ҳам воз кечадилар. Аввалги Жўжи улусини Ўзбек улуси деб аташ ҳақида Ўзбекхон махсус фармон чиқаради ва бу фармонга итоат этмаганларни аёвсиз жазолайди. Ўзбекхон ўттиз йил тахтда ўтирган даврда Олтин Ўрдада маданий ва маънавий ҳаёт анча ривожланади.

<sup>1</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 1994. 226-бет.

Охири. Боши ўтган сонда.

Хоннинг фармони билан Қримнинг Кафа шаҳрида, Сарой Беркада, Урганчда масжидлар қурилади. Давлат идораларида туркий тилда иш олиб борилади. Лекин Ўзбекхон тоғасининг тахт вориси бўлган ўғилларини ўлдириб, зўравонлик билан хон бўлганини унинг мухолифлари унутган эмас эдилар.

1342 йилда Ўзбекхон вафот этгандан сўнг мухолифлар дилида йиғилиб ётган интиқом ва адоват юзага қалқиб чиқади. Улар Ўзбекхоннинг тахтга биринчи бўлиб чиққан ўғли Жонибекка қарши ўз ўғли Бердибекни ишга соладилар.

Жонибек ўлдирилади ва Бердибек тахтни эгаллайди. Аммо орадан уч йил ўтмай Бердибекхоннинг душманлари укаси Келдибек воситасида Бердибекни ўлдирадилар. Фалакнинг гардишини қарангки, тахтни эгаллаган Келдибекка қарши укаси Наврўз суиқасд уюштиради ва уни ўлдириб акаси ўрнига хон бўлади.

Бу ҳодисаларни батафсил таҳлил қилган академик Б. Грековнинг ёзишича, «1360 йилдан то 1380 йилгача Олтин Ўрда тахтида 24 марта хон алмашинади. Йигирма бешинчи хон Мамайхон тахт вориси эмас эди, шунинг учун Ўзбекхон авлодидан бўлган ёш Абдулла номидан давлатни бошқарди. Аммо бу ҳам узоқ давом этмади. 1380 йилда Мамайхон Куликово жангида мағлуб бўлиб тарих саҳнасидан тушди ва ўлдирилди»<sup>1</sup>.

Адоват уруғини аямай эккан чингизийлар унинг заҳарли ҳосилини ўришга қандай мажбур бўлганлари мана шу фактларда яққол кўзга ташланади. Инқирозга учраган Олтин Ўрда тахти учун курашда Оқ Ўрда хони Ўрисхон ҳам иштирок этади. У 1361-62 йилларда бир марта, 1366 йилда иккинчи марта ҳар икки Ўрдани бирлаштиришга вақтинча муваффақ бўлади. Ҳожи Тархон шаҳрида қурултой ҳам ўтказади. Аммо Олтин ўрдадаги қонли курашлар шундай даҳшатли тус оладики, Ўрисхон бу курашда енгилиб, Оқ Ўрдага қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Мана шундай ўзаро ички курашлар авжига чиққан шароитда Олтин Ўрда ҳам, Оқ Ўрда ҳам ўзи билан ўзи овора бўлиб, Туронда мустақил давлат тузган Амир Темурга қарши жиддий қаршилик кўрсата олмади. Фақат Хоразм Олтин Ўрдага қарашли бўлгани учун, хоннинг Урганчдаги хос вакиллари ўзларига итоаткор бўлган хоразмликларни Амир Темурга қарши гиж-гижлаб, Бухоро атрофларидаги туманларга бир неча марта талончилик юришлари уюштирдилар.

Амир Темур Хоразмнинг қадим замонлардан бери Турон-Туркистон билан бир дарёдан сув ичган туркий эл бўлганини ҳисобга олиб, орада пайдо бўлган муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Урганчга нуфузли элчилар ва совға-саломлар юборган эди. Бироқ Олтин Ўрдага қарам бўлган Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи бегуноҳ элчиларни қамаб қўйиб, Амир Темур қаршисида қилич яланғочлаганини билдирди. Бунга жавобан Амир Темур энг сара қўшинларини йиғиб, 1372 йилнинг эрта баҳорида Хоразмга юриш бошлади. Лекин биз «сара» деб атаган қўшин саркардалари орасида Амир Темурга қарши зимдан адоват сақлаб юрган ва хоразмлик Ҳусайн Сўфи билан махфий алоқа боғлаган ғанимлар ҳам бор эди.

Ана шу ғанимлардан бири Ҳутталон ҳокими Кайхусрав бир вақтлар чингизийлар хизматида бўлгани, Сайрамда ҳам ҳокимлик қилгани, Оқ Ўрдага қарашли Ўтрорда бир йил қишлагани Шарафиддин Яздийнинг «Зафарнома»сида қайд этилган<sup>2</sup>.

Эҳтимол ўша 1368-1369 йилларда Кайхусрав Ўтрор яқинидаги Сигноққа бориб, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрисхон билан учрашгандир ва Амир Темурга қарши хоразмлик Ҳусайн Сўфи билан иттифоқ тузиш маслаҳатини қилгандир. Агар Кайхусрав галабага эришса, Бухоро ҳокимлигини Ўрисхон Кайхусравга ваъда қилган бўлиши керак. Узоқ тоғлик вилоят Ҳутталондан кўра қадимдан дунёга машҳур Бухородай улуғ шаҳар ҳукмдори бўлиш Кайхусравнинг ширин орзусига айланган бўлиши эҳтимолга яқин.

Хуллас, Кайхусрав Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юришида катта бир хиёнатга тайёргарлик кўради. Амир Темур аввал Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қадимий Қиёт қалъасини шиддатли бир ҳамла билан эгаллайди. Сўнг Урганч

<sup>1</sup> Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Золотая Орда. 1950, 375-бет.

<sup>2</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 56-бет.

қалъасига яқин бориб, Хусайн Сўфига элчи юборди. «Яхшиликча сулҳ тузмасангиз ва элчимизни озод қилмасангиз, Қиёт қалъаси каби бир ҳамла билан мағлуб бўлурсиз!» деб огоҳлантиради.

Хусайн Сўфидан Амир Темурдек улуг лашкарбоши билан беллашадиган куч йўқ эди. Шунинг билан бирга сулҳ тузиш ёки таслим бўлиш ҳам унинг ихтиёрида эмас эди.

Бир вақтлар Ўзбекхон тирик пайтида унга яқин одам бўлган Темур Қутлуғ Олтин Ҳурданинг Урганчдаги ишончли вакили ҳисобланарди. Темур Қутлуғ Урганчда аҳоли учун жоме масжиди, ўзи учун шоҳона қаср қурдирган эди. У Ўзбекхоннинг қизига уйланиб, Қўрагон унвонига эга бўлган. Лекин орадан ўтган қирқ йил давомида Ўзбекхон ҳам, Темур Қутлуғ ҳам оламдан ўтган, кейинги хонлар бир-бирини ўлдириб, ҳар йили янгиси тахтга чиқадиган беқарор замонлар бошланган эди. Ҳозир Хоразмга сўнгги хоннинг ишончли вакили сифатида Чингизхон авлодидан бўлган баджаҳл Элийғмиш ўғлон келган эди. Хусайн Сўфи мана шу Элийғмиш ўғлоннинг кўрсатмаси билан Амир Темурдан элчи бўлиб келган Шайхулислом ва ҳамроҳларини ҳибс қилдиради. Энди қалъа ташқарисида таҳдид солиб турган Амир Темур билан урушиш ёки сулҳ тузиш борасидаги маслаҳатни ҳам Элийғмиш ўғлон бериши керак эди.

Хусайн Сўфи икки ўт орасида қоврилиб турган қоронғи тунда Ўрисхон воситачилиги билан Хоразмнинг иттифоқдошига айланган Кайхусравнинг хуфийси қалъага йўл топиб келиб қолди. Бу одам Хусайн Сўфига Кайхусравнинг махфий мактубини топширади. Мактубда Кайхусрав Амир Темурга қарши бирга жанг қилишга тайёр эканини билдиради. «Сен унинг дағдағасидан кўрқма, биз бор кучларимизни бирлаштириб жанг қилсак ғолиб чиқамиз, — деб ёзган эди Кайхусрав. — Сен ўз кўшининг билан майдонга тушсанг, мен икки минг навкарим билан Темурнинг туғбардорига ҳамла қиламан. Байроғини ерга кулатиб, бор аскарларимни сен томонга олиб ўтаман. Байроғи ерга тушган кўшин саросимага тушади, енгилган ҳисобланади. Биз биргаликда хужум қилиб, ёғийларни тор-мор этамиз!»

Дадил бўл!»

Кайхусравнинг мактубидан дадилланган Хусайн Сўфи Элийғмиш ўғлоннинг хузурига бориб, ушбу янгиликни маълум қилади. Олтин Ҳурданинг ишончли вакили Кайхусрав таклифини маъқуллайди. Ўзи ҳам беш юз кишилик мўғул кўриқчилари билан майдонга чиқиб, Хусайн Сўфига ёрдам беришини айтади.

Бу ваъдалардан дадилланган Хусайн Сўфи Кайхусравга жавоб мактубида сўзида тургани учун раҳмат айтиб, эртага албатта жанг майдонида Темурга қарши бирга курашагагини билдиради. «Бизга Олтин Ҳурданинг ишончли вакили мадад бермоқчи, унинг ҳам катта кучи бор, иншоолло, зафар бизники бўлур!» деб Хусайн Сўфи мактубини яқунлайди.

Ниҳоятда сезгир Амир Темур сўнгги кунларда Кайхусравнинг қадам олиши бироз ўзгариб қолганини, юзма-юз келганда кўзини соҳибқирондан олиб қочаётганини пайқайди. Кайхусрав саркарда бўлган икки минг кишилик кўшинда Амир Темурнинг махсус тингчи-хуфийлари бор эди. Ўшаларни чақириб, Кайхусравни сергаклик билан кузатишни, одамлари қаёққа бориб, қандай келаётганини аниқ билиб туришни буюради.

Ер остида илон қимирласа сезадиган хушёр тингчилар Кайхусрав ишонган ўнбошиларидан бири тун ярмидан ошиб, кўпчилик ухлаганда кўшин қароргоҳидан секин чиқиб, Урганчнинг қалъа дарвозасидан ичкарига кириб кетганини кўрадилар. Кейин саҳар палласигача унинг қайтиб чиқиш йўлини пойлайдилар. Тун ярмидан ошганда жосус қалъадан чиқиб келади. У Кайхусрав чодирини кўзлаб бораётганда тингчилар таппа босадилар ва қўлини, оғзини боғлаб, Амир Темур чодирига олиб келадилар.

Бу ерда жосусни тинтиб, Кайхусравга аталган мактубни топадилар. Амир Темур мактубни ўқиб кўргач, дарҳол Кайхусравни тутдириб, ўз хузурига олиб келтиртиради.

Хусайн Сўфидан хат олиб келган жосус гувоҳлигида Кайхусрав айбини бўйнига олади. Амир Темур унинг қўл-оёғига кишан солдириб, қаттиқ кўриқладиган махсус чодирда ҳибсда сақлашни буюради.

Кайхусрав кўшинида Амир Темурнинг куёви Муҳаммад Мирак иккинчи шахс бўлиб хизмат қиларди. Амир Темур уни чақиртириб, воқеадан хабардор қилади ва Кайхусрав ўрнига Хутталон кўшинига саркарда этиб тайинлагани ҳақида ёрлиқ ёздириб беради.

Эрталаб тонг отар-отмас Кайхусрав саркардалик қилган икки минг кўшинни алоҳида бир жойга йиғадилар. Амир Темур юз берган воқеани барча навкарларга маълум қилиб, бугунги жангда уларга Муҳаммад Мирак саркардалик қилиши ҳақида фармон берди. Албатта, кўшинда Кайхусравнинг содиқ кишилари ҳам бор эди. Улар саросимага тушиб қолади. Қалтис жанг пайтида булар Муҳаммад Миракни ўлдириб, ёв томонга қочиб ўтиб кетишлари мумкин эди. Шунинг учун Хутталон кўшини Амир Темур назорати остида фул (марказ)нинг орқа томонида заҳирада турадиган бўлди.

Амир Темур кечаси билан ухламай нималар қилганидан қалъадаги Хусайн Сўфи, албатта, беҳабар эди. У Кайхусравнинг икки минг навкар билан ёрдамга келишига ишониб, ўзининг саккиз минг кишилиқ кўшинини қалъадан бурғу ва карнай чалдириб, саф-саф қилиб олиб чиқади ва Амударёнинг «Қовун суви» деб аталадиган катта бир ўзани бўйидаги қулай жойларни эгаллайди. Амир Темур кўшини ўша катта сувнинг нариги қирғоғида саф тортади. Ундан ўтадиган кўприк йўқ. Баҳор тошқинларига тўлиб лойқаланиб келаётган дарё майингина «Қовун суви» деб аталса ҳам, унинг телбаланиб шовуллаб оқиши от ва туяни оқизадиган даражада тез ва таҳдидли эди.

Хусайн Сўфи кўшинига ўнг қанот, сўл қанот, фул шаклида тартиб бериб, ўзи хос мулозимлари қуршовида биланд тепаликни эгаллайди. У ҳамон ноғораларини, карнай ва сурнайларини чалдириб, Амир Темур кўшинининг ўлим хавфига тўла тошқин дарёдан ўтиб келишини кутмоқда эди.

Амир Темур куёви Муаййад Бекка, Хитойи Баҳодирга, Шайх Али Баҳодирга ва бошқа ишонган йигитларига умид ва ишонч билан бир-бир қараб чиқади, аммо «ўзингни дарёга ташла!» деган буйруқни ҳеч кимга бермайди. Соҳибқироннинг шу маънодор қарашининг ўзи йигитлар учун етарли эди. Воқеа давомини Яздийдан ўқийлик:

«Апачи Калта билан Пашойи ва шунқор Жирғату сув ичига от билан кириб, ул отлар дарёда кемадек сузиб, нариги қирғоқдан чиқдилар ва ёғий черикига ҳамла қилдилар. Ва Шайх Али Баҳодир беш киши билан сувдин ўтиб, ёғийнинг Хўжа Шайхзода бошлиқ навкарларига ҳужум қилдилар ва уларни қочирдилар. Муаййадбек ва Хитойи Баҳодир ва Оқ Темур Баҳодир сувдан ўтиб голибона жанг қилдилар. Бироқ Элчибек Баҳодир сувдан ўтарда (балки совуқ сувда томири тортишиб қолгани учундир — П.Қ.) сувга чўкиб умри тугади. Ҳазрат соҳибқирон буни кўриб отини дарёга қараб бурди ва ўзи сувга сакрамоқчи бўлди. Лекин Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз ҳазратнинг жиловидан тутиб қўймади. Ҳазратнинг ўрнига Муҳаммад Баён Сулдузнинг ўзи отини сувга сакратиб дарёга кирди ва нариги қирғоққа сузиб ўтди. Термиз хонзоларидан Саид Абдулмаоли ҳам анинг кейинидан сув кечиб ўтди»<sup>1</sup>.

Ҳатто термизлик саидзода ҳам тошқин дарёдан дадил сузиб ўтиб жангга киришгандан кейин бошқа амиру навкарлар совуқ дарёдан кўрқиб жим туришдан уялдилар. Шундан кейин ўн минг кўшин ёппасига Қовун суви дарёсидан сузиб ўтди. Албатта, уларнинг орасида Элчибек Баҳодирга ўхшаб чўкиб ҳалок бўлганлари ҳам бўлгандир. Фақат бу ҳақда манбаларда маълумот берилган эмас. Аммо эрта баҳор совуғида Амудай бешафқат дарёнинг катта бир ўзанидан ўн минг отлик аскарнинг ёппасига сузиб ўтганлиги ва Хусайн Сўфи кўшинига шердай газабнок баҳодирлар ҳамла қилганлиги душманларни даҳшатга келтиради. Карнай ва ноғоралар товуши бирдан тинади. Хусайн Сўфи билан тил бириктирган Кайхусравдан дарак бўлмайди. Хусайн Сўфи кўпчилик аскарларининг қалъага қараб қочиб кетаётганини тепаликда туриб кўради. У ҳам энди ўз жонини кутқариш кераклигини сезади ва байроқдори билан бирга Урганч қалъасига қочиб боради, ичкарига кириб дарвозаларни бекитдиради.

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 74-бет.



Қовун суви оқиб ўтадиган жой Урганчдан анчагина узоқликда эди. Амир Темурни дарёдан ўтказиш учун кема топадилар. Нариги соҳилда қолган буюм ва кийимларни кемада дарёдан ўтказишиб, баҳодирлар хўл бўлиб оғирлашган совут ва кийимлари ўрнига қуруқ ва иссиқ кийимларини киядилар, катта гулхандлар ёқиб исинадилар, бутун-бутун қўй гўштларидан кабоблар пиширадилар.

Амир Темур қўшинларининг илғорлари Урганч қалъасига етиб бориб, дарвозахоналарга яқин жойларга чодирлар тикадилар. Сўнгра Амир Темурнинг Хусайн Сўфини таслим бўлишга ундайдиган, акс ҳолда қалъа ҳам ҳужум билан олиниши муқаррарлигини маълум қилган махсус мактубини оқ байроқ кўтарган элчилар қалъа ичкарасига олиб кирадилар. Бироқ Хусайн Сўфининг қароргоҳига борган элчилар йиғи-сиғи товушларини эшитиб ҳайрон бўладилар. Шунда Хусайн Сўфининг вазири элчиларни қабул қилиб, бахтсиз ҳодиса юз бергани, Хусайн Сўфи кечаси вафот этганини маълум қилади. Лекин вазир Хусайн Сўфи икки томонлама исканжа орасида қолиб қандай жон берганини элчилардан яширади. Фақат юрак хасталигидан ўлганини айтади.

Аслида, Хусайн Сўфи юрагини бир томондан жангдаги мағлубият исканжага олган, иккинчи томондан Кайхусравнинг ёрдамига ишониб доғда қолгани, боз устига Олтин Ўрда вакили Элийғмиш ўғлонни ҳам алдагандай бўлиб, унинг ғазабига учрагани фожиага олиб келган эди. Элийғмиш ўғлон Хусайн Сўфининг ваъдасига ишониб ўз кўриқчи аскарларини ҳам ёрдамга юборган экан. Амир Темур қўшинининг шиддатли ҳужуми пайтида нафақат Хусайн Сўфининг навкарлари, балки Элийғмиш ўғлоннинг мўғул аскарларидан ҳам юзга яқини ҳалок бўлган эди. Бунинг аламига Элийғмиш ўғлон Хусайн Сўфини ўз қасрига чақириб, қаттиқ ҳақоратлаган ва юзига тарсаки туширган, натижада сўфи хушидан кетиб йиқилган эди.

Уни ўз қасрига кўтариб келиб, табиблар ёрдамида хушига келтирадилар. Аммо тонг отганда яна хушидан кетади-ю, қайтиб кўзини очмай оламдан ўтади. Энди Элийғмиш ўғлон Олтин Ўрда пойтахтига бориб, Хусайн Сўфи ўрнига унинг иниси Юсуф Сўфини Хоразмга ҳоким қилиш ҳақидаги ёрлиқни олиб келиши керак эди.

Хусайн Сўфи дафн этилгандан кейин Элийғмиш ўғлон дарҳол Сарой Беркага жўнаб кетади. Вақтинча ҳоким бўлиб турган Юсуф Сўфи Амир Темур номидан таъзия билдириш учун қалъага келган мўйсафидларни қабул қилади. Шунда Юсуф Сўфи раҳматли акаси муроса йўлига юрмаганидан афсусланди.

Кўп нарса Олтин Ўрда вакили Элийғмиш ўғлон кўрсатмаси билан қилингани очиқ айтилади. Ҳозир бу одамнинг Сарой Беркага кетганидан фойдаланиб, Амир Темурнинг ноҳақ қамаб қўйилган элчиси Мавлоно Жалолиддин Кешийни ҳибсдан бўшаттиради, зар тўн кийдириб, яхши отга миндириб, Амир Темур ҳузурига жўнатади.

Азадорлик расм-русумлари тугагандан сўнг Юсуф Сўфи Амир Темур ҳузурига ўз элчиларини юборади. Бу элчилар шоҳона ҳиргоҳда қабул қилинади. Элчилар Юсуф Сўфи сулҳ тузишга ва Қиёт билан Хивақ шаҳарларини Амир Темур ихтиёрига беришга рози эканини билдирадилар. Шунда Амир Темур сулҳнинг қўшимча бир шартини ўрғага қўяди. Доно ҳукмдорлар тинч-тотув бўлиш ҳақида сулҳ тузганда уни қариндошчилик ришталари билан мустаҳкамлайдилар. Шу анъанага биноан Амир Темур Хоразм сўфийлари билан қуда-анда бўлиш истагини билдиради. Юсуф Сўфига акаси Оқ Сўфининг бўй етган қизи Севинч бекани тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзога унаштириш ва келин қилиб узатишни сулҳ шарти қилиб қўяди. Севинч бека Ўзбекхоннинг невараси бўлиб, саройда хонзода деб улуғланарди.

Амир Темур Хусайн Сўфини жангда енггани учун Урганчга ҳам бостириб киришга ва катта моли омон талаб қилишга ҳақли эди. Лекин фақат Севинч бекани келинликка сўралаётгани Юсуф Сўфи учун бажариш осон шарт бўлиб туюлади. Мазкур шартни қабул қилади. Фақат аёллар ҳали Хусайн Сўфига аза тутиб, кўк кийиб юрганини, қизга сеп йиғиб тўйга тайёрланиш учун анча вақт кераклигини айтиб, йил охиригача муҳлат сўрайди. Мўътабар элчилар ва даврага йиғилган мўйсафидлар ҳозирча нон синдириб, фотиҳа ўқийдилар. Шундан кейин Юсуф Сўфи Амир Темурнинг ўзига, бўлажак куёв Жаҳонгир

Мирзога, Самарқанддан келган нуфузли беку аёнларга тўбичоқ отлар, самур пўстинлар, хоразмча зар тўнлар совға қилади.

Шу тарзда Хоразмга биринчи юриш ҳар жиҳатдан муваффақиятли яқунланади. Турон билан Хоразм орасида қадимдан мавжуд бўлган қон-қариндошлик, бир эл-бир мамлакатга хос яқинлик ришталари қайта тиклана бошлайди.

Албатта, Юсуф Сўфи ҳам Олтин Ўрдага қарам бўлгани учун энг муҳим давлат ишларини Элийғмиш ўғлоннинг маслаҳати билан ҳал қилиши керак эди. Айниқса, ҳозир Элийғмиш ўғлон Ҳусайн Сўфининг ўрнига Юсуф Сўфини ҳокимликка ўтказиш учун пойтахт Сарой Беркага кетган пайтда у хато иш қилишдан эҳтиёт бўлиши керак эди. Лекин у ҳам акаси каби икки ўт орасида қолган эди. Амир Темурнинг шартини қабул қилмаса, ғолиблар Урганчга бостириб кириб Севинч бекани зўравонлик билан бўлса ҳам олиб кетишга кучлари етарди. Юсуф Сўфи бундай балодан сақланиш ва вақтдан ютиш учун кузгача муҳлат олиб, кейин розилик берди. Унгача Элийғмиш ўғлон бу ишга қарши чиқса, фотиҳани бекор қилиб, айбни Олтин Ўрданинг хос вакилига тўнкаш мумкин эди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Элийғмиш ўғлон ёз пайтида Сарой Беркадан хушxabар билан қайтади. Юсуф Сўфининг Хоразм ҳокимлигига тайинлангани ҳақида хон ёрлик юборади. Бироқ Элийғмиш ўғлон ёрликни беришдан олдин Юсуф Сўфи Олтин Ўрда вакилидан бемаслаҳат Темур билан сулҳ тузганини эшитиб ғазабланади.

Ўзбекхон невараси бўлган хонзодани Олтин Ўрдага душман саналган Темурнинг ўғлига узатишга ким рухсат берди?! Бу ўзбошимчаликлар учун Юсуф Сўфининг боши кетади! Унинг иниси Сулаймон Сўфи акаси ҳокимлик лавозимидан бўшаса, уни эгаллайман деб тайёр турибди. Юсуф Сўфи хатоларини дарҳол тузатмаса хон ёрлиги Сулаймон Сўфи номига ёзилади.

Буни қилиш хонлар авлодидан бўлган Элийғмиш ўғлоннинг қўлидан келади! Хўжайиннинг таҳдидларидан қўрқиб кетган Юсуф Сўфи тиз чўкиб кечирим сўрайди ва қилган хатоларини дарҳол тузатишга ваъда беради. Эртаси кунийёқ Урганчнинг барча аркони давлатини махсус машваратга чорлайди. Бу машваратда хонзода Севинч беканинг Жаҳонгир Мирзога унаштирилгани бекор қилинади. Машваратда Қиёт ва Хивақни қайтадан босиб олиш ва Амир Темур қўйган одамларни қувиб юбориш режаси тузилади. Орадан бир ой ўтмай бу режа амалга оширилади.

Шундан кейин Элийғмиш ўғлон Юсуф Сўфининг Хоразм ҳокими қилиб тайинлангани ҳақидаги хон ёрлигини аркони давлат олдида тантанали тарзда янги ҳокимга топширади.

Бу орада адоват уруғини энг кўп экканлардан бири — Кайхусрав шу уруғлардан униб чиққан ажал ҳосилини ўришга мажбур бўлади. Хоразмдан қайтишда Қиётдан беридаги Хос деган жойда Амир Темурнинг барча вазирлари ва улуг амирлари йиғилиб, ҳибсадаги Кайхусравни сўроқ қиладилар ва қилган жиноятини бўйнига қўядилар.

Хон ҳисобланган Суюрғатмиш ўғлон уни ўлим жазосига ҳукм қилади. ҳукм Самарқандда ижро этилади. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, «Кайхусравни Самарқандда Амир Ҳусайннинг навкарларига топширадилар. Кайхусрав Балхда Ҳусайнбекни ўлдиргани учун Ҳусайнбекнинг навкарлари қатл этадилар».

Кайхусравнинг Маҳмуд исмли ўғли отаси ўлдирилганидан норози бўлиб, бир неча тарафдорлари билан Амир Темурдан қасд олмоқчи бўлди. Бу гуруҳ Хоразмга қочиб бориб, Юсуф Сўфига Амир Темурни юз хил тўхматлар билан ёмонладилар ва унинг ўғлига қиз бериб куда бўлмасликка ундадилар. Бундан олдин Элийғмиш ўғлоннинг тазйиқи остида шу қарорга келиб қўйган Юсуф Сўфи орага низо уруғи сочаётганларнинг гапларига ҳам кирди-ю, Амир Темур билан куда бўлишдан қайтганлигини эл-юртга ошкор қилди. Ҳолбуки, кузда тўй бўлади, Хоразмдан келин туширилади деган келишувга биноан Самарқандда бўлажак тўйга тайёргарлик бошлаб юборилганди. Келин-куёвга аталган тиллақори Кўшк Боғи Беҳиштнинг энг баҳаво жойига қурилмоқда эди.

Шаҳарнинг гўзал мавзеларидан бўлган Кониғилда улкан майдон анвойи гуллар билан безалиб, гўзал оқ уйлар, чодир ва шомиёналар ўрнатилмоқда

эди. Айни шу кезде «Тўй бузиладиган бўлибди, Юсуф Сўфи сўздан қайтибди, «Биз Ўзбекхон неварасини Темурнинг ўғлига бермаймиз, фотиҳа бекор қилинди» деган шум хабарлар Урганчдан Самарқандга етиб келди. Бу гаплар ростилигини тасдиқлайдиган ҳаракатлар ҳам содир бўлди. Қиёт ва Хивақ яна Юсуф Сўфи томонидан босиб олинди. Бу ишда Олтин Урданинг қўли борлиги хуфиялар ахбороти орқали аниқ маълум бўлди. Амир Темур дарҳол кўшин йиғишни буюрди.

Низомиддин Шомийнинг ёзишича, у 1374 йилнинг баҳорида иккинчи марта Хоразм юришига отланди. Бу фақат ҳарбий юриш эмас, ор-номус юриши ҳам эди. Олтин Ўрда хонлари олдида тиз чўкиб, уларга қарам бўлиб юрган Юсуф Сўфи Амир Темурдек соҳибқироннинг суюкли ўғлини куёвликка муносиб кўрмай тўйни бузмоқчи бўлаётгани лашкарбошининг ҳам, беку навкарлар ва фарзандларининг ҳам ориятини келтирмоқда эди.

Амир Темурнинг жуда газабнок эканини ёнида бирга бораётган пири комили Сайид Барака сезиб турар ва қилич яланғочлашдан олдин Юсуф Сўфига элчи юбориб, юз берган ҳодиса сабабини аниқлашни қайта-қайта илтимос қилар эди. Қизилқум саҳросини босиб ўтиб, Амударёга яқинлашганларида Амир Темур ниҳоят жаҳлидан тушиди ва элчиликка Сайид Барака бошлиқ Амир Сайфиддин, Жоку Барлос каби энг нуфузли кишиларни тайинлаб, ўзи Хос деган кентда уларни кутадиган бўлди. Даргазаб Амир Темурнинг ўн беш минг кўшин билан Хоразмга қараб келаётгани хабари Урганчга аллақачон етиб борган эди.

Элийғмиш ўғлон яна хонларнинг тахт талашаётганини эшитиб, Сарой Беркага жўнаб кетган эди. Унинг бу ерда йўқлиги Амир Темур юборган элчилар Юсуф Сўфи томонидан идиқ кутиб олинишига имкон берди. У элчиларга рост гапни айтиб, Олтин Ўрдага қарамлиги туфайли Элийғмиш ўғлоннинг кўрсатмаси билан шу хато ишни қилганини ва бундан пушаймон эканини айтди. У Амир Темурдай улуг саркарда билан уришишга қодир эмаслигини тан олди. Самарқанддан қочиб келиб, соҳибқиронни ёмонлаган Кайхусрав тарафдорларини дарҳол Урганчдан қувиб юборди. Улар энди Ўрихондан паноҳ истаб, Оқ Ўрда томонга ўтиб кетдилар. Юсуф Сўфи икки кун ичида Қиёт ва Хивақни Амир Темурга қайтариб беришга, келинни эса бўлажак тўйга тайёрлашга ваъда берди. Бу ҳақда элчилар билан аҳднома тузиб, унга имзо чекди. Элчиларнинг ҳар бирига зар тўнлар, олтин анжомли тўбичоқ отлар инъом қилиб, иззат-икром билан кузатиб қўйди.

Воқеаларнинг давомини Шомий шундай ҳикоя қилади:

«Юсуф Сўфи ёмон қилмишларига пушаймон бўлди, даҳшат ва кўркүв мижозига голиб келиб, омонлик сўради. Омонлик ҳиди димоғига етгач (яъни Амир Темур уни кечиргач), хонзоданинг зебу зийнатлари ва сепини ораста қилиш билан машғул бўлди. Олтин-кумушдан ишланган, дуру жавоҳирлар билан безатилган турфа буюмлардан шу қадар кўп ҳозирладики, ақл унинг саноғига етолмасди»<sup>1</sup>.

Куёв томони совға-саломни, олтин-кумуш ва жавоҳирларни Хоразмга бундан ҳам ортиқроқ қилиб жўнатдилар. Келиннинг юртида бўлган катта тўйга Амир Темур энг нуфузли вазирлари Довудбек, Улжайтубек, қорачор Нўён авлодларидан бўлган Лолабек, Ёдгор Барлосларни юбордилар. Сўнг улар келинни янгалари билан эъозлаб махсус маҳофада Самарқандга олиб келдилар.

Тўйнинг энг каттаси янги пойтахтда бўлди. Шаҳарни бошдан-оёқ безатиб ораста қилдилар. «Ва эл ичида андоқ хузур ва шодмонлик пайдо бўлдики, ғам оти гўё жаҳондин йўқ бўлди, — деб ёзади Яздий. — Келин-куёв учун бир оқ уй тикладиларким, ичи ва тоши лаълу жавоҳир билан мурассаъ (безатилган) эди»<sup>2</sup>.

Бу тўй 1374 йилнинг баҳорида бўлиб ўтади. Демак, Жаҳонгир Мирзо 18 ёшда эди. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтса ҳам, Севинч беканинг бўйида бўлмайди. Эҳтимол, тезроқ неварга кўриш истаги сабаб бўлгандирки, ота-оналар 1375 йилда Жаҳонгир Мирзони яна уйлантирадилар. Бу гал Тошкент ҳокими Илёс Ясовурийнинг Бахт Мулк Оға деган гўзал қизи Жаҳонгир Мирзога иккинчи хотин қилиб никоҳланади.

<sup>1</sup> Шомий. Зафарнома. 1996, 95-бет.

<sup>2</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 78-бет.

Албатта, ҳар икки келин алоҳида боғлар ва кўшқларда турадилар. Ўн тўққиз ёшли Жаҳонгир Мирзо икки гўзал келинчакка навбатма-навбат ёстиқдошлик қилади»<sup>1</sup>. Бахт кўша келади деганларидек, орадан яна бир йил ўтар ўтмас ҳар икки келин ҳам ҳомиладор бўладилар.

Бу орада Жаҳонгир Мирзо Жете ҳукмдори Қамариддинга қарши уюштирилган бир эмас, учта ҳарбий юришда энг оғир топшириқларни бажариб, илғор қисмларни бошқаради. Самарқанддан Или дарёси бўйларигача, ундан наридаги Алма-Ати ва Олатов тоғларигача минг чақиримдан ортиқ йўлларни отда шитоб билан босиб ўтади.

Маккор Қамариддин гоҳ Талас дарёси бўйларида, гоҳ Фарғона водийсида, гоҳ Иссиққўл бўйларида мудом талончиликлар ва қотилликлар қилади.

Унинг тўрт мингдан ортиқ навқарлари қароқчи ўғрилар каби юзма-юз олишувга чиқмайди, доим топиш қийин бўлган бекик дараларда яшириниб қочиб юради. Жаҳонгир Мирзо йўли бири-биридан тик ва хатарли тоғ дараларининг учтасидан ўтиб бориб, Қамариддиннинг қароргоҳларидан бирини топади. Бироқ Қамариддин Олатовдан ошиб, Иссиққўлнинг Отбоши деб аталадиган дарёси бўйларига ўтиб яширинади. Қамариддиндан ажралиб чиққан бир неча минг уйлик тутқун аҳоли «...Буларга, яъни Қамариддинни таъқиб этаётганлар ихтиёрига ўтиб эл бўлди. Уларни кўчириб Самарқанд сори юбордилар» деб ёзади Яздий<sup>2</sup>.

Амир Темур ҳам асосий кўшинлари билан Иссиққўл бўйига етиб келади. Шу ерда Жаҳонгир Мирзо душманлардан тортиб олинган юзлаб сурув қўйлар, минглаб от ва туялар, бошқа қимматбаҳо ўлжаларни ҳазрат отасига тақдим этади. «Амир Темур ўглининг баҳодирона ишларидан мамнун бўлиб таҳсин айтади. Сўнг яна Жаҳонгирни баҳодирлар билан кўшиб дейдики, «жаҳд қилинг, Қамариддин эликка тушин»<sup>3</sup>.

Қамариддин машҳур Сусамир яйловларидан наридаги катта бир тоғ орқасига қароргоҳ курган экан. Жаҳонгир Мирзо кўшини тоғ дараларидан минг азоб билан ўтиб бориб ўша қароргоҳни ҳам топади ва уни ўраб олади. Маккор Қамариддин эҳтиётини қилиб, ўз қароргоҳидан нарироқда яшириниб ётар экан. Бу гал ҳам у қочиб кутулиб кетади. Аммо қароргоҳдаги барча бойликлар ва Дилшод оқо исмли гўзал қизи ўлжа олинади. Қора Қасмоқ деган жойда Жаҳонгир Мирзо олинган барча ўлжаларни Дилшод оқо билан бирга отасига тақдим этади.

Амир Темур ўглининг неча кунлардан бери тоғ йўлларида азоб тортиб анча озиб қолгани, кўзлари ичига ботиб кетганини сезиб, унга дам беришни ўйлайди.

Соҳибқиронга гўзал Дилшод оқо ёқиб қолган эди. Отбоши дарёсининг Иссиққўлга қуйилиш жойида, Арпа Ёзи деб аталадиган гўзал майсазорда саропарда ва шоҳона чодирлар тикилади. Уттиз тўққиз ёшли Амир Темур шу ерда бир неча кун тўй бериб, Дилшод оқони ўз никоҳига олади. Тўй кунларида Жаҳонгир Мирзо ҳам анча дам олиб нафас ростлайди. Шундан кейин ҳаммалари Ясси довони орқали Ўзганга келиб тушадилар ва у ердан Самарқандга қайтадилар.

Қиш тинч ўтади-ю, эрта баҳордан Хоразмга юриш бошланади. Чунки Юсуф Сўфи яна сулҳ қоидаларини бузиб, Қиётни босиб олган ва Бухоро атрофларидаги туманларни мўғул навқарларига талатган эди. Бу ишда ҳам Олтин Урданинг қўли борлигини сезган Амир Темур кўшин йиғилиб бўлгунча ўзи орқароқда қолиб, Жаҳонгир Мирзони олти минг навқари билан илғор тарзида шитоб билан Хоразмга жўнатади. Шунинг устига Сари Буға, Одилшоҳ деган амирлар Қипчоқ ва Жалойир элини ўзлари томонга оғдириб, Самарқандга ҳужум қиладилар.

Бу хабарни Хоразм йўлидаги Хосга етганда эшитган Амир Темир кўшинни орқага қайтаради. Яна Жаҳонгир Мирзони манглай (яъни, илғор) қилиб, душманни даф қилиш учун олдинроқ жўнатади.

<sup>1</sup> Қаралсин: Турғун Файзиев. Темурийлар шажараси. 1995, 69-бет.

<sup>2</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 77-бет.

<sup>3</sup> Ўша китоб. 77-бет.

Жаҳонгир Мирзо Карманага етганда Сари Буға ва Одишшоҳ бошлиқ мингтача бузуқиларни қувиб етди. Улар Амир Темурни Хоразм юришидан чалғитиш учун Самарқандга ҳужум уюштирган эдилар. Албатта, қалбадагилар уларга зарба бериб, Амир Темур қайтиб келаётганини ва исёнчиларни янчиб ташлашини билдирадилар.

Шундан кейин исёнчилар Кармана орқали Бухорога ўтмоқчи бўладилар. Отасидан олдин Карманага етиб келган Жаҳонгир Мирзо уларнинг йўлини тўсади, қилич яланғочлаб, хоин фитначилар билан қаттиқ жангга киришади. Жанг Жаҳонгир Мирзо ғалабаси билан тугайди. Одишшоҳ ва Сари Буға бошлиқ исёнчилар тирик қолган одамлари билан Дашти Қипчоққа бориб Урисхонга сифнадилар. «Анда Тақи уларнинг ёмон феъли зоҳир бўлиб, Урисхондан қочиб, Жете улусига Қамариддинга бордилар»<sup>1</sup>. Ҳолбуки, шундан бир йил олдин Одишшоҳ ва Сари Буғалар Жаҳонгир Мирзонинг қўшини сафида Қамариддинни таъқиб этган эдилар. Бу хоинлар ўшанда ҳам Қамариддинга жосуслик қилиб, Жаҳонгир Мирзога зимдан қарши иш олиб борган бўлсалар керак. Қамариддиннинг ҳар қандай ҳолатда ҳам қочиб қутулиб кетишига шулар махфий хабар юбориб кўмаклашганлари энди аён бўлди. Балки улар ойлар давомида маккор душманни туютолмай тоғ йўлларида азоб тортган Жаҳонгир Мирзони ҳолдан тойдириб, касал қилиш ниятида бўлгандирлар.

Жаҳонгир Мирзо шуни энди фаҳмлаб, душманлари билан охиригача мардона жанг қилди. Карманада эришган зафари унинг охириги ғалабаси бўлди. Шундан кейин унинг тоби қочиб Самарқандга қайтди ва етиб қолди.

Жетегача қочган Сари Буға ва Одишшоҳларнинг куткуси билан Қамариддин Андижонга босиб келди. Андижон ҳимоясида турган Умаршайх Мирзонинг минг кишилиқ қипчоқ қўшини хиёнат йўлига кўриб, Қамариддин томонга ўтиб кетди. Умаршайх Мирзо тоғларга чиқиб кетиб жон сақлайди. Қамариддин қўшини Андижон ва унинг атрофларини талайди ва хароб қилади. Бунинг хабари Амир Темурга етиб боргач, у дарҳол отланиб, бор қўшини билан Андижонга йўл олади.

Номард Қамариддин яна юзма-юз олишувдан қочиб, Отбоши томонга қуён бўлиб кетади. Амир Темур уни таъқиб этиб, қайтадан Иссиққўл бўйларига ва Отбоши дарёсигача боради. Лекин ғаним яна тоғиш қийин бўлган дараларга кириб яширинади.

Суюкли ўғли Жаҳонгирни касал аҳволда табибу ҳақимлар ва меҳрибон аёллар ҳимоясига ташлаб келгани соҳибқиронни безовта қилади. Ўғлининг хасталиги тушларига кириб чиқади. Охири ёмон бир туш кўргандан кейин дарҳол Самарқандга йўл олади. Бироқ ота етиб келгунча суюкли ўғил ҳаётдан кўз юмган эди.

Севинч беканинг ой-куни етиб, ажойиб бир ўғил туққанда Жаҳонгир Мирзо ҳали ҳаёт эди. У биринчи ўғлини кўришга муяссар бўлди-ю, эртаси куни жон берди. Орадан қирқ кун ўтгандан кейин Бахт Мулк оқо ҳам ўғил тугади. Аммо отасини кўриш бу ўғилга nasib этмайди.

Фарзанд доғи, суюкли ўғилнинг мусибати туфайли Амир Темур қанчалик оғир ғам-ғуссага ботгани Шомий асарида шундай ифодаланади: «навжувону паҳлавону комрон фарзанди фироқида кўзи гирён, бағри бирён бўлиб, жудоликнинг аччиқ балосидан коса-коса ичди, мотам ва мусибат либосини кийди»<sup>2</sup>.

Яздий қўшимча қилиб айтадики, фарзанд мусибати шу қадар оғир кечдики, соҳибқирон бир қанча вақт давлат ишларидан ҳам беътиқод бўлиб, ҳамма нарсадан кўнгли қолгандай руҳи тушиб юрди. Лекин пири комил Сайид Барака ва содиқ беклар унинг ҳузурига йиғилиб, кўнгилнинг захрини оладиган дил сўзларини айтдилар. Шу аснода хабар келдиким, Жаҳонгир Мирзога кўп хиёнатлар қилиб, унинг хасталанишига сабабчи бўлганлардан бири Одишшоҳ Жалойир Қамариддин ҳузуридан ҳам қочиб кетади. Ўтрор яқинидаги Қоратоғда бир неча гумроҳлар билан саргардон юрган эмиш. Амир Темур бу хоинни жазолаш учун Хўжа Кўкалтош бошлиқ ўн беш йигитни Ўтрорга жўнатди. Бу

<sup>1</sup> Шомий. «Зафарнома». 1976, 99-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 102-бет.

йигитлар хиёнатчи Одилошхони Оқсув деган жойда қўлга туширдилар ва барча айбларини бўйнига қўйиб қатл этдилар. Шу билан адоват уругини экканлардан яна бири ўзи эккан ажал ҳосилини ўриб нариги дунёга кетди.

Янги туғилган икки ўғил неварга Амир Темурнинг мусибат яралаган дилига гуё малҳам бўлди. Бобоси қатта неварга Муҳаммад Султон, кичигига Пир Муҳаммад деб исм қўйди. Соҳибқирон тоғ саҳарларда жойнамоз устида ўлтириб, кўзда ёш билан шу гўдакларга узоқ умр тилайди, уларнинг оталари каби суюкли фарзанд ва боболарига муносиб ворис бўлиб етишишларини парвардигордан илтижо қилади.

## ЖЕТЕ ВА ОЛТИН ЎРДАНИНГ ВАХШИЁНА ТАЖОВУЗИ

Ватанимизни қўчманчи чингизийлар асоратидан қутқаришда жуда мушкул муаммолар бор эди. Мустамлакачи мўғул кучлари юзма-юз жангларда Амир Темур лашкаридан уч, тўрт, ҳатто беш марта мағлубиятга учраб, Туроннинг маълум ҳудудларидан аёвсиз қувилса ҳам, яна аллақайлардан ёлланма қўшинлар тўплаб, чекка жойлардаги шаҳару қишлоқларимизга ўғринча бостириб келишар, бузғунчилик ва талончиликлар билан қўйин-қўнжиларигача ўлжага тўлдиргач, гўшт ўғирлаган мушукка ўхшаб, тоғ дараларига бориб яширинишарди. Уларни қидириб топиш ва жазосини бериш учун тик доволардан ошиб, тоғу тошларда минглаб қақирим йўл босиш керак бўларди. Айниқса, Қамариддин бошлиқ тўрт минг кишилик талончи қўшин раҳматли Жаҳонгир Мирзодан тоғ дараларида уч марта енгилиб, қочиб қутулиб кетган, Амир Темурнинг ўзи ҳам унинг сон жиҳатидан йигирма баробар кўп қўшинини икки юз кишилик баҳодир навкарлари билан тор бир дарага қамаб, роса тутдай тўккан, шунда ҳам Қамариддин арчазорлар орасидан яширин бир йўл топиб қочиб қутулиб кетган эди. Бу одамларга орият, номус, курашда йиқилса, мағлубиятига тан бериб майдонни тарк этиш одатлари мутлақо бегона эди.

Бошқа муҳим давлат ишларини ўйлаб, Амир Темур гоҳ Таласдан, гоҳ Иссиққўл бўйларидан Самарқандга қайтиб кетганида Қамариддин қўшини тоғлар орасидан чиқиб, гоҳ Фарғона водийсига, Андижону Узганга, гоҳ Талас водийси орқали Сайрам ва Тошкентга бостириб келиб яна талончилик ва бузғунчиликларини давом эттирар эди.

Бу ғанимни йўқ қилиш учун суянган устунларини қулатиш керак эди. Бу устунлар тоғ дараларидаги яхши ҳимояланган қароргоҳлар ва «босқоқлар» деб аталадиган маҳаллий ҳокимлар эди. Худди Россия томонларидаги каби Иссиққўл атрофларидаги жете<sup>1</sup> ҳокимлари ҳам «босқоқлар» деб аталганини биз шу ўлкаларда туғилиб ўсган, унинг тарихини яхши билган ва «Темур тузуклари»дек буюк асарни биринчи бўлиб ўзбек китобхонига ўз таржимасида етказиб берган Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» китобида ўқидик<sup>2</sup>.

Амир Темур жетегга қарши қилган ҳар бир юришида Қамариддинга суянчиқ бўлган ана шу устунларнинг аллақанчасини Алма-Ати атрофларида, Или ва Чу дарёси бўйларида, Иссиққўл қирғоғидаги Отбоши ва Арпа ёзида қулатиб йўқ қилди. Бу ерларнинг аҳолиси энди Турон халқи каби чингизийлар асоратидан озод бўлди. Босқоқлар деб аталган ҳокимлар бу ердан ҳам қувилди. Қамариддиннинг белини бақувват қилиб турган юзлаб сурув қўйлар, ўн минглаган от ва туялар, Туроннинг ички вилоятидан ўлжа қилиб олиб келинган беҳад кўп бойликлар, асир қилиб ҳайдаб келинган минглаб ҳунармандлар, хизматкорлар, ҳатто навкарлар Амир Темур қўшини билан Туроннинг ичкари вилоятларига қайтиб бормоқда эди.

Қамариддин Фарғона водийсида бошқа талончилик қилолмаслиги учун чораталбирлар кўрилди. Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо Жаҳонгир Мирзонинг ишини яхши давом эттираётган энг тажрибали амирлар ва баҳодирлардан иборат беш минг қўшин билан водийни ташқи тажовузлардан доимий ҳимоя қилиб турадиган ҳоким қилиб тайинланди. Шундан кейин Қамариддин Иссиққўлдан берига келолмай қолди.

<sup>1</sup>Жете (жета) — қароқчи, талончи мўғуллар.

<sup>2</sup>Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. 2003, 148-149-бетлар.

Амир Темур Иссиққўлни ҳам Туроннинг энг гўзал бир қисми деб ҳисоблар ва Қамариддиннинг шум қадами бу муқаддас ўлкадан бутунлай даф бўлишини истарди. Шунинг учун Амир Темур 1376 йилнинг ўрталарида Жетеге қарши уштирган бешинчи юришини тўғри Иссиққўл томонга йўналтирди. Сарқарда олдинроқ жўнатган илғор қўшинлар Қамариддинни Иссиққўлнинг ғарб томонидаги Буғам Ойқўл деган жойда қувиб етдилар.

Икки орада оғир жанг бўлади.

Қамариддин яна энгилиб қочади, унинг кўпчилик навқарлари асир тушади, мол-мулки ўлжа олинади. Аммо ўзи Юлдуз деган машҳур яйлов томонга қочиб қутулиб кетади. Бу яйловдан бир неча юз чақирим жойда Ғулжа, ундан яна саксон чақирим нарида Олмалиқ шаҳарлари бор эди. Қамариддиннинг энг сўнги қочиб борадиган жойи ана шу Олмалиқ бўлиши мумкин эди.

Амир Темурга келган хабарларга кўра, Олмалиқни Кеш ва Тошкент яқинида Амир Темур билан урушиб энгилган ва вафот этиб кетган Илёсхўжанинг ўғли Ҳизрхўжахон эгаллаган эди. Қамариддин хоннинг вориси эмас, шунчаки вазири эди. Шунинг учун ёш йигит бўлган Ҳизрхўжахоннинг тарафдорлари Қамариддинни давлат бошлиғи деб тан олмас ва унга қарши кураш олиб борар эдилар.

Амир Темурнинг Олмалиқ шаҳридан ҳам хабар юбориб турадиган ишончли одамлари бор эди. Улар Амир Темурнинг Ҳизрхўжахонга элчилар юбориб, Қамариддинга қарши иттифоқ тузишини истар эдилар. Амир Темур ҳам ғанимларнинг ички зиддиятларидан шу иттифоқ ёрдамида фойдаланиш мумкинлигини сезиб, Ҳизрхўжахон билан тил топиш йўлини излайди. Албатта, Ҳизрхўжахоннинг отаси умр бўйи Амир Темурга қарши душманлик руҳида иш олиб борган эди. Бунинг таъсири ўғлига ва атрофидаги аъёнларга ҳам ўтган бўлиши керак. Лекин Амир Темур Ҳизрхўжахон билан ҳокимият талашаётган Қамариддинга қақшатқич зарбалар берса ва уни орадан кўтариб ташлашга кўмаклашса, шунинг ўзи икки орага кўприк бўлиб тушмасмикин?

Амир Темур Иссиққўлдан наридаги Кўчқор деган баҳаво жойда тўхтаб, сарофарда ва шоҳона чодирлар қурдирди-ю, Қамариддинни Юлдуз яйловигача ва ундан нари Олмалиқ шаҳригача таъқиб этиб бориш ва Ҳизрхўжахон билан ўша ёқда тил топишиш ҳақида улуғ амирлар ва вазирлар билан кенгаш ўтказди.

Кўпчиликнинг фикри шу бўлдики, бунинг учун Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан яна камида ўттиз минг кишилик қўшин йиғиш лозим бўлади. Мўғулистоннинг жон жойи бўлган Юлдуз яйлови ва пойтахт Олмалиққа ана шундай катта куч билан борилмаса мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳозирча эса Ҳизрхўжахонга нуфузли элчи ва яхши совғалар юбориб, Амир Темур уни ҳақиқий хон деб тан олишини, Қамариддин икки томонга ҳам бирдай душман бўлгани учун унга қарши курашаётганини маълум қилиб қўйиш лозим топилди. Бунинг устига Самарқанддан келган чопар жуда муҳим хабар олиб келди.

Машҳур Ботухон авлодларидан бўлган Тўхтамиш ўғлон Олтин Ўрда хони Ўрисхон билан ёвлашиб қолибди. Тўхтамишнинг отаси Тўйхўжа ўғлон тахт талашгани учун Ўрисхон уни қатл эттиради.

Тўйхўжанинг йигирма бир ёшли ўғли Тўхтамиш отаси учун Ўрисхондан қасд олмоқчи бўлади. Бундан хабар топган Ўрисхон Тўхтамишни ҳам ўлдириш ҳақида буйруқ беради. Ҳозир бу хундор душманига бас келолмаслигини сезган Тўхтамиш яқин одамлари билан Хоразм томонларга қочиб келади ва ўша ердан Амир Темурга ишончли вакилини юбориб, унинг хизматиغا кириш истагини билдиради. «Ўрисхон сизнинг ҳам ашаддий душманингиздир, — деб мурожаат қилади Тўхтамиш Амир Темурга. — Агар мени тутунган бир ўлингиз ўрнида қабул қилсангиз, то умрим борича фарзанддек садоқат билан хизматингизни қилгаймён. Токи сизнинг ёрдамингизда отамнинг қотили Ўрисхонга адолатли қасос қайтсин».

Ёш шаҳзоданинг бу илиқ мурожаати Амир Темурни ўйлантириб қўяди. Унинг назарида, Қамариддинни бартараф қилишга ҳали вазият етилган эмас. Вақт — адолатли ҳакам. Бир-икки йил сабр қилинса, Олмалиқдаги ёш Ҳизрхўжа кучга кириб, Қамариддин билан астойдил олишадиган бўлади. Унгача Амир



Темур ўз оёғи билан келаётган Олтин Ўрда шаҳзодаси Тўхтамишнинг Ўрисхонга қарши курашига кўмаклашса, Оқ Ўрда тажовузларидан кутулиши мумкин. Агар Тўхтамиш кучга кириб, Олтин Ўрда тахтини ҳам эгаллай олса, ўшанда Хоразмни чингизийлар асоратидан ҳалос қилиб, тарихий адолатни тиклаш ва Жалолиддин Мангуберди ватанини яна Турон мамлақати таркибига қўшиш осонлашади.

Доим узоқни кўзлаб иш қиладиган Амир Темур Олмаликдаги Ҳизрхўжахонга боғлиқ режаларни амалга ошириш учун ҳали кўп вақт кераклигини ўйларди. Лекин Хоразмни Олтин Ўрддан ва қадимий туркий шаҳар бўлган Сигноқни Оқ Ўрддан яқин йилларда ҳалос қилиш учун зарур бўладиган қулай вазият қувғинга учраган Тўхтамиш қиёфасида ўз оёғи билан Туронга қараб келаётгандай соҳибқиронни мамнун қилди.

У ҳали Кўчқорда эканидаёқ Олтин Ўрда ишларини яхши қиладиган Амир Туманбекни Иссиқкўл бўйларида Хоразм томонларга Тўхтамиш ўғлонни кутиб олиш учун жўнатди. Шундан сўнг, Амир Темурнинг ўзи ҳам Ясси довони ва Ўзган орқали Самарқандга қайтди. Бу орада Туманбек Ўрисхон таъқибидан қочиб юрган Тўхтамишни Қизилқумнинг қайси бир мавзедан топиб, яхши отларга миндириб, ҳамроҳлари билан Самарқандга бошлаб келади.

Амир Темур ўғли тенгли Тўхтамишни иззат-икром билан кутиб олади. Унинг шарафига катта зиёфат беради.

Соҳибқирон катта саҳийлик кўрсатиб, «Тўхтамишга ва тобеларига молу мато, от ва хачир, чодир ўтов, ноғораю байроқ тортиқ қилди»<sup>1</sup>, деб ёзади Шомий «Зафарнома»да. Яздий унга қўшимча қилиб дейди: «Нимаиким пошшоҳлиғда керак турур, барчасини Тўхтамишга ясаб берди ва ани ўғил ўқиди»<sup>2</sup>.

Амир Темур Тўхтамиш воситасида қандай катта мақсадларни ўз олдига қўяётганига фаросати етмаган баъзи беклар «битта қочқин шаҳзодага шунча дову даҳмаза нима керак?» деб ҳайрон бўлишади. Лекин Амир Темур Тўхтамишнинг қўлидан иш қиладиган, эс-ҳуши жойида, одобу муомаласи яхши, кўриниши ҳам одамни ўзига тортадиган кўҳлик, паҳлавон йигит эканини биринчи кўришдаёқ сезади. Шунинг учун ҳали Оқ Ўрда хони Ўрисхоннинг тасарруфида бўлган Саброн ва Сигноқ вилоятларини Тўхтамиш ўғлонга беради. Бу деган сўз, Тўхтамиш ўғлон Амир Темур ёрдамида Оқ Ўрданинг асосий вилоятлари бўлган Саброн ва Сигноқни Ўрисхондан тортиб олиб, ўзиники қилиши керак эди. Аммо бу ҳали жангу жадалларда тажрибаси кам бўлган Тўхтамиш ўғлон учун жуда оғир вазифа эди. Амир Темурга тутинган ўғил бўлиши истаган ва унга умр бўйи садоқат сақлашга ваъда берган Тўхтамиш ўғлон Амир Темур юклаган вазифа ҳар қанча оғир ва хатарли бўлса ҳам, уни юкиниб, яъни бир тиззасини ерга қўйиб, таъзим билан қабул қиладди. Албатта, Амир Темур унга жангда ёрдам берадиган бир неча юз ботир йигитлар ҳам берди.

Тўхтамиш ўғлон Саброн вилоятига бориб, Амир Темур берган жангчилар ёрдамида Ўрисхоннинг Тўхта Буға деган ўғли билан жанг қилди. Бу жангда Тўхта Буға ўлдирилди. Аммо Тўхта Буғанинг навқарлари сон жиҳатидан икки баравар кўп эди. Улар қасос олиш йўлига ўтди. Тўхтамиш жонини омон сақлаш учун Саброндан чиқиб қочади ва Самарқандга, Амир Темур хузурига бош эгиб қайтиб келади.

Амир Темур Тўхтамиш ўғлоннинг асосий рақиби бўлган Тўхта Буғанинг ўлдирилганини Тўхтамиш ўғлоннинг ютуғи деб ҳисоблайди ва унинг ихтиёрига аввалгидан кўпроқ ботир навқарлардан бериб, яна Саброн вилоятига эгалик қилиш учун жўнатади.

Бу гал Ўрисхоннинг ўртанча ўғли Тўхтақия Жўжи авлодидан бўлган жуда катта қўшин билан Тўхтамиш ўғлонга қарши жанг қиладди. Тўхтамиш ўғлон мағлуб бўлиб қочади. Уни Саброндан Чиноз яқинигача қувиб келадилар. Тўхтамиш ўғлон шу ерда Сирдарёдан сузиб ўтаётганда елкасига ёй ўқи тегади. Ярадор аҳволда бир амаллаб қамишзор қирғоққа чиқади. Амир Темурнинг

<sup>1</sup> Шомий. Зафарнома. 1976, 103-бет.

<sup>2</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 82-бет..



Идику Барлос деган амири уни қамишлар орасида ярасидан қон кетиб, инграб ётган ҳолида топади. Уни ўзига келтириб, ярасини боғлаб, Амир Темур ҳузурига олиб боради.

Амир Темурнинг бағрикенглиги ва тантилигига қойил бўлиш керакки, Тўхтамишни бу иккинчи мағлубиятидан кейин ҳам оталарча қўллаб-қувватлашда давом этади.

Ўрисхондан Амир Темурга элчилар келади. Ўрисхон «Тўхтамиш менинг ўғлимни ўлдириб, сенга қочиб борган, дейди. Ани менга бергил ва агар бермасанг, уруш ерини айтиб юборгил!»<sup>1</sup>.

Амир Темурга қаратилган бу беандиша сўзларга соҳибқирон ҳам муносиб жавоб беради. Тўхтамишнинг отасини Ўрисхон ўлдирганини, шу сабабли бу йигит Амир Темурдан Ҳимоя истаб келганини, адолат Тўхтамиш томонида бўлгани учун уни душманларига топширмаслигини маълум қилади. Аммо Ўрисхон урушмоқчи бўлса, Амир Темур бунга тайёр турганини билдиради. Бу чигал воқеалар орасида Амир Темур энг тўғри йўлни топиб ўтаётгани шунда кўринадики, урушни Ўрисхон биринчи бўлиб бошласа, эл-юрт олдида масъулият, аввало, унинг зиммасига тушади.

Амир Темур кўшини билан Ўрисхон лашкари қаттиқ совуқ бўлаётган қиш кунларида Ўтрордан наридаги чўлда сахар пайти тўқнашадилар. Ўрисхон лашкарларини бошқарган унинг катта ўғли Темур Малик ярадор бўлиб жанг майдонини ташлаб қочди. Амир Темурнинг Йаруқ Темур, Хитойи Баҳодир ва Ҳиндушоҳ каби кўшин бошлиқлари душманни таъқиб этиб борар экан, Ўрисхоннинг бутун давлат сирларини яхши биладиган Қутлуғ Сотқин деган амирни асир қилиб олиб қайтадилар. Бу асирнинг маълумотига қараганда, Ўрисхон ҳам жанг майдонини ташлаб кетган эмиш, ўз ўрнига Қора Кўппак вазирини ишбоши қилиб қолдирган эмиш. Амир Темур кўшинга озроқ дам бериш ва захирадаги кучларни ҳам йиғиб, душманга узил-кесил зарба бериш учун Ўтрордан Кешга қайтади ва бу ерда бир ҳафта дам олади. Шундан сўнг аввалгидан бир неча баробар катта куч билан Оқ Урданинг пойтахти ҳисобланган Сигноқ шаҳрига кўшин тортиб боради. Унинг катта кўшин билан келаётганини эшитган Ўрисхон Сигноқни жангсиз ташлаб чиқади ва Дашти Қипчоқнинг поёнсиз чўллари орқали Олтин Ўрда томонга қочади.

Амир Темур бу йўлларда кўп юрган Тўхтамиш ўғлонни йўлбошловчи қилиб олдинга ўтказди. Қиш чиқиб, эрта баҳорнинг илиқ нафаси келиб қолган пайтлар эди. Ўрисхонни Дашти Қипчоқ бўйлаб 15 кун таъқиб этадилар. Ниҳоят, Жайрон Қамиш деган жойда унинг қароргоҳини топиб, кўшин билан ўраб оладилар: «Ҳазратнинг давлатидин, — деб ёзади Яздий, — Ўрисхон ўшал яқинда ўлган эди, ўғли Тўхтақия ато ўрнига хон бўлиб, ўлтириб эрди ва ул тақи отасининг кейинидан борди (яъни, жангда ўлди). Ва ҳазрат Тўхтамишни Дашти Қипчоқда хон қилди. Ва бир отким, оти Ханг Ўғлон эрди, ва оламда андоқ от йўқ эрди, ҳазрат Тўхтамишга берди... Дедиким, бу отни яхши сақлагайсен»<sup>2</sup>.

Шундан кейин ҳам Тўхтамишнинг омади келмайди. Ўтрор урушида ярадор бўлган Ўрисхоннинг ўртанчи ўғли Темур Малик яралари тузалиб, Сарой Берқага боради ва ўз атрофига кучли тарафдорларни йиғиб, 1378 йилда Олтин Ўрда тахтини эгаллашга муваффақ бўлади. Унинг биринчи иши — отаси ва акасини ўлдирган Тўхтамишдан қасд олиш бўлади. Темур Малик Олтин Урданинг сара кўшинларидан йигирма мингини Тўхтамиш эгаллаб турган Оқ Урдага қарши бошлаб келади.

Бу гал Амир Темур узоқни олдиндан кўрган каби саховат билан тақдим этган Ханг Ўғлон номли чопқир бўз от Тўхтамиш ўғлоннинг жонига ора кирди. Жангни бой берган Тўхтамиш шу отни миниб Самарқанд томонга қочади. Кетидан душманлари тўда-тўда бўлиб қувадилар, ёйдан ўнлаб марта ўқ отадилар. Жонивор бўз от қувгинчиларни ёй ўқи етадиган даражада яқин келтирмай, қушдай учиб боради ва Тўхтамиш ўғлонни Амир Темур ҳузурига етказиб келади.

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1977, 82-бет.

<sup>2</sup> Уша китоб. 84-бет.

Тўхтамиш ўғлон Амир Темурнинг ўғитига амал қилиб, отни яхши боққани ва авайлаб сақлагани учун бўз от уни ёв қуршовидан қутқариб олиб келади. Буни сезган Амир Темур Тўхтамишга берган яхши маслаҳатлари амалга ошаётганидан мамнун бўлади.

Ўрисхоннинг охирги ўғли Темур Маликни ҳам Тўхтамиш воситасида йўқ қилиб, Оқ Ўрда маркази Сигноқни Туронга қўшиб олиш жуда муҳим эди. Шунинг учун Амир Темур бу гал Тўхтамишга ёрдам тариқасида ўзининг энг тажрибали амирларидан Фиёсиддин Тархон, Амир Бахти Хўжа, Туман Темур Ўзбек бошчилигида ўн беш минг сара қўшин беради. Бу қўшинни бошлаб борган Тўхтамиш рақиб Темур Маликни Қоратол деган жойдан топади ва у билан қаттиқ жанг қилади. Бу гал ҳам Амир Темур юборган баҳодирлар иш беради. Темур Маликнинг қўшини жангда тор-мор бўлиб, ўзи ўлдирилди.

Тўхтамиш Амир Темур номидан бир қанча вақт Сигноқда хон бўлиб туради. Бу орада Олтин Ўрдада Мамайхонга қарши исён кўтарилади. Исёнчилар унинг ўрнига ҳақиқий хонлар авлодидан бўлган Тўхтамишни Сарой Беркага чақириб олдилар.

Мамайхон Олтин Ўрдага қарши Дмитрий Донской бошчилигида исён кўтарган рус князлари билан жанг қилиш учун Куликово деган жойга қўшин тортиб кетган эди.

Тўхтамишнинг яна омади келди — Куликово жангида Мамайхон мағлуб бўлди, қолган-қутган қўшини билан орқага чекиниб Калка дарёси бўйига қайтганда Тўхтамиш катта қўшин билан унинг йўлини тўсиб чиқди. Мамайхоннинг Кулиководан мағлуб бўлиб қайтаётган қўшинининг қолган-қутган қисмини Тўхтамишхон лашқари қириб ташлади. Мамайхоннинг ўзи бир неча содиқ мулозимлари билан Кримнинг Кафа шаҳридаги ўз қароргоҳига қочиб борди. Аммо Кафада ҳам унинг хундор душманлари бор эди. Уни ўша ерда қатл этдилар. Шундан кейин Тўхтамишхон билан тахт талашадиган бошқа рақиб қолмади. Уни 1381 йилда оқ кийгизга солиб, Олтин Ўрдага хон қилиб кўтардилар.

Тўхтамишнинг мустақил равишда амалга оширган биринчи катта ҳарбий юриши Москвага қарши қаратилди. Куликова жангида Мамайхоннинг енгилиши унинг тахтга чиқишини осонлаштирган бўлса ҳам, лекин рус князларининг навбатдаги исёнларига йўл бермаслик учун Тўхтамишхон улардан Куликовонинг қасосини олишга қарор қилди. 1382 йилда Куликовода ғалаба қилган князь Дмитрий Донской Москвадан анча нарида Костромада яшаётган пайтда Тўхтамишхон Москвага бостириб боради. Шаҳар ҳимоячиларини ёлгон ваъдалар билан алдаб, дарвозаларни очдиради. Ичкарига қўшин билан ёстириб киргандан сўнг талончилик ва қирғинни бошлайди. «Золотая Орда...» китобида келтирилган маълумотларга қараганда «Талончилар шаҳарга ўт қўядилар, ўн икки мингдан ортиқ беғуноҳ аҳолини ўлдирадилар...

Таланган ва ёндирилган Москвага Тўхтамиш кетгандан сўнг Костромадан қайтиб келган князь Дмитрий Донской ўз ҳаётининг энг оғир дамларини бошидан кечиради. Чунки ўша кунларда Тўхтамишга қарши курашадиган кучлар унинг ихтиёрида йўқ эди<sup>1</sup>. Ўша даврда Россияда Олтин Ўрдага қарши курашган кучлар билан Амир Темурнинг чингизийлар асоратига қарши олиб борган курашини қиёслаш учун юқорида келтирилган фактдан кейин яна Турон ҳудудларига қайтайлик.

Сирдарёнинг қуйи оқимида Сигноқ ва Саброн вилоятларида Ўрисхон авлодларининг Туронга қарши тажовузлари тугатилгани, бу қадимий туркий шаҳарлар Турон султони Амир Темур таъсири остига ўтиши соҳибқироннинг катта ғалабаси эди. Бу ғалабага эришишда Олтин Ўрддан қочиб келган Тўхтамиш ўғлонга яхшилик қилиш йўли билан Ўрисхон каби хатарли ғанимларни йўқ қилгани — Амир Темурнинг сиёсат юргизишдаги донолиги ва юксак маҳоратидан далолат беради. Худди шундай донолик ва маҳоратни Амир Темурнинг Мўғулистон хони Ҳизрхўжахонни Қамариддинга қарши курашга қандай жалб этганида яна бир марта кўрамиз.

<sup>1</sup> Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Золотая Орда и её подание. 328-329-бетлар.

Қамариддинни бир томондан Хизрхўжахон қўшини, иккинчи томондан Амир Темур лашқари қаттиқ таъқиб остига олгани сабабли у Юлдуз яйловини ҳам тарк этиб, Иртиш (Эртиш) дарёсига қараб қочади. Амир Темур уни ўша ёқлардан тутиб келиш учун 25 минг кишилиқ қўшин юборади. Бу қўшин Иртиш дарёсидан нарига ўтиб, Қамариддинни Тайга ўрмонларига кириб яширинишга мажбур қилади. Ниҳоят, у ўрмон ичида истисқо касалига учраб, бир ўрмончининг уйида ғойиб бўлади.

Фақат Хоразмнинг тинч йўл билан аввалги умумий ватани — Туронга қайтиб қўшилиши Олтин Ўрда аралашувлари туфайли жуда қийин кечди. Хоразмнинг Олтин Ўрдага қарам ва иттифоқдош бўлганини, Юсуф Сўфи ва ундан кейин Хоразмда ҳокимиятни бошқарган Сулаймон Сўфи Олтин Ўрданинг хос вакили Элийғмиш ўғлон билан доим бамаслаҳат иш олиб борганлиги рус тарихчиси М.Иваниннинг юқорида номи қайд этилган китобида тўғри кўрсатилган. Фақат М.Иванин Олтин Ўрда вакилининг исмини араб алифбосидан рус тилига кўчириб ёзганда Элийғмиш деган исми Иликмиш деб қисқартириб ёзган.

Амир Темур Хоразмга қилган тўртинчи юриши пайтида аввалгидай Юсуф Сўфи билан яхшиликча сулҳ тузмоқчи бўлади. Юсуф Сўфи жуда баланддан келиб, Амир Темурни яккама-якка жанг қилишга даъват этади. Амир Темур бу даъватни қабул қилиб, майдонга ёлғиз ўзи чиқади. Аммо Юсуф Сўфи ундан кўрқиб қалъадан чиқмай шарманда бўлади. Шунда ҳам Амир Темур бағрикенглик қилиб, қариндошчилик ҳурмати юзасидан олтин лаганга Термиздан келган ва янги чиққан чиройли қовунни солиб, қалъа девори орқали Юсуф Сўфига юборади. Аммо қариндошчиликни ҳам, одоб-ахлоқни ҳам унутган Сўфи тилладай товланиб турган гўзал қовунни қалъа ташқарисидаги ҳандақнинг ифлос сувига улоқтиришни буюради. Қовун солинган олтин лаганни эса қалъа дарвозасининг қоровулига арзимаган нарса каби садақа қилиб юборади.

Бунинг ҳаммасини Юсуф Сўфининг ёнида турган ва уни Амир Темурга қарши гиж-гижлаётган Олтин Ўрданинг вакили Элийғмиш ўғлон маъқуллаб, ҳайбаракалла айтади. Аммо улар ҳали Амир Темурнинг қаҳру ғазаби қанақа бўлишини кўрмаган эдилар. Соҳибқирон қалъа четларига баланд кўтармалар ясади, уларнинг устига манжаниқ ва аррада деб аталадиган қудратли тошотар қурооларни ўрнаттиради. Манжанақнинг ҳар бир тошини икки-уч киши зўрға кўтаради. Шундай тошлардан юздан ортиғи қалъа буржига қурилган Юсуф Сўфининг саройи устига ёғдирилди ва уни мажақлаб ташлади. Юсуф Сўфи Олтин Ўрда вакили Элийғмиш ўғлоннинг қасрига қочиб ўтди. Бу қаср ҳам қалъанинг кўкракдор жойига қурилган, аррада қуролига нишон бўлиб турарди. Аррада тош билан бирга қорура деб аталадиган, ёниб турган қорамой билан кигизга ўралган оловли ўқлар отишга тушди. Бу ўқлар Элийғмиш ўғлон қасрини ёндириб юборди, аррададан отилган тошлар ёниб турган бу қасрни ҳам вайрон қилди. Юсуф Сўфи вайроналар ва олов ичида қолиб ҳалок бўлди.

Унинг иниси Сулаймон Сўфи Элийғмиш ўғлон билан бирга Урганчни ташлаб, қалъадан тунда яширинча қочиб чиқадилар. Улар Олтин Ўрда томонга Тўхтамишхон паноҳига ҳазинада бор олтин уювоҳирларини олиб, ишонган одамлари ва кўриқчилари билан қочиб кетаётганини Амир Темур билиб қолади, — деб ёзилади тарихчи М.Иваниннинг юқоридаги китобида. Шунда Амир Темур ўз ўғли Мироншоҳни бешта амир бошлиқ катта қўшин билан улар изидан жўнатади. Бу қўшин Қумкент ва Қоз йўллари орқали жуда катта тезлик билан ҳаракат қилиб, қочганларни қувиб етадилар, қўшинларини тор-мор қилиб, мол-мулкларини кўпчилик одамлари билан бирга Хоразмга қайтардилар<sup>1</sup>. Фақат Элийғмиш ўғлон билан Сулаймон Сўфи бепоён чўлга яшириниб, Тўхтамиш ўғлон хузурига қочиб кетишга муваффақ бўладилар. Элийғмиш ўғлон Тўхтамишхоннинг Амир Темурга қарши Сигноқ ва Саброн атрофларида олиб борган урушларида иштирок этганлиги ва яна мағлубиятга учраб, Олтин Ўрда томонга қочиб кетганлиги тарихчи Маҳкам Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш» номли китобида ҳам қайд этилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. 1994, 126-бет.

<sup>2</sup> М.Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. 2000, 21-бет.

Хусайн Сўфидан тортиб, Юсуф Сўфи ва Сулаймон Сўфигача — бу кичик сулола мудом Хоразм халқининг қахрамонлари бўлган Жалолиддин Мангуберди ва улуғ пир Нажмиддин Кубро руҳларига қарши иш олиб борадилар. Уларнинг Хоразм халқини аёвсиз қириб ташлаган Чингизхон ва унинг авлодларига бу даражада муте бўлиб, ҳатто уларга қулдай эргашиб, Урганчдан Олтин Ўрда томонга қараб қочганлари Амир Темурга қанчалик ёмон таъсир қилганини тасаввур этиш мумкин. Бу ерда халқ эмас, хоинлик қилаётган амалдорлар ва ҳукмрон доиралар айбдор эди. Лекин бу ҳукмрон доиралар доим халқ номидан сўзлаб, одамларни хато йўлларга бошлар, халқ уларнинг қасофатига қолар эди. Шу сабабли бир қисм урганчликлар Турондан кўра Олтин Ўрдага ўзларини яқин олишар, бу ҳодиса Амир Темурнинг қаҳрини келтирар эди.

Ана шундай қаттиқ қаҳру ғазаб пайтида Амир Темур буйруғи билан Урганчдаги ҳокимият бинолари буздирилади, бозор майдонига кўш солиниб, арпа экдирилади. Диёнатли одам бўлган Амир Темур масжид ва зиёратгоҳлар ҳамда бегуноҳ фуқароларнинг уйлари сақлаб қолинишини, фақат Олтин Ўрда тарафдорларининг уй-жойлари бузиб ташланишини ўз фармонида вазифа қилиб кўяди. Шу фармонга биноан Хоразм аҳолисининг бир қисми Шахрисабзга ва Самарқанд атрофларига кўчирма қилинади. Кўчиб келганлар уй-жой ва иш билан таъминланадилар. Хоразм усталари ва қурувчилари Оқсаройдай улуғвор бинонинг бунёд этилишига катта ҳисса қўшадилар.

Орадан бир неча йил ўтиб, Амир Темур Олтин Ўрдага қарши ҳал қилувчи жангга отланади. Шу жанг тақдири Урганчнинг қайта тикланиши ва хоразмликларнинг ватанларига қайтиб кетиши муаммосини ҳам ижобий ҳал этганини кейинги воқеалар ривожини кўрсатади.

\* \* \*

Табиатда қоронғи тун билан ёруғ кунлар алмашилиб тургани каби, Амир Темур ҳаётида ҳам катта қувончлар гоҳо қайғули йўқотишлар билан алмашилиб туради. Катта қувонч милодий 1377 йилнинг қовун пишиғида соҳибқироннинг севикли маликаларидан Тоғай Туркон оғо ўғил туққанида содир бўлади. Бу кенжа ўғилга соҳибқирон қатта орзу ва умидлар билан Шохрух деб исм қўяди. Келажакда унинг орзу ва умидлари рўёбга чиқади. Шохрух отасидан кейин теурийлар хонадонининг энг улкан подшосига айланади ва буюк сулоланинг шон-шарафини қирқ беш йилдан ортиқ байроқдай баланд тутати.

Кеш шаҳрида қурилаётган Оқсарой Амир Темурнинг суюкли эгачиси Қутлуғ Туркон оғога алоҳида катта қувонч бағишлайди. Чунки Амир Темур бутун умри давомида қурдирган саройларнинг энг буюғи бўлмиш Оқсаройда эгачи ва инининг суюкли оналари Тегина биби хотирасига атаб «Саодат уйи» деб аталган махсус бир хотира бўлими қуриш режалаштирилган эди.

Амир Темур давлати зиёда бўлиб Кешда улкан обида қурилаётгани Қутлуғ Туркон оғони қанчалик шод ва бахтиёр қилганини тасаввур қилиш мумкин. Афсуски, бу шодлик узоқ давом этмайди. Аввалги оғир йилларда орттирган хасталиклари Қутлуғ Туркон оғони 53 ёшида боқий дунёга олиб кетади. Амир Темурга она ўрнида қанча яхшиликлар қилган, фарзандларини ўз бағрига ояиб ўстирган, ёв хатари кучайганда жонажон инисини Самарқанддаги уйига яшириб, неча фалокатлардан қутқарган суюкли эгачиси энди йўқ. Ундан олдинроқ Амир Темурнинг Ўлжай Туркон оғодан хотира бўлиб қолган ва бўй етганда Амир Мусога келин бўлиб тушган қизи Ака бегим ҳам вафот этади.

Устма-уст келган бу жудоликлар Амир Темурни беҳад оғир мусибатга солади. Табиатан куюнчак ва соҳибдил инсон бўлганлиги учун қаттиқ ғам-ғуссага тўлиб кўз ёш тўкади. Бир қанча вақт давлат ишларидан кўнгли совуб, «подшоҳлик ва салтанат оламда борму ё йўқ, ҳеч парвоси қолмади»<sup>1</sup> деб ёзади Яздий. Лекин дунёнинг тўрт томонидан селдай оқиб келаётган ташвишлар беш-ўн кун ўтар-ўтмас соҳибқиронни ўз оқимида тортиб кетгандай бўлди.

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 98-бет.

\* \* \*

Энг қутилмаган оғир ташвиш унга ўғил тутинган, Амир Темур туфайли неча ўлимлардан омон қолган ва Олтин Ўрдага хон бўлган Тўхтамишхон томонидан келмоқда эди.

Саброн ва Сигноқ шарқда, Хоразм шимолда Олтин Ўрда қарамлигидан қутулиб, қадимдан ягона туркий юрт бўлган Туронга қўшилиш эҳтимоли Олтин Ўрдадаги кўпчилик чингизийларни безовта қилди. Улар янги хон бўлиб борган Тўхтамишни ўртага олиб, унинг рутбаси Амир Темурниқидан баланд эканини, Пўлат китобга битилган муқаддас аҳдномага биноан хонлик мартабасига фақат Чингизхон авлодлари муносиб эканлиги, Қорачор Нўён авлодидан бўлган Амир Темур хонларга лашкарбоши бўлиб хизмат қилишдан юқорига кўтарилмаслиги кераклиги қайта-қайта муҳокамага қўйилади. Ҳали ёш ва тажрибасиз хон бўлган Тўхтамиш анча вақт икки ўт орасида қолаётгандай қийналади. Атрофини ўраб олган чингизий ўғлонларнинг гапига кирса, Амир Темур билан ота-бола каби аҳдлашгани, ундан кўрган яхшиликлари эсига тушади-ю, уларга зид иш қилса, юзи қора хиёнаткор бўлишини сезади. Лекин бутун бир империянинг жон жойи бўлиб қолган Олтин Ўрданинг ички талабларига қарши бориш ҳам хатарли эканини фаҳмлайди. У Амир Темурга берган ваъдаларига содиқ қолиб, Олтин Ўрда мулки ҳисобланган Сигноқ, Саброн ва айниқса Хоразмдан воз кечса, Сарой Беркадаги чингизий ўғлонлар уни Амир Темурга содиқликда ва Олтин Ўрдага хиёнатда айблаб, тахтдан ағдариб ташлашлари мумкин эди. Шунинг учун Тўхтамиш ўртача бир йўлни танлади — собиқ Оқ Ўрдага қарашли Саброн ва Сағноқларни Амир Темурдан қайтариб олмоқчи бўлганларни йиғиб, алоҳида бир лашкар тузди. Бу лашкарга Хоразмни бой бериб аламзада бўлган Элийғмиш ўғлонни саркарда этиб тайинлади. Сони эллик мингдан ошадиган бу лашкарга Хоразмдан қочган Сулаймон Сўфи ва унинг уч минг кишилик навқарлари ҳам қўшилди.

Рус ерлари ва Шимолий Кавказ ўлкалари ҳам Олтин Ўрдага тобе бўлгани учун ўша юртлардан олинган турли миллат йигитлари ҳам бу лашкар таркибига киритилди.

«Амир Темур Хоразмни забт этгандан сўнг, — деб ёзади рус тарихчиси М.Иванин, — Сирдарёнинг қуйи оқимларида Сигноқ ва Сабронга бостириб келган Олтин Ўрда лашкарлари билан жанг қилди. Олдинги қисмида Хоразм аскарлари бўлган бу лашкарлар руслар, черкаслар, қипчоқлар, кримликлар, бошқиртлар ва ҳатто москваликлардан ташкил топган эди. Тўхтамишхонга қарашли бу лашкарларни Амир Темур тор-мор қилиб, бир қанча жанглардан сўнг Ўрол тоғлари томонга қочиб мажбур қилди»<sup>1</sup>.

Бу жангларга Тўхтамишхоннинг ўзи қатнашмаган, юқоридан номи қайд этилган Элийғмиш саркардалик қилгани учун Амир Темур «балки Оқ Ўрдадан айрилган аламзада чингизий ўғлонлар бу жангни Тўхтамишхондан сўрамай ўзбошимчалик билан қилгандирлар, шунга яраша ҳаммаси жазосини олди, энди тинч юрсалар керак», деб ўйлаган бўлиши мумкин.

1386-1387 йилларда соҳибқирон шарқий ва шимолий чегаралардан анча хотиржам бўлгандан кейин Эрон ва Озарбайжонга юриш қилади. Бу юриш давомида Ҳирот ва бутун Хуросон унинг қаламравига ўтади. Уғли Мироншоҳни Ҳиротга ҳоким қилиб тайинлайди. Кейинчалик Озарбайжон, Ширвон ва Султония ҳам чингизийлар асоратидан қутулиб, Амир Темурни бош ҳукмдор этиб тан оладилар ва жума масжидларида унинг номига хутба ўқитадилар.

Соҳибқироннинг бу катта зафарлари Олтин Ўрдадаги чингизийларнинг аламини келтиради. Чунки илгари Чингизхон авлодларидан бўлган Ҳулагухон ҳукми остидаги бу ўлкалар энди Амир Темур ёрдамида мўғул империяси зулмидан қутулиб, эркин нафас ола бошлаган эди. Шу кетишда Олтин Ўрдага қарам бўлган бошқа халқлар ҳам мустамлака зулмига қарши бош кўтариб, чингизийлар ҳокимиятини бутунлай нест-нобуд қилиши мумкин эди.

<sup>1</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. 1994, 126-бет.

Олтин Ўрдадаги Тўхтамишхон ана шундан хавотирланиб 1385 йилнинг қишида Озарбайжон ва Ширвонни босиб олиш ҳаракатига тушди. Яздий бу ҳақда шундай ёзади: «Ул қишда (яъни 1385 йилда) Тўхтамишхон тўққиз туман черик била (тўқсон минг қўшин) ўн икки ўғлонким, бари Жўжихоннинг наслидан эдилар ва кўпчилиги иймонсиз ва кофир эдилар, Дарбанд йўлидан ўтиб, Ширвон ва Озарбайжон орқали Табризга келиб тушдилар.

Табризни зўравонлик билан ишғол қилиб, икки кеча-кундуз аҳолини талаб, шаҳар ичида бор барча қимматбаҳо нарсаларни ўлжа қилиб олиб кетдилар»<sup>1</sup>.

Демак, Тўхтамишхон ҳам Чингизхон давридаги талончиликларни давом эттиради. Бунинг хабари Самарқандда қишлаётган Амир Темурга етиб боради. 1386 йилнинг баҳорида Амир Темур озарбайжонликлар илтимоси билан Ширвон ва Озарбайжон ҳимоясига келади. Амир Темур Ширвонда эканида Тўхтамишхон катта бир қўшинни Каспий денгизи бўйидаги тор жой — Дарбанд орқали Озарбайжонни талаш учун юборади.

Бу қўшинлар Дарбанддан ўтиб келаётганидан хабар топган Амир Темур ўз ўғли Мироншоҳ ва амирлари Али Баҳодир, Ики Темур бошчилигида ўттиз мингдан ортқ лашкарни Тўхтамиш лашкарига қарши юборади.

Шомийнинг ёзишича, ўз ўғли ва амирларига «бизнинг Тўхтамиш билан аҳдномамиз бор, ота-бола тутинганмиз, шу аҳдномага амал қилишимиз керак, агар Тўхтамиш аскарлари ўзларини жанг бошлашдан тийса, сизлар урушмасдан орқага қайтинглар», деб тайинлайди.

Амир Темур юборган қўшинлар Дарбанднинг тор жойида Тўхтамиш қўшинларининг қаршисидан чиқадилар. Душман томон дарҳол хужумга ўтмаганлари учун Амир Темур аскарлари жангга кирмай орқага қайта бошлайдилар. Тўхтамиш аскарлари бу чекинишни ожизлик белгиси деб ўйлаб, қарши хужумга ўтадилар. Шундан кейин Турон қўшини ҳам орқага қайтиб жангга қиради ва Дарбанднинг тор денгиз соҳилида Тўхтамишхон аскарларини тор-мор қилиб, бир неча мингини асир олади. Юзлаб отлар ва бошқа ўлжалар билан соҳибқирон хузурига қайтадилар.

Асирлар орасида юзбоши ва мингбоши сипоҳийлар ҳам борлигини кўрган Амир Темур уларга қуйидаги сўзларни айтади: «Тўхтамишхон билан орамизда муносабат ота-болалик каби эди. Тўхтамишхон нега бундай нолойиқ ишларга қўл урди, нега Табризда минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг умрига зомин бўлди? Бориб айтинглар, бундай ёмонликлар қилмасин, у билан аҳдлашганмиз, аҳдида турсин»<sup>2</sup>.

Соҳибқироннинг бу сўзлари Яздий «Зафарнома»сида келтирилган. Фақат унинг равонроқ таржимасини биз М.Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш» китобидан олиб келтирдик.

Амир Темур асир тушган Тўхтамиш навкарларининг ҳаммасини валломатлик билан озод қилади. Ҳар бирига озиқ-овқат, кийим-кечак бериб, ўз қўшинлари турган жойгача кузатиб қўйишни буюради.

Афсуски, бундай тантилик ва валломатлик ҳам Тўхтамишни ёмон ниятларидан қайтара олмайди. Ҳолбуки, Амир Темур уни ўлимдан қутқариб, хонлик тахтига эришишида энг катта ёрдамлар берган пайтларда Тўхтамиш унга таъзимлар қилиб, «халоскорим, вадинеъматим, тутинган отам» деб, иноқ бўлиш, садоқат сақлаш ҳақида кўп ваъдалар берган эди. Лекин Чингизхоннинг ўзи ҳам, унинг авлодлари ҳам қуюқ ваъдалар бериб, аҳдида турмасликка, алдамчиликни ганимга қарши ишлатиладиган ҳарбий ҳийла деб оқлашга одатланган эдилар.

Тўхтамишнинг қонида бор бу одат уни ўраб олган бузуқ муҳит таъсирида юзага қалқиб чиқади. Унинг нуфузли вазирларидан бири бўлган Едигей: «Чингизийларда шундай одат бор, — дейди. — Берган ваъдангиз битта дарёни кечиб ўтгандан кейин ўз кучини йўқотади. Бобокалонимиз Чингизхон қўлданча шу одатга амал қилар эканлар. Сиз оқсоқ Темурга ваъда берганингиздан буён Ёйиқ, Тобол, Идил дарёларидан неча бор ўтдингиз. Берган ваъдаларингизнинг кучи аллақачон тамом бўлган».

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 106-бет.

<sup>2</sup> М.Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. 2000, 20-бет.

Бобокалони Чингизхоннинг ваъдани бузиш борасидаги мана шу ибратига таянган Тўхтамиш Амир Темурнинг 1387 йил қиш фаслида Эрон жанубидаги Форс ва Шерозга қўшин тортиб кетган пайтидан маккорлик билан фойдаланади. Олтин Ўрдадан етгита чингизий шахзодалар саркардалигида етмиш минг қўшинни Турон худудларига босқинчилик мақсади билан бошлаб келади.

Одатда, Жўжи улуси ва Чигатойхон авлодлари бир-бирлари билан ҳеч келишолмас, нукул мулк таланиб, уришар эдилар. Бироқ энди Амир Темурдан енгилиб аламзада бўлиб юрган Чигатойхон авлодлари ҳам Тўхтамишхон билан тил бириктирадилар. Чигатой авлодининг ҳозирги хони Ҳизрхўжа жете лашкари ёнига Тўқмоқда 20 минг талончи қўшин тўплаган Анқо Тўрани ҳам қўшиб олиб, Тўхтамишга ёрдамга келади.

Иртиш дарёсидан нарига қочиб ўтиб кетган ва «ўлди» деб овоза бўлган Қамариддин гўё нариги дунёдан қайтиб келади ва Ўрол тоғларининг жанубидан ўтиб бориб, Тўхтамишхон хизматига киради. Шу тарзда бутун империянинг кучларини бир мушт қилиб бирлаштирган Тўхтамишхон юз минг кишидан ошиб кетган дахшатли қўшин билан Амир Темур узоқдалигидан фойдаланиб, Туронга олчоқларча бостириб киради.

Бирлашган кучларни Оқ Ўрда худудида йиққан Тўхтамиш Қамариддинга 10 минг қўшин бериб, Андижон ва Ўзганни ишғол қилишга жўнатади. Ҳизрхўжахон ва Анқо Тўра қўшинига Сайрам ва Тошкентни эгаллаб, Самарқандга ҳужум қилиш топширилади. Хоразмдан Олтин Ўрдага қочиб борган Сулаймон Сўфи ўзининг хоразмлик қўшини билан Бухоро ва Қаршига бостириб келади. Лекин душманлар чувварани хом санаган эди. Амир Темур ватан ҳимояси учун қолдириб кетган азамат кучлар Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Тошкент, Хўжанд каби қўрғони мустаҳкам шаҳарлардан бирортасига душманларни киргизмайди.

Андижон ва Ўзганни талаш учун борган Қамариддин ва Анқо Тўралар соҳибқиронга муносиб ўғил бўлиб етишган Умаршайх Мирзонинг довжораклик билан берган зарбалари остида яна Иссиққўл томонларга чекиниб кетади.

Тўхтамишхон Амир Темурнинг узоқларда ҳарбий юриш билан банд эканидан фойдаланиб, соҳибқиронга душман бўлган барча кучларни йиғади. Бу душман кучлар орасига ҳатто соҳибқироннинг куёви, Султонбахтбегимнинг эри хутталонлик Муҳаммад Мирак ҳам қўшилади.

Улар бутун мамлакатни босиб олиш умидида жуда катта уруш бошлайдилар. Бухоро, Қарши, Самарқанд — ҳамма катта шаҳарларга ҳужум уюштирадилар. қишлоқлардаги аҳолини аёвсиз талайдилар. Минглаб бегуноҳ одамлар ўлдирилади.

Бу дахшатлар хабарини тезюрар чопарлар Эроннинг нариги четидаги Шерозга ўн етти кунда етказиб борадилар. Ота бундан катта тезлик билан юриб бўлмас эди. Чунки Самарқанддан Шерозгача бўлган масофани карвонлар икки-уч ойда босиб ўтар эдилар.

Амир Темур бу шумхабарни эшитиб, қанчалик изтиробга тушганини тасаввур этиш мумкин. Айниқса, ота-бола тутинган Тўхтамишхоннинг олчоқлик қилгани унда ғазаб ва нафрат туйғуларини аланга олдиради. Шундай бўлса ҳам, эронлик мезбонлар олдида ўзини вазмин тутди. Тунда энг ишонган амирларидан ўттиз кишини махфий машваратга йиғиб, аҳволни маълум қилади. Уларнинг ҳар бирига аниқ вазифалар юклаб, бир неча минг баҳодир йигитларни Туронда Тўхтамишхон билан жанг қилаётганлар ёрдамига чопар тезлигида етиб боришни буюриб, уларни шитоб билан жўнатиб юборади. Ўзи эса яна бир неча кун Эронда қолиб, Шероз вилоятини Шоҳ Шужонинг ўғли Зайнал-обидинга, Форсни Шужонинг жияни Шоҳ Яҳёга, Исфохонни унинг катта ўғли Султон Муҳаммадга, Кирмонни Шоҳ Шужонинг иниси Султон Аҳмадга иноят қилади. Уларнинг ҳар бирига ҳуқумат нишони бўлмиш байроқ ва ол тамға (катта қизил муҳр) ҳадя этади.

Айни вақтда, Шерознинг машҳур меъмор, қурувчи ва ҳунармандлардан катта бир гуруҳини эъзоз ва имтиёзлар билан махсус бир карвонда Самарқанд ва Кешдаги қурилишларга жўнатиб юборади.

Амир Темурнинг вафот этиб кетган дўсти Шоҳ Шужо авлодларига бунча ишонч ва эҳтиром кўрсатиши бежиз эмас эди.

Раҳматли Шоҳ Шужо Амир Темурга ихлосманд ва дўст эди. У Амир Темурга ўлимидан олдин мактуб ёзиб, Эрон яхлитлигини сақлаб қолишда авлодларига ёрдам беришни сўраган эди. Бу мактуб матни Яздий асарига келтирилган.

Бу ерда Шоҳ Шужонинг Амир Темурга юксак баҳо берган ва Техронда чоп этилган тарихий ёзишмалар тўпламига киритилган қуйидаги мактубини келтириш ўринлидир. Бу мактуб Кирмон ҳокими Ихтиёриддин Ҳасан номига ёзилган. 1383 йилда Амир Темур Сейстонни ўзига бўйсундирганда, унга кўшни Кирмон вилоятининг ҳокими Ихтиёриддин хавотирга тушади ва Шоҳ Шужодан мадад сўрайди. Шу сўровга жавобан Шоҳ Шужо Ихтиёриддинга Амир Темур ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Сейстонлик Кутбиддин Амир Темур элчиларига азият етказган. Агар ундан интиқом олишса, қилган ишининг жазоси бўлади. Зеро, улуғ саркарда, Туронзамин Хусрави, ҳақиқат ва дин қутби Амир Темур ўз лашкарларининг дўстлари ва мухлислари устига бостириб боришни хоҳламайди ва бунга йўл қўймайди»<sup>1</sup>.

Шоҳ Шужо олдиндан билиб айтганидек, Амир Темур Шероз, Ҳамадон, Кирмон каби вилоятларни дипломатик йўл билан жангсиз эгаллайди. Исфохон ҳам бир неча маротаба тинч йўл билан Амир Темур қаламровига ўтган эди. Шоҳ Шужонинг ҳам душманлари ҳисобланган феъли бузуқ одамлар Амир Темур Исфохонни кўриқлаш учун қолдирган уч минг йигити ва шаҳар доруғасини тунда ухлаб ётганида ўлдирадидлар. Амир Темур буни энг катта хиёнат ва орқадан пичоқ санчиш деб баҳолайди, қаттиқ ғазаб устида Исфохон аҳолисини қатлиом қилишни буюради. Уша замоннинг кўпгина вакиллари, шу жумладан, Шоҳ Шужо ҳам буни хиёнатга қарши қаттиқ жазо деб баҳолайдилар.

\* \* \*

Амир Темур бутун лашкарлари билан Тўхтамишхонга қарши интиқом туйғусига тўлиб, Туронга шамол тезлигида қайтаётгани, Амударёдан ўтгани мамлакатни талон-тарож қилаётган босқинчиларга маълум бўлади. Улар дарҳол туёқларини шикиллатиб қочишга тушадилар.

Амир Темур Бухоро, Самарқанд, Қарши, Кеш, Термиз каби шаҳарларни мустаҳкам қалъалар билан ўраб олгани ва уларнинг ҳар бирида минглаб кўриқчи аскарлар қолдиргани учун Тўхтамишхон лашкарлари бу шаҳарлардан бирортасини ишғол қилолмайди. Фақат унинг золим аскарлари қалъа билан ўраб олинмаган жуда кўп қишлоқ ва туманларни оч бўридай талайдилар.

Кайхусравнинг ўғли Маҳмуд хиёнатчиликда отасининг ишини давом эттиради ва босқинчиларни Амир Темур яхши кўрадиган Занжирсаройга бошлаб боради.

Ажойиб санъат асаридай қурилган ва ўн олти гектар майдонни эгаллаган улкан Занжирсарой Қаршидан икки кунлик йўлда, ҳозирги Муборак шаҳри яқинида жойлашган эди. «Зафарнома»ларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги ўн йилда Амир Темур Занжирсаройда уч марта қишлаган эди. Бу сарой атрофида Самарқанд қалъасидаги каби мустаҳкам ва баланд девор йўқ эди. Буни биладиган сотқин Маҳмуд ва унга кўшилиб келган Сулаймон Сўфи Тўхтамишхон юборган босқинчилар билан Занжирсарой деворининг бир қисмини кулатиб, ичкарига кирадилар, ундаги барча олтин, кумуш ва қимматбаҳо буюмларни шип-шийдон қилиб талайдилар. Сўнг саройга ўт қўйиб, таг-туғигача ёндириб юборадилар.

Душманларнинг Сифноқда, Сабронда, Хўжандда, Андижонда, Узганда қилган бошқа талончилик ва ёвузликларидан ҳам кўра Занжирсаройдек тарихий обидани ваҳшиёна ёндириб йўқ қилганликлари Тўхтамишхон Амир Темурга ашаддий душманлик қилганини кўрсатади.

Соҳибқирон Туронга қайтганидан кейин дарҳол душманларнинг изидан тушади. Агар Тўхтамишхонда озгина мардлик бўлса, ўғрилар каби дарҳол қочиб қолмаслиги керак эди. Туронда бўлмаса майли, Дашти Қипчоқнинг бирор

<sup>1</sup> Амир Темур давридан Сафавийлар давригача бўлган Эрон ёзишмалари. Техрон, 1968, 12-бет. Фулом Каримов таржимаси.



ериди тўхтаб, кўшинини саф қилиб, Амир Темур билан очикчасига жангга кирган бўларди.

Қиш авжида, қалин қор ёққан бўлишига қарамай, Амир Темур босқинчиларнинг қолган-қутганини Сирдарё бўйларигача қувиб боради. Зарнуқ деган жойда Тўхтамишхоннинг ёвуз саркардаларидан Элийғмиш кўшин тўплаб, яна бир талончиликка тайёрланаётгани ҳақида хабар келади. Буни эшитган Амир Темур дарҳол отланади. Бироқ қор отнинг кўкрагига келар эди. Беклар юкиниб, кўпроқ кўшин йиғилгунча турмади, йўлда қор қалин бўлса ҳам, бир неча хос кишилари билан таваккал қилиб, душман устига борди. Шу пайтда Андижондан ҳазратнинг ўғли Умаршайх Мирзо минг кишилиқ черик билан етиб келди. Биргалашиб, Зарнуқда турган беш минг кишилиқ душман кўшинини қириб ташладилар»<sup>1</sup>, деб ёзади Яздий. Аммо Тўхтамишхон бу орада жазодан қочиб қутилиб кетган эди. У ҳам худди Қамариддин каби ўгринча иш қилиб қочадиган номардлардан эканини Амир Темур энди аниқ билди. Аммо Тўхтамиш ёш бўлса ҳам Қамариддиндан ўн баробар хатарлироқ ганим эканини унинг сўнгги тажовузи кўрсатди.

Соҳибқирон энди бу ганимни жон жойидан тутиб, жазосини бериш ҳақида туну кун ўйлай бошлади. Тўхтамишхоннинг жон жойи — Олтин Ўрда эди. Бу ганимнинг жазосини бериш учун Олтин Ўрдага кўшин тортиб боришдан ўзга чора йўқ эди. Икки орада минглаб қақирим сувсиз ва озуқасиз дашту биёбонлар гўё Тўхтамишхонни ҳимоя қилиб турарди. Итил (Волга) бўйида ўзига қулай қалъалар қуриб олган бу ёш хиёнатчи Туронда қилган талончилик ва ёвузликлари билан гўё Амир Темурни Олтин Ўрдада беллашувга даъват этиб кетганга ўхшарди. Номардларнинг бундай даъватларига доим мардона жавоб бериб ўрганган Амир Темур Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрдада олишувга даъват этганини қалбан қабул қилди ва ҳали шу вақтгача умрида кўрмаган энг улкан ва энг хатарли ҳарбий юриш ниятини кўнглига тугди.

## ИККИ ҚИТЪАНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ОЛИШУВ

Ўн етти йилдан буён истиқлол шароитида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган Турон халқи учун Тўхтамишхон бошлиқ юз минг босқинчи кўшиннинг 1387 йил қиш пайтида табиий офатдан ҳам баттар ваҳшийлик ва талончиликлар қилгани даҳшатли бир фожиа бўлди. Туман ва қишлоқлар аёвсиз таланган, яхши иморатлар ёндириб юборилган. Минглаб йигит-қизларни қул ва чўри қилиб ҳайдаб кетишган эди. Хонавайрон бўлган оилалар беҳисоб кўп эди. Бутун халқ бу мушкул аҳволдан қутулиш йўлини ва манфур душмандан қасос олишни халоскор раҳбар Амир Темурдан кутар эди.

Соҳибқирон Кеш шаҳрида қурултой чақириб, ёвдан зарар кўрган барча шаҳару қишлоқларга нимаики ёрдам керак бўлса, беришни ҳамма вазирларга, ҳокимларга ва қуйи тоифадаги амалдорларга топширди. Шу мақсадлар учун ҳазинадан жуда катта маблағлар ажратди.

Амир Темур қилган шунча яхшиликларга қарши беҳисоб ёмонликлар қилиб кетган Тўхтамиш жазосини олиши керак эди. Интиқом туйғусидан жунбушга келган беку навкарлар дарҳол юз минг кўшин тўплаб, Тўхтамишнинг кетидан Олтин Ўрдага бостириб боришни таклиф қилмоқда эдилар. Бироқ Амир Темур бундай ҳаёт-мамот курашида етти ўлчаб бир кесишга ўрганган эди. У аввал Тўхтамишнинг суянган тоғига айланган Чигатойхон жетесини бир ёқлик қилиши керак эди. Чунки Тўхтамишхон Чигатой жетеси билан доимий иттифоқ тузиши эҳтимолга яқин эди. Ҳизрхўжахон, Анқо Тўра, Қамариддинлар яна Олтин Ўрда лашкари билан бирлашиб, Туронга икки томондан ҳужум қилиб келса, уларни энгиш амри маҳол бўларди.

Ҳозир эса бу икки талончи ўрда кўйин-кўнжини ўлжага тўлдириб, ҳар бири келган томонига қайтиб кетди. Улар ҳатто Амир Темурнинг ғазабидан кўрқиб, Сигноқ ва Сабронни ҳам, Хоразмни ҳам ташлаб қочишди. Уларнинг

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 122-бет.

мағлуб бўлгани шундан ҳам билинди. Амир Темур энди Хоразмни ҳам, Саброн ва Сигноқни ҳам эгаллаб, ўз давлати таркибига узил-кесил қўшиб олди. Бу вилоятларга ўзининг ишонган амирларини ҳоким қилиб қўйди ва уларнинг ҳар бирига кучли қўриқчи қўшинлар берди.

Бунинг натижасида Олтин Урда ҳам, жете ҳам бу ерларга қадам босолмайдиган бўлди ва бир-бирларидан бутунлай узилиб қолди. Мана шу қулай вазиятдан фойдаланган Амир Темур 1387 йилнинг баҳорида 100 минг кишилиқ қўшин билан жете кучларига қарши ҳал қилувчи юришга отланди. Соҳибқирон бу улкан қўшинни беш қисмга бўлди ва уларни бешта йўналиш бўйича Ҳизрхўжахон, Анқо Тўра, Қамариддин ва бошқа босқинчиларни яширинган жойларидан излаб топиб, бартараф қилиш учун жўнатди.

Ҳар бири йигирма минг, ўттиз минг кишидан иборат бўлган бу лашкарларнинг бирига соҳибқироннинг ўғли Умаршайх Мирзо, бошқаларига энг ишончли амирлар саркарда қилиб тайинланди. Асосий қўшинни Амир Темурнинг ўзи бошқарди.

Иртиш дарёси бўйларидан то Алма-Ати ва Иссиққўлга жуда катта майдонни қамраб олган бу юриш етти ой давом этди. Анқо Тўра бор кучларидан айрилиб, тор-мор бўлгандан сўнг Қашқар томонга қочиб ўтиб кетди. Унинг бутун йиққан бойликлари, мол-мулки ўлжа қилиб олинди, минглаб навқарлари қириб ташланди, таслим бўлганлари асир олинди.

Қамариддин яна тоғу чўллар оша қочиб, аскарый кучларидан жудо бўлди. М.Иваниннинг ёзишича, бу қароқчи омон қолган бир нечта одами билан иккинчи марта Иртиш дарёсидан нарига ўтиб, Сибир ўрмонларида ғойиб бўлди<sup>1</sup>.

Асосий ғаним бўлган Ҳизрхўжахоннинг изидан Амир Темур ўзи борди. Ҳизрхўжахон Юлдуз яйловидан ва Найри довонидан нарида Қорақош деб аталадиган гўзал манзилни ўзига ёзги пойтахт қилиб олган эди.

У Қашқарнинг Хўтанга яқин бўлган бу жойларни «Амир Темур топиб келолмайди», деб ўйлаб, маишат қилмоқда эди. Бироқ Амир Темур унинг Қора Булоқ ва Қўшин Қоя деган жойларда қоровулда турган минглаб аскарларини бир зарба билан тумтарақай қилиб қочирди ва Найри довонидан ошиб, Ҳизрхўжахоннинг ёзлик пойтахтига тўсатдан бостириб борди. Ҳизрхўжахон бутун хазинаю, дафинаси, оила аъзоларини ташлаб қочди, ёлғиз ўз жонини қутқариб кетди.

Бу воқеани Яздий ўз «Зафарнома»сида шеър билан баён қилади:

Ҳизрхўжаким, жетедә эрди хон,  
 Қочиб кетди аз бими<sup>2</sup> соҳибқирон.  
 На лашкар, на мулк  
   анда қолди, на мол,  
 Черики бўлиб барчаси дастгир,  
 Ўғил-қизлари бари бўлди асир.  
 Жете улуси бўлди  
   бир йўли зеру забар<sup>3</sup>.

Шу ажойиб ғалаба билан Амир Темур Чигатойхонга мансуб бўлган жетени тажовузкор куч сифатида бутунлай сафдан чиқарди. На Ҳизрхўжахон, на Анқо Тўра, на бошқа бирон жете гуруҳи минбаъд Туронга талончилик ва босқинчилик мақсади билан қадам босмайдиган ва Тўхтамишхонга ҳам ёрдам бермайдиган бўлди.

\* \* \*

Ниҳоят, Шарқий чегаралардан кўнгли тинчиган Амир Темур душман келтирган вайроналикни ҳам бартараф қилди. 1387-1390 йилларда ортиқча

<sup>1</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994, 128-129-бетлар.

<sup>2</sup> Б и м — қўрқич, ваҳимага тушиш.

<sup>3</sup> Ш.А.Яздий. Зафарнома, 1997, 126-бет.

уруш-юришларсиз ҳаёт кечирди, Оқсарой қурилишини тезлаштирди. Бўйи етиб қолган невараларининг тўйини ўтказди. Эл-юртнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган жуда кўп чора-тадбирларни амалга оширди. Айни вақтда, Олтин Ўрдага қарши юришга ҳам уч йил астойдил тайёргарлик кўрди. Бу йиллар давомида Амир Темур қўшинларининг сони 200 мингга етди.

Бир вақтлар Тўхтамиш ёлғиз ўзи Олтин Ўрдан қочиб, Амир Темурдан паноҳ истаб келган бўлса, 1390 йилда чингизий ўғлонлардан бир эмас, уч нафари Тўхтамиш билан ёвлашиб, Амир Темур паноҳига юзлаб навкарлари билан қочиб ўтиб келдилар.

Буларнинг бири Тўхтамишнинг чап қўл вазири бўлган Едигей Манғит эди. Иккинчиси Ўрисхоннинг невараси Кунча ўғлон ва учинчиси Олтин Ўрда тахтига даъвогар Темур Қутлуг эди. Амир Темур буларни одатдаги ҳурмат ва саховат билан қабул қилди. Чунки улар Олтин Ўрдага боргунча йўл кўрсатувчилик қилишлари, агар Тўхтамиш бартараф этилса, унинг ўрнига номзодлари қўйилиши мумкин эди.

Тўхтамишга қарши юриш катта қийинчиликлар билан бошланди. Чунки бутун мамлакатдан 200 минг кишилиқ лашкарни Тошкент билан Чиноз оралиғидаги бағри кенг жойларга йиғиб келгунча қиш кириб, қор ёға бошлади. Сипоҳийларнинг етовдаги отлари, юк ташийдиган туялар, хачирлар, ҳўкиз қўшилган аравалар — ҳаммасининг умумий сони миллиондан ошиб кетди. Уларнинг ҳаммасини қор-қировдан сақлаш ва ем-хашак билан таъминлаш осон эмас эди. Айни вақтда, икки минг чақирим масофага чўзиладиган ҳарбий юриш учун камида олти ойлик озик-овқат захираси билан йўлга чиқиш керак эди.

Амир Темур давлатида ҳамма иш қатъий интизом асосига қурилганлиги учун барча тайёргарликлар соҳибқирон белгилаб берган муҳлатда тугалланди. Бироқ йўл тайёргарлиги энди ниҳоясига етганда Амур Темурнинг ўзи оғир хасталикка учраб, «қирқ кунгача беҳузур бўлиб ётди, — деб ёзади Яздий. — Бекларнинг кўнгиллари бу жиҳатдан бисёр паришон бўлди.

Ҳазрат ғамидин барча жаҳон титрар эди,  
Танларда кўнгиллар била жон титрар эди.  
Ул жону жаҳон эрди, анинг ваҳмидин  
Айтмоққа оғизларда забон титрар эрди»<sup>1</sup>.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳали ҳеч қачон бундай оғир хаста бўлмаган эди. Бекларнинг ваҳимага тушиб хавотир тортишлари шундан эди. Балки ёши 55 га бориб, соғлом йигитлик даври ортда қолгани учундир? Йўқ, парвардигор унга қарилликни тан олмайдиган қудратли вужуд ато этган эди. Ёши 60 дан ошиб, етмишга яқинлашганда ҳам Амир Темур йигитлардай соғлом, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган куч-қудратга эга эди.

Бу гал ҳам, аввало, яратганнинг мадади, сўнгра ўзининг куч ва иродаси ёрдамида оғир хасталикни енгади. Дармонга киргунча бир неча кун дам олгач, 1491 йилнинг 22 январиди, яъни қаҳратон қиш чилласида Тошкентдан йўлга чиқиб, Тўхтамишга қарши юришни бошлади.

«Нега бу юриш қаҳратон қишда бошланган?» — деб ҳайрон бўлиш мумкин. Гап шундаки, 200 минг кишилиқ қўшин Олтин Ўрда ҳудудларига етиб боргунча икки минг чақирим йўл босиши керак эди. Бу эса камида беш ой вақт талаб қиларди. Шимол совуқларида қиш кунисида Олтин Ўрда лашкари билан жанг қилиб ғолиб чиқиш амри маҳол эди. Шунинг учун Амир Темур Олтин Ўрдага ёз киргунча етиб боришни ва илиқ кунларда нафасни ростлаб, Тўхтамиш билан «ҳисоб-китоб» қилишни режалаштирган эди.

Амир Темур Туркистонда тўхтаб, Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилди. Зиёратгоҳ ҳовлисидаги қудуқнинг шифобахш сувидан ичиб, улуғ пирнинг руҳидан мадад сўради. Агар Тўхтамишхонни бартараф қилиб, эсон-омон ватанга қайтиш насиб этса, Аҳмад Яссавий қабри устига муҳташам мақбара қурдиришни ният қилди. Ташқари совуқ бўлса ҳам ер қаърида нисбатан илиқ турган бу

<sup>1</sup> Ўша китоб. 129-бет.

муқаддас қудуқ суви унга ажойиб бир руҳий енгиллик берди. Офтобачига буюриб, олгин кўзачани қудуқ сувига тўлдириб олишни буюрди. Сафар давомида ҳар сафар шу сувдан бир пиёла ичганда ўзини йигитлардай тетик сезарди.

Амир Темурнинг икки юз минг сипоҳийлари барча от-улови, қурол-яроғи, от-араваси ва туя-қарвонлари билан бирваракай ҳаракатга тушганда Дашти Қипчоқ чўллари ларзага келгандай бўларди.

Кўшинлар Ўтрордан ўтиб, Қораосмон деган жойга етганда, шимолдан Тўхтамишхон элчилари қимматбаҳо буюмлар, тўққиз от ва бир бургутни Амир Темурга совға қилиб келтирдилар. Элчилар таъзим бажо келтириб, Тўхтамишхоннинг гуноҳини кечиришни сўрадилар.

«Тўхтамишхоннинг номасида, — деб ёзади тарихчи М.Абдураимов, — хон узр сўраб, ўз хатти-ҳаракатини қоралаган, ёмон одамларнинг гапига кириб, душманлик кайфиятига берилгани учун пушаймон эканини айтган эди. Бундан буён валинеъматига берган ваъдаларига сўзсиз амал қилишини бот-бот такрорлаганди!». Лекин энди Амир Темур унинг сўзларини алдамчининг навбатдаги хийласи деб билди. Элчиларнинг тилёғлама гаплари туфайли шундай катта тайёргарлик билан бошланган юришни тўхтатиш ва 200 минг кўшинни орқага қайтариш ақлдан эмас эди.

Буни кўпчилик амирлар ҳам сезиб турар эдилар. Шунинг учун Амир Темур Тўхтамишнинг сўнгги босқинчилигини тутинган отага нисбатан хоинлик ва оқпадарлик деб атади. Фақат «элчига ўлим йўқ» деган қоидага амал қилиб, Тўхтамиш элчиларига зиёфат берди, келтирган совғаларига жавобан сарупо инъом қилди, яхши чодирлардан жой ҳозирлади.

Элчиларга узил-кесил жавобни эса кўшин саркардалари ва аркони давлат билан маслаҳатлашгандан кейин беражагини айтди. Шу мақсадда Амир Темур ҳарбий қароргоҳда қурултой чақирди. Чунки айрим саркардалар ва аскар бошлиқлари қиш фаслида шунча узоқ йўл босиб, Олтин Ўрдага етгунча жангчилар озиб-тўзиб, чарчаб қолишларини ўйлар, Тўхтамиш аскарлари эса, ўз юртида куч йиғиб, даммини олиб уруш қилса, голиб чиқишлари мумкин эди. Агар шундай ҳодиса юз берса, туронликларнинг ватанга тирик қайтишлари ҳам гумон. Чунки яна шу сувсиз, озуқасиз Дашти қипчоқдан беш ой юриб ўтишга ҳеч ким бардош бера олмайди. Юриш борса-келмас юришга айланиб кетмасмикин?!

Қурултойда мана шу хавотирлар ҳам очиқ айтилди. «Тўхтамишхон Туронга бостириб келганидан пушаймон бўлса, энди хатосини тузатсин, бизнинг мамлакатга етказган барча зарарининг товонини тўласин, иккинчи бундай қилмасликка оғт ичсин, ана унда урушни ярашга айлантириш мумкин» деганлар бўлди.

Шунда кўпчилик саркардалар қўл бериб мурид бўлган буюк пир Сайид Барака соҳибқирондан сўзлашга рухсат олди:

«Муҳтарам амирлар, давлатхоҳлар! Тўхтамишхон алдамчилигини амалда кўрсатди. Яна қуюқ ваъдалар беради, эртасига товон ҳам тўламайди, сулҳнинг шартини ҳам бузади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади! Биз ёлғончининг ваъдасига ишониб, неча марта алданишимиз керак? Тўғри, қиш фаслида Олтин Ўрдага етиб бориш жуда қийин. Совуқлар, қорбўронлар, изғиринлар қаттиқ азоб беради. Лекин мен, кекса одам, шу азобларга чидаб, йўлдан қайтмай бормоқдамен-ку! Эллик бешга кирган соҳибқирон шундай оғир хасталикдан кейин барча мушкулотни ўзларига олиб боряптилар-ку! Кўпчилигингиз биздан ёшсиз, бақувватсиз, қўрқманглар, менга тушимда аён бўлди, Ватанга бу гал ҳам эсон-омон ғалаба билан қайтамыз! Чунки адолат биз томонда. Адолат енгади!»

Унинг гапи ҳаммага кучли таъсир қилди. Шундан кейин Амир Темурнинг ўн беш ёшли паҳлавон невараси, ўн минг кишилиқ кўшин саркардаси Муҳаммад Султон сўзлашга рухсат олди. Бобоси олдида бир тиззасини ерга қўйиб, юкиниб деди:

«Ҳазрат бобожон, Тўхтамишга ўхшаган тулкилар сўзидан қайтади, аммо йўлбарс изидан қайтмайди. Сипоҳийларимизнинг кўпчилиги йўлбарслардир.

<sup>1</sup> М.Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. Тошкент, 2000, 25-бет.

Улар бошлаган ҳарбий юришларидан орқага қайтмагай! Мен сиздан илтижо қиламан, Манглай кўшинларини менга ишониб топширинг! Ёғий билан биринчи бўлиб жангга кирмоқчимен! Ватанимиз Турон учун, соҳибқирон бобомиз учун жон керак бўлса беришга тайёрмен!»

Шундан кейин Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Пирмуҳаммад Мирзо ҳаммалари Муҳаммад Султоннинг барча сўзларига қўшилиб, олдинги сафда жанг қилишга тайёр эканликларини айтдилар. Бу ҳодисалар «Темур тузуқлари»да қисқа жумлаларда куйидагича ифодаланган:

«Фарзандларим ва набираларим мен учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдирмагунча саркардаларим ва аскар бошлиқларим жанг қилишга рўйхушлик бермадилар... Фарзандларимнинг сўзларини эшитгач, амирларим ва нўёнларимнинг жасурлиги тутиб, жангга шай ҳолатга келдилар»<sup>1</sup>.

Кандирча дарёси бўйидаги жанг арафасида айрим саркардалар яна ваҳимага тушганда бу ҳодиса қайта такрорланган бўлиши мумкин. Шу сабабли Амир Темур бир-бирига ўхшаш бу икки ҳодисанинг мазмунини бир жойда қисқача баён қилиб ўтади.

Тўхтамишхон билан адолат учун жанг қилишга барча саркардалар ва аскар бошлиқлари яқдил бўлиб, розилик берганларидан сўнг Амир Темур Тўхтамишхон элчиларига узил-кесил рад жавобини айтди, аммо қайтиб кетишларига рухсат бермади. Бутун ҳарбий юриш давомида улар кўшинга йўл кўрсатувчилик вазифасини бажаришга мажбур этилди.

Бунга жавобан Тўхтамиш ҳам қўлидан келган барча ёмонликларни қилди. Дашти Қипчоқда сурув-сурув чорвалари билан қишлайдиган минглаб кўчманчи чорвадорлар яшарди. Амир Темур ҳарбий юриш жараёнида улардан дон-дун ва гўшт, ёғ сотиб олиб, лашкарини озиқ-овқат билан тўла таъминлаш ниятида эди.

Дашти Қипчоқнинг изғирин совуқларида ойлар давомида қор кечиб йўл босиш учун жангчиларнинг озиқ-овқат таъминоти жуда яхши бўлиши керак эди.

Дастлабки ойларда ватандан туя ва араваларга ортиб чиқилган овқат захиралари ҳисобига жангчилар гўшт-ёғ ва озиқ-овқатдан танқислик сезмадилар. Лекин Дашти Қипчоқнинг кўчманчи чорвадорлар қишлайдиган шимолий худудларига кириб борганларида фақат бўм-бўш кўралар учрар, қишлоқ жойларида бирор сурув қўй, бирорта чўпон-чўлиқ кўзга кўринмас эди.

Тўхтамишхоннинг фармони билан Амир Темур кўшини ўтадиган жойлардаги ҳамма чорвадор аҳоли зўравонлик билан шимолдаги Ўрол тоғлари этакларига кўчириб кетилган эди. Дашти Қипчоқда қишда ҳам яшайдиган чорвадорлар орасида зўр бериб ваҳимали овозалар тарқатиларди: «Бу ердан кўчиб кетмаганларни Темурнинг 200 минг кўшини қириб ташлайди, биронта тирик жон қолмайди!» Бу ваҳимали овозалар ҳам таъсир қилиб, Дашти Қипчоқнинг бепоён худудларида аҳоли зоти қолмаган, фақат у ер-бу ерда кийиклар, сайғоқлар, бўрилар учрарди.

Апрел ойида ҳам Дашти қипчоқда совуқ кучли бўлар, кўшиннинг гўшт захиралари тугаб, фақат талқон ва аталага кунлари қолганида тўрт томони очиқ яйдоқ даштнинг суякларни ҳам зирқиратадиган совуқ изғиринларига бардош бериш бениҳоя қийин эди.

Шунда Амир Темур барча кўшин саркардаларини машваратга чақириб, мисли кўрилмаган улкан бир ов уюштиришни буюрди. Унинг кўрсатмаси билан тўрт томонининг ҳар бири олтамиш фарсаҳдан, яъни 180 чақиримдан масофани қамраб олган<sup>2</sup>, жами кенлиги 720 чақирим бўлган ов қамарғаси («қамаш» сўзидан) ташкил қилинди. Қамарғанинг бир четидан иккинчи четигача бўлган масофа Тошкент билан Жиззах орасидаги масофача келарди. Шундай бўлса ҳам, тигиз сафлар билан ўралган қамарға аста-секин кичрайиб борди. Вақт ўтган сари қамарға ичидан минглаб оқ сайғоқлар, гўзал жайрон кийиклар, бўғилар ва бошқа хил ов ўлжалари тўплангани кўзга ташланди. Куролли жангчилар қамарға ичига кириб барча жониворларни отиб олдилар Шу тарзда бутун лашкарнинг бир ойлик гўшт захираси ҳозирланди.

<sup>1</sup> «Темур тузуқлари». 2005, 50-бет.

<sup>2</sup> Бу ов тафсилотлари ва қамарғанинг ҳар тўрт тарафи 16 фарсаҳдан бўлгани М.Натанзийнинг «Мунтахаб-ут таворихи Муъийний» асарида (Ғулом Каримов таржимаси) келтирилган. Техрон, 1956: 344-бет.

Соҳибқирон кашф қилган бу ов усули юриш давомида яна бир неча марта такрорланди. Гуё она табиат мушкул аҳволга тушган Амир Темур қўшинига ўз саховати билан ёрдамга келгандай бўлди.

Тўхтамишнинг навбатдаги ёмон нияти — Амир Темур қўшинини Ёйиқ дарёсининг қўпчилик ўтадиган кечигидан ўтаётганида пистирмадан чиқиб тормор қилишга қаратилган эди. Бу орада май ойи кирган, Ёйиқ дарёси баҳор ёмғирлари ва Ўрол тоғларидан эриб тушаётган қор сувларига тўлиб, от-уловни оқизадиган даражада тошиб оқмоқда эди.

Шунга қарамай, Амир Темур ўз қўшинларини Тўхтамиш лашкари пистирмада турган одатдаги учта кечикнинг бирортасидан ўтказмайди. Дарёнинг юз чақиримча юқори оқимидан бошқа бир қулай кечик топади ва барча қўшинларини дарёдан талафотсиз ўтказишга муваффақ бўлади. Тўхтамиш эса эски кечувлар олдига пистирма қўйиб алданганини сезгандан кейин орқага қайтиб кетади.

Унинг илғор қисмлари ҳар замонда Амир Темурга узоқдан ўзини кўрсатиб, шимол томонга чекиниб борарди. Амир Темур қўшинлари ёвни таъқиб этиб, яна бир ярим ой йўл босди, ёз кириб июн ойи бошланди. Тўхтамиш бир неча марта Амир Темур қўшинларини катта ботқоқликлар ва чакалзорларга бошлаб киришга уриниб кўрди. Лекин соҳибқирон доимий одатига биноан тўрт тарафга ҳақиқий аҳволни аниқлайдиган ва душман орасидан «тил» олиб келадиган ботир йигитларни юбориб турарди. Уларнинг ахбороти ёрдамида душман ишлатмоқчи бўлган барча ҳарбий ҳйллаларни чиппакка чиқарарди. Ҳатто Тўхтамишнинг ишонган байроқдорлари орасида ҳам соҳибқиронга садоқат сақлаб юрган ва зарур пайтда Амир Темурнинг мушкулини осон қила оладиган одамлар бор эди.

Шу тарзда улар Европа қитъасига кириб борадилар ва Идил (Волга) дарёсининг чап томонига қуйиладиган Кандирча дарёсига яқинлашадилар. Бу ҳозирги Самара вилояти ҳудудида эди. Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Берка Волганинг ўнг қирғоғидаги баландликларда (ҳозирги Волгаград яқинида) қад кўтарган эди. Фақат хонлар ўз ҳарамлари ва аркони давлатлари билан ёз ойларида дарёнинг чап қирғоғида Сух дарёси бўйларидаги хушманзара, баҳаво яйловларни ёзги пойтахтга айлантирар эдилар. Бир қисм хазина ва тожу тахтлар ҳам шу шоҳона жойларга олиб келинарди.

Тўхтамиш Амир Темурни ўзининг ёзги пойтахтига яқин келтирмаслик учун Сух ва Кандирча дарёларида ҳам ўтиб, жангни янада шимолроқ ҳудудларда бошламоқчи бўлди. Аммо Амир Темур Кандирча дарёсининг Сухга қуйиладиган жойидан ўзига қулай жанггоҳ топди.

Бу жанггоҳни яхши тадқиқ этган ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдov Москвада чиқадиган «Наука и жизнь» журналининг 2004 йил 4-сонида «Бир муҳораба сири» номли мақоласида Амир Темурнинг Тўхтамиш билан қилган улкан муҳорабасига оид бир қатор янги ва ишонарли далиллар келтирган. Авваламбор, муаллиф икки томондан жангга иштирок этадиган 400 мингдан ортиқ аскарларни сифдира оладиган катта майдон Кандирча яқинидаги Эски Булан қишлоғи атрофида бўлганини тўғри кўрсатади. Майдон четида шарқона ном билан аталган Кўшк қишлоғи ва Қоровултоғ деган баланд тепалик бўлган. «Шарқнинг буюк ҳукмдори Амир Темур жанг олдидан айнан шу ерда — Қоровултоғда турган»<sup>1</sup> деб ёзади М.Арнольдov.

Тўхтамиш Амир Темур лашкарларини янада шимолроқ ҳудудларга эргаштиришга уриниб, ҳамон илгариларига борарди. Бироқ Амир Темур Кандирчанинг Сухга қуйиладиган жойи яқинида икки томони дарёнинг жарлик қирғоқлари билан ихоталанган катта майдонда, Қоровултоғ яқинида қўшинини таққа тўхтатади. Бек ва навқарлар отларидан тушиб чодир ўрната бошлайдилар. Амир Темур ҳатто «Палосларни тўшасинлар» деб буюрди. Амир Темур жойнамозини ёзиб икки ракат намоз ўқиди»<sup>2</sup>.

Бу билан у Тўхтамишхондан тап тортмаслигини кўрсатибгина қолмай, адолат учун қилмоқчи бўлган хатарли жангида яратгандан мадад сўради.

<sup>1</sup> М.Арнольдov. Бир муҳораба сири. «Тафаккур» журнали, 2005 йил 1-сон. 90-91-бетлар.

<sup>2</sup> Шомий. Зафарнома. 1996, 163-бет.

Тўхтамишхон Амир Темур лашкарини кетидан эргаширмоқчи бўлиб анча узоққа кетиб қолган эди. Амир Темур эса уни таъқиб этишни тўхтатиб, ўзига қулай жанггоҳ танлаганидан кейин Тўхтамишхоннинг биринчи бўлиб ҳужум бошлашини кутди. М.Абдураимовнинг Абдураззоқ Самарқандий асаридан келтирилган парчасида Амир Темур яна «чодир тикишни ва ҳар бир чодир ичида битта-иккитадан чироқ ёқишни буюради»<sup>1</sup>, дейилади.

Шу фактни ҳисобга олсак, Амир Темур ўзига қулай жанггоҳ танлаб, қўшинини шу ерда тўхтатганда кеч кириб қолган бўлади. Узоқлашиб кетган Тўхтамиш икки юз минглик лашкарини орқага қайтариб, Темур қўшинига яқинроқ олиб келгунча қоронғи тушади. Шунинг учун чироқлар ёқилади.

400 минг жангчи иштирок этадиган бундай улкан муҳорабани қоронғи тунда бошлаб бўлмас эди. Шунинг учун Тўхтамиш ўз лашкарини маълум бир жойда тўхтатиб, тонг отишини кутишга мажбур бўлади.

Демак, Амир Темур жанг бошланмасдан олдиноқ, ташаббусни қўлга олади ва Тўхтамишни ўйдим-чукур жойлар ҳамда дарё ҳосил қилган жарликлар орасидаги ноқулай жойда ясол тузишга мажбур этади.

Тўхтамиш тузган ясол қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари ҳамда ғул деб аталадиган марказий қисмидан иборат эди. Қўшиннинг бундай тартиб билан жангга кириши аллақачон эскирган усул ҳисобланарди. Амир Темур ўз қўшинига янгича тартиб беради. «Ҳазрат ўз черигини етти қўл тартиб этдиким, — деб ёзади Яздий, — ҳеч подшоҳ андоқ қилмайдур эрди ва бу етти ададида хосият кўп турур ва кўп сир анда бор эрди»<sup>2</sup>.

Амир Темур кашф этган янгича тартиб ва етти томондан ҳужум бошлайдиган кудратли қўллар улкан жанг пайтида соҳибқиронга катта устунлик берди. Айниқса, Амир Темур заҳирада тутиб турган “улуғ қўл” жанг энг қизиган пайтда Тўхтамишхоннинг икки қанотини букиб, унинг орқа тарафига ўта бошлади.

Бу жанг ҳақида «Темур тузуклари»да ажойиб бир факт келтирилган:

«Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил бириктирган эди... Уруш авжига чиққанда байроқдор байроғини тубан тушириши керак эди... Жангу жадал ўти кўкка кўтарилганида, олов ёқиб таом пиширишни буюрдим. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроғи тубан бўлди»<sup>3</sup>.

Албатта, Амир Темур байроқдор билан шахсан ўзи эмас, маълум бир хуфиялар орқали тил бириктирган. Жанг авжига чиққанда ёқилган олов эса байроқдор байроқни тубан қилиши учун пайт келганини билдирувчи сигнал бўлган.

Амир Темурнинг «улуғ қўл» деб аталадиган қўшинлари Тўхтамишхоннинг орқа тарафига ўтиб, хонни қуршовга олиш хавфи туғилган пайтда унинг байроғи ҳам тубан бўлади. Буни кўрган Тўхтамиш жон талвасасига тушиб, орқадаги ўрмонзор томонга қоча бошлади. Уни қувиб етолмайдилар. Саркардасиз ва байроқсиз қолган ёв лашкари саросимага тушиб тўзғиб кетади.

Амир Темур буйруғи билан қочаётган душман Волга дарёси томонга қисиб борилади. Ёв қўшинининг шимолга ва жанубга қочадиган йўллари тўсиб олинади. Улар фақат ғарб томондаги Волга дарёсига қараб қочишга мажбур бўладилар. Лекин бу ҳолат кўпларининг сузиб ўтиб бўлмайдиган улкан дарёда ғарқ бўлишига ёки орқадан қувиб келаётган ғолиб лашкар қиличидан жон беришига сабаб бўлди. «Икки бало ичида қолиб, оз киши андин тирик қутулди»,<sup>4</sup> деб ёзади Яздий.

Албатта, ёв аскарларининг маълум бир қисми қуролини ташлаб, қўлини кўтариб таслим бўлади. Улар асир олинади.

\* \* \*

Жанггоҳдан жануброқда Волга дарёси эгилиб ўтадиган хушманзара яйловлар бағрида Уртуба деб аталадиган жойда хоннинг саропарда ва шоҳона ўтовлари тикилган ёзлик пойтахти бор эди. Амир Темур ғолиб қўшини билан мана шу жойни забт этади.

<sup>1</sup> М.Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. 2000, 31-бет.

<sup>2</sup> Яздий. Зафарнома. 1996, 137-бет.

<sup>3</sup> «Темур тузуклари». 2005, 50-51-бетлар.

<sup>4</sup> Ш.А.Яздий. Зафарнома. 1977, 139-бет.

Беш ой давом этган машаққатли ҳарбий юриш ва ҳаёт-мамонт жангидан кейин Амир Темур бу ерда Олтин Ҳрданинг жуда катта бойликларини қўлга туширади. Голиб сипоҳийлар хазина тўла олтин-кумушлардан катта-катта улушлар олади.

Поёнсиз яйловлардан юзлаб сурув қўйлар, минглаб серсут биялар ҳайдаб келинди. Ўлжалар орасида хонлар ичадиган хумлар тўла майлар ҳам бор эди. Аммо Амир Темур май ичмагани учун беку навкарлари ҳам шаробхўрликдан ўзларини тияр эдилар. Хумлардаги майларни Сух дарёсига тўкиб ташладилар. Сўнгра ажойиб қимизлардан тўйгунча ичишиб, қазӣ-қарталар, тандир кабоблар ва бошқа нозу неъматлар еб, мағлуб хон қароргоҳида 26 кун хурсандчилик қиладилар ва ҳордиқ чиқарадилар.

Ёз ойлари тез ўтди. Амир Темур ўша йили куз пайтида Самарқандга соғ-саломат қайтиб келди.

Унинг 1391 йилда Тўхтамиш устидан эришган ғалабаси икки қитъани ларзага солган ва жаҳон тарихидан алоҳида ўрин олган улкан воқеалар қаторига киради. Гарчи Амир Темур бу ғалабани кўрнамак Тўхтамишга берилган адолатли жазо, деб камтарона таърифлаган бўлса ҳам, Кандирча дарёси бўйида бўлиб ўтган жанг бутун Олтин Ҳрда ва Чингизхон тузган улкан империяга қақшатқич зарба бўлиб тушди. Йигитлик пайтларидан буён халқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб келаётган Амир Темур Кандирча бўйида Тўхтамишни тор-мор этиш билан ўзининг бутун ҳаёти давомида қилиб келаётган олижаноб ишида — тутқун элларни чингизийлар асоратидан қутқаришда янги саҳифа очди.

Бошқирд халқ ёзувчиси Ахияр Ҳақимов ўзининг «Карвон»<sup>1</sup> номли романида Амир Темур Тўхтамишнинг мағлуб этиш билан бошқирд, татар ва шу минтақада яшайдиган бошқа халқларга жуда катта халоскорлик қилганини миннатдор бўлиб қаламга олади.

Юқорида эслаб ўтилган ёш рус тарихчиси Михаил Арнольд 2004 йилда Москвада босилган мақоласида қуйидаги муҳим фикрни билдиради:

«Куликово майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ҳрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ҳрданинг ўзи тор-мор бўлиб тарих саҳнасида гоийб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айна ўша зот — кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган «буюк ва шафқатсиз» Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ҳрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган»<sup>2</sup>.

«Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса, Ҳолиқ билар» деган нақл эсга тушади. Бу ерда ёш рус тарихчиси тилидан (неча-неча асрлар ўтгандан сўнг) адолатли Ҳолиқ сўзлари айтилгандай бўлди. Тарихчилар «Кандирчада Амир Темур Тўхтамишнинг белини синдириди, шундан кейин Олтин Ҳрда қаддини тиклай олмади», деган фикрни кўп такрорлайдилар.

Тўғри, Тўхтамишнинг Кандирчадаги мағлубияти уни жон талвасасига солиб қўйди. Лекин бу талваса ҳали яна узоқ давом этди. Чунки Олтин Ҳрда икки аср давомида катта куч йиғиб, осонлиқча жон бермайдиган давлатга айланган эди. Фарбда Литва ва Польша Олтин Ҳрданинг иттифоқдошларига айланган эдилар. Кандирчадан шарманда бўлиб қочган Тўхтамиш тўғри Литва ва Польшага ёрдам сўраб боради.

Волга дарёсининг ўнг қирғоғидаги рус князликлари, Қрим ва Шимолий Кавказ, Днепр бўйларигача чўзилган улкан ҳудудлар ҳали ҳам Тўхтамишга итоат этар ва ўлпон тўларди. Олтин Ҳрданинг пойтахти Сарой Берка Волганинг ўнг қирғоғида бўлгани учун Амир Темур қўшини ҳали у томонга ўтиб борган эмас эди.

Шу имкониятлардан фойдаланган Тўхтамиш кейинги 1392-94 йилларда яна 100 мингдан ортиқ қўшин тўплади. Лекин у Турон томонларга, айниқса, Хоразмга қайта қадам босолмайдиган бўлди. Хоразм энди Олтин Ҳрда асоратидан

<sup>1</sup> Ахияр Ҳақимов. Карвон. Роман. «Жаҳон адабиёти» журнали. 2001, 1,2,3-сонлар.

<sup>2</sup> М.Арнольд. Бир муҳораба сири. Таржимаси «Тафаккур» журналидан олинди. 2005, 1-сон, 91-бет.



бутунлай кутулди. 1391 йилги ғалабанинг шарофати билан Амир Темур Урганчни қайта қуриб, бузилган жойларини тиклатди. Самарқанд томонларга кўчирилган хоразмликлар ватанларига қайтиб келдилар.

Талончиликсиз яшолмайдиган Тўхтамишхон эса 1393-94 йилларда яна Каспий денгизининг ғарбий қирғоғидаги Дарбанд орқали Ширвон ва Озарбайжонга бостириб бориб, талончилик қила бошлади.

Ширвон ва Озарбайжоннинг жума намозларида Амир Темурнинг номи хутбага қўшиб ўқиларди. Бу худудлар соҳибқирон ҳимоясидаги ўлкалар ҳисобланарди. Тўхтамишнинг бу ерларга қайта тажовуз қилиши Амир Темурнинг Олтин Ўрда билан олишувлари ҳали тугамаганини, ҳал қилувчи муҳорабалар олдинда эканини кўрсатарди.

## ЗОЛИМЛАР САЛТАНАТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Чингизийлар салтанатининг ҳалокати қандай юз берганини тушуниш учун унинг қай тарзда пайдо бўлганини бир эслаб ўтиш ўринлидир. Чингизхон 30 йилдан ортиқ жанглар қилиб, Мўғулистоннинг барча қабилаларини ўзига бўйсундиради. Татар, кераит, баҳрин, уйғур, жалойир ва бошқа ўнлаб қаршилик кўрсатган туркий элатларни қириб ташлайди, итоатга келганларини ўз салтанатига қўшиб олади. 61 ёшга киргунга қадар уни Темучин деб атар эдилар.

Ниҳоят, 1206 йилда ёши 60 дан ошган хон Мўғулистоннинг Онон дарёси бўйида улуг қурултой чақиради. Бу қурултойда шомон динининг энг буюк пешвоси Теб Тенгри, яъни олий тангрининг вакили Кокэче Темучинга гўё худо томонидан ато этилган Чингизхон деган муқаддас исм беради. «Хонлар хони» деган маънодаги бу исм билан Чингизхон ва унинг авлодлари бутун ер юзига ҳукмрон бўлишларини Теб Тенгри Кокэче худо номидан башорат қилади. Қурултойда барча қабила бошлиқлари, саркарда ва нўёнларга Чингизхон номидан беҳад кўп олтин, кумуш ва қимматбаҳо совғалар улашилади. Бундан кўнгли кўтарилган ва илҳомланган қурултой қатнашчилари Чингизхоннинг тангри томонидан юборилган илоҳий хон эканлигига иймон келтирадилар ва унга худога ишонган қаби ишонишга, худога бўйсунган қаби бўйсунушга қасамёд қиладилар. Шундан кейин Чингизхон ҳали бўйсунмаган элларнинг ҳукмдорларига ҳеч тортинмай куйидагича номалар юборади:

«Тангрим менга ва менинг фарзандларимга бутун ер юзини ҳукмронлик қилиш учун берди. Кимки менга бўйсунса, ҳаётини, бойликларини, оиласини сақлаб қолади. Кимки бўйсунмай қаршилик қилса, унинг бошига қандай кунлар тушишини ёлғиз худо билади»<sup>1</sup>. Икки аср давомида Чингизхон ва унинг авлодлари фақат бўйсунмаганларни эмас, балки бўйсунганларни ҳам, масалан, Самарқандда, Балхда, Москвада ва бошқа ўнлаб жойларда қирғин қилиб ўлдирганларига биз ўтган бобларимизда нуфузли тарихий манбалардан мисоллар келтирдик. Ўша машҳур қурултойда худонинг номидан гапирган Тэб Тенгри Кокэче бутун ер юзини Чингизхонга ва унинг авлодларига ҳукмронлик учун берганлиги жуда катта мафкуравий риёкорлик ва алдамчилик бўлса ҳам қонун ўрнида қабул қилинди. Шунинг учун алдамчилик ва риёкорлик Чингизхондан бошлаб унинг бутун авлодлари учун раво ва жоиз нарсага айланди.

Масалани ойдинлаштириш учун узок Венгрияда 1241 йилда Чингизхоннинг невараси Ботухон томонидан қилинган алдамчиликдан битта мисол келтирайлик.

У Венгрияни босиб олганда, буғдойзорлар сарғайиб, ўрим мавсуми келиб қолади. Лекин аёвсиз қирғинларда кўп деҳқонлар ўлиб кетади. Тирик қолганлар эса атрофдаги тоғлар ва ўрмонларга бориб яширинади. Буғдойларни ўриб янчадиган одам қолмайди. Шунда Ботухон асир олинган ва тил биладиган венгерларни воситачи қилиб, тоғ ва ўрмонларда қочиб юрганларга шундай ваъда беради:

<sup>1</sup> М.Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994, 33-бет.

«Уйларига қайтиб, бугдой ҳосилини йиғиб олганлар омон қолади, уларга ҳосилнинг бир қисми берилади. Асосий ҳосил голиб қўшиннинг ихтиёрига ўтади»<sup>1</sup>.

Урмонларда оч юрган одамлар бу гапларга ишониб, қишлоқларига қайтадилар, бугдойларни ўриб-янчиб, ҳосилини қопларга солгунларича босқинчилар уларни қўйиб беради. Ўлжа тайёр бўлганидан кейин эса бутун аҳолини белгиланган жойга тўплаб, барчасини қириб ташлайдилар ва қопланган бугдойларни битта қолдирмай олиб кетадилар.

«Нега булар худодан кўркмайди?» деган савол туғилади. Ахир шомон дини ҳам Тангри деб худони тан олади-ку. Чунки улар Чингизхон ва унинг фарзандларини, айниқса, бобосига ўхшаш невра бўлган Ботухонни худо ўрнида кўрганлар. Улар алдамчиликларни Ботухоннинг буйруғи билан қиляптими, демак, Ботухонга худо шундай ваколат берган, деб ишонишган. Чингизхондан кейин Ботухон ер юзига ҳукмрон бўлиш учун юборилганми, демак, унинг аскарлари ҳам худо томонидан юборилган ва истаган жойида истаган ишини қилишга ҳақли. Чингизийлардаги мана шу сохта эътиқод, «биз худо томонидан юборилган ҳукмронлармиз», деган ҳовлиқтирувчи ишонч уларнинг ахлоқини қанчалик бузганлигини Эронда бўлиб ўтган бошқа бир тарихий воқеа мисолида кўрамиз.

Чопарлик хизматини ўтаб юрган беш нафар мўғул навқари 1337 йилда Сабзавор шаҳри яқинидаги Боштин деган қишлоққа келиб тўхтайдилар. Улар ички-ташқи ҳовлиси бор Ҳасан Ҳамза ва Ҳусайн Ҳамза номли ака-уканинг уйига меҳмон бўлиб тушадилар. Ака-укалар дастурхон ёзадилар, нон, овқат келтирадилар. Мўғул навқарлари бу билан қаноатланмай, шароб талаб қиладилар. Намозхон ака-уканинг уйида шароб йўқ экан. Мўғуллар ғазабга келиб, «қаердан бўлса ҳам шароб топиб келмасанг, бошинг кетади!» дейишади. Ҳусайн шароб тайёрлайдиган ҳамқишлоқларидан бирининг уйига бориб, воқеани айтади ва бир кўзада шароб сотиб олиб келади.

Мўғуллар уни ичиб маст бўладилар ва энди гўзал қизлар топиб келишни буюришади. Ака-укалар бу талабни бажаришдан бош тортишади. Мўғуллар маст бўлишгач, тубан кетишиб, ака-укаларнинг хотинларини олиб чиқмоқчи бўлишади. Ориятли ака-укалар бундай шармандаликка чидаб тура олмайдилар. «Яхшиси, бизнинг бошимиз дорга осилсин!» дейишади-ю, яланғочланган қиличлар билан бориб, ҳар бешала мўғулни чопиб ўлдирадилар. Сўнгра улар уйларида кўчага чиқиб, халойиқ тўпланган жойда воқеани айтадилар: «Биз орият учун бошимизни дорга беришга розимиз!» дейдилар.

1337 йилда Сабзавор вилоятида чиндан содир бўлган бу воқеани машҳур тарихчи Фасиҳ Ҳавофий ўзининг «Мужмали фасиҳий» асарида батафсил ёзади. Биз келтирган воқеий ҳикоя Фулом Каримов таржимаси билан «Маърифат» газетасида чоп этилган<sup>2</sup>.

Ф.Хавофийнинг ҳикоясини тарихчи ҳафиз Абрў «Зубдатут таворих» асарида бир қадар умумлаштириб, бундай жабр-зулм ва ахлоқсизликлар мўғул аскарлари томонидан бошқа жойларда ҳам кўп содир этилаётганини, сабр қосаси тўлиб-тошган маҳаллий аҳоли уларга қарши исён кўтаргани ҳақида ёзади:

«Бир жамоа одамлар қуролланиб шундай дейишди: бизга чексиз жабр-зулм қилишмоқда. Агар худойи таоло бизга ёр бўлса, биз зулмга чек қўйиб, золимларни йўқотамиз, бўлмаса бошимизни дорда кўрайлик, илло жабр-ситамларга ортиқ чидолмаймиз». Улар шундай аҳду паймон қилишгач, ўзларини сарбадорлар деб атадилар ва шу тариқа сарбадорлик ҳаракати пайдо бўлди»<sup>3</sup>.

Сарбадорлар Сабзавор вилоятидан мўғул истилочиларини қувиб юборадилар ва ўзларининг халқчил давлатларини тузадилар. Бу давлат 1337-81 йилларда фаолият кўрсатади. Сарбадорлар ўз давлатларида олға сурган гоёлар уларнинг орасидан чиққан истеъдодли шоир Ибн Ямин шеърларида қуйидагича ифодаланади:

<sup>1</sup> Ўша китоб. 111-бет.

<sup>2</sup> Кўчирма тарихчи Фулом Каримовнинг «Самарқанд сарбадорлари» деб аталган ва 2002 йилда «Маърифат» газетасида 25 сентябрда 4-саҳифада босилган мақоласидан олинди.

<sup>3</sup> Ўша мақола. «Маърифат», 25 сентябр, 2002, 3-саҳифа.

Аслият.

Ман бигуямки меҳтари чи буд,  
Гар бихоҳи зимон шенидан.  
Хамаганро зиғам раҳондан,  
Дар риояти халқ қўшидан.

Таржимаси:

Агар мендан эшитишни истасанг,  
Мен улуглик нималигини айтаман.  
Улуглик барчани ғамдан фориф этиш,  
Хамда халқ эрки учун курашдан иборат.

*Фулом Каримов таржимаси.*

Шоир бу ерда золимлар зулмидан халқни қутқариш ғоясини олға суради. Сарбадорларнинг бу ғояси йиллар давомида халқ озодлик ҳаракатини бошқарган Амир Темурнинг ғояларига ҳамоҳанг эди. Шунинг учун 1365 йилда ўз жонини хатарга қўйиб Самарқанд сарбадорларининг раҳбари Мавлонзодани дорнинг тагидан қутқариб олиб чиққан эди.

Кейинчалик Амир Темур Эронга ҳарбий юриш қилганда сарбадорлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Али Муайяд билан танишади ва у билан ҳам дўст тутинади. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий асарларида қуйидаги сўзлар ёзилган:

«Хўжа Нажмиддин Али Муайяд ўзининг айёми давлатида Амири Кабир Темур Кўрагон била якжиҳатлик ва дўстлик қилур эди ва неча маротаба Амир Вали билан масоф (жанг) қилди... Амир Вали Сабзавор шаҳрини муҳосара қилди (босиб олди). Хўжа Али Муайяд Амир Темурдан ёрдам сўраб Тоту отлиғ бир кишини Самарқандга соҳибқироннинг олдига жўнади. Тўрт ойдан сўнг Амир Темур Хуросонга лашқар тортиди. Хўжа Али Муайяд то Сарахсгача соҳибқироннинг истиқболига бориб, Сабзавор вилоятини унга топширди. Узи эса Амир Темур хизматига кириб, унинг мулозими бўлди»<sup>1</sup>.

Амир Вали Хуросоннинг золим ҳукмдорларидан эди. Амир Темур Сабзаворни ундан тортиб олади ва ўзининг ишонган амирларидан Тобон Баҳодирни ҳоким қилиб қўяди. Лекин амир Вали тарафдорлари бўлмиш фитначилар Сабзаворда галаён уюштириб, Тобон Баҳодирни ва унинг қўриқчиларини ўлдирадилар. Бундан ғазабланган Амир Темур фитначиларга эргашган Сабзавор аҳолисини ҳам қаттиқ жазолаб, ўлимга ҳукм этади.

Шўро даврида И.Петрушевскийдек таниқли олим воқеанинг қандай юз берганини аниқламасдан туриб, «Амир Темур Али Муайядни ҳам исёнчиларга қўшиб қатл эттирди» деган асоссиз даъвони ёзиб чиқди. Ўзбек олими Фулом Каримов бир қатор нуфузли тарихий манбалар асосида қуйидагиларни аниқлайди:

Фитна содир бўлган 1381 йилда Али Муайяд Амир Темур мулозимлари орасида соғ-саломат юрган эди. Амир Темур унга ҳокимлик лавозимларини таклиф этганда, «Ёшим етмишга яқинлашди, қолган умримни сизнинг даргоҳингизда суҳбатларингиздан баҳраманд бўлиб ўтказмоқчимен», дейди. Чиндан ҳам у умрининг охиригача Амир Темурга садоқат сақлайди. Амир Темур ҳам уни энг суҳбати ширин дўст сифатида эъзозлайди. Али Муайяд 1386 йилда 73 ёшида Жувайн вилоятида бўлган жангда Амир Темурнинг душманларига қарши ўқ отаётганда оғир ярадор бўлиб, ҳаётдан кўз юмади. Амир Темур унинг тобутини туғилган шаҳри Сабзаворга келтириб, юксак эҳтиром билан дафн эттиради.

Амир Темурнинг эронлик яна бир қадрдони Шероз ва Форс вилоятларида подшоҳ бўлган шоҳ Шужо эди. У Шероздан Самарқандга икки марта элчилар, қимматбаҳо совғалар юбориб, дўстлик ва давлатхоҳлик изҳор қилганди. Амир Темур ҳам бунга жавобан ўз элчиларини қимматбаҳо совғалар билан Шерозга юбориб, шоҳ Шужо билан дўстлик муносабатларини мустақамлаган эди.

<sup>1</sup> Мазкур иқтибос Ф.Каримовнинг сардорлар ҳақидаги мақоласида келтирилган. Қаралсин: Маърифат» газетаси. 2002, 25 сентябр 4-бет.

Кексайиб қолган шоҳ Шужо 1385 йилда иккинчи марта Шероздан Самарқандга элчилар ва совғалар юборган, васиятномани эслатадиган махсус мактубда ўз ўлимидан кейин қариндошлари орасида ҳокимият учун кураш бошланишидан, ягона давлат парчаланиб қетишидан, ўғли Зайналобиддиннинг келажақ тақдиридан хавотирда эканини ёзган эди.

Амир Темур 1387 йилда Шерозга борганда шоҳ Шужонинг музаффарийлар деб аталадиган яқин қариндошларини йиғиб, бирини Исфохонга, иккинчисини Кармонга, Зайналобиддинни Шерозга ҳоким қилиб, бошларини қовуштиргандай бўлиб қайтди.

Тўхтамишнинг тажовузи ва Олтин Ўрдага қарши юриш Амир Темурнинг беш-олти йил вақтини олди. У Эронга ва унинг жанубидаги Шерозга 1393 йилда иккинчи бор келганда Музаффарийлар сулоласи бир-бирлари билан қирпичоқ бўлиб урушаётганларининг устидан чиқди. Улар шоҳ Шужонинг ўғли Зайналобиддиннинг кўзига мил тортиб, кўр қилишган ва Эрондаги қўл етмас тоғ чўққиларидан Қалъайи Сафидга қамаб қўйишган эди. Бу ёвуз ишни амалга оширган Шоҳ Мансур Амир Темурнинг Шерозга 30 минг қўшин билан келаётганини эшитиб, соҳибқиронга қарши суиқасд уюштиради.

Баҳор пайти экан, Шерознинг боғларида мевали дарахтлар қийғос гуллаган. Амир Темур қўшини боғларни топтамаслик учун боғ кўчалардан бўлиниб-бўлиниб ёв ҳужумини кутмай беҳавотир келаётган эди. Катта бир жарлик ичида 4 минг отлиқ аскар билан пистирмада турган шоҳ Мансур Амир Темур яқинлашиши билан жарликдан боғ кўчаларга тўрт минг қилич яланғочлаган навкарлари билан отилиб чиқди. Ўзи Амир Темурни мўлжалга олиб, ўлар-қоларига қарамай мингтача аскар билан бостириб боради. Улар соҳибқироннинг кўриқчиларидан 50-60 тасини қилич билан чопиб, йиқитиб ўтадилар. Буни кўрган кўриқчиларнинг беихтиёр кўрқиб қочганлари ҳам бўлади.

Шоҳ Мансур ўлимдан кўрқмайдиган энг ботир йигитларини ёнига олиб, соҳибқирон отлиқ келаётган жойга етиб боради ва бошини мўлжалга олиб, икки марта қилич уради. Ҳайриятки, қилич зарбалари чопиб бораётган от устидан урилгани учун қия тушади ва соҳибқироннинг бошига тутилган қалқон билан силлиқ зирҳли дубулгага тегиб сирғалиб кетади. Соҳибқиронга ҳеч қандай зарар етмайди. Кўриқчи аскарлар орасида Шоҳрух Мирзо ҳам бор эди. У шоҳ Мансурга отда етиб бориб, елкасига қилич уради. Бу орада Муҳаммад Султон ўз навкарлари билан етиб келиб, шоҳ Мансурни ёйдан ўққа тутади. Унинг баданига қадалган ёй ўқлари қилич зарбига кўшилиб, ғанимни отдан йиқитади. Шоҳрух Мирзо унинг бошини қилич билан кесиб, найзага санчади-ю, Амир Темур отининг оёғи остига олиб бориб ташлайди.

Амир Темур бир тепаликка отлиқ чиқиб, ўз ҳузурига Шоҳрух ва Муҳаммад Султонларни чорлайди. Пастга йиғилган беку навкарлар кўзи олдида шаҳзодаларни бир-бир бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпади ва барча навкарларни дуо қилади. Уларнинг ботирлиги туфайли бир суиқасддан омон қолгани учун яратганга шукроналар айтади.

Шерозда Амир Темурга шоҳ Мансур ва барча музаффарийлар сулоласидан кўп жабр-зулм кўрган турли тоифадаги аҳоли арз-дод билан мурожаат қилади. Шаҳар ақобирлари, барият ва раият вакиллари «Агар соҳибқирон... музаффарийларнинг зўравонлик ва жабру ситамларга ўрганган қўлларини халқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли хорлик майдонида оёқ остида қолиб ҳалок бўлгусидир»<sup>1</sup>, дейдилар.

Амир Темур бу гал музаффарийларни тутдириб, ҳибсга олдиради. Бир ҳафта давомида шариат қозилари иштирокида уларнинг барча жиноятлари бўйинларига кўйилди ва ҳаммаси қатл этилди. Шундан кейин Амир Темур Шероз ва Форс ақобирлари билан маслаҳатлашиб, бу ўлкаларни ўз ҳимоясига олди ва ўғли Умаршайх Мирзони ҳар икки вилоятга ҳоким қилиб тайинлади.

Шоҳ Шужонинг ўғли Зайналобиддин қамаб қўйилган Қалъайи Сафидга Амир Темур ўзи кўшин тортиб борди. Икки минг кишилик кўшин қорли тоғ тепасига беҳад мустаҳкам қилиб қурилган қалъани ишғол қилгунча икки кеча-

<sup>1</sup> Яздий. «Зафарнома», 1997, 174-бет.

кундуз машаққат чекди. Ниҳоят, қалъа забт этилиб, йигирма беш ёшида кўзи кўр қилинган Зайналобиддин озод этилди.

Отаси шоҳ Шужонинг васиятига биноан Амир Темур бу йигитни ўз қаноти остига олди ва махсус одамлар билан Самарқандга жўнатди. Самарқанд табиблари унинг кўзини даволаб, бир қадар кўрадиган қилдилар.

Амир Темур шоҳ Шужонинг хотирасини эъзозлаб, унинг ўғлига қилган шунча яхшиликлари соҳибқироннинг ваъдасида қанчалик маҳкам турганини ва чин инсонийлик бобида нодири замон бўлганини кўрсатади. Мана шундай адолатли ҳукмдорга чингизийлар жабру зулмидан интиҳосиз азоб тортаётган бошқа ўлкалар ҳам муҳтож эди.

Озарбайжон олими Абулфайз Раҳимов Амир Темур Табриз шаҳрини талончилардан қандай қутқаргани ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Амир Темур Озарбайжонни ишғол этиб, ўгли Мироншоҳни Султонияга ҳоким қилиб тайин этгунга қадар Табриз тарихида энг оғир давр бўлди. 70-80 йиллар орасида шаҳарга 22 дафъа ҳужум этилади ва бу ҳужумлар натижасида шаҳар 18 марта бир талончи ҳокимнинг қўлидан иккинчисининг ҳукми остига ўтади. 1386 йилда Амир Темур Табриз яқинидаги Шанби-Ғазанга келганда шаҳарнинг энг нуфузли одамларидан Саййид Рози, ҳожи Муҳаммад Хаттот, Ғози Ғиёсиддин ва бошқалар унинг ҳузурига келиб, шаҳарни ўз ҳимоясига олишини илтимос қиладилар. Лекин Амир Темур Олтин Урдага қарши юриш билан банд бўлганлиги учун бу илтимос фақат орадан 6 йил ўтгач, 1392 йилда ижобат бўлди. Амир Темур Хулагухон давлати таркибида бўлган ўлкаларга ўгли Мироншоҳни 1393 йилда ҳукмдор қилиб тайин этганидан сўнг Табриз ички урушлардан халос бўлди, аҳоли аввалги даврларга нисбатан бир қадар тинч ва осуда ҳаёт кечира бошлади»<sup>1</sup>.

Тарих саҳнасида тушган собиқ Хулагухон давлати таркибига Озарбайжоннинг бошқа ҳудудлари, жумладан, Боку, Шемаҳи, Ширвон ҳам кирар эди. Бу ўлкаларда 1382 йилдан эътиборан ҳукмронлик қила бошлаган Иброҳим Ширвоншоҳ шимолдан Дарбанд орқали бостириб келган Тўхтамиш қўшинларининг талончиликларидан қутулиш учун 1387 йилда Қорабоғда қишлаётган Амир Темурнинг ҳузурига ҳимоя истаб келади. Амир Темур Озарбайжон ва Ширвонни Тўхтамишдан ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Бунинг эвазига Озарбайжон ва Ширвоннинг Жомё масжидларида Амир Темур номи олий ҳукмдор сифатида хутбага қўшиб ўқилади. Ширвоншоҳ Амир Темур лашқарининг ҳарбий харажатлари учун ҳар йили ўз давлатининг даромадидан 10 фоизини соҳибқиронга ўлпон тарзида тўлашга ваъда беради. Шу ваъдалар асосида Амир Темур билан Ширвоншоҳ орасида иттифоқдошлик шартномаси тузилади. Соҳибқирон умрининг охиригача бу шартномага амал қилади.

Каспий денгизи бўйидаги Дарбанд қалъаси чингизийлар томонидан бузиб ташланган эди. Чунки улар Олтин Урдан Озарбайжон ва Эронга бостириб боришлари учун энг қулай ва яқин йўл шу қалъа олдида ўтар эди. Босқинчилар эса ўз йўлларида бирон тўсиқ бўлишини истамас эдилар. Лекин бу қалъа Ширвон ҳимояси учун жуда керак эди. Фақат уни қайта тиклашга Ширвоншоҳ Тўхтамишхоннинг ғазабидан кўрқиб журъат этолмас эди.

Мана энди Амир Темурдек қудратли иттифоқдош ёрдамида Дарбанддаги қалъа аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ қилиб тикланди. Бу иш бошида Амир Темурнинг ўзи турди. Қалъани қайта қурганлар ҳам унинг усталари ва навкарлари эди. Бироқ ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, 1394 йилнинг охирларида Тўхтамишхоннинг босқинчи амирларидан Али ўғлон, Илёс ўғлон ва Исабек деганлар 30 минг қўшин билан яна Дарбанд қалъасини бузиб, Ширвоннинг туман ва шаҳарларида талончилик қилдилар. Бу пайтда Амир Темур ўз қўшини билан анча узоқда — Кавказнинг Кура дарёси бўйида эди. У Тўхтамиш билан яна қатга жанг қилмасдан олдин унга элчи юборди ва соҳибқироннинг ҳимоясидаги ҳудудларга тажовуз қилмаслик шартини қўйиб, ярашишни таклиф қилди.

<sup>1</sup> А. Раҳимов. «Амир Темур Озарбайжонда». «Озарбайжон ФА хабарномаси». 1986, №2. 69-71-бетлар.

<sup>2</sup> Каспий денгизи у пайтларда Баҳри Ҳазар деб аталарди.

Амир Темурдан элчи бўлиб борган Шамсиддин Олмалиқийни Яздий куйидагича таърифлайди:

«Бу Шамсиддин доно ва иш билгувчи, оқил ва зийрак, оғзи юмшоқ, сўзи чучук киши эрди... Тўхтамишни кўриб, соҳибқироннинг мактубини бериб, ҳазрат айтган сўзларни ёқимли қилиб сўзлаганида, Тўхтамишга ул сўзлар таъсир қилди, хушвақт бўлиб, ярашмоққа майл қилди... Узр била тилини очиб, андоқ қилгайки, ародин мухолифат кетиб, дўстлик бўлгай... Аммо беклари жаҳл ва нодонликларидин ани қўймадиларки, мутиъ бўлгай, ани йўлдан чиқардилар. Соҳибқирон хатига «йўқ» жавоби битиб элчига берди»<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, Тўхтамишхон золим бекларига сўзини ўтка-золмайдиган заиф тождор эди. Тўғрироғи, у ҳам шу беклар каби бобокалони Чингизхон тузиб кетган золимлик занжирининг алоҳида бир ҳалқаси эди. Бу занжир Тўхтамишни ўз хоҳиш-истакларига бўйсундириб, Амир Темур билан ярашгани қўямасди. Чунки Амир Темур золимлар салтанатининг занжирларини узиб, парчалаб, тутқун элларни бирин-кетин озод қилиб келмоқда эди. Чингизийлар бу эллардан қувилмоқда эди. Шунини юракдан ҳис қилиб юрган золим беклар Тўхтамиш Амир Темур билан ярашса, унга муте бўлиб қолишини ва империя ҳалокатга учрашини сезиб, бунга жон-жаҳдлари билан қарши турадилар.

Ийқилган курашга тўймас, деганларидек, чингизий шаҳзодалар Амир Темур билан яна жанг қилишни истардилар. Элчи келтирган рад жавобидан мана шу нарсаларни тушунган Амир Темур тавочиларга яна кўпроқ қўшин ёллашни буюрди, курул-яроғларни созлаб, Тўхтамиш билан ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўрди.

Турону Хуросондан Амирзода Шоҳрух бошчилигида катта қўшин келиб, Элбрус тоғи этакларида Амир Темур қўшини сафларига қўшилди. Жанубий Эрондан Умаршайх Мирзо, Султониядан Мироншоҳ Мирзо ҳам 10 минглаб янги аскарый кучларни бошлаб келдилар.

Амир Темур барча қўшинларни Элбрус тоғидан то Каспий денгизи қирғоқларигача бўлган беш фарсаҳ (30 чақирим) масофага саф торттириб, кўриқдан ўтказди. Тоғ ҳам, денгиз ҳам ўз тарихида бундай мукамал курулланган улғу лашкарни бир неча асрда бир марта кўрган бўлиши мумкин.

Тўхтамиш ҳам икки юз минглик қўшин йиғиб, Терек дарёсининг Каспий денгизига қуйиладиган жойларига яқинлашиб келди. Бу ҳодисалар 1395 йилнинг баҳор ойларида содир бўлмоқда эди. Улкан Терек дарёси баҳор сувларига тўлиб-тошиб ҳайқириб оқарди. Икки улкан лашкар бир неча кун дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб денгиз томонга ҳаракатланиб бордилар. Тўхтамиш ўз лашкарини дарёдан биринчи олиб ўтказишга журъат этмади. Шундан сўнг Амир Темур тунда суръат билан орқага қайтди. Тонг ёришганда ҳали ёв лашкари уйқуда бўлган пайтида дарёдан кечик топиб, ҳамма қўшинларини нариги қирғоққа беталофат ўтказиб олди. Агар бу иш ёвга сездирмай амалга оширилмаганда Тўхтамиш лашкари хатарли дарёдан қийинчилик билан сузиб ўтаётган қўшинга нариги қирғоқдан ўқ отиб, ҳужум қилиб, катта талофат етказиши мумкин эди. Энди эса ҳар икки қўшин дарёнинг бир соҳилида ясал тузиб, ҳал қилувчи жангга киришди.

Амир Темур бу гал ҳам лашкарига етти қўл шаклида тартиб берди. Энг қудратли еттинчи қўл Муҳаммад Султон саркардалигида заҳирада турди. Соҳибқироннинг ўзи жанггоҳ марказидаги бир баландликка чиқиб, Амир Сайфиддин бошчилигидаги ўттиз минг кишилиқ марказий қўшинни Тўхтамишхон турган ёв фулига қарши йўналтирди. Бу қўшин ёвга етиб жанг қилаётган пайтда душманнинг чап қанотидан бир отлиқ ажралиб чиқиб, Амир Темур турган тепаликка томон чопқир отда учиб кела бошлади. Уни Амир Темурнинг кўриқчи аскарлари тўхтатдилар. Шунда ҳалиги отлик: «Мен ҳазратнинг қулиман, муҳим гапим бор, ўзларига айтаман», дейди. Воқеанинг давомини Яздий шундай баён қилади:

«Қочиб келган кишини соҳибқирон ҳазратга олиб бордилар. У «Мен Тўхтамиш қўшинининг ўнг қўл қисмидан келаяпман, вазият шундайки, Кунча

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1996, 210-211-бетлар.

ўғлон, Бек Ёруғ, Оқтов, Довуд Сўфи ва Удиркалар яқдилу якзабон бўлишиб, сизнинг ўнг қўл қисмингиз қанотига чопқин ясамоқчилар<sup>1</sup>, — деди.

Амир соҳибқирон дарҳол ўнг томонга эътибор бериб, бир қанча қўшинни илгари чиқарди ва чопқин қилиб келаётганларга қарши юборди. Ёғийлар ғалаба ёр қўшиннинг шавкату шижоатини кўргач, дилларида кўрқинч ғолиб келиб, тўқнашувдан олдин қочиб қолди. Соҳибқирон юборган қўшиндан эллик киши душман ортидан қувлаб, уларни ўз лашкарларининг марказий қисмигача етказди. Шунда бирдан қочган Тўхтамиш қўшинлари қайтадан жам бўлишиб, орқага қайтди ва қувиб келган эллик аскарнинг устига ташланиб, уларни қочирди ва бир қисмини ўлдирди. Шу сабабдан дадилланиб, уларга ғулдан яна минглаб аскарлар келиб қўшилди ва ҳаммалари зўр тезлик билан Амир Темур турган жойга яқинлашдилар.

Шунда маълум бўлдики, биринчи гал ҳужум қилиб келган ва жанг қилиб, гўё кўрқиб қочган ёв қўшинлари ҳийла ишлатган экан. Энди улар қўшимча катта кучлар билан орқага қайтиб, тўғри Амир Темур томонга бостириб келдилар ва соҳибқиронга ўқ отса етадиган даражада яқин бориб қолдилар. Хатарли вазият юз беради. Зирҳли кийимда отлиқ турган соҳибқирон қиличини қинидан суғуради. Яқин келиб қолган бир ёв навқарига найза отиб, уни эгардан қулатади. Буни кўрган Амир Шайх Нуриддин Амир Темурга қалқон бўлиш учун отидан сакраб тушади, навқарлари ҳам ундан ибрат олиб отдан тушадилар. Ерда туриб камондан ўқ отганда нишонга тегизиш осонроқ бўлади. Фақат отлиқ ёв навқари найза ва қилич билан пиёдани ўлдириши осонлашади. Ана шу хатарни зиммаларига олиб, яна «эллик киши отдан тушиб, ўқ ёйларини яёв туриб отиб, ёвни тўхтатдилар. Ва Муҳаммад Озод ва унинг иниси Алишоҳ ва Тўқал Бовурчи ҳар бириси ёғийлардан биттадан ароба тутиб келтурдилар. Соҳибқирон аробалар панасида бехатарроқ турди. Бу маҳалда Аллоҳдод Баҳодир қўшини билан кўмакка етди ва улар ҳам яёв бўлиб ёйдан ўқ ота бошладилар. Ҳусайн Малик Қовчин, Зийрак Жоқулар ҳам ўз қўшинлари билан ҳимояга келиб, яёв туриб урушдилар. Ҳар неча ким душманлар ҳамла қилиб от солдилар, яёв бўлган баҳодирлар аларни қўймадиларким соҳибқиронга яқин келгайлар»<sup>2</sup>.

Қилич яланғочлаб, отини чоптириб келаётган ғазабнок ёв қаршисида яёв туриб жанг қилиш чинакам қаҳрамонлик эди. Юзлаб фидойи беку навқарлар жонларини шундай хатарга қўйиб, улуг саркарда атрофида тирик девордай ҳимояда маҳкам турганлари ва ёвларнинг барча ҳужумларини қайтарганлари жанглр тарихида камдан-кам учрайдиган ёрқин бир ҳодиса эди. Бундан руҳланган соҳибқирон энг сара қўшинлари билан заҳирада турган невараси Муҳаммад Султонни жанг майдонига туширди.

Тўхтамиш бор кучларини Амир Темурга қарши йўналтириб, ҳар икки қаноти очилиб қолганини сезмаган эди. Муҳаммад Султон лашқари душманнинг очилиб қолган қанотлари орқали марказга отилиб кириб, соҳибқиронга ҳамла қилаётган ёв отлиқларига қақшатқич зарбалар берди, уларнинг кўпчилиги ўлдирилди. Тўхтамишхоннинг ўзига ўқ тегиб, ярадор бўлди. У қонга беланиб, содиқ мулозим ва беклари билан жанг майдонини ташлаб қоча бошлади<sup>3</sup>.

Бу тарихий ҳодиса 1395 йилнинг 15 апрелида Кавказ тоғлари орасида, Терек дарёси бўйида, Каспий денгизи яқинида юз берди.

Амир Темур садоқатли бек ва навқарларининг ўз саркардалари учун жон фидо қилишга қанчалик қодир эканликларини бу жангда ўз кўзи билан кўргани ва уларнинг баҳодирликлари туфайли бир ўлимдан омон қолгани унутилмас ҳодиса бўлди.

«Жангда жонини фидо қилган Шайх Нуриддинни ва у билан бир сафда яёв туриб мардона жанг қилганларни, шаҳзодалар билан бирга Соҳибқирон ўз ёнига чорлаб, ҳар бирини бағрига босди, дуолар айтди ва уларнинг ҳар бирига юз минг олтин динор инъом қилди ва баъзиларига вилоятлар, туманлар ва ўлкалар берди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 176-бет.

<sup>2</sup> Тўхтамишхоннинг ярадор бўлиб қонга белангани ҳақида Льюсен Кэрэн. «Амир Темур салтанати» китобида ёзган. 1990, 76-бет.

<sup>3</sup> Яздий. Зафарнома. 77-бет.

Соҳибқирон яхшиликни нақадар қадрлаши ва унинг нечоғлик саҳий инсон бўлгани Яздий келтирган мисолларда кўзга яққол ташланади.

Тўхтамишхон эса Терек бўйида тор-мор бўлгач, ўз хотинлари ва болаларини, эл-юртини, пойтахт шаҳри Сарой Беркани бутун хазина ва бойликлари билан ташлаб қочди. Фақат ўз жонини қўрқоқларча қутқариш учун қалин ўрмонларга бориб яширинди. Амир Темур Тўхтамишни қаердан бўлса ҳам топиб, жазолаш учун энг сара қўшинлар билан унинг изидан тушди. Волга дарёсининг Туратур деган кечигига етганда Тўхтамишнинг шу ердан ўтиб Булғор (ҳозирги Татаристон) ўрмонларига яширингани аниқланди. Амир Темур юборган қувғинчилар уни бу ўрмонлардан ҳам тополмадилар ва Тўхтамиш Волганинг ўнг қирғоғига ўтиб кетгани ҳақида хабар келтирдилар. Амир Темур ўз қўшини билан яна Волга дарёсининг ўнг қирғоғига ўтиб, қочқинни рус ўрмонларидан ҳам тополмади.

Амир Темур Сарой Беркани ва хон саройидаги хазиналарни эгаллаш учун юборган қўшинлар бу ерда Тўхтамишни тахтдан тушириб, унинг ўрнини олишга интилаётган чингизий шаҳзодалар борлигини аниқлаб келдилар.

Бу шаҳзодалар орасида Ўрисхоннинг Темур Қутлуғ ва Кунча Ўғлон деган неваралари ҳамда уларга ҳамтовоқ бўлган Эдигей Манғит ҳам борлиги маълум бўлди.

Хиёнатчиликда Тўхтамишдан қолишмайдиган бу уч шахс 1391 йилда Самарқандга Амир Темурдан паноҳ излаб борган ва умрбод садоқат сақлашга қасам ичиб, хизматга қирган эди. Кейин улар ўз қасамларини бузиб, Терек бўйида Амир Темурга қарши урушганлар қаторида жанг қилдилар. Агар имкон берилса, бундайлар Олтин Ўрдага ҳоким бўлиб, золимлар салтанатини қайта тиклашга уринишлари аниқ эди.

Амир Темурнинг мулозимлари орасида Тўхтамишхонга қарши дадил урушган ва Амир Темур раҳнамолигида иш олиб бора оладиган яна бир чингизий шаҳзода — Ўрисхоннинг учинчи невараси Қўйчироқ Ўғлон бор эди. Соҳибқирон бир неча йил давомида уни кўп синовлардан ўтказиб, ўз сўзида тура олишига ва садоқат сақлай олишига ишонган эди. Соҳибқирон хиёнатчиларнинг тахт талашишларига барҳам бериш учун Қўйчироқ Ўғлонни вақтинча Жўжи улусига бош ҳукмдор қилиб тайинлади ва бу ҳақда махсус ёрлиқ чиқарди.

Қўйчироқ Ўғлоннинг хос аскарлари бор эди.

Амир Темур ўз қўшинларидаги тажрибали бек ва амирлардан яна бир неча юз сипоҳини унга ёрдамга ажратди. Ҳаммаларини керакли маблағ билан таъминлаб, Қўйчироқ Ўғлоннинг белига олтин камар боғлатиб, Сарой Беркага юборди ва ҳокимиятнинг эгаллаб, шаҳарда тартиб ўрнатишни топширди. Аммо Сарой Берка инига чўп тиқилган арининг уясига ўхшаб қолган эди. Хон бўлиш орзусида юрган ўнлаб чингизийлар худди ини бузилган арилардай Амир Темур юборган одамларга қарши ҳужумга ўтадилар. Қўйчироқ Ўғлон соҳибқироннинг топшириғини бажара олмайди. Тарихий манбаларда унинг бирон нарсага эришгани ҳақида маълумот учрамайди. У худди сувга чўккандай изсиз йўқолади, «Зафарнома»ларда унинг номи бошқа қаламга олинмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, золимлар салтанати уни худди эртақлардаги аждаҳолар каби икки ямлаб бир ютган бўлиши мумкин.

Амир Темур Қўйчироқ Ўғлонни Олтин Ўрдага ҳукмдор қилиб юбориш билан бу давлатни ўзига хайрихоҳ бир шаклда сақлаб қолмоқчи бўлади. Лекин шундан кейинги воқеалар золимлар салтанати ҳеч қачон Амир Темурга хайрихоҳ бўлмаслигини кўрсатди. Чунки Амир Темур золимларга қарши адолат учун курашни ўзига мақсад қилиб олган эди. Олтин Ўрда деб аталмиш салтанат эса зулм ва адолатсизлик асосига қурилган эди. Шунинг учун бу салтанат ҳеч қачон Амир Темурга хайрихоҳ ёки иттифоқдош бўлолмас эди. Бу икки тизим, икки давлат тартиботи бир-бирини инкор этарди.

Амир Темур Олтин Ўрдага тобе Рязань, Елецк атрофларига қўшин тортиб борди. Москвага яқин келди-ю, лекин кўпчилик тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу шаҳарга киришни лозим топмади. Терек бўйидаги жангда соҳибқирон устига бостириб келган ва уни йўқ қилишга интилган Бек Ёруқ Ўғлон, Тоштемир Ўғлон ва Оқтов деган амирлар Украина ерларида — Днепр бўйларида ҳукмронлик қилар эдилар.



Амир Темур Усмонбек исмли бу ўлкаларни яхши биладиган баҳодирни ўзига йўл кўрсатувчи қилиб олди ва Волга бўйидан тўғри Днепр бўйига қўшин тортиб борди. «Узи (Днепр) суйига етганда, — деб ёзади Яздий, — Минкерман мавзеида Бек Ёруғ ўғлоннинг уйи — эли анда эди, аларни чоғиб, кўпрагини бўйсундириб, тобе қилди. Тоштемир Ўғлон ва Оқтов қочиб, Узи (Днепр) дарёсидан ўтиб, Сарамдай<sup>1</sup> ўмоғига бордилар. Улус буларга душман эди, қувди. Булар таланиб, асир бўлмоқдин ёмонроқ аҳволга тушди ва андин қочиб, Исрайқа<sup>2</sup> саҳросида турдилар»<sup>3</sup>. Шу тарзда зolim чингизийларни Амир Темур Днепр бўйларидан ҳам қувиб юборади ва Украинанинг мустамлака зулмидан озод бўлишига замин яратади.

Амир Темур ёшликдан дилига туккан эътиқодига биноан қарам элларни чингизийлар салтанатининг талончиликларидан, оғир солиқлардан, мустамлака зулмидан озод қилишда давом этади. Днепр бўйидан Азов денгизи соҳилига келади. Азоқ шаҳри ҳам, ундан кейин черкаслар, болқорлар яшайдиган шаҳару қишлоқлар ҳам мўғул босқоқларидан халос бўлади. Олтин Ўрда ҳукмронлиги тугатилгани шундан маълум бўлади. Шимолий Кавказда ҳукмронлик қилган чингизийлардан бири Утарғу деб аталар экан ва Эльбрус тоғи устига бориб яширинган экан. Уни ўша ердан топиб, банди қилиб, соҳибқирон ҳузурига олиб келадилар.

Догистонга борганларида «Кўмуқ вилоятининг қаттаю кичик эли тобе бўлиб, ҳазратнинг мулозаматида келдилар, — деб ёзади Яздий. — Соҳибқирон аларни яхши кўриб, тўнлар кийдуруб, отлар миндирди»<sup>4</sup>. Лекин Ҳожи Тархон (Астрахан) ва Сарой Берка ҳукмдорлари ашаддий душманлик йўлидан қайтмади. Амир Темур Ҳожи Тархонни эгаллаб, бу ерда ҳоким бўлган Муҳаммадийни қатл эттирди. Қиш кuni эди. Дарёлар музлаган. Волганинг музи устидан юриб ўтиб, Сарой Беркани ҳам ишғол қилдилар. Аҳолини шаҳардан кўчирдилар ва ҳар икки шаҳарни бузиб, ўт кўйиб ёндирдилар.

«Бу элга бу жазо андоғ бўлдики, — деб изоҳ беради Яздий, — Соҳибқирон Шероз ва Форсда юрганда бу чингизий эллар Мовароуннаҳрни ҳимоясиз тоғиб таладилар, Занжир Саройга ўт кўйдилар, мамлакатни хароб қилиб кетдилар. Бас, анинг учун Сарой Берка ҳам вайрон бўлди»<sup>5</sup>. Демак, чингизийлар 1387 йилда Амир Темур узоқда юрганидан фойдаланиб, кўп вайроналик ва талончиликлар қилгани, Занжир Саройни ёндириб юборгани учун қасос 1395-96 йилда қайтади. Лекин соҳибқирон Сарой Беркани бузиш ва ёндиришдан олдин унга Қўйчиноқ Ўғлонни ҳукмрон қилиб юборгани юқорида айтилди. Орадан ёз, куз ўтди, қиш кирди. Демак, Амир Темур билан яхшиликча ҳамкорлик қилиб, шаҳарни сақлаб қолиш учун Олтин Ўрдадагиларга етарлича вақт берилди.

Сарой Беркадагилар бу вақтдан фойдаланмадилар. Амир Темур юборган одамларни ном-нишонсиз йўқ қилдилар. Шундан кейин зolimлар салтанатини тағ-туғи билан йўқотиш, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий таянчи бўлган шаҳарларни вайрон қилиш, Олтин Ўрдани эса қайта тиклаб бўлмайдиган аҳволга солиш сўнгги чора бўлиб қолди. Амир Темур ана шу сўнгги чорани аёвсиз равишда амалга оширгандан кейингина Чингизхон тузиб кетган зolimлар салтанати узил-кесил ҳалокатга учради. Бугунги кунда Евроосиё деб аталмиш ҳудудда яшаган ўнлаб эллар Амир Темур қаҳрамонлиги туфайли мустамлака азобидан қутулдилар.

Шу ўринда таниқли француз олими Люсьен Кэрэннинг қуйидаги фикрини эслаш ўринлидир: «Бу сафар Олтин Ўрда тиз чўкди. Шундан сўнг у ҳеч ўнганмади... Рус князликлари кўп ўтмай озодликка эришдилар ва бўлажак рус империясининг пойдеворини қўйдилар»<sup>6</sup>.

Амир Темур ватанига 1396 йилда олтмиш ёшга кирганда жуда қатта бойликлар билан қайтиб келди. Уни бутун Турон халқи зўр қувонч билан кутиб олди. Шу

<sup>1</sup> Сарамдай — Дунай бўйидаги мавзе.

<sup>2</sup> Исрайқа саҳроси — Дунайнинг Қора денгизга қуйиладиган жойидаги саҳро.

<sup>3</sup> Яздий. Зафарнома, 178-бет.

<sup>4</sup> Ўша китоб, 181-бет.

<sup>5</sup> Ўша китоб, 182-бет.

<sup>6</sup> Люсьен Кэрэн. «Амир Темур салтанати». Тошкент, 1999. 78-бет.

муносабат билан Люсьен Кэрэн шарқона чиройли бир иборани ишлатиб ёзадики: «Амир Темур ўз фуқароларининг фаровонлиги учун жон куйдирадиган чинакам халқ отасига айланди ва Туроннинг барча фуқароларини уч йил давомида барча солиқлардан озод қилди»<sup>1</sup>.

## ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН СИЙМО

Евросиё деб аталган икки буюк қитъани бир ярим аср давомида зир титратган Олтин Ўрда ва чингизийлар империяси Турон султони Амир Темурнинг ўттиз йил давомида берган қақшатқич зарбаларидан нест-нобуд бўлгани бутун дунё эътиборини тортди. Айниқса, унинг қаҳратон қиш кунида беш ой чўли биёбонлар оша йўл босиб бориб, Тўхтамишнинг сон жиҳатидан устун бўлган қўшинини Олтин Ўрда ҳудудида тор-мор қилгани нафақат осиеликлар, балки европаликларни ҳам ҳайратга солди. Осонликча жон бермайдиган золимлар империяси тўрт йил ўтгач яна куч тўплаб қайтадан майдонга тушганда, Амир Темур Кавказ тоғлари орқали ўтиб, Каспий денгизи соҳилидан қўшин тортиб келгани ҳамда Тўхтамиш лашкарини Терек дарёси бўйида узил-кесил яқсон этгани бутун дунёни лол қолдирди. Бу афсонавий ғалабалар инглиз драматурги Кристофер Марлонинг Амир Темурга бағишлаб бир эмас, иккита саҳна асари яратишига сабаб бўлди. Бу асарларга қуйидагича узун ном берилади: «Ўзининг кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган зафарлари билан буюк ва қудратли ҳукмдор даражасига етган ҳамда жанларда рақибларига солган даҳшати ва шафқатсизлиги туфайли худонинг ғазаби деб ном олган Амир Темур тарихи»<sup>2</sup>.

К.Марло ўзи кўрмаган ва узоқ Англияда яшаб хаёлан тасаввур этган воқеалар тасвирида ҳақиқатдан йироқ уйдирмалар ҳам бор, бу ҳақда биз ишимизнинг кейинги қисмида батафсилроқ ёзамиз. Аммо бу ерда машҳур инглиз драматурги Амир Темурни буюк ва қудратли ҳукмдор деб атагани, унинг ғалабаларини кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган мислсиз зафарлар деб таърифлагани ҳақиқатга мос келади.

К.Марлога узоқдан афсонавий қаҳрамон ва худонинг ғазабидек шафқатсиз бўлиб кўринган Амир Темурни бошқа бир европалик зиёли инсон яқиндан кузатиб, у ҳақда илиқ хотиралар ёзиб қолдирган.

Асли италиялик бўлган ва Султония христианларининг епископи лавозимида хизмат қилган Иоанн Гринло номли руҳонийнинг Парижда машҳур Лувр кутубхонасида сақланаётган эсдаликлари бор. Унда Иоаннинг Амир Темур билан Султонияда қандай учрашганлари, соҳибқироннинг ишончини қозониб, унинг элчилари қаторида Парижга боргани ва Франция қироли билан музокаралар ўтказгани ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Епископ Иоанн бир қанча вақт Амир Темур қароргоҳида яшайди ва унинг ҳаёт тарзини яқиндан кузатиб қуйидагиларни ёзади: «Темурбек шароб ичмайди, қимизни ва ёш тойчоқ гўшtidан қилинган қазини, гурунчли таомларни яхши кўради... Унинг яна бир одати — хушбўй атрларни ёқтиради. Унга дунёнинг турли мамлакатларидан нодир атрлар, ифорлар совға қилиб келтиришади. Унинг шоҳона чодирига яқинлашганингизда хушбўй ифор ҳидлар думоққа урилади.

Темурбек жуда дидли ва жозибали йигит бўлган экан. Ҳозир ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам унинг ўша диди ва жозибаси сақланиб қолган. Сухбатдошини оҳанграбодай ўзига тортувчи сўз ва муомала билан ҳар қандай одамни ром қилади...

Темурбекдек мустаҳкам хотирага эга бўлган киши дунёда кам топилса керак. Хотирасининг беҳад мустаҳкамлигидан ўн минглаб беку навкарлардан ҳар бирининг исмини билади, отини айтиб буйруқ беради. Бу ҳол беку навкарларнинг унга ҳурмат ва садоқатини оширади.

Темурбек ўз навкарлари сафида совут кийиб жангга киради, ўлимдан кўрқмайди».

<sup>1</sup> Люсьен Кэрэн. «Амир Темур салтанати». 80-бет.

<sup>2</sup> Қаралсин: Люсьен Кэрэн. «Амир Темур салтанати». Т., 1999, 11-бет.

Епископнинг бу хотиралари ўзбек тилига Жалил Ҳазратқулов томонидан таржима қилинган ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1995 йил 23 июн сонидан чоп этилган.

Епископ Иоанн Амир Темурнинг ўта саховатли ва кечиримли инсон бўлганини махсус таъкидлаб сўзида давом этади: «У Испания қиролига элчи юборганда, шунчалик кўп қимматбаҳо нарсалар совға этдики, уларни кўтариб бориш учун йигирмата хачир керак бўлди. Темурбек, жумладан, насроний канизаклардан бўлмиш икки гўзал қизни ҳам элчи воситасида Испания қиролига жўнатади».

«Темурбек олиму уламоларни, шоирларни беҳад ҳурмат қилади, сабаби — унинг ўзи олим ва донишманд эди»<sup>1</sup>.

Европалик диёнати бир одамнинг юқорида келтирган ҳамма таърифлари асосли эканини Соҳибқироннинг умр бўйи қилган хайрли ишлари, яратиб қолдирган улкан маданий мероси, адолат ва ҳақиқат учун олиб борган курашлари, «Темур тузуклари»дай ўлмас асари тасдиқлаб турибди.

Масалан, у Тўхтамиш устидан иккинчи марта галаба қозониб ватанга қайтганда «ҳар вилоятга бир яхши кишини юбордики, раъият аҳволидин хабардор бўлғай ва ҳар вилоятдаким, фақир мискин ва дарвешу мустаҳақ бўлса, йиллик озук, кийим, кафш ва этук, фўта ва дастор берсинлар»<sup>2</sup>.

Амир Темурнинг адолатпарварлиги ва халқпарварлиги, айниқса, раъият деб аталадиган оддий одамларни, ёрдамга муҳтож мискинларни, золимлардан жабр кўрган мазлумларни ўз ҳимоясига олиши унинг энг олижаноб инсоний фазилатларидан эди.

Айни вақтда, соҳибқирон ободончилик ва бунёдкорлик ишларига вақтини ҳам, маблағини ҳам аямасди.

1397 йилнинг баҳорида у Чиноз ва Тошкент орқали Туркистоннинг Ясси мавзесига Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга боради. 1391 йилнинг қиш кунида Тўхтамишга қарши қўшин тортиб бораётганида зиёратгоҳ ҳовлисидаги қудуқдан шифобахш сув ичгани ва ўшанда кўнглига туккан нияти ёдида турган эди. Шу ниятни рўёбга чиқариш учун уста муҳандисларни чорлаб, Аҳмад Яссавий қабри устига улугвор мақбара қуришни буюради.

Тарихий манбаларда бу ҳақда шундай дейилади:

«Фармони олий бунёд бўлди: мақбаранинг гумбазини шундай бунёд этсинларки, ич томонидан айланаси бир юзу ўтгиз газ бўлсин... Гумбазнинг кутри (диаметри) қарийб қирқ бир газ бўлиши керак, деворлар баландлиги ҳам шунга муганосиб кўтарилмоғи керак. Деворлари ва куббаси рангли кошинлар билан безатилсин...

Қабр устига қўйиш учун Табриздан нодир мрамартош қелтирилсин. Эшикларни етти хил маъдан қотишмасидан ясаинлар. Қурилишни яқунлаш Мавлоно Садр Убайдуллага топширилсин. Буйруққа биноан мақбара қурилиши бир йилда тугади»<sup>3</sup>.

Ясси шаҳри жойлашган чўл жойга қурилишнинг кошину мрамари Самарқанддан ташиб келтирилади. Лекин бу олижаноб ишга шунча катта кучлар ва зўр устаю муҳандислар сафарбар этиладики, Аҳмад Яссавий мақбарасининг бугун ҳам бепоён чўллар сатҳида осмонга бўй чўзиб тургани бутун дунёдан келиб кетаётган сайёҳларни лол қолдиради.

Шундай улугвор, гўзал ва мустаҳкам қилиб қурилган Яссавий мақбараси Амир Темур ҳиммати билан бир йилда бунёд этилгани кишига мўъжизадек туюлади.

Шунга ўхшаш яна бир мўъжиза Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйиладиган хушманзара жойларида қад кўтарган қадимий шаҳар — Бинокентнинг тақдирига оиддир. Бу қадимий шаҳарни Чингизхоннинг ваҳший лашкарлари таг-туғигача вайрон қилиб, бутун аҳолисини қириб ташлаган ва инсон яшамайдиган вайронага айлантирган эди. Амир Темурнинг буйруғи билан бу шаҳар янгидан бунёд этилди, ораста иморатлар қурилиб, унга атрофдан оилалар кўчириб келинди, гўзал боғ-роғлар пайдо бўлди, шаҳар атрофи

<sup>1</sup> Қаралсин. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995, 23 июн. 2-бет.

<sup>2</sup> Яздий. Зафарнома, 186-187-бетлар.

<sup>3</sup> «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида». Тўплам. Т., 1997, 98-бет.

муस्ताҳкам кўрғон билан ўраб олинди. Бунинг ҳаммасидан мамнун бўлган соҳибқирон кенжа ўғли Шохрух Мирзога катта ишонч билдириб, шаҳарга Шохрухия номини берди.

Тарихдан маълумки, Шохрух Мирзо улуг валинеъматининг бу ишончини оқлади, отасининг ўлимидан кейин унинг буюк салтанатини инқироздан сақлаб қолди ва яна 45 йил бу салтанатни адлу инсоф, ақлу фаросат билан бошқарди.

\* \* \*

Амир Темур бутун дунёни худонинг мулки деб биларди. Унинг эътиқод кўйган пири комили Таёбодий соҳибқиронга ёзган мактубида «Парвардигорнинг мулкида адолатли иш тутгилким, мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туropolмайди»<sup>1</sup>.

Амир Темур доим бу насиҳатга амал қилади. Унинг эътиқоди бўйича, бошқа мамлакатлар ҳам бир Худонинг мулки ҳисобланади. «Худонинг мулкини золимлар, бидъатчи мунофиқлар қўлидан тортиб олиб, адолат ўрнатиш учун белга ҳиммат камарини боғладим», — дейилади. «Темур тузуклари»да. — Бирон мамлакатда жабр-зулм, фикс-фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар зулм ва фикс-фасодни йўқотиш ва адолат ўрнатиш учун ўша мамлакатга ... боришлари лозим»<sup>2</sup>.

Амир Темур маъна шу эътиқодга асосланиб, чингизийлар мустамлакага айлантирган Олтин Ўрда ҳудудларидаги қатор ўлкаларни золимлар асоратидан озод қилди. Кейинчалик Табриз ва Бағдодни Аҳмад Жалоир деган золимнинг зулмидан халос этди. Қора Юсуф деган йўлтўсар золим ҳажга борадиган карвонларни талайди, бегуноҳ ҳожиларни ўлдиради. Амир Темур унинг қўшини билан жангга киришиб, Қора Юсуфни мағлуб этади. Соҳибқирон бу қароқчини қўлга тушириб жазосини бермоқчи бўлганда, Қора Юсуф ўз одамлари билан Туркия подшоси Йилдирим Боязиднинг даргоҳига бориб ҳимоя топади. Табризда жуда кўп жабру зулм ва талончиликлар қилган Аҳмад Жалоийрни ҳам Боязид ўз ҳимоясига олади. Соҳибқирон Боязидга элчилар юбориб, бу золим ва талончиларни топширишни талаб қилади.

Ўша кезларда салб юришларига қарши урушиб, Европада катта ғалабаларга эришган Боязид Амир Темурни писанд қилмайди ва унинг ҳақли талабини бажармайди. Бунга бошқа келишмовчиликлар ҳам кўшилиб, икки орада низо чиқади.

Бу низодан салб урушида мағлуб бўлган ва энди нажотни Амир Темурдан излаётган ғарб давлатлари усталик билан фойдаланадилар. Амир Темур Султонияда эканида унинг ҳузурига Испания ва Франция элчилари келиб, иқтисодий ҳамкорлик қилишни таклиф этадилар.

Амир Темур ҳам Франция ва Испанияга ўз элчиларини юбориб, улар билан яхши алоқа ўрнатади, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, Европадан Эрон ва Марказий Осиё орқали Хитой ва Ҳиндистонгача борадиган ипак йўлини қайта тиклаш тўғрисида келишиб оладилар. Аммо бу режанинг амалга ошишига Йилдирим Боязиднинг босқинчиликлари ва у ўз ҳимоясига олган қора Юсуф кабиларнинг талончиликлари катта ғов бўлиб турар эди.

Боязид қўшинлари Босфор бўғозини ва Константинополь шаҳрини қамал қилмоқда эди. Бу ҳодиса ҳам Европа билан Шарқ мамлакатларининг савдо-сотиқни ривожлантиришларига тўсиқ бўлиб турарди.

Константинополь шаҳри ўзи алоҳида давлат ҳисобланарди. Унинг Мануэль исмли қироли бир эмас, икки марта шахсан ўзи Султонияга, Амир Темур ҳузурига қимматбаҳо совғалар билан келиб, Боязид қамалидан қутулишда ёрдам беришини ўтиниб сўрайди.

Йилдирим Боязид босиб олган ерларида бутун-бутун эл-юртларга жабр-зулм ўтказаетгани ҳақида Амир Темурга ўша ёқда иш олиб бораётган ўз махфий одамлари ҳам жуда кўп ахборот юбориб турадилар.

Зулмга қарши курашни ўзининг бурчи деб билган ва Европа ерларини ҳам бир худонинг мулки деб ҳисоблаган Амир Темур аввал Йилдирим Боязидга ётиғи билан мактублар ёзиб, уни адолат йўлига қайтишга ундаб кўрди. Аммо

<sup>1</sup> «Темур тузуклари». 2005, 114-бет.

<sup>2</sup> Уша китоб, 115-бет.

бундан ҳеч натижа чиқмади. Амир Темурнинг охириги мактубларига Боязид ҳақоратомуз сўзлар билан жавоб берди ва «Кимки жанг қилишдан бош тортса хотинлари талоқ бўлсин!» деган кўпол ибораларни ёзиб юборди.

Шундан кейин Амир Темур икки юз минг кўшинга бош бўлиб, ўз лашкарлари учун энг қулай жойни Ангурия (ҳозирги Анқара) атрофларидан топди. Саркардалиқ даҳоси ва адолат йўлидаги пок ният бу гал ҳам соҳибқиронга оламшумул ғалаба келтирди.

Жанг охирида Йилдирим Боязид асир олинди. Инглиз драматурги Кристофер Марло ортиқ даражада фантазияга берилиб, Амир Темур Боязидни темир қафасга солиб олиб юрганини, унинг ўғиллари ҳам асирга олинди, от ўрнига аравага кўшилгани ва тўрт оёқлаб арава торганини тасвирлайди.

Ҳолбуки, Амир Темур касалманд Боязидга нисбатан олижаноб муносабатда бўлади. Унга ўз чодирини ёнидан ипак билан сирилган махсус чодир ўрнаттиради.

Боязиднинг катта ўғли Сулаймон Чалабий Амир Темурга элчи юбориб, унинг хизматида бўлмоқчи эканини билдиради. «Соҳибқирон лутфу карамидан қайсарводага олтин камар билан Асқария вилояти ҳокимлигини бериб, ол тамга босиб ёрлиқ юборди. Ва иниси Исо Чалабийдан ҳам Кутбиддин отлиқ бир киши элчиликка келди. Анга дағи лутф ва марҳамат қилди»<sup>1</sup>.

Амир Темурга душманлик руҳида ёзилган айрим ҳикоятларда гўё Боязиднинг хотинлари ва қизлари шармандали аҳволга солиниб, хор қилингани айтилган.

Бу — тухмат эди.

Аслида Амир Темур аёлларга ҳеч вақт бундай муносабатда бўлмаган. Боязиднинг хотин ва қизларини Шайх Нуриддин Бурсада асир олиб, Амир Темур ҳузурига келтиради. Шунда соҳибқирон «Боязиднинг хотунини ва қизларини киши-қароллари била Йилдирим Боязид ихтиёрига қайтарди»<sup>2</sup> дейилади Яздий «Зафарнома»сида.

Албатта, ғолиблар Бурсадаги хазиналарнинг олтин ва жавоҳирларини қатор-қатор туялар ва арваларга ортиб олиб кетадилар. Бу бойликларнинг катта бир қисми икки юз минг кишилик ғолиб лашкарнинг беку навкарларига мукофот тарзида улашилади. Қолган қисмлари Самарқандга олиб келинади.

Амир Темур Боязид устидан ғалаба қозонган бўлса ҳам, Туркияни ўз мустамлакасига айлантирмайди. Бу мамлакатга ўз ўғил ва невараларидан бирортасини подшо ёки ҳоким қилиб қўймайди. Аксинча, Туркия бошқарувини яна ўша Усмонлилар сулоласи ихтиёрида қолдиради. Фақат энди сиёсат тубдан ўзгаради. Туркиянинг Амир Темур тайин этган янги ҳукмдорлари Европа мамлакатларига қарши диний ғазотни тўхтатадилар. Никополда асир тушган салб юриши иштирокчилари озод қилинади. Энг муҳими — Константинополь шаҳри ва Босфор бўғозининг турклар томонидан қамал қилиниши эллик йил орқага сурилади.

Шу тарзда Ғарб билан Шарқ ярим асрга бўлса ҳам ўзаро адоватни тўхтатиб, адолат ва ҳамкорлик йўлига киради. Буюк Ипак йўли қайта тиклана бошлайди.

Амир Темурнинг Туркияда эришган ғалабаси бутун дунёни қойил қолдиради. Англия, Франция, Испания қироллари уни бу мислсиз улкан ғалаба билан қайта-қайта табрикладилар. Шу ғалаба натижасида Амир Темурни «Европанинг ҳалоскори» деб улуғлайдиган одамлар пайдо бўлди. Улар ҳатто Амир Темурга олтиндан кичик ҳайкал ясаб, уни шу ажойиб сўзлар билан беаганлари хужжат сифатида бизгача етиб келган.

Француз олими Люсьен Кэрэн қуйидаги эътиборга лойиқ бир фактни келтиради:

«Яқинда Жерар Вальтер ва Марсель Брион Амир Темурни ўзларининг «Асрлар ёдгорлиги» деган асарларига қаҳрамон қилиб танлашди ва Амир Темурни «XV аср тақдирини ҳал қилган инсон» деб аташди»<sup>3</sup>.

Ҳақиқатдан XIV асрнинг охирида ва XV асрнинг бошида бутун дунёнинг йирик қадамлар билан олға кетишида Амир Темурнинг қаҳрамонона фаолияти ҳал қилувчи мавқе эгаллади.

<sup>1</sup> Яздий. Зафарнома. 1997, 268-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 264-бет.

<sup>3</sup> Люсьен Кэрэн. «Амир Темур салтанати». Тошкент, 1999, 12-бет.

XIV асрда дунё тушунчаси ҳозиргидай кенг ва катта эмас эди. У пайтда ҳали ҳар икки Америка қитъаси, Австралия, Марказий Африка, Океания ороллари кашф этилмаган эди. У замоннинг одамлари дунё деганда Европани, Осиёни ва Африканинг шимолидаги мамлакатларни назарда тутар эдилар.

Уша давр нуқтаи назаридан қараганда, Амир Темур Европа ва Осиёнинг энг катта қисмини эгаллаб олган Чингизхон империясининг жабру зулмидан, аввало, ўз ватанини, сўнгра Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Россия, Украина каби мамлакатларни халос қилгани чиндан ҳам унинг XV аср тақдирини ижобий томонга қараб ўзгартира олган улуг сиймо бўлганини кўрсатади. Бунинг устига у Болқон ва бошқа Европа мамлакатларини Йилдирим Боязид тажовузларидан кутқаргани унинг XV аср тақдирини ҳал қилган даҳо инсон бўлганини яна бир бор исбот этади.

\* \* \*

Орадан асрлар ўтди. Амир Темурнинг давлатни бошқариш ва халққа гамхўрлик қилиш борасидаги бой тажрибасига ва унутилмас анъаналарига амал қилган Шоҳрух подшоҳ, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ва Акбаршоҳлар буюк бир уйғониш даврининг намоёндалари сифатида тарихда ўчмас из қолдирдилар.

Бироқ кейинги асрларда Чингизхон наслидан бўлган Шайбоний каби хонлар Туронни ишғол қилдилар ва Амир Темур меросига бахиллик кўзи билан қарадилар, унинг давлатни бошқаришдаги энг яхши анъаналарига қарши бордилар. Кейинчалик яхлит мамлакат парчаланди. Уч хонлик нуқул бир-бири билан уришиб, таназулга учради ва ниҳоят Туронни мустамлака азобига гирифтор қилдилар.

Таназул даврларида Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳи ҳам халқ билан бирга азоб тортгандай бўлди. Чунки мустамлакачилар унинг буюк хизматларини инкор этиб, номига нуқул маломат тошларини отдилар. Ҳатто унинг авлодларга васият тарзида ёзган шоҳ асари «Темур тузуқлари»ни ҳам «ўзи ёзмаган, чунки саводсиз бўлган» деган тухматлар билан қораладилар. Биз ишимиз давомида бу тухматларни нуфузли тарихий манбалардан олинган далилу исботлар ёрдамида баргараф этишга интилдик.

Адолат кечикса ҳам барибир келар экан. Орадан олти аср ўтгандан кейин Ўзбекистон Истиқлолининг шарофати билан улуг аждодимизга нисбатан тарихий адолат тикланди.

1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинган кунларда улугвор Темурийлар музейининг очилиш маросимида юртбошимиз Ислон Каримов айтган куйидаги сўзлар бизнинг Амир Темурга аталган эзгу туйғуларимизни ифода этгандай бўлди:

«Мўғул истибодиди авжига чиққан йилларда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт ўзининг тарихий номини ҳам йўқотиб мустамлака ўлкасига — Чигатой улусига айланиб қолган эди.

... Чексиз адолатсизликлардан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис қиламиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушган эди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байрогини баланд кўтарди. Пароканда эллар, элатларни бирлаштириб марказлашган қудратли давлат тузди... Зурриётларига қарата «Адолат билан мулку миллат, лашкар ва раиятни бошқаринглар!» деб васият қилди»<sup>1</sup>.

Бу ўлмас васият бугунги Ўзбекистон истиқлоли даврида халқимиз ва раҳбариятимиз томонида изчил амалга оширилаётганига биз нафақат гувоҳмиз, балки бу улуг ишларга заррача бўлса ҳам ҳисса қўшиш орзусида меҳнат қилмоқдамиз.

Тамом.

<sup>1</sup> Ислон Каримов. Маънавий юксалиш сари. Т., 1998, 384-бет.

Александр ЗИНОВЬЕВ

## Ҳақиқат, фақат ҳақиқат

*Ҳозир сиз танишадиганингиз — қуйидаги монологни Александр Александрович Зиновьев, афсуски, ҳали тугалланмаган фильмда ирод қилган. Биз бу фильми олимнинг саксон йиллигидан сунг суратга олган эдик. Александр Александрович ҳаёт сабоқлари ҳақида оладиган бизнинг хужжатли фильмлар туркумимизга дастлаб руйхушлик бермадилар, бироқ чинакам олижаноб устоз сифатида таширифимизга тоқатли муносабатда бўлдилар. У билан мулоқот ҳамиша мен учун жуда муҳим бўлган. Бундай руҳан қурч, давр шамолларида мутлақ тебранмайдиган, жамиятда ўзини мутлақ эркин тутувчи инсонлар ҳамма даврда ҳам бармоқ билан санарли бўлган. Александр Александрович — талабчан суҳбатдош, аччиқ тил, тўғрисўз ва мурасасиз эди. У бутун XX асрни биттаю битта енгилмас ва ишончли қуроли — ўзи яратган фан тамойили билан яшаб ўтди. Ҳамма нарса илм кўзгусидан ўтказилар эди. Ниҳоятда ҳайратга лойиқ ирода! Жамиятни мана шундай инсонлар ислоҳ қилишганда эди...*

*Ҳатто энг оғир хасталик ҳам — биз унинг саноқли кунлари қолганлигини таширифимиз чоғида ҳис этдик, уни ўзгартиролмаганди: у ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам, жиддий эди. Биз Зиновьевдан ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз керак...*

Юрий ДАНИЛИН

**М**ана, мен саксон ёшга кирдим. Бу жуда узун умр. Жуда, жуда узун. Ҳеч қачон мен шунчалик узоқ яшайман деб ўйламаганман. Ҳаёт билан ёшлигимдаёқ видалашишим мумкин эди. Мени 38-йилда Сталинни ўлдиришни ният қилган террорчилар гуруҳининг аъзоси сифатида отиб ташлашлари керак эди. Нариги дунёга равона бўлишимга уруш йилларида ҳам бир неча бор имкониятлар бўлди. Хужумкор авиацияда хизмат қилдим. Уша йилларда учувчиларнинг ўрта ёши 10 та жанговар учишга тўғри келарди. Мен эса 30 дан ортиқ учиш қилдим. Муҳожиротда менга икки марта суиқасд қилишди, икки марта ўғирлаб кетишга уринишди. Мен эса ҳамон яшаяпман. 80 ёш. Бунинг устига ишлаяпман. Ишлагандаям қандоқ денг! Мен ҳатто ёшлигимда ҳам ҳозиргидек ишламаганман. Бироқ йиллар залвори... Ҳаётим борасида, унда нима муҳим бўлганлиги ҳақида ақалли ўз олдимда ўзимга ҳисоб бериш вақти етди, деб ўйлайман. Менинг яшаш тамойилимни, қолаверса, бутун ҳаётим фаолиятимни иккита ҳодиса белгилаб берди. Мен мактабдалик давримдаёқ ўзим учун улуг бир нарсани кашф қилдим: башариятнинг энг ёруғ идеали бўлган коммунистик ғоя ҳаётга тадбиқ этилиб, энг қабиҳ разолатларни келтириб чиқармоқдайди. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур кашфиёт бундай вазиятда қандай яшаш керак деган амалий хулосаларни тақозо қиларди. Лубянкада ўтирган пайгимдаёқ мен ўзимга шундай тамойиллар ишлаб чиқдим: идеал жамият бўлмайди, муҳими — сен яшаш учун туғилган жамият ўзида қандай мазмунни мужассам қилганлиги эмас, ақсинча, сенинг у жамият ҳақида қандай хулосага келганлигиндир. Ушандан кейин мен ўз ҳаётим дастурини ишлаб чиқдим. Мана, улардан айримлари: шундай яшагинки, гўё сенинг ҳар бир қадамингни Олий Ҳакам кузатиб турибди, у сенинг на фақат ҳар бир хатти-ҳаракатингга, балки ҳар бир фикр-ўйингга ҳам баҳо беради: шундай яшагинки, ўз ахлоқинг, фикрларинг сен учун ҳеч қачон

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

139

хижолатли бўлмасин. Мен бу тамойилни муқаддас билиб, ундан бир қадам ҳам чекинмай яшадим. Иккинчи шарт — менинг ҳаётимда энг муҳим нарса билим бўлмоғи керак. Ҳақиқат, фақат ҳақиқат, ҳамма ерда ҳақиқат, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ҳеч нарса билан ҳисоблашмаган ҳолда — ҳақиқат. Менинг илмий замани кўп йиллар давомида ўзим яшаган жамият бўлди. Коммунистик жамият, совет тузуми. Ҳайлайманки, бу тузумни тадқиқ қилиш борасида кўп нарсаларга эриша билдим. Мен совет жамиятининг илмий назариясини, унинг ўз илмий услубиятини, ўз умумий ижтимоий назариясини ишлаб чиқдим, лекин мен ишлаб чиққан мантиқий асоссиз бу тузумнинг илмий назарияси яратилиши мумкин бўлмасди. Ва, эҳтимол, мазкур фан тарихида биринчи ва балки сўнгги бўлиб ҳам коммунистик жамиятнинг илмий моҳиятини тадқиқ қилдим.

Адолат ҳақи қайд этишим керакки, ёшлигимда ўзим учун ишлаб чиққан тамойилларга амал қилиш осонликча кечмади. Совет даврида булар менга жуда қимматга тушди. Мен ҳақиқатни, масалан, колхозлар ҳақида, уларда одамларнинг турмуши ўта қашшоқлашгани, аҳолининг кескин табақалашаётганлиги ҳақида гап бошладимми, дарҳол бу керакли жойга етказилар ва мен қамоққа олинардим. Урушдан кейин сиёсий муҳит бироз мўътадиллашган пайтда мен жиддий тадқиқот устида иш олиб бордим ва коммунистик тузум инқирози муқаррарлигини далилладим. Ҳолбуки, коммунистик тузум маддоҳлари томонидан ҳам, унинг душманлари томонидан ҳам инқироздан истисно тузум сифатида талқин қилинар ва тан олинарди. Мен эса унинг инқирози муқаррарлигини исбот қилдим. Бу менинг тадқиқотларим ҳулосаларининг айримларидан бири эди. Бу дарҳол совет тузумига хиёнат деб баҳоланди. Ва “Совет жамияти тузумига тухмат” деган айбнома билан 78-йили мен мамлакатни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдим. Аммо таажжубки, Фарбда ҳам мен учун вазият айтарли даражада ўзгармади. Мен қачонки совет жамиятига қарши мақолалар ёзар эканман, улар мени кўтар-кўтар қилишиб, асарларимни кўплаб нуسخаларда жаҳоннинг барча тилларида чоп этишарди. Мен ўз ақидамга — ҳар қандай шароитда ҳам, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам — ҳақиқат тамойилига амал қилган ҳолда фарб жамиятининг тадқиқотига киришар эканман, менга нисбатан муносабат шу заҳоти ўзгарди. Менинг Фарб ҳақидаги ва фарб жамиятининг келажаги борасидаги ишларимни ёпиқ тақризчилар СССР даги совет жамиятига доир ишларимга нисбатан қилинган ҳукм сингари “фарб жамиятига тухмат” дея баҳоландилар. Ва дарҳол менинг ишларимга нисбатан Фарбда бойқот бошланди.

Шуни айтишим керакки, менга нисбатан вазият ҳали ҳам тубдан ўзгаргани йўқ. Менинг шўролар тузумидан кейинги Россия борасидаги тадқиқотларим мамлакат ҳаётида муҳим роль ўйнаши мумкинлигига қарамасдан бойқот қилинмоқда, эътиборсиз қолдирилмоқда, менинг ғояларим тарғиботи деярли чиппака чиқарилмоқда. Бироқ мен таслим бўлсам, ўз тамойилларимдан бир қадам чекинсам, бас, тақдирим шу заҳоти ўзгариб кетиши аниқ. Менга юқори мавқеларга кўтарилишнинг ва бойликка ўч жуда кўп одамларнинг ҳавасини келтирадиган даражада фаровон турмуш учун ажойиб имкониятлар бир неча бор туғилди. Совет Иттифоқида мандан жуда оз нарса — ақалли бир жумла билан тадқиқотларим марксизмга зид эмаслигини тан олиш талаб этилганди, холос. Бироқ мен буни қилмадим. Натижада тадқиқотим-у, босилишга тайёр асарларим тақиқланди, “Мунаввар чўққилар” асарим ҳам шулар жумласидан бўлиб, мен шу асарим туфайли Фарбга бадарға қилиндим.

Фарбда ҳам худди ана шундай вазиятга рўпара бўлдим. Агар Горбачёвни, унинг қайта қуришини алқаганимдами эди, мен барча имтиёзлар соҳиби бўлардим, шунингдек ўз журналимга, тадқиқот марказимга эга бўлардим... Бироқ бу йўлни танлаш — мен учун ўз-ўзимга хиёнат билан тенг эди. Менинг айнан шу ишларим учун илгари антикоммунист деб эълон қилинган бўлса, айни пайтда коммунистлар сафига кўшишган бўлишарди. “Қизгимтир” деган ёрлиқ ҳам тақишарди. Мана, ҳаётини тамойилларга изчил амал қилиш нималарга рўпара қилади...

Урушда-чи? Унинг бошланишида шундай воқеа рўй берган эди. Ҳаммага маълумки, минглаб совет аскарлари қўлларида қурол бўла туриб, ҳужумни қайтариш даражасида бўлсалар-да, асирликка тушганлар. Мен бир пайт ана шундай



вазиятда қолдим. Зобитлар ва сержантлар қуроолларини ташлашиб, таслим бўлишга ҳозирлик кўра бошладилар, бироқ мен ва бир неча ўртоқларим бундай қилишдан бош тортидик. Бизга нима дейишганини бир тасаввур қилиб кўринг: анча олдиндан хизмат қилаётганлар, сенлар дўстларингни сотябсанлар, дея қичқиришди. Яъни биз, кўлимизда қурол бор экан, немисларга қаршилик кўрсатайлик деб даъват қилдик, улар эса бизни сотқинликда айблашди, ҳолбуки уларнинг ўзи сотқинлик қилишган эди. Бу жуда эса қоларли ҳодиса. Худди шунга ўхшаш воқеа Горбачев-Ельцин йилларида ҳам содир бўлди. КПССнинг 18 миллион аъзоси бор эди ва бирдан барчаси ҳавога учиб кетгандек йўқ бўлишди. Ахир, марксизм гоёлари ва коммунизм тантанаси учун сўнгги томчи қонлари қолгунча курашмоқликка онг ичишган эди-ку. Мен гарчи коммунизмнинг танқидчиси бўлсам-да, — Фарбда мени коммунистик тузумнинг 1-сонли танқидчиси деб билишарди, бироқ мен ўзим яшаган ва шаклланган давримга, совет даврига содиқ қолдим ва ҳозир ҳам ўзимни ундан мосуво ҳис этмайман. Мен ҳеч қачон ҳеч кимга хиёнат қилганим йўқ, ўзимга ҳам. Хиёнат қилганлар улар.

Ҳаётий воқеалар борасида эса биттасини гапириб берай. Қизиқ. Мен хужумкор авиация полкида хизмат қилардим, уруш эса Германия ҳудудида борарди. Алоҳида кўчалар учун, алоҳида уйлар учун жанг қилардилар. Менга тепадан уйларни суратга олиш топширилганди — қайси бирларини бизникилар ишғол қилган, қайси бирларида немислар яшайпти, билиш зарур эди. Манзара чуқур ўрганим чиқилгач, тепадан бомбардимон қилиш ва артиллерияни ишга тушириш лозим эди. Пулемётлар ўрнига кинопулемётлар ўрнатилгач, мен ҳаммасини суратга олиш учун осмонда маневр қилишиммас, тўғридан-тўғри пастлаб учушим лозим бўлади, бу дегани зенит батареяларига ўзини тутиб беришдир. Аэродромга етиб борганимдан кейин кўрсам, самолётни 32 жойидан ўқ тешиб ўтган экан. Муҳандислар самолёт бундай аҳволда учуши мумкин эмас, дейишди. Мен эса манзилга етиб келдим. Айнан мана шу парвозим учун мени юксак мукофот— Жанговор Қизил Байроқ орденига тавсия қилишди. Бир неча кундан кейин полкимизга сиёсий бўлим офицерини йўллашди, у юксак орден олиши учун жангларда иштирок этиши зарур экан. Уни менга ҳаводаги ўқчи қилиб ўтказишди. Мен у билан ҳазиллашгим келиб, самолётни равон учуриш ўрнига “элак” қила бошладим. У бутун кабинамга қусиб ташлади. Парвоз мутлақо хавфсиз эди, қирувчи самолётлар кўринмасди, зенитлар ўқ отмасди. Қайтганимиздан кейин мен пистолет ўқталиб, уни самолётни ювишга мажбур қилдим. У, албатта, бу ҳақда хабар етказган. Натижада мен 10 сутка олдим ва жанговор мукофот бекор қилинди. Унга эса жангда қатнашганлиги учун Жанговор Қизил Байроқ орденини беришди.

Яшаш тарзи болаликда шаклланади. Мен болалигимда кўрқувни енгиб ўтишни ўргандим. Шундан кейин ҳеч қачон ҳеч бир кўрқув юрагимга ваҳима солмади. Мактаб ўқитувчимизнинг хоҳиш-истагига кўра, мени Москвага ўқишга жўнатишди. 1933 йил эди. Бу пайтда кўчаларда қаровсиз болалар кўп эди, ҳовли безорилари ҳам кам эмасди. Бир куни “така оёқ”, яъни циркуль сотиб олиш учун дўконга бордим, Сухаревка яқинида яшардим. Қайтаётганимда мени кўшни ҳовлининг 10-15 тача йўлтўсар болалари ўраб олишди. Уларнинг мақсад-муддаоси битта: чўнтақларимни тинтиш ва нима бўлса, барини тортиб олиш. Киссамда бир неча чақадан бўлак ҳеч вақо йўқ... Мен “така оёқ”ни кўлимга олиб, ким биринчи келса, кўзига санчаман дедим. Улар бир оз ўралашиб туришди-да, тарқаб кетишди. Шундан кейин мен ҳақимда миш-миш тарқалди: “йўлтўсар” эмишман, улар билан алоқам бормиш, хавфли эмишман. Шундай қилиб, ўн йилликни тугатганимга қадар ҳеч ким менга тегишга ботина олмади...

Албатта, мен қандоқ яшаган бўлсам, сиз ҳам шундоқ яшанг, деб ҳеч кимга маслаҳат бермайман. Бу мураккаб умр йўли, уни такрорлаб бўлмайди. Бироқ шунга айтишим мумкинки, содир бўлаётган воқеаларни ҳеч қандай ташвиқотсиз англашга ҳаракат қилинг. Мияни ишлатинг. Ўз қадр-қимматингизни, инсоний ғурурингизни асрашга ҳаракат қилинг. Мен ўзим учун шундай ақидани ишлаб чиққанман — МЕН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТМАН. Биз бир мартагина яшаймиз. Шу боис ўзингизни ҳимоя қилинг, ҳар қилмишга яраша жавоб беришни билинг.

Мен совет тузумининг умри бунчалик тез тугайди деб ўйламагандим. Ёшлигимдан коммунизм дунёда боқий қолади, деб ишонгандим. Яшар эканман, ўз тадқиқий фаолиятимни ана шу асосга мослаштиргандим. Бироқ Совет Иттифоқи йўқ бўлди. Бу мен учун ҳаётимдаги энг мудҳиш воқеа эди. Совет Иттифоқи дастлабки совуқ, кейин иссиқ урушда емирилди. Мамлакатда коммунистик тузум инқироз топди. Менинг тадқиқотларим, танқидий қарашларим замини, адабий, шунингдек, илмий ижодим сабабчиси нест бўлди. Шак-шубҳасиз менинг олдимда бундан кейин янги ижтимоий муҳитда қандай яшаш керак, деган муаммо туғилди. Бироқ менинг ахлоқий тамойилларим қатъий ақида сифатида аввалдан шаклланганлиги сабабли мен уларни ўзгартира олмасдим. Ва мен ўз мамлакатимга, менинг халқимга аччиқ мағлубият жафосини келтирган Ғарб жамиятини, антикоммунистик алғов-далғовлар оқибатида бир аҳволга тушган Россия жамиятини тадқиқ қилишга киришдим. Уйлайманки, ўз ҳаётий тамойилларимга амал қилган ҳолда бу борада ҳам кўпгина ютуқларни қўлга киритдим. Ҳарҳолда битта одам учун бу кўплик қилиши ҳам мумкин. Мен Ғарбга нисбатан ўз назариямни шакллантириб қатор китоблар, ўнлаб, ҳатто юзлаб мақолалар ёздим ва уларда келажакка нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилдим. Уйлайманки, Россияда биринчи, балки дунёда ҳам биринчилардан бўлиб, ҳозирги Россияда вужудга келган ижтимоий тузумни тадқиқ қилишни бошладим. Хуллас, Олий Ҳакам қаршисида ҳисоб бераркан, ўз ҳаётим ҳақида мана шуларни айтишим мумкин. Ва мен яна шунга аминманки, совет йилларидаги мамлакатим ва халқим томонидан орттирилган улкан тарихий тажрибаларсиз рус халқи ва Россиянинг келгуси ҳаёти муваффақиятли кечмоғи душвор. Мен Россия фақат ана шу тажриба заминидан яна ер юзининг энг улкан мамлакати бўлмаган тақдирда, улар қаторидаги мамлакат даражасида қад ростлайди. Ва мен тақдирини бутунлай ва бутунисича бирга баҳам кўрадиган рус халқи ҳам тарихдан ўз муносиб ўрнини эгаллайди, деб ҳисоблайман

... Воқеалар шунчалик кўп содир бўлиб, шунчалик кўп ҳаёлдан ўтказилдики, яшаб ўтилган умрнинг муфассал баёнига на сўз етади, на вақт.

*“Литературная газета”нинг  
2006 йил 21-27 шон  
сонидан олинди.*

*Мирнўлат МИРЗО  
таърижи.*

Пьер ЖИЛЬЯР

## Николай II ва шоҳ оиласининг фожиали тақдири

ЦАРСКОЕ СЕЛОДАГИ БЕШ ОЙЛИК ҚАМОҚДА

(1917 йилнинг март-август)

**Ш**аҳаншоҳ оиласи Царское Селода 1917 йилнинг августигача қолиб кетади. Бу оила билан ўтказганим беш ой мобайнида мен бизнинг умумий ҳаётимиз кундалигини юргиздим. Одоб юзасидан мен ҳаётимизни бус-бутунича қайта гавдалантиришдан тийиламан. Имкони борича тирикларга тил теккизишдан эҳтиёт бўламан. Шаҳаншоҳнинг ўзи ёки унинг оиласи феъл-атворлари ёхуд шу бир қанча ойлик сурункали азоб-уқубатлар вақтида уларни руҳлантириб турган туйғуларга дахл қилувчи масалаларни ҳам тилга олишдан ўзимни тияман.

**Якшанба, 1 апрел.** Алексей Николаевич ўзини анча тетик ҳис этар эди. Эрталаб Ҳазрати Олийлари, маликаи олиялар Ольга ва Татьяна ҳамда биз билан қамоқ азобларини бирга баҳам кўрган аёнлардан бир нечталари келиб жойлашган черковга йўл олдик. Роҳиб рус ва иттифоқдош кўшинлар муваффақиятини тилаб ибодат қила бошлаганида шаҳаншоҳ ва малика тиз чўкишди, барча ҳозир бўлганлар ҳам уларга эргшиб шундай қилдилар.

Бир неча кун аввал Алексей Николаевич хузуридан чиқиб келаётганимда йўлак бўйлаб у ёқдан-бу ёққа кезиниб юрган ўн икки солдатга дуч келдим. Мен уларга яқин бориб нима кераклигини сўрадим.

— Биз валиаҳдни кўрмоқчимиз, — дейишди улар.

— У бетоб, кўриш мумкин эмас.

— Бошқалар-чи?

— Уларнинг ҳам тоблари йўқ.

— Шоҳ-чи, у қаерда?

— Билмадим.

— Сайр қилгани борар эканми?

— Билмадим, менга қаранглар, бу ерда турманглар, бу ерда касаллар бор, шовқин солиш мумкин эмас.

*Русчадан  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*

Асли швейцариялик Пьер Жильяр 1904 йилда Россияга келади. Кейинги йилдан бошлаб шоҳнинг катта қизларига француз тилини ўргата бошлайди. 1913 йил кузида эса рус императорининг ягона ўғли шаҳзода Алексейнинг мураббийи этиб тайинланади.

Пьер Жильяр 1917 йилги феврал инқилобидан кейин ҳам шоҳ хонадониде қолади. Царское Селода қамоқдалиқ вақтида ҳам, Тобольскда бўлганда ва Тобольскдан Екатеринбургга кўчиб ўтганида ҳам Романовлар тақдирига тенг шерик бўлганди. Кейинчалик, 1918-1920 йилларда адмирал Колчак томонидан "Екатеринбургда шоҳ хонадонининг фожиали тақдирига тааллуқли масалалар юзасидан тергов ишлари олиб бориш учун" чиқарилган фармойиш бўйича тайинланган тергов ҳайъатидан жой олади. 1920 йилнинг кузида Пьер Жильяр Россиядан чиқиб кетади.

Гарчанд барча тафсилотлар ҳам юз фоиз ишонарли деб топилмаса-да, Пьер Жильяр қолдирган эсдалик ёзмалар шоҳ хонадонининг сўнгги ой ва кунларидан гувоҳлик берувчи ягона ашёвий далил ҳисобланади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

143

Солдатлар бурилишди-да, паст овозда гапирганча оёқ учида юриб чиқиб кетишди. Собиқ шаҳаншоҳни ёмон кўрувчи ёвуз революционерлар ҳақида бизга сўзлаб беришган солдатлар, ажабки, мана шулар эди...

**Сешанба, 3 апрел.** Керенский бугун саройга биринчи марта келди. У барча хоналарни биттама-битта кўриб чиқди ва бизларни яхши кўриқлашаётганларига шахсан ишонч ҳосил қилиш ниятида соқчиларнинг барча постларини текширди. Кетишдан олдин у шаҳаншоҳ ва малика билан узоқ суҳбатланди.

**Чоршанба, 4 апрел.** Алексей Николаевич кеча Керенский ва шаҳаншоҳ билан малика ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни ҳикоя қилиб берди.

Бутун хонадон вакиллари маликаи олияларнинг хоналарига жам бўлган эдилар. Керенский киради-да, “Мен бош прокурор Керенскийман,” деб ўзини таништиради. Кейин у ҳамма билан қўл олишади-да, маликага бурилиб дейди: “Англия қироличаси собиқ малика борасидаги янгиликлардан хабардор этишни сўраяптилар.”

Ҳазрати Олиялари ўзига нисбатан биринчи марта бу тахлит мурожаат қилишаётганидан қип-қизариб кетди. У, ўзимни ёмон сезмаяпман-у, аммо одатдагидек кўнглим хотиржам эмас, деб жавоб беради. Керенский давом этади:

– Мен бошлаган ишимни миридан-сиригача куч ва имкониятим етганича ул зоти олияларига етказаман. Петроградга ҳамма нарса ҳақида хабар етказмоқ имкониятига эга бўлмоғим учун мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрмоқчи, ҳаммасини ўзим текширмоқчиман ва бу биз учун дуруст ҳам бўлади деб ўйлайман.

Сўнг шаҳаншоҳга у билан яккама-якка суҳбатлашиш истаги борлигини айтиб, қўшни хонага марҳамат қилишини сўрайди. Хонага аввал ўзи, орқасидан шаҳаншоҳ киради.

У кетгандан кейин шаҳаншоҳ шундай ҳикоя қилади: Керенский билан холи қолгач, прокурор деди: “Биласизми, мен ўлим жазосини бекор қилиш учун келдим... Кўпчилик дўстларим улар эътиқодлари қурбонларига айланганига қарамай, мен шундай қилмоқдаман.”

Гарчи Керенский ўзи бунга арзимаса-да, бу билан у ўзининг олийжаноблигини кўз-кўз қилмоқчи, шаҳаншоҳ ҳаётини сақлаб қолаяпман деб мақтанмоқчи бўлдимикин?

Сўнгра у бизнинг жўнашимиз борасида оғиз очди ва бу ишни қанча тез қилинса, шунча яхши бўлар эди, деган истакни билдирди. Аммо қандай қилиб ва қаёққа жўнашимиз керак – бу ҳақда унинг ўзи ҳам ҳеч нарса билмас эди ва бу ҳақда чурқ этмасликни илтимос қиларди.

Алексей Николаевич учун бу жуда қаттиқ зарба эди, боз устига, у ҳозирча уларнинг янги аҳволи борасида ўйлаб кўриши ҳаёлига ҳам келмаганди. Отасининг топшириқ олаётганини ва хизматкордек куллуқ қилиб туришини у биринчи кўриши эди.

Маълумот учун кичик бир далил. Керенский саройга шаҳаншоҳ гаражи ҳайдовчиси ҳайдаб келган, шаҳаншоҳга қарашли бўлган автомобилда келганди.

**Жума, 6 апрел.** Бугун шаҳаншоҳ менга, газета ўқиётиб қаттиқ қайғуга ботдим, деб айтди. Кўшинда парокандалик, на буйруққа бўйсуниб бор, на тартиб-интизом қолган. Зобитлар изларидан тушган жосус солдатлардан юрак олдириб кўйишган. Кўришиб турибдики, у жуда яхши кўрадиган кўшиннинг парокандаликка юз тутиши шаҳаншоҳни қаттиқ изтиробга солган.

**Якшанба, 8 апрел.** Тушликдан кейин Керенский шаҳаншоҳга уни маликадан ажратишга мажбурлигини, у алоҳида туриши кераклигини ва малика билан фақат тушлик вақтидагина кўриша олишини, шунда ҳам улар ўртасидаги суҳбат фақат ва фақат рус тилида бўлиши шартлигини маълум қилди. Чойни ҳам бирга ичишлари мумкин, аммо зобит уларнинг бошида туради, чунки хизматкорларга кириш ман этилади.

Бирмунча муддатдан кейин малика қаттиқ ҳаяжонга тушган ҳолда менинг олдимга келиб шундай дейди: “Хукмдор билан бу тариқа муомала қилиш – ахир бу пасткашлик-ку, ахир хукмдор ўзини қурбон қилди, фуқаролар урушининг олдини олиш учун тахтдан воз кечди... Бу қандай бемаънилик, қандай разолат! Шаҳаншоҳ ўзи туфайлидан лоақал битта рус фуқаросининг қони тўкилмаслигини хоҳлаб эди-ку. Агар Россия фаровонлиги учун хизмат қилишига амин бўлса, у ҳар доим ҳамма нарсдан воз кечишга тайёр эди. Сўнг бирпас сукут сақлаб, кўшиб қўйди: “Ҳа, бошимизда ҳали бу аламли кунларни ҳам кўриш бор экан-да.”

**Душанба, 9 апрел.** Кейин билдимки, Керенский даставвал маликани алоҳида сақламоқчи бўлган экан, бироқ унга бемор болалари билан онани бир-биридан жудо қилиш инсофдан эмаслигини тушунтиришибди ва шундан кейин у бу чорани шаҳаншоҳга нисбатан қўллабди.

**Муборак Жума. 13 апрел.** Кечкурун бутун оила ибодат қилади.

**Шанба, 14 апрел.** Эрталаб соат тўққиз яримда тушлик ва Қутлуг Сирлар ибодатини ўтказдик. Кечаси соат ўн бирда ҳаммалари рўза тутишга тўпланишди. Сарой комендант ва Керенскийнинг дўсти полковник Коровиченко ҳам ҳозир бўлди, бундан ташқари уч нафар кўриқчи зобит бор эди.

Ибодат соат иккида тугайди, шундан сўнг одатдагидек бир-бирларини табриклаш учун ҳамма кутубхонага келади. Рус таомилига биноан шаҳаншоҳ барча эркаклар — шу жумладан, унинг қошида қолган комендант ва қўриқчи зобит билан чўқинади. Комендант ва қўриқчи зобит гўзал хулқу одобдан ҳаяжонга тушганини яшира олмайди.

Сўнг ҳамма оғиз очишга доира стол атрофига ўтиради. Ҳазрати Олий ва Ҳазрати Олиялари бир-бирига рўпарама-рўпара жойлашишади. Икки зобитни қўшиб ҳисоблаганда бизлар жами ўн етти нафар одам эдик. Маликаи олиялар Ольга ва Мария, шунингдек, Алексей Николаевич йўқ эдилар. Бошда ҳукм сурган жонланиш тез ғойиб бўлади ва суҳбатлар тинади. Айниқса малика қаттиқ сукутда эди. Бу қайғуданмикин ё толиқишданмикин?

**Якшанба, 15 апрел.** Рўза. Биз Алексей Николаевич билан биринчи марта айвонга чиқамиз. Ажойиб баҳор куну.

Кечқурун соат еттида юқоридаги болалар хонасида ибодат қилинади. Биздан фақат ўн беш нафар одам иштирок этади. Коҳин Муваққат ҳукумат учун дуолар ўқиганида шаҳаншоҳнинг жуда тақводорлик билан чўқинганига эътибор қилдим.

Эртасига об-ҳаво ҳаддан ташқари ажойиб бўлди. Биз боққа чикдик, у ерда зобитлар, қўриқчилар ва соқчилар ҳамроҳлигида сайр этишимизга рухсат берилганди.

Бир оз баданларимизни чиниқтириб олишимиз учун биз эрмакка баъзи ишларни бажарамиз, қўлтиқдаги дамбаларни муздан тозалаймиз. Бизнинг ишлашимизни томоша қилиш учун ҳаял ўтмай боғ деворлари ёқалаб солдатлар ва фуқаролар оломони тўпланади. Бирмунча муддатдан кейин қўриқчи зобит шаҳаншоҳга яқин борди-да, Царскосельский гарнизони коменданти ҳозиргина хабар йўллаганини, низоли намойиш ўтказилиши ёки ҳатто шаҳаншоҳ хонадонига қарши суиқасд уюштирилишидан хавотирланаётганини, шу боис бизлар ҳозирги турган жойимизни тарк этишимиз лозимлигини айтди. Бунга жавобан шаҳаншоҳ, мен ҳеч нарсадан хавотирланаётганим йўқ ва бу софдил одамлардан заррача хижолат бўлаётганим ҳам йўқ, дея жавоб қайтарди.

**Чоршанба, 18 апрел.** Ҳар гал чиқиб келганимизда бизларни найзали милтиқ тутган бир неча солдат зобит буйруғи остида қуршаб олади ва қадам-бақадам ортимиздан кузатиб юришади. Қўриқчилар орасида ўзимизни бамисоли каторга қилинган маҳбуслардек ҳис этамиз. Ҳар куну йўриқномалар ўзгариб туради, ёки, эҳтимол, зобитлар уларни ўз билгиларича талқин этадилар!

Бугун тушликдан кейинги сайрдан сўнг биз саройга келганимизда эшик тагидаги соқчи шаҳаншоҳни тўхтатди-да, унга: “Полковник, йўл йўқ,” деди.

Шунда бизга ҳамроҳлик қилаётган зобит аралашшишга мажбур бўлди. Шаҳаншоҳ отасини аллақандай солдат тўхтатганини кўриб, Алексей Николаевич чўғдай қизариб кетди.

**Жума, 20 апрел.** Биз энди кунда икки марта сайр этар эдик: эрталаб, соат ўн бирдан ўн иккигача ва тушликдан кейин соат бешгача. Барчамиз яримдоира танобий уйга тўпланамиз-да, қўриқчилар бошлигининг боққа олиб чиқадиغان эшикни очишини кутиб турамыз. Кейин биз чиқамиз. Қорувул зобит ва солдатлар изимиздан юриб келишади-да, биз ишлайдиган жойни қуршаб олишади. Малика ва маликаи олиялар Ольга ва Мария ҳозирча чиқишгани йўқ.

**Якшанба, 22 апрел.** Қўлтиққа бориш тақиқлаб қўйилди. Биз сарой олдида жилмаслигимиз ва бизга кўрсатилган майдондан бир қадам ташқарига босиб ўтмаслигимиз керак. Узоқдан бизни кўрмоқни истаган бир неча юз нафар қизиқувчан одамлар тўдасини кўрамыз.

**Чоршанба, 25 апрел.** Керенский саройга келди. Бундан фойдаланиб доктор Боткин Керенскийдан болаларнинг тоби йўқлигини баҳона қилиб, шоҳ хонадонини Ливадияга жўнатиш имконияти бор ёки йўқлигини сўради. Керенский, бунинг ҳозир асло имконияти йўқ, деб жавоб берди. Кейин у Ҳазрати Олийлари ва Ҳазрати Олиялари ҳузурига йўл олди ва у ерда узоқ қолиб кетди. Керенский энди шаҳаншоҳ билан илгаригидек муомала қилмаётган ва овозидан судья оҳанги келаётган эди. Мен шу нарсага аминманки, у шаҳаншоҳнинг асли қанақалигини ва ахлоку одобда ўзидан неча баробар устун туришини тушуна бошлаган эди. Шаҳаншоҳни яқиндан билган кишиларнинг барчаси буну эътироф этар эди. Керенский матбуотнинг шаҳаншоҳга ва айниқса маликага қарши ташвиқотига чек қўйиш ниятида унга мурожаат қилди. Бу барча бўҳтонлар оловга ёғ сепар эди, холос. Маҳбусларга нисбатан масъулиятни у ўз зиммасига олгандек эди. Дарвоқе, бизнинг чет элга кетишимиз хусусида бир оғиз ҳам гап бўлмаётган эди. Бу унинг заифлигидан нишона эди.

**Якшанба, 29 апрел.** Кечқурун Жаноби Олийлари ва Олиялари билан Алексей Николаевичнинг машғулотларига тааллуқли узоқдан-узоқ суҳбат бўлди. Бу мушкул аҳволдан чиқиб кетиш чорасини топиш керак эди, чунки бизда энди бошқа ўқитувчи йўқ эди. Шаҳаншоҳ тарих ва журофиядан, малика — Дин ақойидларидан дарс беришини зиммаларига олишди. Қолган фанларни куйидаги шахслар ўзаро бўлишиб олишди: баронесса Буксгевден (инглиз тили), m-lee Шнейдер (арифметика), доктор Боткин (рус тили) ва мен.

**Душанба, 30 апрел.** Бугун эрталаб шаҳаншоҳ мен билан кўришиб туриб, куйидаги сўзлар билан саломлашди: “Салом, азиз ҳамкасбим.” У Алексей Николаевичга дастлабки сабоқни бергани кетаётган эди. У ўша-ўша хотиржам, ўша-ўша ғамхўр эди — унинг бадқисмат тақдирига ҳамдард бўлганларга жонини фидо қилгудек. У биз учун намуна ва бардамлик тимсоли эди.

Мен Татьяна Николаевнага ота-оналари ўқишсин деб Огюст Говен 1917 йил 18 мартда ёзган Dibatс даги бир мақолани бердим.

Биздаги тартиб-қоидалар тобора қаттиқроқ бўлиб бораётгани сезилиб турарди.

**Сешанба, 1 май.** Россияда Биринчи майни илк бора байрам қилишяпти. Қулогимизга карнайлар овози чалинади ва боғ девори ёқалаб намоийшчиларнинг узун сафи ўтиб бораётганини кўрамыз.

Бугун кечкурун шаҳаншоҳ менга Dibatс журналидан олинган мақолани қайтариб берди, унда шаҳаншоҳнинг тахтдан воз кечгани ҳақида сўз юритиларди. У менга ўзи ва малика бу мақолани мамнуният билан ўқишганини сўзлади, мақолада шаҳаншоҳга нисбатан одилона сўзлар айтилган ва мақола руҳи инглиз журналлари руҳига бутунлай қарама-қарши бўлибди.

**Пайшанба, 3 май.** Шаҳаншоҳ кечкурун менга сўнгги кунлардаги хабарлар ғоятда аҳмоқона тус олганини айтди. Фавқулодда партиялар Франция ва Англиянинг тинчликни “аннексия ва контрибуцияларсиз” эътироф этишини талаб қилмоқда эдилар. Ҳарбий қочоқлик тобора авж олмақда ва армиянинг тинкаси қуриб бормоқда. Муваққат ҳукумат урушни давом эттиришга кучи етармикан?

Шаҳаншоҳ воқеаларни зўр қизиқиш билан кузатиб борарди. У ташвишланар, аммо мамлакат ҳали ўзини ўнглаб олишига ва садоқатли иттифоқдош бўлиб қолишига умид қиларди.

**Якшанба, 13 май.** Мана, икки кундирки, боғ кўлобларида полизлик ер очиш билан оворамиз. Чим ўйиб, унинг бўлақларини замбилда элтиб, бир жойга тахлар эдик. Барчамиз ишлардик: шоҳ хонадони, биз ва бирмунча вақтгача биз билан бирга чиқиб турган хизматкорлар. Бизга яна ёрдам бергани кўриқчилардан бир неча солдат ҳам келди.

Сўнгги вақтларда шаҳаншоҳнинг авзойи ғоят ташвишли кўриниш олганди. Сайрдан қайтаётган, у менга деди:

— Рузский истеъфога чиққанга ўхшайди. У ҳужумга ўтишни илтимос қилибди (энди буюришмаётганди) — солдат кўмиталари рухсат бермабди. Агар бу тўғри бўлса, ҳаммаси тамом бўлди деяверинг... Қандай шармандалик. Ҳимоялан, аммо ҳужумга ўтма — бу ўз жонига суиқасд қилиш билан баробар-ку. Биз иттифоқдошларнинг янчилик кетишларига йўл қўйиб бераёلمиз, кейин бизга ҳам навбат келади.

**Душанба, 14 май.** Кечаги суҳбатимизга қайтар экан, шаҳаншоҳ кўшиб кўйди: “Бизда муболага қилишни яхши кўришлари бир оз умид пайдо қилади. Фронтда армия ҳозир гапиришаётган аҳволга тушиб қолганига сира ишонгим келмайди. У атиги икки ой ичида бу қадар парокандаликка учраши мумкин эмас-ку.”

**Пайшанба, 17 май.** Ун беш кун давом этган оғир ҳукумат бўҳронидан халос бўлишаётгандек туюлмоқда. Петрограддан анча кўнгулга таскин берувчи хабарлар олинмоқда. Солдат ва ишчилардан бир неча вақил кирган янги Министрлар Совети, эҳтимол, ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлар. Шундай бўлса-да, бошбошдоқлик кенг қулоч ёймоқда.

**Шанба, 19 май.** Шаҳаншоҳнинг туғилган куни (қирқ тўққиз ёш). Зиёфат ва қутловлар.

**Якшанба, 27 май.** Анчадан бери бизни ўтиндан қисиб кўйишган ва уйларимиз муздек. Нарийкина хоним (Саройнинг статс-дамаси) оғриб қолди ва уни бугун олиб кетишди, чунки унинг касалига яхши қарашмаса бўлмасди, бундай шароит эса бу ерда йўқ эди. У биз билан ажралишига тўғри келаётганидан қаттиқ изтироб чекарди. Энди унга қайтиб келишга рухсат беришмаслигини у биларди.

**Шанба, 2 июн.** Биз ҳар куни полизимизда ишлаймиз ва галма-галдан қатнаб бочкада сув ташиб, экинни суғорамиз.

**Якшанба, 10 июн.** Бир неча кун олдин болалар уларнинг оролчасида ўйнашди. (Кўлчанинг ўртасидаги сунъий оролча.) Алексей Николаевич жонидан ортиқ кўрадитан ихчамгина милтиқчани билан андармон, бу милтиқчани шаҳзода болалигида отасидан олган эди. Бир зобит бизга яқин келиб, менга солдатлар шаҳзодадан милтигини олиб кўйишга қарор қилишганини ва ҳозир улар ўз қарорларини бажаришга келишаётганини айтди. Буни эшитиб Алексей Николаевич милтигини кўйди-да, биздан бир неча метрлар нарида чимзорда ўтирган онаси қошига борди. Бир дақиқа ўтиб навбатчи зобит икки солдат билан келди-да, милтиқни уларга топширишни талаб қилди. Мен бу ишга аралашинишга ва солдатларга бу милтиқ ҳақиқий эмас, ўйинчоқ эканини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ҳаракатим беҳуда кетди — солдатлар милтиқни олишди. Алексей Николаевич йиғлаб бошлади. Онаси солдатларга тушунтиришга яна бир уриниб кўринг, деб илтимос қилди, бироқ иккинчи уринишим биринчисидан ҳам муваффақиятсизроқ чиқди ва солдатлар ўлжа билан у ердан узоқлашди.

Ярим соатдан кейин навбатчи зобит мени бир четга олиб борди-да, шаҳзодага айтиб қўйинг, хафа бўлмасин, биз шундай қилмасак бўлмасди, деди. Солдатларни бундай қилмасликка кўндириш йўлини ўйлаб, унинг ўзи улар билан келишни мақбул деб топибди, акс ҳолда солдатлар милтиқни олишда бирон-бир қўполлик ишлатишлари ҳеч гап эмас.

Воқеадан хабар топган полковник Кобилинский норозилик билдирди ва мўъжазгина милтиқчани бўлақларга бўлиб, уни фақат хона ичида ўйнаш шарти билан Алексей Николаевичга қайтариб олиб келди.

**Жума, 15 июн.** Полиз ишларини тугатганимизга бир неча кун бўлди, полиз кулинг ўргилсин чиққан эди. Истаган сабаботимиз ва беш юз бош карамимиз бор. Ўз навбатида хизматкорлар боғнинг нариги томонида полиз очишганди, у ерда улар ўзларига ёққан нарсани етиштирар эдилар. Шаҳаншоҳ билан биргаликда биз уларга ёрдам бергани бордик.

Бўш вақтимизни тўлдириш учун, боғда ишларимизни тугатгач, биз боғдаги қуриган дарахтларни қирқишга рухсат сўраб олддик. Шу тариқа биз бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрар, биз билан бирга ўтириб-турадиган қўриқчилар сира изимиздан қолмасди. Биз ажабтовур ўрмончи чиқиб қолдик ва келаси йилги қиш учун захирани жамлаб олдик.

**Жума, 22 июн.** Касалликдан кейин ҳазрати олияларнинг сочлари кўплаб тўкила бошлади, шундан сўнг уларнинг сочларини устарада тақир қилиб олиб ташлашди. Улар боққа чиққанларида бошларининг ҳеч бир жойи кўринмайдиган қилиб, шляпани бостириб кийиб олар эдилар.

Мен уларни сувратга олган вақтимда Ольга Николаевнанинг ишораси билан қизлар тезгина шляпаларини бошларидан олдилар. Мен, ундай қилманглар, дедим, бироқ улар ўзларининг бундай қиёфаларинию ота-оналарининг ҳайрат ва норозилиklarини бир кўриб қўйиш ниятида эканликларини айтиб, сўзимга кирмадилар. Нима бўлганда ҳам улар вақти-вақти билан ҳазил қилишар, бу уларнинг дуркун ёшлигига жуда ярашиб турар эди.

**Якшанба, 24 июн.** Бир-бирдан заррача фарқ қилмайдиган кунлар дарслар ва сайрларда ўтиб борарди. Бугун шаҳаншоҳ менга бир воқеани сўзлаб берди, у анча кулгили бўлиб, ҳибсдалигимиздаги бирхилликка ранг киритгандай бўлди.

Кеча кечқурун шаҳаншоҳ қизил таноби уйда маликага ва маликаи олияларга овоз чиқариб китоб ўқиб берди. Шу топ соат ўн бирда қош-қовоғи осилиб хизматкори кириб келди ва қўриқчилар комендантни худлик билан шаҳаншоҳга рўпара бўлажagini маълум қилди. Петроградда бирон воқеа содир бўлган деб ўйлаб — Муваққат ҳукуматга қарши большевикларнинг курулли кўзғолонлари кутилаётганди — шаҳаншоҳ, комендантни ичкарига киритинг, деб буйруқ берди.

Икки унтер-зобит ҳамроҳлигида зобит кириб келди ва мени боғдан туриб шоҳ хонадони жойлашган хонада қизил ва яшил сигналларни кўрган соқчи чақирди, деди. Ҳамма ҳайрон. Қанақа сигналлар? Бу нимани англатади? Малика ва маликаи олиялар қаттиқ ҳаяжонга тушишди. Сўнг зобит нафасни бўғувчи жазирамага қарамасдан пардаларни зич ёпиб қўйишни буюрди-да, чиқиб кетди. Шу аснода ҳамроҳ бўлиб келган унтер-зобитлардан бири олдинга чиқди ва бу сирни изоҳлашга тушди. Маликаи олия Анастасия Николаевна дераза олдида иш тикиб ўтириб, у-бу нарсани олгани дам-бадам эгилар, шаҳаншоҳ олдида турган яшил ва қизил қалпоқли иккита чироқнинг гоҳ унисини, гоҳ бунисини гавдаси билан тўсиб қўймоқда эди. Бундан ҳафсаласи пир бўлган зобит у ердан кетди.

**Душанба, 2 июл.** Тарнополь йўналишида ҳужум бошланганини ва у муваффақиятли ривожланаётганидан дарак топдик.

**Сешанба, 3 июл.** Афтидан катта ғалабадан дарак берувчи муваффақиятли ҳарбий ҳаракатларга бағишлаб ибодат қилдик. Шаҳаншоҳ қувноқ кайфиятда Алексей Николаевичга оқшом рўзномаларини олиб келади ва энг муҳим хабарларни ўқиб беради.

**Пайшанба, 12 июл.** Фронтдан кўнгилсиз хабарлар олинган. Бошида муваффақиятли бошланган ҳужум руслар учун фойдасиз томонга бурилган.

**Якшанба, 15 июл.** Ҳибсизимизда ҳеч қандай янгилик йўқ. Сайр бирдан-бир эрмагимиз бўлиб қолган. Жуда иссиқ паллалар бошланди ва мана, неча кундирки, Алексей Николаевич болалар оролчасини қуршаб олган қўлтиқда чўмилади. Бу унга олам-олам завқ бағишларди.

**Чоршанба, 25 июл.** Муваффақиятсизликлар доираси кенгайгандан кенгайиб борарди. Чекиниш эҳтимоли юзага келмоқда ва бу шаҳаншоҳга кучли таъсир кўрсатмоқда эди.

**Пайшанба, 9 август.** Муваққат ҳукумат шоҳ хонадонини кўчиришга қарор қилганидан дарак топдим. Қаярга бориш сир тутилмоқда эди. Барчамиз бу Қрим бўлади деган умиддамиз.

**Шанба, 11 август.** Бизга иссиқ кийимларингизни ғамлаб олингиз, деб хабар қилишди. Бизни жанубга жўнатишмаётгани кундай равшан эди. Тарвузимиз қўлтиғимиздан тушди.

**Якшанба, 12 август** (эски услубда 30 июл). Алексей Николаевичнинг туғилган куни (13 ёш). Маликанинг илтимоси билан зиёфат ўтказиш учун Знаменский черковидан Биби Марямнинг ажойиб сувратини келтиришди. Эртага жўнаб кетишимиз керак. Полковник Кобилинский менга ўта махфий қилиб, бизни Тобольскка жўнатишаётганини айтди.

**Душанба, 13 август.** Хабар беришларича, биз ярим тунда тайёр бўлишимиз керак экан. Поезд тунги бирда кўзгаларкан. Сўнгги тайёргарликлар. Болалар оролчаси, полиз ва ҳоказолар билан охириги марга хайрлашамиз. Соат бирга яқин барчамиз юрлар фарам қилиб қўйилган ярим доира таноби уйга тўпланамиз. Бироқ княз Михаил Керенский билан кириб келди ва жўнашдан олдин укасини яна кўрганидан гоят мамнун шаҳаншоҳ билан мулоқотда бўлди.

Биз кетадиган поезд ҳали келмаган эди, афтидан, петроградлик темирйўлчилар билан қандайдир англашилмовчилик содир бўлган, улар поезд шоҳ хонадонига мўлжалланганини билиб қолишган бўлса керак. Бир соат вақтнинг ўтиши бир йилдан ҳам қийин бўлиб кетган эди. Жўнаб кета олармикимиз? Шубҳа ичимизни тирнайди. (Бу воқеа ҳукуматнинг ожизлигини кўрсатарди.) Ниҳоят, соат бешларда бизга ҳамма нарса шай эканлигини хабар қилишади. Бизлар билан бирга кета олмайдиган ҳибсдошларимиз билан хайр-хўшлашамиз.<sup>1</sup>

Кўплаб хотираларимиз билан боғлиқ Царское Селони тарк этишни ўйласам, юрагим бир тутам бўлиб кетади ва қаерга боришимиз номаълум бўлган бу жўнашимиздан чуқур гапга ботмоқда эдик. Автомобиллар боғдан чиқиши ҳамон бизни суворийлар дастаси қуршаб олди, у бизни кичик Александровский вокзалигача кузатиб қўйди. Бу ерда биз шинам вагонларга жойлашдик. Ярим соатдан кейин поезд аста кўзгалди. Соат ўн дақиқаси кам олти эди.

## ТОБОЛЬСКДАГИ МАҲБУСЛИК ВАҚТИМИЗ

(1917 йил август-декабр)

Шаҳаншоҳ хонадонини кўчиришга Министрлар Советини нима мажбур қилди? Бунга жавоб бериш қийин. Керенский жўнаш ҳақида эълон қилганида у бу жуда зарурий иш, Муваққат ҳукумат большевикларга қарши зудлик билан чоралар кўришга қарор қилган, деди. Талотўп ва қуролли тўқнашувлар бошланиши керак бўлиб, бунда биринчи галда шоҳ хонадони қурбон бўлиши мумкин экан.

Муваққат ҳукумат шоҳ хонадонини воқеалардан холироқ ва хавфсизроқ жойга яширишни ўзининг бурчи деб билибди. Бошқа томондан, буни армияда шаҳаншоҳ фойдасига бўлган ҳаракатдан ташвишланган партиялар олдида ожизлик деб баҳолаш мумкин, улар шоҳни Сибирга сургун қилишни талаб қилар эдилар. Нима бўлганда ҳам шоҳ хонадонининг Царское Селодан Тобольскка кўчирилиши қулай шароитларда ва кўнгилсиз тасодифларсиз амалга оширилди. 14 август соат олтида жўнаб кетиб, биз Тобольск темир йўл станциясига энг яқин Тюменгача етиб бордик ва яна бир неча соатдан кейин “Русь” пароходига жойлашдик.

Эртасига биз Распутиннинг қадрдон кишлоғи ёнидан ўтдик ва пароход палубасида тўпланган шоҳ оиласи қариянинг кулбалар орасида кўзга яққол ташланиб турган уйини кўришга муяссар бўлдик. Бу ҳол шоҳ хонадонига унчалик таъсир қилмади, чунки буни Распутин олдин башорат қилганди. Вазиятнинг тасодифий мос келиши унинг пайғамбарона сўзларини яна бир карра тасдиқлади.

19 август куни қийём чоғида биз қутилмаганда дарёнинг муюлишларидан бирида Тобольск узра савлат тўкиб турган Кремлнинг кунгурадор қўланкасини кўрдик ва бирмунча вақтдан сўнг манзилга етиб бордик.

Биз жойлашишимиз керак бўлган уй ҳали тайёр қилиб қўйилмаган экан ва бир неча кунгача келган пароходимизда туришга мажбур бўлдик. 26 августдагина янги қароргоҳимизга жойлашдик.

Шоҳ хонадони кенг-ковул ва серҳашам губернатор уйининг бутун биринчи қаватини эгаллади. Аъёнлар кўчанинг нариги томонида, деярли губернатор уйининг рўпарасида жойлашган, тобольсклик бой тижоратчи Корнилов уйини эгаллади.

<sup>1</sup> Булар: граф ва графиня Бенкендорфлар, улар ёшлари улуглиги ва соғлиқлари ёмонлиги учун биз билан кетишолмади, баронесса Буксгевден, у касаллиги учун ушланиб қолди ва соғлиги яхшиланиши билан Тобольскка етиб боришига келишиб олинди; яна бир тўда хизматкорлар. Кеңский шаҳаншоҳдан у граф Бенкендорфни алмаштиришни истамайсизми, деб сўради. Шаҳаншоҳ, агар генерал Татищев ҳибсдаги тақдиримизга шерик бўлишни хоҳласа, жуда кўнглимдагидек бўларди-ла, деб жавоб берди. Ҳукмдорининг истагини бажо келтирар экан, генерал Татищев ишларини бир ёқди қилиб олиш учун бир оз муҳлат сўради ва бир неча соатдан кейин у қўлида жомадон билан Царское Селога йўл олди. Биз, уни айна поезд жўнаб кетаётган вақтда кўрдик. Генерал Татищев учун икки дунё бир қадам эди: у шаҳаншоҳнинг саноксиз генерал адъютантларидан бири эди.



Кўриқчилар Царское Селодан биз билан бирга келган олдинги подшолик ўқчи полклари солдатларидан иборат эди. Улар меҳрибон инсон, ўзи кўз-қулоқ бўлиб турадиган шахсларга самимий хайрихоҳ полковник Кобилинский командасида турардилар. Полковник кўл остидагиларнинг оғирини енгил қилиш учун ҳеч кучини аямасди.

Аввалига ҳибсга келганимиздаги шароитлар худди Царское Селогадигдек эди. Бизлар ҳеч нарсадан зорикмаётгандик. Фақат шаҳаншоҳ билан болалари жой танглигидан озор чекишаётганди. Бундоқ олиб қараганда сайр учун уларнинг ихтиёрида биргина полиз, кафтдеккина ҳовли бор эди, холос. У жануби-шарқий томондан турар-жой биносини айланиб ўтувчи кенг ва камқатнов кўчага олиб чиқадиган девор билан қуршаб олинганди. Бу кифоя қилмасди, албатта... Бундан ташқари мазкур полиз ва ҳовли солдатларга кафтдагидек кўриниб турарди. Уларнинг казармаси бизга атаб кўйилган бутун худуд устидан ҳукмронлик қиларди. Аксинча, шоҳ ақориблари ва мулозимлар Царское Селогадиган кўра бу ерда кўпроқ эркинликдан фойдаланишарди, ҳеч бўлмаганда дастлабки вақтларда шаҳарга ёки яқин-атрофдаги жойларга бемалол бориб-келиб туришарди.

Сентябрда Тобольскка Керенский юборган комиссар Панкратов келди. У билан бирга илгари Панкратовга кўшиб сургун қилинган ёрдамчиси Никольский ҳам келди. Панкратов анча ўқимишли, юмшоқ табиатли, мурид-мутаассиб одам эди. У шаҳаншоҳда яхши таассурот қолдирган, кейин эса болажонлигини намоён қилганди. Никольский эса ғирт тўнка эди, қилган ҳар бир иши одамнинг гашига тегмай қолмасди. Дунёқараш ибор ва қайсар бу одам худонинг берган куни бир қилиқ ўйлаб чиқарарди. Бу ерга келиши биланоқ полковник Кобилинскийдан бизларни сувратга олишни талаб қила бошлади. Бу ғирт ортиқча даҳмаза, чунки ҳамма солдатлар бизни биледи, деб Кобилинский Никольскийни ниятидан қайтармоқчи бўларди. Дарҳақиқат, булар бизни Царское Селога кўриқлаган солдатлар эди. Бунга жавобан Никольский деди: “Бир вақтлар улар бизни шундай қилишга мажбур этар эдилар — энди навбат уларга”. Унинг айтганини қилишга тўғри келди ва шу аснодан бошлаб сувратли ва қайд рақами бўлган маҳбуслик варақчасига эга бўлдик.

Ибодат аввалига уйда, биринчи қаватнинг катта танобийсида бўлар эди. Благовещание черкови раҳнамоси ўзининг диакони ва тўрт роҳибиси билан ибодат қилгани келиб туришга рухсат олишди. Бироқ бу ерда меҳроб бўлмаганидан ибодат чала-ярим адо этиларди. Бу шоҳ оиласи учун катта йўқотиш эди. Ниҳоят 21 сентябрда, Богородица Рождествоси байрами муносабати билан маҳбусларга биринчи марта черковга боришга рухсат берилди, бундан уларнинг бошлари осмонга етди, аммо бу хурсандчилик ҳар доим ҳам бўлавермасди. Шу кунларда жуда эрта турардик ва ҳамма ҳовлига тўплангач, мўъжазгина эшикчадан чиқардик-да, икки қатор саф тортган солдатлар орасидан юриб, жамоатчилик боғига ўтардик. Биз фақат эрталабки ибодатларда иштирок этардик, бир нечта шам ғира-шира ёритиб турган бу черковда деярли биздан бошқа ҳеч ким бўлмасди, унга бошқа одамлар кириши қатъиян ман этилганди. Черковга бориш ёки қайтиш йўлида Ҳазрати Олийлари ўтаётганда чўқиниб ёки тиз чўкиб турган одамларга тез-тез кўзим тушар эди. Умуман Тобольск аҳолиси шоҳ хонадонига хайрихоҳликни йўқотмаган эди ва бизнинг кўриқчиларимиз уларнинг деразалар олдида тўхташларига ёки шоҳ хонадони жойлашган уй олдида ўтаётганда чўқинишларига йўл қўймаслик учун узлуксиз равишда чоралар кўриши керак бўларди.

Шундай қилиб, ҳаётимиз аста-секин изга тушиб бораверди ва кучимизни йиғиб, биз шаҳзода ва икки маликаи олия машғулотларни давом этдиришга киришдик. Сабоқлар эрталаб соат тўққизда бошланиб, ўн бирда, тушки сайр бошланишидан олдин тутарди. Сайрда шаҳаншоҳ ҳар доим иштирок этар эди. Синф хонаси йўқлигидан машғулотлар биринчи қаватдаги катта танобий хонада — Алексей Николаевичнинг хонасида ёки менинг хонамда ўтарди. Соат бирда нонуштага тўпланардик. Бироқ малика ўзини носоғлом ҳис қилган пайтларда у нонуштани ҳам, тушликни ҳам Алексей Николаевич билан бирга қиларди. Соат иккиларга яқин биз яна чиқардик ва соат тўртгача сайр қилар ёки ўйнар эдик. Шаҳаншоҳ жисмоний машқлар камчилигидан қаттиқ изтироб чеқмоқда эди. У Кобилинскийга шу ҳақда шикоят қилганида, у қарағай ғўлалари топиб келди, арра ва болталар сотиб олди ва биз ошхона ва печкаларга зарур бўладиган ўтин тайёрлашга киришиб кетдик. Бу Тобольскдаги тутқунлик пайтимизда очиқ ҳаводаги энг яхши эрмакларимиздан бири бўлиб қолди, маликаи олиялар ҳам бу янги спорт турига жон-жон деб бош кўшишди. Чойдан кейин машғулотлар қайтадан бошланар ва соат олтида ниҳоясига етарди. Тушлик бир соат ўтгандан кейин бўлар, ундан сўнг эса қаҳвахўрлик қилгани юқорига, катта танобий хонага чиқиб кетардик. Барчамизни шаҳаншоҳ хонадони билан бирга бўлишга таклиф этишарди ва кўп ўтмай бу ҳол аксариятимиз учун одат тусига кириб қолди. Тутқунликдаги яқранглигимизни хилма-хил қилиш учун ўйинлар ўйнар ва янги-янги эрмаклар топишга ҳаракат қилар эдик. Қаттиқ совуқлар бошланиши билан катта

танобий хона хувиллаб қолди ва биз Ҳазрати Олияларининг хос хоналари бўлиб хизмат қилувчи кўшни хонадан паноҳ топдик — бу ушбу бинодаги шинам жиҳозланган ягона хона эди. Шаҳаншоҳ кўпинча овоз чиқариб ўқир, бу пайтда маликаи олиялар иш тикаётган ё бизлар билан ўйнаётган бўлишарди. Малика одатдагидек генерал Татишчев билан бир-икки қўл қарта ўйнарди ва кейин ўз навбатида юмушга тутинар ёки ўзининг катига бориб чўзиларди. Мана шундай тинч муҳитда биз қишнинг узоқ ялдо кечаларини ўтказар эканмиз, бу бепоён олис Сибир қўйнида ўзимизни дилгир ҳис этар эдик. Тобольскдаги тутқунлик вақтимизда биз йўқотган энг катта нарса — бу янгиликлардан мутлақо беҳабар қолаётганимиз эди. Хатлар бизгача ахён-ахёнда ва жуда кеч келиб етар эди. Журналларга келсак, биз яроқсиз маҳаллий варақа билан қаноатланишга мажбур бўлардик, у паст навли қоғозда чоп этилиб, ичидаги гаплар бир неча кун аввалги, эски телеграммалардан иборат бўлар эди ва улар ҳам ўзгартирилиб, қисқартирилиб босиларди. Бироқ шаҳаншоҳ Россияда содир бўлаётган воқеаларни надомат билан кузатиб борарди. У мамлакатнинг ҳалокат сари кетаётганини тушуниб турарди. Генерал Корнилов большевикларнинг тобора таҳдидлироқ бўлиб бораётган ташвиқотига барҳам бериш учун Керенскийга Петроградни босиб олишни таклиф қилганда унинг дилида умид учқуни йилт этганди. Муваққат ҳукумат жон сақлашнинг бу сўнгги имкониятини рад этганида шаҳаншоҳ қайғусининг чеки бўлмади. Бу, унинг билишича, хавф солиб келаётган ҳалокатдан қутулишнинг ягона воситаси эди, ҳар қалай. Ушанда шаҳаншоҳнинг тахтдан воз кечиб чакки қилган эканман дея ёзурганини биринчи марта эшитдим. У бир нарсага умид қилиб шундай қарорга келганди, яъни унинг кетишини истаган шахслар урушни муваффақиятли туғатиб, Россияни сақлаб қолсинлар, деганди. У қаршилик кўрсатсам, фуқаролар урушига сабабчи бўлиб қолмайин деб қўрққанди. Тахтни бегоналар эгаллаган тақдирда ҳам у унинг дастидан ҳатто битта руснинг қони тўкилишини истамаганди. Энди тахтдан воз кечиши ҳеч қандай наф бермаганини ва фақат ватанининг иқболини назарда тутган бўлса-да, ҳақиқатда эса тахтдан кетиши билан унга зарар етказганидан шаҳаншоҳ қаттиқ изтироб чекмоқда эди. Бу фикр уни кўпинча таъкиб қилган бўлиши ва кейинчалик унинг зўр руҳий изтироблар чекишига сабаб бўлган бўлиши керак.

Ноябрнинг ўрталарида Муваққат ҳукуматнинг ағдарилгани ва большевиклар ҳокимиятни қўлга олганини билдик. Бу ҳол ҳаётимизда бевосита ўз аксини топмади ва бир неча ой ўтгандан кейингина биз билан шугулланишаётганининг гувоҳи бўлдик.

Ҳафталар ўтаверди, бизгача етиб келаётган янгиликлар эса тобора хунуклашиб борарди. Нима бўлганда ҳам воқеаларни кузатиш ва улар аҳамиятини аниқлаш гоят мушкул эди, чунки биздаги маълумотлар на воқеалар сабабини тушунишга, на улар оқибатини аниқлашга имкон берарди.

Бутун ташқи оламдан шу қадар узоқ ва шу қадар узилиб қолган эдикки, қўяверинг! Борди-ю, Россияда нималар бўлаётганини билиш имкониятини топганимизда ҳам, аммо Европа борасида биз ҳеч нима билмас эдик.

Бу орада большевиклар доктриналари бизни қўриқлаётган ва шу пайтгача қайта ташкил этишга анча яхши қаршилик кўрсатиб келган отрядда қайта ташкиллаштириш ишларини бошлаб юборганди. У турли унсурлардан иборат эди: 1- ва 4- полк солдатларининг кўпчилиги шоҳ хонадони, айниқса болаларга жуда хайрихоҳ эди. Маликаи олиялар худди ўзлари каби ўзини ўтмиш билан боғлиқдай ҳис қилиб юрган бу одамларга мафтункор соддалик билан мурожаат қилар эдилар. Улар солдатларнинг оилалари, қишлоқлари ёки уруш вақтида иштирок этган жанглар ҳақида сўраб-суриштирар эдилар. Улар учун “валиаҳд” бўлиб қолган Алексей Николаевич ҳам уларнинг хайрихоҳлигидан фойдаланиб қоларди ва солдатлар ҳам унинг кўнглини олишга ҳаракат қилар эдилар. 4-полкдан келган қўриқчиларнинг нуқул ёши катталардан иборат бир қисми, айниқса шоҳ хонадонига айрича меҳр кўрсатар эди ва бу оққўнгил кишиларни қоровулликда кўриб, бутун оила аъзолари яйраб кегиларди. Шу кунларда шаҳаншоҳ ва болалар қоровулхонага билдирмай бориб-келиб туришар ва солдатлар билан гурунглашар ёки турли ўйинлар ўйнашарди. Солдатлардан биронтаси қуюшқондан зигирча чиқмас эди. Бир кун улар комиссар Панкратовнинг остонада тўхтаб кўзойнаги ортидан қутилмаган ҳолни томоша қилиб турганидан роса ҳайратда қолишди. Унинг хўмрайганини кўриб, шаҳаншоҳ унга ичкарига кириб, столга ўтиришга ишора қилди. Бироқ ўзини жуда ноқулай сезган комиссар нималарнидир гўдранди-да, товонларида ўгирилиб чиқиб кетди — у бу ҳолдан бутунлай ўзини йўқотиб қўйганди.

Юқориде эслатиб ўтганимдек, Панкратов мурид, инсонпарварлик тамойиллари қонига сингиб кетган одам эди. У аҳмоқ одам эмасди. Тобольскка келган кунидан бери у солдатларга сабоқ берар, уларни либерал гоғлар билан таништирар ва уларда ватанпарварлик ва фуқаролик бурчи туйғуларини ривожлантиришга ҳаракат қиларди. Аммо унинг барча саъй-ҳаракатлари кейин унинг ўзига қарши бўлиб қолди.

Болшевикларга тиш-тирноғи билан қарши турган бу одам шунга замин яратиб берди ва нари-берисини ўйлаб ўтирмай уларнинг тегирмонига сув қўйди. Бу гоёларнинг қурбонига айланиши керак бўлганини ҳали қуйроқда кўриб ўтамиз.

2-полк солдатлари дастлабки одимларданоқ ўзларининг инқилобий мойилликларини намоён этдилар ва Царское Селодаёқ улар маҳбусларни кўп қийнаб қўйдилар. Большевикча давлат тўнтариши уларнинг ўзбошимчалик ва сурбетлигини кучайтириб юборди, холос. Улар “солдат қўмитаси” тузишга муваффақ бўлдилар, қўмита бизнинг кун тартибимизга янги чекловлар киритишга ва ўз обрўларини полковник Кобилинский обрўси билан алмаштиришга уриндилар. Бизда уларнинг бемаъниликларини тасдиқлови далиллар йўқ эмас эди, масалан, баронесса Буксгевден (декабр охирида) келганидаги воқеани олайлик. Хоним биз билан бирга Царское Селода ҳибсда эди, аммо соғлиғи ёмонлигидан биз билан бирга жўнаёлмаганди. Касали тузалиши ҳамоноқ у маликаниннг ёнида бўлиши учун Керенский руҳсати билан Тобольскка етиб келди. Солдатлар қўмитаси унинг шоҳ хонадони жойлашган уйга киришини кескин рад этди. Хонимнинг келишини сабрсизлик билан кутаётган шоҳ хонадони учун бу жуда катта зарба бўлди.

Ниҳоят узоқ қутилган Рождество ҳам етиб келди. Маликаи олиялар ва малика неча ҳафтадан бери ишлаб ўз қўллари билан бизлар учун ҳам, барча хизматкорлар учун ҳам совғалар тайёрлашганди. Малика ўзи тўқиган бир нечта юнг фуфайкани улашиб чиқди ва унга содиқ бўлиб қолган одамларга ўз миннатдорчилигини ана шу тариха ифода этмоқчи бўлди.

24 декабр куни кечки ибодатни адо этиш учун уйимизга руҳоний келди. Ҳаммамиз катта танобий хонага тўпландик. Бизга аталган совғалар келтирилганда болалар қандай қувонганини бир кўрсангиз эди! Гўё барчамиз бу катта оиланиннг туғишган аъзоларидекмиз. Ҳеч нарсани ўйламай, соф дўстлик, қалбларнинг ягоналиги дақиқаларидан бахраманд бўлиш учун вақтинчалик ғам-қайгуларни унутишга тиришардик.

Эртасига Рождество байрами — бизлар черковга йўл оламиз. Руҳоний ишораси билан диакон умрбоқийлик (шаҳаншоҳ ҳукмронлиги кунларини узайтириш ҳақидаги дуо) ни ўқиди. Бу руҳоний томонидан оқилона иш бўлмади ва орқасидан қатагон келтириб чиқариши ҳеч гап эмасди. Солдатлар ўлдирамиз деган дўқ-пўписалар билан руҳонийни алмаштиришни талаб этдилар. Бу воқеа ушбу кун ҳақида сақланиб қолиши керак бўлган ёрқин таассуротларни маъюслаштириб қўйди. Маросим янги тазйиқлар қилиниши билан ниҳоясига етди ва устимиздан ўрнатилган назорат янада кескинроқ тус олди.

## ТОБОЛЬСКДАГИ МАҲБУСЛИГИМИЗ НИҲОЯСИ

(1918 йил январ-май)

14 январдан бошлаб яна кундалик тутишга киришдим, уни Тобольскка кўчиб кетаётганимизда тўхтатиб қўйгандим ва Царское Селодаги тутқунлигимизни тасвирлаганимизда қилганимдек, бундан айрим иқтибосларни келтирарман.

**Душанба, 14 январ (эски ҳисобда 1-январ).** Бугун эрталаб биз черковга бордик, бу ерда янги руҳоний бўлиб, бу черковда биринчи марта имомлик қилмоқда экан. Руҳоний Василий отага келсак (олдинги бобда эслатиб ўтганимиз воқеа айбдори), у Гериоген архиепископи фармойиши билан Абалатск монастирига жўнатиб юборилган эди.

**Чоршанба, 16 январ.** Тушликдан кейин соат иккида гарнизонимиз солдатлар қўмитасига йиғилди. Қўмита юзтага саксон бешта қарши овоз билан зобит ва солдатларнинг погон тақиб юриши бекор қилиниши керак деган қарорга келди.

**Пайшанба, 17 январ.** Полковник Кобилинский бугун фуқаро либосида келди, чунки у погонсиз зобитлар либоси кийишни рад этганди.

**Жума, 18 январ.** Соат учда руҳоний ва қўшиқчилар келишди. Қўшиқ айтгани олдиндан келган тўрт роҳиба Тобольскдаги черковлардан бири хорининг қўшиқчилари билан алмаштирилган эди. Бугун табарруқ сув селувчилар ва янги руҳоний биринчи марта уйимизда ибодат қилишади. Ўз навбатида Алексей Николаевич руҳоний тутиб турган хочни тавоф қилгани яқин борганида руҳоний унга томон энгашди-да, манглайдан ўпди. Ибодатдан сўнг генерал Татишчев ва княз Долгорукий шаҳаншоҳга яқин боришди-да, солдатларнинг сурбетларча қўполликларидан қочиб учун погонларини олиб қўйишини илтимос қилишди. Турган гапки, бу шаҳаншоҳнинг иззат-нафсига теғди, бироқ малика билан кўз уриштириб, қисқа сўзлашувидан сўнг у ўзини қўлга олади ва ўз одамлари тинчини ўйлаб, погонларини олиб ташлашга рози бўлади.

**Шанба, 19 январ.** Бугун эрталаб биз черковга йўл олдик. Шаҳаншоҳ эгнига ҳар доим погонсиз кийиладиган кавказ черкескасини илди. Алексей Николаевичга келсак, у погонларини тумоқ тагига яшириб олди. Бугун малика менга, сабоқлардан толиқмаган пайтимизда шаҳаншоҳ ва мен сизни кечки чойга таклиф қиламиз, деди.<sup>1</sup>

Чойхўрлик тугагач, маликаи олиялар ўз хоналарига йўл олганларидан кейингина у ердан кетдим. (Алексей Николаевич одатда соат тўққизда ётарди.)

**Душанба, 21 январ.** Бугун тунда қалин қор ёғди. Биз қор тоғи ясашга киришиб кетдик.

**Жума, 25 январ (эски ҳисобда 12 январ).** Фаришта Татьяна Николаевна кунди. Уйда ибодат қиламиз. Ажойиб киш кунди, қуёш чарақлаган, ўн беш даража совуқ.<sup>2</sup>

Олдинги кунлар каби қор тоғини кўтаришда давом этамиз. Солдатлар бизга ёрдам бергани келишиди.

**Чоршанба, 30 январ.** Бугун қоровулликка 4-полкнинг яхши солдатлари қўйилган. Шаҳаншоҳ ва болалари қоровулхонада солдатлар билан бир неча соат бирга бўлишди.

**Шанба, 2 феврал.** Йигирма уч даража совуқ. Князь Долгорукий ва мен бугун қор тоғига сув қўйдик. Биз ўттиз челақ сув олиб келдик. Ҳаво шу қадар совуқ эдики, сувни жўмракдан тоққа олиб келганимизча музлаб қоларди. Челақларимиз ва қор тоғидан буг кўтариларди. Эртдан болалар муз тоғидан сирпанишса бўлаверади.

**Душанба, 4 феврал.** Айтишларича, бугун тунда термометр ўттиз даражадан ҳам тушиб кетибди. Қаттиқ шамол турди. Маликаи олияларнинг ётоқхонаси чинакам музхонага айланганди.

**Чоршанба, 6 феврал.** Маълум бўлишича, 2-полк ташаббуси билан солдатлар комиссар Панкратов ва ёрдамчиси Никольскийни ўз постларидан кетишсин деган қарорга келишибди.

**Жума, 8 феврал.** Солдатлар кўмитаси бугун тушликдан кейин Панкратовнинг ўрнига Москвадан чақириладиган большевик комиссарни тайинлашга қарор қилибди. Ишлар борган сари пачавалашмоқда эди. Совет Россияси бир томондан ва Германия, Австрия ва Болгария билан иккинчи томондан урушни тўхтатиш ҳақидаги ҳолат аниқланмоқда эди. Армия тарқатиб юборилган, аммо Ленин ва Троцкий ҳали сулҳга имзо чекмаган эди.

**Чоршанба, 13 феврал.** Шаҳаншоҳнинг менга айтишича, армия тарқатиб юборилиши оқибатида кўплаб катта ёшдагилар уйларига қўйиб юборилган. Барча кекса солдатлар (энг яхшилари) бизни тарқ этишлари керак экан. Ишнинг бундай тус олишидан шаҳаншоҳнинг авзойи гоят тундлашиб кетганди, чунки ҳокимият алмашинуви биз учун кўнгилсиз оқибатлар келтириши мумкин эди.

**Жума, 15 феврал.** Солдатларнинг аҳвали кетиб бўлганди. Улар шаҳаншоҳ ва унинг хонадони билан хайрлашгани хуфёна келар эдилар.

Ҳазрати Олийлари ҳузурдаги чойхўрлик чоғида вазият тақозо этган даражада шоҳ хонадони ҳаёти нечоғли аҳил-иноқлиги, бу ҳаёт шаҳаншоҳни малика ва болалари билан нечоғли жипслаштириб қўйгани хусусида ўз ҳайратини яширолмаган генерал Татишчев оқкўнгиллик билан эътироф этаркан, шаҳаншоҳ жилмайганча маликага қараб қўйди ва деди: “Татишчевнинг гапларини эшитдингми?” Сўнг одатдаги самимият билан, аммо билинар-билимас кинояли оҳангда қўшиб қўйди. “Агар менинг собиқ генерал-адъютантим бўлатуриб сиз, Татишчев, бизни шунчалик ёмон билар экансиз, малика билан мен газеталарда биз ҳақимизда ёзилган нарсалардан хафа бўлмасак ҳам бўлар экан.”

**Чоршанба, 20 феврал.** Шаҳаншоҳнинг менга айтишича, германлар Ревелни, Ровнони, шунингдек, бошқа жойларни эгаллабди ва улар бутун фронт бўйлаб ҳужумни давом эттирмақдалар. Унинг бундан қаттиқ қайғуга тушгани кўришиб турарди.

**Душанба, 25 феврал.** Полковник Кобилинский телеграмма олди. 1 мартдан бошлаб Николай Романов оиласи билан солдат паёғига қўйилмоқлари керак экан ва шоҳ хонадонининг ҳар бир аъзосига ҳар ойда унинг шахсий бисоти фоизларидан 600 рубл чегириб бериладиган бўлибди. Шу вақтгача барча харажатларни давлат тўларди. Шундай қилиб, бутун хонадон ойига 4200 рублга яшashi керак бўларди, чунки шоҳ хонадони етти кишидан иборат эди. Айни вақтда бир рубл ўзининг нақд нархининг бешдан бир қисми қийматини ташкил этарди.

**Сешанба, 26 феврал.** Ҳазрати Олиялари мендан ўзига бутун хонадон бюджетини аниқлаш учун ҳисоб-китоб беришни илтимос қилдилар. Унинг бисотида илгари унга пардоз-андоз учун берилган пуллардан тежаб қолинган бироз маблағ қолган эди.

<sup>1</sup> Ҳазрати Олийлари сарой хоними графиня Гендриковани, генерал Татишчевни, князь Долгорукийни, m-ле Шнейдерни ва доктор Боткинни улар сабоқ беришдан бўшаган пайтларида ўзиникига чойга чақириб турар эди. Чойни малика ўз қўли билан дамларди. Тобольскдаги бу кечки чойхўрликларда иштирок этганлардан тирик қолгани бир менман.

<sup>2</sup> Реомюра шкаласи бўйича.  $1^{\circ}\text{R} = 5/4^{\circ}\text{C}$ .

**Чоршанба, 27 феврал.** Шаҳаншоҳ бизга киноя билан, энди ҳаммасини ҳайъат йўлга қўядиган бўлгач, ишни ётоқхонагача олиб бориш учун мен ҳам бир ўзим ишни йўлга қўяман, деди. Ҳайъат таркибига княз Долгорукий, генерал Татишчев ва мен кирар эканман. Тушликдан кейин “ийгилиш” ўтказамиз ва ётоқхонамиз шахсий таркибини қисқартиришимиз керак, деган хулосага келамиз. Ҳаммамиз маъюс тортамиз, чунки 10 нафар хизматкоримизни бўшағимизга тўғри келарди-да. Уларнинг кўпчилиги Тобольскда ўз оилалари билан туришарди. Бу янгилик маликаи олияларга ҳавола этилаётганда уларнинг нечоғли қайғуга ботганини кўрамиз – хизматкорлар билан батамом хайрлашишга тўғри келарди, чунки уларнинг ихлоси бахтсиз воқеагача олиб бориши мумкин эди-да.

**Жума, 1 март.** Янги тартиб кучга киради. Бугундан бошлаб сариёғ ва қаҳва дабдаба нишони сифатида дастурхонимиздан олиб ташланди.

**Душанба, 4 март.** Солдатлар кўмитаси бизлар ясаган муз тоғни бузиб ташлашга қарор қилди (бу болаларнинг катта эрмаги эди), чунки шаҳаншоҳ билан малика 4-полк солдатларининг жўнатилишини ўша ердан туриб кузатиш учун муз тоққа чиқишган экан. Ҳам аёнларга нисбатан, ҳам шоҳ хонадонига нисбатан янгидан-янги тазйиқ ва чекловлар ҳар куни содир бўлиб турарди. Аллақачондан бери биз солдатлар ҳамроҳлигидагина чиқадиган бўлиб қолган эдик. Афтидан бизнинг бу охириги эркинлигимизни ҳам йўққа чиқаришадиган кўринади.

**Сешанба, 5 март.** Солдатлар бизникига кечкурун келишди, худди ёвузлардек (қилаётган ишлари бемаънилик эканини ўзлари билиб туришарди) чўкич билан кўпориб буза бошладилар. Болалар газабининг чеки йўқ эди.

**Жума, 15 март.** Бизнинг аҳволимиздан хабардор шаҳар аҳолиси турли йўллар билан бизга тухумлар, конфетлар ва пишириқлар етказиб турар эдилар.

**Якшанба, 17 март.** Масленица якшанбалиги. Бутун халқ яйрамоқда. Деразамиз тагидан чанги аравачалар у ёқдан-бу ёққа тинмай ўтар, кўнгироқчалар, шақилдоқлар, гармонлар овози ва қўшиқлар қулоққа чалинади. Болалар қувнаб яйраётган бу одамларга хомуш тикилиб турар эдилар. Бирмунча вақтдан кейин улар зерика бошлашди, тутқунликда яшаш уларни эзиб ташламоқда эди. Чор атрофи яхлит девор билан ўралган ҳовлида айланиб юришарди. Муз тоғ бузиб ташлангандан буён уларнинг ягона эрмаги – ўтин арралаш ва ёриш эди.

Солдатларнинг сурбетлиги ҳаддан ошиб борарди. Кетган солдатлар ўрнига ахлоқи бузуқ йигитларни қўйишди. Қайғуси кундан-кун ортиб бораётганига қарамай, Ҳазрати Олийлари ўзига содиқ одамлар ичидан уларни қутқаришга ҳаракат қилувчилар топилиб қолишига ҳамон умид боғлар эди. Қочиб учун ҳали ҳеч қачон бунчалик қулай пайт учрамаганди, чунки Тобольскда ҳали большевиклар ҳукумати вакиллари йўқ эди. Олдиндан бизнинг фойдамизни кўзлайдиган полковник Кобилинский ҳамкорлигида сурбет ва шу билан бир вақтда шарги кетиб, парти қолган қўриқчиларимизни алдаш анча осон иш эди. Ташқаридан туриб мунтазам ва қатъият билан ҳаракат қиладиган бир нечта гайратчан одам бўлса, олам гулистон эди. Биз ҳар қандай тасодифга тайёр бўлиб турунг деб шаҳаншоҳни огоҳлантирар эдик. Шаҳаншоҳ ишни қийинлаштирадиган икки шартни олдимизга қўйди: у шоҳ хонадонининг тарқаб кетишини зинҳор истамайди ва Россия империяси ҳудудини икки дунёда ташлаб чиқиб кетмайди. Бу хусусда малика бир куни менга шундай деди: “Ёруғ оламда кўрар кўзим Россия – уни ташлаб кетмайман, чунки менга шундай туюладики, агар чет элга кетишимиз керак бўлса, бу бизни ўтмиш билан боғлаб турган сўнгги ришта узилиши ва ўтмишимиз йўқлик қаърига маҳв бўлиши билан баравардир”.

**Душанба, 18 март.** Шоҳ хонадони, одатдагидек, Муборак рўзанинг биринчи ҳафтасида ифторлик қилмоқда. Ибодатлар эрталаб ва кечкурун адо этиларди. Малика ва маликаи олиялар дйакон билан биргаликда хониш қиладилар, чунки гўяндалар ҳаддан ташқари банд бўлиб, кела олмасдилар.

**Сешанба, 19 март.** Нонуштадан кейин яқиндагина имзоланган Брест-Литва шартномаси борасида сўз келди. Шаҳаншоҳ бу масала бўйича чуқур қайғу билан шундай деди: “Бу Россия учун ўта шармандаликдир, бу ўз жонига қасд қилган билан баравардир. Шаҳаншоҳ Вилгельм ва Герман ҳукумати ўз ватанини сотган бу бадбахтлар қўлини сиқиб даражасида паст кетадилар деб сира ўйламагандим. Аммо ишонаманки, бу уларга яхшилик келтирмайди ва уларни ҳалокатдан сақлаб қололмайди”.

Бир оз муддат ўтгач, княз Долгорукий айтдики, журналларда гўё германлар шоҳ хонадонини тирик ва соғ-саломат ҳолда уларга беришни талаб қилмоқдалар деган гапларни ёзишга эммиш. Бунга шаҳаншоҳ шундай деди: “Агар бу менинг обрўйимни тўкиш учун ўйлаб чиқарилган найранг бўлмаса, мен бунга ўзим учун аламли ҳақорат деб биламан.” Малика маҳзун овозда деди: “Шаҳаншоҳга панд бергандан кейин мен немисларни шундай ёмон кўриб қолдимки, улар ёрдамида қутулиб чиққандан кўра Россияда ўлиб кетишни афзал биламан”.

**Жума, 22 март.** Кечки ибодат тугаши билан соат тўққиз яримда ҳамма Исо Масиҳ суврати олдида чўқинди: болалар, хизматчилар, аёнлар ва ниҳоят Ҳазрати Олий ва Олиялар.

**Шанба, 23 март.** Бугун эрталаб соат етти яримда биз Кутлуг Сирлар ибодатини адо этиш учун черковга йўл олдик.

**Сешанба, 26 март.** Омскдан юздан ортиқ қизиллар гуруҳи етиб келди. Бу Тобольскда гарнизонни эгаллаб турган дастлабки максималист (большевик) солдатлар эди. Қочиш имкониятига бўлган сўнгги умидимиз ҳам йўққа чиқди. Шундай бўлса-да, малика менга, бу одамлар ичида оддий солдат лавозимида кўплаб зобитлар борлигига аминман, деди ва қаердан билишини айтмасдан Тюменга уч юз зобит тўпланган, деди.

**Сешанба, 9 апрел.** Омскдан ҳарбий гуруҳ билан келган большевик комиссар, мени шоҳ хонадони турган уйга кўйинлар, деб талаб қилди. Бизнинг кўриқчи солдатларимиз рад этишди. Полковник Кобилинский тўқнашув келиб чиқишидан кўрқиб, жуда ташишга тушди. Эҳтиёткорлик чоралари кўрилди, соқчи ва пагруллар икки баравар кўпайтирилди. Биз тунни қаттиқ безовталиқда ўтказамиз.

**Чоршанба, 10 апрел.** Кўриқчиларимизнинг большевик комиссар ўз ваколатини кўрсатган катта йигилиши... Ваколатга кўра, у фармойишига қаршилик кўрсатганларни суд-пудсиз 24 соат ичида отиб ташлаш ҳуқуқига эга эди.

**Жума, 12 апрел.** Алексей Николаевич ўринга ётди, чунки кечадан бери қаттиқ зўриққанидан бутиди ёмон оғриқ ҳис қилмоқда эди. Қишда у ўзини қандай яхши сезмоқда эди-я! Ишқилиб бир нима бўлиб қолмасин-да.

Кўриқчиларимиздан Москвага хизмат сафарига юборилган солдат бугун қайтиб келди ва полковник Кобилинскийга Большевиклар Марказий ижроия кўмитасининг қоғозини топширди, унга кўра бизга нисбатан янада кескинроқ тартиб қўлланишига кўрсатма берилганди. Генерал Татишчев, княз Долгорукий ва графиня Гендрикова бизнинг хонамизга жойлаштирилишлари ва маҳбуслар қаторида сақланишлари керак эди. Шунингдек, махсус ваколатлари билан бир комиссарнинг келиши ҳақида ҳам хабар бор эди, у ўзи билан бир ҳарбий гуруҳ олиб келар экан. М-Пе Шнейдер, генерал Татишчев, княз Долгорукий ва жаноб Гиббс<sup>1</sup> бизникига кўчиб ўтишди. Фақат докторлар Боткин ва Деревенколаргина эркинликда қолдирилган эдилар. Алексей Николаевичнинг дарди кечадан бери анча кучайганди.

**Душанба, 15 апрел.** Алексей Николаевич кеча ва бугун қаттиқ дард чекди. Бу гомофилиянинг кескин хуружларидан бири эди.

**Сешанба, 16 апрел.** Полковник Кобилинский, кўриқчиларимиз зобити ва бир неча солдат уйимизни тинтув қилгани келишди. Шаҳаншоҳдан унинг ҳарбийча казак либоси билан тақиб юрадиган ханжарини олиб қўйишди.

**Душанба, 22 апрел.** Яковлев фамилияли москвалик комиссар унча катта бўлмаган ҳарбий гуруҳ билан бугун етиб келди. У комендантга ва солдатлар кўмитасига ҳужжатларини кўрсатди. Кечқурун мен Ҳазрати Олийлари ҳузурда чой ичдим. Ҳамма безовта ва гамгин эди, комиссарнинг етиб келишидан мубҳам, аммо чинакам даҳшат ҳис қилмоқда эди.

**Сешанба, 23 апрел.** Соат ўн бирда комиссар Яковлев келади. У бутун уйни айланиб чиқади, сўнг шаҳаншоҳга яқин боради ва у билан бирга ўринда ётган Алексей Николаевичнинг олдига боради. Ҳали тайёр бўлмаган маликани кўриш имкони бўлмаганидан у яна бироздан сўнг ёрдамчиси билан қайтиб келади ва Алексей Николаевични яна бир қарра бориб кўради. (У ёрдамчиси орқали яна боланинг касалини ҳам аниқламоқчи эди). Кетатуриб, комиссар комендантдан, юрларимиз кўпми, бизнинг кетишимиз борасида ўйлаб кўрдингми, деб сўрайди.

**Чоршанба, 24 апрел.** Биз барчамиз қаттиқ қайғудамиз ва бутун дунё бизни унутгандай, ўз-ўзимизни бир шу одамнинг мурувватига топшириб қўйгандек ҳис этмоқда эдик. Шоҳ хонадонини қутқариб қолишга ҳеч ким тариқча бўлса ҳам ҳаракат қилмаётганмикин?

**Пайшанба, 25 апрел.** Соат учдан сал олдин, йўлақдан ўтиб кетаётганимда хўнграб йиғлаётган икки хизматкорга кўзим тушди. Улар менга, комиссар Яковлев императорга уни олиб кетгани келганини айтибди, дейишди. Нималар бўлаяпти ўзи? То қаҳирмагунларича мен иккинчи қаватга кўтарилишга журъат этолмайман ва ўз хонамга кетаман. Бироздан сўнг Татьяна Николаевна эшигимни чертади. У йиғларди ва Ҳазрати Олиялари сизни сўраптилар, деди. Мен унинг оргидан эргашаман. Малика ёлғиз ва жуда ҳаяжонда эди. У Яковлев Москвадан шаҳаншоҳни олиб кетгани келганини, бугун тунда жўнаб кетишини айтди.

Комиссар: “Шаҳаншоҳга ҳеч қандай ёмонлик қилинмайди ва борди-ю, кимдир унга ҳамроҳлик қилмоқчи бўлса, бунга ҳам монелик йўқ”, деб ишонтиради.

Мен шаҳаншоҳни ёлғиз қўйиб юборолмайман. Уни оиласидан жудо қилмоқчи бўлишаяпти, унда...<sup>2</sup> уни биронта бўлмагур ишга қўл уришга ундаб, қариндош-уруғлари ҳаёти учун ташвиш тортишга мажбур қилмоқчилар. Шаҳаншоҳ уларга зарур

<sup>1</sup> Ҳамкасбим жаноб Гиббс Тобольскда бизларга сентябрда келиб қўшилганди.

<sup>2</sup> Малика шаҳаншоҳнинг тахдан воз кечишига шама қилмоқда.

ва улар учун унинг бир ўзи Россия вакили ҳисобланади... Қаршилик кўрсатиш учун биз икковимиз кучлироқ бўламиз, бу синовда мен унинг ёнида бўлишим жуда зарур... Лекин ўғлимиз ҳали бетоб... Борди-ю, касал зўрайиб кетса... Э худо, бу қандай кўргулик... Умримда ҳеч бундай ҳолга тушмаганман, нима қилишимни ҳам билмайман. Ҳар доим ҳар қандай ҳолатда ҳам қандай қарорга келишим керак бўлганда ўзимни бардам ҳис этар эдим, аммо ҳозир ўлиқдан фарқим қолмаган... Аммо Худойим унинг жўнаб кетишига йўл қўймас, у жўнаб кетолмайди ва жўнаб кетиши мумкин эмас. Бугун тунда дарёда муз кўчкилари бошланишига ишонаман...<sup>1</sup>

Татьяна Николаевна шу аснода гапга аралашди: “Лекин, ойижон, борди-ю, дадам барибир кетадиган бўлиб қолсалар, бир нима қилмасак бўлмас...”

Шунда мен Татьяна Николаевнани қўллаб, Алексей Николаевич ўзини яхши ҳис қилаётти ва биз унга яхшироқ қарай бошлаймиз, дедим. Ҳазрати Олиялари беқарорликдан қийнаётгани шундоқ кўриниб турарди, у хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, тинмай сўзланар, биздан кўра кўпроқ ўзига ўзи гапирар эди. Охири у менга яқин келди-да, шундай деди: “Ҳа, шундай қилсак яхши бўлади, мен шаҳаншоҳ билан жўнайман, Алексейни сизга ишониб топшираман...”

Бир дақиқа ўтиб, шаҳаншоҳ кириб келади. Малика унга томон талпиниб, дейди: “Келишдик, мен сиз билан кетадиган бўлдим, Мария ҳам биз билан кетадиган бўлди.” Шаҳаншоҳ: “Агар сен шуни истасанг, розиман”, дейди.

Мен яна ўз хонамга қайтиб тушдим, бутун кун таралдуд кўриш билан ўтди. Княз Долгорукий ва доктор Боткин Чемадунов (шаҳаншоҳнинг камердинери), Анна Демидова (маликанинг оқсочи) ва Седнев (маликаи олияларнинг қароли) билан бир қаторда Ҳазрати Олийга ҳамроҳлик қиладилар. Кўриқчиларимиздан етти зобит ва солдатлар улар билан бирга кетишга қарор қилинди. Шоҳ хонадони тушликдан кейинги вақтни Алексей Николаевич каравоти олдидан ўтказди. Кечқурун соат ўн яримда биз чой ичгани йўл оламиз. Иккала қизини ёнига олиб, малика диванда ўлтирибди. Азбаройи кўп йиғлаганидан барчаларининг юзлари шишиб кетган. Ҳар биримиз изтиробимизни яширамиз ва хотиржам кўринишга ҳаракат қиламиз. Агар ичимиздан биронтамиз ўзимизни тутолмасак, бу бошқаларга ҳам ўтишини чуқур ҳис этамиз. Шаҳаншоҳ ва малика ўта жиддий ва босиқ эдилар. Борди-ю, Худойим ўзининг тасодифларга тўлиб-тошган йўлларида мамлакатнинг қутқариш учун талаб этиладиган бўлса, улар жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эканликлари яққол кўриниб турарди. Ҳеч қачон бу йўллар бизга ортиқча эзгулик ва гамхўрлик кўрсатган эмас. Улардаги чўнг хотиржамлик ва бу хайратомуз ишонч бизга ҳам юққан эди.

Соат ўн бир яримда хизматкорлар Ҳазрати Олийлари ва Мария Николаевна биз билан хайрлашаётган катта таноби хонага тўпланишади. Шаҳаншоҳ барча эркакларни, малика эса барча аёлларни бир-бир ўпиб чиқадилар. Деярли ҳамма йиғларди. Ҳазрати Олийлари ва Ҳазрати Олиялари кетадилар ва биз менинг хонамга тушамиз.

Соат уч яримда аравалар ҳовлига кириб келади – булар баҳайбат тарантаслар бўлиб, фақат биттасининг томи очиб-ёпиладиган эди. Орқа ҳовлидан бироз похол келтирамиз ва уни аравалар тагига тўшаймиз, малика учун мўлжалланган тарантасга тўшак ёямиз. Соат тўртга Ҳазрати Олийлари ва Ҳазрати Олиялари ҳузурига кўтариламан, бу пайтда улар Алексей Николаевичнинг хонасидан чиқиб кетишаётган экан. Шаҳаншоҳ, малика ва Мария Николаевна биз билан хайрлашадилар. Малика ва маликаи олиялар йиғлашарди. Шаҳаншоҳ хотиржам кўринарди ва ҳар биримизга далда сўзлари айтиб, бизларни ўпар эди. Мен билан хайрлашаётти, малика мени пахта тушишимни ва Алексей Николаевич ҳузурида қолишимни илтимос қилади, шундан сўнг мен тўшакда йиғлаб ётган шаҳзода ҳузурига кираман. Бир неча дақиқадан сўнг жўнаб кетаётган аравалар шовқини қулғимизга чалинади. Маликаи олиялар ўз хоналарига кўтарилишар экан, акалари ётган хона олдидан хўнграб йиғлаб ўтадилар.

**Шанба, 27 апрел.** Маликани биринчи станциягача олиб борган кучер Мария Николаевнадан хат келтиради, унда хабар қилинишича, йўллар ўйдим-чуқур бўлиб, саёҳат ҳаддан ташқари оғир кечибди. Бу саёҳатга малика бардош бера олармикан? Улар учун қанчалик ташвиш тортганимизни айтиш қийин!

**Якшанба, 28 апрел.** Полковник Кобилинский телеграмма олди, унда айтилишича, барчалари шанба кун кечқурун соат тўққиз яримда Тюменга соғ-саломат етиб боришибди. Катта таноби уй – “хонаки черков”га жойлаштирибди, бу ерда руҳоний тушлик ибодатни адо этар экан, чунки бу ерда меҳроб бор экан.

Кечқурун Тюмендан жўнаб кетишгандан кейин жўнатилган иккинчи телеграмма олинади. “Ажойиб шароитларда йўл юрмоқдамиз. Кичкинанинг аҳволи қандай? Худо сизларга ер бўлсин.”

**Душанба, 29 апрел.** Болалар Тюмендан маликадан хат олишди, у сафар жуда оғир кечганини хабар қилибди. Кечувларда сув отларнинг кўкрагидан келибди. Филдирақлар тез-тез бузилиб турибди.

<sup>1</sup> Муз кўчкилари вақтида дарёдан бир неча кун ўтиш мумкин бўлмай қолади ва яна қайтадан паром ўрнатилишини кутишга тўғри келади.



**Чоршанба, 1 май.** Алексей Николаевич турди ва Нагорний уни кўчма ўриндиққа ўтказиб қўйди, энди у офтобшувокда айланиб юра оларди.

**Пайшанба, 2 май.** Тюмендан чиқиб кетишганидан бери улардан на хат, на хабар бор. Қаерда экан улар? Улар аллақачон Москвага етиб олган бўлишлари керак эди-ку!

**Жума, 3 май.** Полковник Кобилинский телеграмма олди, унда мусофирлар Екатеринбургда ушланиб қолишгани айтилганди. Нима бўлди экан?

**Шанба, 4 май.** Ҳазратни қайғули арафаси. Вужудни эзилиш туйғуси чулғаган.

**Якшанба, 5 май.** Пасха. Ҳеч қандай хат ё хабар йўқ.

**Сешанба, 7 май.** Ниҳоят, болалар Екатеринбургдан хат олишди. Унда ҳаммалари соғ-саломат эканликлари, аммо ҳалиги шаҳарда тўхталиш сабабини англаб етолмаётганлари айтилганди. Сатрларда юракка гашик гашик солмади бордек туюларди.

**Чоршанба, 8 май.** Ҳазрати Олийларига ҳамроҳлик қилган кўриқчиларимизнинг зобит ва солдатлари Екатеринбургдан қайтиб келишди. Уларнинг ҳикоя қилишларича, Екатеринбургга етиб келиши билан қизилармиячилар шаҳаншоҳ поездини ўраб олишибди ва шаҳаншоҳ, малика ва Мария Николаевна Ипатьевга қарашли уйга қамаб қўйишибди. Князь Долгорукий қамоқхонада экан ва уларнинг ўзларини ҳам икки кўнлик тутқунликдан кейингина озод қилишибди.

**Шанба, 11 май.** Полковник Кобилинский ишдан четлатилди ва биз Тобольск совети ихтиёридамыз.

**Жума, 17 май.** Кўриқчиларимизнинг солдатлари орқамиздан етиб келган комиссар Родионов буйруғи билан Екатеринбургдан келтирилган қизилармиячилар билан алмаштирилди. Генерал Татишчев ва мен жўнаб кетишимизни иложи борича орқага суришимиз лозимлигини сезиб турибмиз, бироқ маликаи олиялар ота-оналарини кўришга шунчалик муштоқ эдиларки, уларнинг қаттиқ соғинчларига қарши боришга биз ҳеч қандай маънавий ҳуқуққа эга эмас эдик.

**Шанба, 18 май.** Кечки ибодат. Рухоний ва роҳиблар комиссар фармойиши билан ечинтирилдилар ва тинтув қилиндилар.

**Якшанба, 19 май (эски ҳисобда 6 май).** Шаҳаншоҳ Фарихта куни... Бизнинг эртасига жўнаб кетишимиз тайин қилинган. Комиссар рухонийнинг бизнинг ҳузуримизга киришига рухсат бермади ва маликаи олияларга тунда хоналари эшикларини қулфлашни таққилаб қўйди.

**Душанба, 20 май.** Соат ўн бир яримда уйни тарк этамиз-да, “Русь” кемасига чиқамиз. Бу бизни Ҳазрати Олийлари билан биргаликда саккиз ой муқаддам бу ерга олиб келган ўша кема эди. Биз билан кетишга рухсат олган баронесса Буксенден бизга келиб кўшилди. Эрталаб соат бешда биз Тобольскни тарк этамиз. Комиссар Родионов Нагорний билан Алексей Николаевични ўз каютасига қамаб қўяди. Биз норозилик билдирамыз, чунки бола касал ва исталган вақтда доктор унинг олдига кириши керак.

**Чоршанба, 22 май.** Эрталаб биз Тюменга етиб келамиз.

## ЕКАТЕРИНБУРГ. ШОҲ ХОНАДОНИНИНГ ҚАТЛ ЭТИЛИШИ

22 майда Тюменга етиб келишимиз билан бизларни бетўхтов кучайтирилган кўриқчилар назорати остида Екатеринбургга олиб бориб қўйиши керак бўлган махсус поездга жўнатишди. Уша пайтда ўқувчим билан вагонга кирганимда мени шаҳзодадан ажратиб олишди-да, бошқа соқчилар қатори кўриқланадиган тўртинчи тоифа вагонига ўтказишди. Тунда Екатеринбургга етиб келдик, бу ерда темир йўл станциясида сал нарига бориб тўхтадик. Эрталаб соат тўққизларда бир неча экипаж етиб келди ва поездимиз теваригидан саф олиб жойлашишди. Кўзим болалар жойлаштирилган вагон томон йўл олган тўрт одамга тушди. Бир неча дақиқадан кейин Нагорний (Алексей Николаевичга қўйилган матрос) бетоб шаҳзодани қўлида кўтарганча вагон деразаси олдидан ўтиб кетди. Унинг ортидан жомадонларни ва майда-чуйда буюмларини кўтарганча маликаи олиялар борар эдилар. Мен чиқмоқчи бўлган эдим, бироқ соқчилар кўпол тарзда мени қайта вагон ичига туртиб киргаздилар.

Мен дераза олдида қайтдим. Татьяна Николаевна жажжи кучугини етаклаган ва қора рангли залворли жомадонини кўтарган қўйи энг охирда одимларди. Ёмғир ёғмоқда эди ва мен унинг дам-бадам лойга ботиб қолаётганини кўрдим. Нагорний унга ёрдамга талпинган эди, бироқ комиссарлардан бири куч билан уни орқага итариб ташлади. Бир неча дақиқадан сўнг болаларни шаҳар томон олиб кетганча экипажлар кўздан йўқолди.

Ушанда ёнларида шунча йиллар бирга бўлган одамларни яна кўриш насиб этишига деярли шубҳа қилмаган эдим. Мени қидириб топишларига ва биз ўша заҳоти шоҳ хонадони билан апоқ-чапоқ бирга бўлиб кетишимизга ишонган эдим.

Бу орада соатлар бир-бирини қувлаб ўтиб борарди. Поездимизни бир станцияга олиб боришди, кейин кўзим ўтиб кетаётган генерал Татишчев, графиня Гендрикова



ва m-He Шнейдерга тушди, уларни ҳайдаб олиб кетишаётганди. Бирмунча кейинроқ навбати билан Волковни, маликанинг камердинери Харитоновни, баковул Трупни ва ўн тўрт яшар ошпаз, муштдеккина Леонид Седневни олиб ўтишди.

Кейинчалик бир бало қилиб қутулиб чиққан Волков ва айби кеңирилган митти Седневдан бошқа бугун ҳайдаб олиб ўтилганлардан биронтаси большевиклар қўлидан омон чиқмаслиги керак эди.

Биз ҳар бир сонияни кутиб ўтказмоқда эдик. Бирон қор-ҳол бўлдимикан? Нима учун навбати билан бизни олиб кетгани келишмаяпти? Бизлар шу тариқа минг хил ҳаёлу тусмолларга бориб турганимизда соат бешларда орқамиздан Тобольскка етиб келган комиссар Родионов вагонимизга кириб келди-да, сизлар ҳеч кимга керакмаасизлар ва озодсизлар, деб эълон қилди.

Озодмиз! Қизиқ, бизни улардан ажратиб қолишдими?! Бир зум севинчдан ўзимизни йўқотиб кўяёздик, бироқ ҳаял ўтмай севинч ўрнини чуқур мунг эгаллади. Ҳўш, энди нима қилишимиз керак? Не чора кўрмоқ керак? Биз гангиб қолган эдик!

Мен ҳалигача бир нарсани тушунолмаймаман: ҳаётимизни сақлаб қолишга большевик комиссарларни нима мажбур қилган эди? Нима учун, масалан, графиня Гендриковани қамоқхонага олиб кетишди-ю, айни вақтда маликанинг фрейлиnasi баронесса Буксгевденни озодликда қолдиришди? Нима учун бизни эмас, уларни олиб кетишди? Бу исми шариф ёки лавозимларга боғлиқмиди? Сир!

Эртасига эрталаб ва кейинги кунлар давомида мен бир ҳамкасбим билан Англия ва Швеция консулхоналарига йўл олар эдим. Франция консулхонаси йўқ эди. Нима қилиб бўлса ҳам маҳбусларга ёрдам бериш учун бирон чора кўрмаса бўлмас эди. Ҳар икки консул ҳам, бу борада айрим қадамлар кўйилди ва хатар бартараф этилишига умид боғлаб турибмиз, дея таскин берад эдилар.

Мен Ипатьев уйи олдида ўтиб кетаётган эдим. Бинога қамоқхона тусини бериб турган баланд тахта девор ортидан фақат деразаларнинг тепа қисми кўриниб турарди, холос. Бироқ мен бу уйга кириб боришдан ҳамон умидимни узганим йўқ эди, чунки шахзодани кўргани келиб туришга рухсат берилган доктор Деревенко доктор Боткиннинг шаҳаншоҳ номидан кўриқчилар бошлиғи комиссар Авдеевдан мени уларга кўшиб олиними илтимос қилганини эшитибди. Авдеев бу масала бўйича Москвадан сўраб кўраман, деб жавоб берибди. Шаҳарда уй олган доктор Деревенкодан бошқа мен ва менинг издошларим бизни бу ерга олиб келган тўртинчи тоифали вагонга жойлашдик. Биз бу вагонда бир ойдан кўпроқ вақт бўлишимиз керак эди.

26 майда биз таркибига Екатеринбург ҳам кирувчи Перм губернияси худудини зудлик билан ташлаб чиқиш ва Тобольскка қайтиб кетиш ҳақида фармойиш олдик. Устимиздан назорат ўрнатишни энгиллаштириш ва барчамизни бир жойда ушлаб туриш учун бирйўла бизга умумий ҳужжат беришда ҳам жонбозлик қилишди. Бироқ поездлар юрмаётган эди, чунки большевикларга қарши рус ва чехлар ҳаракати тез ёйилиб бормоқда ва темир йўли излари Тюменга шошилинич йўл олаётган большевик эшелонларига бугунлай бериб қўйилган эди.<sup>1</sup> Бу биз учун янги муҳлат эди.

Бир куни мен доктор Деревенко ва ҳамкасбим Гибс билан Ипатьев уйи олдида ўтиб кетаётганим, шунда уй олдида кўпгина қизилармиячилар қуршаб олган икки извошга кўзимиз тушди. Биринчи экипажда икки конвоир ўртасида турган Седневни (маликаи олияларнинг қароли) кўрганимизда, шунақанги ваҳимага тушидикки, кўяверасиз. Нагорний иккинчи экипажга яқинлашиб келарди. Экипаж чеккасида тутганча-у узангига кўтарилди ва бошини кўтариб, ундан бир неча қадам нарида қилт этмай турган биз учаламизни кўрди. Бизга бир неча сония тикилиб турди-да, бизни сотиб қўйиши мумкин бўлган бирон-бир ҳаракат қилмай, экипажга ўтирди. Экипажлар, кўриб турганимиздек, қамоқхона томон йўлга тушди. Бу иккала ҳалол одам кўп ўтмай отиб ташланган эди. Бор-йўқ гуноҳлари шундан иборат эдики, улар большевик комиссарлар Алексей Николаевич каравоти ёнидаги тепароқдан Тангри тасвири осиглиқ тилла занжирни олиб қўйганларида ғазабларини яширолмаган эдилар.

Орадан яна бир неча кун ўтди ва мен доктор Деревенкодан менга нисбатан доктор Боткин кўтариб чиққан таклиф рад этилганини билдим.

3 июнда вагонимиз оч одамлар ортилган кўплаб поездлардан бирига уланди, бу поездлар озуқа олиб келгани Россиядан Сибирга йўл олган эди ва бизни Тюменга жўнатишганди, бу ерга талай саргузаштлардан сўнг 15 июнда етиб-келдик.

<sup>1</sup> 1918 йил май ойида Керенский эркинлик бериб қўйган чехословак гуруҳлари (собик ҳарбий асирлардан ташкил топган кўнгилдилар) ўшанда икки кучли дивизияни ташкил этганди. Улар эшелон-эшелон бўлиб Самарадан Владивостокка қадар Сибир темир йўли ёқалаб жойлашганди. Ҳаммаларини Францияга жўнатиш тараддуди кўриломоқда эди ва бу кўшинларнинг Европада иттифокдошлар кучлари билан қўшилишига тўсқинлик қилиш ниятида Германия Бош қароргоҳи чехословакларни қуролсизлантиришлар деб большевикларнинг қуроқларига қўйгани-қўйган эди. Чехлар рад этган бундай ультиматум оқибатида улар ва большевиклар отрядлари ўртасида жанг бўлиб ўтди. Рус кўнгилдилари гап-сўзсиз чехословак кўшинларига бориб қўшилди.

Бир неча соатдан кейин мени большевикларнинг Бош қароргоҳида ҳибсга олишди, ўзим ва ҳамроҳларим учун зарур бўлган паспорт визасига мен айнан шу ерга келишим керак эди. Тасодифий ҳол билан бу гал кечкурун қутулиб чиқишга муваффақ бўлдим ва ҳамроҳларим мени кутиб турган вагонга қайтдим. Шундан кейин бизнинг келганимизни фош қилиб қўйган бир тасодиф туфайли ҳаддан ташқари серташвиш кунларни бошдан ўтказишимизга тўғри келди. Бизни бир нарасига сақлаб қолди, у ҳам бўлса Тюмен вокзалини тўлдириб турган қочоқлар орасига шўнғиб, уларга билдирмай ўтиб олганимиз эди.

20 июлда большевикларга қарши оқларнинг гуруҳлари Тюменни эгаллашди, шунинг шарофати билан биз муқарар ўлим чангалидан қутулиб қолдик. Бир неча кундан кейин рўзномаларда Екатеринбург кўчаларида ёпиштириб ташланган Элон пайдо бўлди, унга кўра “собиқ шоҳ Романов устидан чиқарилган ўлим ҳукми 16 д-н 17 июлга ўтар кечаси ижро этилган ва малика болалари билан хавфсиз жойга кўчириб ўтказилган”.

Ниҳоят, 25 июлда ўз навбати билан Екатеринбург ҳам таслим бўлди. Фақат шундай хабар тарқалдики, бунга кўп вақт сарфлашга тўғри келган, чунки темир йўллар бузиб ташланган. Мен ва жаноб Гиббс шоҳ хонадони ва Екатеринбургда қолган ўртоқлардан битта-яримтасини қидириб топиш учун шошилишч етиб келдик.

Эртасига Екатеринбургга етиб келганимдан кейин биринчи марта Ипатьевнинг уйига киролдим. Шоҳ хонадонининг маҳбуслик жойи бўлиб хизмат қилган биринчи қаватдаги барча хоналарни айланиб чиқдим. Улар ҳаддан ташқари бетартиб эди. У ерда яшаган одамлардан ном-нишон қолмаслиги учун обдон ҳаракат қилинганлиги кўриниб турарди. Печкалардан ичида ярми куйган кўплаб майда-чуйда буюмлар бўлган кул чиқариб ташланганди, булар тиш чўткалари, соч қистирғичлар ва ҳоказолар эди, улар орасида қорайган фил суягида сақланиб қолган А.Ф. (Александра Фёдоровна) инициалли соч чўткасининг бир бўлагини топиб олдим. (Агар маҳбусларнинг кўчирилгани тўғри бўлса, унда уларни ўзлари билан пардоз-андоз буюмларидан энг зарурини ҳам олиб олишга улгурмаган бир тарзда олиб кетишган бўлиши керак. Сўнгра мен Ҳазрати Олийлари жойлашган хона деворида ва дераза раҳида маликанинг жондан яхши кўргани *Sauvastika*<sup>1</sup> тамғачасини кўриб қолдим, буни у қаерга борса ўша жойда бахт нишони деб қўйиб кўяр эди.

У бу нишонни қаламда чизган ва тагидан “17-30 апрел” – уларнинг Ипатьев уйига қамаб қўйилган кун қайд этилган эди. Худди шу нишон, фақат санасиз, яна, ҳеч шубҳасиз, Алексей Николаевич ётган каравот тепасига, девор гулқоғозига ёзиб қўйилганди. Шунча тиришиб-тирмашиб қидирганимга қарамай, шоҳ хонадони қисматидан дарак берувчи тирноқча далилини ҳам топишнинг асло иложи бўлмади. Шундан сўнг тағхонага тушдим, унинг ярми ер остида эди. Зўр ҳаяжон ичида мен ўшанда заррача шубҳа қилмаганим шоҳ хонадони қатл этилган уйчага кирдим. Уйча ичи ҳеч тасаввур қилиб бўлмайдиган тарзда даҳшатли аҳволда эди. Кундузги ёруғ у ерга девордаги одам бўйидан баландроқда жойлашган деразадангина кирарди. Девор ва полларда кўплаб ўк ва штик зарбалари излари бор эди. Бир қарашдаёқ бу ерда даҳшатли жиноят содир этилгани ва бир қанча одам ўлим топгани яққол кўриниб турарди. Аммо кимлар? Ва нечта?

Мен шаҳаншоҳнинг халок бўлганига шубҳа қилмадим, борди-ю шундай бўлса, маликанинг бунга бардош беришига асло кўзим етмасди. Тобольскдаёқ сезгандим буни: шаҳаншоҳни олиб кетгани комиссар Яковлев келганида малика энг зўр хатар рўй бериши мумкин бўлган жойга ўзини отганди. Мен уни бир неча соатлик изтироблардан сўнг кўрдим, ўшанда унинг вужудида хотиндик ва оналик туйғулари аёвсиз курашарди, ўзини жон ҳолатда ташлаб кетаётган онада ва тани маҳрамини ажал ўз комига тортиб кетаётган хотинда ана шундай ҳол содир бўлиши мумкин. Албатта, уларнинг ҳар иккови ҳам шу ваҳшийлар қўлида жойи ростонига кетган бўлиши мумкин. Аммо болалар-чи? Улар ҳам ўлдириб юборилганмикан? Бундай бўлишига ишонмаган бўлардим. Шуни ўйлашим билан вужудим ларзага келарди. Нима бўлганда ҳам бундаги ҳамма нарса қурбонлар кўп бўлганидан дарак бериб турарди. Унда!..

Кейинги кунларда мен Екатеринбургда, унинг чеккаларида, монастирларда ва бирон-бир изни топиш илинжида ҳамма жойда ўз қидиришларимни давом эттирдим. 14 июлда, яъни бу мудҳиш тундан бор-йўғи икки кун илгари Ипатьев уйида сўнгги ибодатни адо этган руҳоний Сторижевни кўрдим. Афсуслар бўлсин! У ҳам шоҳ хонадонидан биронтасининг тирик қолишига умиди деярли йўқлигини айтди.

Қидирув жараёни жуда имиллаб борарди. У ҳаддан ташқари кескин вазиятда бошланди, чунки большевик комиссарлар 17 ва 25 июл оралигида жиноятнинг деярли

<sup>1</sup> *Sauvastika* – Ҳиндистонда диний рамзий белги бўлиб, тенг қисми, учлари чап томонга қайрилган хочдан иборат. Агар учлари ўнгга қайрилган бўлса (афтидан қуёш йўналишида), белги *Svastika* деб аталади.

барча изларини йўқотиш учун етарли вақтга эга эдилар. Екатеринбургни оқлар олган вақтдан бошлаб ҳарбий ҳокимият Ипатьев уйи олдига қоровул қўйиб қўйганди ва суд терговлари бошлаб юборилганди. Бироқ қалава шу қадар чигаллаштириб юборилган эдики, улардан бирон тайинли гапни билиб олиш амри маҳол эди. Екатеринбургдан 20 чақиримча шимоли-шарқда жойлашган Коптяка қишлоғи деҳқонлари жуда муҳим кўрсатмаларни беришди. Улар (қизиллар) келиб, 16 дан 17 июлга ўтар кечаси большевиклар уларнинг қишлоғи яқинида ўрмон ичидаги сайхонликни эгаллашгани ва у ерда бир неча кун қолиб кетишганини айтишди. Улар ташландиқ шахта ёнидан топиб олган нарсаларини келтиришган, шахтадан сал нарида эса катта гулхан қолдиқлари кўриниб турган. Ҳокимият одамлари ўша сайхонликка боришган ва у ерда, худди олдингилари каби, шоҳ хонадони аъзоларига тегишли деб эътироф этилган бошқа буюмларни топишган.

Тергов ишларини олиб бориш Екатеринбург суди аъзоси Иван Александрович Сергеевга топширилган ва одатдаги тартибда олиб борилган, аммо кўп қийинчиликларга дуч келинган. Сергеев шоҳ хонадонининг қатл этилганига, аммо уларнинг жасадлари ҳали топилмаганига ва айрим гувоҳларнинг кўрсатмаларига кўра малика ва болалари олиб кетилган бўлиши мумкинлигига кўпроқ ишонгиси келарди. Кейинчалик маълум бўлганидек, бу кўрсатмалар терговни чалкаштириш учун атайин Екатеринбургда қолдирилган большевикларнинг айғоқчиларидан келиб чиққан эди. Улар қисман мақсадларига эришганлар ҳам, чунки Сергеев қўллаб қимматбаҳо вақтини йўқотган ва ёлғон йўлда турганини узоқ вақтгача билмаган эди. Ҳафталар ўтаверди, бироқ аниқ маълумот йўқ эди. Шунда мен Тюменга жўнашга қарор қилдим, чунки Екатеринбургдаги қимматчиликка чидаб бўлмасди.

Жўнашимдан олдин, агар тергов чоғида бирон-бир янги маълумот учраб қолса, менга хабар қиласиз, деб Сергеевдан сўз олдим.

1919 йилнинг январи охирида генерал Шанндан телеграмма олдим. Мен у билан Моғилёвда, Рус қароргоҳи қошида француз ҳарбий миссияси бошлиғи бўлган вақтда танишган эдим. У мени Омскка келишга таклиф этарди. Бир неча кун ўтгач, Тюменни тарк этдим ва 13 июлда Франция ҳукуматининг Омск ҳукумати қошидаги француз ҳарбий мубаширлиги таркибига кирдим.

Шоҳ хонадонининг ғойиб бўлиши бўйича олиб борилаётган терговнинг тарихий жиҳатдан муҳимлигини эътироф этган ва бу тергов натижалари билан танишишни истаган адмирал Колчак январда генерал Дитрихсга унга Екатеринбургдан тергов ашёларини, шунингдек, топилган ашёвий далилларни олиб келишни топширди. 5 февралда у алоҳида муҳим ишлар бўйича суд терговчиси Николай Алексеевич Соколовни чақиритишни буюрди ва унга тергов ишларини юргизишни зиммасига олишни таклиф этди. Икки кундан кейин адлия вазири Старинкевич Соколовни Сергеев бошлаган терговни давом эттиришга вакил қилди.

Айни шу вақтда Соколов билан танишдим. Биринчи учрашувимизданоқ шу нарсани англадимки, Соколовнинг ҳеч нарсага умиди йўқ. Менга келганда эса, бундай даҳшатларнинг содир бўлиши мумкинлигига ҳамон ишонгим келмасди. “Ахир болалар-чи, болалар?! — нидо солардим мен. — Болалар ҳам ота-оналари қисматига гирифтор бўлдилар. Бунга заррача шубҳа қилмайман. Бироқ жасадлари-чи? Сайхонликни яхшилаб қидириб кўрмоқ керак, у ерда сирни очадиган қалитни топамиз, чунки большевиклар у ерда уч куну уч тунни бир нечта кийимни ёқиш учунгина ўтказмагандир”.

Афсус! Ҳозиргина Пермдаги қамоқхонага тушган асосий қотиллардан бири Павел Медведевнинг кўрсатмаларига биноан суд тергови хулосалари шуни тасдиқлаб турарди. Соколов Омскда эди.

Сергеев Медведевни 25 февралда Екатеринбургда сўроқ қилган. Медведев шаҳаншоҳ, малика ва бешала фарзанди, доктор Боткин ва учала хизматкор 16 дан 17 июлга ўтар кечаси Ипатьев уйининг тағхонасида ўлдирилганини узил-кесил тан олди. Аммо қотилликдан кейин жасадларни нима қилишгани борасида битта ҳам кўрсатма бера олмаган ёки кўрсатма беришни истамаган.

Мен Соколов билан бир неча кун бирга ишладим ва кейин Сергеев бошлаган терговни жойида давом эттириш учун Екатеринбургга отландим.

Апрелда адмирал Колчак топшириғи бўйича махсус юборилган генерал Дитрихс Владивостокдан қайтиб келгач, Соколовнинг ёнига кирди ва тергов ишларини олиб боришда унга ёрдам бера бошлади. Шу аснодан эътиборан тергов ишлари жўнашиб кетди. Юзлаб одамлар сўроқ қилинди ва қор эрий бошлаши ҳамон Коптяка қишлоғи деҳқонлари шоҳ хонадонига мансуб буюмларни қидириб топган сайхонликда ишлар қизигандан-қизиб кетди. Шахта тозаланиб, энг тубигача қараб чиқилди. Кул ва сайхонлик тупроғининг бир қисми ғалвирдан ўтказилди, атрофдаги барча ерлар диққат билан тадқиқ этилди. Иккита катта гулханнинг жойини аниқлашга муваффақ бўлинди

ва учинчисининг излари унчалик аниқ эмаслиги маълум бўлди... Бу синчковлик билан олиб борилган қидирувлар фавқуллода муҳим кашфиётларга сабаб бўлди.

Бошланган ишга ўзини бутунлай бахш этиб ва битмас куч ва сабр-тоқат ила, Соколов бир неча ой давомида ҳайратомуз изчилик билан жиноятни бутун икир-чикиригача тиклаш имконига эга бўлди.

## ТЕРГОВ ТИКЛАГАН ЖИНОЯТЛАР ҚАНДАЙ СОДИР ЭТИЛГЎНИ ХУСУСИДА

Кейинги саҳифаларда мен шоҳ хонадонига нисбатан қилинган қотиллик тафсилотларини гувоҳларнинг кўрсатмалари ва терговдан аниқланган ашёвий далиллар қандай белгилаб берган бўлса, ушундай баён эгаман. Тергов ашёларидан иборат қўлэмаларнинг олти катта-катта жилдларидан бу воқеанинг энг муҳим ўринларини танлаб олдим, бунинг ҳаққоният эканига, э-воҳ! ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаган. Бу ҳужжатларни ўқиш чоғида пайдо бўлган таассурот даҳшатли босириқ тушга ўхшайди, аммо бу воқеа даҳшатларини атайлаб бўртдириб кўрсатишга заррача ҳаққим йўқ.

1918 йил апрелининг ўрталарида Москвадаги МИҚ раиси Я.Свердлов шоҳ хонадонини олиб келиш учун комиссар Яковлевни Тобольскка жўнатди. Яковлев шоҳ хонадонини Москва ё Петроградга олиб келиш фармойишини олди, бироқ топшириқ ижроси чоғида қаршиликка дуч келди. Бу қаршилик Екатеринбургда жойлашган Урал Облсовети томонидан кўрсатилди. Мазкур Совет Яковлев учун кутилмаган тарзда ўтиб кетар чоғида шаҳаншоҳни қўлга олиш имконини берувчи тузоқ тайёрлади. Бироқ шундай хулоса чиқариш ҳам мумкинки, бу лойиҳа махфий тарзда Москвада қўллаб-қувватланган. Яна шу ҳам эҳтимолдан узоқ эмаски, Свердлов иккиёқлама ўйин ўйнаган, хусусан, у Германиянинг Москвадаги вакили барон Мирбах талабини бажараётгандай бўлиб, Екатеринбург комиссарлари билан шоҳни чиқариб юбормасликка келишиб олган. Шаҳаншоҳни қолдириш, нима бўлганда ҳам, унинг режасидан жой олган. Кундуз соат иккида савдогар Ипатьев ўз уйидан ҳайдаб чиқарилади ва дарҳол тахталардан баландлиги шу уйнинг иккинчи қавати деразалари тепасигача етадиган мустаҳкам девор тиклашга киришилади.

30 апрелда шаҳаншоҳ, малика, маликаи олия Мария Николаевна, доктор Боткин ва учала хизматкор ўша жойга кўчириб келтирилади. Хизматкорларга ҳамроҳ бўлиб маликанинг оқсочи Анна Демидова, шаҳаншоҳнинг камердинери Чемадунов ва маликаи олияларнинг қароли Седнев келган эдилар. Аввалига солдатлар кўриқчилик қиладилар, уларни кутилмаганда постдан олиб ташлашар ва тез-тез алмаштириб туришар эди. Кейинроқ эса кўриқчиликка бутунлай Верхне-Исетск заводи ва ака-ука Злоказовлар фабрикаси ишчилари қўйиладиган бўлган эди. Кўриқчилар бошлиғи Ипатьевнинг “махсус вазифали уй” деб аталадиган уйнинг комендант комиссар Авдеев эди.

Бу ерда маҳбусларнинг шароити Тобольскдагига қараганда анча оғир эди. Авдеев учига чиққан ароқхўр эди ва ваҳшиёна табиатини бор бўйича намойиш қилар, у кўриқлаши керак бўлган шахсларни ҳар куни янгидан-янги хўрликларга дучор этарди. Хўрликларга чидашга, маҳрумиятларга итоат этишга, бу ифлос, разил махлуқларнинг талаб ва инжиқликларига тоқат қилишга мажбур эдик.

23 майда Екатеринбургга этиб келгач, шаҳзода ва унинг уч синглиси ота-оналари кутиб турган Ипатьев уйига йўл олишди. Даҳшатли эртанги куннинг муқаррар қайғуси ва номаълум истиқболга қарамай, узоқ айриликдан сўнг бу кўришув жуда катта қувонч бахш этган эди. Бир неча соат ўтгандан кейин яна Харитоновни (бош баковул), қария Труил (қаролни) ва митти Леонид Седнев (ошпаз)ни ҳам келтиришди. Генерал Татищев, графиня Гендрикова, m-lle Шнейдер ва маликанинг камердинери Волков тўғри қамоқхонага жўнатиб юборилганди.

24 майда Чемадунов касал бўлиб қолди ва қамоқхона лазаретига юборилди. Уни эсдан чиқариб қўйишди ва шунинг шарофати билан ғаройиб тарзда ўлимдан жон сақлаб қолди. Бир неча кундан кейин навбаги билан Нагорний ва Седневни олиб келишди. Маҳбуслар ёнида қолдирилган бу оз сонли одамлар тез камайиб борарди. Тутқинларнинг бахтига уларга доктор Боткинни қолдиришганди, унинг садоқатига гап йўқ эди, қолган хизматкорларга бу борада фақат балли дейсан, киши. Улар: Анна Демидова, Харитонов, Труил ва митти Леонид Седнев. Уқубатларга тўла ушбу кунларда доктор Боткиннинг келиши маҳбуслар учун катта далда бўлди. У ҳаммага бирдек ғамхўрлик кўрсатар, улар ва комиссарларнинг ўрталарида воситачилик қилар ва уларни кўриқчиликдаги солдатларнинг қўполликларидан ҳамоя этарди.

Шаҳаншоҳ, малика ва шаҳзода майдонга ва Вознесенский кўчасига олиб чиқадиган бурчакдаги хонани эгаллашган. Тўрттала маликаи олия кириш эшиги олиб ташланган кўшни хонага жойлашишган. Каравоти йўқлигидан дастлабки тунларни улар полда ётиб ўтказишди. Доктор Боткин танобий уйда ухларди, маликанинг оқсочи эса боғ ва Вознесенский кўчасига қараган бурчак хонада турарди. Қолган маҳбуслар эса ошхонада ва унга ёндош хонада жойлашишганди.

Оғир сафар Алексей Николаевични қоқиб қўйганди ва унинг соғлиги баттар ёмонлашганди. Куннинг кўп қисмини у тушакда михланиб ётиб ўтказар ва айлангани чиқишганда уни шаҳаншоҳнинг ўзи боққа олиб чиқарди.

Шоҳ хонадони, шунингдек, хизматкорлар ҳам шу қаватда турувчи комиссарлар билан битта дастурхонда ўтириб овқатланишарди, бунинг оқибатида маст-аласт юрадиган бу кўпол одамларга тинмай тўқнаш келар эдилар.

Уй тахталардан ясалган иккинчи девор билан қуршалган бўлиб, у чинакам истехком қамоқхонага ўхшарди. Ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам соқчилар қўйиб ташланганди. Уй ичида ва боғда Митральбезалар<sup>1</sup> қўйилган. Кираверишдаги биринчи комендантнинг хонасини комиссар Авдеев, ёрдамчиси Мошкин ва бир неча ишчи эгаллаган. Қолган кўриқчилар тағхона қаватда жойлашган. Солдатлар эса хоҳлаган пайтларида юқориги қаватга кўтарилар ва шоҳ хонадони жойлашган хоналарга кириб борар эдилар.

Лекин диний кайфият маҳбуслар руҳи тетиклигини ҳайратомуз даражада кўтариб турарди. Улар ўзларига бўлган ишончни заррача йўқотмаганди, бу нарса Тобольскдаёқ атрофдагиларни ҳайратга солган ва мусибатли онларда уларга бу қадар зўр куч ва ирода бағишлаган эди. Кўпинча малика ва маликаи олияларнинг дуоларни хониш қилишгани эшитилиб турар ва бу кўриқчи солдатларнинг беихтиёр гашига тегар эди.

Шундай бўлса-да, аста-секин кўриқчиликдаги бу солдатлар ўз маҳбусларига нисбатан хушмуомала бўлиб қолдилар. Улар маҳбусларнинг оддийлигидан, юмшоқ муомалаларидан ҳайратга тушиб, самимиятларига, нафсониятларига қойил қола бошладилар ва кўп ўтмай ўзларини қўл остиларида деб билган одамлар ихтиёрига топшириб қўйгандек ҳис қила бошладилар. Ҳатто ароқхўр Авдеев ҳам бундай бағрикентликни кўриб, ўзини ночор ҳис қилар, ўз хулқининг тубанлигига тан бера бошлаган эди. Бу одамлардаги дастлабки шafқатсизлик чуқур раҳмдиллик билан алмашганди.

Екатеринбургда қуйидаги Совет ҳокимияти идоралари бор эди: 1) Урал вилоят кенгаши, ўттиз аъзодан иборат, раиси комиссар Белобородов; 2) Ижроия кўмита туридаги Президиум, бир неча аъзодан иборат: Белобородов, Голошчекин, Сирополотов, Сафаров, Воейков ва бошқалар; 3) “Чрезвычайка” (фавқулодда ҳайъат), аксилинқилобчилик ва сохта ватанпарварликка қарши кураш бўйича фавқулодда ҳайъатнинг халқ берган номи; унинг маркази Москвада жойлашган бўлиб, бутун Россияда бўлимларига эга эди. (...)

Екатеринбургдаги “Чрезвычайка” гоят кучли эди ва Юровский, Голошчекин ва бошқалар унинг энг қудратли аъзолари ҳисобланар эдилар.

Авдеев бевосита бошқа комиссарлар, Президиум ва “Чрезвычайка” аъзолари назоратида эди. Улар маҳбусларга нисбатан кўриқчиларнинг қарашларида содир бўлган ўзгаришни диққатдан қочирмадилар ва қатъий чоралар кўришга қарор қилдилар.

Москвадагилар ҳам бесаранжом эди, бунинг Екатеринабургдан Белобородов, Свердлов ва Голошчекинга (улар бу пайтда Москвада эдилар) юборган қуйидаги телеграмма кўрсатиб турарди: “Ишни марказ кўрсатмаларига мувофиқ тартибда ташкил этиш учун Сиромолотов яқинда Москвага кетди. Хавотир олишга ўрин йўқ. Ташвиш қилмаса бўлади. Авдеев чақириб олинди. Мошкин ҳибсга олинди. Авдеев Юровский билан алмаштирилди. Ички кўриқчилар олиб ташланди ва ўрнига бошқалари қўйилди”. Бу телеграммага 4 июл деб сана қўйилган.

Дарҳақиқат, шу кунинг Авдеев ва унинг ёрдамчиси Мошкин ҳибсга олинган, комиссар Юровский ва унинг ёрдамчиси Никулин билан алмаштирилганди. Юқорида тилга олинганидек, мутлақо рус ишчиларидан ташкил топган кўриқчилар Поповга қарашли кўшни уйга кўчириб ўтказилганди.

Юровский ўзи билан ўн нафар одамни олиб келганди — деярли барчалари “Чрезвычайка”нинг жаллодларидан чиққан австрия-гёрмания ҳарбий асирлари эди. Шу кундан бошлаб улар ички постларни банд этдилар, ташқи постларни эса рус кўриқчилари эгаллашда давом этдилар.

“Махсуф вазидали уй” мутлақо “Чрезвычайка”га тобе бўлиб қолди, маҳбуслар ҳаёти эса азоб-уқубатлардан бошқа ҳеч нимани англамасди.

Бу вақт ичида Москвада, афтидан, шоҳ хонадонини қатл этиш борасидаги масала ҳал бўлган эди. Юқоридаги телеграмма ҳам шуни тасдиқлаб турарди. “Ишни марказ кўрсатмасига мувофиқ тарзда ташкил этиш” учун Сиромолотов Москвага кетганди.

<sup>1</sup> Пулеметнинг эски французча номи.

У Свердлов тақдим этган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни олиб, Голошчекин билан қайтиб келадиган бўлганди. Унгача Юровский ўз режалари устида бош қотирарди. Бир неча кун мунтазам у отга миниб чиқиб кетар эди ва уни қурбонларнинг жасадаларини изсиз йўқотиш учун дидига мос жой қидириб, шаҳар чеккаларида айланиб юрганини кўришарди. Сурбетликда шайтонга дарс берадиган мана шу кас тўшақда ётган бемор валиаҳдни бориб кўришга отланади.

Орадан бир неча кун ўтди. Голошчекин ва Сиромолотов қайтиб келишди. Ҳамма нарса шай қилиб қўйилганди.

14 июл якшанба кунин Юровский руҳоний Сторожевни чақиритишни амр қилди ва уйда ибодат қилишга руҳсат берди. Маҳбуслар ўлимга ҳукм этиб бўлинган ва уларнинг диний ёрдам кўрсатиш борасидаги илтимосини рад этиш мумкин эмас эди.

Эртаси кунин Юровский митти Леонид Седневни рус қўриқчилари турган Попов уйига олиб боришни буюрди.

16 июл, кечкурун соат еттилар, Юровский ўзи қаттиқ ишонган ва рус қўриқчилари тепасида турган Павел Медведевга рус қўриқчилари бисотида бўлган ўн иккита револьверни келтиришни буюрди. Ушбу буйруқ бажарилиб бўлиши ҳамон Юровский Медведевга бугун тунда бутун шоҳ хонадони қатл этилажагини эълон қилди ва унга бу ҳақда рус қўриқчиларига сал туриб эълон қилишни буюрди.

Бир оз вақт ўтиб ярим тундан сўнг Юровский шоҳ хонадони аъзолари турган хонага бостириб киради, уларни ўзлари билан бирга бошқа одамлар қатори уйғотади ва уларга, мен қаёққа олиб борсам ўша ёққа юрасизлар, чунки шаҳарда галаёнлар бўлиб турибди, ҳозирча хавфсизроқ бўлгани учун пастки қаватда тура турасизлар, дейди. Кўп ўтмай ҳамма шай бўлади ва айрим майда-чуйдаларини олганча ҳовлига олиб чиқувчи ва куйи қават хоналарига олиб кирувчи ички зинапоядан пастга тушишди. Никулин билан бирга Юровский олдинда борар, ундан кейин Алексей Николаевични қўлида кўтарганча шаҳаншоҳ, малика, маликаи олиялар, доктор Боткин, Анна Демидова, Харитонов ва Трупп борарди.

Маҳбуслар Юровский кўрсатган хонада тўхташади. Улар ўтқазиб олиб кетиш учун извош ва автомобил тутиб келишларига юз фоиз амин эдилар. Ҳали анча кутишга тўғри келгани учун маҳбуслар ўтиришга стуллар келтиришни сўрайдилар. Уларга учта стул келтиришади. Оёқ оғриғи туфайли тик туrolмайдиган валиаҳд хона ўртасида ўтиради. Шаҳаншоҳ унинг чап ёнидан жой олади, доктор Боткин эса унинг чап ёнида сал орқароқда туради. Малика девор ёнида улар кириб келган эшикдан ўнг тарафда деразага яқинроқ жойда туради. Малика стулига, худди Алексей Николаевичга ўхшаб, ёстиқча қўйишади. Қизларидан биттаси — эҳтимол Татьяна бўлса керак — маликанинг ортида туради. Қўлида иккита ёстиқчани тутганча Анна Демидова ҳам хонанинг ўша томондаги бурчагида. Қолган учала маликаи олия хона тўрида, орқалари билан деворга суяниб туришарди, уларнинг ўнг тарафидаги бурчақда Харитонов ва Трупп турарди.

Кутиш узок давом этади. Тўсатдан хонага етти нафар австрия-герман асирлари ҳамроҳлигида Юровский ўзининг икки дўсти, комиссарлар Ермаков ва Ваганов, “Чрезвычайка”дан чақиритилган жаноблар бостириб киришади. Медведев ҳам ҳозир бўлади. Шаҳаншоҳга яқин келаркан, Юровский унга қараб шундай дейди: “Сизникилар сизни кўтармоқчи бўлдилар, аммо қўлларидан келмади, биз сизни ўлдиришимиз керак”. Шарта револьверни кўтаради-да, тўпна-тўғри шаҳаншоҳга қараб ўқ узади, шаҳаншоҳ гурс этиб ерга қулайди. Бу ҳамманинг отиб ташланишига ишора эди, ҳар бири ўзига биттадан қурбонни танлаб олганди. Юровский ўзига шаҳаншоҳ ва шаҳзодани танлаганди. Кўпчилик маҳбуслар деярли тил тортмай ўлади. Фақат Алексей Николаевич паст овозда инграр эди. Юровский револьвердан ўқ узиб, унинг ҳам нафасини ўчиради. Анастасия Николаевна ярадор эди ва қотиллар яқинлашган заҳоти дод солиб қичқира бошлайди, сўнг уни штик зарбаси билан ер тишлатишади. Яна ёстиқчалар билан ўзини тўсиб олган Анна Демидова ҳам ўлмай қолган эди. Қотиллар зарбасидан ерга қулагунча у ўзини обдон у ёқдан-бу ёққа уради.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари бу қотилликнинг даҳшатли манзарасини бутун тафсилотларигача қайта тиклаш имконини берди. Гувоҳлар — Павел Медведев, қотиллардан бири, Анатолий Якимов (гарчанд тан олмаса-да, бу воқеа устида бўлгани аниқ) ва Филипп Проскураков, у бу жинойи воқеаларни кўзи билан кўрганлар тилидан ҳикоя қилиб берди.

Қотиллик ниҳоясига етгач, комиссарлар ўз қурбонларидан қимматбаҳо буюмларини ечиб олишади, жасадаларини эса чойшабларга ўраб ва чанғи айил-пуштанларига боғлаб, ҳовли дарвозаси олдида, иккала ёғоч девор оралиғида уларни кутиб турган автомобилга ортишади.

Кун чиққунча ҳаммасини ниҳоясига етказмоқ лозим эди. Жанозалар ҳали донг қотиб ухлаб ётган шаҳар бўйлаб ўтиб боради-да, ўрмон томон йўл олади. Комиссар Ваганов отда олдинда боради, чунки битта-яримта учраб кўзи тушиб қолмаслиги керак эди. Ҳалиги сайхонликка етай деганларида Ваганов бир деҳқон аравасини кўриб

қолади. Аравада Коптяка қишлоғилик бир хотин ўтирарди, у ўғли ва келини билан тунда балиқ сотгани шаҳарга кетаётган экан. Ваганов ўша заҳоти уларни изига қайтиб, уйга жўнашни буюради. Нари-берисини ўйлаб, ўзи уларга ҳамроҳ бўлади, уларнинг араваси атрофида отини ўйнатиб, “агар қайтиб шаҳарга йўл олсаларинг ё у ёқ-бу ёққа аланглайдиган бўлсаларинг, жонларингдан умид узаверинглар,” деб дўқ уради. Бироқ деҳқон хотиннинг кўзи отликнинг ортидан келаётган кўпчилик одамларнинг қорасига тушиб улгурган эди. Қишлоққа қайтиб келгач, у кўрганларини оқизмай-томизмай одамларга ҳикоя қилиб беради. Қизиқиб қолган деҳқонлар нима гаплигини билгани ўрмонга йўл оладилар ва у ерда қоровулликка қўйилган соқчиларга дуч келадилар. Йўл жуда ҳам ёмон бўлганидан автомобил сайхонликка зўр-базўр етиб борган эди. Жасадлар ерга олиб қўйилади, сўнг уларнинг кийимлари ечиб ташланади. Бу вақтда комиссарлар маликаи олиялар кийимлари остидан беркитиб тақиб олган жуда кўп қимматбаҳо тақинчоқларни топишади. Комиссарлар дарҳол уларни қўйниларига солиб олишади, бироқ шошқалоқлик туфайли айримларини ерга тушириб юбордилар ва тепиб-тепиб тупроққа қориб ташлайдилар. Шундан сўнг жасадларни нимталаб чопиб, бензин сепиб ёқилган улкан гулханларга қалайдилар. Анчагина йирик нимталарни сульфат кислотаси ёрдамида йўқотишади. Юровский ва унинг иккала дўсти, Ермаков ва Ваганов раҳбарлиги остида қотиллар уч кечаю уч кундуз жасадларни йўқотиш бўйича ўз ишларини дўндириб бажарадилар. Шаҳардан сайхонликка 175 килограмм сульфат кислотаси ва 300 литрдан кўпроқ бензин келтирилган эди.

Ниҳоят, 20 июлда ҳаммаси тугайди. Қотиллар гулханларни йўқотишади, кул шахта ичига ташланади ва бу ерда нималар бўлганини ҳеч ким билолмасин деб сайхонликка сочиб юборилади.

Нима учун бу одамлар қилган ишлари изларини бу қадар ҳафсала билан яширишга ҳаракат қилдилар? Қилган ишларимиз ҳақ деб даъво қилсалар, ҳўш, унда нима учун улар жиноятчилардай яширинишади? Ҳўш, кимдан яширинишади?

Павел Медведев буларни бизга ўз кўрсатмаларида тушунтириб беради. Жиноят содир этилгандан сўнг Юровский Медведевнинг олдига келди-да, шундай деди: “Халқ галаён кўтармаслиги учун ташқи постларни сақлаб тур”. Кейинги кунларда соқчилар гўё ҳеч нарса бўлмагандек ва гўё девор ортида ҳамон маҳбуслар бордек қоровуллик қилишда давом этавердилар.

Алдангандан рус халқи алданди ва у содир этилган жиноятдан беҳабар қолди.

Бу воқеани тасдиқлайдиган яна бир далил бор, у ҳам бўлса Авдеевнинг четлатилиши ва рус қўриқчиларининг олиб ташланишига оид 4 июлда кўрилган эҳтиёт чоралари эди. Комиссарлар Верхне-Исетск заводи ва ака-ука Злоказовлар фабрикасида келтирилган ишчиларга ортиқ ишонмай қўйган эдилар. Ишчилар ўз ихтиёрлари билан тўпланишган ва “Қонхўр Николай”ни кўриқлашни зиммаларига олган эдилар. Улар таклиф этилган бу ифлос ишни фақат каторга қилинганлар ёки ёлланма жаноблар, хорижликларгина бажариши мумкинлигини билар эдилар. Жаллодлар қўйидагилар эди: Юровский, Медведев, Никулин, Ермаков, Ваганов ва яна етти нафар австрия-германиялик ҳарбий асир.

Ҳа, улар рус халқидан яширинмоқдалар, мазкур халқ вакиллигига даъво қилувчи мургадлар шулар бўлади. Улар рус халқидан кўрқадилар, улар интиқомдан кўрқадилар.

Ниҳоят, 20 июлда улар шу кунни Екатеринбург кўчаларида ёпиштирилган варақалар ёрдамида шаҳаншоҳнинг ўлимига оид гапларни ошкор этишга жазм қиладилар.

Беш кун ўтгандан сўнг Пермь рўзномасида қўйидаги эълон чоп этилди:

## ИШЧИЛАР, ДЕҲҚОНЛАР ВА ҚИЗИЛАРМИЯЧИЛАР ДЕПУТАТЛАРИНИНГ УРАЛ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИ Қ А Р О Р И

Қизил Уралнинг пойтахти Екатеринбургга чехословак тўдаларининг таҳдиди ва тождор жаллоднинг халқ ҳукмидан қочиб қолиш хавфини назарда тутиб, (яқинда оқ-гвардиячиларнинг бутун Романовлар хонадонини халос этиш мақсадида қилинган иғвоси фош этилди) халқ хоҳиш-иродасини бажара туриб Вилоят Кенгаши қарор қилди: халқ олдидаги кўплаб қонли жиноятларда айбланган собиқ шоҳ Николай Романов отиб ташлансин.

Вилоят Кенгаши Президиумининг қарори 16 дан 17 июлга ўтар кечаси ижро этилди. Романов хонадони Екатеринбургдан хавфсизроқ бошқа жойга кўчирилди.

Урал ишчилар, деҳқонлар ва қизилармиячилар депутатларининг Вилоят Кенгаши Президиуми.



БУТУНРОССИЯ МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ  
1918 ЙИЛ 18 ИЮЛДАГИ  
Қ А Р О Р И

Ишчилар, деҳқонлар, қизилармиячилар ва казаклар совет депутатларининг Марказий Ижроия Қўмитаси ўз раиси номидан Урал Кенгаши Президиуми кўрган чораларни маъқуллайди.

*Марказий Ижроия  
Қўмитаси Раиси  
Я.СВЕРДЛОВ*

Ушбу ҳужжатда гўё шаҳаншоҳ Николай II га қарши Екатеринбург Кенгаши чиқарган ўлим ҳукми ҳақида гапирилмоқда. Ёлғон! (...)

Шаҳаншоҳ қораланмаган, ҳаттоки суд ҳам қилинмаган эди. Уни ким ҳам суд қилар эди? У ўлдирилган эди.

Малика, болалари, доктор Боткин ва улар билан бирга ўлиб кетган уч хизматкор борасида яна нима дейиш мумкин? Қотилларнинг улар билан неча пуллик ишлари бор? Улар ўзларининг беғуноҳликларига амин эдилар: ўқ ўлдирди, олов йўқотди, тупроқ эса олов йўқ қилолмаган нарсани қоплаб олди.

Ҳайҳот! Урага сичқон тушди — гулдир-гуп! Қани биронтасининг оғзидан бир дона калима чиқса! Чунки уларнинг қўли нопок ишлар билан булганган. Комиссар Воейков айтиши мумкин куйидаги гап ҳаққонийдек туюлганди: “Биз уларни нима қилганимизни ёруғ дунёда ҳеч ким билмайди”.

Аммо бу одамлар янглишган эдилар.

Дастлабки қидирувлардан бир неча ой кейин суд тергови ўрмонда мунтазам қидирув ишлари олиб борди. Ҳар бир қарич ер қазиди, тадқиқ этилди, синчиклаб кўриб чиқилди ва кўп ўтмай шахта, сайхонлик тупроғи ва теварак-атрофдаги ўланлар уларнинг сирини фош қила бошлади. Сайхонликда катта қисми топтаб ташланган юзлаб буюмлар ва уларнинг синиқлари топилди, сараланди ва суд тергови томонидан тасниф этилди. Белги кўйиб чиқилган буюмлар ичида куйидагилар бор эди: шаҳаншоҳ камарининг тўғаси, фуражқасининг бир бўлаги, малика сувратининг мўъжазгина рамкачаси (сувратнинг ўзи йўқ эди), бу сувратни шаҳаншоҳ доим ўзи билан олиб юрарди ва ҳ.к.

Маликанинг яҳши кўрган сирғалари (битгаси синган), унинг кўйлаги парчаси, кўзойнаги шишаси, (уни ўзига хос шаклидан билиб олишди) ва ҳ.к.

Шаҳзода камарининг тўғаси, шинели тугмалари ҳамда лахтаклари ва ҳ.к.

Маликаи олияларга тегишли кўплаб майда-чуйда буюмлар: узуклари, пойабзалларининг бўлақлари, тугмачалар, кегайчалар, пистончалар ва ҳ.к.

Сийнабандларнинг олтига темир планшеткаси (агар қурбонлар сонини эсга олсак, “6” рақамининг ўзи айтиб турибди: малика, тўрт маликаи олия, Анна Демидова ва маликанинг оқсочи).

Доктор Боткиннинг сунъий жағи, кўзгуси синиқлари, кийимларининг тугмалари ва ҳ.к.

Ниҳоят, суяклар ва куйган суякларнинг қолдиқлари, уларнинг бир қисми сульфат кислотасида эритилган, суякларда ўнта кескир қурол ёки арра излари бор эди. Револьвер ўқлари — улар, шубҳасиз, тана ичида қолган ва яна жуда катта миқдорда эритилган кўргошин.

Ҳеч қандай умид қолдирмайдиган ва ўнинг, туфайли ҳақиқат ўзининг бутун ваҳшийлиги ва даҳшати билан фош бўлган қайғули рўйхат ана шулардан иборат эди.

Комиссар Воейков янглишди. Шоҳ хонадони аъзоларини нима қилишганини эндиликда бутун дунё билади.

Бу орада қотилларнинг патағига қурт тушиб қолади. Улар терговни чалғитиш учун Екатеринбургда қолдирилган агентлар қотилларни суд терговлари жараёнида ушлаб турадилар. Қадам-бақадам улар тергов муваффақиятларини кузатиб борадилар. Охири ҳақиқат юзага чиқаётганини ва бўлган воқеадан тезда бутун дунё хабар топажанинглашган, улар хавотирга тушиб қоладилар ва содир этилган қотиллик учун айбни бир-бирига тўнкашга ҳаракат қила бошлайдилар. Улар ўшанда социал революционерларни жиноят содир этишда айблайдилар, гўё бу билан большевиклар партиясининг обрўйини тўкмоқчи бўлишган эмиш.

1919 йил сентябрида улар Пермда шоҳ хонадонини қатл этишда дахлдорликда ёлғондан айбланган 28 нафар шахс қўлга олинган ва судга топширилган эди, шундан беш маҳбус ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ҳукм ижро этилган эди.

Бундай жирканч томоша энг буюк тарихий жиноятлардан бири жавобгарлигини зиммасига олишдан қутулиш учун тап тортмай беғуноҳ одамлар жонига қасд этувчи бу касларнинг нечоғли сурбет эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди.



\* \* \*

Яна Екатеринбург фожиаси билан узвий боғлиқ ва шоҳ хонадонининг бошқа кўплаб аъзолари ўлими ҳақида ҳикоя қилувчи Алапаевск фожиаси борасида ҳам айтиб ўтишим даркор.

Маликанинг опаси, маликаи олия Елизавета Фёдоровна, буюк княз Сергей Михайлович, шаҳаншоҳнинг амаки укаси, князлар, княз Константиннинг ўғиллари Иоанн, Константин ва Игорь, буюк княз Павел Александровичнинг ўғли княз Палей 1918 йилнинг баҳорида ҳибсга олинган ва Екатеринбургдан 150 чақиримча шимолда жойлашган хийла ихчам Алапаевск шаҳрига жўнатиб юборилган эдилар. Варвара Яковлева деган бир роҳиба (маликаи олиянинг доимий ҳамроҳи) ва буюк княз Сергейнинг котиби С.Ремез улар билан ҳибсда бирга бўлганлар. Уларни мактаб хоналаридан бирида тутқунликда сақлашарди.

17 дан 18 июлга ўтар кечаси, Екатеринбург жинояти содир этилгандан 24 соат ўтгач, сизларни бошқа жойга кўчиришимиз керак, деган баҳонада маҳбуслар олдига кишилар келади ва уларни Алапаевскдан кўпи билан ўн икки чақиримча нарига олиб кетишади. Ўша жойда уларнинг барчасини отиб ташлашади. Ўлганларнинг жасадлари ташландиқ шахтага итқитилади, шу жасадлар 1918 йил октябрда топиб олинади. Улар қурбонларнинг азоб-уқубатларига чек қўйган қўл гранаталари портлаши оқибатида ўпирилиб тушган тупроқ тагида қолиб кетган эди.

Мурдаларни текшириб чиқилганда фақат буюк княз Сергей баданидагина ўт очувчи курол излари топилган. Унинг шериклари қандай ўлдирилганини тергов аниқлай олмади. Афтидан, улар милтиқ қўندоклари билан уриб ўлдирилган.

Ваҳшийлик билан кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бу жиноят Екатеринбург Кенгаши Президиумининг аъзоси комиссар Сафаров иши эди, у, дарвоқе, Москва фармоишларини ижро этувчи гумашта эди, холос.

\* \* \*

Екатеринбургни аксилбольшевиклик қўшинлар эгаллаб олгандан бир неча кун ўтган, шаҳарда тартиб ўрнатиш ва ўликларни кўмиш ишлари олиб борилаётган бир вақтда қамоқхонадан сал нарида иккита жасад қазиб олинди. Жасадлардан бирининг ёнида фуқаро Долгорукий номига 80000 рубл пул олиш учун тилхат бор эди, гувоҳлар берган кўрсатмалардан яққол равшан эдики, бу княз Долгорукийнинг жасади бўлган. Иккинчи жасадга келсак, бу генерал Татищевники эканига тўла асослар бор эди.

Униси ҳам, буниси ҳам, ўзлари олдиндан айтишганидек, ҳаётларини шаҳаншоҳга бағишлаган генерал Татищев бир куни Тобольскда менга шундай деганди: “Тирик қолмаслигимни биламан. Мен фақат бир нарсани сўрадим: мени шаҳаншоҳдан ажратмасинлар ва у билан бирга ўлишимга имкон берсинлар”. У лоақал мана шу кичик ниятига ҳам ега олмай ўлиб кетди.

Графиня Гендрикова ва m-lle Шнейдер Екатеринбургдан шоҳ хонадони қатл этилгандан бир неча кун кейин олиб келинган ва Пермга жўнатилган, 1918 йилнинг 3 дан 4 сентябрга ўтар кечаси отиб ташланган эдилар. Уларнинг жасадлари топилган ва 1919 йилнинг май ойида ҳақиқийлиги тасдиқ этилган эди.

Нагорний (Александр Николаевич пайтида матрос бўлган) ва қарол Иван Седневга келсак, уларнинг ҳар иккаласи ҳам 1918 йилнинг июни бошларида Екатеринбург атрофларида ўлдирилган эди. Икки ой ўтгач, уларнинг жасадлари улар қатл этилган жойдан топилган.

Генералдан тортиб матросгача бу барча одамлар ҳаётларини қурбон қилишдан заррача ҳайиқмаганлар ва жасорат ила ўлимга тикка борганлар. Мана шу содда-баёвгина матрос, украин йигитчаси ўлимдан жон сақлаб қолмоғи учун биргина сўзни айтса кифоя эди. У шаҳаншоҳдан воз кечдим деса бўлди эди. Худди шу сўзни у айтмаган.

Улар самимий ва жўшқин туйғулар ила ўзлари севган, атрофига ана шундай мард ва фидойи инсонларни тўплашга муяссар бўлган кишиларга жонларини қурбон қилдилар.

*“Детектив и политика” (Москва)  
нашрининг 1989 йил  
4-сонидан олинди.*

Бахтиёр НАЗАРОВ,  
академик

## Истиқлол даври ўзбек шеърияти манзаралари

**И**стиқлол ёзувчиларимиз учун озод бадиий тафаккур юритишнинг мунаввар имкониятларини яратди.

Жаҳон адабиёти тарихидаги тажрибалар, босиб ўтилган йўллар шуни кўрсатадики, тузумлар ёхуд жамиятларнинг ўзгариши, турмушда кескин бурилишлар рўй бериши билан бадиий адабиёт дарҳол ўз тараққиётининг янги босқичига ўтавермас экан. Бу нарса бадиий адабиётнинг кўпроқ ўз ички қонуниятлари билан яшашини яна бир бор тасдиқлайди.

Лекин, бир нарса аниқ: тузумлар ўзгариши, жамиятлар эврилишлари бадиийлик мезонларининг янгиланишига, образлар тизимида жиддий ўзгаришлар рўй беришига кучли таъсир кўрсатади. Адабий жараён пўртанавор ҳодисаларга ўч бўлади. Катта авлод фаоллиги аксар ўринда янги, ёш кучлар қўлига ўтади. Зимдан дидлар ва эстетик қарашлараро кураш ва зиддиятлар кучаяди. Мазмун ва гоёда янгиликка интилиш тамойиллари ўз навбатида, янги шакллар излашни тақозо этади. Матбуёт ва ноширлик соҳалари ва умуман, жамиятда фикрлаш тарзида юз берган хурлик, эркинлик турли даражадаги паст-баланд, ҳатто саёз асарлар оқимини ҳам юзага келтиради. Бироқ, булардан қатъи назар, ҳар бир халқ тақдирининг бурилиш замонларида шу миллат адабиётидаги янгиланиш жараёنларига хос фазилатлар ёрқин намоён бўлади.

Истиқлол даври адабиётимиз учун юқорида санаб ўтилган умумий хусусиятлар билан бир қаторда ўзимиз учун тааллуқли жиҳатлар ҳам кўринади.

Бу, энг аввало, халқнинг Хурлик, Эркинлик, Озодлик, Мустақиллик туфайли рўёбга чиққан асрий орзулари бевосита бадиий адабиётда акс этишидир. Бу хусусият, масалан янги давр рус адабиёти учун бир қадар хос бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Шўро тузуми ва унинг таъсирида юзага келган социалистик реализм кишанларидан озод бўлиш аввал шўровий йўналишда бўлган барча адабиётлар учун хосдир. Бироқ, истибдод зулми, «ўзбек иши», «пахта иши» сингари адолатсизликлардан қутулиш, миллий қадриятларимиз ҳамда ўзлигимизнинг топталишини энди ҳаққоний, тўғри акс эттириш жараёнида келган бадиий тафаккур янгиликлари, қадриятларимизнинг умуминсоний қадриятлар билан юзлашуви боис изланишларда содир бўла бошлаган тамойиллар — айни истиқлол самараларидир.

Буюк тарихимиздан, не-не миллий анъаналаримиздан, динимиздан, исломий маънавиятимиздан узилган эдик, буларнинг барчасига қайтадан эришдик, бундан улғуроқ саодат бўлиши мумкинми?

Энди булар билан алоқадорликдаги муаммоларни, уларга эш инсон қалбидаги зиддиятларни, мураккабликларни, эврилишу тебранишларни, орзу-ҳавасларни, армонлар ва умидларни, собит ишончларни янги оҳангларда, янги бадиий рангларда тасвирлаш истиқлол даври адабиёти олдида турган муҳим вазифалар бўлиб майдонга чиқди.

Сўнги йиллар адабиётимизда тарихга эътибор кучайди, мозийнинг нурли, яқин тарихнинг аччиқ манзараларини бадиий адабиётда ёритиш етакчи тамойиллардан бирига айланди. Биргина Амир Темур сиймосига бағишланган

турли жанрларда ўнлаб асарлар яратилди. Диний-исломий қадриятлар марказга қўйилган ўнлаб асарлар мисолида маънавий-ахлоқий муаммоларни бадиий таҳлил этиш ва минталитетимизнинг теран асосларини тасвирлашда адабиётимиз ўзининг янги тарихий босқичига кирди. Шунингдек, чор истибдодини, шўро давридаги зуғумни, хусусан, «ўзбек иши», «пахта иши» билан алоқадор янги давр қатағонларини кўрсатиш асносида ўзбек адабиёти янги замон ҳақиқатларини ёритиш ва ўзлигимизни англаш борасида янги қадамлар қўя бошлади.

Ҳ.Ғулом, И.Раҳим, Мирмуҳсин, Р.Бобожон, М.Қориев истиқлол даврида ўзларининг қатор шеър, ҳикоя, публицистик мақола, драма ва романларини эълон қилдилар.

Асқад Мухтор «Тундалик»лари, «Уйқу қочганда» китобларидаги нодир мулоҳазалари, чуқур ва теран маънавий қарашлари билан адабиётимизнинг фалсафий-эстетик асосларини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг «Инсонга қуллуқ қиладурман» ҳамда «Фано ва бақо» ҳикоялари ўзбек ҳикоячилигининг кейинги босқичидаги кўтарилишларга, тарихни ҳаққоний тасвирлашга доир янги тамойилларга асос солди.

Шукруллонинг қатор лирик-фалсафий шеърларида янги давр кишининг маънавий қиёфаси ёритилди. «Кафансиз кўмилганлар» номли автобиографик йўналишдаги романида адабиётимизда деярли илк бор тарихий ҳақиқат асосида Сталин қатағонини бошдан кечирган ўзбек зиёлиларининг тақдири, букилмас иродаси акс эттирилди.

Истиқлол даври адабиётига кекса авлод намояндалари ўз муносиб улушларини қўшиб кетдилар. Баъзи асарлар уларнинг бамисоли оққуш қўшиғидай жаранглаб қолди. Ана шундай асарлардан бири Зулфиянинг «Хотирам синиқлари» дostonидир. Автобиографик йўналишдаги ушбу дostonда биз 37-йил даҳшатларининг муаллиф вояга етаётган хонадонда қолдирган излари, энди оёққа туриб келаётган шоиранинг бой ички дунёси, изтироблари билан танишамиз.

Зулфия бир вақтлар ўзи жўшиб куйлаган тузум, замон ҳақида энди аччиқ ҳақиқатларни эътироф этади. Булар бамисоли бадиий иқрорномадек жаранглайди.

Халқ ганжин юлмоққа чўзилган қўлга  
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат —

дея тан олади шоира. У яқин ўтмиш билан бирга ўз туйғулари, дунёқарашида рўй берган зиддиятларни ҳам мардона таҳлил ва тафтиш этишга журъат топади. Уша даврларда фаол ижод этиб, сўнг ҳаётини назардан ўтказган барча ижодкорларда ҳам шундай фазилатни кўравермаймиз. Бу юртни бошқарганлар ҳақида нега жиддийроқ ўйлаб кўрмаймиз, унинг баландпарвоз гапларига учиб, итоат қилиб, гафлатда қолибмиз, деб афсусланади шоира:

Эй, гумбази гардун қолдимми гофил,  
Ишонч-эътиқодлар чиқди пучларга?!  
Суяниб, нажотлар кутгандик наҳот  
Бизга чоҳ қазиган жоҳил кучларга?!

Бу гоьлар, бу бадиий иқрорлар Абдулла Ориповнинг истиқлол даврида яратилган:

Савобинг қош ила кўзимникидир,  
Фақат гуноҳларим ўзимникидир, —

сингари чуқур мазмунли фикрлари билан туташиб кетадигандек туюлади. Дoston ниҳоясида Зулфия опанинг Оллоҳга мурожаатлари, илтижолари замирида ўз ифодасини топган туйғулар замзамасига ҳам дуч келамизки, булар улкан шоиранинг бадиий оламини гавдалантиришда муҳим ўрин тутади.

Мустақиллик йиллари қатор шоир-ёзувчиларимизнинг, муайян маънодаги, ижодий сарҳисоб даври бўлди. Бу даврда Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевларнинг бир неча жилдик асарлари нашр этилди. Шавкат Раҳмон,

Муҳаммад Юсуф, Омон Матжон, Маъруф Жалил, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, Мирпўлат Мирзо, Азим Суюннинг «Сайланма»лари босилиб чиқди. Мустақилликдан аввал ҳамда истиқлол даврида ёзилган асарлар ҳам ўрин олган бу кўпжилдлик ва сайланмаларга назар ташлар эканмиз, кейинги даврдаги ижод намуналарида аввалги босқичдаги асарларга хос бўлмаган Ватан, Истиқлол, Эрк мавзуси ва муаммоларининг услубан янгича талқинларига ва янги-янги бадиий образлар, тимсолларга дуч келамиз.

Янги босқич ўзбек шеърлятининг қўлами бир қадар кенгайди. Гап, бу ерда, мавзу ва муаммолар кенглигидагина эмас. Ана шу мавзу ва муаммоларнинг ифода тарзи, бадиий таҳлил этиш санъати, услублар ранг-баранглиги, халқ қўшиқлари, дostonлари, термалари йўлидан тортиб, маснавио ғазал, ғарб адабиётининг сонет ва модерн йўналишидаги шеърлар ҳамда, олис япон шеърлятидаги танка, хокку шакллари эслатадиган асарларгача пайдо бўлди. Тўғри, бу шаклларнинг аксари шеърлятимизда илгари ҳам мавжуд эди. Бироқ бу шакл ва йўналишларда энди янги давр муаммолари, истиқлол даври кишисининг ички дунёси ва интилишларини тасвирлашга бўйсиндирилган янги образлар, янги тасвир воситалари, янги ғоялар ўз ифодасини топа бошлади.

Юқоридаги китоблар ёнига Рауф Парфининг «Тавба», Сирожиддин Саййиднинг «Қалдирғочларга бер айвонларингни», «Кўксимдаги зангорларим», «Ватанни ўрганиш», Матназар Абдулҳакимнинг «Ойдинлик», Фахриёрнинг «Аёлгу», Маҳмуд Тоировнинг «Ҳақни таниб» номли тўпламларини, Тоҳир Қаҳҳор, Минҳожиддин Мирзо ва Иқбол Мирзоларнинг қатор янги шеърлятини қўйсақ ҳамда булардаги санокгина эмас, сифатни ҳам эътиборга олсак, бу йиллардаги шеърлятимиз, айримлар баландроқдан келиб айтганидек, шунчаки ўртамиёна эмас, анчагина салмоқли ва залворли экани ҳам маълум бўлади.

Сўнги ўн беш йил ичидаги адабий жараёнга назар ташлар эканмиз, адабиётимизнинг ҳеч қайси бир босқичи деярли барча масалаларда бу даврдагидек ранг-баранг, серуслуб, сертармоқ, сермахсул, сержило ва ҳатто баъзан айрим қутилмаган, ҳайратомуз ҳодисаларга бой бўлмаганини кўрамиз.

Бу вақт ичида бир ёзувчининг (масалан Омон Мухтор) ўнга яқин роман ёзгани, бир драматургнинг (Эркин Хушвақтов) ўндан ортиқ сахна асари яратиши ва буларнинг деярли барчаси чоп этилиши, сахналаштирилиши чиндан ҳам эътиборингизни тортмайдими? Бразилиялик адиб Пауло Коэльонинг жаҳондаги 120 тилга ўгирилган «Алкимёгар» асари бир вақтнинг ўзида уч таржимон (О.Шарафиддинов, А.Саидов, А.Отабоев) томонидан алоҳида-алоҳида ўзбек тилига ўгирилди. «Авесто»нинг ўзбек тилида алоҳида-алоҳида учта таржимаси яратилди. Жамол Камол Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сини форс тилидан ўзбек тилига ўгириб, чоп этиши ҳақиқий ижодий жасорат намунаси эмасми? Яна шу таржимон бир мунча аввалроқ Шекспирнинг бир қанча трагедияларини бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириб нашр этганини эсласак, ҳам ғарб, ҳам шарқ адабиёти буюк сиймолари асарлари гулдастасининг бир шахс томонидан аслиятдан ўгирилиши чиндан ҳам ноёб ҳодиса эмасми?

Сўнги йиллардаги ютуқларимиз ҳақида гап борар экан, Москвада нашр этилиб, жаҳон адабиётчиларининг эътирофига сазовор бўлган салмоқли ҳажмдаги «Айтматов қемаси» номли китобнинг юзага келишида ўзбек олимлари С.Умиров, П.Мирзааҳмедова ва бошқалар ҳам муносиб иштирок этгани ғуруримизга гурур қўшади.

Юқоридаги таржималар ёнига «Жаҳон адабиёти» журналининг юздан ортиқ сониди мунтазам босилиб чиққан дунёга машҳур адибларнинг юзлаб дурдоналарини қўйсақ, Мустақиллик даврида бадиий адабиётнинг барча муаммоларига жиддий эътибор берилаётгани кўринади.

Тўғри, биз бу билан барча ишлар аёло даражада демоқчи эмасмиз. Чунончи юқорида эътироф этилган барча роман, драмаларнинг савияси бир хил эмас, бир хил бўлиш керак ҳам эмас, мумкин ҳам эмас, албатта.

Лекин таржима масаласида айтмаса бўлмайдиган бир жиддий камчилик бор. Жаҳон адабиётидан ўзимизга бу қадар мўл-кўл асарлар ўгирилгани ҳолда, ўзбек адабиётининг нодир намуналарини жаҳон тилларига ағдариш масаласига келганда ҳамон оқсоқлик давом этаётир. Тўғри, бу ўринда бизни таржима қилиш билан

Ўзимиз эмас, ўзга тилга ўгирувчи халқларнинг таржимонлари шуғулланмайдими, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу тўғри савол. Лекин барибир бу масалада ўзимиз ҳам астойдил қайғурмасак, бу муаммо ечимига ўзимиз бош қўшмасак, иш жойидан силжймайдиган кўринади.

Хайридин Султонов Сент-Экзюперининг «Кичкина шахзода» қиссасини, Иброҳим Ғафуров Нишенинг «Зардушт таваллоси»ни, Зоҳир Аълам Никколо Макиавеллининг «Хукмдор» асарини ўзбекчага ўгириши, Мирпўлат Мирзо жаҳон шоирлари ва ўнлаб атоқли ҳамда янги авлод қозоқ шоирларидан қилган таржималари алоҳида салмоқли китоб бўлиб босилиб чиқиши таржимачилигимизнинг жиддий ютуғидир.

Кези келганда ўзбек адаблари, адабиётимиз ҳақида хорижий мамлакатларда тадқиқот, мақола нашр этишда ҳамон орқада эканимизни ҳам айтиб ўтиш зарур.

Бу борада Туркияда туркий адабиётлар тарихини нашр этиш борасида Б.Қосимов, Н.Раҳмонов, Т.Қаҳҳор амалга оширган ишларни, Тоҳир Қаҳҳор ва Рустам Шариповнинг ҳорижий илмий журналларда нашр этган Чўлпон, Э.Воҳидов, Х.Шарипов, Ш.Раҳмон ҳақидаги мақолаларини ҳисобга олмаганда, фаолиятларимиз ниҳоятда сустдир.

Бу йиллар адабий жараёни деганда тажрибали ёзувчиларимизнинг теран асарлари билан бир қаторда хаваскор шоир-адабларнинг ёзганларини ҳам назардан қочириб бўлмайди, албатта. Зеро, бу бошловчиларнинг унча-мунча эмас, масалан, Фармон Худойбердиевнинг ҳажми қирқ босма тобоқдан ортиқ «Тумор» деб аталган тўпламига ўхшаш китоблари, айрим бошловчиларнинг ҳатто, жилд-жилд романларига чикиб турибди.

Лекин истиқлол даври адабиётининг қимматини замон синовидан ўта олувчи талабчан китобхоннинг қалб мулки ва адабиёт аталмиш хазинанинг муносиб ганжиналаригина белгилаши барчамизга аён. Ҳар бир ялтироқ нарса олтин бўлавермаганидек, ҳар бир олтин ҳам доимо дарҳол ялт этавермаслиги мумкин. Бунинг учун муайян вақт ва меҳнат талаб этилади. Вақт ҳакамдир, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Бўш, саёз асарлар китобхонлар дидини ўтмаслаштиришга олиб келиши маълум, бироқ, дидли, савияли китобхонлар, ўзи — вақт қизғонч бўлган замонда нимани ўқиш кераклиги, қандай асар қандай савияга эга эканини билишларига ишонмаслик ҳам мумкин эмас.

Мустақиллик даврида, айниқса Абдулла Орипов ижоди сермахсул бўлди. Бу даврда унинг истиқлолимизни улуғловчи юздан ортиқ публицистик мақолалари, йигирмадан ортиқ шеърӣ тўплами, «Соҳибқирон» номли шеърӣ драмаси, «Илоҳий комедия»нинг «Аъроф» қисми таржимаси босилиб чиқди.

Шоирнинг истиқлолни, истиқболни улуғловчи, уни кўз қорачиғидек асрашга, мустаҳкамлашга даъват этувчи «Адолат офтоби», «Ўзбекистон давлати», «Ўзбек қомуси», «Ватан» сингари шеърлари қаторида, янги замон ўзбек шеърлятида янги тамойил, йўналишлардан бирини бошлаб берган «Ҳикмат садолари», «Ҳаж дафтари» тўпламларига кирган шеърларида муборак асрий анъаналаримиздаги поэтик дунё анигидан жамол очди. Бу шеърларда руҳий дунё ифорларида истиқлол даври кишисининг ҳам мураккабликларга тўла ички олами ва шоирнинг поэтик изланишларидан тўйинган чуқур бадиий-фалсафий қарашлари ҳам ўз ифодасини топди.

Лекин истиқлол даври Абдулла Орипов ижодидан фақат сиёсий-ижтимоий йўналишни ёхуд диний илоҳий мотивларнигина қидириш бир ёқламалик бўлур эди. Унинг «Дунё», «Савоб», «Бедорлик», «Шоир юраги», «Адолат кўзгуси», «Кўзтумор» сингари тўпламларидаги ўнлаб янги шеърларга назар ташласак, у ўзининг деярли ярим асрлик ижодий мезонларига содиқ қолишга интилганини кўраимиз. Тарих, бугун ё келажак ҳақида ёзиш, давр кишисининг ички дунёсидаги талотумларни, мураккабликлар ва зиддиятларни, ўзликни излаш ва топиш йўлидаги изгироблар, шунингдек, муҳаббат таманнолари-ю, айниқса, Ватан, миллат, халқ сиймоси, орзуси, ишонч ва умидларини куйлаш Абдулла Ориповнинг мустақиллик даври ижодида ҳам асосий ўрин эгаллиди дейиш мумкин. Тўғри, бу ўринда, улар бадиийлик нуқтаи назаридадан қай даражада, уларни 60—80-йиллар ижоди билан қиёслаганда қандай хулосалар чиқади? — деган саволнинг ҳам кўндаланг бўлиши табиийдир.

Бундай саволларга шоир шеърларининг ўзи жавоб бера олади. Зотан, ҳақиқий шеър, асл шоир фақат ижтимоийлик ва сиёсат учун ҳеч қачон бадиийликни қурбон қилган эмас.

Ватан — мустақиллик даврида ҳам Абдулла Орипов шеърляти меҳварида туриш билан бирга, энди у айрича кўрк, бетимсол фарзандлик муҳаббати, янги-янги оҳорли бадиий сифатлар билан куйланади.

Сени ушбу кунда кутлайман юртим,  
Ризқингни бут қилди олтин хирмоним.  
Ҳар иссиқ нонингни қуёшдан кўрдим,  
Дунёга нон берган Ўзбекистоним.

(«Ўзбек нони»)

Абдулла Орипов истиқлол даврида нимани куйламасин, нима ҳақда ёзмасин унинг бадиий таҳайюли мустақиллик томирларига, Ватан озодлиги ҳужайраларига тутшиб кетади.

Мустақилликнинг ўн беш йиллиги арафасида Абдулла Орипов ўқувчиларга ўзининг «Одам ва шайтон қиссаси» асарини эълон қилди. Бу шеър Абдулла Орипов асарлари сўнгги даврда жуда ижтимоийлашиб, сиёсийлашиб кетмадими, дегувчиларга муносиб жавоб бўла олади. Асардаги ривоятнамо қиссадан чиқадиган ҳисса шундан иборатки, инсонпарварлик имон, виждон ҳамда разолат, касофат, инсофсизлик ўртасидаги кураш абадийдир ва ҳатто, бизнинг мустақиллигимиз сингари замонларда ҳам улар ўзларининг янги-янги қирралари билан намоён бўлиши мумкин. Шундай экан, шайтонсифат кимсалардан огоҳ бўлмоқлик замирида катта маъно ётади. Шайтонсифат кимсаларнинг ниятини барбод этиш, уларни энгиш, наинки руҳият, ички дунё, балки истиқлол-ғалабаларини таъминлайдиган ва мустаҳкамлайдиган ҳаракатлар сирасига киради.

Эркин Воҳидов сўнгги йилларда анъанавий ғазал жанрида қатор гўзал асарлар яратди. Истиқлолни улуғловчи, уни янада мустаҳкамлашга чорловчи шеърлар эълон қилди. «Ўлмас эди балки одамзот» сингари шеърларида одамзотнинг абадий мавзуларини янгидан талқин қилди.

Инсон ўлмас, ўлдирмаса ғам,  
Макон қилмас қора турбатни.  
Кўрса агар тиригида ҳам  
Ўлганида топган ҳурматни.

Айни вақтда Истиқлол даври Эркин Воҳидов ижодида ҳажвий йўналиш кучайганини кузатиш мумкин. Масалан, «Дангасалар» шеърлида ҳазил-хузул йўсинида ғайратли кишилар елиб-югуриб ишлаши, дангасалар эса ётганча ўй суриб ихтиролар қилиши ҳақида гап боради. Лайиҳерларда учганимда дангасалар борлиги учун раҳмат дейман, қабилида поэтик фикр юритилади, сўнг, аста, асосий мақсадга кўчилади.

Йўқса, юрар эдик, ҳойнаҳой,  
Ҳануз яёв чангитиб тупроқ.  
Хўб юртим бор, дангасага бой,  
Ишчанидан ялқови кўпроқ.

Шоир сўз ўйини қилиб, юрти улкан ихтиролар, олиму уламоларга бисёр эканини ифтихор билан айтиш баробарида, ҳозирги шароитларда анчагина авж олган ижтимоий иллатга ҳам чиройли йўсинда ишора қилиб ўтади.

Бу йилларда Ватан, Эрк, Истиқлол тушунчалари янги-янги образлар тимсолида мадҳ этилди. Эркин улуғлашда Эркин Воҳидов булбул образига мурожаат этади:

Бир-бирига навбат бермай қўшиқ айтди булбуллар,  
Шукур бўлсин, боғимизга яна қайтди булбуллар.

Зеро, томигача пахта экилган, осмонидан заҳар ёғилиб турган юртда булбуллар нима қилсин эди. Шоир бу ўринда пахта ва заҳарларга уларнинг асл маъноси билан бир қаторда, истибод талқинидаги кўчма маъноларни ҳам сингдиради.

Чаманзори шудгор бўлса, булбул қандоқ яйрасин,  
Эрк қушчаси эрк йўқ жойда қандоқ қилиб сайрасин?

Шоир энди булбулларнинг — Эрkning Ватанга қайтмас бўлиб келганига қатъий ишонади ва биз ҳам бунга ишонамиз.

Бу шеър Абдулла Ориповнинг кўп йиллар аввал ёзилган «Булбулим» шеърини ҳам ёдга солади ва шоир шеъриятимиздаги энг яхши анъаналарга ҳамиша содиқ қолганини кўрсатади.

Эркин Воҳидовнинг ҳазиломуз тарзда ёзилган кичкинагина «Хожи ота Марғилоний сўзи» шеъри замирига ҳам катта поэтик маъно сингдирилган. Бундай шеър фақат истиқлол давридагина яратилиши мумкин. Зеро, лирик қаҳрамон ҳам шу даврнинг кишисидир. Юз ёшлардан ошган отахон умрининг асосий қисмини Ватан соғинчида хорижда ўтказган. Шўролар исканжасида бўлган Ватанга қайта олмаган қалб умр бўйи юрт соғинчида эзилиб яшаган. Бу соғинч шу қадар кучлики, дунёнинг мана-ман деган шаҳарларида тўкин-сочин яшаганига қарамай, улуг ёшга етган бўлишига қарамай, отахон Ватандан айро юртда бандаликни бажо келтира олмай қийналади. Ватан озодликка чиққач, мустақилликка эришгач, отахон киндик қони тўкилган юртга келишга муяссар бўлар экан, унинг юрагидан шундай сўзлар отилиб чиқади:

Мана етдим муродимга минг шукур,  
Энди болам, ўладиган номард йўқ.

Бу — юқорида айтганимиз истиқлол шароитида Э.Воҳидов ижодида мутойиба реализмига эътибор кучайганига яна бир далилдир.

Истиқлол адабиётимизнинг порлоқ юлдузларидан бири, шубҳасиз, Шавкат Раҳмон эди. Агар эътибор берган бўлсангиз, мен бу ўринда «Истиқлол даври адабиётимиз» ўрнида «истиқлол адабиётимиз» иборасини қўлламоқдаман. Чунки Шавкат Раҳмон XX аср ўзбек шеъриятида кўп ҳам учрайвермайдиган шоирларимиздан бири бўлиб, унинг асарларида Истиқлол ғояси, Истиқлол дардлари алоҳида ўрин тутди.

Бу даврда Мустақилликка бағишланиб, «Истиқлол илҳомлари», «Истиқлол умиди», «Хуррият завқи», «Ватаним деб сени уйғондим», «Ёшлар овози» каби қатор тўпламлар эълон қилинди ва ўқувчилар эътиборига сазовор бўлди.

Янги босқич ўзбек адабиётида модерн оқимидаги шеърият ҳам шаклланди. Ҳеч муболағасиз, бундай асарлар кейинги йиллар адабиётида шунчаки, бир янгилик, тажриба эмас, катта тўлқинга айланиб улгурди. Модерн шеърияти намояндаларининг қатор-қатор, алоҳида-алоҳида китоблари чиқди, йигирма-ўттизга яқин вакиллари асарларидан намуналар жамланган «Ўзбек модерн шеърияти» сингари тўпламлар чоп этилди. Бу йўналишдаги шеъриятимиз тадқиқ этилган қатор диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Модерн шеъриятининг Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Абдували Қутбиддин каби намояндалари бутунги шеъриятимизнинг кўзга кўринган вакиллари бўлиб қолдилар. Уларни ёшлар ўқишади, баҳслашишади, янги асарларини кутишади.

Биз истиқлол даври адабиётининг айрим қирраларига, хусусан, шеъриятда кечган жараёнларга, унинг айрим манзараларига назар ташлашга ҳаракат қилдик. Аслида бу босқич адабиётимиз биз мулоҳаза юритганимиздан кўра анча бой ва ранг-баранг бўлиб, уни атрофлича таҳлил қилиш ва ўрганиш келгусидаги вазифаларимиздир.

Агата КРИСТИ

# Байрам арафасидаги ҚОТИЛЛИК

Роман

## БЕШИНЧИ ҚИСМ. 26 декабр

**П**олиция бошлиғи билан катта инспектор Сагден Пуарога ҳайратланиб қараб турарди. У бўлса бир сиқим майда тошчаларни картон қутчаси устига ташлаб, уни полиция бошлиғининг олдига суриб қўйди.

— О, булар, — деди у, — ҳақиқатан ҳам брильянт экан.

— Буларни... ўша айтган жойингиздан топдингизми?

— Альфред Ли хоним ясаган боғчаларнинг биттасидан.

— Миссис Альфредми? — Сагден калласини қимирлатди. — Ишонгинг келмайди.

— Сиз, эҳтимол, миссис Альфред ўз қайнотасини сўйиши мумкин эмас, демоқчидирсиз?

Сагден тез-тез гапира бошлади:

— Бидамиз, у бу ишни қилган эмас. Мен, у брильянтларни ўғирлаши ақл бовар қилмайдиган иш демоқчиман.

— Ҳа, унинг ўғрилигига ишониш қийин, — деди Пуаро.

— Ҳар ким ҳам бу жавоҳирларни у ерга яшириши мумкин, — тахмин қилди Сагден.

— Тўппа-тўғри. Ўлик денгиз акс эттирилган боғча ичидаги тошларга шу тошлар катталигидаги брильянтларни уларга аралаштириб қўмиш жуда қулай-да.

— Сиз аёл буни аввалдан режалаштирган, демоқчимисиз?

Полковник Жонсон ишонч билан деди:

— Мен бунга заррачаюм ишонмайман. Ҳа, заррачаюм. Ундан ташқари, брильянтларни ўғирлаш унга нимага керак бўлибди.

— Хўш, бу борада... — Сагден гапни чўзди.

Пуаро дарров суҳбатга аралашди:

— Бунинг жавоби бор. Брильянтларни қотилга ишора қилиш учун олиб қўйган. Гарчанд қотилликка унинг дахли бўлмаган ва бу ишда фаол қатнашмаган бўлса ҳам.

Жонсон қовоғини уйди.

— Бу мутлақо асоссиз гап. Сиз уни қотилга шерик қилиб қўяпсиз. Лекин кимнинг шериги бўлиши мумкин? Фақат ўз эрининг-да. Биз шуни аниқ бидамизки, эрининг қотилликка мутлақо алоқаси йўқ. Шундай экан, тахмин ўз-ўзидан йўққа чиқади.

Сагден ўйланқираб энгагини қашиди.

— Ҳа, — деди у, — шунақа, мабодо миссис Ли брильянтларни олган тақдирда ҳам — “мабодо”нинг замирида бошқа маъно ҳам бор, — уни шундайгина ўғирлаган. Боғчани ҳақиқатан ҳам шов-шув босилгунча махсус тайёрлаб қўйган бўлиши мумкин. Бундан бошқа у ернинг яна бир қулайлик жойи бор. Қум

Охири. Боши ўтган сонда.



солинган боғча ўғрининг кўзига у аёлми, эркакми жавоҳирни яшириш учун энг қулай жой бўлиб кўринган.

— Эҳтимолдан холи эмас, — деди Пуаро, — мен бир-бирини тақозо қилувчи ўхшашликларни таққослашни ёқтираман.

Катта инспектор шубҳа билдириб калласини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Катта инспектор, сизнинг фикрингиз қалай бу ҳақда? — сўради Пуаро. Сагден эҳтиёткорлик билан жавоб берди.

— Миссис Ли жуда ёқимтой аёл. Бунақа ифлос ишга аралашиб қолиши эҳтимолдан йироқ. Тагин, ким билади дейсиз.

Полковник Жонсон асабийлашиб гапирди:

— Ҳар ҳолда брильянт борасида ҳақиқат қандай бўлишидан қатъи назар, қотилликка бу аёлнинг алоқаси йўқ. Жиноят содир бўлаётган вақтда хизматкор уни меҳмонхонада кўрган. Эсингиздами, Пуаро?

— Ҳа, эсимда, — деди Пуаро.

Полиция бошлиғи ўз ходимига мурожаат қилди.

— Яхшиси, давом этайлик. Бирон-бир янги маълумот борми?

— Ҳа, сэр. Менда унча-мунча янги маълумотлардан бор. Бошламасига Хорбури ҳақида. Нима учун у полициядан кўрқаяпти, бирон гап бўлса керакдир.

— Ўғирлик ҳақидами? А?

— Йўқ, сэр. Кўрқитиб пул бериш. Товламачиликка ўхшаш. Унинг айби исботланмаган. Шунинг учун қўйиб юборишди, лекин, менимча, бунга ўхшаш ишларга бир-икки марта аралашиб қолган. Унинг виждони тоза эмас, эҳтимол, бизга баъзи сирлар маълум деб ўйлаяпти. Шунинг учун Тресилиан полиция офицери ҳақида гап очганда кўрқиб кетган.

— Бўпти, Хорбурини қўятур, — деди полиция бошлиғи. — Яна нима бор?

Катта инспектор йўталиб олди.

— Ҳа-а... Миссис Жорж Ли, сэр. Биз унинг турмушга чиқишдан олдинги ҳаёти ҳақида маълумот олдик. У капитан Жонс билан яшаган экан. Аслида қизи бўлмаса ҳам ўзининг отаси қилиб кўрсатиб яшаган. Бизга айтишларича, шундан келиб чиқиб қария мистер Ли унга тўғри баҳо берган. У аёлларнинг хулқ-атворини бир қарашдаёқ ажратиб оладиган зукко одам бўлган. Хотинлар борасида тажрибаси катта эди. Бирон нимага ғира-шира ишора қилиб қўйиб, хотинларни мазах қиларди. Шундай бўлгач, бирон гап қилиб миссис Жорж Лининг шахсиятига тегиб қўйган.

Полковник Жонсон ўйланқираб туриб деди:

— Пул қармоғидан ташқари бу ҳол унга айб қўйиш учун бир баҳонага имкон яратади. У ўзи ҳақида қайнотасига бир нарса аён-у, бу ҳақда эримга айтиб қўяди, деб довдираб юриши мумкин. Телефон ҳақидаги ёлғон гапи ниҳоятда шубҳали. У телефон қилмаган.

— Сэр, ҳозироқ иккаласини бу ерга чақириб сўраса бўлади-ку. — Таклиф киритди Сагден. — Телефон ҳақидаги гапларга бир зумда барҳам бериш мумкин. Кўрамиз, гап қаергача бораркин.

— Ёмон фикр эмас, — деди полковник Жонсон.

Кўнғироқ тугмасини босган эди. Тресилиан кириб келди.

— Мистер ва миссис Жорж Лиларни чақиринг.

— Хўп бўлади.

Қария чиқмоқчи бўлиб турганда Пуаро гапириб қолди:

— Қотиллик содир бўлган кун тақвимдан йиртиб олинмаганми?

Тресилиан ўғирилди.

— Қайси тақвимдан, сэр?

— Девордаги тақвимдан.

Учаласи яна Альфред Лининг тор меҳмонхонасига тўпланишди.

Варақлари йиртиб олинган, санаси катта-катта ҳарфлар билан ёзилган тақвим деворда осилиб турарди.

Тресилиан хонанинг охирига, тақвим осилган жойга кўз ташлади. Кейин аста-аста у ерга оёғини судраб бориб деди:

— Сэр, кечирасиз, варақ йиртиб олинган. Бугун йигирма олтинчи.

— Э, кечирасиз. Ким йиртиб олиши мумкин?

— Уни ҳар куни эрталаб мистер Лининг ўзи йиртиб оларди. Мистер Альфред жуда саранжом-сариштали жентльмен эди.

— Яхши. Ташаккур.

Треслиан ташқарига чиқди. Сагден ажабланиб сўради:

— Мистер Пуаро, тақвимда бирон-бир шубҳали жой борми? Эҳтимол мен бирон нарсани назардан қочиргандирман?

Пуаро елкасини қисиб қўйиб жавоб берди:

— Бу воқеаларга тақвимнинг ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Шундай бир оддийгина тажриба қилиб кўрдим, холос.

Полковник Жонсон:

— Коронер<sup>1</sup> олиб бораётган тергов эртага белгиланган. Демак, йиғилиш орқага сурилмайди.

— Ҳа, сэр, — деди Сагден, — коронерни кўрдим, ҳамма нарса тайёрланган.

## II

Жорж Ли хотини ҳамроҳлигида хонага кириб келди.

— Салом! — деди полковник Жонсон, — ўтиринглар. Иккалангизга бир-иккита савол бермоқчи эдик. Бизга баъзи нарсалар унчалик аниқ бўлмапти.

— Жоним билан сизларга ёрдам беришга тайёрман, — деди Жорж бирмунча тантанавор оҳангда.

Мегдалин зўр-базўр овозини чиқариб минғирлади:

— Албатта.

Полиция бошлиғи Сагденга ишора қилди.

— Жиноят содир қилинган кундаги телефон хусусида, — деди Сагден. — Уэстрингемга кўнғироқ қилганман дегандингиз чоғи, тўғрими, Мистер Ли?

— Ҳа, кўнғироқ қилганман, — жавоб берди Жорж совуққина қилиб, — сайлов округи бўйича агентимга. Ҳозир у билан сизни улашим мумкин, ўзингиз...

Катта инспектор Сагден қўлини кўтариб тўхтатди.

— Тушунарли, тушунарли, мистер Ли. Бу ҳақда сиз билан баҳслашмаймиз. Суҳбатингиз роппа-роса 8-59 да бошланган эди.

— Б-бу... мен... э...э... вақтини аниқ айтолмайман.

— Лекин биз, — деди Сагден, — айта оламиз! Бунақа нарсаларни жуда диққат билан текшираемиз. Ниҳоятда диққат билан; суҳбат 8-59 да бошланиб 9-04 да тугаган. Дадангиз мистер Ли эса кеч 9.15 дақиқада ўлдирилган. Орадан ўтган вақтда сиз нима қилгансиз, шунга сўрамоқчиман сиздан.

— Айтдим-ку ахир, телефонда гаплашдим деб.

— Йўқ, мистер Ли, сиз телефонда гаплашмагансиз.

— Сафсата! Узингиз хато қилганлигингиз аниқ. Эҳтимол, телефондаги суҳбатим тугагандир... Кейин яна бир марта гаплашмоқчи бўлдим. Нима ҳақда гаплашишни ўйлаб э... шунга ҳам пул сарфлаб ўтираманми, деб турувдим, шу он бирдан юқорида тасир-тусир тўполон бўлиб қолди.

— Гап сизнинг қайта телефон қилсамми, йўқми деб ўн дақиқа ўйлаб ўтирганингиз устида кетаётгани йўқ.

Жорж қизариб кетди. Ҳаяжонланганидан гаплари пала-партиш чиқа бошлади.

— Бу билан нима демоқчи бўляпсиз? Нимага шама қияпсиз, асти? Шу қадар сурбетлик бўладими! Нима, гапларимга ишонмаяпсизми? Отасидан ажралиб ўтирган одамнинг гапларига ишонмаяпсизми? Мен...э... ҳаётимнинг ҳар бир дақиқаси ҳақида нега энди ҳисоб бериб ўтиришим керак экан.

Полиция бошлиғи аниқ қилиб деди:

— Мистер Ли, гап қотиллик ҳақида кетганда бунга ўхшаган саволларни бериб жавоб олишимиз шарт.

— Мен саволларингизга жавоб бердим. Телефонда гапимни тугатиб бўлиб, яна кўнғироқ қилсамми, йўқми, деб ўйланиб қолганим рост.

— Юқори қаватда тўполон бўлганда сиз шу хонадамидингиз?

— Ҳа, худди шу хонада эдим.

Жонсон Мегдалинга ўтирилди.

<sup>1</sup> К о р о н е р — фожеа мажбуран қилинганми ёки тўсатдан содир бўлганми, шунга текширадиган, терговчи.

— Мен телефон қилаётганимда тепада тарақ-туруқ бўлиб кетди, деганингиз эсимда, — деди у, — ўшанда бир ўзингиз мана шу хонада бўлган эдингизми?

Мегдалин ҳаяжонлана бошлади. У қаттиқ-қаттиқ нафас олар, кўз қири билан Жоржга, Сагденга назар ташлаб кўярди, кейин полковник Жонсонга ёлборувчан нигоҳ билан қаради.

— О, тўғриси... Ҳеч нимани билмайман. Нима деганим эсимда йўқ... шундай ҳаяжонланган эдимки...

— Биласизми, буларнинг бари бизда қайд қилинган, — деди Сагден.

Мегдалин лаблари қалтираб кўзлари катта-катта очилганча нажот излаб Сагденга тикилди. Лекин нигоҳи бағритош, бундай хил аёлларни ёқтирмайдиган ҳиссиз одамнинг нигоҳига дуч келди.

— Мен... мен... тўғри, телефонда гаплашганман, — деди у ҳамма нарсадан умидини узиб. — Лекин бу қачонлигини аниқ эслолмайман.

У жим бўлиб қолди.

— Бу нима деганинг? Қаердан телефон қилгандинг? — деди Жорж.

— Бу ердан эмас.

Катта инспектор:

— Миссис Ли, сиз умуман телефонда гаплашмагансиз. Унда қаерда эдингиз ва нима қилгандингиз? — деди.

Мегдалин нима дейишини билмай, атрофга олазарак бўлиб қараб чиқди-ю, хўнграб юборди.

— Жорж, улар мени кўрқитишларига йўл кўйма, — деди у ҳиқиллаб йиғларкан: — Узинг биласан-ку, биров кўрқитса, ҳар хил саволлар бериб бошимни айлантриб ташласа, ҳеч нимани эслолмай, тилим калимага келмай қолади. Мен... мен ўша оқшом нима деганимни билмайман. Шундай даҳшатли бўлдики... Жуда ҳаяжонлангандик.... Улар мени жуда ёмон аҳволга солишди...

Мегдалин иригиб туриб хўнграганча хонадан югуриб чиқиб кетди.

Жорж ҳам дик этиб ўрнидан туриб саннаб юборди:

— Бу нима қилганингиз? Хотинимни ўлар ҳолатга олиб келишингизга йўл кўёлмайман. Полиция томонидан одамларни ўринсиз кўрқитиш усулларидан фойдаланаётганингиз ҳақида жамоа палатасига шикоят қиламан. Бу бориб турган шармандалик!

У ҳам эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Катта инспектор Сагден калласини орқага ташлаб хахолаб кулиб юборди.

— Бошлаб астар-аврасини ағдариб ташладикми, — деди у. — Кўрамиз, нима натижа бераркин.

Жонсон қовоғини солди.

— Ақл бовар қилмайдиган иш! Шубҳали кўриняпти. Аёлдан яна янги маълумотларни олишимиз керак.

Сагден вазминлик билан деди:

— О, у нима дейишни ўйлаб олади-ю, бир-икки дақиқа ўтмай қайтиб келади. Шунақами, мистер Пуаро?

Чуқур ўйга толиб ўтирган мистер Пуаро чўчиб тушди.

— Pardon<sup>1</sup>. Нима дедингиз?

— Ҳалиги аёл қайтиб келади, дедим.

— Эҳтимол. Ҳа, балки келар. О, албатта!

Сагден унга ажабланиб қараб сўради:

— Сизга нима бўлди, мистер Пуаро? Арвоҳ-парвоҳ кўрмадингизми?

Пуаро:

— Биласизми, мен ростданам арвоҳ кўрдим, — деди.

Полковник Жонсон тоқатсизлик билан деди:

— Хўш, Сагден, бошқа янгиликлар борми?

Сагден жавоб берди:

— Мен улар ҳаммаси қотиллик содир бўлган жойда қай тариқа пайдо бўлганини бир бошдан текшириб чиқишга уриниб кўрдим. Нима бўлгани мутлақо аниқ. Қотил эшикни омбури ё бошқа мослама биланми ёпиб қойиб бўлган. Орадан қисқа муддат ўтмай жиноят содир этилган жойга югуриб

<sup>1</sup> Кечирасиз (фр.).

бораётганларнинг ичига қўшилиб олган. Афсуски, бу пайтда ким кимни қачон ва қаерда кўрганлигини текшириш амри маҳол. Чунки бундай пайтларда кишининг хотираси панд беради. Тресиляннинг гапига қараганда, Харри билан Альфред ошхонадан югуриб чиқиб даҳлизни кесиб ўтибди-ю, юқорига чиқибди. Демак, бу уларнинг қотил эмасликларини оқлайди. Лекин биз қандай бўлишидан қатъи назар, улардан шубҳаланаверамиз. Менинг аниқлашимча, миссис Эстравадос у ерга охирида ёки охиригилардан бири бўлиб етиб келган. Умуман, афтидан, биринчи бўлиб Фарр, Миссис Жорж ва миссис Дэвидлар боришган. Бу уччаласининг ҳар бири менинг олдимда бу иккаласи борган дея таъкидлаяпти. Ҳамма қийинчилик уларнинг аввалдан пишитиб қўйган ёлғон гаплари билан гира-шира эслаётган гаплари орасидаги фарқни ажратиб олишда, ҳар ким ўша томонга югургани аниқ, лекин ким олдин, ким кейин келган, буни билиш осон эмас.

Пуаро аста сўради:

— Буни жуда муҳим деб ҳисоблайсизми?

— Вақт, — жавоб берди Сагден. — Ҳунутманг, бу ерда вақт ниҳоятда қисқа бўлган.

— Фикрингизга қўшиламан, — деди Пуаро. — Вақт бундай ҳолда жуда муҳим.

Сагден давом этди:

— Бу ерда иккита зинапоя бўлгани ҳам ишимизни қийинлаштиради. Асосий зина даҳлизда. У ошхона эшиги билан меҳмонхонанинг деярли ўртасида. Уйнинг охирида ҳам яна битта зина бор. Стивен Фарр мана шу зинадан югуриб келган. Мисс Эстравадос зинапояннинг юқори майдончасига бошқа томондан келган. Унинг хонаси уйнинг худди шу томони охирида. Бошқалар мана шу зинадан кўтарилдик, деб тасдиқлашапти.

— Ҳа, хийлагина жумбоқ бор, — деди Пуаро.

Эшик очилди-ю, тез-тез юриб Мегдалин кириб келди. У ҳарсиллар, ёноғида қизил доғлар кўринарди. У столга яқин келиб шундай деди:

— Эрим мени ётибди деб ўйлаяпти. Мен билдирмасдан чиқиб кетдим. Полковник Жонсон, — Мегдалин мунгли кўзларини катта-катта очиб унга ўтирилди. — Мен сизга бор ҳақиқатни айтиб берсам, буни ҳеч кимга айтмай-сизми? Ҳаммага ошкор қилмайсизми, демоқчиман?

Полковник Жонсон деди:

— Тушунишимча, миссис Ли, жиноят билан боғлиқ бир сирни очмоқчисиз?

— Ҳа, мутлақо шу билан боғлиқ. Бу менинг... менинг шахсий ҳаётим билан боғлиқ.

Полиция бошлиғи:

— Миссис Ли, бор гапни аниқ-тиниқ қилиб айтиб беринг, у ёғини эса бизга қўйиб қўйинг, — деди.

Мегдалиннинг кўзи ёшга лим тўлди.

— Ҳа, мен сизларга ишонаман. Бор гапни тўкиб соламан. Сизлар менда олижаноб одам сифатида таассурот қолдирдингиз. Биласизми, гап шундаки, бир одам бор... — у жимиб қолди.

— Ҳўш, миссис Ли?

— Мен кеча кечкурун бир одамга телефон қилмоқчи бўлувдим.... бир дўстимга, илтимос, буни Жорж билишини истамайман. Тўғри, нотўғри иш қилдим, нима қилай, бўлган иш бўлиб ўтди. Шунинг учун тушлиқдан кейин Жорж ошхонада бамайлихотир ўтирибди деб ўйлаб телефон қилиш учун жўнадим. Келиб қарасам, Жоржнинг ким биландир телефонда гаплашаётганини эшитиб қолдим. Кейин кутиб туришга қарор қилдим.

— Хоним, уни қаерда кутиб турдингиз? — сўради Пуаро.

— Зинапояннинг орқасида, у ерда пальто ва бошқа нарсаларни қўйиб қўядиган жой бор. У ер ним қоронғи. У ерга ўтиб олганимнинг сабаби, Жоржнинг хонадан чиқиб кетганини кўришим мумкин эди. Лекин у ҳадеганда чиқиб кетавермади. Кейин тўполон кўтарилди. Мистер Ли бақирди, кейин мен юқорига югуриб кетдим.

— Демак, эрингиз қотиллик содир бўлгунча хонадан чиқмаган экан-да.

— Ҳа.

— Ўзингиз, — деди полиция бошлиғи. — Соат тўққиздан бошлаб тўққиздан ўн беш дақиқа ўтгунча ўша жойда ўтиравердингизми?

— Ҳа, лекин мен бу ҳақда гапирмасам бўлмасди. Тўғрими? Унда у ерда нима қилиб ўтирдинг деб сўроққа тутардингиз. Булар бари мен учун жуда-жуда ноўрин. Ўзингиз тушунасиз-ку.

— Шубҳасиз ноқулай, — қуруққина қилиб деди Жонсон.

Мегдалин унга табассум қилиб кўйди.

— Уҳ, бор гапни айтиб беришим билан елкамни босиб турган оғир тош қулаб тушди. Бу ҳақда эримга оғиз очмайсиз-а? Тўғрими? Мен сизга, сизларга ишонаман.

Мегдалин ҳаммага ёлворувчан назар ташлади-ю, хонадан тез-тез юриб чиқиб кетди.

Полковник Жонсон енгил нафас олди.

— Нима ҳам дердик, — деди у, — шундай бўлган бўлиши мумкин. Бошқа томондан...

— Бундай бўлмаган бўлиши ҳам мумкин, — жумлани тугатди Сагден, — Ҳамма гап шунда. Буни аниқ билмаймиз.

### III

Лидия Ли меҳмонхонанинг четидаги деразада боғ томонга қараб турарди. Гавдасининг ярми оғир дераза пардаси ортида қолган. Қандайдир товуш уни ўгирилиб қарашга мажбур қилди... У эшикда Эржюль Пуарони кўриб чўчиб тушди.

— Мистер Пуаро, мени чўчитиб юбордингиз, — деди у.

— Узр, хоним, менинг юришим шунақа, секин.

— Мен сизни Хорбури деб ўйлабман, — деди Лидия.

Эржюль Пуаро калласини қимирлатди.

— Тўғри, у овоз чиқармай юради... мушукдай... ўғри қадам ташлаб.

У бир зум аёлни кузатиб жимиб қолди.

Унинг юзидан ҳеч қандай маънони уқиб бўлмасди, шундай бўлса ҳам Лидия норози қиёфада деди:

— Бу нусха менга ҳеч қачон ёқмаган. Ундан қутулсам шукр қилардим.

— Унда оқиллона иш қилган бўлардингиз, хоним.

Лидия унга тик қараб тез-тез деди:

— Бу билан нимани назарда тутаясиз? Унинг қилган бирон ножўя ишини биласизми?

— Бу одам бировларнинг сирларини билиб олиб, хонаси келганда ундан фойдаланади.

— Тахминингизча, у... қотиллик хусусида бирон нимани биладими? — қатъий қилиб сўради Лидия.

Пуаро елкасини қисиб жавоб берди:

— У пусиб юради, қулоғи эса динг. Бирон гапни эшитиб олади-ю, нималигини ҳеч кимга ёрилмайди.

Лидия очиқ-ойдин қилиб деди:

— У биронга мизни кўрқитиб, товламачилик қилиши мумкин деб ўйлайсизми?

— Эҳтимолдан холи эмас. Лекин мен бу ерга сиз билан бошқа нарса хусусида гаплашмоқчи бўлиб келгандим.

— Нима хусусда гаплашмоқчийдингиз?

— Мен мистер Альфред Ли билан гаплашган эдим, — деди аста Пуаро. — У бир таклиф киритди. Унинг таклифини қабул қилайми ё рад этайми деб, сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим. Лекин сизни кўриб ҳайратдан қотиб қолдим. Тўқ қизил пардага мос устингиздаги жемпер сизга шундай ярашиб тушибдики, бир хуснингизга ўн хусн қўшилиб гўзал тортиб кетибсиз.

Лидия жиддий қилиб деди:

— Бўпти, мистер Пуаро, ҳозир хушомаднинг ўрни эмас.

— Узр, хоним. Инглиз аёллари кийим кийганда унинг ярашган-ярашмаганига эътибор қилишмайди. Мен сизни илк бор кўрган оқшомда кийган кўйлагингиз, гарчи унинг гуллари одми бўлса-да, жуда нафис ва бежирим эди.

Лидия бетоқат деди:

— Хўш, мен билан нима ҳақда гаплашмоқчи эдингиз?

Пуаро жиддий тусга кирди.

— Гап бундай, хоним. Эрингиз тергов билан жиддий шуғулланишимни хоҳлаяпти. У мени шу ерда қолиб ҳақиқатни юзага чиқаришим учун ҳамма имкониятни ишга солишни талаб қиляпти.

Лидия:

— Хўш, нима бўпти? — деди тутилиб.

— Мен уй бекаси қўллаб-қувватламаётган таклифни қабул қилишни хоҳламаган бўлардим, — деди Пуаро вазминлик билан.

— Табиийки, мен эримнинг таклифини ёқлайман, — деди Лидия совуққина қилиб.

— Ҳа, хоним. Мен бошқа нарсаларни билмоқчи эдим. Сиз ростдан ҳам шу ерда қолишимни хоҳлайсизми?

— Нега хоҳламас эканман?

— Келинг, унда очиқчасига гаплашиб олайлик. Мен шуни билмоқчиман: сиз ҳақиқат юзага чиқишини хоҳлайсизми, йўқми?

— Табиий, хоҳлайман.

Пуаро хўрсинди.

— Сиз сўроқда мужмал ва ноаниқ жавоб берсам ҳам бўлаверди, деб ҳисоблайсизми?

— Мен гапга нўноқ аёлман, — жавоб берди Лидия.

У шундай деди-ю, иккиланиб тилини тишлаб қолди.

— Унда, келинг, очиқчасига гаплаша қолайлик. Мен сизни тушунаман. Вазият чигал. Қайнатам ваҳшийларча ўлдирилган. Агар қилинган ўғирлик ва қотиллик аниқ шубҳа остига олинаётган одамга, яъни Хорбури бўйнига қўйилмаса, — афтидан, бунинг иложи йўқ, — унда қотилликни амалга оширган одам, албатта, Симеон Лининг оила аъзоларидан бири бўлиб чиқиши аниқ. Ҳа, гап шунга бориб тақалади. Бу одамни ушлаб судга топшириш эса, бутун оиламиз шаънига тавқи лаънат бўлиб тушади... Тўғриси айтсам, бундай бўлиб чиқишини сираям истамаган бўлардим.

— Қотил ўз жазосини олмасдан ғойиб бўлишини истайсизми? — деб сўради Пуаро.

— Жаҳонда қанчадан-қанча мудҳиш қотилликлар очилмай, ёпиғлигича қолиб кетмоқда.

— Бу борада сиз ҳақсиз.

— Шулардан биттаси очилмаса осмон узилиб ерга тушармиди?

— Бошқа оила аъзолари нима бўлади? — сўради Пуаро. — Яъни бегуноҳлари?

— Уларга нима бўларди?

— Биласизми, сиз ўйлаганчалик бўлиб чиққан тақдирда, ҳеч ким ҳеч қачон ҳақиқатнинг тагига етолмай юраверарди, унда охири нима бўлади? Гумон, шубҳа ҳаммага баравар тушади-ку.

Лидия шубҳаланиб:

— Бу ёғини ўйлаб кўрмабман, — деди.

— Оилангизнинг бирон-бир аъзоси ҳеч қачон ким қотиллигини билмай юраверди, — деди Пуаро ва кейин юмшоқ қўшиб қўйди. — Узингиз қотилнинг ким эканлигини билмайсизми, хоним?

У деярли саннаб юборди:

— Менга бундай деёлмайсиз! Ёлғон! О! Қани энди бу оиламиз аъзоларидан бири эмас, бегона одам бўлиб чиқса!

— Ундоғ ҳам, бундоғ ҳам бўлиши мумкин, — деди Пуаро.

Лидия унга ажабланиб қаради.

— Буни қандай тушунса бўлади?

— Бу одам оила аъзоларингиздан бири ҳам ёки бегона ҳам бўлиши мумкин.

Нимани назарда тутаётганимни тушунмаяпсизми?! Билиб қўйинг, Эркюль Пуаронинг калласига худди мана шу фикр келган эди.

У Лидияга қаради.

— Хуллас, хоним, мен мистер Лига нима деб жавоб беришим керак?

Лидия қўлини кўтариб бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин қўли ҳолсизланганча шилқ этиб ёнига тушди.

— Албатта, сиз унинг фикрига розилик билдиришингиз керак, — деди Лидия.

#### IV

Пилар мусиқа хонасининг ўртасида турарди. У биров хужум қилишидан кўрққан хуркак охудай турган жойида атрофига олазарак аланларди.

— Бу ердан кетгим келаяпти, — деди у.

Стивен Фарр мулойимлик билан жавоб берди:

— Кетгиси келаётган битта сиз эмассиз. Азизам, улар бизнинг кетишимизга рухсат беришмайди.

— Ким — полициями?

— Ҳа.

— Полицияга ишинг тушмасин, — деди жиддий қилиб Пилар. — Баобрў одамларнинг уларга куни қолмасин.

Стивен ним табассум билан сўради:

— Ўзингизни назарда тутяпсизми?

— Йўқ, — деб жавоб берди Пилар. — Мен Альфред билан Лидияни, Дэвидниям, Жоржниям, Хилданиям... яна Мегдалиниям назарда тутяпман.

Стивен сигарета тутатди. Бир дақиқа чекиб турди-да, кейин:

— Нега баъзи-бировни бундан мустасно қиляпсиз? — деди.

— Бу нима деганингиз?

— Нега Харрини улар қаторига қўшмаяпсиз?

Пилар тишларининг оқини кўрсатиб кулиб юборди.

— О, Харри бошқа одам! Менимча, у полицияга тушиш нима эканлигини жуда яхши билади.

— Балки, сиз ҳақдирсиз. У оила аъзоларингиз ичида ўзини энг гўзал, одобли тутадиган одам, — деди Стивен, кейин сўради: — Инглиз қариндош-уруғларингиз сизга ёқадими, Пилар?

Пилар қатъиятсизлик билан жавоб берди:

— Улар жуда олийжаноб, ҳаммаси меҳрибон одамлар. Лекин кулги, хушчақчақлик нима эканлигини билишмас экан.

— Азизам, ахир қотиллик рўй бериб турибди-ку, ўйин-кулги қандай қилиб кўнгилларига сиғсин?

— Ҳ-ҳа, — деди ноқулай аҳволга тушиб Пилар.

— Қотиллик, — уқтирди Стивен. — Ҳар қуни бўлиб турадиган ва сиз ўйлаганчалик оддий ҳодиса эмас. Испанияда гарҷанд бунга бошқача қарашса ҳам, Англияда жиддий муносабатда бўлишади.

— Сиз менинг устимдан куляпсиз, шекилли... — деди Пилар.

— Адашяпсиз, — жавоб берди Стивен. — Мен, умуман, куладиган ҳолатда эмасман.

Пилар унга бир қаради-ю, шундай деди:

— Чунки сиз ҳам бу ердан тезроқ йўқолишни хоҳлаб турибсиз.

— Тўғри.

— Анави чиройли катта полициячи сизни қўйвормайдими?

— Мен буни ундан сўраганим йўқ. Сўраган тақдиримда ҳам менга рухсат бермаган бўларди. Пилар, мен ҳар бир қадамимни ўйлаб босишим керак, ҳа-ҳа, жуда эҳтиёткорлик билан.

— Бу одамни толиқтириб қўяди, — деди Пилар бош ирғаб.

— Ҳа, азизам, ундан ҳам баттар деяверинг. Бунинг устига бу ерда анави ақли паст чет эллик доғули танда қўйиб олган. Мен ундан бирон гап чиқади, деб ўйлайман, лекин ҳар бир ҳаракати асабимга тегяпти.

Пилар қовоғини солиб олди.

— Бобом жудаям бой бўлган экан-а, тўғрими? — сўради Пилар.

— Шунақа бўлса керак.

— Энди унинг бойлиги кимга қолади? Альфред билан бошқаларгами?

— Бу унинг васиятномасига боғлиқ.

— Жиндай бўлсаям менга пул қолдирган бўлиши мумкин, лекин бундай қилмаган деган шубҳам бор.

Стивен мулоимлик билан деди:

— Ўзингиз ҳақингизда кўнглингиз тўқ бўлсин. Сиз ҳам ахир оила аъзосисиз. Шу оилага дахлдорсиз. Улар ҳолингиздан хабар олиб туришади.

— Мен шу оилага дахлдорман, — деди Пилар хўрсиниб. — Лекин бу жуда кулгили. Шу билан бирга, унчалик кулгили ҳам эмас.

— Тушунишимча, сиз буни унчалик кулгили деб ҳам билмаяпсиз.

Пилар яна хўрсинди.

— Нима дейсиз, ҳозир граммафонни қўйсак-да, рақс тушсак бўладими? — деди у.

Стивен бунга шубҳа билан жавоб берди.

— Бу унчалик жўяли иш бўлмайди. Шадлод испан гўзали, унутманг, уйда мотам.

Пилар шаҳю кўзларини янаям каттароқ очиб деди:

— Нима қилай, юрагимда мотам ҳиссини туймаяпман-ку. Гарчи бобом билан суҳбатлашиш қанчалик мароқли бўлмасин, унинг қандай одам эканлигини мулақо билмайман. Бобом ўлгани учун умуман кўзимга ёш келмаяпти, ўзимни азадор деб ҳам ҳис қилмаяпман. Ёлғондан у-бу қилишим бемаънилик бўларди.

— Зўрсиз-да, — деди Стивен.

Пилар уни кўндиришга ҳаракат қила бошлади.

— Граммофонга қўлқоп, пайпоқ ёпиб қўйиб рақс тушишимиз мумкин. Ундан овоз чиқмайди, биров ҳам эшитмайди.

— Кетдик унда, асал қиз, охири кўндирдингиз.

Пилар шарақлаб кулиб юборди-ю, уйнинг тўридаги рақс майдончасига югуриб кетди. Боққа олиб чиқадиган ён йўлакка етиб борди-ю, тўхтаб қотиб қолди. Стивен ҳам етиб келиб, уям таққа тўхтади.

Эркюль Пуаро деворда осиеглиқ турган портретни олиб уни айвондан тушиб турган ёруғликка солиб нимасинидир текширарди. Кейин бошини кўтариб уларни кўрди.

— А-ҳа! — деб юборди у. — Ўз вақтида етиб келдингизлар.

— Нима қилиясиз уни? — сўради Пилар.

У Пуаронинг ёнига келди.

Пуаро жиддий қилиб:

— Мен муҳим бир нарсани ўрганияпман. Бунда Симеон Лининг ёшлик чоғлари тасвирланган, — деди.

— О, бу бобомми?

— Ҳа, мадемуазель.

Пилар бобосининг ёшлиги чизилган расмига диққат билан тикилди. Кейин аста деди:

— Жуда катта фарқи бор-а... Мутлақо ўзгариб кетган. Бобом ҳозир мункиллаб, чўп бўлиб қолганди. Бу ерда худди Харрига ўхшайди, Харрининг ўн йил аввалги ҳолатининг қуйиб қўйгандек ўзи.

Эркюль Пуаро бошини қимирлатди.

— Ҳа, мадемуазель. Харри Ли ҳақиқатан ҳам ота ўғил. Ана энди бу ёққа юринг, — у Пиларни ойнаванд айвондан бошлаб кетди. — Хоним, мана бу юзлари чўзиқ, сочлари малла, мунчокдек кўк кўзлари ёқимли бўлган бу аёл бувингиз бўлади.

Пилар:

— Худди Дэвидга ўхшаркан, — деди.

Стивен:

— Альфредга ҳам ўхшаб кетади, — деб қўйди.

— Ирсият — наслдан-наслга ўтиш жуда ғалати нарса-да, — деди Пуаро. — Мистер Ли билан унинг хотини табиатан бир-бирига мутлақо тескари одамлар бўлишган. Бунақа никоҳдан туғилган болалар кўп ҳолларда онага тортади. Мана бунга қаранг, мадемуазель.



У тилларанг сочли, ўн тўққиз ёшлардаги феруза кўзлари кулиб турган қизга ишора қилди. Ранги Симеон Лининг расмдаги хотини рангига қуйиб кўйгандек ўхшаш. Лекин бу қизда ўзига хос ўжар табиат, жўшқинлик бор эдики, буни унинг кўм-кўк кичик кўзларидан, мулойим қиёфасидан ҳеч қачон илғаб олиш мумкин эмасди.

— О! — ҳайқириб юборди Пилар.

Унинг юзига қон тепди. Бўйнидаги тилла занжирли медальонни кўлига илди. Кейин унинг тугмасини босган эди, қопқоғи очилиб кетди. Медальоннинг ичида худди ўша сурат Пуарога боқиб турарди.

— Менинг онам, — деди Пилар.

Пуаро бошини қимирлатди. Медальоннинг бошқа томонида йигит кишининг сурати бор эди. У ёш, чиройли сочлари қоп-қора, кўзлари кўк эди.

— Отангизми? — сўради Пуаро.

— Ҳа, отам, — деди Пилар. — Жуда чиройли, а?

— Ҳа, ростданам чиройли. Ҳамма испан йигитларининг ҳам кўзлари кўк бўлавермайди, тўғрими, сеньорита.

— Шимолий томонларда учраб турарди. Ундан ташқари, отамнинг отаси ирланд бўлган.

Пуаро ўйланқираб деди:

— Демак, испан қонингизга ирланд, инглиз ва жиндай лўли қони ҳам аралашган экан-да. Бунақа аралаш қонга эга бўлган одамдан кўркқулик.

Стивен кулиб гапга аралашди.

— Эсингиздами, Пилар, поездда нима дегандингиз? Агар менинг душманам бўлса, тап тортмай сўйиб ташлайман, дегандингиз. О!

У ҳозирги вазиятда бу гапдан бошқа маънолар келиб чиқиши мумкинлигини ўйлаб, тилини тишлаб қолди.

Эржюль Пуаро дарров суҳбат мавзуини бошқа томонга буриб юборди.

— Ҳа, сеньорита, — деди у. — Сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Паспортигизни олинг. Бу менинг дўстимга, катта инспекторга керак. Биласизми, полициянинг қонун-қоидалари жуда бемаъни, одамни жонидан тўйдириб юборади. Лекин бу ердаги хорижликлар учун жуда муҳим. Қонун бўйича сиз бу ерда хорижлик ҳисобланасиз.

Пилар қошини кўтариб.

— Паспортиمنى берайми? Марҳамат, ҳозир олиб келаман. Хонамда қолибди, — деди.

Пуаро унинг ёнида бирга бораркан, узр сўраган оҳангда деди:

— Тўғриси, сизни безовта қилиш менга ноқулай. Ҳа, шундай.

Улар узун йўлакнинг охиригача боришди. Шу ердан юқори қават зинаси бошланарди. Пилар зинадан чопиб чиқиб кетди. Пуаро ҳам унинг орқасидан юрди. Стивен улар билан бирга борди. Пиларнинг ётоқхонаси зинапояннинг тепасида эди.

Пилар хона эшиги олдига бориб:

— Ҳозир олиб чиқаман, — деди-ю, хонасига кириб кетди.

Пуаро билан Стивен уни йўлакда кутиб туришди.

Стивен хижолатпазлик билан деди:

— Ҳалиги гапни гапириб тоза қовун туширдим-да. Назаримда, Пилар тушуниб етмади, тўғрими?

Пуаро жавоб бермади. У бирон нимани эшитаётгандай калласини қийшайтириб турди-да, шундай деди:

— Қизик, инглизлар тоза ҳавони жудаям яхши кўришади. Бу нарса, эҳтимол, мисс Эстравадоснинг қонида бордир.

Стивен ажабланиб сўради.

— Нима учун?

Пуаро аста жавоб берди:

— Чунки бугун ҳаво жуда совуқ. Сизлар бунақа ҳавони қировсиз совуқ дейсизлар (кечаги куёшли илиқ ҳавога мутлақо ўхшамайди). Мисс Эстравадос бўлса эндигина деразанинг пастки табақасини очди. Унинг тоза ҳавони бунчалик ёқтириши галати.

Бирдан хонадан испан тилида қаттиқ-қаттиқ ҳаяжонли гаплар эшитилди-ю, хижолатпазлик билан қулганча Пилар чиқиб келди.

— Эҳ! — деди у. — Одам деган ҳам шу қадар анқов бўладими! Кичкина сумкачам дераза рахида турган эди. Шоша-пиша ичини титаётган эдим, пастга тушиб кетди. Хув ана, пастда ётибди. Ҳозир олиб чиқаман.

Стивен, мен олиб чиқа қолай, деган эди, Пилар:

— Йўқ, бу менинг ношудлигим оқибати. Сиз мистер Пуаро билан меҳмонхонага кириб тулинг, паспортни ўша ерга олиб кираман, — деди-ю, лип этиб унинг ёнидан ўтиб кетди.

Стивен Фарр орқасидан тушмоқчи бўлган эди, Пуаро унинг қўлига туртиб қўйиб:

— Бу ёққа юринг, — деди.

Улар йўлак бўйлаб уйнинг охирига, бош зинанинг олдига боришди, Пуаро:

— Бир дақиқа шошманг, пастга тушмай турайлик. Қотиллик содир қилинган хонага кираман, шу ерда сиздан баъзи нарсаларни сўраб олмақчиман, — деди.

Улар Симеон Лининг хонасига олиб борадиган йўлак бўйлаб боришди. Чап томондаги токчада устига чойшаб ташланган викторианча виқор билан иккита забардаст нимфа<sup>1</sup> ҳайкали турарди.

Стивен Фарр уларга қараб минғирлади:

— Кундузи улар жуда кўримсиз бўлишади. Ўша куни оқшомда йўлак бўйлаб югуриб кетаётганимда кўзимга учта кўрингандек бўлди, худога шукур, иккита экан.

— Ҳа, бизнинг замонда улар билан мақтаниб бўлмайди, — тан олди Пуаро. — Лекин бир вақтлар улар катта пул турарди. Менимча, булар кечаси яхши кўринади.

— Ҳа, ялтироқ оқ қиёфалар яхши кўринади.

— Ҳа, кечаси кўрққанга қўша кўринади, — минғирлади Пуаро.

Симеон Лининг хонасида катта инспектор Сагден бор экан. У чўккалаб олганча қўлида заррабин пўлат сандиқни текширарди. Булар кириб келиши билан у бошини кўтарди.

— Пўлат сандиқни, шубҳасиз, кимдир очган, — деди у. — Кимдир кодини билган. Бошқа ҳеч қандай аломат кўрмадим.

Пуаро олдига борди-да, уни бир бурчакка етаклаб бориб, қулоғига ниманидир шивирлади. Катта инспектор калласини ирғаб, хонадан чиқиб кетди.

Пуаро Симеон Ли доим ўтирадиган ўриндиққа тикилиб турган Стивен Фаррга ўтирилди. Фарр қоғоғини солиб олди, унинг чаккасидаги қон томирлари лўқиллаб ура бошлади.

— Хотиралар есга тушдим, дейман-а?

— Бундан икки кун муқаддам шу ерда ўтирган эди, энди эса... — деди секин Стивен.

Кейин ўзига келиб:

— Мистер Пуаро, мени бу ерга бир нимани сўрайман, деб олиб кирган эдингиз, чоғи? — деди.

— Ҳа-ҳа. Менимча, қотиллик содир бўлган оқшом бу ерга биринчи бўлиб этиб келган сиз эдингиз.

— Шунақами? Эсимда йўқ. Назаримда, хонимлардан биронтаси мендан олдин этиб келганди-ёв.

— Қайси хоним?

— Ё Жоржнинг, ё Дэвиднинг хотини. Биламан, улар иккаласи ҳам югуриб кетган эди.

— Назаримда, қичқириқ овозини эшитмадим, дедингиз.

— Менимча, йўқ. Аниқ эслолмайман. Кимдир қаттиқ қичқириб юборди. Бу қичқириқ пастдан эшитилди-ёв.

— Узингиз бунга ўхшаган қичқириқни эшитмаганмидингиз? — сўради Пуаро.

Кейин у калласини орқага ташлаб, тўсатдан қаттиқ бақириб юборди. Унинг бу бақирishi шу қадар қутилмаганда содир бўлдики, Стивен чўчиб ўзини орқага ташлаб йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Кейин жаҳл билан шундай деди:

<sup>1</sup> Н и м ф а — қадимги юнон мифалогиясида табиат кучларни ифодалайдиган илоҳа.

— Худо ҳаққи, бу нима қилиқ, бутун хонадон аҳлининг юрагини ёрмоқчимисиз? Йўқ, ҳеч қанақа овоз эшитганим йўқ. Ҳозир ҳамма нарсани қориштириб юборяпсиз. Бошқалар ҳозир яна бир қотиллик юз берибди деб ўйлайди.

Пуаро гангиб қолди, кейин секин:

— Тўғри, аҳмоқлик қилдим, ҳозирнинг ўзидаёқ кетишим керак, — деди.

У шошиб хонадан чиқиб кетди. Лидия билан Альфред зинапоянинг олдида юқорига қараб туришарди: Жорж кутубхонадан чиқиб уларга кўшилди. Пилар бўлса, кўлида паспортини ушлаганча югуриб келди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч нима, — деди Пуаро. — Хавотир бўлманглар! Мен жиндай тажриба қилиб кўрдим, шу холос.

Альфред кўринишидан таъби тирриқ, Жоржнинг эса жаҳли чиққан эди. Пуаро Стивен буларга тушунтириб турсин деб уни шу ерда қолдирди-ю, ўзи шоша-пиша йўлакнинг нариги тарафига қараб кетди.

Катта инспектор Сагден Пиларнинг хонасидан аста чиқиб келиб Пуаро томон юрди.

— Eh bien!<sup>1</sup> — сўради Пуаро.

Катта инспектор калласини сарак-сарак қилди.

— Ҳеч қандай овоз эшитилмади.

Улар бир-бирини тушуниб қараб олишди, Пуаро ҳам бошини қимирлатиб кўйди.

## V

— Мистер Пуаро, демак сиз розисиз? — деб сўради Альфред Ли. Унинг оғзига олиб борган кўли сал-пал қалтирарди. Беозор кўй кўзларида бесаранжомлик аломатлари ҳукмрон эди. У салгина тугилиб гапирарди. Ёнида индамай турган Лидия эрига хавотирлик билан қаради.

— Сизлар билмайсизлар... Сизлар т-т-тасаввур қилолмайсизлар... б-б-бу мен учун қай даражада оғир эканини, дадамнинг қ-қ-қотили албатта топилиши шарт.

— Буни менга ишониб топширганингиздан кейин бу масала хусусида узоқ ўйладик, — деди Пуаро. — Ҳа, мен бунга розиман. Лекин, биласизми, мистер Ли, энди орқага қайтиш йўқ. Мен табиатан сўз бериб сўзининг устидан чиқмайдиган номард одамлар сирасиданмасман.

— Албатта... албатта. Ҳамма нарса тайёр. Сизга ётоқхона ажратиб кўйилган. Қанча лозим бўлса, шунча тураверинг...

— Бу кўп вақтни талаб қилмайди, — деди жиддий қилиб Пуаро.

— Ростдан-а? Қанақасига?

— Мен, буни очиш кўп вақтни олмайди, демоқчиман. Жиноят шундай бир тор доирада содир бўлганки, ҳақиқатни очиш узоқ вақтга чўзилиши гумон. Қотил топилишига оз қолди деб ўйлайман.

Альфред кўз узмасдан унга қараб турарди.

— Фалати! — ҳайқириб юборди у.

— Унақамас. Ҳамма далиллар у ё бу даражада аниқ бир йўналишни кўрсатиб турибди. Фақат йўлни тўғри белгилаб олиш учун баъзи кераксиз нарсаларни олиб ташлаш керак, холос.

Альфред ишонқирамай сўради:

— Қотилни билдим демоқчимисиз?

Пуаро кулиб кўйди.

— О, ҳа, — деди у, — биламан.

— Менинг дадам... Дадажоним... — Альфред шундай деб гап бошлади-ю, томоғига бир нарса тиқилиб орқасини ўгириб олди.

Пуаро ишнинг кўзини биладиган одамлардай деди:

— Сизга иккита саволим бор, мистер Ли.

— Бажонидил.

<sup>1</sup> Хўш, қалай? (Фр.).

— Унда, аввало, сиз менга меҳмоннавозлик билан топширган ётоқхонага мистер Лининг ёшлиқдаги портретини илиб қўйсангиз.

Альфред билан Лидия ҳайрон бўлиб бараварига унга қарашди.

— Отамнинг портретиними? Нимага? — сўради Альфред.

Пуаро қўлини силкиди.

— У, дейиш мумкинки, менга илҳом беради.

— Нима бу, мистер Пуаро, сиз жиноятни фол кўриб очмоқчимисиз?

— Тўғриси айтсам, хоним, фақат кўрув органи бўлган кўз билангина эмас, ақл кўзи билан ҳам кўришни мўлжаллаб турибман.

Лидия елка қисди.

Пуаро давом этди:

— Ундан кейин, мистер Ли. Синглингизнинг эри Хуан Эстравадос ўлимнинг ҳақиқий тафсилотларини ҳам билишни хоҳлайман.

— Бу жуда зарурми? — сўради Лидия.

— Менга ҳамма далиллар керак, хоним.

— Хуан Эстравадос, — деди Альфред, — қаҳвахонада аёлни деб тўполон кўтарган-у, бир кишини ўлдириб қўйган.

— Уни қандай қилиб ўлдирган?

Альфред Лидияга ёлборувчан назар билан қаради. Лидия хотиржамлик билан жавоб берди:

— Пичоқ урган. Хуан Эстравадос ўлимга ҳукм қилинмаган. Чунки уни гиж-гижлашган эди. Лекин у узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилинган, кейин қамоқхонада вафот этган.

— Қизи буларни биладими?

— Менимча, йўқ.

— Йўқ, Женнифер бу ҳақда қизига ҳеч қачон гапирмаган, — деди Альфред.

— Миннатдорман.

— Сиз, Пиларни... — деди Лидия. — Йўқ, бу мумкин эмас.

— Энди мистер Ли, марҳамат қилиб, укангиз Харри Лига тааллуқли бўлган айрим далиллар билан таништирсангиз, — деди Пуаро.

— Нимани билмоқчисиз?

— Менга маълум бўлишича, у оилангизни оёқости қилган экан. Нима учун?

— Бунга қўп вақтлар бўлган... — деди Лидия.

— Пуаро, агар билгингиз келаётган бўлса, — деди Альфред, унинг юзлари қизариб кетди. — Харри чекка отамнинг имзосини қўйиб катта пул олган. Тўғри, дадам жанжал кўтармай босди-босди қилиб юборган. Харри бир умр оилада харомхўр бўлиб яшади. У қаерга борса жанжал-тўполонларга аралашиб юради, навбатдаги бебошлиқдан қутулиб олиш учун пул сўраб телеграмма жўнатгани-жўнатган эди. У дуч келган жойда гоҳ турмага тушарди, гоҳ оқланиб чиқарди.

— Сен бунга аниқ билмайсан-ку, Альфред, — деди Лидия. Альфред жаҳл билан эътироз билдирди, унинг қўллари қалтирарди.

— Харри ярамас, бир тийинга қиммат одам. У шундоқ бўлиб келган.

— Кўриниб турибдики, сиз ака-укалар бир-бирингиз билан ит-мушук экансизлар, шунақами? — сўради Пуаро.

— У дадамни қийнади, қийнаганда ҳам виждонсизларча азобларди, — деди Альфред.

Лидия хўрсинди. Бу жаҳл тез, гапириш учун зўрага ўзини ушлаб турган одамнинг хўрсиниши эди. Пуаро бунга сезиб Лидияга назар ташлади.

— Агар ўша брильянтлар топилиб қола қолса, яхши бўларди, — деди Лидия, — ишончим комил. Ҳаммаси ҳал бўлади.

— Брильянтлар топилган, хоним, — деди Пуаро.

— Нима?

— Улар топилган, — мулоимлик билан деди Пуаро. — Ўлик денгиз тасвирланган боғчада экан...

Лидия ҳайқариб юборди.

— Менинг боғчамда-я? Лекин бу... ақл бовар қилмайди!

Пуаро хотиржамлик билан:

— Нотўғрими, хоним? — деди.

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ. 27 декабр

## I

Альфред Ли хўрсиниб:

— Мен кутгандан ҳам яхши тугади, — деди.

Улар дастлабки терговдан қайтиб келишарди.

Ҳаммага шубҳа билан қарайдиган кўккўз ҳуқуқшунос мистер Чарлтон ҳам дастлабки терговда иштирок этган эди. Энди ҳамма билан бирга эди.

— Айтувдим-ку, тергов юзаки бўлади, деб, — деди у эътиборсизлик билан, — қўшимча маълумотларни йиғиш учун полицияга яна муддат беришади.

Жорж Ли асабийлашиб деди:

— Бу нарса менга ёқмайди, ниҳоят даражада ёқимсиз. Жиноят бир амаллаб уйимизга кириб олган биронта савдойи томонидан амалга оширилган. Бу аниқ. Манави Сагден деганлари эшакдек қайсар. Полковник Жонсон Скотланд-Ярд полициясини ишга солиши керак. Маҳаллий полициянинг қўлидан ҳеч нима келмайди. Масалан, манави Хорбури деганлари. Унинг ўтмиши булганган деб эшитаман. Полиция бўлса, бунга ҳеч қандай чора кўрмайди.

Мистер Чарлтон гапга аралашди.

— Ишончим комилки, Хорбурида ҳалиги вақтда нима бўлганлигини аниқ-тиниқ исботлаб берадиган ишончли далил бор. Полиция унинг мана шу далилини эътиборга олган.

— Унда нега бундай қилишди? — ғазабга минди Жорж. — Уларнинг ўрнида мен бўлганимда кўрсатган далилини катта шарт қўйиб инobatга олган бўлардим. Табиий, жиноятчи ўзини оқлаш учун сабаб ахтаради. Полициянинг вазифаси уни фoш қилиш, албатта, агар ўз ишини пухта билса.

— Тўғри-тўғри, — деди мистер Чарлтон. — Менимча, биз полицияга ундоқ эмас, бундоқ ишларнинг керак деб ақл ўргатишимиз керакмас, нима дедингиз? Умуман олганда, у қилни қирқ ёрадиган ташкилот.

Жорж асабийлашиб бошини силкиди.

— Скотленд-Ярд полициясини барибирам жалб қилиш керак. Мен катта инспектор Сагденнинг ишларидан умуман қониқиш ҳосил қилмаяпман. У балки жуда ҳаракатчандир, лекин укуви йўқ.

Мистер Чарлтон эътироз билдирди.

— Фикрингизга қаршиман. Биласизми, Сагден бамаъни йигит. Мақтанмайди, лекин ўз касбининг билимдони.

— Ишончим комилки, — деди Лидия, — полиция қўлидан келадиган ҳамма ишни қилади. Мистер Чарлтон, қиттак отасизми?

Чарлтон мулоимлик билан ташаккур билдирди. Лекин ичкиликни рад этмади. Томоғини хўллаб олгандан кейин ҳамма оила аъзолари жамулжамлигида васиятномани ўқишга тушди. У тушунарсиз ҳуқуқий сўзлар билан тўла васиятномани ўқиркан, бундан ўзи маза қилаётгандек туюларди.

Ҳуқуқшунос ўқиб бўлиб, кўзидан кўзойнагини олди-да, оила аъзоларига савол назари билан қаради.

— Ахир бу оддийгина васиятнома-ку, — деди мистер Чарлтон.

— Ё худойим-эй, унда мураккаби қанақа бўларкин? — деди Харри.

Мистер Чарлтон унга совуқ назар ташлаб деди:

— Васиятноманинг асосига қўйилган талаблар жуда жўн, содда. Мистер Ли бойлигининг ярмини ўғли мистер Лига, қолган ярмини бошқа болаларига тақсимлаган.

Харрига бу гап ёқинқирамай кулиб қўйиб, деди:

— Одатдагидек Альфредга ҳамма нарсада омад кулиб боқади! Отамнинг ярим бойлиги-я! Альфред, бахтинг бор, а?

Альфред пихиллади. Лидия шартта кесди:

— Альфред отасига садоқатли эди. Отасининг энг севимли ўғли эди. Шунча йиллар бутун оғирчиликларни гарданига олиб, унинг ишларини бажариб келди.

— О-ҳа, Альфред отасининг эркатойи, де, — деди Харри.

— Харри, агар отамиз сенгаям бир нима қолдирган бўлса, ўзингни бахтиёр ҳисоблашинг керак, менимча, — деди Альфред жирканиб.

Харри кулиб юборди, кейин бошини кўтариб деди:

— Сен, албатта, отамиз мени бу рўйхатдан ўчириб ташлашини хоҳлардинг, тўғримасми? Мени ҳеч қачон ёқтирмагансан.

Мистер Чарлтонни йўтал тутди: У бунақа кўнгилсиз можароларга сабаб бўлувчи васиятномаларни ўқийвериш жуда кўникиб кетган. Қараса, оилавий жанжал чуқурлашиб кетяпти. Унинг кетгиси келиб қолди.

— Билишимча, э-э... — минғирлади у. — Бу мен сизга билдирмоқчи бўлган ягона... э-э...

Харри қутилмаганда сўраб қолди.

— Пилар нима бўлади?

Мистер Чарлтонни яна йўтал тутди. Бу сафар худди айбдордек:

— Э-э... мисс Эстрадаоснинг номи васиятномада умуман тилга олинмаган, — деди.

— Нима, у онасининг ҳиссасини олмайдими?

Мистер Чарлтон изоҳ берди.

— Агар сенъора Эстрадаос тирик бўлганда ҳаммангиз билан баробар ўз улушини олган бўларди, лекин у оламдан ўтган экан. Унинг ҳиссаси, умумий бойликка қўшилади-да, ҳаммангизга баробар тақсимланади.

Пилар жануб аёлларига хос ёқимли овоз билан аста сўради:

— Демак... мен... менга ҳеч нима тегмас экан-да?

Лидия дарров:

— Азизам, оиламиз аъзолари сени куруқ қўйишмайди, — деди.

— Сен мана шу уйда, Альфреднинг оила аъзоси билан бирга яшашинг мумкин, тўғрими, Альфред? — деди Жорж Ли. — Сен... э, сен бизнинг жиянимизсан, сенга гамхўрлик қилиш бурчимиздир.

— Агар биз билан яшаса, бошимиз кўкка етади, — деди Хилда.

— У ўз улушини олиши керак. Ҳа, у Женниферга тегишли бўлган улушни олиши шарт, — деди Харри.

Мистер Чарлтон:

— Олиши керак. Э-ҳа, кетишим керак. Хайр, миссис Ли, мабодо бирон нимада ёрдамим керак бўлиб қолса...э... мен билан истаган вақтингизда маслаҳатлашинг, — деди.

У шундай деб тез-тез юриб чиқиб кетди. У бундай оилавий тўполонлар нимага олиб келишини тажрибадан яхши биларди.

Эшик ёпилиши билан Лидия ўзига хос тиниқ овоз билан шундай деди:

— Харрининг фикрига қўшиламан. Пилар маълум бир улушга эга бўлишга ҳаққи бор. Васиятнома Женнифер вафот қилишдан анча илгари расмийлаштирилган.

— Сафсата бу, — деди Жорж. — Лидиянинг фикрлари ҳеч қандай юридик ҳуқуққа ва асосга эга эмас. Қонун бор. Унга риоя қилиш керак.

— Албатта, Пилар, омадинг чопмапти, — қувватлади Жоржнинг гапини Мегдалин. — Ҳаммамиз ҳам сенга ачинамиз, Пилар. Лекин Жорж ҳақ. Қонунга риоя қилиш керак.

Лидия ўрнидан туриб Пиларнинг қўлидан ушлади.

— Азизам, — деди у, — бу гаплар сенга кўнгилсиз туюлиши мумкин. Бу муаммони ҳал қилишни ўзимизга қўйиб бер.

У қизни эшикка етаклади.

— Ташвишланма, Пилар. Азизам, буни менга қўйиб бер.

Пилар аста юриб ташқарига чиқди. Лидия эшикни ёпиб орқасига қайтди.

Ҳамма ўзларига келиб олгунча ўртага озгина сукунат чўкди. Орадан бирмунча вақт ўтиб оилавий можаро авжига чиқди.

— Жорж, сен умр бўйи ўтакетган хасис, тошбағир бўлиб келгансан, — деди Харри.

— Нима десанг деявер, лекин ҳеч қачон текинхўр ва аблаҳ бўлмаганман, — унинг гапини бўлди Жорж.

— Сен худди менга ўхшаб текинхўр бўлгансан! Шунча йилдан буён отамнинг ҳисобига яшаб келяпсан.

— Сен, афтидан, ниҳоятда жиддий ёндашишни тақозо этадиган масъул вазифани бажараётганимни унутгансан, шекилли.

— Нима экан у “жиддий ёндашадиган” масъул вазифа? — деди Харри, — сен бориб турган мақтанчоқсан, холос.

Мегдалин қичқириб юборди:

— Қандай ҳадинг сигди бундай дейишга?

Хилда сал овозини кўтариб, лекин хотиржамлик билан:

— Наҳотки биз бу нарсани тинчгина ҳал қилолмасак? — деди.

Лидия миннатдорчилик билдириб унга назар ташлаб қўйди.

Дэвид кутилмаганда кескин қилиб деди:

— Пул деб шу қадар паст кетамизми, а?

Мегдалин унга заҳархандалик билан жавоб берди:

— Қани энди бу ташвишлардан йироқ бўлсак. Мерос сифатида тегадиган улушингдан воз кечмоқчи эмассан, тўғрими? Сен ҳам бизга ўхшаб бойликни эгаллашга ошиқяпсан. Ўзингни сахий кўрсатишинг йўлига, холос.

Дэвид бўғиқ овоз билан деди.

— Нима, ўз улушимдан воз кечишим шартми? Менимча...

Хилда унинг сўзини бўлди:

— Воз кечмаслигинг керак, албатта. Наҳотки, биз ҳаммамиз ўзимизни ёш болалардай тутсак, Альфред. Сен оила бошлиғисан...

Альфред гўё уйқудан уйғонгандай бўлди.

— Кечирасан, ҳаммангиз бараварига қичқирияпсиз. Бу ... миям қотиб кетди.

— Хилда тўғри айтди. Ҳаммамиз ўзимизни бир нарса талашган очкўз болалардай тутишимиз керакми? — деди Лидия.

— Келинглр, мияни бир жойга қўйиб хотиржам ҳал қилайлик. Альфред оиланинг катта ўли сифатида фикрини айтсин. Хўш, Альфред, Пилар масаласида қандай фикрга келишимиз керак.

— Пилар, албатта, шу уйда қўним топиши шарт, — аста деди у. — Биз унга ўз улушимиздан оз-оз ажратишимиз лозим. Онаси олиши мумкин бўлган пулга унинг қонуний ҳаққи бор деб ўйламайман. Ўйлаб кўринглр, у Лилардан эмас-ку. Пилар — испан фуқароси.

— Ҳа, расман унинг қонуний ҳаққи йўқ, — деди Лидия. — Лекин бунга маънавий ҳаққи бор деб ўйлайман. Билишимча, отанг қизи унинг хоҳишига қарама-қарши ўлароқ испан йигитига турмушга чиққани билан меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум қилгани йўқ-ку. Жорж, Харри, Дэвид билан Женнифер баравар улуш олиши керак эди. Женнифер ўтган йили вафот этди. Ишончим комил, отамиз мистер Чарлтонга янгидан васиятнома ёздирганда, албатта Пиларни назардан четда қолдирмаган бўларди. Жуда бўлмаганда Женнифернинг улушини ажратарди. Эҳтимол, бундан ҳам кўпроқ ажратарди. Чунки, унутманглр, Пилар унинг яккаю ягона невараси. Унга озроқ бўлса ҳам улуш ажратсак, адолатни рўёбга чиқарган бўламиз, деб ўйлайман. Бу билан оталарингизнинг руҳини шод қилган бўласизлар.

— Топиб гапирдинг, Лидия, — деди Альфред. — Мен нотўғри гапирган эканман. Фикрингга қўшиламан. Пилар отамиз томонидан Женниферга ажратилган улушни олиши керак.

— Гапир, Харри, — деди Лидия.

— Менинг фикрим ўзларингизга маълум, розиман, — деди Харри. — Менимча, Лидия вазиятни жуда тўғри изоҳлаб берди. Унга қойилман.

— Жорж, — Лидия унга мурожаат қилди.

Жоржнинг юзи ёниб кетди. У оғзидан қўлик сочиб гапга тушди:

— Албатта, бериш керак! Уни четда қолдириш бориб турган тентаклик. Унга бошпана ва кийим-кечак олиш учун дурустгина пул беринглр. Шунинг ўзи етарли!

— Демак, сен қаршисан-а? — сўради Альфред.

— Ҳа, қаршиман.

— У мутлақо ҳақ, — деди Мегдалин. Бунақа нарсаларни таклиф қилиш бориб турган бемазаликдан бошқа нарса эмас. Жорж оилада у-бу билан шуғулланиб юрган яккаю ягона фарзанд. Шунинг учун отасининг унга кам маблағ қолдиргани — шармандалик.

— Дэвид, сен-чи? — Лидия фикр сўрашда давом этди.

Дэвид мужмалроқ қилиб деди:

— О, менимча, ҳаммамиз ҳақмиз. Мана шуниси ёмонки, оила аъзолари пул деб сан-манга бориб ўтиришибди.

— Сен мутлақо ҳақсан, Лидия. Бу ерда фақат адолат тантана қилиши керак, — деди Хилда.

— Демак, ҳаммаси ойдин бўлди. Оила аъзоларидан Альфред, Дэвид ва мен улуш берилсин деган таклифни маъқуллаймиз. Жорж бунга қарши. Кўпчилик таклифга рози.

— Бу ерда “рози”лар ва “қарши”лар ҳақида ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин эмас. — Жиддий эътироз билдирди Жорж. — Отамдан менга мерос бўлиб ўтган улуш фақатгина меники бўлиши керак. Бундан бир тийининиям бировга бермайман.

— Ҳеч қачон, — қўшимча қилди Мегдалин.

— Агар бундай савоб ишдан ўзингни четга олсанг, бу сенинг ишинг. Бизлар ўз улушингни тўла берамиз, — газабланиб деди Лидия.

У бошқаларга бир-бир қараб чиқди. Ҳамма Лидиянинг гапини маъқуллаб каллаларини қимирлатиб қўйишди.

— Альфеднинг улуши жуда катта. У ҳамма катта харажатларни қоплаши керак, — деди Харри.

— Кўриб турибманки, аввалги беғараз таклифларингизни яна бошқатдан муҳокама қиладиганга ўхшаб қолдик.

Хилда қатъий қилиб деди:

— Келинлар, яна бошидан тушмайлик! Лидия Пиларга масалани ҳал қилдик деб айтади. Қолган майда-чуйда гапларни кейин гаплашамиз. — У суҳбатни бошқа мавзуга буриб юбориш умидида қўшиб қўйди: — Қизик, мистер Фарр билан мистер Пуаро қаёққа гойиб бўлдийкин?

— Пуарони дастлабки терговни бошлаш учун йўлда қишлоққа ташлаб келдик, — деди Альфред. — Айтишича, зарур бир нарсани сотиб олмоқчи экан.

— Нега у терговга бормади? — деб сўради Харри. — Менимча, терговда бўлиши керак эди-ку.

— Эҳтимол, у бу ерда бирон-бир муҳим нарса йўқлигини билгандир, — деди Лидия. — Ким анави, боғда юрган, катта инспектор Сагденми ёки мистер Фаррми?

Икки аёлнинг зўр бериб қилган ҳаракатлари зое кетмади. Оилавий йиғин тугади.

Лидия Хилдага мурожаат қилиб шундай деди:

— Сенинг шарофатинг билан йиғин кўнгилдагидай яқунланди. Хилда, мени кўллаб-қувватлаганинг жуда яхши бўлди. Умуман, сен ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапни толиб гапирасан-да.

Хилда ўйланқираб туриб деди:

— Қизик, пул деб ҳаммаси ўлиб-тирилишади-я.

Бошқалар хонадан чиқиб кетишди. Икки аёл ёлғиз қолишди.

— Ҳа, ҳатто Харриям қарши бўлишига бир баҳя қолди-я. Ахир бу таклиф унинг ўзидан чиққан эди-ку. Шўрлик Альфредимни қара, у ҳақиқий инглизнинг тимсоли: Лининг пули испан фуқаросининг қўлига тушишини тасаввурига сиздиролмаяпти.

Хилда кулиб туриб деди:

— Назаримда, биз улардан каммизми?

Лидия кенг елкасини қисиб қўйди.

— Гапнинг индаллосини айтганда, бу ахир бизнинг пулимиз эмас-ку, яъни шахсий пулимиз демоқчиман. Бунинг катта фарқи бор.

— Пилар жуда ғалати қиз-да, — деди Хилда ўйланқираб. — Қизик, ким бўларкан катта бўлганда?

Лидия хўрсинди.

— Унинг мустақил ҳаёт кечирганидан хурсандман. Назаримда, шу ерда яшаб фақат кийим-кечагига пул олиб турса, бу уни ҳечам қониқтирмаса керак. У мағрур бўлгандаям ўтакетган димоғдор, лекин барибир бизга бегона.

Кейин ўйлаб туриб қўшиб қўйди:

— Бир куни мен Мисрдан жуда чиройли ложувард мунчоқ олиб келгандим. Кувёшда ял-ял ёнарди. Қум тархида сеҳрли бўлиб қўм-қўк тусда товланарди.



Уйга келганимдан кейин қарасам, кўк бўлиб товланиши деярли сезилмай қолди. Оддий бир тизим хира маржон бўлди-қўйди.

— Ҳа, тушунаман, — деди Хилда.

— Охир-оқибат сен билан Дэвидни тушунганимдан хурсандман, — деди Лидия мулоимлик билан. — Сиз иккалангиз шу ерда бўлганингиз мени қувонтиради.

— Сўнгги кунларда тез-тез бу ердан кетсакмикан деган ҳаёлга боравердим. — Хўрсинди Лидия.

— Биламан, кўнглингга келган гапларни тушунаман... Биласанми, Хилда. Дэвид ёмон каловланиб қолди. У бундан ҳам баттар аҳволга тушиши мумкин эди. У шу қадар таъсирчанки, ҳатто мувозанатдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Аслида, қотиллик содир бўлгандан кейин бирмунча ўзига келиб қолди...

Хилда бироз ташвишманд эди. Кейин:

— Демак, бунга сезибсан-да? Маълум маънода бу даҳшатли. Лидия, шубҳасиз, бу шундай.

У бир зум тўхтаб кеча кечқурунги эрининг гапларини эслади. Эри пешонасига тушиб турган малла сочларини орқасига ташлаб ҳаяжонланганча шундай деган эди:

— Хилда, эсингдами, “Қайғу”да Скарпца ўлгандан кейин Қайғу унинг боши ва оёқлари олдида шам ёқиб: “Энди мен сени кечирдим”, деган эди. Мен ҳам отам борасида ана шу туйғуни ҳис қилмоқдаман. Биламан, мен шунча йиллар мобайнида уни кечиролмагандим. Аслида эса гиналаримни унутгим келиб юрарди. Лекин энди унга нисбатан қалбимда заррача ҳам қаҳрим қолгани йўқ. Ҳаммаси ғойиб бўлиб кетди. Елкамдан оғир тош ағдарилиб тушганга ўхшайди.

У туйқусдан пайдо бўлган кўркувни енгил учун:

— Ўлгани учун шундай бўлганмикин? — деб қўйди.

Эри шоша-пиша жавоб берди:

— Йўқ-йўқ, сен бунга тушунмайсан. Отам ўлгани учун эмас, балки унга нисбатан бўлган болаларча нафратим ниҳоясига етди...

Хилда ҳозир эрининг шу сўзларини эслаб ўтирарди...

Лидия ёнида турган аёлга бунга айтиб бермоқчи бўлди. Лекин ғайришуурий равишда айтмаганим маъқул деб, индамай қўя қолди.

Хилда Лидиянинг кетидан даҳлизга чиқди.

У ерда кичкина стол олдида қўлида тугунча ушлаганча Мегдалини турарди. Мегдалини уларни кўриб чўчиб тушди-ю:

— О, бу мистер Пуаро харид қилган зарур нарса бўлса керак, — деди. — Бу тугунчани ҳозиргина шу ерга қўйиб кетди. Қизик, ичида нима борикин?

У иккала аёлга хихилаб бир-бир қараб чиқди, лекин ҳаяжондан қўллари ўйнар, ёлғондан ўзини хурсанддек кўрсатаётганини, зўраки табассумни яшира олмаётган эди.

Лидия қошини чимириб деди:

— Бориб боғчадаги майда-чуйда ишларни битириб қўяй.

Мегдалини ўзини болаларча гўлликка солаётган бўлса ҳам тугунчани очиб кўришга бўлаётган иштиёқни шундоққина билиниб турарди.

— Очиб кўрсам майлими? — деди у.

У тугунчага қўлини тикиб ундаги нарсани қўлига олди-ю, ҳайратдан қичқириб юборди.

Лидия кетаётган жойида тўхтаб қолди, Лидия ҳам. Иккала аёл нималигига тушунмай қараб қолишди. Мегдалини саросимага тушиб: — Сохта мўйлаблар... лекин бу нимага керак бўлиб қолибди, — деди.

Хилда қатъиятсизлик билан:

— Ниқобми? Лекин... — деди.

Лидия унинг фикрини давом эттириб қўйди.

— Лекин мистер Пуаронинг мўйлови ўзи чиройли. — Мегдалини мўйловни жойига солиб халтачани ўраб қўйди.

— Тушунмадим... Бу ... билмадим, қандайдир бемаънилик. Мистер Пуарога сохта мўйлов сотиб олиш нега керак бўлиб қолибди?

## II

Пилар меҳмонхонадан чиқиб, аста даҳлиз томон юрди. Стивен Фарр бўлса, бу вақтда боғдан даҳлизга кириб кетди.

— Хўш? Оилавий йиғилиш тугадими? Васиятнома ўқиб берилдими?

Пилар ҳаяжонланиб жавоб берди:

— Менга ҳеч нима тегмади, бир пақир ҳам. Васиятнома бир неча йил муқаддам битилган экан. Бобом онамга улуш қолдирибди. Лекин онам оламдан ўтгани боис, унинг улуши акаларига тегаркан.

— Омадингиз юришмабди, — деди Стивен.

— Бобом тирик бўлганда васиятномани бошқатдан қилган бўларди. Унда менгаям қолдирарди, қолдиргандаям жуда кўп пул қолдирарди. Балки кейинроқ бутун пулларини менга қолдирган бўларди.

— Бу ҳам унчалик адолат тарозисига тўғри келмаган бўларди, шундайми? — деди Стивен кулиб.

— Нега нотўғри бўларкан? Чунки у ҳаммадан ҳам мени яхши кўрарди, ҳа.

— Шунақаям бойликка муккангиздан кетганмисизлар? — деди у. — Ҳақиқий ёш олтин изловчи.

— Ҳаёт аёлларга нисбатан адолатсиз қурилган, — жиддий фикр қилди Пилар.

— Ҳали улар ёш, ишлаб ўз йўларини топиб олишлари мумкин. Қариб, майиб-мажруҳ бўлиб қолганларида қаровсиз қолиб кетишади.

— Ҳа, энди бу гап мен ўйлаганимдан ҳам тўғри, — деди аста Стивен. — Лекин буниям унчалик тўғри деб бўлмайди. Альфред Ли, масалан, отасини жонидан ҳам яхши кўриб, иззатини жойига қўярди. Лекин отаси унга нисбатан шунақанги талабчан бўлганки, бу пировардида жонини ҳиқилдоғига келтирган.

— Бу Альфредингиз қип-қизил аҳмоқ.

Стивен кулиб юборди. Кейин:

— Ташвишланманг, опоқ қиз. Шуни билиб қўйингки, Лилар хонадони сизни ташлаб қўймайди.

— Бу нарса менга унчалик ёқмайди, — деди руҳи чўкиб Пилар.

— Менимча, сиз ҳақсиз, — деди Стивен. — Мен сизни бу ерда яшаб қолишингизни тасаввуримга сиғдиролмаганман. Жанубий Африкага кетмайсизми?

Пилар калласини қимирлатди.

— Қуёш мўл, кенглик, — деди Стивен. — Лекин у ерда иш оғир. Ишга қалайсиз, Пилар?

Пилар шубҳа билан жавоб берди.

— Билмайман.

— Айвонда ўтирволиб кун бўйи ширинлик ейишни маъқул кўрмасангиз керак. Унда семириб бағбақангиз икки қават бўлиб осилиб кетарди.

Пилар кулиб юборди. Стивен давом этди:

— Бу яхши бўлди. Ниҳоят сизни қулдиrolдим.

— Мен Рождествода куламан деб ўйлагандим, — деди Пилар. — Китобларда Англияда Рождество байрами жуда қизиқ ўтади деб ёзилган. Дастурхон безатилган, турли-туман ноз-неъматлар тортилган, овқатлар бисёр.

— Унда Рождествода қотиллик юз бермаслиги керак. Қани, бир дақиқа бу ёққа юринг-чи. Лидия кеча менга кўрсатган эди. Бу унинг бостирмаси.

У Пиларни буфетдан сал каттароқ хонага бошлаб кирди.

— Бунга қаранг, Пилар, қути-қути консерваланган мевалар, апельсинлар, ёнғоғу хурмолар. Мана бу ерда...

— О! — Пилар ҳаяжондан чапак чалиб юборди. — Тилларанг, кумушранг пуфакчалар!

— Буларни арчаларга совғалар билан осиб қўйишади. Мана бу ерда эса тушлик дастурхонига қўйиладиган қордан ясалгандек оппоқ қорбобо хўрақлар. Мана булар турли рангдаги ҳаво пуфаглари, уларни шишириш мумкин.

— О! — Пиларнинг кўзлари ёниб кетди. — Биттасини пуфлаб кўрсак бўладими? Лидия хафа бўлмайди. Ҳаво пуфагини шундай яхши кўраманки!

— Майли! — деди Стивен. — Қани, танланг, қайси бирини хоҳлайсиз.

— Қизилини, — деди Пилар.

Улар биттадан пуфак олишди. Кейин лунжларини шишириб уларни ҳавога тўлдирди бошлашди. Пилар кулиб юборган эди, пуфакдаги ҳаво писиллаб чиқиб кетди.

— Пуфак пуфлаганингизда лунжингиз шишиб ғалати бўлиб кетди, — деди Пилар.

Пилар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, кейин ўз пуфагини яна аста-аста шишира бошлади. Улар ҳар икки пуфакни шишириб боғлашди-да, бир-бирига отиб ўйнай бошлашди.

— Даҳлизга чиқайлик, у ер кенг, — деди Пилар.

Пуаро залга кириб келганда улар иккаласи кулишганча пуфагини бир-бирига отиб ўйнашарди. Пуаро уларга менсинмайгина қараб қўйди.

— Демак, сиз jend'entat<sup>1</sup> ўйнаётган экансизлар-да.

Пилар харсиллаб деди:

— Меники қизил, уникадан катта, анча катта. Ҳовлига чиқадиган бўлсак, осмонга учи кетади.

— Келинг, пуфакни осмонга қўйворамиз-да, бир нимани ният қиламиз, — деди Стивен.

— Бўпти, зўр гап.

Булар боғ эшикдан чоғиб чиқиб кетишди. Стивен уларнинг орқасидан югурди.

Пуаро ўша-ўша, қиёфасини бузмай уларнинг ортидан борди.

— Мен пулим кўп бўлишини ният қилгандим, — деди Пилар.

У пуфагининг ипидан ушлаб, оёғининг учида турди. Пуфак шамолда енгил қимирлай бошлади. Пилар пуфакни қўйворган эди, пуфак ҳавога кўтарилиб кетди.

Стивен кулди.

— Одам ўз ниятини ошкор қилмайди-да!

— Нега?

— Ошкор қилса, ният амалга ошмай қолади. Бўпти, энди мен ният қилдим.

У ҳам пуфагини қўйворди. Лекин унинг нияти амалга ошмади. Пуфак сал кўтарилди-да, кейин ёнламасига учиб бориб, игна баргли арчага урилди-ю, пақиллаб ёрилиб кетди.

Пилар унинг олдига чоғиб келиб ҳамдардлик билдиргандай:

— Ҳаммаси тамом, — деди.

Кейин туфлисининг учи билан буришиб ётган пуфак парчасини туртиб:

— Мана буни бобомнинг хонасидан топгандим. У ҳам пуфак пуфлаган экан, лекин қизғиш пуфак пуфлабди, — деди.

Пуаро кутилмаганда бирдан ихраб юборди. Пилар ҳайрон бўлиб орқасига ўтирилди.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ. Оёғимга .... тикан кирди, йўқ, бармоғим қайрилиб кетди.

У ўтирилиб, уйнинг деразаларига қарай бошлади.

— Деразалар ҳам жуда кўп экан-да! — деди Пуаро. — Ҳар бир уйнинг, мадемуазель, билсангиз, кўзи ва ўз қулоғи бўлади. Инглизларнинг очиқ деразани ҳуш кўриши унчалик хосиятли эмас.

Лидия айвонга чиқди.

— Овқат тайёр бўлди, — деди у. — Пилар, азизам, ҳаммаси кўнгилдагидек тугади. Овқатдан кейин Альфред сенга батафсил тушунтириб беради. Уйга кирамизми?

Улар уйга киришди. Пуаро охирида кирди. Унинг кўриниши бу сафар жуда жиддий эди.

### III

Кечки овқат тугади.

Ошхонадан чиқишгандан кейин Альфред Пиларга:

— Менинг хонамга кирайлик, бир нарсалар ҳақида гаплашиб оламиз, — деди.

<sup>1</sup> Болалар ўйини (фр.).

У Пиларни даҳлиздан ўз хонасига олиб кириб, эшикни ёпди. Қолганлар меҳмонхонага чиқишди. Фақат Эркюль Пуарогина..... ёпиқ кабинетга тикилганча залда ёлғиз ўзи қолди.

Бирдан у қари эшик оғаси нимадир демоқчи бўлиб атрофда ивирсиб юрганини сезиб қолди. Чол унга қандайдир безовтадек туюлди. Кейин:

— Ҳа, Тресилиан, нима гап? — деди Пуаро.

— Мистер Ли билан гаплашмоқчи эдим, лекин ҳозир уни безовта қилиш ноқулай.

— Бирон гап бўлдимми? — сўради Пуаро.

Тресилиан аста деди:

— Қизиқ ҳодисалар содир бўляпти. Нима гаплигини тушунмаяпман.

— Менга айтаверинг, — деди Эркюль Пуаро.

Тресилиан тараддулданди. Кейин шундай деди:

— Хўш, нима десамикин, сэр, фаҳмладингизми, йўқми, билмадим, кираверишдаги эшикнинг икки тарафида катта-катта иккита оғир тош бор эди, сэр, улардан бири йўқолиб қолибди.

Эркюль Пуаронинг қошлари ҳайратдан кўгарилди.

— Қачон ғойиб бўлибди?

— Улар иккаласи ҳам эрталаб жойида турганди, онг ичаман.

— Юринг, бориб кўрайлик-чи.

Улар кўча эшиги олдига чиқишди. Пуаро энгашиб, қолган тошни кўздан кечира бошлади. Ўрнидан турганда юзларида жиддийлик зухур этиб турарди.

Тресилиан қалтирарди.

— Сэр, шундай нарсани ўғирлаш кимга зарур кепти? Бундан бир маъно йўқ-ку.

— Бу менга ёқмаяпти, — деди Пуаро. — Мутлақо ёқмаяпти.

Тресилиан унга хавотирлик билан назар ташлади. Кейин аста сўради:

— Бу уйда нималар содир бўляпти, сэр? Хонадон соҳибини ўлдиришгандан буён уй уйга ўхшамай қолди. Назаримда, туш кўраётгандайман. Ҳамма нарсани чалкаштириб юборяпман, баъзан кўзларимга ишонмай қоламан.

Эркюль Пуаро калласини сарак-сарак қилиб деди:

— Сиз ноҳақсиз. Доимо кўзларингиз билан кўрган нарсага ишонишингиз керак.

Тресилиан ҳам бошини қимирлатиб деди:

— Кўзларим ўтмас бўлиб қолган. Қадимгидай ҳамма нарсани аниқ-таниқ ажратолмайман. Одамларни ҳам адаштириб юборяпман. Кўз олдимда ҳаммаси чалкашиб кетаверди. Қариб қолдим, вазифамни удалай олмаяпман.

Эркюль Пуаро унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Бардам бўлинг.

— Ташаккур, сэр. Биламан, сиз менга яхшилик қилмоқчисиз. Лекин бор нарсдан кўз юмиб бўлмайди, жуда қаридим. Доим ўтган кунларни эслаб юрадиган бўлиб қолдим. Мисс Женни ва мистер Дэвид, мистер Альфред — бу жентльмен ва ледиларнинг ёшлик қиёфалари кўз ўнгимдан ўтаверади. Ўша мистер Харри уйга қайтиб келган кун оқшомдан буён...

Пуаро бошини қимирлатди.

— Ҳа, менам шундай деб ўйлагандим. Сиз ҳозиргина “Хонадон соҳибини ўлдиришгандан кейин” деб айтдингиз. Лекин бу ҳол сизда олдинроқ бошланган эди. Аниқроғи, Харри шу хонадон остонасига қадам қўйган дақиқадан, тўғрими? Одамларни чалкаштириб, адаштириб юборишингизни айтяпман.

— Мутлақо ҳақсиз, — деди эшик оғаси. — Олдинроқ бошланган эди. Мистер Харри хонадонга доим фалокат олиб келарди, илгарилари ҳам шундай бўлган. У тош қўйилган курсидан кўз узмади.

— Сэр, буним олиши мумкин? — шивирлади Тресилиан. — Нимага олади? Жиннихона бўлиб қолди бу уй.

— Унчалик ҳам жиннихона эмас, — деди Эркюль Пуаро. — Бу пухта ўйлаб қилинган иш. Тресилиан, яна кимнингдир ҳаёти катта хавф остида турибди.

У ўгирилиб уйга кирди. Шу онда Пилар ўз хонасидан чиқиб келди. Унинг ёноқлари қизариб кетган, кўзлари ёнарди, бошини мағрур кўтариб олган.

Пуаро унинг олдига келганда қиз ер тепиниб деди:

— Олмайман.

Пуаро унга ҳайрон бўлиб қараб деди:

— Мадемуазель, нимани олмоқчи эмассиз?

— Альфред ҳозиргина бобомдан қолган бойликнинг онамга тегишли бўлган улушини менга бермоқчи бўлишганини айтди.

— Хўш, нима бўпти олсангиз?

— Унинг айтишича, қонун бўйича олишим мумкин эмас экан. Лекин уям, Лидиям, бошқалар ҳам бу улуш менга тегиши керак деб ҳисоблашаётганмишлар. Уларнинг айтишича, шунда адолат қарор топармиш.

Пуаро яна сўради:

— Хўш, нима бўпти?

Пилар яна ер тепинди.

— Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз? Улар бу пулни фақатгина менга берармиш!

— Нега бу нарса сизнинг ҳамиятингизга тегяпти? Агар шундай қарорга келишган бўлса, тўғри қилишибди, бу адолат юзасидан сизники бўлиши керак.

Пилар:

— Сиз тушунмаяпсиз, — деди.

— Аксинча, мен жуда яхши тушуниб турибман, — деб жавоб берди

Пуаро.

— О! ... — Пилар ғазаб билан орқасини ўтириб олди.

Эшик тақиллади. Пуаро елкаси оша бошини буриб қаради. У эшик ортида турган катта инспектор Сагденнинг қорасини кўрди-ю, дарҳол Пилардан сўради:

— Қаёққа бормоқчисиз?

Пилар саркашлик билан жавоб берди:

— Меҳмонхонага. Хонадон аъзоларининг олдига.

— Яхши. Улар билан бирга бўлиб туринг. Уй атрофини ёлғиз ўзингиз айланиб юрманг, айниқса қоронғи тушганда. Эҳтиёт бўлинг, мадемуазель, сизга нисбатан хатар бор. Умрингизда ҳеч қачон бундай катта хатарга рўпара бўлмаган бўлсангиз керак.

У ўгирилиб Сагденни қарши олиш учун йўналди. Инспектор Тресилианнинг ошхонага чиқиб кетишини кутиб турган эди. Кейин у Пуарога телеграмма узатди.

— Мана энди ниҳоят тагига етдик! — деди у. — Ўқинг. Бу Жанубий Африка полициясидан.

Телеграммада шундай сўзлар ёзилган эди: Эбинизер Фаррнинг ёлғиз ўғли бундан икки йил муқаддам ўлган.

— Мана, билиб олдик, — деди Сагден. — Қизик: мен умуман бошқа йўналиш бўйича юрган эканман.

#### IV

Пилар меҳмонхонага мағрур кириб келди.

У тўппа-тўғри дераза ёнида бир нима тўқиб ўтирган Лидиянинг олдига борди.

— Лидия, мен сизларга бу пулни олмаслигимни маълум қилгани келдим, — деди у. — Мен кетаман, ҳозироқ...

Ҳайрон қолган Лидия қўлидаги ипини бир чеккага йиғиштириб қўйди.

— Қизгинам, — деди у. — Альфред сенга яхшилаб тушунтиролмаган бўлса керак. Сен хижолат бўлмай қўяқол, бу ерда гап сенга садақа қилиш устида кетаётгани йўқ. Биз томонимиздан бўлиши мумкин бўлган олижаноблик ва кенгфеъллик устидаяммас. Бу ерда гап адолат устида кетяпти. Онанг тирик бўлганда ўз улушини ҳеч қандай тўсиқсиз оларди. Кейин бу пул сенга қолган бўларди. Бу сенинг ҳаққинг — қонуний ҳаққинг-ку. Бу хайр-эҳсон эмас, аксинча, ҳақиқат тантанаси.

Пилар алам билан деди:

— Сиз ўзингизни мана шундай, яъни ҳақиқатпараст одам қилиб кўрсатмоқчи бўлаётганингиз учун ҳам пулни олмайман. Бу ердаги меҳмондорчилик

менга ёқди. Жуда зўр. Ҳақиқий саргузаштга ўхшайди. Бироқ энди ҳаммасини чиппакка чиқардингиз. Ҳозироқ кетаман. Бошқа ҳеч қачон сизларни безовта қилмайман.

Куйилиб келган кўз ёшлари унинг томоғини гиппа бўғди. У орқасига ўгирилди. Ҳеч нарсага қарамай хонадан югуриб чиқиб кетди.

Лидия қотиб қолди. У нима деярини билмай:

— Шунчалик ўзига оғир олади деб ўйламагандим, — деди.

— Афтидан, қиз жуда ҳаяжонда, — деди Хилда.

Жоржни йўтал тутиб, пишиллади:

— Э-э... эрталаб айтувдим-ку... ёлғондан қилипти. У жуда ақлли бўп кетган. У эҳсондан воз кечяпти...

— Бу ерда ҳеч қанақа эҳсон-пеҳсон йўқ, — деди Лидия кескин қилиб. — Бу унинг ҳаққи.

— Афтидан, у бундай деб ҳисобламаяпти, — деди Жорж.

Хонага катта инспектор Сагден билан Эркюль Пуаро кириб келди. Инспектор у ёқ-бу ёққа қараб олиб:

— Мистер Фарр қани? — деди. — У билан гаплашадиган гапим бор эди.

Бошқалар жавоб бергунча Эркюль Пуаро:

— Сенорита Эстравадос қани? — деб сўраб қолди.

Жорд Ли юзларида заҳархандалик зухур этган ҳолда:

— Кетмоқчи. Афтидан, инглиз қариндошлари жонига теккан бўлса керак, — деб жавоб берди.

Пуаро орқасига ўгирилиб, Сагденга:

— Кетдик, — деди.

Улар даҳлизга чиқишлари билан оғир бир нарсанинг гумбирлаб ерга қулагани-ю, аёл кишининг қичқириб юборгани эшитилди.

— Тезроқ... югур ... — қичқирди Пуаро.

Улар даҳлиз бўйлаб югуриб бориб зинапоядан юқорига чиқиб кетишди. Бориб қарашса, Пиларнинг эшиги очиқ. Эшик олдида биров турибди. Улар келишганда у ўгирилиб қаради. Бу Стивен Фарр эди.

— У тирик ... — деди у.

Пилар ўз хонасининг деворига қапишиб олганча ерда ётган катта тошга қараб турарди.

Пилар ҳарсиллаб деди:

— Эшикнинг тепасида осилиб турган экан, агар эшикдаги михга юбкамлиниб қолмаганида тош тўғри миямга тушган бўларди.

Пуаро чўнқайиб михни кўздан кечира бошлади. Унда бинафшаранг чилвир осилиб турарди.

— Бу мих, мадемуазель, — деди у. — Ҳаётингизни сақлаб қолибди.

Эсанкираб қолган катта инспектор ҳайқириб юборди.

— Менга қаранг, бу ниманинг белгиси?

— Кимдир мени ўлдирмоқчи бўлган, — жавоб берди Пилар ва гапини тасдиқлаш учун бир неча бор шунақа дегандек, калласини қимирлатиб қўйди.

Катта инспектор эшикни текширди.

— Оддий тузоқ, — деди у, — таомилдан қолган эски тузоқ. Мақсад — одам ўлдириш. Бу уйда иккинчи қотиллик режалаштирилган. Фақат бу сафар режа амалга ошмай қолди.

— Худога шукр, сизга зиён етмади, — деди Стивен Фарр.

Пилар қулочини ёзиб ёлворган оҳангда деди:

— Santa Vizgen! — деди у. — Менинг ўлимим кимга керак бўлиб қолибди?

Кимга нима ёмонлик қилибман?

— Мадемуазель, сиз ниманиям билар эканман, деб сўрашингиз керак эди, — аста тушунтириб берди Эркюль Пуаро.

Пилар унга ажабланиб қаради.

— Нима билар эканман, дебми? Мен ҳеч нимани билмайман-ку, ахир.

<sup>1</sup> Ё худойим (инг.).

— Мана бу жиҳатдан сиз ноҳақсиз, — деди Эркюль Пуаро. — Менга айтинг-чи, мадемуазель Пилар, қотиллик содир этилганда сиз қаерда эдингиз? Лекин хонангизда бўлмагансиз.

— Хонада эдим. Айтувдим-ку, хонамда деб.

Катта инспектор Сагден меҳрибонлик қилгандай юмшоқ оҳангда деди:

— Ҳа, лекин сиз тўғриси айтмадингиз, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Агар хонангизда бўлганингизда унинг овозини эшитмаган бўлардингиз. Буни мистер Пуаро иккаламиз кеча синаб кўрдик.

— О! — деди хўрсиниб Пилар.

— Сиз ҳар ҳолда унинг хонасига яқин бир жойда бўлгансиз, — деди Пуаро. — Мен ҳатто қаерда бўлганингизни айтиб беришим ҳам мумкин, мадемуазель. Сиз бобонгизнинг эшигига яқин жойдаги тахмонга қўйилган ҳайкалчаларнинг олдида турган эдингиз.

Пилар бу гапдан лол бўлиб қолиб:

— О! Қаердан билдингиз? — деб юборди.

Пуаро енгил табассум билан деди:

— Мистер Фарр сизни ўша ерда кўрган экан.

— Бўлмаган гап, — эътироз билдирди Стивен. — Фирт ёлғон!

— Кечирасиз, мистер Фарр, — деди Пуаро. — Лекин сиз уни ҳақиқатан ҳам кўрган эдингиз-ку. Эслаб кўринг, тахмонда иккита эмас, учта ҳайкал кўргандай эдим дегандингиз. Ўша оқшом оқ кўйлак фақат мадемуазель Эстрадаоснинггина эгнида бўлган. Сиз кўрган учинчи кимса Эстрадаос бўлган. Шунақамасми, мадемуазель?

Пилар бир дақиқа иккиланиб туриб:

— Ҳа, шундай, — деди.

— Энди, мадемуазель, — деди юмшоқ қилиб Пуаро. — Бор ҳақиқатни рўй-рост айтиб беринг. Нима учун у ерда тургандингиз?

— Мен меҳмонхонадан тушликдан кейин чиқиб кетдим, — деди Пилар. — Кейин бориб бобомни кўрсаммикин деб ўйлаб қолдим. Борсам, бобом хурсанд бўлса керак, деган гап хаёлимга келди. Йўлакка бурилишим билан бундай қарасам, бобомнинг эшиги олида кимдир турибди. Мен у одамнинг кўзига кўринмасликни афзал билдим, чунки бобом кечқурунлари биров безовта қилишини ёқтирмасди. Мен у одам кўриб қолмасин деган ўйда тахмонга чиқиб олдим. Кейин бирдан ҳар хил тақир-туқир овозлар эшитила бошлади, столлар, стуллар ағанаган, — Пилар кулочини ёзиб кўрсагди. — Ҳамма нарса ағдарилган, тўнтарилган. Мен қимирламадим. Нега шундай қилганимни билмайман. Назаримда, кўрқиб кетган бўлсам керак. Кейин бирдан ваҳшиёна бир қичқирик эшитилди. — У чўқиниб олди. — Бу қичқирикдан юрагим тарс ёрилиб кетай деди. Ўзимча, кимдир ўлди, деб ўйладим...

— Кейин-чи?

— Кейин одамлар йўлак бўйлаб югура бошлашди, кейин мен ҳам тахмондан тушиб уларга қўшилдим.

Катта инспектор Сагден газабланиб сўради:

— Биринчи бор сўраганимизда, нега бу ҳақда миқ этиб оғиз очмадингиз?

Пилар катта тажрибага эга бўлган одамлардай калласини қимирлатиб деди:

— Полицияга кўп гапни гапириб бўлмайди. Билмайсизми, агар мен қотиллик содир бўлган пайтда шу яқин орада эдим деб қўйсам, мени қотилга чиқариб қўйишингиз ҳеч гапмас. Шунинг учун ўз хонамда эдим, дегандим.

— Агар гапга ёлғон аралаштирсангиз, — деди кескин қилиб Сагден, — охир-оқибатда ўзингиз шубҳага тушиб қоласиз.

— Пилар, — деди Стивен Фарр.

— Ҳа.

— Сиз йўлакка чиққанингизда эшик олдида турган одам ким эди? Бизга очигини айтаверинг.

— Ҳа, бизга айтиб беринг, — қувватлади Сагден.

Қиз бир дақиқа тараддуланиб турди. Унинг кўзлари аввал катта-катта очилди, кейин юмила бошлади. Сўнг аста:

— Кимлигини аниқ билмайман. Йўлак хира ёритилганди. Лекин ... бу аёл киши эди, — деди.

## V

Катта инспектор Сагден атрофида турган одамларга бир-бир қараб чиқди. Кейин асабийлашиб гапира бошлади. У илгари ҳеч қачон бунақа оҳангда гапирмаган эди.

— Мистер Пуаро, бу ҳеч қанақа қонун-қоида доирасига сиғмайди, — деди.

— Менда кичкинагина фикр туғилиб қолди, — деди Пуаро. — Орттирган тажрибамга асосланиб ҳамма билан бирма-бир гаплашиб чиқмоқчиман. Кейин уларни бу ишга жалб қиламан, шу йўсинда ҳақиқатнинг тагига етамиз.

Сагден минғирлаб кўйди.

— Тентаклик бу, — шундай деб у стулга суяниб олди.

— Бошламасига, — деди Пуаро, — менимча, мистер Фаррдан тушунтириш олсангиз.

Сагден лабини қисди.

— Мен бу ишни кўпчиликнинг ичида қилмасак яхши бўларди дегандим, — деди у. — Бунга жиддий қаршилигим йўқ, — у шундай деб телеграммани Стивен Фаррға узатди. — Мистер Фарр, сиз ўзи кимсиз, балки бизга тушунтириб берарсиз.

Стивен Фарр телеграммани кўлига олди. Уни кўзига яқин олиб келиб, аста ўқиди. Кейин мулозамат билан катта инспекторга қайтарди.

— Ҳа, — деди у. — Хунук иш бўлди-да.

— Бизга айтишингиз мумкин бўлган нарса шугинами? — сўради Сагден. — Албатта, сиз, бирон-бир маълумот беришга мажбур эмассиз....

Стивен Фарр унинг сўзини бўлиб деди:

— Мени огоҳлантирмасангиз ҳам бўлади, катта инспектор. Нима демокчилигингизни билиб турибман. Ҳа, мен ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Яхшилаб тушунтиролмаслигим мумкин, лекин ҳар ҳолда бор гапни айтиб бераман.

Бироз жимликдан сўнг у гапга тушди:

— Мен Эбинизер Фаррнинг ўғли эмасман. Лекин ўша ота-болани жуда яхши биламан. Энди ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг (айтмоқчи, менинг отим Стивен Грант). Бу мамлакатга умримда биринчи келишим. Жуда ҳафсалам пир бўлди. Келаётганимда поездда бир қизни учратиб қолдим. Тўғриси айтишим керак: мен уни чин юракдан севиб қолдим. Шунақанги офатижон, фаришта янглиг бир хилқат. Поездда озгина гаплашдим-у, уни кўлдан чиқармасликка қарор қилдим. Купедан чиқаётиб чамадонидаги ёрликқа кўзим тушиб қолди. Номининг менга қизиги йўқ, ундаги адрес, қаерга келаётгани мени қизиқтирди. Мен Горстон-Холлни эшитгандим, унинг эгаси ҳақидаги ҳамма гапдан хабарим бор эди. Ўз вақтида у Эбинизер Фарр билан шерик бўлган, менга унинг ўзи ва шахси ҳақида кўп гапларни гапириб беришган эди.

Шу пайтда калламга Горстон-Холлга бориб, мен ўзимни Эбанинг ўғлиман деб таништираманми, деган хаёл келиб қолди. Унинг ўғли ростдан ҳам телеграммада кўрсатилгандай, икки йил муқаддам ўлиб кетган. Лекин Эба кўп йиллардан буён Симеон Лидан бирон-бир хабар йўқ, деб айтганини эсладим, шундай бўлгандан кейин унинг ўғли ўлганини билмаса керак деб ўйладим. Ҳар ҳолда таваккал қилиб бир уриниб кўрай-чи, дедим.

— Лекин бирданига бу ишга жазм қилганингиз йўқ, — деди Сагден. — Бунгача Эддлфиллдаги “Кинге арис” меҳмонхонасида икки кун яшадингиз.

— Таваккал қилсам бўладими, шармандам чиқиб қоладими деб ўйлаб, — деди Стивен. — Икки кун ётиб обдон калламда пишитдим. Кейин, бор-э, нима бўлса бўлар деган қарорга келдим. Бу нарса қандайдир саргузаштга ўхшаб мени ўзига жалб қилаверди. Қария жуда яхши кутиб олди. Дарров уйдан жой берди. Мана сизга бор гап, катта инспектор. Бу гаплар сизга шубҳали туюлаётган бўлса, ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг, ёшлигингизни, қизлар билан ҳазиллашиб юрган кезларингизни, бирон ножўя иш қилган-қилмаганингизни эсланг. Менинг ҳақиқий исмига келганда, мени Стивен Грант дейишади. Жанубий Африкага телеграмма жўнатиб буни текширишингиз мумкин. Сизни ишонтириб айтаманки, менинг нуфузли фуқаро эканлигимга ишонч ҳосил қиласиз. Мен фирибгар ҳам, брильянт ўғриси ҳам эмасман.



— Мен ҳеч қачон сиздан бунақа деб шубҳа қилмаганман, — деди Пуаро.

Катта инспектор Сагден аста энгагини қашлаб туриб деди:

— Буни мен текшириб кўришим керак. Лекин нима учун сиз ҳақиқатни қотиллик содир этилгандан кейиноқ баён қилмадингиз.? Бунинг устига, ёлгонларни қалаштириб ташлайвердингиз? Мени мана шулар қизиқтиради.

— Чунки мен тентаклик қилганман, — таслим бўлгандек тан олди Стивен, — ёлгон гапириб қутилиб кетаман деган хаёлга борибман. Кейин бировнинг номи билан юрганимни айтиб берсам ўзимга шубҳа орттираман, деб кўрқдим. Агар бориб турган нодон бўлмаганимда Йоҳаннесбургга, албатта, телеграмма юбориб ҳақиқатни аниқлашларингиз мумкин эканлигини ўйлаб кўрмасмидим.

— Бўпти. Мистер Фарр... Э..э.. Грант, мен ҳали сизга саргузаштларингизга ишонмайман деганим йўқ-ку, — деди Сагден. — Бунинг тўғри-нотўғри эканлигини аниқлаш жуда осон.

У савол назари билан Пуарога қараб қўйди. Пуаро:

— Назаримда, мисс Эстрададос ҳам бир нима демоқчига ўхшайди.

Пиларнинг ранги оқариб кетди, у тутилиб-тутилиб гапга тушди:

— Ҳа, тўғри. Агар орага Лидия ва пул масаласи кўшилганда бу гапларни ҳеч қачон айтиб бермаган бўлардим. Бу ёқларга келиш, бировнинг номидан юриш, алдаш, муғамбирлик — булар ҳаммаси жуда жозибали. Лекин Лидия пулнинг менга тегишли бўлишини маълум қилиб, шундай қилинса адолатли бўлишини айтгандан кейин бу бошқа маъно касб этди. Бу ёғи, айтганимдай, унчалик жозибали бўлмай қолди.

Алфред Ли ажабланиб сўради:

— Тушунмаяпман, азизам, нималар деяпсан?

— Сизлар мени жигаргўшангиз Пилар Эстрададос деб ўйлаяпсизларми? — деди Пилар. — Ҳечам-да. Пилар Испанияни машинада сайр қилиб юрганимизда ҳалок бўлган. Битта бомба шундоқ машинамизга тушди-ю, Пилар шу захотиёқ оламдан ўтди. Менга эса ҳеч қандай зиён-заҳмат етмай қолди. Пилар билан унчалик яқин таниш ҳам эмасдик аслида. Лекин у ўзи ҳақида Англияда бобоси борлиги, у жуда бой эканлиги, Англияга чақираётганлиги тўғрисида гапириб берган эди. Менинг эса бир чақам ҳам йўқ эди, кейин қаерга боришимни, нима иш қилишимни билмасдим. Бирдан калламга Пиларнинг паспортини олиб Англияга жўнаб бойиб кетмайманми деган хаёл келиб қолди. — Унинг юзлари табассумдан ёришиб кетди. — Бундай режани амалга ошириш ҳақида ўйлаш ҳақиқатан ҳам қизиқарли эди. Расмдаги юзларимиз ҳам бир-биримизга анчайин ўхшаш. Паспортигиз шу ердами деб сўраганингизда деразани очиб пахта ташлаб юбордим. Кейин чопиб тушиб расмни ерга ишқадим. Чунки чегарада унчалик синчиклаб текширишмайди, бу ерда эса ....

Альфред Ли асабийланиб деди:

— Сен отамга унинг невараси бўлиб яхши кўринмоқчи бўлдингми?

Пилар бош ирғади. У мағрурланиб жавоб берди:

— Ҳа, бир кўришдаёқ мени ёқтириб қолишини билгандим.

Шу вақтгача индамай турган Жорж Ли портлаб кетди:

— Қабихлик бу! — деди у. — Жиноят! Алдов йўли билан бировнинг пулига эга бўлишга интилиш!

— Ҳали у сиздан ҳеч нарса олгани йўқ, ўпкангни босиб ол! — деди Харри Ли. — Пилар, мен сен томондаман. Жасоратинга қойилман. Худога шукур, сенинг тоғанг эмас эканман. Бу нарса елкамдаги огир юкни олиб ташлайди.

Пилар Пуародан сўради:

— Сиз билганмидингиз? Қачон билгандингиз?

— Мадемуазель, — кулди Пуаро. — Агар сиз Мендель қонунини ўқиган бўлганингизда икки феруза кўз эр-хотиждан қора кўз фарзанд туғилмаслигини билган бўлардингиз. Шунга ишончим комилки, сизнинг онангиз хурматга лойиқ ва нуфузли леди бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиз умуман Пилар Эстрададос эмассиз. Сиз паспорт борасида ишлатган ҳийлангизданок бунга ишонч ҳосил қилгандим. Буни яхши ўйлаб топдингиз, лекин биласизми, ғайритабиий бўлиб чиқди.

Катта инспектор Сагден асабийлашди.

— Бу можароларнинг бари ғайритабиий.

Пилар унга ажабланиб қаради.

— Тушунмаяпман ...

— Роса сафсатани тўқиб ташладингизу, — деди Сагден. — Лекин энг муҳим нарсалар ҳақида оғиз очмадингиз.

Стивен қичқириб юборди:

— Уни тинч қўйинг!

Катта инспектор унинг гапига заррачаям эътибор қилмай, давом этди.

— Сиз тушликдан кейин бобомнинг хонаси томон юрдим, дегандингиз, буни гўё ўзингизча, беихтиёр бормоқчи бўлдим демоқчисиз. Бу хатти-ҳаракатингиздан келиб чиқиб, мен ҳам фикримни баён қилишим мумкин. Шундайки, сиз брильянтларни ўғирлагансиз. Бир марта эмас, бир неча бор ўғирлаганинсиз. Гоҳида пўлат сандиққа ҳам қўл тикқансиз. Қария бунга эътибор бермаган. У жавоҳирлар ўғирланганини билгандан кейин бирданига иккита одамдан бошқа ҳеч ким ўғирламаган деб шубҳа қилган. Бунинг бири — Хорбури. Чунки у пўлат сандиқнинг қодини билган, бу ишни кечаси амалга ошириши мумкин. Иккинчиси — сиз. Мистер Ли зудлик билан бунинг чорасини кўрмоқчи бўлган. Шунинг учун у менга телефон қилиб тезда етиб кел, деган. Кейин сизни тушликдан кейин хонасига чақиртирган. Сиз киргансиз, у эса сизни ўғирлик қилганликда айблаган. Сиз тан олмагансиз. У эса бўйинга олишга мажбур қилган. У ёғи нима бўлганлиги менга қоронғи: балким невараси эмаслигингизни пайқаган ва уччига чиққан фирибгар эканлигингизни билган. Ҳар ҳолда айбингиз фош бўлганда сиз уни сўйиб ташлагансиз. Ўртада олишув кетган-у, у бақира бошлаган. Бу ёғига эшиқни йўлак томондан кулфлагансиз-у, бориб тахмондаги ҳайкалчалар олдига чиқиб олгансиз.

Пилар қичқириб юборди:

— Ёлгон! Тухмат бу! Брильянтларни мен ўғирлаганим йўқ! Уни мен ўлдирмаганман! Худони ўртага қўйиб қасам ичаман.

Сагден кескин оҳангда деди:

— Унда бу ишларни ким қилди? Ўзингиз айтдингиз-ку, ахир мистер Лининг эшиги олдида бировни кўргандек бўлувдим деб. Сизнинг гапларингиз бўйича ҳукм чиқарадиган бўлсак, қотил ўша. Лекин тахмоннинг олдида биров кимса ўтгани йўқ. Бизда сизнинг гапларингиздан бўлак ҳеч қанақа далил йўқ. Бошқача қилиб айтганда, ўзингизни оқлаш учун бу гапларни тўқиб чиқардингиз.

Жорж Ли ғазабланиб шундай деди:

— Ҳа, бу қиз отамнинг қотили! Кўрга ҳассадайд аён! Мен доим отамни бегона одам ўлдирган деб айтардим-ку! Бу қотилликни оила аъзоларидан бири амалга оширган деб ўйлаш бориб турган бемаънилик. Бу ... бу ... ақл бовар қилмайдиган иш.

Пуаро стулда бир қўзғалиб олди-да, гапга аралашди:

— Фикрларингизга қўшилмайман, — деди у. — Агар Симеон Лининг табиатини эътиборга оладиган бўлсак, буни унинг зурриётидан бири амалга оширган бўлиб чиқади.

— Нима? — Жоржнинг жағи қийшайди, у Пуарога тикилди.

Пуаро давом этди:

— Менинг фикримча, бу ишни худди оила аъзоларидан бири амалга оширган. Қотил бу ишни адолат юзасидан, асосли сабаблар билан қилипман деган тасавурда бўлган.

Жорж қичқириб юборди:

— Биронангиз деяпсизми? Мен эътироз билдираман.

Пуаронинг овози эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада асосли янгради:

— Мана шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳар бирига айб тақиш мумкин. Келинг, мистер Жорж Ли, сиздан бошлай қолайлик. Сиз ўз отангизни ҳеч қачон яхши кўрмагансиз. Сиз пули учун унга сохта муомала қилиб юргансиз. Уладиган куни сизга бундан буён бериб турадиган пулини қамайтирмоқчи эканлигини маълум қилган. Сиз эса, отангиз ўлгандан кейин каттагина мўмай пулга эга бўлишингизни билгансиз. Мана сизга далил. Тушликдан кейин сиз телефон қилишга борганман деб бизни ишонтиргансиз. Сиз ҳақиқатан ҳам телефон қилгансиз. Лекин телефонда беш дақиқа гаплашгансиз, холос. Шундан кейин отангизнинг хонасига кўтарилгансиз, у билан суҳбатлашиб ўтиргансиз, кейин

ўлдириш учун унга ташланган бўлишингиз мумкин-ку. Кейин хонадан чиқиб эшикни ташқаридан беркитиб кетгансиз. Ишни саранжом қилиб бўлиб, бутун айб ўғрига, ўғрининг бўйнига тушади деб ўйлагансиз. Ваҳимада деразани очиб кўйишни унутгансиз. Чунки дераза очиқ бўлгандан кейин ўғри деразадан қочиш кетиши мумкин эди-да, бунда эшикни кулфлашнинг ҳожати бўлмасди. Бу, албатта, бемаънилик. Лекин кечирасиз, тўғриси айтсам, сиз бориб турган аҳмоқ одамсиз.

— Шундай бўлса-да, — деди Пуаро бироз сукутдан кейин, — жуда кўп аҳмоқ одамлар жиноятчи бўлишган. — Пуаро сукут қилганда Жорж бир неча бор гапга оғиз жуфтлади-ю, лекин ҳеч нарса демади.

Пуаро Мегдалинга ўтирилди.

— Бу хонимга ҳам айб қўйишга асослар бор. Назаримда, Мегдалини қарзга ботган. Отангизнинг ҳар гапда қақиб олишлари уни ноқулай аҳволга солиб қўйган. Унда эътироз қилиши учун ҳеч қанақа асос йўқ. Телефон қилиш учун борди-ю, лекин кўнғироқ қилмади. Унинг бизга ўзини оқлаб айтиб берган гапларидан бўлак кўлимизда ҳеч қанақа далил йўқ...

— Кейин, — давом этди Пуаро. — Мана, мистер Дэвид Лини олайлик. Биз бир эмас, кўп марталаб бу оилани қасоскор оила деб, Лини бўлса, кекчил деб эшитганмиз. Мистер Дэвид Ли отаси онасини қандай хўрлаганини унутмаган ҳам, шу сабабли уни кечирмаган ҳам, отасининг марҳум онасига нисбатан қилган кўпол муомаласидан пичоқ бориб суякка қадалган бўлиши мумкин. Дэвид Ли қотиллик содир бўлган онда пианино чалиб ўтирганини уқтирди. Тасодифни қаранг, “Улим марши”ни чалиб ўтирганмиш. Бир тасаввур қилинг-а, кимдир биров “Улим марши”ни чалиб ўтирибди, кимдир бошқа биров бу одамнинг кўнглидагини билиб, унинг истагини бажо келтиряпти.

Хилда Ли аста деди:

— Куракда турмайдиган айб...

Пуаро унга ўтирилди.

— Хоним, мен сизга бошқача нуқтаи назардан келиб чиқиб айб қўяман. Бу қотиллик сизнинг қўлингиз билан амалга оширилган. Сиз кечиринг учун нолайик бўлган бир қабиҳ одамни йўқ қилиб, адолатни рўёбга чиқариш учун юқорига кўтарилгансиз. Сиз, хоним, газабга минганда ўзини тиёлмайдиган даҳшатли одамлар сирасига кирасиз...

Хилда:

— Мен ўлдирганим йўқ, — деди.

Катта инспектор Сагден дарров кўшимча қилди:

— Мистер Пуаро ҳақ. Мистер Альфред Ли, мистер Харри Ли ва миссис Альфред Лидан ташқари ҳаммага айб қўйиш мумкин.

Пуаро хотиржамлик билан деди:

— Мен ҳатто бу уччаласиниям айбсиз деёлмайман.

— Ихтиёрингиз, мистер Пуаро, — эътироз билдирди катта инспектор.

Лидия Ли:

— Мистер Пуаро, менга қанақа айб қўймоқчисиз? — деди.

У шундай дер экан, такаббурлик билан қоштини кўтариб масхараомуз илжайиб қўйди.

Пуаро сал эгилиб гапга тушди:

— Сизни айбловчи далилларни бир ёққа қўйиб турайлик, далил керагича бор. Бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик. Сиз ўша оқшом шоҳи кўйлак кийиб елкангизга йирик гулли рўмол ташлаб олгандингиз. Эслатиб қўяй, эшик оғаси Тресилиан шабкўр, узоқни кўрмайди. У сал наридаги нарсани аниқ ажратолмайди. Шуниям айтиб қўяйки, меҳмонхонангиз жуда катта, қандилга қўйилган шамлар хира ёритади. Ўша оқшом Тресилиан қаҳва пиёлаларини олиш учун меҳмонхонага киришдан бир дақиқами, икки дақиқами олдин қаттиқ бақир-чақир овозини эшитган. Тресилиан сизни одатдаги қиёфада четдаги деразанинг ярми очиқ оғир пардаси олдида кўргандай бўлган.

— Ҳа, у мени ҳақиқатан ҳам кўрган эди, — деди Лидия Ли.

Пуаро давом этди:

— Мен Тресилианга елкангиздаги рўмолингиз пардага ёпишиб тургандай бўлиб кўринганлиги эҳтимолдан холи эмас, деб ўйлайман. Бу нарса у ерда сиз турган бўлсангиз керак деган тасаввурга олиб келган.

— Ҳа, у ерда мен турган эдим, — деди Лидия.

— Бундай деб тахмин қилишга қандай журъат қилдингиз?.. — Альфреднинг жаҳли чиқиб кетди.

Харри унинг гапини бўлди:

— Кўявер, гапираверсин, Альфред. Энди гал бизга келди. Воқеа содир бўлганда Альфред иккаламиз ошхонада эдик. Альфред шамолниям раво кўрмайдиган отасини ўлдирганини қандай изоҳлаб бераркансиз?

Пуаро табассум қилиб қўйди.

— Бу жуда осон, — деди у. — Бунга далиллар керагидан ҳам ортиқ. Сиз иккала ака-уканинг бир-бирингиз билан ит-мушук эканлигингиз беш қўлдек ҳаммага маълум, сиз акангизнинг устидан намойишкорона кулиб юрасиз. Акангиз бўлса, сиз ҳақингизда бирон оғиз бўлса-да, ширин сўз айтмайди. Шундай деб тасаввур қилайлик: булар бари ўйин — келишмовчилик бўлса жуда усталик билан ўйлаб топилган режа. Дейлик, Альфред Ли талабчан, бунинг устига, қаттиққўл отасининг хизматини қилавериб жонига теккан. Шунинг учун иккалангиз бирмунча вақт муқаддам келишиб олгансиз. Демак, режа тайёр. Сиз ўз ота уйингизга келасиз. Альфред келишингиздан газаблангандек тусга киради. У ўзини сизга душмандек тутати. Сиз ҳам ундан нафратланаётгандек тутасиз ўзингизни. Ана шундан кейин сизлар оқилона режалаштирган ва қотиллик содир бўлган кун ҳам етиб келади. Биттангиз ошхонада қолиб шеригингиз билан сўзлашаётгандек қаттиқ-қаттиқ гапириб турасиз. Иккинчингиз эса, юқорига чиқиб отани саранжомлаб чиқасиз...

Альфред ўрнидан туриб кетди.

— Иблис экансиз, — деб қичқириб юборди у, — инсон қиёфасидаги иблис экансиз...

Сагден Пуарога ҳайрон бўлиб қараб:

— Сиз ростдан ҳам шундай деб ўйлаясизми? — деб сўради.

— Мен бўлиш эҳтимоли бор бўлган ҳолатларни айтиб бердим, холос. Шундай бўлиши мумкин эди. Аслида нима бўлганини ҳодисаларнинг зоҳирий томонидан ботиний томонини таҳлил қилиш асосида билиб оламиз...

Бироз сукутдан кейин у сўзини давом эттирди:

— Биз, илгарилари уқтирганимиздек, Симеон Лининг табиатидан келиб чиқиб воқеаларни таҳлил қилганимиздагина қотилликнинг тагига етишимиз мумкин...

## VI

Орага бир оз жимлик чўкди. Қизиқ, содир бўлган кўнгилсизликлар бари бирдан ғойиб бўлди. Ҳамма Эркюль Пуаронинг таъсири остида қолди. У аста гапини давом эттирганда ҳамма унинг оғзига қараб қолган эди.

— Шунақа, ҳамма нарса фақат шунга боғлиқ бўлиб қолди. Биз Симеон Лининг юрагига ва миясига чуқур кириб боришимиз, у ерда нималар гужғон ўйнаганлигини билиб олишимиз керак. Ахир инсон бекорга яшаб ўзидан ўзи ўлиб кетавермайди-ку. Унда нима бўлса, ўзидан кейинги авлодга ўшани мерос қилиб қолдиради.

Симеон Ли ўз ўғил-қизларига табиатида бўлган нарсалардан нимани қолдириши мумкин эди? Биринчи навбатда — гурурини, ўз пушти камаридан бўлган фарзандлари томонидан топталган, оёқ ости қилинган гурурини. Кейин чидам-саботни. Бизга ким Симеон Лига нима ёмонлик қилган бўлса, у рақибдан ўч олишни узоқ йиллар машаққат билан кутади дейишган эди. Кўряпсизми, табиатидаги бу жиҳат ташқи томондан у қадар ўзига ўхшамаган ўғилларига ўтган. Маълумки, Девид Ли ҳам бировда алами бўлса, узоқ йиллар кўнглига тугиб юриши мумкин. Харри Ли болалари ичида қиёфаси отасига энг ўхшайдигани. Қирра бурун, ёноқлари, бошини мағрур кўтариб юришлари қуйиб қўйгандек худди отасининг ўзи. Менимча, масалан, бошини орқасига ташлаб қаҳ-қаҳ уриб кулишлари, шунингдек, энгагини қашлаб қўйишлари ҳам отасидан ўтган.

Шуни ҳисобга олиб, ишонч ҳосил қилдимки, қотиллик марҳумга алоқадор одам томонидан содир этилган. Шундан кейин оила аъзоларини руҳий жиҳатдан таҳлил қилишга қарор қилдим. Бошқача қилиб айтганда, оила аъзоларидан қайси бири руҳий жиҳатдан бу ишга қодирлигини аниқламоқчи бўлдим. Кейин иккита одамгина бу ишга қодир деган хулосага келдим: булар Альфред билан Дэвиднинг хотини Хилда Ли. Дэвид одам ўлдиролмайди деб, бунга кўшмадим. Бундай кўнгилчан одамнинг қўлидан шу қадар қон тўкиш — одамни сўйишдек бераҳмлик келмайди деб ўйладим. Худди шундай, Жорж Ли билан унинг хотинини ҳам ҳисобдан чиқардим. Улар қай даражада қизиққон бўлишмасин, бундай таваккалчиликка боришига кўзим етмади. Улар иккаласиям жуда эҳтиёткор. Миссис Альфред Ли бўлса, ишончим комил, қотилликка умуман ноқобил. (У фақат кесатишни билади.) Харри Лига келганда иккиланиб қолдим. Унинг биров қаттиққўлиги бор, лекин шунча чаққон, тутган ерини кесадиган йигит бўлгани билан аслида лаванг, бўш. Билишимча, марҳум отаси ҳам худди шу фикрда бўлган. Харрининг бошқа болаларимдан бир туки ортиқ эмас, деган эди у. Шундай қилиб, энди юқорида эслатганим иккита одам қолди. Альфред Ли бировга боғланиб қолса, қулоқ қоқмай холис хизмат қилиш унинг табиатига хос. У ўзини тутиб узоқ йиллар бошқа бир одамга хизмат қилишга кўнигиб кетган. Бундай ҳолда бир кун бориб унинг галаёнга келиши, портлаши кутилмаган ҳол бўлмайди. Бунинг устига, отасининг зугумидан норозилиги кундан-кун ортиб борса-ю, бу кўкрагида мадда боғлаб йиғилиб ётган бўлса, худди мана шундай, жудаям юмшоқ, мулойим одамларгина ўзини идора қилолмай қолганда ҳар қандай разил ишга қўл уриб қўядиган ҳоллар тез-тез учраб туради. Жиноятга қўл уриши мумкин деб ўйлаганим иккинчи шахс — Хилда Ли. У тамагирлик билан бўлмаса ҳам хонаси келганда қонунни рўқач қилиб, ҳар қандай ишни қилиш мумкин деб ўйлайдиган одамлар сирасига киради. Бунақа одамлар муҳокамаям қилади, одам ҳам ўлдиради. Қадимий пандномаларда битилган Иаиль билан Юдифлар мана шундай одамлардан бўлган.

Энди ана шундай таҳлиллардан кейин қотилликнинг содир бўлиш ҳолатига ўтаман. Биринчидан, дастлаб кўзга ташланадиган ва одамни ҳайрон қолдирадиган нарса — қотилликнинг қандай содир бўлгани. Бу одамнинг ақлига сиғмайдиган ҳолат. Симеон Лининг мурдаси ётган хонани хаёлан кўз олдингизга келтиринг. Эсингизда бўлса, стол, ўриндиқлар ағдарилиб ётарди, чироқ, идиш-товоқ, ойна ва бошқа нарсалар чил-чил бўлиб кетганди. Энг ҳайрон қолдирадигани зил-замбил қизил дарахтдан ясалган стол ва ўриндиқларнинг ағдарилиб ётиши, кучсиз, рамақажон бўлиб қолган чол билан унинг рақиби орасидаги олишувда шундоқ оғир нарсаларнинг ағдартўнтар бўлиб кетишини тасаввур қилиб бўлмайди. Булар ҳақиқатга тўғри келмайди. Агар дейлик, Симеон Ли бақувват, кучли одам томонидан ўлдирилган бўлганда, жиндай қалласи ишласа, ишни шу даражагача олиб келмаган бўларди. Гап шундаки, бу ерда Симеон Ли аёл киши ёки жисмонан ночор одам томонидан ўлдирилган деган тасаввур туғдириш учун атайлаб шундай қилинган.

Лекин бундай тадбир ҳам ниҳоятда ишончсиз, чунки ағдарилиб-тўнтарилаётган мебеллар ҳаммани оёққа турғизиб юбориши мумкин эди, қотилнинг эса яшириниши учун вақти қолмасди. Шунинг учун ҳар қандай одамга ҳам Симеон Лини сўйиш учун иложи борича тинчлик бўлиши асқотади.

Иккинчи ақлга сиғмайдиган нарса хонанинг эшиги ташқаридан қулфлиги. Буям галати, бундан у ердаги одам ўзини-ўзи ўлдирган бу жараёнда бунга ҳеч ким гувоҳ бўлмасин деган тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Ёки биров ўлдириб деразадан тушиб қочиб кетган деса, дераза ҳам зич ёпилган эди. Ундан биров чиқиб кетолмасди. Ундан ташқари, қотил қочиб кетиши учун ҳам маълум вақт талаб қилинарди, вақт эса, умуман йўқ эди.

Яна бир бор тушунарсиз нарса бор, бу Симеон Лининг губкасига мослаб кесилган резинка билан катта инспектор Сагден менга кўрсатган таёқча. Буларни қотиллик содир этилганда дастлаб югуриб кирганлардан бири ердан олган, бу нарсалар ҳам ўз-ўзидан ҳеч нарсани аён қилмасди. Лекин булар нима учундир ўша ерда бор эди.

Шундай қилиб, кўриб турганингиздек, қотиллик борган сари тушунарсиз, гайритабиий тус олиб бораверган. Унда қандайдир изчилик, маълум усул кўринмаяпти ва ниҳоят бефаросатларча қилинган қотиллик бўлиб кўзга ташланыпти.

Энди биз ечими қийин бўлган бошқа бир тўсиққа рўпара бўламиз. Катта инспектор Сагденни марҳум таклиф қилган, у ўғирлик содир бўлганлигини маълум қилиб, бир ярим соатдан кейин уйига келишини сўраган. Нима учун? Симеон Ли неварасиданми ё бирон-бир оила аъзосиданми шубҳаланган бўлса, шубҳаси асосли ё асоссиз эмаслигини аниқлаб олгунча нега катта инспектор Сагденни пастда кутиб туришини илтимос қилмаган? Уйда катта инспекторнинг туриши айбдорга ёмон таъсир қилиши мумкин эди-ку.

Энди биз диққатимизни нафақат қотилнинг, балки Симеон Лининг ўзининг ҳам ақл бовар қилмайдиган ҳолатларига қаратайлик.

Ўзимча бу ҳолатларни мутлақо бемаънилик деб биламан! Нима учун? Биз ҳодисаларга бошқача кўз билан қараяпмиз, тўғриси, қотил қандай кўришимизни хоҳласа шундай кўряпмиз...

Мана бу аҳамиятсиз учта нарсага эътибор қилинг: қотил билан олишув, эшикнинг ташқаридан қулфланиши, резинка парчаси. Мана бу учта нарсани диққат билан шундай таҳлил қилиш зарурки, ундан керакли маълумотлар бўртиб чиқсин. Мен ҳамма нарсани калламдан чиқариб ташлайман, қотиллик рўй берган ҳолатларни нутишга интиламан, кейин бу учта нарсанинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қила бошлайман. Мен ўзимга олишувдан мақсад нима, деб савол бераман. Бу зўрлаш... қон тўкиш... тўполон. Калит-чи? Нега калит ичдан қулфланган? Биров киролмаслиги учунми? Калитнинг бу ерда дахли йўқ, чунки эшик деярли бузилган эди. Ёки бирон кимсани хонадан чиқармаслик учун қулфланганми? Ё бўлмасам, бировни чиқариб юбориш учунми? Унда бир парча резинка-чи? Ўзимча бир парча резинкадан бошқа қўлга илинадиган нарса йўқ деб қўяман.

Шунинг учун сизлар бунда эътибор молик ҳеч нима йўқ дейишингиз мумкин. Шунга қарамадан бу фикр унчалик тўғри эмас. Зотан, уч таассурот: шовқин-сурон... яккаланиб қолиш... маънисизлик бизни тарк этмай қолаверади.

Бу таассуротларни мен аввал санаб ўтган икки одамдан биронтасига таққослаб кўрсак бўладими? Йўқ. Овоз чиқармасдан ўлдириш Альфред Ли учун ҳам, Хилда Ли учун ҳам ниҳоятда қулай эди. Эшикни ташқаридан қулфлаш эса фирт аҳмоқлик, резинка парчаси эса ҳеч нарсдан дарак бермайди.

Лекин барибир мен шунга аниқ ишонаманки, бу қотиллик пухта ўйлаб, пишитиб олинган режа асосида амалга оширилган, бу тасодирий ҳол эмас. Энг асосийси режа бажарилган. Шунинг учун нима бўлган бўлса — ҳаммаси аниқ режалаштирилган.

Шундан кейин ҳамма нарсани ўйлай-ўйлай калламда ярқ этган фикр уйғонди. Қон... шунча кўп қон... ҳамма ёқни қон босиб кетган... Янги, оёққа чилп-чилп ёпишадиган қон... қон... ҳалқоб бўлиб ётибди.

Шундан кейин ярқ этиб калламга иккинчи фикр урилди. Бу жиноят қон, жиноятнинг ўзи эса қонга қоришган. Яъни Симеон Лининг қони ўзига қарши далил, гувоҳ сифатида кўз ўнгимда гавдаланди.

Эржюль Пуаро бироз олдинга эгилди.

— Бу муаммони ечишнинг иккита калити беихтиёр иккита одам томонидан бизга тақдим қилинди. Биринчи калит миссис Альфред Ли “Макбет” асаридан иктибос қилган: “Ким ўйлабди қари одамда шунча қон бўлади деб”, мисраси. Иккинчиси, Эшик оғаси Тресилианнинг шабкўрлиги. У бу хонадонда шундай воқеалар рўй бераптики, ақл бовар қилмайди, одамларни бир-бирдан ажратолмай адашиб кетяпман деб шикоят қилиши. Тресилиан эшик кўнғироғи жиринлаганда бориб очса, Харри Ли келибди. Эртасига яна эшик жиринглабди, бориб очса Стивен Фарр.

Нима учун Тресилиан адашиб кетади? Харри билан Стивен Фаррга бир қаранглар — нимага адашаётганлигини ўзингиз тушуниб оласиз. Улар иккаласи куйиб кўйгандек бир-бирига ўхшаш. Шунинг учун эшик оғаси Стивен Фаррга эшик очганда уни Харри деб ўйлаган. Унга рўпарасида ҳар икки сафар ҳам битта одам тургандек бўлган. У бугун яна одамларни чалкаштириб юборяпман,

деди. Бунинг ажабланарли ери йўқ! Стивен Фарр қирра бурун, унинг бошини орқага ташлаб кулиб юборадиган, энгагини қашлаб қўядиган одати бор. Симеон Лининг ёшликдаги расмига бир разм солинг. Шунда унинг Харри Лигагина эмас, Стивен Фаррга ҳам қуйиб қўйгандек ўхшашини билиб оласиз.

Стивен қимирлаб қўйди. Стул гичирлади, Пуаро давом этди.

— Симеон Лининг жиззакилигини, оила аъзоларини сўкиб узундан-уzun вайсашларини эсланг. Ҳатто у ўз пушти камаридан бўлган ўғилларидан кўра, никоҳсиз хотинидан туғилган ўғиллари ақллироқ, удабуронроқ эканлигига қасам ичишга ҳам тайёр бўлган. Биз яна Симеон Лининг табиати масаласига қайтамиз. Симеон Ли жазманларининг кўнглини овлашга уста эди-ю, лекин ўз хотинининг бошига не-не кунларни солмасди. Симеон Ли деярли бир-бири билан тенгдош бўлган ўз ўғиллари учун ҳатто шахсий соқчи ёлламақчилигини Пиларга мақтаниб гапириб берган эди. Шундай қилиб, мен Симеон Лининг хонадонидан ўз қонуний оила аъзоларидан бошқа тан олинмаган, ҳеч ким билмайдиган никоҳсиз хотинидан туғилган бошқа ўғли ҳам бор, деган хулосага келдим.

Стивен ўрнидан туриб кетди. Пуаро унга қараб деди:

— Сизнинг кўнглингиздаги гап худди мана шу эди, тўғрими? Поездда танишган қизингиз билан бўлган гаплар сизни унчалик қизиқтирмаган. Ахир сиз қиз билан учрашмасдан олдинроқ поездга минган эдингиз. Сиз менинг отам қандай экан ўзи, деган ўй билан келаётгандингиз.

Стивеннинг юзи оқариб қетди. У хириллаб, бўғиқ овозда шундай деди:

— Ҳа, мен доим шу ҳақда ўйлардим.... Онам отамнинг кимлигини гоҳо-гоҳо гапириб қўярди. Унинг қанақа одамлигини кўришнинг ўзи аслида фирт жиниликдан бошқа нарса эмас. Мен озгина пул жамғариб Англияга келдим. Унга кимлигимни айтмоқчи эмасдим. Ўзимни қари Эбанинг ўғли деб танитдим. Мен фақат бир сабаб билан — отамни ўз кўзларим билан кўриш учунгина келдим.

Катта инспектор Сагден деярли пичирлагандай қилиб, деди:

— Э худо, кўзларим кўр бўлган экан-а... Энди очилди. Икки марта сизни мистер Харри деб қабул қилдим, кейин адашганимга ишондим, шундай бўлса-да, барибир кўнглим тўлмади.

Кейин у Пиларга ўгирилди.

— Ахир шундай бўлганди-ку, а? Сиз мистер Лининг эшиги олдида Стивен Фаррни кўрган эдингиз-ку? Эсимда, ўшанда сиз унга қараб туриб иккиландингиз, кейин у аёл эди деб қўя қолдингиз. Сиз Фаррни кўрган эдингиз, лекин уни сотишни хоҳламадингиз.

Енгил қадам товушлари кулоққа чалинди. Хилда Лининг қаттиқ овози эшитилди.

— Йўқ, — деди у, — нотўғри. Пилар мени кўрган эди.

— Сизними, хоним? — сўради Пуаро. — Менам шундай деб ўйлагандим...

Хилда секингина деди:

— Ўз-ўзини ҳимоя қилиш сезгиси инсоннинг энг улуг туйғуларидандир! Мен ҳеч қачон бундақа кўрқоқман деб ўйламаганман. Индамаганимнинг боиси — кўрққан эдим.

— Энди бор гапни айтиб берарсиз? — сўради Пуаро.

У бош ирғади.

— Биз Дэвид иккала миз мусиқа хонасида эдик. У куй чалаётганди. Галати кайфиятда эди. Узим ҳам озгина хавотирда эдим. Чунки уни бу ёққа келишга асосан мен зўрлагандим. Шунинг учун ўзимда қандайдир жавобгарлик туйғусини ҳис қилардим. Дэвид “Ўлим марши”ни чала бошлади. Қанчалик галати дуоюлмасин, шу кун кечқуруноқ биз зудлик билан кетамиз, деган қарорга келдим. Мен аста мусиқа хонасидан чиқиб юқори қаватга кўтарила бошладим. Мақсадим қайнатамга кетишимизнинг сабабини очиқ-ойдин айтмоқчи бўлган эдим. Йўлак бўйлаб бориб унинг эшигини тақиллатдим. Жавоб бўлмади. Яна тақиллатдим, бу сафар қаттикроқ. Яна ҳеч қандай садо бўлмади. Кейин эшик тутқичини бураб очмоқчи бўлдим, қарасам эшик кулфлоглиқ. Мен нима қилсам экан, дея иккиланиб турган эдим, бирдан ичкари хонадан шовқин-сурон эшитилиб қолди... — Хилда гапдан тўхтади.

— Гапимга ишонмайсизлар, биламан, лекин мен тўғриси айтаяпман. Ичкарида кимдир бор бўлиб, мистер Лига хужум қиларди. Стол, ўриндикларнинг ағдарилиб-тўнтарилиши, ойналару чинниларнинг чил-чил синиши қулоққа чалинди. Бирдан жуда қаттиқ ваҳшиёна қичқириқни эшитиб қотиб қолдим. Кейин орага сукунат чўкди. Нима қилишимни билмай туриб қолдим. Турган жойимда қимирлай олмадим. Кейин мистер Фарр, Мегдалин ва бошқа ҳамма югуриб келди. Мистер Фарр билан Харри эшикни ура кетишди. Эшик ағдарилиб ичкарига кирдик. Қонга беланиб ётган мистер Лидан бўлак хонада ҳеч ким йўқ эди.

Хилда овозини кўтарди-да, ҳайқириб юборди:

— У ерда бошқа ҳеч ким йўқ эди! Ҳеч ким! Тушуняпсизларми? Хонадан ҳеч ким чиқиб кетгани йўқ...

## VII

Катта инспектор Сагден чуқур нафас олиб, деди:

— Ё мен ақлдан озганман, ё бошқалар. Сиз айтиб берган гап, миссис Ли, бунақа бўлиши мумкин эмас, бу тентаклик!

Хилда Ли ҳаяжонланиб кетди:

— Мен нимани эшитган, кўрган бўлсам, шунини айтиб бераман. Қарияни бўғизлаганда қандай қичқиргани, уларнинг қандай олишганини ўз қулоғим билан эшитдим. Лекин хонадан ҳеч ким чиққани йўқ, ичкарида бирон кимса йўқ эди.

Эркуюль Пуаро деди:

— Ҳаммасини кўра била туриб шунча вақтдан буён индамай юрдингизми?

— Ҳа, — Хилда Лининг ранги оқариб кетди. Кейин қатъий қилиб деди: — Чунки эшитган, кўрган-билганларимни батафсил айтиб берадиган бўлсам, сиз қотил деб мени ўйлашингиз, жиллакурса, қотилликда гумон қилишингиз мумкин эди.

Пуаро калласини қимирлатди.

— Йўқ, — деди Пуаро, — уни сиз ўлдирганингиз йўқ. Уни ўз ўғли ўлдирган.

— Худо урсин, мен унга кўлимниям теккизим йўқ! — қичқириб юборди Стивен Фарр.

— Сиз ҳам эмас, — деди Пуаро. — Унинг сиздан бошқаям ўғли бўлган.

— Бу ёғи қандоқ бўлди... — тўнғиллади Харри.

Жоржнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

Дэвид кўзларини ишқалади. Альфред эса, кўзини пириллатди.

— Мен қотиллик содир бўлган ва мен биринчи бор бу ерга келган оқшом, — деди Пуаро, — кўзимга арвоҳ кўринган эди. Бу марҳумнинг руҳи эди. Харри Лини биринчи бор кўрганимда ҳайрон қолгандим. Худди уни илгари ҳам қаердадир кўргандек бўлган эдим. Кейин унинг юз тузилишларига диққат қилиб тикилдим, тикилдим-у, бола ҳам отага шу қадар икки томчи сувдек ўхшайдими, деб ўйладим.

Лекин кеча менинг рўпарамда ўтирган инсон калласини орқага ташлаганча қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Ушанда Харри Ли менга кимни эслатиб юборгани эсимга тушди ва мен яна бошқа бир одамнинг юзларида марҳумга ўхшаш белгиларни ўзимча кашф қилдим.

Бечора қари Тресилиан бир-бирига ўхшаш иккита эмас, уч кишига эшик очиб эсанкираб қолгани ажабланарли эмас. У яқин масофада турганда бир-бирига жуда ўхшаш, учта одам юрибди бу хонадонда деб тан олгани ҳам ажабланарли эмас. Бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаш қиёфа, бурунлари қирра бурун, бошини орқага ташлаб кулишлари, энгагини силаб қўйишлари, юз тузилишлари бир хил одамлар. Учинчи одам мўйлов қўйиб олганлиги сабабли, улардаги ўхшашликни фарқлаш осон эмасди.

Пуаро олдинга энгашди.

— Баъзан полиция зобитлари ҳам ҳаммамизга ўхшаш одам боласи эканлигини, уларнинг ҳам хотин, бола-чақалари, оналари борлигини унутиб



қўйишади. — У бироз тин олди: — Оталари борлигиниям... Симеон Лининг бу ерда, шу вилоятда қандай обрў-эътиборга эга бўлганлигини эслаб кўринг-а, у хотинлар билан юравериб, ўз хотинининг юрагини вайрон қилган эди. Унинг никоҳсиз туғилган ўғлига отасининг табиатидаги кўп нарсалар ўтган бўлиши табиий. Отасининг қиёфаси, имо-ишораси-ю, ҳатто феъл-атворигача ўхшаши мумкин. Ўша ўғилга отасининг гуруриям сабр-тоқатию қассоскорлигиям мерос бўлиб ўтиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

Пуаро овозини кўтарди.

— Сагден, сиз умр бўйи отангиз ўтказган зуғумдан ғазабланиб келгансиз. Менинг назаримда, сиз шунинг учун узоқ вақтдан буён ўз отангизни ўлдириш пайига тушгансиз. Сиз қўшни графликда туғилгансиз. Онангиз Симеон Ли сахийлик билан бериб турган катта-катта пуллар эвазига ўз боласига ота бўладиган одамни топиб олиши шубҳасиз эди. Сиз Миуддсшир полиция маҳкамасига осонгина ишга кириб олишингиз ва қулай фурсатни кутиб юришингиз унчалик қийин эмас эди. Чунки полициянинг катта инспекторида одам ўлдириб жазосиз қолиш учун имконият катта бўлади.

Сагденнинг ранги докадай оқариб кетди.

— Сен ақлдан озибсан! У ўлдирилганда мен уйда бўлмаганман, — деди у.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўк, сиз уни биринчи келганингиздаёқ ўлдириб кетгансиз. Кетганингиздан кейин уни ҳеч ким тирик кўрмаган. Бу сиз учун хамирдан қил суғургандек осон иш эди. Ҳа, Симеон Ли сизни кутган эди, лекин у сизга мутлақо қўнғироқ қилмаган. Бўлаётган ўғирликлар ҳақида шама қилиб сиз қўнғироқ қилгансиз. Унга полицияда хайр-эҳсон учун пул жамғарилаётганини важ қилиб унинг ёнига кечқурун соат саккизлар атрофида келишингизни маълум қилгансиз. Симеон Ли бундан ҳеч қандай шубҳага бормаган. У сиз ўз ўғли эканлигингизни умуман билмаган. Келиб ўғрилارнинг брильянтларни алмаштириб қўйяётгани ҳақидаги олди-қочди гапларни гапириб бергансиз. У бўлса пўлат сандиғини очиб, ўзининг брильянтлари ҳақиқий эканлигини, улар ўз жойида турганлигини айтган, сиз бўлсангиз, ундан кечирим сўраб, Симеон Ли билан бирга камин ёнига келгансиз, кейин қулай пайт топиб овоз чиқармаслиги учун оғзини кўлингиз билан маҳкам ёпиб туриб, бўғзига пичоқ-тортиб юборгансиз. Сиздай барзанги учун бу ишлар осон, чумчўк сўйгандай гап.

Кейин бу манзарани ясашга киришгансиз. Брильянтларни олгансиз. Стол, ўриндиқларни, чироқ ва идиш оёқларни бир жойга тўплаб, белингизга боғлаб олган ипми, чилвирми билан уларнинг орасидан ўтказиб ўрагансиз. Ўзингиз билан бирга озгина аччиқ натрий-лимон қўшилган мол қонини ҳам олиб келгансиз. Бу қонни хонага яхшилаб сочгансиз, кейин ҳалқоб бўлиб турган Симеон Лининг қонига ҳам натрий лимондан сочгансиз-да, мурда қотиб қолмаслиги учун каминга ўт ёққансиз. Шундан сўнг деразадаги тор тешикчадан ипнинг икки учини пастга туширгансиз. Ип ташқаридан деворга осилиб турган. Сиз бўлсангиз, хонадан чиқиб ичкаридаги калитни ташқаридан бураб эшикни беркитгансиз. Бирон кимсага ташқаридан хонага кириш учун ҳеч қандай имконият қолдирмагансиз.

Кейин сиз брильянтларни боғнинг майда қум ётқизилган майдончасига яширгансиз ва буни эртами, кечми, барибир, топиб олишади, деб ўйлагансиз, бундан кейин ҳақиқий ниятим амалга ошади, яъни шубҳа оила аъзоларидан бирига тушади деб ўйлагансиз. Кейинроқ, соат тўққиздан ўн беш дақиқа ўтганда қайтиб келиб, деворда осилиб турган ипни тортиб олгансиз, ана шунда бир-бирига қалаштириб ўраб ташланган ҳар хил асбоб-анжомлар қасир-қусур қилиб ағдарила бошлаган. Ипни бўлса, костюмингизнинг остидан ичингизга ўраб яширгансиз.

Лекин сизнинг яна бир бошқа усулингиз бор эди.

Пуаро бошқаларга қаради.

— Эсингиздами, ҳаммангиз мистер Лининг ўлим олдидаги қичқиригини тасвишлаб бергандингиз. Сиз, мистер Ли, буни ўлим олдидаги талваса дегандингиз. Дэвид Ли, сиз хотинингиз иккалангиз “дўзах ўтида ёняпти” деган иборани ишлатгандингиз. Миссис Дэвид Ли бўлса, аксинча, қандайдир ваҳшиёна қичқириқ — молнинг бўкиришига ўхшаш овоз эшитилди, деганди. ...

Харри Лининг тасвири ҳақиқатга анча яқин келади. У сўйилаётган чўчқанинг чинқириғига ўхшаш овоз эшитилди деган эди.

Бозорда сотиладиган узун қизғиш пуфакни кўрганмисизлар? Унга чўчқанинг башараси чизилган-да, тагига “чўчқанинг жон бериши” деб ёзиб қўйилган. Пуфакнинг оғзи очиб юборилса ваҳшиёна ҳайқириққа ўхшаш овоз чиқади. Сагден, сизнинг сўнги ўйинингиздан биттаси шу эди. Сиз хонага шундай пуфаклардан биттасини ўрнатгансиз-да, оғзига таёқча тиқиб қўйгансиз, таёқчани эса ҳалиги ипга боғлагансиз. Ипни тортганингиздан кейин таёқча пуфакнинг оғзидан чиқиб кетган ва пуфакдан овоз чиқа бошлаган. Бунга мебелларнинг гурсиллаб қулашлари қўшилиб овоз жон талвасасидаги чўчқанинг чинқириғига ўхшаб кетган.

Эркуль Пуаро бошқаларга ўғирилди.

— Энди Пилар Эстравадос ердан нима олганини биласизларми? Катта инспектор бир парча резинкасини биров ердан олмасдан бурун етиб бориб оламан деб умид қилган эди. Лекин уни ердан тезда Пилар намоён қорона олади. Лекин бу ҳақда терговда лом-мим деб оғиз очмади. Уз-ўзидан маълумки, сукут шубҳага асос бўлади. Мен бу ҳақда Мегдалин Лидан эшитдим. Кейин Сагдендан бу нима деб сўрадим. Бундай рўй бериши мумкин бўлган ҳолатга унда жавоб тайёр эди. У менга мистер Лининг губкасига резинка қопчадан аввалдан кесиб тайёрлаб қўйилган резинка билан таёқчани кўрсатди. Хуллас, резинка парчаси ва таёқча сиз ўйлаган вазифани бажарди. Уша вақтда булар менга аҳамиятсиздек бўлиб кўринганди. “Бу нарсалар у ерда бўлиши мумкин эмас, Сагден кўзбўямачилик қиляпти...” деб айтмаганим қандай аҳмоқлик бўлган экан-а. Шундан кейин буларга асос топишим керак деб роса уриндим. Бир пайт мадемуазель Эстравадос ҳаво пуфагини ўйнаб туриб ёрворганда қичқириб юборган эди. Худди мана шундай пуфак парчасини Симеон Лининг хонасидан топган пайтдагина гап нимада эканлигини тушуниб етган эдим.

Энди ҳамма далиллар, ашёлар бир-бирига боғланиб бораётганини кўряпсизларми? Қотилликни хаспўшлаш учун ақл бовар қилмайдиган далилларни қаранг. Биров кириб ҳаммадан олдин билиб қолмаслиги учун эшикнинг ташқаридан қулфланиши. Мархумнинг қичқириғи. Жиноят мантиқан чуқур ва оқилона ўйланган.

Пилар Эстравадос ҳаво пуфагининг бир бўлагини топиб олиб қичқириб юборгандан кейин у қотилнинг хавfli душманига айланиб қолган эди. Агар қотил унинг овозини уйнинг ичидан эшитганда (шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин у ҳовлида туриб қаттиқ ва аниқ-равшан қичқирди, чунки дераза очиқ эди), унинг ҳаёти катта хавф остида қолган бўларди. Шундоғам Пилар қотилга яхшигина ноқулайлик туғдириб қовун тушириб қўйган эди. У қария Ли ҳақида гапира туриб, аҳтимол, у ёшлигида жуда чиройли бўлган бўлса керак, деган ва шундай деб Сагденга қараб “Сизга ўхшаб” деб юборганди. У бунини очиқ кўнгиллик билан айтган, бунини Сагден тушунарди. Сагденнинг ўшанда қип-қизариб кетганига, беихтиёр томоқ кириб йўталиб юборганига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу нарса кутилмаганда содир бўлган бўлиб, унинг учун бу деярли ўлим билан баробар эди.

Кейин Сагден ҳамма айбни Пиларга тўнкамоқчи бўлиб юрди. Лекин бунини ишонтириш жуда қийин эди. Чунки мархумни гумдон қилиш учун унинг невараси қўлида ҳеч қандай асос йўқ эди. Кейинроқ унинг ҳаво пуфағи ҳақидаги ҳайрағланиб гапирган гапини эшитгандан кейин қўлидаги охириги чорасини ишга солди. Ҳамма овқатланиб ўтирганда эшикка тузоқ қўйди, яъни тош осди. Пиларнинг бахти бор экан, унинг тузоғи ҳам иш бермади.

Орага ўлик сукунат чўкди. Кейин Сагден сукунатни бузиб аста сўради:

— Бунга қачон ишонч ҳосил қилдингиз?

Пуаро жавоб берди:

— Мен сохта мўйлабни олиб келиб, Симеон Лининг расмига қўйганимдан кейингина тамоман ишонч ҳосил қилдим. Ўшанда менга қараб турган мархумнинг юзи билан сизнинг юзингиз икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш бўлди.

Кейин Сагден деди:

— Дўзахда куйиб кул бўлсин у! Қилган ишимга ҳеч қачон ўкинмайман!

## ЕТТИНЧИ ҚИСМ. 28 декабр

### I

Лидия Ли деди:

— Пилар, биз сенга тўғри келадиган бирон қарорга келгунимизча, биз билан бирга яшаганинг маъқул деб ўйлайман.

Пилар қисқа қилиб жавоб берди:

— Лидия, сиз жуда очиққўнгил аёл экансиз. Шунақаям гўзалсизки. Сиз шов-шувсиз ҳар қандай одамни кечириб юбораверар экансиз.

Лидия табассум қилди.

— Номинг бошқа бўлсаям ҳалигача Пилар деб аташимни қара.

— Ҳа. Мен Кончита Лопесман.

— Кончитаям жуда чиройли исм.

— Ҳа, сиз жуда олижаноб аёлсиз, Лидия. Лекин менинг ғамимни емай қўя қолинг. Мен Стивенга турмушга чиқмоқчиман. Биз Жанубий Африкага кўчиб кетамиз.

— Нимаям дердим, бахтли бўлинглар, — деди Лидия кулимсираб.

Пилар тортиниб сўради:

— Жуда меҳрибон экансизлар, Лидия, бирон кун йўлимиз тушиб қолиб Рождество байрамини ўтказиш учун сизларникига келсак, малол келмайдими? Ўшанда маза қилиб крекер, майиз тановул қиламиз, арчага ўйинчоқларни осиб, кичкина қорбобо саймиз.

— Албатта, бошимиз кўкка етади, келишларингиз шарт, ўшанда ҳақиқий инглиз Рождествосини ўтказамиз.

— Жуда зўр бўларди, Лидия, менимча, бу йилги Рождество унчалик ёқинқирамади.

Лидия оғир хўрсиниб деди:

— Ҳа, бу йилги Рождество жуда кўнгилсиз бўлди...

### II

— Хайр, Альфред, — деди Харри. — Менимча, бундан кейин кўзингга кўришиб ҳеч қачон таъбингни тирриқ қилмасам керак. Гавайяга кетаман. Агар етарли маблағ топсам, ўша ерда яшайман. Бу менинг орзуим,

— Хайр, Харри, — жавоб берди Альфред. — Назаримда, маза қилиб яшасанг керак.

Харри ўзини ноқулай сезиб деди:

— Кечир, мени жиғингга тегиб юрганим учун. Бемаъни ҳазил-хузул қилишларимни ҳеч ҳам тарк қилолмадим. Бировни ҳазил-мазах қилмасам, кўнглим тўлмайди.

Альфред ўзини зўрлаб деди:

— Бундан буён ҳазилниям тушунишга ҳаракат қиламан.

— Бўпти, ҳозирча хайр бўлмаса, — деди Харри енгил тортиб.

### III

Альфред деди:

— Дэвид, биз Лидия иккаламиз бу уйни сотишга қарор қилдик. Мен онамизга тааллуқли бўлган бирон нарсани олсангмикин деб ўйловдим. Мана бу ўриндиқ, стулларними. Ахир сен онамизнинг энг сеvimли ўгли эдинг.

Дэвид аввал иккиланди, кейин аста деди:

— Таклифинг учун раҳмат, Альфред, ҳеч нарса керакмас. Бу хонадондан бирон нима олмаганим маъқул. Яхшиси, ўтмиш билан бутунлай алоқани узганим яхши.

— Тушунаман сени, — деди Альфред. — Балки, сен ҳақдирсан.

## IV

— Хайр, Альфред, хайр Лидия, — деди Жорж. — Жуда оғир дақиқаларни бошдан кечирдик! Энди ҳали суд бор. Эҳтимол, шармандали ҳодисалар энди юзага қалқиб чиқар. Қара, Сагден... отамизнинг ўгли бўлиб чиқди-я... Илғор коммунистча қарашга эга бўлганим учун бир капиталистни маҳв қилдим дегандек ва шунга ўхшаш бошқа бирон баҳона топишга уни кўндириб бўлмасмикин?

— Азизим Жорж, — деди Лидия. — Наҳотки Сагдендай одам бизларни шармандалиқдан кутқариш учун ёлгон гапиради деб ўйласанг?

— Э... э... ҳечам гапирмайди, — деди Жорж. — Фикрингга қўшиламан. Лекин айтиб кўяй, у қип-қизил аҳмоқ. Хўп майли, яна бир марта хайр.

— Хайр, — деди Мегдалин. — Келаси йил ҳаммамиз биргалашиб Рождество байрамида Ривьерагами ё бошқа бирон жойгами борамиз. Ушанда ростакамига байрам қиламиз.

— Бу биржага боғлиқ, — деди Жорж.

— Жонгинам, мунча зикналик қиласан-а? — вайсади Мегдалин.

## V

Альфред айвонга чиқди. Лидия тош айлантирилган богчасида гивирларди. Эрини кўриб қадини ростлади.

— Шундай қилиб, ҳаммаси жўнаб кетишди, — деди Альфред.

— Худога шукур, — жавоб берди Мегдалин.

— Ҳа, сен бу ердан кетсак хафа бўлмайсанми? — деб сўради Альфред.

— Ўзинг хафа бўласанми? — сўради хотини.

— Йўқ, хурсанд бўламан. Ҳали иккаламиз қилишимиз керак бўлган кўп ажойиб нарсалар бор. Бу ерда қолиб яшасак, бошимизга тушган қора кунлар кўз олдимиздан нари кетмай таъбимизни хира қилиб тураверади. Худога шукур, ҳаммаси энди ортда қолди.

— Эркюль Пуаронинг шарофати билан, — деди Лидия.

— Ҳа, биласанми, унинг тушунтиришларидан кейин ҳамма нарса шундай жой-жойига тушдики, қойил қолмай иложинг йўқ.

## VI

— О худойим, — ҳайқириб юборди полковник Жонсон. Кейин кўшиб кўйди.

— Уни қаранг-а! — Кейин яна: — О, худойим-а! — деб юборди.

У ўриндиққа ўзини ташлаб Пуарога қаради-да, ҳазил оҳангида деди:

— Менинг энг яхши ходимим-а. Полиция қаёққа қараб кетяпти?

— Ҳар бир полициячининг ҳам ўз шахсий ҳаёти бор, — деди Пуаро. — Сагден жуда мағрур одам эди.

Полковник Жонсон калласини қимирлатди.

Фикрини тўшлаб олиш учун каминда ёнаётган ёғочни олиб, чўғни у ёқ-бу ёққа сурди, кейин овози бўлиниб-бўлиниб шундай деди:

— Мен доим бир гапни қайта-қайта гапириб юраман — дунёда ёнаётган ўтиндан яхши нарса йўқ.

Эркюль Пуаро эса елвизакдан елкаси совқотганини сезиб ўзича: “Менга қолса, ҳаммаси марказлаштирилган иссиқликдан ўтаверсин”, — деб кўйди.

*Тамом.*

*Русчадан  
Тўлқин АЛИМОВ  
таржимаси.*